

р2
Г 71


М. ГОРЬКИЙ

АСАРЛАР

V

ТОМ

АРТАМОНОВЛАР ИШИ
ЕГОР БУЛИЧОВ ВА БОШҚАЛАР
ВАССА ЖЕЛЕЗНОВА



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЕТИ
Тошкент — 1973

Редколлегия:

ОЙБЕК, ҚАҲДОР, К. ЯШИН Ҳ. БУЛОМ,
А. МУХТОР, Л. ҚАҲОМОВ

Горький Максим.

Асарлар 10 томлик. (Редколлегия: Ойбек, А. Қаҳдор,
К. Яшин ва бошқ.) Т. 5. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти.
1973.

Т. 5. Артамоновлар иши.— Юсуф Тоҳири тарж. Егор
Буличов ва бошқалар, — Васса Железнова.— Маъруф Ҳа-
ким тарж. 408 б.

Горький М. Сочинение. В 10-ти томах. Т. 5.

7—3—2—48 124—73
Г—М—352—06—73

8P2

АРТАМОНОВЛАР ИШИ

I

Озодликдан¹ икки йилча кейин, худонинг шакл-шамонли ўзгарган куни² кундузги ибодат вақтида, Никола на Тичке³ номли черков қавмлари ораларида юрган бир «бегона» одамни пайқадилар; у тиқилинчда одамларни менсимай туртиб-суртиб, Дремов шаҳрида энг мўътабар ҳисобланган иконалар олдиға қимматбаҳо шамлар қўйиб ёқар эди. Ўзи забардаст, кураксимон бароқ соқоли анчагина оқарган, лўлилар сочига ўхшаш жингалак-жингалак, қорамтир сочлари ҳурпайиб кетган, бурни жудаям катта, ўсиқ ва қалин қошлари остидан кўк кўзлари чақчайиб хунук тикилар, қўллари осилтирганда кенг кафтлари тиззасига етарди.

Бу одам шаҳарнинг номдор кишилари қаторида крест олдиға борди, бундай қилиғи айниқса уларға ёқмади, ибодат тугагандан кейин Дремовнинг атоқли кишилари бу бегона одам тўғрисида фикрлашмоқ учун черков жиловхонасига тўпландилар. Биринчи — жаллоб, иккинчиси — бурмистр⁴ деб тахмин қилди, ўзи касалманд бўлса ҳам, дили пок шаҳар бошлиғи Евсей Баймаков астагина йўталиб:

— Ҳар ҳолда дворовойлардан⁵ бўлса керак, овчи ёки жанобларнинг кўнгил ҳушловчи кишиларидан бўлса ҳам ажаб эмас, — деди.

¹ Гап 1861 йилги деҳқонлар озодлиғи тўғрисида боради. (Тарж.)

² Христиан дини байрамларидан бири 6-августда бўлади.

³ «Никола на Тичке» Николай авлиёнинг шарафига тепа устига солинган черков.

⁴ Помешчик тарафидан белгиланган қишлоқ бошлиғи.

⁵ Дворовой — катта ер эгаларининг уй ишларини бажарувчи хизматкор.

«Бева суварак» лақабли ҳовлиқма, ишратпараст, сас-сиқ сўз, чўтир ва бадбашара мовутчи Помялов ичиқоралик билан:

— Дастпанжасининг узунлигини кўрдингларми? Юришига қаранг, ҳамма черковлар худди унинг учун қўнғироқ чалаётгандай талтаяди-я,— деди.

Асл мовутдан бели бурма кўк камзул ва оёғига яхши кўн этик кийган, ягрини кенг, бурни катта одам гўё ўз ерида юргандай, кўчада дадил қадам ташлаб, қўлларини чўнтагига солиб, тирсақларини биқинига тираб борар эди. Жиловхонадагилар бу кишининг кимлигини аниқлаб келишни черков кулчаларини ёпувчи Ерданскаяга топшириб, ўзлари Помялов таклифига кўра, қўнғироқ садолари остидан унинг малиназоридида балиш билан чой ичгани жўнадилар.

Тушки овқатдан кейин дремовликлардан баъзилари бу номаълум одамни сойнинг нариги ёғидаги Ратский князларининг ерида, «Сигир тили» деб аталган бурунда кўрдилар. Бу киши толзорлар орасида бир текис, кенг одимлар билан қумлоқ бурунни улчаётгандай у ёқдан-бу ёққа юрар, кафти остидан шаҳарга, Ока дарёсига ва уни айланиб, ёрнинг оқувчи балчиқли Ватаракша жилғасига қарар эди. Дремовда эҳтиёткор кишилар яшайди, шунинг учун, кимсан, нима қилиб юрибсан, деб сўрашга ҳеч ким журъат этмади. Шундай бўлса ҳам шаҳарнинг масхарабози ва пияниста миршаби Мишка Ступани юбордилар; у ҳамманинг олдида, ҳатто хотинлардан ҳам уялмай, иштонини ечди-да, ёғимланган қалпоғини бошидан олмай, балчиқли Ватаракшани кечиб ўтди, маст ҳолда қорнини чиқариб, кулгилли тарзда гоз юриш қилиб бегона одамнинг олдида борди ва ўзини баҳодир кўрсатиш учун, атайлаб баланд товуш билан:

— Ким бўласан?— деб сўради.

Бегона одамнинг нима жавоб бергани эшитилмади, лекин Ступа дарров ҳамшаҳарлари олдига қайтиб келиб, деди:

— У мендан: нега бунчалик бесўнақайсан, деб сўради. Кўзлари ўқрайган, қароқчига ўхшайди.

Черков кулчаларини ёпувчи буқоқ хотин, машҳур фолбин ва доно Ерданская кечқурун Помяловнинг малиназоридида кўзларини ола-кула қилиб, шаҳарнинг атоқли кишиларига:

— Исми — Илья, лақаби — Артамонов экан, шаҳримизда ўрнашиб, ўзича бир иш қилмоқчи бўлганини айтди,

лекин қандай иш қилмоқчи эканини билолмадим. Воргород йўли билан келиб, соат учдан ошганда яна шу йўлдан қайтиб кетди,— деди.

Шундай қилиб, бу одам тўғрисида аниқроқ бирон нарса билолмадилар, бу ҳол ҳамманинг кўнглини гаш қилди, гўё тун қоронғисида биров келиб, деразани тиқиллатди-ю, бўлажак фалокатлардан сўзсиз хабар бериб, бекиниб олгандай бўлди.

Орадан уч ҳафта ўтиб, бу ҳодиса шаҳарликларнинг эсидан чиқаёзган пайтда, Артамонов тўсатдан уч киши билан тўппа-тўғри Баймаков ҳузурига келди-да, дагаллик билан:

— Мана сенга, Евсей Митрич, қўл остингда яшагани лнги фуқаролар келтирдим. Ёнингда жойлашиб, яхши турмуш қуриб олиш учун менга ёрдам бер,— деди.

Қисқа ва маъноли қилиб, ўзи князь Ратскийларнинг одами бўлиб, Курск губерна, Рать дарёсидаги князлар мулкидан эканини, князь Георгийнинг гумаштаси бўлганини, озодликдан сўнг ундан кетганини, яхши мукофотланганини ва полотно фабрикаси очиб, ўзича иш юргизмоқчи бўлганини сўзлади. Ўзи бўйдоқ, болаларининг каттаси — Пётр, букури — Никита, учинчиси — Алёша, аслида жияни, уни ўғил қилиб олган.

— Бизнинг мужиклар зиғирни кам экади,— деб қўйди Баймаков ўйланиб.

— Кўпроқ экишга мажбур қиламиз.

Артамоновнинг овози йўғон ва дағал, гапирганда катта барабанны ургандай дўриллаб чиқар эди, Баймаков эса, умр бўйи эҳтиёт бўлиб қадам қўяр, даҳшатли бир нарсани уйғотиб қўйишдан қўрққандай, секин гапирарди. У Артамоновнинг эшик олдида тошдай қотиб турган болаларига ёқимли, кўкимтир, қайғули кўзларини пирпиратиб қаради: улар ҳар хил, каттаси — отасига ўхшаган кўкраги кенг, қошлари пайваста, кўзлари айиқниккига ўхшаш кичкина, Никитанинг кўзлари қизлар кўзига ўхшарди, катта-катта ва эгнидаги қўйлагидай кўм-кўк, Алексейнинг сочи жингалак, юзи қип-қизил ва чиройли, оқ бадан, дадил ва шўх боқарди.

— Бирини солдатликка берсак бўладими?— деб сўради Баймаков.

— Йўқ, болалар ўзимга керак, квитанциям бор.¹

¹ Илгари пулдор кишилар болаларни мажбурий ҳарбий хизматдан пул тўлаб, квитанция олиб, қутқариб қолардилар.

Кейин болаларига қўл силкиб:

— Ташқарига чиқинглар,— деб буюрди Артамонов.

Улар бирин-кетин, ғозга ўхшаб тизилишиб, катта-кичикликка риоя қилиб, секин чиқиб кетганларидан сўнг, Баймаковнинг тиззасига оғир кафтини қўйиб:

— Евсей Митрич, мен бир йўла сенга совчи ҳам бўлиб келдим, қизингни катта ўғлимга бер,— деди.

Баймаков қўрққанидан ўтирган ўрнида ирғиб тушиб, қўлларини силкитди:

— Сенга нима бўлди, худоё тавба! Сени биринчи кўришим, ким эканингни билмайман, сен бўлсанг, ўҳ-ҳо! Битта-ю битта қизим бор, ҳали ёш, сен уни кўрганнинг ҳам йўқ, қандайлигини билмайсан ҳам. Бу қандай гап?

Артамонов эса мийғида кулиб:

— Менинг тўғримда уезд полиция бошлиғи — исправникдан сўра, у менинг князимдан кўпдан-кўп миннатдор, ҳамма ишда ёрдам бериб туриши лозимлигини князь унга ёзган. Менинг тўғримда ёмон гап эшитмайсан, мана бу туратмас иконалар олдида онг ичаман. Сенинг қизингни биламан, мен бу ерни, шаҳрини далай ишқибатнинг ҳаммасини биламан, тўрт марта яширинча келиб кетганиман, ҳаммасини сўраб-суриштирганман. Катта ўғлим ҳам келиб кетган, қизингни ҳам кўрган, хотиржам бўлавер!

Баймаков, гўё устига айиқ ташлангандек сезди ўзини, меҳмондан илтимос қилди:

— Сабр қил ахир...

Бир сўзлик киши жиддий равишда:

— Узоққа чўзмасанг сабр қиламан, лекин кўп кутишга ёшим тўғри келмайди,— деди-да, деразадан ҳовлига қараб чақирди:

— Келинглар, хўжайин билан хайрлашинглар.

Улар хайрлашиб кетганларидан кейин, Баймаков қўрқиб, иконаларга қараб уч марта чўқинди-да, ўзича:

— Худойим, ўзинг раҳм қил! Булар қандай одамлар? Бало-қазодан ўзинг сақла,— деб пичирлади.

У ҳассасини дўқиллатиб, боғ томон судралиб кетди; у ерда, арғувон дарахти остида, хотини билан қизи мураббо қайнатаётган эди. Унинг барваста, чиройли хотини:

— Митрич, ҳовлида турган азамат йигитлар ким экан?— деб сўради.

— Номаълум одамлар. Наталья қани?

— Қазноқдан қанд олиб келгани кетди.

— Қанд олиб келгани,— деб хафа ҳолда такрорлади

Баймаков чимдан қилинган скамейкага ўтираётиб.— Қанд. Йўқ, эркинликдан одамларга ташвиш ортади, деб тўғри айтилган экан.

Хотини унга синчиклаб қараб, хавотирланиб:

— Сенга нима бўлди? Яна тобинг қочдимми?— деб сўради.

— Кўнглим ғаш бўляпти. Бу киши менинг ўрнимни олгани дунёга келганга ўхшайди.

Хотини уни юпатиб:

— Қўй-э! Ҳозирги замонда қишлоқлардан шаҳарга келаётган кишилар озми,— деди.

— Ҳамма гап уларнинг келишида-да. Мен ҳозирча сенга ҳеч нима демайман, олдин ўзим бир ўйлаб кўрай-чи...

Беш кундан кейин Баймаков касал бўлиб ётиб қолди, ўн икки кундан кейин ўлди. Унинг ўлими Артамонов билан болаларига яна кўпроқ доғ туширди. Шаҳар бошлиғи касал бўлиб ётганда Артамонов унинг олдига икки марта келди. Биринчи гал яккама-якка узоқ маслаҳатлашди. Иккинчи гал келганида Баймаков хотинини чақирди-да, мадорсиз қўлларини кўксига қўйиб:

— Мана, хотиним билан гаплаш, бу дунёнинг ишларига аралашадиган ҳолим йўқ. Қўйинг, дам олай,— деди.

— Ульяна Ивановна, қани, мен билан юр,— деб буюрди-да Артамонов, бека келяптими, йўқми деб орқасига қарамай, хонадан чиқди.

Хотини меҳмон орқасидан боришга ботинолмай турганини кўриб:

— Бор, Ульяна, начора, пешанамизга ёзилгани шу экан,— деди Баймаков оҳистагина. У ақлли хотин эди, ўйламасдан ҳеч бир иш қилмасди. Бу сафар эса, ўйлашга маврид бўлмай, бир соатчадан кейин эрининг олдига келиб, узун, чиройли киприкларидан кўз ёшларини оқизиб:

— Начора, Митрич, чиндан ҳам пешанамизга ёзилгани шу экан, қизингни фотиҳа қилиб қўя қол,— деди.

Баймакова башанг кийинган қизини кечқурун эри ётган ўрин ёнига олиб келди. Артамонов ҳам ўғлини туртиб қўйди, йигит билан қиз бир-бирларига қарамай, қўл ушлашди ва тиз чўкиб, бош эгишди. Баймаков эса, энтикиб, оталаридан қолган марваридлар қадалган қадимий икона билан уларни ёпиб:

— Ул худо ва ҳазрати Исо ҳурмати... Ё парвардигор, фарзандимдан марҳаматингни аяма!— деди. Кейин Артамоновга қатъий қилиб:

— Хотирингда бўлсин, қизим учун тангри олдида жавобгарсан!— деди.

Артамонов қўлини полга тегизиб, таъзим қилди-да:

— Биладан,— деди.

Сўнгра, бўлгуси келинига бир оғиз ҳам ширин сўз айтмай, унга ҳам, ўғлига ҳам қарамасдан, боши билан эшикни имо қилиб:

— Боринглар,— деди.

Фотиҳа олганлар уйдан чиққач, Артамонов бемор ётган тўшакка ўтириб, қатъий тусда:

— Хотиржам бўл, ҳаммаси жойида бўлади. Мен ўз князларимга ўттиз йил жазосиз хизмат қилдим, инсон эса — худо эмас, инсон шафқатсиз, унга ёқиш қийин. Қудай Уल्याна, сенга ҳам яхши бўлади, ўғилларимга оналик қиласан, улар сени ҳурмат этишади,— деди.

Баймаков бурчакдаги иконаларга қараб, индамай эшиктар ва йиғлар, Уल्याна ҳам хўрсиниб йиғлар эди: бу киши эса алам билан дерди:

— Эҳ, Евсей Митрич, сен бу дунёдан барвақт кетяпсан, узингни эдтийб қилмагансан. Сен менга ниҳоятда зарур эдинг-да!

У соқолини тутамлаб, қаттиқ «ух» тортди.

— Сени яхши биламан: сен — инсофли, тўғри, ақам расо одам эдинг, мен билан беш йилгина яшаганингда — ишларни қойил қилиб юборардинг, начора, худонинг хоҳиши шу экан!

Уल्याна ҳазин товуш билан:

— Сен нима деб қагиллаяпсан, олақарга, нега бизни қўрқитасан? Ҳали балки, ўлмас...— деб қичқирди.

Артамонов ўрнидан турди-да, ўликка таъзим қилгандай, Баймаковга икки букилиб таъзим қилди:

— Ишонганинг учун раҳмат. Хайр сизларга, Окага боришим керак, у ерда хўжалик асбоблари ортиб баржа келган.

У чиқиб кетгандан кейин, Баймакова ранжиб:

— Беодоб қишлоқи, унашилган келинига бир оғиз ширин сўз топиб айтолмади-я,— деб мингиллади.

Эри уни тўхтатди:

— Кўп зорланаверма! Мени безовта қилма!

Кейин бир оз ўйланиб туриб:

— Уни маҳкам ушла, ҳар ҳолда, бу ердагилардан яхшироқ,— деди.

Баймаков ўлди, бутун шаҳар йиғилишиб, уни ҳурмат

билан кўмди, беш черковнинг руҳонийлари қатнашди. Артамоновлар тобут орқасидан марҳумнинг хотини билан қизидан кейин юрдилар. Уларнинг бу қилиғи шаҳар аҳлига ёқмади. Улар кетидан келаётган букур Никита одамларнинг гапларини эшитди:

— Кимлиги номаълум-ку, бирданига олдинга чиқиб олди-я.

Помялов, эман уруғи рангига ўхшаган юмалоқ кўзларини аланглатиб:

— Марҳум Евсей ҳам, Ульяна ҳам жуда эҳтиёткор кишилар, улар бекорга бир нарса қилмайдилар. Шундай экан, бу ишда бир сир бор. Бу қалхатнинг бирон нарсаси уларни қизиқтирган, бўлмаса, улар бунга қуда бўлармиди?— деб шивирлади.

— Ҳа, бир сир бор.

— Мен ҳам сир бор деяпман-ку. Қалбаки пули бўлса керак. Лекин Баймаков ҳалол умр кечирган одамга ўхшарди, а?

Никита бошини эгиб тинглар ва гўё мушт тушишини кутгандай нуқул букурини букарди. Шамол қутуриб оломоннинг орқа тарафидан урар, юзлаб оёқдан кўтарилган чанг булути одамлар кетидан эргашиб, яланг бошларга, мойланган сочларга упадай ўтирар эди. Кимдир:

— Уни қара, Артамоновни чангимиз роса бошлабди-ку, оқариб кетибди-я, лўли...— деди.

Эри дафн этилганидан ўн кун кейин Ульяна Баймакова қизи билан монастырга кетди, уйини Артамоновга топширди. Артамонов билан болалари гирдобга тушгандай, эртадан-кечгача ҳамманинг кўзи олдида кўчаларда шошиб-пишиб юришар, черковга қараб тез-тез чўқинишарди; отаси тиниб-тинчимас, шовқин солгани-солган, катта ўғли — қовоғи солиқ, индамас, афтидан, мўминтой ёки уятчан, хушрўй Алёша бўлса — йигитларга бўш келмас, қизларга дадил кўз қисар, Никита эса букурини дўппайтириб олиб, қуёш чиқиши билан сойнинг нариги тарафидаги «Сигир тилига» кетарди. У ерда ҳар ёқдан қузгундай ёпирилиб келган дурадгорлар, ғиштчилар ғиштан узун казарма қуришмоқда ва ундан нарироқда, Ока лабига ўн икки вершокли ёғочлардан турмага ўхшаш икки қаватли катта уй тиклашмоқда эди. Кечқурун Дремов шаҳрининг аҳолиси Ватаракша бўйига тўпланиб, қовоқ уруғи ва кунгабоқар чақар, арраларнинг қирт-қирти ва визиллашини, рандаларнинг шириллашини, ўткир болталарнинг тапил-

лаб тушишини эшитар, беҳуда қурилган Бобил минорасини хотирлаб кулишарди. Помялов бўлса, одамларга таскин бергандай, бегона кишилар бошига турли фалокатлар келишини айтарди:

— Баҳорда бу хунук иморатларни сув босиб кетади. Ут тушиши ҳам мумкин: дурадгорлар тамаки чекиб ташлашади, ҳамма ёқни қиринди, пайраҳа босиб ётибди.

Сил касалига мубтало бўлган поп Василий бўлса:

— Иморатни қум устига солишяпти,— деб унга қўшимча қиларди.

— Фабрика одамларини тўплашяпти, пиянисталик, ўғрилиқ, бузуқчилик бошланади энди.

Гавдаси катта, ёғ босиб кетган, бақ-бақалоқ тегирмончи ва майхоначи Лука Барский хириллаган йўғон товуш билан:

— Одам кўп бўлса кун кўриш осонроқ бўлади, қўяверинг, одамлар ишласин,— деб таскин берар эди.

Никита Артамонов шаҳар халқини жуда ҳам кулдирарди; каттакон чорбурчак ерда толларни кесар ва кўпорар, кўши билан Ватарақшанинг балчиғини тозалар, ботқоқликдан торф кесар, оукурини дўшайтириб олиб, торфни қум билгалтакка соларди-да, қум устига тўп-тўп қилиб тахлар эди.

— Полиз қилмоқчи шекилли,— деб ўйлашди шаҳарликлар.— Вой аҳмоқ-э, қумни ҳам ўғитлаб бўлар эканми?

Кун ботишда Артамоновлар розга ўхшаб, бирин-кетин тизилиб, отаси олдинда, болалари кетида сойдан кечиб ўтаётганларида, Помялов уларнинг кўкимтир сув бетига тушган соясини кўрсатиб:

— Ана уни қаранг, ана уни қаранг, букрининг соясини қизиқлигини қаранг!— деди.

Одамлар назарида, қаторда учинчи бўлиб ўтиб келаятган Никитанинг сояси бошқача қалтираб, гўё ака-укаларининг узун сояларидан оғирроқдай кўринарди.

Бир куни, кўп ёққан ёмғирдан кейин, сойнинг суви кўтарилиб, букур, сув остидаги ўсимликларга ўралибми ёки бирон чуқурга оёғи кирибми, мункиган эди, сув уни кўмиб кетди. Соё бўйидаги томошабинларнинг ҳаммаси бирданига қаҳ-қаҳ уриб юборди, ёлғиз пияниста соатсознинг ўн уч яшар Ольғушка Орлова деган қизигина ачиниб:

— Вой, вой, чўкиб кетади!— деб чинқирди.

Кимдир унинг гарданига уриб:

— Бекордан-бекорга шовқинлама,— деди.

Энг кейин келаётган Алексей бир шўнғиди-ю, акасини кўтариб, турғазиб қўйди. Иккиси ҳам шалаббо бўлиб сойнинг балчиғига буланиб соҳилга чиқди. Алексей сувдан чиқиб тўғри одамлар томон бостириб бораверди, улар йўл бериб чекиндилар, орадан кимдир қўрқув билан:

— Йиртқич боласини қаранг-а...— деди.

— Бизни ёмон кўришади,— деди Пётр; Отаси йўл-йўлакай унинг юзига қараб:

— Сабр қил, яхши кўриб қолишади ҳали,— деб қўйди.

Кейин Никитани койиди:

— Ҳой, тасқара! Оёқ остинга қараб юр, халққа кулги бўлма. Биз кулги бўлиш учун бу ерда юрганимиз йўқ, букур!

Артамоновлар ҳеч ким билан танишмай, ўз ҳолларича яшашарди, уларнинг рўзгорини семиз кампир юритарди, унинг бутун уст-боши қора, боши ҳам қора рўмол билан боғланган, рўмолининг тугуни эса шохга ўхшаб турар эди; кампир аллақандай сучук тил билан сўзлар, худди рус эмасдай, кам ва тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирарди, Артамоновлар тўғрисида ундан ҳеч нарса билиб бўлмасди. Шаҳар аҳли:

— Қароқчилар-е, ўзларини монах қилиб кўрсатишмоқчи,— дерди.

Отаси билан катта ўглининг атрофдаги қишлоқларга тез-тез бориб, деҳқонларни зигир экишга ташвиқ қилиб юрганлари маълум бўлди. Шундай сафарлардан бирида Илья Артамоновга қочқин солдатлар ҳужум қилди: у солдатлардан бирини хом тасма учига икки қадоқли тош бойланган чўқмор билан уриб ўлдирди, иккинчисининг бошини ёрди, учинчиси қочиб қутулди. Артамоновнинг бу иши учун исправник уни мақтади, Ильинский номидаги камбағал черковнинг ёш попи эса, одам ўлдириб гуноҳга ботгани учун, унга қирқ кеча черковда ибодат қилишни юклади.

Куз кечаларида Никита отасига, ака-укаларига авлиёларнинг ҳаёти тўғрисида, черков раҳнамоларининг таълимларидан ўқиб берарди, лекин отаси уни кўпинча тўхтатиб қўярди:

— Бу жуда юксак ҳикматли гаплар, унга бизнинг ақлимиз етмайди, биз қора ишчилармиз, бундай нарса тўғрисида ўйлаш бизга муносиб эмас. Биз оддий ишлар учун туғилганмиз. Марҳум князь Юрий етти минг китоб ўқи-

ган. Бу фикрларга шунчалик берилиб кетдики, бора-бора худога ҳам ишонмай қўйди. Ер юзини кезиб чиққан, ҳамма қироллар ҳузурида қабул қилинган машҳур одам эди! Лекин мовут ишлайдиган фабрика солдирган эди — иши юришмади. Қандай иш бошламасин — бўлмади, ўзини ўзи оқламади. Шундай қилиб, бутун умри деҳқоннинг нонини ейиш билан ўтди.

Артамонов гапирганда ҳар бир сўзини аниқ қилиб, сўз оҳангига қулоқ солиб, ўйлаб гапирар ва яна болаларга таълим беришга тушиб кетарди:

— Сизга яшаш қийин бўлади, сиз ўзингизга ўзингиз қонун, ўзингиз ҳимоя. Мен ўз ихтиёрим билан ишламай, буюрилганини қилиб умр ўтказдим. Кўрардимки, иш бошқача бўлиши керак, лекин тузатиш қўлимдан келмасди, чунки иш менинг ишим эмас, хўжайинларники. Ўзим ишлаш у ёқда турсин, ўйлашга ҳам ботинолмас эдим, ўз ўйим билан хўжайин фикрини аралаштириб юборишдан кўрқардим. Эшитяпсанми, Пётр?

— Шундай. Хотирингда тут. Одам яшаб турса ҳам, йўққа ўхшайди. Албатта, жавобгарлиги ҳам кам, сен ўз ихтиёринг билан юрмайсан, сени бошқариб турадилар. Жавобгар бўлмай яшаш осону, лекин фойдаси кам.

Баъзи вақтларда у бир соат, икки соат гапирар, ҳамма вақт болаларидан эшитяпсизми деб сўрар. печь устида оёқларини осилтириб ўтириб, бармоқлари билан соқолининг чигилини ёзар, шошмасдан, бирин-кетин сўз занжирини улаб кетар эди. Кенг, озода емакхонада илиқ қоронғилик чўккан, ташқарида бўрон ҳуштак чалади, дераза ойналарини оҳиста силаб ўтади, ёки кўкимтир аёзда изғирин чирсиллайди. Пётр шам ёқилган стол олдида ўтириб, қоғозларни шилдиратиб, аста-аста чўт ташлайди, Алексей унга ёрдамлашади, Никита чивиқлардан чиройли сават тўқийди.

— Мана, бизга подшоҳ озодлиқ берди. Буни тушуниш керак: қай ҳисобда озодлиқ? Ҳисоб қилмай қўй ҳам оғилхонадан чиқарилмайди, бу ерда эса бутун халқ, минг-минглаб одам бўшатишган. Бу шуни кўрсатадики, подшо тушунган: хўжайинлардан кўп ололмайди, чунки ўзларидан ортмайди, топганини ўзлари еб тугатади. Князь Георгий озодлиқдан олдиноқ буни тушуниб, бир куни менга: эрксиз меҳнат фойдасиз деган эди. Мана, ўз ихтиёримиз билан ишлашимиз учун бизга ишонч билдирилди. Энди солдат

хам йигирма беш йил милтиқ кўтариб юрмайди, ишлайди! Энди ҳар ким нимага қодир эканини кўрсатиши лозим. Дворянликка хотима берилди, энди ўзингиз дворянсиз. сўзларимни эшитяпсизми?

Ульяна Баймакова монастирда уч ойча туриб қайтиб келди, уйга келган кунининг эртасигаёқ Артамонов ундан:

— Тўйни тез орада қиламизми?— деб сўради.

Баймакова, жаҳли чиқиб, ғазабдан кўзлари чақнаб:

— Сенга нима бўлди? Эсингни йиғ! Отасининг ўлганига ярим йил ҳам ўтгани йўғу, сен бўлсанг... Ёки гуноҳнинг билмайсанми?— деди.

Лекин Артамонов унинг сўзини қатъий равишда кесди:

— Қуда, бу ишда гуноҳ нима қилсин. Хўжайинлар қандай ишлар қиладилар, худо эса, чидайди! Меники зарурият. Пётрга уй бекаси керак. Сўнгра, Артамонов унинг қанча пули борлигини сўради.

— Қизим учун беш юз сўмдан оргиқ бермайман!— жавоб қилди Баймакова.

Барваста мужик унга тикилиб туриб, ишонч ва бепарволик билан:

— Кўпроқ ҳам берарсан,— деди.

Иккиси стол ёнида, бир-бирининг рўпарасида ўтирарди. Артамонов тирсақларини столга тираб олган, икки қўлининг бармоқлари қалин соқоли орасида эди; Баймакова қошларини чимириб, қўрқа-писа қаддини столдан кўтарди. Ёши ўттиздан хийла ошган бўлса ҳам, анча ёш кўринар, юзи қип-қизил, лўппигина, ўткир кўкиш кўзларида ақлидрок акс этиб ёниб турар эди; Артамонов ўрнидан турди ва қаддини ростлаб:

— Чиройлисан, Ульяна Ивановна,— деди.

— Тагин нима дейсан?— сўради Баймакова жаҳл аралаш истеҳзо билан.

— Нима ҳам дердим...

Артамонов оёқларини судраб босиб, истар-истамас чиқиб кетди. Баймакова эса унинг орқасидан қараб қолди, шу орада ойнага ҳам кўз ташлаб олди-да, зардаси қайнаб шивирлади:

— Соқолли иблис. Илашиб қолди...

Бу одамдан хавфсирай бошлаган Ульяна юқорига, қизининг олдига чиқди. Лекин қизи Наталья у ерда йўқ экан, деразадан ташқарига қараб, қизини дарвоза олдида кўрди,

унинг олдида Пётр бор эди. Баймакова зинадан тез юриб тушди-да, пешайвондан туриб:

— Наталья, уйга кир!— деб қичқирди.

Пётр унга эгилиб салом берди.

— Яхши йигит, онаси йўгида қизи билан гаплашиш қоидада йўқ, бундан кейин бунақа бўлмасин!

— У менга унашилган-ку,— деди Пётр.

— Барибир, бизнинг ўз одатларимиз бор,— деди Баймакова, лекин ўз-ўзига савол берди:

«Нима учун ғазабландим? Улар ёш бўлса, бир-бирини севишади. Яхши иш қилмадим, гўё кўролмагандай бўлдим».

Шундай бўлса ҳам, уйга киргач, қизининг сочидан тортиди, минбаъд қайлиғинг билан бетма-бет туриб гаплашма, деб буюрди.

— Унашиб қўйилган бўлса ҳам, ишониш қийин: ё — бўлади, ё — йўқ. Ҳали аниқ эмас,— деди қатъий қилиб.

Ҳадиксираш унинг кўнглини безовта қилар эди. Бир неча кундан кейин, фол очтириш учун Боланскаянинг олди-га борди. Шаҳарнинг ҳамма хотинлари ана шу буқоқ, семиз, черков кўнғирогига ўхшаш фолбиннинг олдига тавба-тазарру қилгани, қайғу-ҳасратларини айтгани ва фол очтиргани боришар эди.

— Бунинг учун фол боқиб ўтиришнинг ҳожати йўқ,— деди Ерданская,— жоним, сенга тўғриси айтиб қўя қолай, сен бу кишининг этагини тут. Кўзларим бекорга тикилмайди.— одамларни яхши биламан, мен учун улар ўз қартамдай, миридан-сиригача ажрата оламан. Унинг омади келганини қара! Ҳамма ишлари ўз-ўзидан, шарга ўхшаб, ҳаракатга келади. Бизнинг эркаклар эса уни кўролмайди, алам қилганидан сўлакайларини оқизишади, холос. Йўқ, жоним, сен ундан кўрқма: у тулкидай пусиб эмас, айиқдай дадил яшайди.

— Айиқдай яшаши тўғри,— Баймакова фолбин сўзини маъқуллади-да, уҳ тортиб фолбинга ҳасрат қила бошлади:

— Кўрқаман, у совчи бўлиб биринчи келганидаёқ юрагимни олдириб қўйдим, тўсатдан, осмондан тушгандай бирданига қариндош бўлди-қолди. Шундай ҳам бўладими? Эсимда: у гапираверди, мен эса ҳаёсиз кўзларига қарадим у гўё ҳалқумумдан олгандай, ҳамма сўзларига хўп деб, рози бўлавердим.

— Бу унинг ўз кучига ишонганини кўрсатади,— деб тушунтирди фолбин хотин.

Бу гапларнинг биронтаси ҳам Баймаковани тинчитмади. Фолбин хотин уни дори ўсимликларининг ўткир ҳидлари буруқсиб турган қоронғи уйдан кузатиб чиқиб, хайрлашаркан:

— Хотирингда тут: эркаклардагина аҳмоқлар омадли бўлади...— деди.

У баланд овоз билан Артамоновни шу қадар кўп мақтадики, гўё унга сотилганга ўхшарди. Гавдаси катта, тузланган судак балиғидай қуп-қуруқ, қорачадан келган Матрёна Барская бўлса, бошқача гапирди:

— Ульяна, сен учун бутун шаҳар ғам чекади, бу келгиндилардан қандай қўрқмайсан? Вой, эҳтиёт бўл! Бир боласи букур туғилгани бежиз эмас, ота-оналарининг гуноҳи жатига шундай бўлган...

Бева Баймаковага қийин эди, қизини кўп урар, бироқ ўринсиз ғазабланганини ўзи сезиб турарди. У уйда турувчиларни иложи борича камроқ кўришга тиришар, улар эса, борган сари рўпарасида ўралашиб жиғибийронини чиқаришарди.

Қиш ҳам сезилмасдан келиб қолди, бирданига гувиллаб қорли бўрон, қаттиқ совуқ шаҳарга ёпирилди, кўчаларни ва уйларни қор уюмлари босди, чуғурчиқ учун қўйилган инлар устига, черков минора ва гумбазларига оппоқ пахтадай телпак кийгизди, дарёларнинг, ботқоқларнинг зангсимон сувларини темирдай оқ муз билан қоплади. Музлаган Ока дарёси устида шаҳар аҳли билан яқин атрофдаги қишлоқларнинг мужиклари ўртасида муштлашишлар бошланди; Алексей ҳар байрамда муштлашишга чиқиб, калтак еб, уйга жаҳли чиқиб қайтар эди.

— Ҳа, Олёша?— Бу ердаги уришқоқлар бизникилардан эпчил эканми?— деб сўрарди Артамонов.

Алексей кўкарган ерларини чақа ёки муз билан ишқалаб, қарчиғай кўзларини чарақлатиб хўмраярди-да, индамасди. Бир кун Пётр:

— Алексей чаптаст, муштлашишга уста, лекин уни ўзимизнинг шаҳарликлар калтаклашади,— деди.

Илья Артамонов муштини столга қўйиб сўради:

— Нега уни калтаклашади?

— Емон кўришади.

— Уними?

— Ҳаммамизни ҳам.

Отаси мушти билан столга шундай урдикки, шамдондаги шам учиб кетиб, ўчди, қоронғида ўкириб юборди:

— Сен нима: нуқул менга яхши кўриш тўғрисида гапирасан қизларга ўхшаб? Бундан кейин бу сўзни эшитмай!

Никита шамни ёқар экан, секингина:

— Алёшанинг муштлашишга бормаслиги керак эди,— деди.

— Нима? Одамлар: Артамонов қўрқди деб кулишсинми? Қурбақа салласи, черков қўнғироқчиси! Сен жим ўтир.

Ҳаммасини сўкиб, бир неча кундан кейин Илья, кечки овқат устида, болаларни эркалатиб мингирлади:

— Болалар, сизлар бир айиқ овига бориб келишингиз керак. Кўнгил очадиган энг яхши томоша! Мен князь Георгий билан Рязань ўрмонларига борар эдим, биз ўрмон эгаларини¹ найзага олардик, жудаям қизиқ!

У қизиқиб кетиб, ўнгидан келган бир неча галати овлар тўғрисида сўзлаб берди. Бир ҳафтадан кейин Пётр билан Алексейни олиб ўрмонга борди-да, каттакон қари айиқни ўлдирди. Ундан кейин ака-укалар ўзлари овга бориб, она айиқни жойидан қўзғатдилар, она айиқ Алексейнинг калта пустинини йиртиб, боланин эчолаб ташлади, шунга қарамасдан улар айиқни ўлдирдилар, уни ўрмонда — оуриларга қолдириб, икки боласини шаҳарга олиб келдилар.

— Сенинг Артамоновларинг қалай яшашипти?— деб сўрашди Баймаковдан шаҳарликлар.

— Чакки эмас, тузук.

— Қишда чўчқа ҳам ювош бўлади.— деди Помялов.

Бева хотин ўз-ўзига ишонмаган ҳолда, Артамоновларга бўлган душманлик уни бир неча вақтдан бери ранжитаётганини, уларга бўлган адоват гашини келтираётганини сеза бошлади. Шу билан бирга Артамоновларнинг ҳушёр, иноқ яшаб, ўжарлик билан ўз ишларини тинмай қилаётганларини, уларда ҳеч қандай ёмонлик йўқлигини кўрар эди. Наталья билан Пётрни кузатиб юриб, шундай бир ишонч ҳосил этдики, бу индамас норғил йигит ёшига номуносиб равишда ўзини сипоҳ тутади, баъзи бир шаҳар йигитларига ўхшаб, ўз қайлигини қоронги бурчақда пинжига тортишга уринмайди, қитиқлаб, қулоғига уятсиз гаплар шивирламайди; лекин Баймаковани бир оз қўрқитган нарса, Пётрнинг қизга нисбатан тушуниб бўлмас қуруқ, лекин эҳтиёткорона муомаласи, баъзан эса ҳатто тергаши эди.

¹ Россияда айиқни «ўрмон эгаси» деб ҳам юритадилар.

«Эркалатмайдиган эр бўлади» деб ўйларди Баймакова. Лекин бир кунни зинадан туша туриб, пастдаги йўлакдан қизининг товушини эшитиб қолди.

— Тагин айиқ овига борасизми?

— Бормоқчимиз. Нима қилди?

— Хатарли, Алёшага айиқ чанг солибди-ку!

— Ўзи айбдор, шошилмасин-да. Демак, менинг тўғримда ўйлаяпсизми?

— Мен сизнинг тўғрингизда ҳеч нарса деганим йўқ-ку.

«Бунинг ҳийлагарлигини қаранг-а!— Онаси кулимсираб уҳ тортди ва ўйлади:— У содда экан».

Илья Артамонов бўлса унга тобора қатъий қилиб:

— Тўйни тезлаштир, бўлмаса улар ўзларича тезлаштириб қўядилар,— дерди.

Баймакованинг ўзи ҳам шошиш кераклигини кўриб турарди, қизи кечалари яхши ухлამас, тан зориқишини яширолмасди. Пасха муносабати билан қизини яна монастырга олиб кетди. Бир ойдан кейин уйга қайтиб келиб қараса, қаровсиз қолган боғлари тартибга солинган, йўллар қирилган, дарахтлар қурт-қумурсқалардан тозаланган, мевали буталарнинг ён-атрофи қирқилиб буталган, боғланган, ҳамма ишни тажрибали одам қилганлиги билиниб турар эди. Баймакова сойга қараб тушадиган йўл билан бораркан, баҳор сувлари ювиб кетган ер атрофидаги четанларни тузатаётган букур Никитани кўрди.

Тиззасидан ҳам пастга тушган узун каноп кўйлак остидан букурнинг ногирон суяклари кўтарилиб, сарғиш сочли катта бошини ҳам кўрсатмай қўйган: Сочлари юзига тушмасин учун Никита қайин новдаси билан боглаб олган эди. Ям-яшил япроқлар ичида зоҳид чолга ўхшаб, ўзини бутунлай унутиб, иш билан машғул эди, қуёшда кумушдай кўринган болтаси билан қозиқларни учлар, ингичка, қиз товуши билан қандайдир, черков ашуласини хиргойи қилар эди. Четаннинг нариги ёғида ипақдай майин сув кўкимтир рангда товланар, қуёшнинг олтин шуъласи сувда тилла балиқлардай ўйнар эди.

Баймакова беихтиёр ийиб кетиб:

— Ҳорма,— деди.

Никита ҳам кўк кўзларини йилтиратиб мулойимгина:

— Бор бўлинг,— жавоб берди.

— Боғни сен тартибга солдингми?

— Мен.

— Яхши тартибга солгансан. Боғни яхши кўрасанми?

Никита чўкка тушиб олиб, тўққиз ёшида хўжайин князь уни боғбонга шогирдликка берганини, ҳозир ўн тўққиз ёшга кирганини қисқагина қилиб айтиб берди.

«Букур бўлса ҳам ёмон эмас кўринади» деб ўйлаб қўйди Баймакова.

Кечқурун юқоридаги уйда у қизи билан чой ичиб ўтирганда, Никита сарғиш ва хунук, гамгин юзига кулги олиб, қўлида бир даста гул билан эшик олдида кўринди.

— Марҳамат қилиб гулни қабул этинг.

Баймакова ҳайрон бўлиб, чиройли гулдастага ишончсизлик билан қарар экан:

— Нима учун?— деб сўради.

Никита ўз хўжасиникида юрганида, ҳар куни эрта билан князь хонимга гул тақдим этиш унинг вазифаси бўлганини сўзлади.

— Шундайми?— Баймакова салгина қизарди ва бошини гурур билан кўтариб:— Еки мен ҳам князь хотинига ўхшайманми? У чиройли бўлса керак?

— Сиз ҳам чиройлисиз-ку...

Баймакова илгаригидан ҳам купроқ қизарио:

«Отаси ўргатмаганмикин?» деб ўйлади.

— Ундай бўлса, ҳурматлаганинг учун раҳмат!— деб жавоб берди-ю, чойга таклиф қилмади, у чиқиб кетгандан кейин:

«Унинг кўзлари яхши, отасиникига ўхшамайди, онасиникига ўхшаса керак» деб ўйлади ва уҳ тортиб:

— Булар билан бирга туриш пешанамизда бор кўринади,— деб қўйди.

Эри ўлганига бир йил тўлишини кутиб, тўйни кузгача тўхтатиб туриш учун Артамоновни кўндиришга ортиқча уринмади. Лекин Артамоновга қатъий қилиб:

— Аммо сен, жаноб, Илья Васильевич, бу ишдан чекин! Менга қўйиб бер, ўзим бизнинг расм-русмга мувофиқ, эскичасига, яхшилаб тўй қиламан. Бу иш сенинг учун ҳам фойдали бўлади, бирданига бизнинг энг яхши одамларимизга қўшилсан, тезроқ рўёбга чиқасан,— деди.

— Бе-е! Мен бусиз ҳам узоқдан яққол кўриниб турибман,— деди Артамонов мағрурланиб.

Баймакова унинг такабурлигидан ранжиб:

— Сени бу ердагилар яхши кўрмайди,— деди.

— Майли, мендан кўрқадиган бўлишади ҳали,— дедида, жилмайиб кифт қоқди:— Пётр ҳам нуқул яхши кўриш тўғрисида куйлайди. Ажаб одамларсиз...

— Сени яхши кўрмасликлари менга ҳам маълум даражада таъсир қиляпти.

— Сен, қуда, хотиржам бўл!

Артамонов узун дастпанжасини кўтарди ва бармоқларини қизаргунча муштини сиқиб:

— Мен одамларнинг қаршилигини синдира оламан, менинг атрофимда узоқ вақт депсиниб юролмайди. Мен севгисиз ҳам яшай оламан...— деди.

Хотин жим бўлди, ваҳимали хавфсираш билан:

«Бу қандай бало ўзи» деб ўйлади.

Мана, унинг оромбахш уйи қизнинг ўртоқлари, шаҳардаги энг яхши одамларнинг қизлари билан лиқ тўлган, ҳаммаси кимхобдан тикилган серҳашам, қадимий сарафанлар¹ кийган: энглари сербурма, нозик дока ва нафис сурупдан, учига тўр қадалган, қўлтиқ таглари очиқ ипак билан гул солиб тикилган, оёқларида бузи ва сахтиёндан тикилган ковушлар, узун сочларида ҳар хил ленталар. Келин, кумуш ранг кимхобдан тикилган ва ёқасидан этагига-ча жимжимадор зар тугмачалар қадалган оғир сарафан кийганидан, елкасига тилла ранг кимхоб шушун² ташлаб, оқ ва кўк ленталар тақинганидан нафаси қисилиб, тўр рўмолча билан терларини артиб, худди муздан ясалган ҳайкал сингари тўрда баланд товуш билан қизларга «лапар боши» бўлиб ўтирар эди:

Ям-яшил майсазорларга,
Лолазор, чаманзорларга,
Баҳор суви тошиб кетди.
Муздай сув лойқаланиб кетди...

Дугоналар жўр бўлишиб, сўниб бораётган қиз ноласини аҳиллик билан баланд кўтардилар:

Яланг оёқ бўлсам-да,
Кийинмаган бўлсам-да,
Қўлга челақ тутқизиб,
«Сув олиб кел!» дейдилар...

Қизлар орасига кириб кўринмай кетган Алексей бўлса, хахолаб кулади, бақиради:

¹ С а р а ф а н — хотин-қизлар киядиган енгсиз кўйлак.

² Ш у ш у н — мурсакка ўхшаган хотин-қизлар елкасига ташлаб юрадиган ёпинчиқ. (Тарж.)

— Бу қизиқ ашула экан! Куркани челақка тикқандай, қизларни кимхобга ўраб қўйишибди, булар эса «яланг оёқман, кийинмаганман» деб қичқаришади.

Келинга яқин ўтирган Никитанинг бел бурма янги кўк камзули, буқуридан гарданига йигилиб, уни хунук, кулгили ҳолга келтирган, гўё у, қизнинг ҳозир эриб, ғойиб бўлишидан қўрққандай, кўк кўзларини бақрайтириб унга галати қарайди. Остонада турган Матрёна Барская, эшикни қаттиқ ёпиб, кўзларини югуртириб чиқди-ю, дўриллаган йўғон товуш билан:

— Куйларингиз мунгли эмас, қизлар,— деди.

От сингари катта-катта қадам ташлаб келди-да, қадимги одат бўйича, қандай куйлаш, никоҳга қандай ҳаяжон билан тайёрланиш лозимлигини жиддий равишда уқтириб сўзлай бошлади:

— «Эрга тегиш — тош деворнинг орқасига ўтиш билан баравар» дейилган, девор маҳкам — бузолмайсиз, баланд — оша олмайсиз, буни билиб қўйинг!

Лекин қизлар унинг сўзига янги кўзюк сомайдилар, уй дим ва тор бўлгани учун, кампирни туртиб, ҳовлига, боққа қараб югурадилар. Эгнига ялтироқ ипак кўйлак, бахмал шим кийган Алексей қизлар орасида гулга қўнган асаларидек шод-хуррам, худди мастга ўхшаб бидирлаб югуриб юради.

Барская қалин лабларини ўпкалагансимон осилтириб. кўзларини бақрайтириб, юбкасининг олди тарафидан сал кўтариб, қуюқ булутдай юқорига, Ульяновнинг олдида чиқади-да, унга пайғамбарона башорат қилади:

— Сенинг қизинг жуда шод, бу қондан расмга мувофиқ эмас, бошдаги шодликнинг охири ёмон бўлади!

Баймакова, тунука қопланган катта сандиқни очиб, чўккалаб, ташвишланиб уни тинтимоқда эди, унинг атрофида, худди ярмарка дўконларидагидай ерда, ўрин устида шойи кийимликлар, Москва алвонлари, кашмир шоллари, ленталар, гул тикилган сочиқлар худди кечки қуёш ёғдуси булутларга жилва бергандай сочилиб ётарди.

— Куёвнинг никоҳгача қиз уйида туриши қондада йўқ, Артамоновлар ўшангача кўчиб кетишлари лозим...

— Илгарироқ айтиш керак эди; энди бу тўғрида гапиришнинг вақти ўтди,— деди Уляна ва юзидаги қайғусини яшириш учун сандиқ ичига энгашди, бироқ ғулдираган йўғон товуш билан:

— Сени ақлли дейишар эди, ўзининг ақли етар деб ин-

дамаган эдим, менга нима — тўғриси айтдим-қўйдим, одамлар қабул қилмаса, тангри савобимга қўшар,— деди.

Барская, гўё мияси тўла ақли тўкилиб кетишидан қўрққандай, калласини адл тутиб, бирпас ҳайкалдай қотиб турди-да, жавоб кутмасданоқ ташқарига чиқиб кетди. Ульяна эса атрофидаги молларнинг ранг-баранг товланиши ичида чўккалаб қўрқув, қайгу-ҳасрат ичида:

— Эй, танграм, ўзинг мадад қил! Ақлимдан оздирма,— деб шивирлади.

Ульяна эшик орқасидаги товушни эшитиб, кўз ёшларини яшириш учун шоша-пиша бошини сандиққа тикди; Никита келди ва эшик олдидан туриб:

— Сизга бирон ёрдам керакми, йўқми — шуни билиш учун мени Наталья Евсеевна юборди,— деди.

— Раҳмат, азизим...

— Ошхонада Ольга Орлованинг устига шинни тўкилиб кетди.

— Бе-э, нима дединг? Ақлли қизча, сенга ана шуни обериш керак эди-да...

— Менга ким тегарди.

Илья Артамонов, Гаврила Барский, келиннинг чўқинтирган отахони Помялов, кўнчи Житейкин, бепарво аравасоз Воропонов боғдаги арғувон остидаги юмалоқ стол атрофида ўтириб, хонаки пиво ичмоқда; арғувон дарахтига суялиб турган Пётр катталарнинг сўзларига ҳурмат билан қулоқ солади, қора сочлари яхшилаб ёглангани учун боши темирдан ясалганга ўхшайди.

Отаси ўйчанлик билан:

— Сизнинг одатларингиз бошқача экан,— дейди, Помялов бўлса мақтанади:

— Биз бу ернинг туб халқимиз. Биз улуғ Рус!

— Биз ҳам қўшимчалардан эмасмиз.

— Бизнинг одатларимиз қадимдан қолган...

— Бу ерда мордвалар, чувашлар кўп...

Чинқиришиб, кулишиб, бир-бирларини итаришиб қизлар боққа киришди. Улар стол атрофини сарафанлар чамбар билан ўраб олишиб, улуғлаш байтини бошладилар:

Вой сўзимиз улуғ қудамизга,

Василий ўғли, жон Ильяга!

Бир зинани боссанг — бир оёғинг синади,

Бошқасини боссанг — иккинчисини синади,

Учинчисини боссанг — бўйнинг узилди.

Артамонов ажабланиб, ўғлига қараб:

— Мана, бунинг оти ҳам «улуғлаш» эмиш!— деб қичқирди.

Пётр қизларга қараб, қулогини тортиб қўйди, оҳиста илжайиб кулди.

— Сен ҳали қулоқ солиб туравер!— Барский маслаҳат берди-ю, хахолаб кулиб юборди.

Бу ҳам кам қудамизга,
Қиз опқочар қароқчига...

Артамонов бармоқлари билан столни чертиб ўтираркан, бир оз хижолат бўлгандек:

— Ҳали ҳам камми?— деб қичқирди.

Қизлар эса, очилиб кетиб, давом этдилар:

Томдан сени — сих молага!
Тоғ бошидан — тош устига!
Сен бизларни алдамагин,
Узоқ ерин мақтамагин,
Ет ўлкалар, шаҳарларни,
Бизга мақтаб кўрсатмагин!
У ерларга ғам экилган,
Кўз ёши билан сугорилган...

— Ие-ие, гап бу ерда экан-ку!— деб Артамонов хафа бўлиб қичқирди-да, кейин қизларга деди:— Лекин қизлар, мен сизга жаҳл қилиб эмас, ҳар ҳолда ўз юртимни мақтайман: бизнинг одатларимиз юмшоқроқ, одамларимиз ҳам мулозиматлироқ, бизда ҳатто: «Свапа билан Усожа Сейм дарёсига қуюлади; тангрига шукурки, Окага эмас!» деган мақол ҳам бор.

Барский мақтанибми, қўрқитибми:

— Сен сабр қил, ҳали бизни билмайсан. Ке, қизларга инъом бер,— деди.

— Буларга қанча берай?

— Хоҳлаганингча бер.

Лекин Артамоновнинг қизларга икки кумуш сўлкавой берганини кўриб, Помяловнинг жаҳли чиқди:

— Мақтаниб кўп бердинг!— деди.

Артамоновнинг ҳам жаҳли чиқиб:

— Сизга ёқиш жуда ҳам қийин эмас!— деб қийқирди.

Барский қулоқни батанг қилиб кулди, Житейкин ҳам ҳиқиллаб қаттиқ кулди.

Қизлар мажлиси тонг отишга яқин тамом бўлди. Меҳмонлар тарқалди, уйдагиларнинг деярли ҳаммаси уйқуга толди. Артамонов боғда Пётр ва Никита билан ўтириб, соқолини силар, боғнинг у ёқ-бу ёғига аланглаб, қизарган булутларга қарар, паст товуш билан:

— Ёқимсиз халқ, дағал одамлар экан! Сен, Петрюха, қайнананг нимаики буюрса, ўрнига етказ, агар унинг буюрганлари хотинларнинг арзимаган ишлари бўлса ҳам — қилиш керак! Алексей қизларни кузатиб кетдимми? У қизларга ёқса ҳам, йигитларга ёқмайди, Барскийнинг ўғилчаси унга ғазаб билан ўқрайиб қарайди... Шундай! Сен, Никита, ёқимлироқ бўлгин, бу иш сенинг қўлингдан келади; отангга сен андавалик хизматини қил: бирон ерда мен кемтик қолдирсам — сен текисла!

Бир кўзи билан каттакон ёғоч идишга қараб қўйиб, хўмрайган ҳолда, сўзида давом этди:

— Ҳаммасини ҳам ялаб битиришибди! Худди отдай шимиришар экан... Пётр, сен нимани ўйлаётибсан?

Ўгли, қалиғи ҳади қилган ипак белбоғни қўлида ўйна-та-ўйната, секингина:

— Қишлоқда турмуш оддий, яшаш ҳам ташвишсизроқ, — деди.

— Хўш... кунни ухлаб ўтказишдан ҳам оддий нарса борми...

— Никоҳни чўзиб юборишди...

— Сабр қил!

Мана, Пётр учун қийин бўлган улуғ кун ҳам етиб келди. Қошлари чимирилгани қайлиғига ёқмаслигини, унга хунук қилиб кўрсатишини билса ҳам, қошлари бир-бирига пишиқ ип билан тикиб қўйилгандай хўмрайиб уйнинг тўрида ўтирибди. Ер тагидан меҳмонларга қараб қўяди, бошини силкийди, сочларига сепилган хмель¹ стол устига ва Натальянинг юзига тутилган тўрга тўкилади; Наталья ҳам сўлишиб, чарчаганлигидан кўзларини юмиб олган, болалардай қўрққанидан ранги ўчиб ва уялганидан қалтираб ўтирибди.

Усиқ сочли қизил башаралар тишларини иржайтириб, йигирманчи марта:

— Бўса! — деб бўкиришади.

Пётр бўйнини эгмасдан бўридай бурилиб Натальянинг

¹ Хмель — чирмов ўсимликларида бўлиб, япроқ ва гуллари-дан хамиртуруш, ачитқилар ишланади. Тўйда қиз билан куёв бошига шу хмельдан сепиш одати бор.

бетидаги тўрини очиб, қақраган лабини, бурнини унинг юзига суйкар экан, қиз бадани ипакдай майин ва салқинлигини, елкаси қалтираганини сезади. У Натальяга ачинади, уялади, лекин маст одамлар ҳар тарафдан:

— Упишни билмас экан!— деб бўкиради.

— Лабини мўлжалла!

— Агар мен бўлсам — бошлаб ўпар эдим!

Кайфи тарақ бир аёл:

— Мен сенга ўпишни кўрсатиб қўяман!— деб чинқиради.

— Бўса!— деб ўкиради Барский.

Пётр тишларини бириктириб қизнинг нам лабидан ўпаркан, унинг лаблари қалтирар, оппоқ Наталья эса, қуёшда эриб, тарқалиб кетаётган булутга ўхшарди. Қиз билан куёв — иккиси ҳам оч, уларга кечадан бери ҳеч қандай овқат бермаганлар. Пётр ҳаяжонланганидан, ичимликларнинг ўткир ҳиди ва ичиб олган икки стакан вижиллаган «шима» диносининг таъсиридан ўзини маст сезар ва бу ҳолни еш қайлиги пайқаб қолишидан қўрқарди. Атрофдаги жамики нарса Пётрнинг кўзига жимираб кўринади, улар гоҳ ола-була бўлиб тўлганиб, гоҳ пуффакка ўхшаган хунук, қизил башаралар бир кўриниб, теварак-атрофга ёйилиб кетади. Уғли ёлворгансимон жаҳл билан отасига қарайди. Сочлари ҳурпайган Илья Артамонов ҳаяжонланган ҳолда Баймакованинг қип-қизил бетига қараб:

— Қани, қуда, болдан қуй, стаканларни чўқиштирайлик! Бол эгаси билан ширин...— деб қичқиради.

Баймакова оппоққина, тикмачоқдек қўлини чўзганда билагидаги рангдор тошлар қадалган олтин билагузуги қуёшда ялтирайди. Баланд кўкраги устида марварид тизими товланади, у ҳам бир оз ичиб олган, унинг кўк кўзларида нозли табассум жилваланади, сал-пал очиқ лаблари ҳавас келтириб қимирлайди. Стаканни уриштириб, болни ичгач. қудасига таъзим қилади. Артамонов эса, ҳурпайган бошини чайқаб, завқланиб:

— Вой қудажон, савлатингга қойилман! Худо урсин, княгиналарнинг савлати-я,— деб бўкиради.

Отаси ўзини яхши туюлмаётганини Пётр сал-пал сезади, меҳмонларнинг паст ҳайқирғи ичида у Помяловнинг ичқоралик билан гап сотаётганини, Барскийнинг йўғон товуш билан айтган маломатли сўзларини, Житейкиннинг қиқирлаб кулганини сезгирлик билан пайқаб олади.

«Тўй эмас — суд» деб ўйларкан:

— У шайтоннинг Уल्याнага қандай қараётганини кўр!
Вой-вой!— деган гапларни эшитади.

— Яна бир тўй бўладиганга ўхшайди, аммо у тўй попсиз бўлса керак...

Бу сўзлар бир дам унинг қулоғига чалинади, Натальянинг тиззаси ёки тирсаги унинг бирон ерига тегиши биланок, бутун вужуди эриб кетгандай бўлиб, бундай гапларни унутади. Натальяга қарамасликка уриниб, бошини қимирлатмай, тик тутса ҳам, кўзларини эплаёлмайди, кўзлари ҳадеб Наталья томонига бурилаверади.

Пётр шивирлаб:

— Бу маросим тезроқ тугармикин?— деб сўраётганда,
Натальянинг:

— Билмайман,— деган жавобини эшитади.

— Уят...

— Ҳа,— деган сўзни эшитиб, ёш келинчак ўзи билан бир туйғуда эканига хурсанд бўлади.

Алексей қизлар билан боғда кайф-сафо қилмоқда; Никита эса узун бўйли поп ёнида ўтирибди, попнинг соқоли ҳўл ва сап-сариқ чўтир юзида мис ранг кўзлари ўйнайди. Ҳовлидан ва ташқаридаги очиқ деразадан шаҳар аҳли уйга қарайди, кўм-кўк ҳавода ўнлаб каллалар қимирлашади, бири йўқолиб, иккинчиси кўринади, очиқ оғизлар шивирлашади, вишиллашади. қичқиришади, дераза эса қопга ўхшайди, гўёки ундан шовқин-сурон қилаётган бу каллалар тарвуз сингари уй ичига тўкилиб кетадигандай кўринади. Никита булар орасида айниқса ер казувчи Тихон Вяловнинг юзига бошқачароқ разм солиб тикилди: унинг ёноқ суяги чиққан, саргил жун босган, кизил доғлар билан копланган юзи галатиноқ кўринади. Биринчи қарашда туси ноаниқ, қисиқ кўзларини учираётгандай бўлиб кўринса ҳам, киприклари қимирламас, фақат кўз гавҳаригина ҳаракат қиларди. Қимирламай турган юпқа лаби маҳкам юмилган бўлиб, кичкина оғзи атрофини жингалак мўйлов сал-пал қоплаган. Қулоқлари эса бош чаноғига қапишиб кетган. Бу киши, кўкраги билан дераза тоқчасига ётиб олиб, шовқин қилмас, сўкишмасди, одамлар туртиб чиқармоқчи бўлишса, индамасдан, елка ёки тирсақлари билан секингина уларни итариб ташларди. Елкалари юм-юмалоқ, бўйни эса елкалари орасига кириб кетганидан, калласи тўғри елкасидан ўсиб чиққандай кўринар, гўё у ҳам букурдай эди. Никита унинг юзида ўзига жалб этадиган қандайдир яхшилик аломатини кўрди.

Ғилай йигит тўсатдан чирмандани қаттиқ чалиб юборади, бармоқлари билан унинг терисини сидириб чиққанда чирманда инграб нола қилди; кимдир ҳуштак чалиб, тиззага қўйилган икки қаторли гармонни чўза бошлади, шу пайт уй ўртасида келин тарафидан жингалак сочли, думалоқ гавдали Степаша Барский музыка оҳангига монанд қийқириб ўйинга тушди:

— Ҳой, ҳой, қизлар, рақиб қизлар,
Ўйинчилар, лапарчилар!
Чўнтагимда пул жаранглар,
Борми менга талабгорлар!

Унинг отаси, барваста қаддини ростлаб бақирди:

— Стёпка! Шаҳримизни уялтирма: курятларга¹ бир кўрсатиб қўй!

Илья Артамонов иргиб турди-ю, ҳурпайган калласини бир силкиб ташлади, юзига қон қуйилиб, бурни чўғдай қизарди, Барскийнинг афтига қараб.

— Бизни «курят» дема! Биз курянлик бўламыз. Ҳали ким кимни ўйинда енгиси маълум эмас. Олёша!— деб қичқирди.

Ҳамма ёғи локлангандай йилтиллаган Алексей жилмайиб, дремовликларнинг ўйинчисига қараб турди, бирданига ранги ўчиб, қизлардай қийқирди ва кўз илғамас тезлик билан ўйин тушиб кетди.

— Ўйин қўшиқларини билмас экан!— деб дремовликлар қичқириша бошладилар.

Шу чоғ Артамоновнинг ғазабли ҳайқириши эшитилди:

— Олёша, худди ўлдираман!

Ўйинни тўхтатмай, депсиниб туриб, Алексей қўлини оғзига тутди ва қулоқни батанг келтирадиган даражада қаттиқ ҳуштак чалди-да, ашулани қўнғироқдай жаранглатиб юборди:

Бўлган экан барин Мокей
Ундан бўлган бешта лакей,
Энда бўлса, барин Мокей
Ўзи бўлди тоза лакей!

— Ана, олинг керак бўлса!— деб Артамонов ғолибона ҳайқирди. Поп маънодор қилиб:

¹ Курят — жўжа.

— Уҳў!— деди ва бармоғини кўтариб, бошини чайқаб қўйди.

Пётр Натальяга:

— Алексей сизнинг ўйинчингизни енгади,— деди.

У уялибгина жавоб берди:

— Енгил-да.

Оталар болаларини гижгижлаб, бирини бирига хўроздек тезлашар, чала маст ҳолда, бир-бирларининг елкаларига суялишиб туришарди. Бири катта, бесўнақай, гўё бир қанор қоп сулидай, қошлари тагидаги йиртиқлардан маст-аласт ҳолда шодиёна кўз ёшлари оқади. Иккинчиси — худди сакрашга ҳезлангандай узун қўлларини қимирлатади, сонларини силайди, кўзлари косасидан чиқай дейди. Пётр отасининг соқоллари қимирлаганини кўриб:

«Тишларини гижирлатяпти, худди бировни уриб юборади-да...» деб ўйлайди.

Матрёна Барскаянинг самовар карнайидан чиққандай товуши эшитилди:

— Артамонов тараф шалоқ ўйнамоқда! Санъатсиз, жудаям хунук.

Илья Артамонов унинг қора башарасига, юмалоқ афтию, ялпоқ бурнига қараб, масхара қилиб кулади. Алексей Барскийнинг ўглини енгди. У гандираклаб эшикка қараб кетди, Илья эса Баймаковани қўлидан ушлаб шартта тортди:

— Қани, қуда, чиқсинлар!

У ранги ўчиб, бўш қўлини силтаб, ғазаб ва саросималик билан рад қилди:

— Сенга нима бўлди? Менинг ўйинга тушишим ўринлими?

Меҳмонлар жилмайиб, жим бўлишди. Помялов билан Барская бир-бирига қараб қўйди, Помялов тилёгламалик билан деди:

— Ҳеч нима қилмайди! Уляна, ўйнаб қўя қол! Худо кечирар.

— Гуноҳи меники!— деб қичқиради Артамонов.

Илья бирданига ҳушёр тортгандай кўринди ва жиддий тус олиб, жангга киргандай, беихтиёр ўйинга тушиб кетди. Баймаковани унга қарши итариб чиқардилар. У мастликдан гандираклаб кетди, кейин ўзини тутиб олгач, қаддини ростлаб, бошини чалқанчасига ташлаб, давра ўртасига тушди. Шу пайт Пётрнинг қулоғига ажабланиб шивирлаган сўзлар кирди:

— Тавба қилдим! Эрининг кўмилганига бир йил бўлмасдан, қизини эрга бериб, энди ўзи ҳам ўйинга тушяпти!

Пётр хотинига қарамасдан, лекин унинг уялганини сезиб:

— Отам ўйнамаганда бўларди,— деб қўйди.

— Ойимнинг ҳам ўйшамаслиги керак эди,— деди қиз маъюслик билан секингина ва жойида даврани зич ўраб олган одамларнинг боши устидан кўз ташлади: бирданига қоқилиб кетиб, Пётрнинг елкасини ушлаб қолди.

Пётр унинг тирсагидан тутиб, меҳрибонлик билан:

— Эҳтиёт бўлинг!— деди.

Очиқ деразадан, томошабинлар бошлари оша хонага кечки шафақ нури тушди. Бу қизгиш шуълада бир эркак билан аёл худди кўрлар сингари чарх уриб айланар эди. Богда, ҳовлида, кўчада тобора хахолага товушлар, қий-қириқлар авж олмоқда, дим уй ичи эса борган сайин тинчимоқда эди. Яхши қиздирилган чирманда мунгли садо бериб, галатиноқ гумбурлар эди. Гармонь садоси янграб, кўрлар ва кизлар ўраб олган зич доирада ҳамон икки киши, ўтда куйгандай талвасаланиб чарх урибди. Қиз ва йигитлар уларнинг ўйинига, гўё фавқулудда муҳим ишга тикилгандай, диққат билан индамай тикилишарди. Басавлат кишиларнинг кўпи ҳовлига чиқиб кетган, уй ичида фақат ланж, ўрнидан туролмаган мастларгина қолган эди. Артамонов депсиниб тўхтади-да:

— Ульяна Ивановна, сен мени енгдинг!— деди.

Хотин сесканиб, девор олдида тўхтагандай, таққа тўхтади-да, айланасига ҳаммага таъзим қилиб:

— Уятга қўшманглар,— деди.

Рўмолчаси билан елпиниб, шу ондаёқ уйдан чиқиб кетди, унинг ўрнига Барская тушди.

— Ешларни ажратинг! Қани, Пётр, бери кел! Куёв жўралар, сизлар уни қўлтиқлаб юринглар!

Отаси, куёв жўраларни четлаб, оғир узун қўлларини ўғлининг елкасига қўйди:

— Бор, тангри бахт берсин! Қани қучоқлашайлик!

У ўглини қўйиб юборди, жўралар Пётрни қўлтиқлаб олдилар. Барская эса, атрофга тупуриниб, олдинда ғўлдираб борарди:

— Туф, туф! Бало-қазодан, қайғу-ҳасратдан, ёмон кўздан, шармандаликдан асрасин, туф! Ўт билан сув — ўз вақтида, офат учун эмас, бахт учун бўлсин!

— Пётр унга эргашиб, серҳашам тахтдай ўрин ёзилган Натальянинг уйига киргач, кампир уй ўртасидаги стулга залвори билан ўтирди-да:

— Гапимга яхшилаб қулоқ сол, лекин эсингдан чиқарма!— деб улуғворлик билан гап бошлади:

— Мана сенга иккита ярим сўлкавойлик. Буни этигинг ичига, товонинг тагига қўй. Наталья кириб, сенинг олдингда тиз чўкади. Этикларингни ечмоқчи бўлади. Сен ечтирма...

— Бунинг нима кераги бор?— деди Пётр қовоғини солиб.

— Бу сенинг ишинг эмас. Уч марта ечмоқчи бўлиб уринганда рухсат берма, тўртинчисида қўйиб бер. Шу вақт у сени уч марта ўпади, сен унга сўлкавойларни бериб: кулим, толеим, сенга инъом этаман, дегин. Хотирингда тут. Ечиниб унга орқангни ўгириб ёт, у сендан ётишга рухсат сўрайди, сен бўлсанг, индамай ётавер, учинчи марта сўрагандагина унга қўлингни чўз. Тушундингми! Ундан кейин...

Пётр янғасининг ялпоқ, қора башарасига ҳайрат билан қаради. У эса, бурун тешикларини кериб, лабларини ялар, тўлишган бағбақасини, бўйнини рўмол билан артиб, хунук ва уят сўзларни амирона такрорлаб, хайрлашарди:

— Шовқин-суронига, йиғи-сигисига инонма.

Кампир уй ичига ароқ ҳидини сочиб гандираклай-ган-дираклай чиқиб кетди. Пётр эса ғазабга келди. Оёғидан этикларини юлқиб ечди-да, каравот остига улоқтирди. Тезда ечиниб, ўринга — отга мингандай ирғиди. Тишларини ғижирлатиб, гўё алақандай бир нарса жудаям алам қилгандай, йиғламоқдан бери бўлди.

— Ботқоқлик шайтонлар...

Пар тўшак жуда иссиқ эди. Уриндан ирғиб турди-да, дераза олдига бориб, икки табақасини очди, боғдан унинг юзига мастлар шовқин-сурони, кулги, қизларнинг қийқириқлари билан тўлган салқин ҳаво урди. Кўкимтир ғирашира қоронғида, дарахтлар орасида, одамларнинг қораси дайдиб юрарди. Никола черковдаги қўнғироқхона минорасининг найзасимон учи худди жез бармоққа ўхшаб осмонга қадалиб турарди. Минора учида крест кўринмас: уни зарҳаллаш учун олгандилар. Уйларнинг томлари орқасида Ока дарёси маъюс йилтирар, унинг устида ярим ой эриб кетаётганга ўхшар, ундан нарида қорайган ўрмон баланд-паст бўлиб ётар эди. Пётрнинг кўз ўнгида бошқа ер-

лар, олтиндай кенг экинзорлар пайдо бўлди-да, уҳ тортди. Йўлакдаги зинадан оёқ товушлари, ҳингирлашиб кулган овозлар эшитилди, Пётр яна ўзини каравотга отди. Эшик очилди ва ипак ленталар шилдираб, кавушлар гарчиллади, кимдир хўрсияиб йиғлади. Эшик илгаги шилқ этиб, ўрнига тушди. Пётр оҳиста бошини кўтариб қаради: қоронғиликда, эшик олдида оппоқ гавда кўрипти. У қўлини бир маромда қимирлатиб, ерга теккудай бўлиб, букилиб турарди.

«Ибодат қилмоқда... Мен ибодат қилганим йўқ» деб ўйлади.

Аммо ибодат қилгиси келмасди. У астагина сўз бошлади:

— Наталья Евсеевна, сиз қўрқмапг. Мен ўзим қўрқяпман. Кўп азобландим,— деди.

Икки қўли билан сочини силаб, ўз қулогини чўзиб гўлдирай бошлади:

— Бу ишларнинг ҳеч бири ҳам керак эмас, этик ечиш ва бошқалар... Аҳмоқчилик бу. Менинг юрагим сиқилиб кетяпти-ю, кампир бўлса, шундай болалик қилади. Йиғламанг!

Қиз ёндама юриб, оҳиста дераза олдига келиб:

— Ҳали ҳам кайф-сафо қилишяпти,— деди ескингина.

— Ҳа.

Нимадандир чўчигандай, бир-бирларига яқинлашишга ботинмай, иккови ҳам чарчаган ҳолда, ўринсиз сўзлар билан кўп вақт ўтказишди. Тонг пайтига яқин зина гижирлаб, кимдир деворни пайпаслади, Наталья эшик олдига борди.

— Барская бўлса киргизманг!— деб шивирлади Пётр.

Наталья эшикни очиб:

— Ойим эканлар,— деди. Пётр каравотдан оёқларини солинтириб, ўздан норози ҳолда алам билан ўйлади:

«Бўлмағур, юраксизман, ўзимни кулги қиламан...»

Эшик очилди, Наталья паст товуш билан:

— Сизни ойим чақиряптилар,— деди.

Қиз печкага суяниб қолди, жимжимадор оппоқ кошларга қўшилиб кетгандай кўринди. Пётр эшикдан ташқарига чиқди, қоронгида, ундан ранжиган, чўчиган Баймакованинг шивирлаши эшитилди:

— Пётр Ильич, бу нима қилганинг? Мени ҳам, қизимни ҳам маломатга қўймоқчимисан? Тонг яқинлашмоқда... Ҳадемай, сизларни уйготгали келадилар; қизимнинг пок-

лигини исбот этмоқ учун кўйлагини одамларга кўрсатишим керак-ку!

Бу сўзларни гапираркан, бир қўли билан Пётрни елкасидан ушлаб, иккинчи қўли билан уни итариб, ҳаяжон ичида:

— Бу қандай иш? Кучинг йўқми, хоҳишинг йўқми? Мени кўрқитма! Гапирсанг-чи!— деди.

Пётр бўғиқ товуш билан:

— Унга раҳмим келади. Қўрқаман,— деди.

Қайнанасининг юзини кўрмаса ҳам, унинг кулганини эшитгандай бўлди.

— Йўқ, сен бор, бор, ўз ишингни қил! Жафокаш авлиё Христорга сизин! Бор. Қани, бир ўпай...

Қайнона унинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб, илимиқ вино ҳиди бурқситиб, ширин ва ёпишқоқ лабларини босди. Куёв эса ўпишга улгуролмай, ҳавони чўпиллатгани эшитилди. Пётр уйга кириб, эшикни беркитгач, қизга дадил қўл узатди, қиз ҳам бир оз олдинроқ берилиб, унинг қучоғига кирди-да, титроқ товуш билан:

— Бир оз ичган кўринади...— деди.

Пётр бошқа сўзларни кутар эди. Ўри томонга чекинарсан, гўлдиради:

— Қўрқма, мен чиройли бўлмасам ҳам раҳмдилман...

Қиз унинг қучоғига яна ҳам кириб, шивирлади:

— Оёқларим титрайди...

...Дремов аҳли тўй-базмни яхши кўрар эди; тўй беш кунга чўзилди. Одамлар маст-аласт ҳолда эрталабдан ярим кечгача кўчаларда тўдалашиб, уйдан-уйга кириб юрарди. Барскийлар жуда шуҳратли катта базм қурдилар, Ольга Орловани ранжитгани учун базмда Алексей уларнинг ўғлини қаттиқ урди. Барскийнинг ота-онаси Алексейдан Артамоновга шикоят қилганларида, у ажабланиб:

— Йигитлар уришмаган жой борми?— деди.

У жуда ечилиб кетиб, қизларга ленталар ва бошқа нарсалар совга қилар, йигитларга пул берар, ота ва оналарни обдон маст қилиб, ҳар қайсисини қучоқлаб:

— Э-эй, халойиқ! Яшашга ҳақимиз борми ё йўқми?— деярдди.

Илья Артамонов ўзини биратўла қўйиб юбориб, гўё ичидаги ўтни сўндирмоқчи бўлгандай, жуда кўп ичарди. Кўп ичса ҳам маст бўлмас, лекин тўй кунлари бир оз ориқлаб қолган эди. Ўзини Ульяна Баймаковадан четроқ тутса ҳам, унга талабгорлик билан ўқрайиб тикилишнинг бола-ла-

ри сезарди. У ўз кучи билан мақтанар, гарнизон солдатлари билан таёқ ушлашиб тортишарди, ўт ўчирувчини ва учта гиштчи устани курашда енгган, унга тараф бўлиб ер қазувчи Тихон Вялов чиқди. Тихон таклиф эмас, талаб қилиб:

— Қани, энди мен билан,— деди.

Артамонов ҳайратланиб, ер қазувчининг норгул гавдасини кўздан кечирди-да:

— Сен ким бўласан: полвонми, ё мақтанчоқми?— деди.

— Қайдам...— деди у жиддий равишда.

Бир-бирлари билан беллашиб, анча вақтгача бир жойда депсиниб туришди. Артамонов Вяловнинг елкасидан оша хотинларга қараб, уларга одобсизлик билан кўз қисарди. Илья ер қазувчидан баланд, бир оз ориқроқ, қомати ҳам келишганроқ эди. Вялов унинг кўкрагига елкасини тираб, бошидан ошириб отмоқчи бўларди. Буни сезган Илья:

— Ҳийлакор эмассан, биродар, ҳийлакор эмассан,— деб туйиб, бодасига ўкирди-да, Тихонни бошидан ошириб, ерга чунонам урдик, оёқлари эсимен бўлиб қолди. Ер қазувчи майса устига ўтириб, терлаган юзини артаркан, уялиб:

— Кучли экансан,— деди.

— Кўриб турибмиз,— деди одамлар истеҳзо билан.

— Бақувват экан,— деб такрорлади Вялов.

Илья унга қўл узатди.

— Қани, тур!

Ер қазувчи унинг қўлини ушламасдан туришга уриниб, туролмади, оёгини яна узатиб, кўпчиликнинг орқасидан ғалати, маъюс назар билан қараб қолди. Унинг ёнига Никита келиб, ҳамдардлик билан:

— Ёмон оғрияптими? Ердاملашайми?— деб сўради.

Ер қазувчи жилмайиб:

— Суяклар зирқираяпти,— деди.— Мен дадангдан кучлироқ бўлсам ҳам, унчалик чаққон эмасман. Қани, Никита Ильич, юр, уларнинг кетидан борайлик, софдил одам!

Шундай деб, букурни дўстона қўлтиқлаб, оёгининг оғригини унутмоқчи бўлгандай, депсиниб-депсиниб йўлга тушди.

Куёв билан келин кечалари ухламай, ҳориб-чарчаб, маст-аласт, шовқин-сурон кўтарган кишилар орасида уларнинг кўнгиллари учун, беихтиёр еб-ичиб, беибо ҳазиллари эшитишар, доим ёнма-ён ўтиришса ҳам, бир-бирига қарамас ва ё қўлтиқлашиб юришса ҳамки, бегона кишилар-

дек бир-бирига қарамас ва индамас эдилар. Бу ҳол Матрёна Барскаяга жуда ёқар, мақтангиси келиб, Илья билан Ульянадан сўрарди.

— Йигитга яхши уқтирибманми? Қизга ҳам ўргатганимни қара, Ульяна! Куёв-чи? Худди товусдай қадам қўяди, мен — мен эмас, хотин меники эмас дегандай юради.

Наталья билан Пётр ухлаш учун ўз уйларига кирганларида, улар учун мажбурий бўлган, улар бўйсуниб қабул қилган бутун урф-одатларни кийимлари билан бирга отиб ташлаб, кечирган кунлари тўғрисида сўзлашар эди.

— Тоза ичар эканлар-да, сизникилар!— дерди Пётр хайратланиб.

— Сизларда кам ичишадими?— дерди хотини.

— Мужикларнинг бунчалик ичиши мумкинми?

— Сиз мужикларга ўхшамайсиз.

— Биз дворовойлардан, улар бир оз дворянларга ўхшайди.

Баъзан улар қучоқлашиб дераза олдида, богдан кирган оромбахш ҳаво билан нафас олиб, индамай ўтиришар эди.

— Нега гапирмайсан?— деб сўрарди хотини оҳиста, эри ҳам оҳистагина:

— Оддий сўзларни гапиргим келмайди,— деб жавоб берар эди.

Куёв ажойиб сўзларни тинглагиси келар, келин эса ундай сўзларни билмасди. У олтин далаларнинг чексиз кенглиги тўғрисида сўзлаганда, хотини:

— На ўрмон бор ва на бошқа нарса? У ерлар қўрқинчи бўлса керак?— деб сўрар эди.

— Ўрмонларда қўрқса бўлади. Далада киши нимадан қўрқади? Унда еру кўк ва мендан бошқа кимса йўқ!— Пётр зериккансимон жавоб берарди.

Бир кеча юлдузларни томоша қилиб, дераза олдида ўтирганларида, боғда, мўрча ёнида икки кишининг олишгани, кимнингдир пусиб қочгани, йўл бўйидаги малиналарнинг шохчалари сингани эшитилди. Бирпасдан сўнг бировнинг:

— Сенга нима бўлди, иблис!— деган пастгина газабли товуши эшитилди.

Наталья чўчиб, иргиб ўрнидан турди.

— Бу ойим-ку!

Пётр унинг олдини тўсиб, деразадан бошини чиқариб қаради, отаси қайнанасини қучоқлаб олиб, деворга қисиб, ерга ётқизмоқчи бўлаётганини кўрди. Ульяна қулочкашлаб.

отасининг бошига тез-тез урар, нафаси қисилиб қаттиқ-қаттиқ шивирлаб:

— Қўйвор, қичқириб юбораман,— дерди.

Шу чоқ бирдан товушини ўзгартириб:

— Меҳрибоним, тегма! Раҳм қил!— деб ёлборди.

Пётр деразани секингина беркитди ва хотинини қучоқлаб, тиззасига ўтказди.

— Қарама!..

У эса, эрининг қучоғида типирчилаб:

— Нима гап? У ким?— деб сўради.

Пётр хотинини маҳкам қучоқлаб:

— Тушунмаяпсанми? Отам,— деб жавоб берди.

Наталья қўрқиб ва уялиб:

— Вой, бу қандай гап?— деб шивирлаганда, эри уни кўтариб олиб ўринга ўтқизаркан:

— Биз ота-онамизни тергашга ҳақли эмасмиз,— деди.

Наталья икки қўли билан бошини чангаллаб, тўлғониб ингради.

— Бу қандай зўр тунда!— деди.

— Бизнинг гуноҳимиз эмас,— деб Пётр жавоб бераркан. отасининг: «Хўжайинлар қандай ишларни қилмайдилар?» деганини эслади.— Бир ҳисобда бу яхши, сенга кўз олайтирмайди. Қарияларнинг ишлари ҳам содда; улар келини билан ўйнашишни гуноҳ деб билмайдилар. Йиғлама!

Хотини йиғлаб туриб:

— Улар тўйда ўйинга тушишганда, мен шундай бўлишини ўйлаган эдим... Агар, у зўрлаган бўлса, бизнинг ишимиз нима бўлади?— деди.

Ҳаяжондан толиб-чарчаган Наталья ечинмасдан, тезда ухлаб қолди. Пётр эса деразани очиб, боғни кўздан кечирди. У ерда ҳеч ким кўринмас, тонг шабадаси эсар, дарахтлар хушбўй қоронғиликда силкинар эди. Деразани очиқ қолдириб, хотини ёнига ётди-да, кўзларини юммай, рўй берган ҳодисани ўйлаб кетди. Кўнгли Наталья билан кичкина бир кўргончада яшашни истарди.

...Наталья кўп вақт ўтмай уйғонди. Уни гўё онасига ачиниш, унинг учун қайғуриш ҳисси уйғотгандай эди. Яланг оёқ, кўйлакчан ҳолда шошиб пастга тушди. Одатда тунда ёпиқ турадиган онаси уйининг қия очиқлиги уни янада ортиқроқ қўрқитган бўлса ҳам, онасининг каравоти турадиган бурчакка қаради-ю, оқ чойшаб остида дўппайиб ётган гавдани, ёстиқ устига сочилиб қетган қора сочларни кўрди.

«Уйқуда. Йиғлаган, қайғургаң...»

Бир нима қилиб, ранжиган онасини овутишни истарди. У боғ томон йўналди. Шабнам тушган кўкатлар яланг оёғига муздай тегиб қитиқлар эди. Урмон орқасидан эндигина кўтарилган қуёшнинг қиялама нурлари кўзни қамаштирар, нурларда сезилар-сезилмас илиқлик бор эди. Шабнамда кумушдай ялтираган отқулоқ япроғини юлиб олди-да, бир бетига, кейин иккинчи бетига босди, юзининг тафти босилди, шундан сўнг қайнотаси тўғрисида беғараз ўйлаб, қизил смородина гужумларини япроқ устига тера бошлади. Қайнатаси одатда оғир қўллари билан елкасига қоқиб жилмаяр, гўё келинига айтишга бошқа сўз йўқдай: «Қалай, яйраб юрибсанми? Яшайвер!» дерди, бу эса Натальяга молни эркалатгандай туюлиб, уни бир оз ранжитар эди.

Қайнатасига қарши кўнглида душманлик ҳисси уйғотмоқчи бўлиб, «босқинчи» деб қўйди ўзича.

Қизилтўшлар сайрар, тўрғайлар вижирлаб, саъвалар чуғурлашарди, япроқлар ипақдек майин шилдирар, шаҳар четида, узоқдан подачи сивизга чалар эди. Ватаракша жилгасининг лабида қурилаётган фабрикадаги одамлар товуши ёруглик ва сукунат билан бирга секин-аста оқиб келаётгандай туюларди. Нимадир шиқ этди. Наталья сесканиб, бошини кўтардию, олма шохига илиб қўйилган қафасни кўрди, унинг ичида, ингичка чивиқлар орасида саъва типирчилаб уринмоқда эди.

«Тузоқни ким қўйган экан-а? Никитамикин?»

Аллақаерда қуруқ шохча қирс этиб синди.

Наталья уйга қайтгач, онасининг хонасига қаради, онаси уйғониб, икки қўлини боши остига қўйиб, нимадандир таажжублангандай, қошларини чимириб, чалқанча ётар эди.

Онаси тирсагини тираб қаддини кўтарди-да, хавотирланиб:

— Ким... нима гап?— деб сўради.

— Ҳеч гап, мана сенга чой билан ичиш учун смородина териб келдим.

Каравот ёнидаги стол устида ичиб тугатилаёган квасли катта графин турарди, дастурхон устига квас тўкилган, графин қопқоғи ерда думалаб ётар эди. Онасининг кул ранг жиддий кўз атрофларини кўкиш салқи босган бўлса ҳам, Наталья кутгандай йиглайвериб шишиб кетмаган эди. Кўзлари ҳам бир оз қорайгандай, чуқурлашгандай кўринарди, одатдаги такаббуруна қарашлари ҳам йўқ, узоқдан қарар, саросималанаётганга ўхшарди.

Онаси бўйинини чойшаб билан ўраркан:

— Бундан кейин омборда ётмасам, чивинлар ухлат-майдингга ўхшайди, ҳамма ёгимни чақиб ташлади,— деди. Сен нега эрта турдинг? Нега шабнамда яланг оёқ юрибсан? Этакларинг ҳўл бўлипти, шамоллаб қоласан...

Онаси бу сўзларни бепарволик билан, истар-истамас, ўз фикри билан банд ҳолда гапирар эди. Ташвиш ўрнини аста-секин лоқайдлик ва хотинларга хос ўткир қизиқиш эгаллади.

— Уйғониб сенинг тўғрингда ўйладим... сени тушим-да кўрган эдим,— деди Наталья.

Онаси шифтга қараб:

— Нима ўйладинг?— деб сўради.

— Сен ёлғиз... менсиз ётибсан...

Натальяга онасининг бетлари қизаргандай кўринди: «Мен кўрқоқ эмасман» деб жилмайгани ҳам сохта чиқди: Онаси кўзларини юмиб, қизига буюрди:

— Бор, қизим, эринг уйғонди, тапиллатаётганини эшитяпсанми?

Наталья эшинадан аста кўтариларкан, адовати қўзиб, жирканиб ўйлай бошлади: «Солдида ўша ётгани... Кўзларини ҳам ўша ичган... Бўйнидагиси чивин чаққанидан эмас, ўпишдан. Буни Петяга айтмайман. Омборда ётмоқчи. Қичкиради тагин...»

Пётр хотинининг бетига диққат билан қараб:

— Қаерда эдинг?— деб сўради, хотини ўзини айбдор сезиб, ерга тикилди:

— Смородина териб, онам олдига кирувдим.

— Қалай экан?

— Тузукка ўхшайди...

— Шундай,— деди қулогини чўзиб,— шундай!

Пётр қизарган энгаҳини ишқаб, жилмайиб нафас оларкан:

— Тентак Барская: «Йиғи-сиғисига, шовқин-суронига ишонма» деб тўғри айтган экан,— деди.

Кейин қатъий сўради:

— Никитани кўрдингми?

— Йўқ.

— Нега кўрмас экансан? У боғда қуш тутяпти-ку!

Наталья чўчиб:

— Вой! Мен бўлсам шундай, кўйлакчан чиққан эдим,— деди.

— Мана, шунақа бўлади...

— У қачон ухлайди?

Пётр этигини кия туриб, қаттиқ томоқ қирди, хотини эса унга қия боқиб:

— Букур бўлса ҳам, ёқимли... Алексейга қараганда ёқимлироқ,— деб жилмайди.

Эри яна томоқ қириб қўйди, лекин бу гал секинроқ.

...Хар куни тонг отиши билан подачи қайин пўстлогидан ясалган узун сивизгасини мунгли оҳангда чалиб, молларни йиғаркан, сойнинг нариги томонидан болта товущларни эшитиларди. Шаҳар аҳли эса, сигир, қўй, эчкиларини подага қўшмоқ учун кўчага ҳайдаб чиқиб бир-бирларига жилмайиб:

— Тонг отмасдан, кун чиқмасдан тапиллата бошлаганларини қара-я!

— Очкўзлик — тинчликнинг ашаддий душмани!— дейишар эди.

Баъзан Илья Артамонов, шаҳар аҳлининг ялқовлигини, душманлигини енгганга ўхшар эди. Дремовликлар уни кўрганда шапкаларини олиб, таъзим қилишар, унинг Ратский князлари тўғрисидаги ҳикояларини диққат билан эшитсалар ҳам, ё униси — ё буниси мақтаниб:

— Бизнинг жаноблар оддийроқ, камбағалроқ, лекин сизниқидан жиддийроқ!— дерди.

Барский қовоқхонасининг Ока дарёси четидаги сердархт, чиройли богида, байрам кечаларидаги ўтиришлардан бирида бойларга, Дремов шаҳрининг улугларига Илья:

— Менинг ишимдан ҳаммангизга қулайлик келади!— деганда, Помялов мийгида кулиб:

— Худо ўзи етказсин,— деб жавоб беради. Бу сўзни у маъқуллаб айтдими ёки кесатиб айтдими — тушуниб бўлмасди. Унинг бужмайган юзини каноп лосига ўхшаш соқоли бесўнақай ўраб олган, кул ранг бурни эса ҳамма нарсани исқаётгандай кўринар, сарғиш кўзлари заҳархандалик билан боқар эди.

— Худо ўзи етказсин,— деб такрорлади у,— сенсиз ҳам ёмон яшамас эдик. Сен билан ҳам яшайверамиз.

Артамонов хўмрайиб:

— Икки маънолик қилиб сўзлаяпсан, гапинг дўстона эмас,— деди.

Барский хахолаб кулди:

— Помяловнинг бўлган-тургани шу!

Барскийнинг юзи ўрнига парча-пурча қизгиш гўштлар нари-бери чандиб қўйилганга ўхшайди, каттакон боши ҳам, бўйни, юзи, қўлларини — бутун вужудини айиқ юнгидай

қалин юнг қоплаган; қулоқлари кўринмайди, кераксіз кўзлари ёғ халтачалари ичига яширинган.

— Менинг бутун кучим ёгга айланган!— оғзини катта очиб қаҳқаҳа уриб кулади, оғзи тўла ўтмас тиш.

Аравасоз Воропонов кўкиш кўзларини Артамоновга тикиб, ора-сира қараб қўяр, қалдироқ товуш билан насихат қиларди:

— Иш қилиш керак, лекин худони ҳам эсдан чиқариш ярамайди. Муқаддас китобларда: «Марфа, Марфа, кўп нарсалар тўғрисида ғам ейсан, лекин фақат биттасигина керак» дейилган.

Воропоновнинг ифодасиз кўринган оқиш кўзлари шундай қаттиқ тикилардики, гўё у бир нарсани пайқаганга, ғайри оддий бир сўз билан ҳаммани гангитиб қўядиганга ўхшарди. Баъзан алақандай ғалати гапни бошлаб:

— Албатта, Исо ҳам нон еган, шундай бўлгандан кейин, Марфа...— деб қўярди.

Черков мутаваллиси. кўини Житейкин:

— Деи-хеи... қаеққа йўл солдинг?— деб уни тўхта-тарди.

Воропонов кул ранг қулоқларини қимирлатиб, жим бўлар эди.

Илья бўлса, кўнчидан сўрарди:

— Сен менинг ишимга тушунасанми?

Житейкин унинг сўзига ҳайрон бўларди:

— Тушунишимнинг нима кераги бор? Иш сеники бўлгандан кейин, уни ўзинг тушунишинг керак. э... э... тентак! Сенинг йўлинг ўзингга, меники ўзимга.

Артамонов қуюқ пивони ичар ва дарахтлар орасидан Ока дарёсининг лойқа сувига ва ундан сал чапроқда, Ока биқинидаги олчазордан, ботқоқликдан кўк илондай буралиб чиқиб келаётган Ватаракша сойининг оқишига қарар эди. У ерда кимхобдай товланиб ялтираган қумли бурунда пайраҳа ва қириндилар йилтирар, ғиштлар қизариб кўринарди, қийратилган толзор орасида жигар ранг фабрика биноси усти очиқ тобутдай чўзилиб ётарди. Омборнинг ҳали бўялмаган тунока томи қуёш нурида ярқирарди. Икки қаватли иморатнинг саргиш ёғоч деворлари гўё мўмдан ясалганга ва эриётганга, олтиндай товланган стропиллари эса осмонга кўтарилган ва тор сингари таранг қилиб қўйилганга ўхшарди. Алексей бу бинонинг узоқдан кўринишини чангга ўхшатган, бу жуда ўринли ўхшатиш эди. Шаҳарнинг йигит-қизларидан узоқроқ тутилган Алексей шу

ерда яшайди. Алексей уришқоқ ва сержаҳл бўлгани учун, тоғасига кўп ташвиш орттирарди. Алексейга қараганда Пётр огирроқ, Пётрда аллақандай ноаниқ фазилат бор, довярак киши кўп иш қила олишини у ҳали тушунмайди.

Артамоновнинг юзига хомушлик соя солади. Қалин қошлари остидан шаҳарликларга жилмайиб қарайди: пасткаш одамлар, ишга астойдил киришмайди, чинакам ғайрат йўқ...

Шаҳар уйқуга толганда, Артамонов ўғрилардек дарё ёқалаб, чорбоғлардан ўтиб, бева Баймакованинг боғига киради. Иссиқ ҳавода чивинлар ғингиллаб, ер юзига гўё улар бодринг, олма, укропларнинг ёқимли ҳидларини тарқатгандай бўлади. Ой кул ранг булутлар орасида сузиб юради, дарё юзига соя тушади. Артамонов четан девордан ошиб боққа киради ва астагина ҳовлига ўтади. Мана, қоронги омборхонада... Бурчакдан, қўрқув аралаш шивирлаган товуш уни қарши олади:

— Келганингни ҳеч ким сезмадимми?

У кийимларини ечаркан, жаҳл билан гўлдирайди:

— Яшириниб юриш жуда ҳам жонимга тегди. Мен ёш боламанми?

— Ким сенга «ўйнаш орттир» деди?

— Орттирмай десам ҳам худо йўлиқтирса нима қилай?

— Қўй, муртад, гапирма! Сен билан иккимиз худога қарши боряпмиз...

— Хайр, майли! Кейин гаплашармиз... Эҳ... Ульяна, бу ердаги одамлар онгсиз...

— Арзимамайди, хафа бўлма!— деб шивирлайди Ульяна ва уни жон-жаҳди билан қучоқлаб, анчагача эркалайди, кўнглини тинчитади; дам олгач, унга одамлар тўғрисида узоқ сўзлайди: кимдан қўрқиш кераклигини, ким ақли, ким номуссиз эканини, кимда пул кўплигини бирма-бир гапириб беради.

— Помялов билан Воропонов сенга кўп ёғоч керак бўлишини билиб, атрофдаги ўрмонларни сотиб олмоқчи, сени сиқиб қўйишмоқчи.

— Кеч қолишибди, князь ўрмонларни менга сотиб қўйган.

Уларнинг атрофини шу қадар зимзиё қоронғилик ўраб олганки, ҳатто бир-бирининг кўзларини ҳам кўрмайдилар, шивирлаб гаплашадилар. Пичан ҳиди, қайин чивиқларидан ясалган супурги иси келади, ертўладан намхуш ёқимли салқин кўтарилади. Кичкина шаҳарчани қўрғошиндай

оғир жимлик босган. Гоҳо каламуш югуриб ўтади, сичқонлар чийиллашади, соат сайин Никола черковининг синиқ қўнғироғи қоронғилик қўйнида мунгли, хаста овоз билан қалдиради.

Илья Артамонов Ульянанинг билқиллаган иссиқ баданини силайди ва завқланиб:

— Зап келишган хотинсан-да! Қандай кучлисан! Нега кам туққансан?— дейди.

— Натальядан бошқа яна иккита бола кўрган эдим, нимжон эди, ўлиб қолди.

— Демак, эрингнинг мазаси йўқ экан...

— Балки ишонмассан,— деб Ульяна шивирлайди,— сени кўрмасимдан аввал севги нималигини билмасдим. Хотинлар, дугоналарим гапирганда ишонмасдим: уят ва ёлгон нарсаларни сўзлашади деб ўйлардим. Эрим олдида уятдан бошқа ҳеч нарсани билмасдим, ўринга ётганда гўр-га киргандай бўлардим. Тезроқ ухласаю, менга тегмай кўя қолсайди, деб тангрига ёлворар эдим! Яхши одам эди, мулойим, ақлли, лекин худо севмиш ва севилмишни унга nasib қилмаган экан.

Унинг гаплари Артамоновни ҳам ҳайрон қолдиради, ҳам кўнглини қитиқлайди. Илья унинг лорсиллаган кўксини қаттиқ силаб:

— Шундайми? Мен билмас эканман: ҳар қандай эр ҳам хотинига ширин кўринади део ўйлар эдим,— дейди гўлдираб.

Кундузлари доим оғир-вазмин, хотиржам ва ниҳоятда фаросатли бека бўлмиш, ақли ва билими учун шаҳар аҳли ҳурмат қиладиган бу хотин ёнида Артамонов ўзини ақллироқ ва кучлироқ сезади. Бир куни Артамонов унинг қиздай эркалатишларидан таъсирланиб:

— Бу йўлга нима учун кирганингни тушундим. Болаларимизни бекорга уйлантирибмиз, унинг ўрнига иккимизни никоҳлаш керак экан,— деди.

— Болаларинг яхши, бизнинг алоқамизни билсалар ҳам майли. Агар шаҳар аҳли билиб қолса-чи...— деб хотин бутун вужуди билан сесканиб тушди.

— Ҳеч нима қилмайди...— деб шивирлади Илья.

Бир куни Ульяна қизиқсиниб сўраб қолди:

— Айт-чи: сен-ку одам ўлдиргансан, у тушингга ҳам кирмайдими?

Илья бепарволик билан соқолини қимтиб:

— Йўқ, мен қаттиқ ухлайман, туш кўрмайман. Нега

тушимга кирсин! Уни кўрганим йўқ. Тўсатдан тушириб қолишди, мен зўрга оёқда туриб қолдим. Аллакимнинг калласига чўқмор билан урдим, кейин иккинчисини, учинчиси эса қочиб қутулди,— деб жавоб берди.

У уҳ тортиб, алам билан деди:

— Аҳмоқлар сенга йўлиқади-да, улар учун худо олдида сен жавобгар бўласан...

Бирмунча вақт жим ётишди.

— Ухладингми?

— Йўқ.

— Урнингдан тур: тонг ёришай деб қолди. Қурилишга борасанми? Вой, мен билан овора бўлиб, чарчаб қолманг гўрғайди...

Артамонов кийинаётди:

— Қўрқма, иш кунларига етган куч, байрам кунларига ҳам етиб қолар,— деди.

У садафдай йилтираган ғира-ширада, муздай тонгда боради. Қўлларини орқасига қилиб, чакмони остидан қовуштириб, ўз ерида эркин юриб боради; чакмони эса хўроз думидай кўтарилган. Артамонов пайрача ва қириндиларни залвари билан босиб бораркан, ўйлайди:

«Олешканинг жиловини қўйиб юбориб, ўйнатиш керак, бир оз ҳоври босилсин. Қайсар бўлса ҳам, яхши бола...»

Илья қумга ёки қириндилар тўплами устига ўзини ташлайди-ю, дарров ухлаб қолади. Кўкимтир ҳавода тонг эркаланиб ёришади. Мана, қуёш мақтаниб, ер юзига товус қуйруғидай шуълаларини ёйиб, орқасидан ўзи ҳам олтиндай ярқираб кўтарилди. Уйғониб турган ишчилар чўзилиб ётган катта гавдани кўриб, бир-бирларини огоҳлантиришади:

— Шу ерда экан!

Ёноқ суяклари дўппайган Тихон Вялов, елкасида темир белкурак билан кўзларини пирпиратиб Артамоновга қарайди, худди унинг устидан сакраб ўтмоқчи бўлади-ю, журъат этолмайди...

Одамларнинг чумолидай ғивирлаши, шовқин-суронлари, тақир-туқурлари бу норгул кишини уйғотмайди; у чалқанча ётиб, ўтмас аррадай хириллайди; ер қазувчи гўё биров калласига ургандай гандираклаб, у ёқ-бу ёққа қараб узоқлашади. Оқ каноп кўйлак, кўк шим кийган Алексей уйдан чиқиб, оёқ остидаги пайраҳаларнинг шитирлаши билан тоғасини уйғотиб юборишидан чўчигандек, унга яқинлашмай, оҳистагина узоқдан, гўё учиб юргандай,

четлаб ўтади-да, чўмилишга кетади. Никита тонг ёришар-ёришмас ўрмонга жўнаган эди. У ҳар куни ўрмондан икки-уч арава чиринди келтириб, бог учун тозаланган ерга тўкарди. У ерга қайин, заранг, милаш, тол кўчатлари эккан эди; ҳозир эса мевали дарахт ўтқазниш учун қумлоқ-да теран чуқурлар қазиб, уларни чиринди, қуриган балчиқ, тупроқ билан тўлдирмоқда. Байрам кунлари унга Тихон Вялов ёрдамлашади.

— Бог кўкартириш хайрли иш,— дейди чол.

Пётр Артамонов, қулоғини чўзиб қўйиб, ишларни кўздан кечириб юради. Ёгоч тилаётган арра қиртиллаши, рандалар шириллаб ҳуштак чалиши, болталарнинг қарсиллатиб кесиши, оҳакнинг чилпилаб ёпишиши, чархнинг болта тигини энтикиб ялаши, ёгоч кўтарган дурадгорларнинг «Дубинушка» айтиши эшитилади, жарангдор товуш янграйди:

Заҳарнинг қудаси Марья олдига
Кела солиб минт билан води бетига...

Пётр ер қазувчи Вяловга:

— Қўпол айтиляпти!— деди, қумга тивзасингача ботган Вялов:

— Барибир, ишқилиб, айтса бўлди-да...— деди.

— Бу нима деганинг?

— Сўзларда жон йўқ.

«Бу кишини тушуниш қийин!— деб ўйлади Пётр. Ундан узоқлашаркан эслади: бир куни отаси Вяловга ишларни кузатиб туриш вазифасини таклиф этганда, бу киши отасининг оёғи остига қараб:

— Йўқ, мен бу ишга ярамайман, одамларга иш буюролмайман. Сен мени қоровулликка ол,— деган эди.

Ушанда отаси Вяловни қаттиқ сўккан эди.

...Совуқ серёгин куз келди. Боглар занг босгандай бўлиб қолди, темир тусли қорайган ўрмонни ҳам занг босгандай сариқ доғлар қоплади; ерга босилавериб ранги ўчган қириндиларни рутубатли шамол дарё томон ҳайдаб ҳуштак отиб эсарди. Ҳар куни эрта билан омбор ёнига, юнглари ғадир-будур отлар қўшилган арваларда зиғирпоя келарди. Пётр молни қабул қиларкан, серсоқол индамас мужиклар тош босиши учун ивитилган зиғирпояни ўтказиб юбормаслигига, хашаки зиғирпояни аъло сифат зиғирпоя ўрнида топшириб кетмаслигига диққат билан

назорат қилар эди. Мужиклар билан муомала қилиш унинг учун қийин эди. Сабрсиз Алексей ғазабланиб, улар билан қаттиқ сўкишарди. Отаси Москвага кетди, унинг орқасидан қайнаnasi ҳам гўё зиёратга кетгандай жўнаб қолди.

Алексей кечки чой ва кечки овқат чогида жаҳли чиқиб зорланар:

— Бу ерда туришдан зерикдим. Бу ерликларни ёмон кўраман,— дерди.

Шу билан Пётрнинг кайфини бузарди.

— Ўзинг яхшисан-да! Ҳаммага тиргиласан. Мақта-нишни яхши кўрасан.

— Мақтанишим ўринли, шунинг учун мақтанаман...

Алексей жингалак сочларини силкиб, кифтларини ростлаб, кўкракларини кериб, уялмасдан, кўзини сузиб, ака-укаларига, келин ойисига қарар эди. Наталья ундан ўзини узокроқ тутар, худди унинг бирон жиҳатидан кўрқ-қандай, у билан қуруққина сўзлашар эди. Наталья тушки овқатдан кейин, эри билан Алексей ишга қайтиб кетгач, Никитанинг кичкинагина, зоҳидларникига ўхшаш ҳужрасига кирарди-да, букур унинг учун қайин ёғочдан чиройли қилиб ясаган, дераза ёнидаги креслога иш тиккани ўтирар эди. Букур, мирза вазифасини бажариб, эрталабдан-кечгача ёзиш-чизиш ва ҳисоб ишлари билан машғул бўларди. Аммо Наталья унинг ҳузурига кириши билан ишини тўхтатиб, князар турмуши, уларнинг гулхоналарида ўсадиган гуллар тўғрисида сўзлар эди. Унинг қизниқидай майин ва ўткир товушида меҳр акс этар, мовий кўзлари келиннинг юзига тик боқмай, деразага қарарди. Наталья эса қўлидаги ишига энгашиб, ўзини танҳо сезган кишидай ўйга толиб, жимгина ўтирар эди. Бир-бирига сира қарамасдан бир-икки соат ўтиришса ҳам, ора-сира Никита, гўё беихтиёр, мовий кўзларини меҳр билан келин ойисига тикиб қўяр, ўшанда шалпанг қулоқлари сезиларли даражада қизариб кетарди. Баъзан унинг бу қалтис қараши Натальяни қайнисига қарашга ва илтифот билан ғалати илжайишга мажбур этарди; баъзан Никита Натальянинг бу жилмайишида, уни ҳаяжонлантирган қандайдир бир нарсани пайқагандек бўлар, баъзан бу жилмайиш унга ҳам ранжиш, ҳам хўрланишдек туюлиб, ўзини гуноҳкор сезиб ерга қараб олар эди.

Ёмгир ёзнинг ўнгган рангини ювиб, дераза ташқарисида шатирлаб қуймоқда. Алексейнинг ҳайқириғи, ҳовли бурчагига яқинда занжирлаб қўйилган айиқ боласининг ўкриши

эшитилади. Зигирпоя титувчи хотинлар дўпирлатиб зигир-
пояни савашади. Шовқин-сурон билан уйга кирган Алексей
шапкаси гарданига сурилган, усти мой, ҳўл бўлса ҳам, ба-
ҳор кунларини эслатади. У кулиб туриб, Тихон Вялов ўз
бармоғини болта билан чопиб олганини сўзлайди.

— Гўё билмасдан чопиб олган эмиш, аслида жўрттага
чопгани кўриниб турибди: солдат бўлишни хоҳламайди.
Мен бўлсам шу ердан кетиш учун, аскарликка жон деб бо-
рар эдим.

Қовоғини солиб, айиқ боласидай хўриллайди:

— Жуда ҳам бўлмағур ерга келиб қолдик-да...

Кейин талабчанлик билан қўл чўзади:

— Шаҳарга бориб келай, уч мири бериб юбор.

— Нега?

— Ишинг бўлмасин.

Кетаётиб қуйлайди:

Қиз боради югуриб,

Ерига нон кўтариб...

— Уйнаб юриб, хунук иш қилиб қуимасаиди-да!— дей-
ди Наталья,— дугоналарим уни кўпинча Ольга Орлова
билан кўрар эмиш. У қиз энди ўн бешта кирди, опаси йўқ,
отаси пияниста.

Унинг бу гаплари Никитага ёқмайди. Назарида На-
тальянинг сўзларида ортиқча қайғу, хавотирланиш билан
бирга ҳасад ҳам бордай туюлади.

Букур индамай деразадан ташқарига қарайди. У ёқда,
нам ҳавода тебраниб турган қарағайларнинг шохчалари-
даги ям-яшил игна баргларида ёмғир томчилари симоб-
дай томади. Бу қарағайларни, уй атрофидаги бутун да-
рахтларни Никита ўз қўли билан эккан.

Қовоғи солиқ, ҳориган Пётр уйга кириб:

— Наталья, чой вақти бўлди,— дейди.

— Ҳали эрта-ю.

— Чой вақти бўлди, дедим-ку!— шовқин солади Пётр.
Хотини туриб кетгач, унинг ўрнига ўтириб шикоят қи-
лади:

— Бутун ишни отам менинг елкамга ағдарди... Эсан-
кираб қолдим, ишнинг охири нима бўлишини билмайман.
Агар ишларим нотўғри бўлса, жазомни беради...

Никита унга Алексей билан Орлова тўғрисида ётиғи
билан сўзлайди. Ақаси эса, унинг сўзларига қулоқ солги-
си келмагандай, қўл силкиб:

— Қизларга термилиб юришга вақтим йўқ! Уз хотинимни ҳам тунда уйқу орасида кўраман, кундуэлари бойқушдай сўқирман. Сенинг миянг аҳмоқона фикрлар билан банд...— дейди.

Шундан кейин, қулогини чўзиб қўйиб, астагина давом этади:

— Фабрикачи бўлиш — бизнинг ишимиз эмасга ўхшайди. Даладан ер олиб деҳқончилик қилиш маъқулроқ кўринади. Шовқин кам, фойдаси кўпроқ бўлар эди.

Илья Артамонов уйга қайтиб келганда, соқолини бир оз қирқтирган, жуда хурсанд, ёшарган, яна ҳам ягрини кенгроқ, кўэлари равшанроқ, бутун вужуди янгидан тобланган темир омондай кўринарди. Жаноблар сингари диванда чўзилиб:

— Бизнинг ишимиз — солдатлардай юриб туриши керак. Сизга ҳам, болаларингизга ҳам, набираларингизга ҳам иш етиб ортади. Уч юз йиллик иш бўлади. Биз Артамоновлардан ер юзида жуда катта, ажойиб хўжаликлар қолиши керак!— дейди.

Келинини кўздан кечириб:

— Шишяпсанми, Наталья? Угил туғсанг яхши ҳадя инъом қиламан!— дейди баланд овоз билан.

Кечқурун ётар олдида, Наталья эрига:

— Отам хурсандлик пайтида жуда олижаноб бўлар экан,— деди.

Эри Натальяга қия қараб, нохушлик билан:

— Совга ваъда қилгандан кейин ҳам яхши бўлмасинми?— деб жавоб берди.

Лекин икки-уч ҳафта ўтар-ўтмас, Артамонов сусайиб, ўйчан бўлиб қолди, Наталья Никитадан:

— Отам нимадан хафа?— деб сўраганда, у:

— Билмайман, унга тушуниб бўлмайди,— деди.

Шу кеча чой устида, Алексей баланд товуш билан, равшан қилиб, тўсатдан...

— Ота, мени солдатликка бер!— деб қолди.

Илья дудуқланиб:

— Қ... қа... ёққа?— деб сўради.

— Бу ерда туришни истамайман...

Артамонов болаларига:

— Ташқарига чиқинг!— деб буюрди.

Алексей ҳам уларга қўшилиб, эшик ёнига борганда, отаси унга:

— Олёшка, сен қол!— деб бақирди.

Илья қўлларини орқасига қовуштирган ҳолда, қошларини чимириб олдидаги йигитчага узоқ вақт диққат билан қараб турди-да, кейин:

— Мен сени яна шунқор деб юрибман-а!— деди.

— Бу ерда тура олмайман.

— Ёлғон гапирма. Сенинг ўрнинг шу ер. Онанг сени менинг ихтиёримга берган, бор!

Алексей, қўл-оёғи боғлангандай, олдига қараб юра бошлаганда, тоғаси уни елкасидан тутиб:

— Сен билан бу тарзда гапиришиш керак эмасди, отам менга мушт ўқталиб гапирарди. Бор,— деди.

Яна бир қайта тўхтатиб, салмоқлаб:

— Сен катта одам бўлишинг керак, тушундингми? Бундан кейин сендан бу хил ғингиллашни эшитмай...— деб қўйди.

Ёлғиз қолгач, соқолини чангаллаб, ерга тушаётган кул ранг ҳўл қорга деразадан анчагача қараб турди. Ташқарини ертўладагидай қоронғилик бошгандан кейин шаҳарга жўнади.

Баймакованинг ҳовли дарвозаси берк эди. У деразани тиқирлатганда, Ульянанинг ўзи эшик очди ва порози товуш билан:

— Нега бундай бевақт келдинг?— деб сўради.

Баймакованинг сўзига жавоб бермай, ечинмасдан уйга кирди-да, шапкасини полга ташлаб, стол ёнига ўтирди. Бармоқларини соқоли орасига суқиб, стулга суяниб, Алексей тўғрисида гап очди.

— Жинсдош эмас, синглим хўжайин билан ўйнашар эди, натижаси кўриниб туради.

Баймакова дераза қопқоқларига қаради, улар жипс ёпилганига қаноат ҳосил қилгач, шамни ўчирди. Бурчакдаги иконалар олдидаги кумуш тагликда кўк шамчироқ милтилаб ёнар эди.

— Тезроқ уйлантириб қўй, оёқ-қўли боғланади-қолади,— деди Ульяна.

— Шундай қилишга тўғри келади. Фақат бу билан иш битмайди. Пётрда ғайрат йўқ, шуниси ёмон! Ғайратсизлик билан ҳеч бир иш қилиб бўлмайди. Ҳали ҳам эркин эканини сезмайди, ҳамон крепостнойдек,¹ қилаётган ишини ўзиники эмас, хўжайинники деб билади, тушундингми?

¹ Крепостной — катта ер эгалари қўл остида ишлайдиган ерсиз, ҳуқуқсиз деҳқон. (Тарж.)

Никита тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, у мажруҳ, унинг бошида боғ, гуллардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Мен Алексейни, ишга тиш-тирноги билан ёпишар, деб ўйлаган эдим...

— Эртaroқ ташвиш тортяпсан. Сабр қил, иш қизиб кетса, ҳаммасини ўз ичига қамраб олади, ҳаммаси кўни-киб, кўзларни очилади,— деди Баймакова.

Иккиси жимжит, илиққина уйда ёнма-ён ўтириб, ярим кечагача суҳбатлашди. Уй бурчагида қилтираб турган кўкиш тутун ичра шамчироқ нури липиллар эди. Болаларининг ғайратсизлигидан шикоят қилган Артамонов, шаҳарликларни ҳам унутмади.

— Ҳаммаси зиқна, хасис одамлар.

— Ишинг ўнгидан келгани учун сени ёмон кўрадилар, омади келганларни биз — хотинлар яхши кўраимиз, бировнинг омадини сиз эркаклар кўра олмайсизлар.

Ульяна овутишга ва тинчителишга уста эди.

— Мен фақат сендан ҳомиладор бўлиб қолишдан ўлгудай кўрқаман,— деганда, Илья норозилик билан томоқ қириб:

— Москвада ишлар авж олиб кетди!— деди ва ўрнидан туриб, Ульянани қучоқлади.— Агар сен эркак бўлганингда эди...

— Хайр, жоним, бор!

Ульянани қаттиқ ўпиб, уйдан чиқиб кетди.

... Масленица¹ байрамида Ерданская, уриб дабдала қилинган Алексейни чанага солиб, ҳушсиз ҳолда шаҳардан уйга олиб келди.

Никита билан Ерданская қирғичдан ўтган хренни² ароқ билан аралаштириб, унинг баданига суриб роса ишқадилар, Алексей эса ҳеч нарса демай, фақат инграрди.

Артамонов йиртқич ҳайвондек уй ичида у ёқдан-бу ёққа ташланар, энгини бир шимариб, бир тушириб, тишларини ғижирлатар эди. Алексей ҳушига келганда, у мушт ўқталиб, ўдагайлаб:

— Сени ким урди, айт!— деди.

Алексей шишиб кетган ёвуз кўзини шикоят қилгандай сал очди-да, энтикиб, қон туфлаб:

¹ М а с л е н и ц а — христианларда навбахор байрами.

² Х р е н — овқатни хушхўр қилмоқ учун ишлатиладиган илдизи аччиқ ўсимлик, одатда унинг илдизи истеъмол этилади.

— Қолганига сен ур!— деб хириллади.

Наталья қўрқиб, қаттиқ йиғлади, қайнатаси депсиниб:

— Овозинг ўчсин! Йўқол!— деб бақирди.

Алексей, худди узиб ташламоқчи бўлгандай, бошини қўллари орасига олиб ингради.

Бир оздан сўнг қўлларини кериб, ёнига ағдарилди-да, қонга бўялган, хириллаган оғзини очиб, жим бўлди. Урин ёнидаги столда шам милтилар, урилиб дабдала қилинган танида соя кезар эди. Алексей тобора қорайиб, шишиб бораётгандай кўринарди. Унинг оёқ томонида гангиб қолган ака-укалари қайғуга ботиб, жим турар эдилар. Отаси эса, уй ичида у ёқдан-бу ёққа кезиб, кимгадир савол берарди:

— Чиндан ҳам тирик қолмасмикин, а?

Лекин Алексей саккиз кун ўтгандан кейин, хириллаб йўталиб, қон туфлаб, ўрнидан турди. У дам-бадам ҳаммомга тушиб буғланар, қалампир ивитилган ароқ ичар эди. Унинг кўзлари хомуш, ўтдай яллиғланар, янада чиройли кўринар эди.

Алексей ким урганини айтгиси келмаса ҳам, Ёрданская уни Степан Барский билан икки ўт ўчирувчи ҳамда Воропоновнинг мордвин қоровули урганини билиб келди. Артамонов Алексейдан:

— Шундайми?— деб сўраганда:

— Билмайман,— деб жавоб берди у.

— Елгон айтасан!

— Кўрганим йўқ, улар орқамдан келиб, бошимга чакмон ёпиб чулгаб олишди.

Артамонов алланимани пайқагандай бўлиб:

— Сен бирон нарсани яширасан,— деганда, Алексей унинг юзига ўқрайиб қараб:

— Мен тузалиб кетаман,— деди.

— Кўпроқ овқат егин,— деди Артамонов ва мийиғида:

— Шу қилган иши учун уйига ўт қўйиб, панжасини кавоб қилса арзийди...— деб гўлдираб қўйди.

У Алексейга яна ҳам серътибор бўлиб, дағалроқ меҳрибончилик қила бошлади: мақсади нималигини яширмасди: болаларини астойдил меҳнатга қизиқтириш учун қандай ишлаш кераклигини ўзи кўз-кўз қилиб кўрсатар эди.

— Ҳар қандай ишни қилаверинг, ҳеч бир ишдан жирканманг!— деб таълим берар, ҳатто ўзи қилиши лозим бўлмаган кўпгина ишларни қилиб, ҳамма ерда йиртқич ҳайвонларга хос ҳушёрлик ва чаққонлик кўрсатардики,

бундай чаққонлик қаршилик қаерда зўрлигини аниқлашга ва уни осонроқ енгиш йўлини белгилашга имкон берар эди.

Келиннинг ҳомиласи ғайри табиий равишда чўзилиб кетди. Икки кунлик азобдан кейин учинчи куни қиз туққанда, у хафа бўлиб:

— Э, бу қандай бўлди...— деган эди, Ульяна жиддий маслаҳат тарзида:

— Худога шукур қилғилки, бу кун зигиркорлар пири Елена Льяница кунда сенга қиз набира ато қилди,¹— деди.

— Шундайми?— деб Артамонов диний байрамлар рўйхатини кўлга олиб қаради-да, ёш боладай қувониб кетди:

— Қани, қизингнинг олдига олиб бор!

Келиннинг кўкрагига ёқут кўзли зирак билан бешта тилла кўйди-да:

— Ма! Уғил тугмаган бўлсанг ҳам, ол, майли!— деб шовқинлаб гапирди ва Пётрга бурилиб:

— Қалай, лаққабалиқ, хурсандмисан? Сен туғилганда мен шодланган эдим,— деди.

Пётр хотинининг тўлғоқ азобидан таниб бўлмас ҳолга келган юзига қўрқа-писа қаради; Натальянинг ҳоргин кўзлари чуқур тушиб кетган, гўё унутган нарчасини эслатмоқчи бўлгандай, одамларга ва буюмларга қарар эди; дард азобида тишлаб олган лабларини, тилини аста қимирлатиб яларди.

— Нега индамайди?— Пётр қайнарасидан сўради. Ульяна уни уйдан суриб чиқараётиб:

— Дод-вой қилиб бўлди,— деб тушунтирди.

Пётр икки кечаю кундуз хотинининг дод-войини эшитди, аввал унга раҳми келиб, ўлиб қолишидан қўрқиб, сўнгра унинг қийқириғидан гангиб, уйдаги икир-чикирдан саросимага тушиб, қўрқишни ҳам, раҳми келишни ҳам унуттаёзди. Хотинининг дод-войи эшитилмайдиган бирон узоқроқ жойга қочмоқчи бўлса-да, ундай жойни тополмади. Чинқириш миясининг аллақайси бир ерида бўлаётгандай туюлиб, галати фикрларни қўзғатар эди. Қаёққа бормасин, қўлига болта ёки курак тутган Никитани кўрар, букур ниманидир йўнар, чопар, чуқур қазир, товушсиз кўркаламуш

¹ Христианларда Елена кунда қиз туғилса, касб-кори зигир-поёга доир кишиларнинг иши ўнгидан келади.

чопиши билан қаёққадир ўрмалар эди. Пётрға Никита доира бўйлаб чир айлана чопаетганга, шунинг учун ҳар ерда унга дуч келаётганга ўхшарди.

— Туголмайдиганга ўхшайди,— деди Пётр укасига. Букур қўлидаги белкурагини қумга санчиб:

— Доя хотин нима дейди?— деб сўради.

— Юпатади. Ваъда қилади. Сен нега қалтираяпсан?

— Тишим огрияпти.

Хотини туққан куни кечқурун, эшик олдидаги зинада Пётр Никита ва Тихон билан ўтириб, ўйчанлик билан жилмайиб:

— Қайнанам болани қўлимга берганда, севинчимдан оғирлигини сезмай, қизимни, оз бўлмаса, шифтга отиб юборай дедим. Шундай арзимаган нарса учун бу қадар кўп азоб чекиш, тушунилиши мушкул нарса!..— деди.

Тихон Вялов ёногини қашиб, одатдагича салмоқли товуш билан:

— Инсоннинг бутун азоблари арзимаган нарса учун бўлади.— деганда. Никита жиддий тусда:

— Бу нима деганими?— деб сўради.

Қоровул эснаб олиб, совуққонлик билан:

— Одатда шундай-да...— деди.

Уйдагилар кечки овқатга чақиришди.

Бола йирик туғилди, беш ойлик бўлгач, ис тегиб ўлди. Онасига ҳам боласи билан бирга ис тегиб, ўлишига оз қолди.

Артамонов қабристонда ўғлини овутиб:

— Қандай қиламиз? Яна туғади. Бизнинг бу ерда ўз хилхонамиз бўлади, анча чуқур илдиз отдик. Ўзингники— ўзинг билан, ер устидаги ҳам, ер остидаги ҳам— ҳаммаси ўзингники. Мана шу нарса инсонни маҳкам ўрнатиради,— деди.

Пётр хотинига қараб боши билан имо қилди. Наталья эса, оёқ остидаги кичкина дўнгликка ўхшовсиз букилиб термилиб қаради. Никита қабр атрофини белкурак билан синчиклаб уриб, текисларди. Наталья юзидаги кўз ёшларини титроқ бармоқлари билан шу қадар тез артиб туширардики гўё у қизариб шишиб кетган бурнига қўли тегса, куйиб қолишидан қўрққандай кўринарди.

— Э, худо, э, тангрим...— деб шивирларди Наталья.

Алексей крестлар орасида айланиб юриб лавҳаларни ўқирди; у озиб кетган ва ёшига қараганда анча улғайган кўринарди. Мутлақо мужикларга ўхшамаган юзи қорам-

тир туклар билан қопланган, гўё куйиб қорайгандек ва дудлангандек эди; қошлари остидаги ичига тортиб кетган беибо кўзлари ҳаммага ўқрайиб қарарди; ўзини юқори тутиб, жўрттага тушуниб бўлмайдиган қилиб бўғиқроқ товуш билан гапирар, агар ундан бир сўзни қайта сўралса:

— Тушунмайсанми?— деб чинқирар ва сўкинарди.

Ака-укалари билан муомаласи ёмонлашиб, масхара шаклига ўтди.

Алексей хизматкор хотинга бақиргандай, Натальяга ҳам бақириб гапирар эди. Никита унга таъна билан: «Наташани бекорга хафа қиялсан!» деганда, у:

— Мен касал одамман,— деб жавоб берди.

— У юввош-да.

— Шундай бўлгандан кейин чидасин.

Гўё касаллик уни бошқа одамлардан ажратадиган фазилатдай, Алексей касаллиги тўғрисида кўп фахрланиб сўзларди.

Қабристондан тогаси билан қайтар экан, унга:

— Булар билан бир жойда ётишга ўлигим ҳам ор қилади, ўзимизга алоҳида хилхона ажратишимиз лозим,— деди.

Артамонов жилмайиб:

— Сабр қил. Уз черковимиз, қабристонимиз, мактабимиз, касалхонамиз бўлади. Ҳаммасини қиламиз!— деди.

Ватаракшанинг кўпригидан ўтаётганларида, сарғиш жулдур халат кийган, бор-йўғини ичиб тугатган чиновникка ўхшаш гадейбашара бир киши кўприк панжарасини ушлаб турарди. Буришган салқи юзида соқоли қирилган бўлса-да, оппоқ жун тикандан ўсиб чиққан, жун босган лаблари қимирлаб, оғзи очилар ва уваланиб кетган қоп-қора тишлари кўринар, ёшланган кўзлари хира йилтирар эди. Артамонов унга орқасини ўгириб тупурган бўлса ҳам, Алексейнинг одатдан ташқари мулозимат билан бу ифлос одамга бош эгганини кўргач:

— Ким?— деб сўради.

— Соатсоз Орлов!

— Орлов экани шундоқ ҳам кўриниб турибди.

— У жуда ақлли, уни хўрлаб азоблаганлар...— деди

Алексей қатъият билан.

Артамонов кўз қирида жиянига қараб қўйди, лекин индамади.

Ёгинсиз ва жазирама ёз кунлари келди. Ока дарёсининг нариги томонидаги ўрмонлар ёнарди; кундузи ер узра жизгинак ҳиди тарқатиб аччиқ тутун ёйилар, тунда эса ярқироқ ой ёқимсиз қизғиш тусга кирар, юлдузлар қоронғиликда нурини йўқотиб, жез михнинг қалпоғидай бўртиб кўринарди, дарё суви хира сомонни акс эттириб, ер остидан чиққан тутуннинг совуқ ва қуюқ оқимиға ўхшарди.

Артамоновлар кечки овқатдан сўнг, иссиқдан нафаслари қайтиб, боғда, заранг дарахтлари тагида чой ичишарди. Яқинда экилган бу дарахтлар яхши ўсган бўлса ҳам, уларнинг кўркем, жимжимали япроқлари бу дим кечда салқин беролмасди. Чигирткалар чириллаб, бир шохли қўнғизлар ғўнғиллаб, самовар шинғилламоқда эди. Наталья кофтасининг юқори тугмаларини ечиб, индамай чой қуяр; кўкрагининг териси қаймоқ тусли эди; букур бошини эгиб, қафас ясаш учун новда йўниш билан овора эди. Пётр қулоғининг солинчоғини бармоғи билан чўзиб, астагина:

— Отамларнинг жизғига тегиш ярамайли. отам бўлса нуқул жизғига тегади,— деди.

Алексей қуруқ йўталиб, бир нарса кутгандай, бўйнини чўзиб, шаҳар томон қаради.

Шаҳардан ингроқ қўнғироқ садоси эшитилди.

Алексей ўрнидан сапчиб кафтини пешонасига тутиб:

— Бонгми? Ёнғинми?— деб сўради.

— Сенга нима бўлди? Черков қўнғироқ чалувчиси соатни билдирыпти.

Алексей ўрнидан туриб, чиқиб кетди, Никита эса, бир оз жим тургач, астагина:

— Унинг эсига доим ёнғин келади,— деди.

— Сержаҳл бўлиб қолди. Илғари қанчалик қувноқ эди...— деди Наталья оҳиста.

Пётр укаси ва хотинига катталарға хос жиддият билан деди:

— Ҳар иккинғиз ҳам унга аҳмоқона қараш қиласиз. Унга раҳм қиламан деб қайтага хўрлиғини келтиряпсиз. Юр, Наталья, ётамиз.— Кетишди. Букур уларнинг орқасидан бир дам қараб тургач, ўрнидан турди-да, ўз шийпончасига йўналди, Никита у ерда пичан устида ётарди, шийпончанинг остонасига ўтирди. Шийпон чим терилган пастгина тепа устида бўлгани учун, девор оша қаралса, шаҳар уйларининг қораси, уйлар орасида черков мезанаси, ўт ўчирувчилар минораси уйларга соқчилик қилиб тургандай кўринади. Хизматкор хотин стол устидаги идиш-товоқларни шақирлатиб

йигиштиради. Девор орқасидан тўқувчилар ўтмоқда: бири балиқ тутади — қўлида судрама тўр, иккинчиси челақни тақирлатиб, учинчиси чақмоқ тош чақиб, пилик тутатиб тамаки чекмоқчи бўлади. Йт акиллаганидан Тихон Вяловнинг оҳиста товуши жимликни бузиб:

— Ким у? — дейди.

Жимлик таранг тортилган ногора терисидай ер устини қопаган, ҳатто тўқувчилар ўтаётганда қумдан чиққан оҳиста товуш ҳам ғичирлаб хунук эшитилади. Никитага тун жимлиги жуда ёқади, тун қанчалик жимжит бўлса, у Наталья тўғрисида шунчалик кўп ўйлайди, доим бир оз чўчинқираб ёки ҳайратланиб турувчи ёқимли кўзлар унга равшанроқ кўринади. Шундай пайтда ўзига ҳар хил бахтли ҳодисаларни хаёлан ўйлаб чиқариш осонроқ бўлади. Мана, жуда улкан хазина топди, топди-ю, Пётрга берди. Пётр эса, унга Натальяни берди. Ёки уларга қароқчилар ҳужум қилди. Никита қароқчиларга қарши фавқулодда жанговарлик кўрсатгани бадалига, отаси билан Пётр ўз ихтиёрлари билан унга Натальяни инъом қилдилар. Қандайдир касаллик келиб, бутун оиладан икки кишигина, у билан Наталья тирик қолди. Ушанда Натальяннинг бахти унинг қалбида яширинганини кўрсатар эди, албатта...

Қатор-қатор уйлар, боғлар устида муаллақ турган булутлар ортидан яна бир булут пайдо бўлиб, қоронғи тун қучогидаги осмонга астагина кўтарилганини Никита сезганда, тун ярим кечадан ошган эди. Бир минутдан сўнг ўша булутнинг пастки томони тўқ қизил тусга кира бошлади, шунда букур тушундики — бу ёнғин. Дарҳол уй томон югуриб борди ва нарвонда омбор томига шошилиб чиқаётган Алексейни кўрди. Никита:

— Ёнгин! — деб қичқирганда, укаси юқорироқ кўтариларкан:

— Билдим. Хўш, нима? — деди.

— Сен ёнғин кутган эдинг... — деди букур Алексейнинг гапи эсига тушиб ва таажжубланганидан ҳовли ўртасида таққа тўхтади.

— Ҳа, кутган эдим! Нима қипти? Шундай қуруқчиликда ҳар вақт ёнғин бўлиши мумкин.

— Тўқувчиларни уйготиш керак...

Тихон тўқувчиларни уйготди, улар бирин-кетин дарё томонга югуришиб, ҳушвақтлик билан вагирлашиб кетишди.

Том чўққисига миниб олган Алексей Никитага:

— Менинг олдимга чиқ,— деб таклиф қилди, букур бўйсуниб чиқиб борар экан:

— Наталья кўрқмасайди-да...— деди.

— Ўзинг кўрққин, Пётр тагин букурингга тушириб қолмасин!

— Нима учун?— деди Никита секингина.

— Унинг хотинига кўз олайтирма!— деди Алексей.

Букур анча вақтгача сўз тополмай, жавоб беролмай қолди. Назарида, худди ҳозир томдан сирпаниб ерга йиқилиб тушадигандай бўлди.

— Нима деясан? Бир оз ўйлаб гапирсанг бўлмайди-ми?— деб гўлдиради.

— Хўп, майли, майли! Кўриб турибман... Кўрқма...— деган сўзларни Алексей хурсандлик билан айтди; у кўпдан бери бундай шодлик билан гапирмаган эди, жимликни безовта қилиб, гувиллашга мажбур этган, тобора ловуллаб кучайиб бораётган алангага Алексей кафт остидан қарар экан, қизишиб гапирарди:

Бу ённинг Баоскийлабникида. Уларнинг ҳовлисида йигирма бочка қорамой бор эди. Ённинг қушларини қўймайди, боғлар тўсиб қолса керак,— деди.

«Қочиб керак» деб ўйлади Никита узоқдаги аланга ёритган қоронғиликка қараб. У ёқда, қизғиш ҳавода дарахтлар темирдан ясалгандай қаққайиб турарди, қизғиш ер устида, кўғирчоқдай кичкина кўринган одамлар у ёқдан бу ёққа ҳовлиқиб югурар, ҳатто одамларнинг ўтга, узун ва ингичка ёғочлар учига ўрнатилган илгакларни сўқаётгани ҳам бемалол кўринди.

— Жуда яхши ёняпти!— дерди Алексей.

«Монастирга кетаман», деб ўйлади букур.

Ҳовлида Пётр уйқусираб, жаҳли чиқиб, алланима деб гўлдиради. Унга жавобан Тихон Вяловнинг ланж сўзлари эшитиларди. Наталья худди ромга қўйилган суратдай, дераза олдида туриб чўқинар эди.

Никита ённинг ўрнида олтиндай чўғ ғарами яллиғлиниб, печь трубаларининг қоп-қора устунлари қолгунча томда ўтирди. Кейин ерга тушиб, дарвозадан ташқарига чиқди, уст-боши ҳўл, қоракуяга буланган, яланг бош, йиртилган бели бурма тўн кийган отасига учради.

Отаси Никитани туртиб итариб ҳовлига киргизди ва ниҳоятда дарғазаб бўлиб:

— Қасққа борасан!— деб бақирди.

Том устида турган Алексейнинг оқ гавдасига кўзи тушгач, ғазаби тагин ортди:

— Сен у ерда нима қилиб турибсан? Туш! Сен аҳмоқ, саломатлигингни сақлашинг керак...— деб буюрди.

Никита боққа кириб, отасининг хонасидан боққа қараган дераза тагидаги скамейкага ўтирди, бирпасдан кейин отаси эшикни қаттиқ ёпиб, паст ва бўғиқ овоз билан деди:

— Ўзингни ҳалок қилмоқчимисан? Мени ҳам маломатга қолдирмоқчимисан, а? Ўлдираман...

— Эсимга ўзинг солдинг,— деб Алексей чинқириб жавоб берди.

— Жим! Худога шукур қил, у муттаҳам тилдан қолди...

Никита ўрнидан туриб, жимгина, лекин шошилганича бог бурчагидаги ўз шийпончасига кетди.

Отаси эртасига эрталаб чой устида:

— Ут қўйилгани аниқланди: пияниста соатсоз ўт қўйибди. Уни роса тутиб уришди, ўлса керак. Барский уни хонавайрон қилган бўлса керак. Барскийнинг ўғли Стёпкага ҳам адовати бўлганми, ҳар ҳолда қоронғи иш,— деди.

Алексей бамайлихотир ўтириб, сут ичади. Никита эса, қўллари қалтираганини сезиб, уларни тиззалари орасига суқиб қаттиқ қисади. Отаси унинг бу ҳаракатини пайқаб:

— Нега жунжикяпсан?— деб сўрайди.

— Тобим йўқ.

— Ҳаммангизнинг тобингиз йўқ. Ёлғиз мен соғ эканман-да...— деб чойи тугамаган стаканини жаҳл билан суриб қўйди-да, туриб кетди.

Артамоновнинг ишлари тобора ривожланиб, одамлар кўпая борди. Фабрикадан икки чақирим наридаги сийрак арчазор орасига, чангаллар билан қопланган адирлар устига, ҳовлисиз ва четан деворсиз, узоқдан асалари инига ўхшаган кичкина-кичкина пастак уйлар қурилди. Бўйдоқ ва ёлғиз ишчилар учун Артамонов, унчалик чуқур бўлмаган жар ёқасида, суви қуриб исми унутилган сойнинг тепасига узун барак солдирди. Барак томининг нишаби бир ёққа олинган, том устида учта мўри, ҳароратни сақлаш учун кичкина деразалар қурилганди. Бу деразалар баракни отхонага ўхшатиб қўйгани учун, ишчилар унга: «Ахтахона» деб ном берган эди.

Илья Артамонов тобора мақтанчоқ, бақироқ бўлиб борса ҳам, унда бойларга хос такабурлик кўринмасди. Ишчилар билан оддий муомалада бўлиб, уларнинг тўйларига қатнашар, болаларини чўқинтирар, байрам кунлари-

да кекса тўқувчилар билан суҳбатлашишни яхши кўрар эди. Улар Артамоновга, зиғирни фақат экилиб юрган ерларга ва куйдирилган ўрмонлар ўрнига экиш ҳақида деҳқонларга маслаҳат беришни ўргатдилар. Бу маслаҳат яхши натижа берди. Кекса тўқувчилар сўзга унғайдиган хўжайинларига завқланиб қарар эдилар. Улар Артамонов сиймосида толеи кулиб боққан мужикни кўриб, ёшларга:

— Ишни қанақа юритиш кераклигини ундан ўрганинг!— дейишарди.

Илья Артамонов эса болаларига таълим беради:

— Мужиклар ва ишчилар, шаҳарликлардан кўра ақллироқ бўлади. Шаҳарликларнинг бадани заиф, ақли кўтоҳ, шаҳар халқи очкўз, лекин дадил эмас. Уларнинг ҳамма ишлари омонат ва юзаки, шаҳарликлар ҳеч бир ишнинг маълум чегарасини билмайдилар, мужик эса ҳақиқат чегарасини қаттиқ тутати, ўзини ҳар тарафга уравермайди. Мужикнинг ҳақиқати ҳам содда: худо, нон, подшоҳдан иборат. Мужикнинг борлиги содда, шунинг учун унга сўзнишнинг керак. Сен, Пётр, ишчилар билан жуда ҳам қуруқ, фақат иш тўғрисида гаплашасан. Бу одатинг ярамайди, арзимаган нарсалар тўғрисида ҳам улар билан сўзлаша билиш керак... Ҳазиллашиш керак, хуш табиатли кишини одамлар яхшироқ тушунади.

Пётр одати бўйича қулоғини чўзиб қўйиб:

— Мен ҳазиллашишни билмайман,— деганда, отаси:

— Ўрганиш керак. Бир минутлик ҳазил, бир соат куч беради,— деди.— Алексей ҳам одамларга қўполлик қилади, уришқоқ, арзимаган нарса устида жанжал чиқаради.

— Ҳаммаси ҳам фирибгар, ялқов!— деди Алексей тажанглик билан.

Артамонов Алексейнинг сўзини кесиб, жиддий равишда:

— Қачондан бери сен одам танийдиган бўлдинг?— деб қаттиқ гапирган бўлса ҳам, мийиғида кулганини яшириш учун қўли билан оғзини ёпди, Алексейнинг шаҳарликлар билан қабристон тўғрисида қанчалик журъат ва фаросат билан баҳслашганини хотирлади: дремовликлар Артамоновнинг ишчиларини ўз гўристонларига кўмишга рухсат бермаган эдилар. Помяловдан зирк дарахти экилган каттагина ерни сотиб олиб, қабристон қилишга тўғри келган эди.

Тихон Вялов Никита билан ингичка, нимжон дарахтларни кесар экан:

— «Погост» сўзини ўз ўрнида ишлатмаймиз: «погост»¹ деб аталади-ю, лекин бу ерда меҳмонлар абадий ётадилар. Погостлар уйлар, шаҳарлар-ку,— деди.

Никита Вяловнинг осонлик ва чаққонлик билан ишлаганини кўрар эди. Бу киши ноаниқ ва қутилмаган сўзларига қараганда, меҳнатда ўзини хийла фаросатли кўрсатар эди. Никитанинг отасига ўхшаб, Вялов ҳам ҳар бир ишнинг кўзини тез топиб олар, кучини тежаб, қувлик билан енгар эди. Шу билан бирга улар ўртасидаги фарқ ҳам аниқ кўриниб турар: отаси ҳар бир ишга жон-жаҳди билан ёпишарди, Вялов эса, истар-истамас, яхшироқ ишлашга лаёқати борлигини билган одамдек, илтифот юзасидан ишлаётганга ўхшарди. Шунингдек, сўзлаганда ҳам илтифот юзасидан сўзлаётгандай, гапни чўзмас, маънодор қилиб шама қилиб, бепарволик билан гапирар:

«Мен ҳали кўп нарса биламан; бундан ҳам маънолироқ гапларни айта оламан» демоқчи бўлар эди. Унинг сўзларида ҳар доим Никитанинг зардасини қайнатадиган қандайдир киноя эшитилардики, бу нарса Никитани кўрқитар ва айни замонда ваҳм аралаш қизиктирар эди.

— Сен кўп нарсани биласан,— деди Никита Вяловга.

— Шунинг учун ҳам яшайман,— деди у шошмасдан.— Менинг билишим — ёмон эмас, билимим ўзим учун. Менинг билимим бахилнинг сандигига беркитилган, у ҳеч кимга кўринмайди, хотиржам бўл...

Одамлар нимани ўйлаганини Тихон сўрамаса ҳам, пирпираб турган кичкина кўзлари билан одамга разм солиб юриб, фикрини ўғирларди-да, унинг яширган сирини шартта юзига айтарди. Баъзан Никита, Тихон Вялов ўз бармоғини чопиб ташлаганидай, тилини ҳам тишлаб узиб ташлашини истарди.

Вялов бармоғини чопганда ҳам, ўнг қўлининг бармоғини эмас, чап қўлининг бармоғини чопиб ташлаган эди. Отаси. Пётр ва бошқалар Вяловни аҳмоқ деб билсалар ҳам, Никита уни аҳмоқ деб ўйламасди. Никитанинг бу ёноғи туртиб чиққан, тушуниб бўлмайдиган мужикдан ҳадиксираши ва кўрқиши тобора авж олар эди. Ундан кўрқиши қуйидаги воқеадан кейин айниқса кучайди. Бир куни Вялов Никита билан ўрмондан қайтиб келаётиб, бирдан:

¹ «Погост» гўристонни. Бу сўз маъноси жиҳатидан гўристонни англатса ҳам, сарфий жиҳатидан «гости», яъни «меҳмон» сўзидан вужудга келгани учун, «меҳмонхона» деб шарҳ этилса ҳам бўлади.

— Сен кундан-кунга сўлиб, адоий тамом бўляпсан. Сен тентак, унга айтишинг керак, балки раҳм қилар, у раҳмдил кўринади,— деб қолди.

Букур таққа тўхтаб, юраги така-пука бўлиб, оёқлари тошдай қотиб, саросималиқдан гўлдираб деди:

— Нимани, кимга айтай?

Вялов унга бир қараб олгач, олға қадам босди. Никита унинг кўйлак енгидан ушлади, Тихон писанд қилмай, қўлини бўшатиб:

— Нега мугамбирлик қиласан?— деди.

Никита ўрмондан қазиб олинган қайин кўчатини елкасидан ерга ташлаб, Тихонга бурилди; Тихоннинг буришган юзига ургиси келар, унинг жим бўлишини истарди; Вялов бўлса, кўзларини қисиб, узоқларга қараб, оддий нарса тўғрисида гапираётгандек, хотиржамлик билан гапира бошлади:

— Агар у раҳмдил бўлмаса ҳам, бирпас мугамбирлик қилиши эҳтимол. Хотин зоти қизиқсинмаса туролмайди, ҳаммаси ҳам бодана арманни қотиб ўғридан бўлади, дини да қандан ҳам ширин нарса борлигини билмоқчи бўлади. Биз эркаклар учун кўп нарса даркорми? Бир, икки — шунинг билан тўқ ва саломатмиз. Сен бўлсанг сўлиб, адоий тамом бўляпсан. Сен био айтиб кўр, балки кўнар.

Вяловнинг сўзлари Никитага дўстона ачинишдек туюлди. Бу унинг учун янги, номаълум бир ҳиссиёт бўлиб, какрадек аччиқ бир нарса томоғини ачитар, айни замонда Тихон унинг сирини фош этиб, қип-ялангоч қилаётгандай туюлар эди.

— Бўлмагур гапларни ўйлаб топибсан,— деди Никита.

Шаҳарда кечки ибодатга қўнғироқ чалинмоқда эди. Тихон елкасидаги кўчатларни бир силкиб, ўнглаб олгач, қўлидаги белкуракни ерга дўқиллатиб уриб бораркан, ҳамон бояги хотиржамлик билан:

— Сен мендан хавотир олма. Сенга ачинаман, холос, сен ёқимли синчков одамсан. Сиз — Артамоновлар ҳаммангиз ҳам синчков одамларсиз. Сен табиатинг жиҳатидан мутлақо букурга ўхшамайсан, лекин букурсан,— деди.

Никитанинг қўрқуви ғам-қайғу ўтида эриб кетди. Бу ҳол унинг кўзларини хиралаштирди; маст одамдай қоқилиб-суқилар, ерга ётиб дам олгиси келарди.

— Сен бу тўғрида гапирма,— деб Тихондан илтимос қилди.

— Мең айтдим-ку, сандиқда беркитилгандай деб.

— Бу гапни унут. Натальяга айтиб қўйма.

— Мен у билан гаплашмайман. Нега у билан гаплашай?

Уйга келгунча иккови ҳам индамади. Букурнинг кўк кўзлари катталашиб, юмшоқлашиб, қайғули тус олди. У, одамларга ёндан, елкалари ортидан қарар, у янада индамас, сезилмас бўлиб қолганди. Лекин Наталья ниманидир пайқаб:

— Сен нега қайғули кўринадан?— деб сўраганда, Никита:

— Ишларим кўп,— деб жавоб берди-да, ундан тез узоқлашди. Бу ҳол келини ранжитди, у қайнисининг илгаридай хушмуомала эмаслигини бир эмас, бир неча марта пайқаган эди. Наталья хурсанд эмасди, бу тўрт йил ичида икки қиз тугиб, ҳозир ҳам иккиқат эди. Иккинчи марта ҳам қиз туққанида, қайнатаси, ҳеч нарса ҳадя қилмай:

— Сен ҳадеб қиз туғасан, уларни нима қиламиз?— деб дўнгиллаганди. Ўғли Пётрга:

— Менга ўғил набиралар керак, куёв керак эмас. Мен ёт кишилар учун иш бошладимми?— деб шикоят қилганди.

Қайнатасининг ҳар бир сўзидан Наталья ўзини гуноҳкордай сезар, эрининг ҳам ундан рози эмаслигини билар эди. Кечалари эри ёнида ётиб, деразадан юлдузларга боқар, кўли билан қорнини силаб:

«Эй худойим, ишқилиб, ўғил бўлсин-да...» деб қўярди.

Лекин баъзан эри билан қайнатасига:

— Жўрттага, жаҳлингизни чиқармоқ учун қиз туғаман» деб бақиргуси келарди.

Айни замонда ҳайрон қолдирадиган, ҳеч ким кутмаган, яхши бир иш қилгиси, шу билан ҳамманинг кўнглини юмшатгиси келар, ёки бирор ёмон иш қилиб, ҳаммани қўрқитмоқчи бўлар эди. Лекин на яхши, на ёмон ишни ўйлаб топа оларди.

Тонг отиши билан туриб, пастга, ошхонага тушар, ошпаз хотин билан бирга нонуштага овқат ҳозирлар, юқорига югуриб чиқиб, боласини эмизар, кейин тушиб қайнатасига, эрига, қайниларига чой қуяр, яна қизини эмизарди. Ундан кейин ўтириб, иш тикарди, ҳаммаларининг ямоқ-ясоқларини қилар, тушлик овқатдан кейин болалар билан боққа чиқиб, кечки чой вақтигача ўтирар эди. Боққа ип йиғирувчи хотинлар кириб, хушомадгўйлик билан, қизларинг чиройли экан, деб мақташарди. Наталья жилмаяр,

лекин уларнинг мақташига ишонмас, назарида болалари хунук эди.

Баъзан дарахтлар орасидан Никита кўриниб қоларди. Бирдан-бир хушмуомала бўлган бу одамни Наталья ёнида бирпас ўтиришга таклиф этганда, букур сўнгги вақтларда:

— Кечир, вақтим йўқ,— деб гуноҳкорона жавоб берадиган бўлиб қолганди.

Наталья бора-бора ундан ранжиди: букур мен билан ёлгондан хушмуомала бўлган экан, эрим уни Алексей билан менга қараб туриш учун қўйган экан, деб ўйлай бошлади. Алексейдан Наталья қўрқар эди, чунки Алексей унга ёқарди. Бу хушрўй қайниси уни истаса ҳам, қаршилиқ кўрсата олмаслигини ўзи билар эди. Лекин у бунга истамас, ҳатто унга парво ҳам қилмасди; бу ҳол Натальяни ранжитар, дагал, жанжалкаш Алексейга нисбатан душманлик ҳисси қўзғатар эди.

Соат бешда чой, саккизда кечки овқат бўлар эди, кейин Наталья гўдақларини ювинтириб, тўйдириб, ётқизиб, узок вақт тиз чўкиб ибодат қилар эди. Эри хохлаб колса, каравотда етган жонида:

— Бўлди, кел ёт,— деб гўлдирар эди.

Наталья бўйсуниб ибодатини бўлиб, нари-бери чўкинар ва ёнига келиб, ўғил кўриш умидида ётар эди. Гоҳо Пётр ҳазил қилиб:

— Бунча кўп ибодат қиласан? Бошқаларга ҳам қолсин...— дерди.

Кечалари боласи йиглаганда уйғониб эмизар, аллалаб ухлатгандан кейин, дераза ёнига бориб, индамай ўзи тўғрисида, онаси, қайнатаси, эри тўғрисида ўйлаб узок вақт боққа, кўкка тикилиб турар ва сезилмай ўтган огир кун хотираларини эслар эди. Одатдаги товушларни, ишчи хотинларнинг шод ёки қайғули ашулалари, фабриканинг хилма-хил тарақ-туруқи ва шалдир-шулдурларини асалари уяси каби гувиллашини эшитмаслик таажжуб эди. Бу тинимсиз гувор-гувур кун бўйи сузиб юрар, унинг аксодоси хоналарда гувиллар, дарахт баргларини шилдиратар, дераза ойналарини зириллатарди. Бу гувиллаган меҳнат товуши қулоқни битириб, ўйлашга халал берар эди.

Тунги сукунатда, бутун жондор уйқуга кетган пайтда эса, Никитадан эшитган, татарларга асир тушган аёллар тўғрисидаги, тарки дунё қилган авлиёлар ва умри азоб-уқубатда ўтган роҳибаларнинг ҳаёти тўғрисидаги даҳшатли ҳикоялар ҳамда бахтли, қувончли ҳаёт ҳақидаги эртақлар

Натальянинг эсига тушар, бироқ кўпинча хўрлиги келар эди.

Қайнатаси унга гўё бўш жойга қарагандай қарар ва бундай қилиши қайтага яхши эди, лекин баъзан даҳлизда ёки уйда келинига дуч келиб қолса, уялмасдан кўкрагидан то тиззасигача синчиклаб тикилар ва ғараз билан хириллаб кўярди.

Эри беилтифот ва совуқ муомала қилар эди, баъзан Натальяга шундай туюлардики, гўё эри унинг ортида яширинган ниманидир кўрмоқчи-ю, бироқ хотини унга халақит бергандай ёмон тикиларди. Кўпинча ечиниб бўлиб, ётмасдан, ўрин четида, бир қўли билан пар тўшакка суяниб, иккинчиси билан қулоғини чўзиб ёки худди тиши оғригандай соқолини ишқалаб узоқ ўтирарди. Унинг хунук юзи гоҳ ёлворгандай, гоҳ ғазаблангандай кўринар, шундай вақтларда ўринга киришга Натальянинг юраги дов бермасди. Эри жуда кам гапирар, фақат уй ишлари тўғрисида сўзлар, Наталья тушунмайдиган деҳқонлар ва помешчиклар турмушини аҳён-аҳёнда эслаб кўярди. Қишки байрамларда — Святки, масленицада Натальяни шаҳарга томоша қилдириш учун чанада олиб борарди; чанага каттакон қора айғир қўшнлар, унинг кўзи сариқ, мис тусли бўлиб, қон томирлари кўриниб турарди, бошши ғазаб билан силкитар, қаттиқ пишқирар эди — Наталья бу асов отдан кўрқарди, Тихон Вялов:

— Дворянлар оти бу, бегона одамни ёнига йўлатмайди, — дегандан кейин Наталья баттар кўрқиб қолган эди.

Онаси унинг олдига дам-бадам кириб турар, Наталья унинг эркин ҳаётига, кўзларининг шодиёна ялтирашига ҳаваси келарди. Қайнатасининг онаси билан йигитлар сингари ҳазиллашиб ўйнашганини, ғурур билан соқолини силаганини, Баймакованинг товус каби, сонларини селкилатиб, ўз ҳусн-жамоли билан Артамонов олдига уялмай мақтанганини кўргач, Натальяда бу ҳасад янада авж олар ва алам қилар эди. Шаҳар аҳли Баймакованинг қудаси билан бўлган алоқасини алақачон билиб, улар устидан қатъий ҳукм чиқарган ва Баймаковадан узоқлашган эди. Обрули одамлар ўз қизларига, яъни Натальянинг ўртоқларига, бу бузуқ хотиннинг қизи, нодон ва ёт мужикнинг келини, кеккайиб кетган индамас эрнинг хотини Наталья олдига боришни тақиқлаб қўйган эдилар. Қизлик ҳаётининг кичкина қувончлари энди Натальяга каттакон бўлиб ярқираб кўрина бошлади.

Илгари очиқ кўнгил бўлган онаси энди одамларга ҳийлакорлик ва қаллоблик ишларди, бу ҳам Натальяга алам қиларди, чамаси, бу хотин Пётрдан қўрқади, бунини яшириш учун унга тилёғламалик қилиб, унинг ишчанлигини мақтаб гапиради; у Алексейнинг истеҳзо билан кулувчи кўзларидан ҳам қўрқади, у билан ҳазиллашади, нима тўғридадир шивирлашади, унга тез-тез ҳадялар бериб туради; туғилган кунда, гуллар билан безатилган, хотин ва қўй суратли чинни соат тақдим этди; бу чиройли ва антиқа соат ҳаммани ҳайратда қолдирди.

— Бу соат менга атиги уч сўлкавой қарз бадалига қолган, жуда қадимий буюм, ўзи юрмайди, Алексей уйланса уйини безатар,— деди онаси.

«Мен ҳам уйимни безатиб қўяр эдим», деб ўйлади Наталья.

Онаси уй-рўзгор ишларини синчиклаб суриштирар, зерикарли равишда:

— Оддий кунларда дастурхонга сочиқлар қўйма, сочма, кўйи олма, дастурхонга эрта бугонали деб бергар эди.

Ульяна илгари ёққан Никитага энди лабларини буриб қарар, унга гўё қандайдир қинғирликда шубҳа остига олинган гумаштага гапиргандай гапирар эди. Қизини ҳам оғоҳлантириб:

Сеп эҳтиёт бўл, уни жуда ҳам ўзингга ўргатма, букурлар ҳийлагар бўлади,— дерди.

Наталья эри устидан онасига шикоят қилмоқчи, эри унга ишонмасдан букурни назорат қилиб туриш учун тайинлаб қўйганини айтмоқчи бўлса ҳам, ҳар доим нимадир халақит бериб, гапира олмасди.

Ҳаммасидан ёмони — Натальянинг ўғил туғмагани учун тинчсизланган онасининг ундан эри билан бўладиган тунги ишларни беиболик билан суриштириши эди. Онаси уялмасдан — ёшлик кўзларини сузиб, кўзи билан кулиб, мушукдай хуриллаб, тафсилотини билгисиз келиб, дангалига суриштира бошлар, Натальянинг жигибийронини чиқарарди. Ушанда қайнатасининг:

— От қўшайми, қуда?— деган овозини эшитса, Наталья қувониб кетарди.

— Йўқ, пиёда кета қолай.

— Майли, мен сени кузатиб қўяман.

Натальянинг эри ўйчанлик билан:

— Қайнанам ақлли хотин; отамни қўлида тутолади.

Отам унинг ҳузурда бизга юшоқ муомала қилади. Уйини сотиб, бизни келса ҳам бўлар эди,— деди.

«Йўқ керак эмас» демоқчи бўлса-да, Наталья негадир айтолмайди. Онаси севимли ва бахтли бўлганига қизи баттар жиғибийрон бўлади.

Наталья боққа қараган дераза олдида ёки боғда иш тикиб ўтириб, Тихон билан Никитанинг суҳбатларини чала-чулпа эшитиб қолади. Улар мевазор орқасидаги мўрча олдида уймалашиб, фабриканинг говур-гувури орасидан қоровулнинг:

— Зерикиш — одамлардан; ҳаммаси бир ерга тўпла-нишади-да, зерикишади,— деган сўзини эшитади.

«Жуда тўғри-я!» деб ўйлайди Наталья, бироқ Никитанинг ёқимли товуш билан:

— Гап сотаверма. Лапарлар, ўйинлар-чи? Одам бўл-маса вақтичоғлиқ ҳам йўқ,— дейди.

«Бу ҳам тўғри» — ҳайрон бўлиб маъқуллайди Наталья.

У атрофидаги ҳамма одам ишонч билан гапирганини сезади, ҳар бир киши ўзинча бир нарсани яхши билади, Наталья шу нарсани аниқ кўрадики, бир-бирига мос қилиб жипсланган оддий ва пухта сўзлар ҳар бир кишини аллақандай пухта ҳақиқатнинг бир парчасидан ажратиб туради, одамлар бир-бирларидан ўз сўзлари билан ажра-ладилар, улар сўз билан ўзларини безайдиар, соатнинг олтин ё кумуш занжирини жаранглатиб ўйнагандай, сўзларни ўйнайдилар. Натальянинг бундай сўзлари йўқ, ўз фикрларини ҳеч нарса билан безата олмайди, ўйлари тут-қич бермайди, кузги тумандай хира, Натальяга оғирлик килади, унинг миясини қотиради, кўпинча аламзадалик билан:

«Мен аҳмоқман, ҳеч нарса билмайман, тушунмайман...» деб ўйлайди.

— Айиқ — топоғон, қасрда асал бўлса топади,— деб ёўлдирайди Тихон малиназор орасидан.

«Худди шундай» деб ўйлайди Наталья ва сесканиб ту-шади: у яхши кўрган айиқ боласини Алексей ўлдиргани-ни эслайди. Айиқ ўн уч ойлик бўлгунча ҳовлида хонаки эрка итдай югуриб юрди. Ошхонага кириб, кейинги оёқ-ларида тик туриб, секингина ўкириб, ғалати кўзларини пирпиратиб нон сўрарди. У қизиқ, яхши эди, яхшиликни биларди. Уни ҳамма яхши кўрарди, Никита уни боқар, чи-галланиб қолган қуюқ жунларини тарар, сойга чўмилтир-гани олиб борарди. Айиқ ҳам Никитани шу қадар яхши

кўриб қолгандики, у бирон ёққа кетса, тумшуғини кўтариб, ташвишланиб ҳаво искар, пишқирар, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа югуриб, эгасининг уйига, конторга кирмоқчи бўларди; бир неча марта дераза ойнасини синдириб, ромларини бузиб ҳам уйга кирмоқчи бўлганди. Наталья бугдой нонни шиннига ботириб айиққа берарди. Айиқ ўзи ҳам ноппи пнёладаги шиннига ботириб ейишни ўрганиб олганди; севинчидан гўлдираб, серюнг оёқларида тебраниб, сертиш қизғиш оғзига нон тиқарди-да, ёпишқоқ ширинликка буланган панжаларини ялар, чиройли кўзлари қувончдан йилтирар эди. Айиқ бошини Натальянинг тиззасига уриб, у билан ўйнашмоқчи бўларди. Бу ёқимли ҳайвон билан гаплашиш ҳам мумкин, у баъзи бир парсаларни тушуна бошлаган эди.

Бир кун Алексей унга ароқ ичириб, маст қилди. Маст бўлган айиқ ўйинга тушиб, ўмбалоқ ошиб, мўрчанинг томига чиқди, унинг мўрисини бузиб, гиштларини настига ташлай бошлади. Бир тўда ишчилар йиғилиб, буни кўриб ҳаҳолаб қўлишар, тасмада шикантар эди. Шундан кейин, одамларни кулдириш учун, Алексей уни ҳар байрам ичириб, маст қиладиган бўлди. Ҳайвон ҳам пиянисталикка шу қадар ўргандики, вишо иси келган ишчиларнинг кетидан қувадиган, Алексей ҳовлидан ўтса, унга ёпишадиган бўлди. Шундан кейин, уни занжирлаб қўйдилар. У уясини бузиб, бўйнидаги занжирини ва занжир учидаги харини судраб, дастпанжасини силкитиб, бошини чайқаб, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Айиқни тутмоқчи бўлишганда Тихоннинг оёғини тирнаб, ёш ишчи Морозовни йиқитиб, Никитанинг сонини юмдалаб ташлади. Шунда Алексей айри билан югуриб келиб, ҳайвоннинг қорнига санчди. Наталья деразадан қараб, айиқнинг кейинги оёқларига ўтириб қолганини, атрофида газаб билан қичқираётган одамлардан авф сўрагандай панжаларини силкитганини кўрди. Кимдир Алексейга ёқиш учун унинг қўлига ўткир, дурадгор болтасини тутқизди, чўққи соқол қайиниси, ирғишлаб юриб, аввал айиқнинг бир панжасини, кейин иккинчи панжасини чопиб ташлади, айиқ бақириб, кесилган панжаларини босиб йиқилиб тушди. Қирқилган панжаларидан ўнг ва сўл тарафга қон отилиб, топталган қаттиқ ерда тўқ қизил қон доғлари ҳосил бўлди. Ҳайвон ёлборгандай ўкириб, бошини болта тагига тутиб берди. Алексей оёқларини кериб, худди ўтин ёргандай, айиқнинг гарданига болта билан солди, айиқнинг тумшуғи ўз қони-

га буланиб қолди. Болта айиқ суякларига шу қадар чуқур ўрнашган эдики, Алексей айиқнинг юлгдор қўпол гавдасига оёғини тираб туриб, болтани бош суягидан зўрға суғуриб олди. Наталья айиққа ачинди, ундан ҳам кўпроқ қайнисига — жасур, чаққон, қувноқ, шўх қайнисининг аллақандай ярамас қизчага айланишиб, унга парво қилмаслигига ачинди.

Ҳамма қайнисининг ботирлигини, чаққонлигини мақтарди, қайнатаси Алексейга қараб:

— Тагин сен касалмисан? Сени қара-ю...— деб бақирди.

Никита ҳовлидан қочиб чиқиб кетди. Наталья шу қадар куйиб йиғладики, эри ҳайрон қолиб, алам билан:

— Агар сенинг олдинда одам ўлдирсалар, нима қиласан?— деб сўради, шундан кейин худди болаларга ўдагайлагандай:

— Бўлди, аҳмоқ!— деб қўйди.

Натальяга эри урмоқчи бўлгандай туюлди. Кўз ёшларини тўхтатиб, эри билан ўтказган биринчи тунини хотирлади. У кеча Пётр нақадар очиқ кўнгил ва уятчан эди. Наталья шу вақтгача эрининг урмаганини, бошқа эрларнинг ҳаммаси ҳам ўз хотинларини уришларини эслаб, йиғисини тўхтатди:

— Мени кечир, жуда ҳам ачиндим.

— Менга ачин, айиққа нега ачинасан?— деди Пётр мулойимгина.

Онасига биринчи марта эрининг баджаҳл эканидан шикоят қилганда, онаси салмоқ билан:

— Эрлар бамисоли асалари бўлса, биз — гул, улар биздан бол йигади, буни тушуниш керак, чидашга ўрган, жон қизим. Эрлар бутун борлиқнинг эгалари, уларнинг гамлари бизникига қараганда кўп, улар ана, черков, фабрикалар бино қиладилар. Қайнатангнинг бўш ётган ерга нима-лар қурганини кўр-чи!..— деб насиҳат қилди.

Илья Артамонов ўз ишини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун тобора кўпроқ ғайрат билан ишлар, гўё умри оз қолганини сезар эди. Май ойида. Никола кундан бир неча кун илгари фабриканинг иккинчи корпуси учун буг қозони келган эди, бу қозон кўкимтир Ватарақшанинг суви оҳиста қуйиладиган Ока дарёсининг қумли соҳилида тўхтаган кемада келтирилганди. Ишнинг қийини олдинда эди: қозонни қумли ер устидан юз эллик саржин чамаси жойга судраб бориш керак эди. Никола кунда Артамонов

ишчиларга ароқ ва пиволар билан катта зиёфат берди. Ҳовлисига столлар қўйилиб, дастурхон ёзилган, хотинлар дастурхон атрофини арча ва қайин новдалари, баҳорнинг биринчи гулдасталари билан безаб, турли рангда кийимлар кийиб, ўзлари ҳам гулдай очилган эдилар. Хўжайин ўз оиласи ва бирмунча меҳмонлар билан кекса тўқувчилар орасида бир столда ўтирар, тили ўткир йигирувчи хотинлар билан қўпол ҳазиллашар, кўп ичар, одамларни хурсанд қилишга уринар, оқарган соқолларини тутамлаб, кайфи чоғлик билан:

— Эй, йигитлар! Яшашга ҳақимиз борми?— деб қичқирар эди. Одамлар ундан ва унинг қилиқларидан завқланишарди, буни сезган Артамонов баттар талтайиб, шодлигидан тобора кайфи ошиб борарди. Артамонов шу қуёшли баҳор кунидай ялтирар, олтин шам каби кўкка қад кўтарган қарагай ва қайин ҳидига тўлган, ям-яшил кўкат ва япроқлар билан безанган ана шу ердай яшнаб, яйрар эди. Бу йил баҳор эрта бошланиб, кун исиб кетди. Шумурт ва сирено гуллаган. Ҳамма ёқ байрам гуллаган. Қўрғонлик билан тўлган; ҳатто одамлар ҳам бугун, ўзларидаги энг яхши фазилатлари билан гуллаб-яшнагандай эдилар.

Кўҳна тўқувчи кичкина ва заиф мўйсафид, мўмга ўхшаш юзи оқармоқ тугул, кўкариб кетган соқоли орасига яширинган, ювиб-таралган ўликдай оппоқ Борис Мерозов олтишларга борган катта ўғлининг елкасига суяниб, гўштсиз, қоқ суяк қўлларини силкиб, бор кучи билан:

— Менга қаранг, ёшим тўқсонда, тўқсондан ошганман, керак бўлса! Солдат эдим, Пугачёвни урганман, Москвада вабо йилида исён кўтарганман, ҳа! Бонапартни ҳам урганман...— деб бақирар эди.

Бу чол гаранг бўлгани учун, Артамонов унинг қулогига:

— Қимни эркалатгансан?— деб қичқириб сўради.

— Бегоналардан ташқари икки хотинни. Қара: етти ўғил, икки қиз, ўн тўққиз неvara, беш чеварани тўкиб ташлабман! Ана улар ҳаммаси сенда ишлайди, ана — ўтиришибди...

— Бўлса, яна бер!— деб Илья бақирди.

— Бўлади. Уч подшоҳ, бир подшоҳ ойимни кўрдим, ана, керак бўлса! Қанча хўжайинларда яшадим, ҳаммаси ўлиб кетди, мен тирикман! Минглаб чақирим суруп тўқидим. Сен, Илья Васильевич, асл одамсан, умринг узоқ бўлади. Сен — ҳақиқий хўжайин, сен ишни яхши кўрасан, иш

ҳам сени яхши кўради. Одамларни хафа қилмайсан. Сен бизнинг дарахт шохисан — ишингни давом эттир! Бахт сенинг қонуний хотиринг, келиб-кетар ўйнаш эмас, менда бўлса, роса эркалатар эдим, йўқ-да! Бор кучинг билан ишингни улғайтир! Соғ бўл, биродар, саломат бўл, дейман...

Артамонов таъсирланиб, чолни даст кўтариб ўпти-да:

— Раҳмат, бобо! Мен сени бошқарувчи қиламан...— деб бақирди.

Одамлар қийқиришиб кулишар, улардан баланд кўтарилган тўқувчи, кайфи ошиб қолган чол қоқ суяк қўлларини силкитиб, чинқириб кулар:

— Унинг ҳамма иши ўзгача, одатдагича эмас...— дерди.

Ульяна Баймакова, уялмасдан, бетидаги шодлик ёшларини артар эди.

— Қандай шодлик,— деди қизи. Онаси бурнини тортиб:

— Бу одамнинг ўзи шунақа, худо уни шодлик учун яратган...— деб жавоб берди.

Артамонов болаларига қичқириб:

— Одамлар билан қандай яшаш лозимлигини ўрғанинг. Петруха, сен ҳам кўриб қўй!— деди.

Овқатдан кейин хотинлар дастурхонни йнгиштириб, ашула айта бошладилар: эркаклар куч синашиб таёқ тортишар, кураш тушар эдилар. Артамонов ўйин тушар, курашар, ҳаммасига улгурар эди. Ўйин-кулги, зиёфат тонг отгунча давом этди. Қуёш нури энди кўрина бошлагач, етмиш чоқли ишчи хўжайин билан бирга, худди қароқчиликка кетаётгандай тўпланишиб, маст ҳолда, шовқин-сурон билан ашула айтиб, ҳуштак чалиб, елкаларида йўгон гўллалар, эман пушанглар, арқонлар кўтариб, Ока дарёсига қараб жўнадилар. Мўйсафид тўқувчи уларнинг кетидан қумлоқда оқсоқланиб борар ва Никитага:

— У ҳар бир парсанн қила олади! Уними? Мен билан...— дерди.

Бошсиз букага ўхшаган, тўмтоқ, баҳайбат қизил нарсани кемадан омон-эсон ерга туширдилар. Уни арқонлар билан чулғаб, инқиллаб-синқиллаб, қийқиришиб-бўкиришиб, қумга ётқизилган тахта устига гўла қўйиб, аҳиллик билан ёлдириб кетдилар. Қозон чайқала-чайқала олга суриларди, Никитанинг назарида, қозоннинг юмалоқ, беўхшов бғзи одамларнинг шод-хуррамликларидан ҳайратла-

ниб очилгандай эди. Ширакайф отаси ҳам қозонни суд-
рашга ёрдамлашиб жон-жаҳди билан:

— Секироқ, ҳой, секироқ!— деб қичқирарди.

Қафти билан баҳайбат қизил темирнинг биқипига ша-
патилаб:

— Қўзғалди қозон, қўзғалди!— дерди.

Фабрикага етишга эллик саржиндан камроқ қолган-
да қозон қаттиқ силкиниб ёнига қийшайиб кетди-да, ол-
динги гўладан секин тушиб, тўмтоқ тумшуғи билан қум-
га ботиб қолди. Қозоннинг тўғарак оғзидан сарғиш чанг
чиқиб, отасининг оёғига пуфлаганини Никита кўрди.
Одамлар ғазаб билан оғир қозонга ёпишиб, остига гўла
суқмоқчи бўлсалар ҳам, чарчаганлари учун суқолмас, қо-
зон эса, одамларнинг ҳаракатларига эътибор бермагандай
чуқурроқ ботар эди. Артамонов қўлида пушанг билан иш-
чилар орасида уриниб:

— Қани, азаматлар, баравар олинглар! Ол... Ҳа,— деб
қичқирар эди.

Қозон сал қимирлади ва яна ҳам чуқурроқ ботди. Ни-
кита ишчилар тудаси орасидан қизил қозон билан чиқиб
келаётган отасини кўрди. Артамоновнинг афти ҳам ўзга-
риб таниб бўлмас ҳолга келганди, отаси бир қўли билан
соқоли остидан томоғини ушлаб, иккинчи қўли билан кур-
лар сингари ҳавони тимирскилаб келар эди; кекса тўқувчи
куйиб-пишиб, унинг кетидан диконглаб югурар ва:

— Тупроқ егин, тупроқ...— деб қичқирар эди.

Никита отаси олдига югуриб келди, у ҳиқичоқ аралаш
ўғанининг оёғи остига қон тупурди ва хириллаб:

— Қон!— деди.

Ранг-рўйи бўзариб, кўзлари қўрқувдан пирпирар, жағ-
лари қалтирар, каттакон чиройли гавдаси чўчигансимон
қимтинар эди.

Никита унинг қўлидан тутиб:

— Лат едингми?— деб сўради. Отаси ғандираклаб, уни
туртиб юборди ва:

— Қон томирим узилганга ўхшайди...— деди секингина.

— Тупроқ егин, дейман...

— Йўқол, кет!

Яна кўпгина қон тупурди ва ҳайрон бўлиб деди:

— Оқяпти. Ульяна қаерда?

Букур уй томон югурмоқчи эди, бироқ отаси унинг ел-
касидан қаттиқ ушлади-да, бошини энгаштириб, қумда оё-
ғини судраб, ишчиларнинг ғазабли қичқиришлари ораси-

дан зўрга эшитилган қум шилдирашига қулоқ солгандай оҳиста юра бошлади.

— Нима бўлди, а?— деб сўради-да, гўё чуқур дарё узра қўйилган яккачўпдан ўтаётгандай, эҳтиёт билан уйга жўнади.

Қизи билан зина олдида хайрлашиб турган Баймакова Артамоповни кўрганда, унинг чиройли юзи худди гилдиракдай, олдин ўнгга, кейин сўлга галати айланиб, бўзариб кетганини Никита пайқади.

Отаси оёқларини бесўнақай букиб, кетма-кет, ҳиқичоқ тутиб, қон тупуриб, уй олдидаги зинага ўтирди.

— Муз келтиринг,— деб қичқирди Баймакова.

— Муз сув. Сув билан қоннинг ўрнини босиб бўлмайди...— деган Тихоннинг сўзини Никита худди тушида эшитгандай эшитди.

— Тупроқ чайнаш керак...

— Тихон, погга чоп...

— Кўтариб уйга обкиринг,— деб буюрди Алексей; Никита дарҳол отасининг қўлтиғига кирди, бироқ аллаким унинг оёғини шу қадар қаттиқ босдики, бир нафас у ҳеч нарсани кўрмай қолди, кейин кўзлари янада ўткирлашиб, отасининг торгина хонасидаги ва ҳовлидаги одамлар нима қилаётганини аламзадалик билан эслаб қола бошлади. Тихон каттақон қора отга миниб олиб, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа чопарди, от унга бўйсунмас, дарвоза томон юрмасдан, нуқул ирғиб-сапчиб айланар, ғазаб билан тумшугини силкитиб, одамларни тўзитар эди. Чамаси, бу асов арғумоқни қуёш нурида кўзни қамаштирадиган даражада қизариб алангаланган осмон ҳуркитган бўлса керак. Ниҳоят дарвозадан чиқиб, югуриб бораркан, баҳайбат қизил қозон олдида етганда ҳуркиб ёнга ташланди-да, Тихонни ағдариб, нишқира-нишқира, думларини силкпта-силкита, ҳовлига қайтиб келди.

— Болалар, югуринг!..— деб қичқирди аллаким.

Дераза олдида қоп-қора чўққи соқолини бураб Алексей ўтирибди. Унинг мужик юзига ўхшамаган хунук юзи чўччайиб, худди чанг босганга ўхшайди, кўзларини бақрайтириб, одамлар боши устидан отаси ётган ўрнига қарайди — отаси бешқачароқ овоз билан гапиради:

— Демак, янглишганман. Худонинг хоҳиши шундай экан. Болалар, буюраман: Ульяна сизга она ўрнида, эшитдингизми? Сен Ульяна, Исо ҳаққи, буларга ёрдам эт. Эҳ! Бегона кпшиларни уйдан чиқаринг...

— Жим ёт,— Ульяна ёлворади ва Артамоновнинг оғзи-га бир парча муз солади.— Бу ерда ёт киши йўқ,— деб ух тортади.

Отаси музни ютиб, бетоқатлик билан нафас оларкан:

— Менинг гуноҳим тўғрисида оғиз очманглар, Ульяна айбли эмас. Наталья, мен сенга қаттиқ муомала қилар эдим, хайр, майли. Болалар! Петрюха, Олёша, дўст бўлиб яшанглар... Халойиққа хушмуомала бўлинглар. Одамлар яхши. Сара одамлар. Сен, Олёша, ўшанингга уйлаи... Чакки эмас!— деди.

Пётр отаси олдига тиз чўкиб:

— Отажон, бизни ёлғиз қолдирма,— деганда, Алексей унинг елкасига туртиб:

— Сенга нима бўлди? Мен ишонмайман...— деб шивирлади.

Наталья пичоқ билан мис жомда муз чақади. Хотиннинг пиқирлаши, муз қисирлаши, мис жаранглаши, келиннинг пиқирлаб йиглаши билан қўшилиб эшитилади. Натальянинг ибтидоий муз устига тўкилганини Никита кўради. Қуёшнинг сарғиш шуъласи хона ичига кириб, ойнада акс этади. шаклсиз доғ сингари деворга тушиб қалтиради-да, тунги осмондай кўм-кўк гул қоғозлардаги мўйловдор қип-қизил хитойлар расмларини ўчирмоқчи бўлгандай туюлади.

Никита отасининг оёқ томонида туриб, мени ҳам тилга олармикин, деб кутади. Баймакова гоҳ Ильянинг қалин жингалак сочини тароқ билан тарайди, гоҳ лаб четларидан тўхтовсиз оқиб турган қонни, пешана ҳам чаккаларидан чиқиб турган терни сочиқ билан артади. Унинг нурсизланган кўзларига меҳр-муҳаббат билан қараб, худди ибодат қилгандай, алланималарни шивирлайди. Илья эса бир қўлини унинг елкасига, иккинчи қўлини тиззасига қўйиб, қотиб қолган тил билан охириги сўзларини гўлдирайди:

— Билаган. Худо сени омон сақласин. Мени шаҳар қабристонига эмас, ўзимизнинг қабристонга дафи қилинг, шаҳар гўристонини, шаҳарликларни истамайман...

У зўр алам, қайғу-ҳасрат билан ичирлайди:

— Эҳ, янглишдим, худойим... Янглишдим...

Соқоли Исо соқолига ўхшаш, кўзлари қайғули, новча, букчайган поп келди. Артамонов попга:

— Сабр қил, отахон,— деб яна ўғилларига мурожаат этди:— Болалар, бўлинманглар! Иттифоқ бўлинглар. Иттифоқсизликни ёқтирмайди. Пётр, сен каттасан, ҳамма

ишга жавобгарсан, эшитдингми? Энди ташқарига чиқинглар...

— Никита,— деб эсига солди Баймакова.

— Никитани яхши кўринглар. Қани у? Боринг... Кейин... Наталья ҳам...

Артамонов чошгоҳдан кейин, ҳали қуёш қиём нуқтасидан ошмай, қонсерв ёлди: боши бир оз кўтарилган, мум тусли юзи хўмрайган ҳолда ётар, юзида аллақандай тарадуд акс ётар, чала юмук кўзлари эса кўкрагига итоаткорона қовуштирилган қўлининг дастпанжасига ўйчанлик билан қарагандай эди. Никитанинг назарида, уйдагиларнинг ҳаммаси ҳам бу ўлимдан унчалик қайгурган ҳам, қўрққани ҳам йўқ, балки таажжублангандай туюлди. Букур бу бемаъни таажжубланишни Баймаковадан бўлак ҳаммада сизди. Баймакова ўлик олдида кўз ёшисиз, қўлларини тиззасига қўйганича, ўликнинг қор тусли соқол билан безалган жонсиз юзига кўз узмай термилиб, тошдек қотиб, ҳеч нарса ни пайқамай, индамай ўтирар эди.

Пётр бўйи чўзилгандай кўринар, шангилаб ортиқча ва ўринсиз гапирарди, отаси ётган уйга — Никита билан семиз роҳиба псалтирь сураларини галма-гал ўқиётган хонага кириб, отасининг юзига савол назари билан қарар, чўқинар, икки-уч минут туриб, астагина чиқиб кетарди. Кейин унинг поргул гавдаси боғда, ҳовлида пайдо бўлар, гўё у ниманидир қидириб юрганга ўхшарди.

Алексей тараддудланиб, кўмиш маросимига ҳозирланар, шаҳарга от қўйиб бориб қайтар, уйга югуриб кириб Ульишадан кўмиш тартиблари, таъзиялар тўғрисида сўрар эди.

— Шошма,— дерди Баймакова. Чарчаган, терлаган Алексей кўздан гойиб бўларди. Наталья келар, юввошлик ва раҳмдиллик билан онасига: бирон нарса еб ол, чой ич, деб таклиф ётарди; онаси диққат билан қулоқ соларди-ю:

— Шошма,— дерди.

Отаси ҳаётлигида уни яхши кўрармиди, йўқми — буни билмасди Никита, фақат ундан қўрқарди, аммо бу қўрқув, унга қўпол муомала қиладиган, букур ўглининг дунёда бор-йўқлигига парво этмаган дадасининг жонбозлик билан қиляётган ишини завқланиб томоша қилишига халақит бермасди. Лекин энди Никитага отасини чинакам, астойдил яхши кўрган одам биргина ўзи бўлиб туюлди. Назарида, бутун вужуди, гўё лойқага ботгандек,

ҳасрат-надомат билан тўлиб-тошганга, бу кучли одамнинг тўсатдан ўлими уни бешафкат ва кўпол равшанла рашиятганга ўхшарди, бу қадар қайғу ва аламдан ҳатто нафас олиши ҳам оғирлашган эди. Никита псалтирь ўқиш навбатини кутиб бурчакда, сандиқ устида ўтирибди. Сураларнинг таниш сўзларини хаёлан такрорлайди, у ён-бу ёнга қараб кўяди. Уй ичини илиқ қоронғилик қоплайди, мум шамларнинг сарғиш ёлқини жонли гуллар каби липиллайди. Деворларда, обкаш билан тўрт бурчак саватларда чой кўтарган мўйловдор хитойларнинг суратлари жимирлаб, кўзни қамаштиради. Ҳар бир гулқоғозда икки қатордан ўн саккиз хитой сурати бор, бир қатори шифтга қараб ўрмалайди, иккинчиси, пастга қараб тушади. Деворга тушган ёғ тусли ой нурида хитойлар тетикроқ кўринадди, юқорига, пастга ҳам тезроқ юради.

Бир маромда ўқиётган псалтирь сўзлари орасдан бирдан Никита оҳиста ва қатъий савол эшитди:

— Улгани ростми? Э, худойим!

Бу саволни Уляйна берган эди. Унинг товушида шундай ҳайратда қолдирарли гамгичлик оор эдики, роҳиоа ўқишни тўхтатиб, гуноҳкордай:

— Ўлди, онахон, худонинг хоҳиши билан... - деб жавоб берди.

Чидаб бўлмайдиган бир ҳол юз берди. Никита роҳибдан қаттиқ ранжиб шартта ўрнидан турди-да, уйдан чиқиб кетди.

Дарвоза олдидаги скамейкада Тихон ўтирибди; катта пайраҳани бармоғи билан майдалайди ва уларни қумга санчади-да, оёғи билан босиб, ерга чуқурроқ киритиб, кўзга кўринмайдиган қилади. Никита индамасдан келиб, унинг ёнига ўтирди-да, қилаётган ишига қаради. Бу эрмак унга шаҳарнинг учига чиққан тентаги — Антонушкани эслатди. Сочлари ҳурпайган, қорамтир юзли, оёғи тиззасидан майишган бу укки кўз йигит, қумга таёқ билан доира чизарди, доира ўртасига пайраҳа ва чивиқлардан каттаклар қилар ва ўзича аллақандай бир иморат қуради-да, уни дарҳол оёғи билан босиб, қум билан чангга қориштираркан, мингирлаб ашула айтар эди:

Исо тирилди, тирилди!
Арава йўқотди гилдирагини,
Бутирма, бай-бай, бустарма,
Аллаю-алла, Исо, алла.

— Бу қандай бўлди, а? — деди Тихон ва бўйнига қўнган чивинни бир уриб ўлдирди-да, кафтини тиззасига артиб, дарё тспасидаги тол шохига илиниб қолган ойга қаради, кейин баҳайбат қозонга тикилиб қолди.

— Бу йил чивин эртароқ пайдо бўлди, — хотиржамлик билан давом этди Тихон. — Ҳа, мана, чивин яшайди-ю бироқ...

Букур нимадандир қўрқиб, унинг гапи тугашига йўл қўймай, жаҳл билан:

— Сен чивинни ўлдирдинг-ку, — деди-да, шошилиб қоровул олдидан кетди. Бир неча минутдан кейин, ўзини қаёққа уришни билмай, яна отасининг уйига кирди, роҳибага дам бериб, ўзи ўқий бошлади. Никита псалтирь сўзлари билан ўз дард-аламини ифода этиб қироат қиларкан, Натальянинг кирганини ҳам пайқамай қолди, бирдан орқасида унинг оҳиста шивирлаганини эшитди. Ҳар доим, Наталья унга яқинлашса, Никита бирон гайри табиий сўз айтишга ёки бирон фавқулодда ва балки қўрқинчли иш қилишга ҳам қодирлигини сезар, ҳаттоки, шу онда ҳам огзидан беихтиёр бирон сўз чиқиб кетишидан қўрқар эди. Бошини эгиб, букурини дўппайтириб, чийиллаб чиқаётган овозини пасайтирганда, тўққизинчи сура орасидаги йиги аралаш хўрсиниб гапираётган икки кишининг қуйидаги сўзларини эшитди:

— Мана, унинг бўйидаги крестини олдим, ўзим тақиб юраман.

— Онажон, ахир мен ҳам ёлғизман-ку...

Бу шилимиқ пичир-пичирни эшитмаслик учун Никита овозини яна кўтарар, лекин барибир тинчланиб қулоқ соларди:

— Худойим гуноҳимизга яраша жазолади...

— Ётлар уясида ёлғизман...

— «Сенинг юзингдан қаёққа яширинай, сенинг газбингдан қаёққа қочай», — деган даҳшатли нола сўзларини Никита тиришиб ўқиса-да, хотири: «Севмай яшаш бахт — гам-гусса, севсанг — икки ҳисса» дейилган қайғули мақолни эсига солар эди. Натальянинг қайғуси унга бахтсаодат бағишловчи умид чироғи эканини ҳижолат аралаш сезди.

Эрта билан шаҳардан извошда Барский билан дум-думалоқ, лақаби «Пишмаган», ҳақиқатан хамирдан ясалгандай, кўзлари ўпирилган ўрага ўхшаш, шаҳар бошлиғи Яков Житейкин келди. Улар марҳум ҳузурига кириб, унга таъ-

зим этдилар, мурданинг қорайиб қолган юзига чўчинқираб, шубҳалангандай қарадилар, афтидан, иккови ҳам Артамоновнинг ҳалокатига ҳайрон қолгандай эди. Сўнгра, Житейкин Пётрга захрини сочиб, аччиқ-ситама билан деди:

— Сизлар падарингизни ўз қабристонингизга қўймоқчи эмишсиз, шу ростми? Шаҳар учун бу хўрлик бўлади, Пётр Ильич, гўё биздан ҳазар қилгандайсиз, биз билан дўстликда яшашни истамайсиз, шундайми, шундай эмасми?

Алексей тишларини гижирлатиб, акасига:

— Буларни ҳайдаб юбор!— деб шивирлади.

Барский Ульяна томон бостириб бориб:

— Қуда, бу қандай гап? Хўрлик!— деб гўлдиради.

Житейкин Пётрни тергай бошлади:

— Бу маслаҳатни поп Глеб бердими сизга? Йўқ, сиз бу ишни бекор қилинг, сизнинг отангиз уездимизда биринчи фабриконт, янги ишни бошлаган одам, шаҳарнинг зийнати. Ҳаттоки, уезд бошлиғи ҳайратланиб:— улар православни ўзи?— деб сўради.

— Шундайми, ё шундай эмасми, ҳар ҳолда, биз жановага келамиз,— деди.

— Шундайми, ё шундай эмасми, ҳар ҳолда, биз жановага келамиз,— деди.

Ҳаммага очиқ маълум бўлдики, унинг келишидан мақсади — сўзлаётган сўзи устида эмас, Житейкин, Ульянани Барский деворга қисиб, алланима деб валдираётган бурчак томон юрди, у яқинлашмасданоқ Ульяна шовқин солиб:

— Сен, қуда, аҳмоқсан, кет!— деганини эшитди.

Баймакованинг лаблари ва қошлари пирпирарди, бошини кек билан кўтариб, Пётрга деди:

— Бу иккови ҳамда Помялов билан Воропонов мени қисташяпти: сиз ога-иниларни авраб фабрикани уларга сотишга унатармишман, бу йўлдаги хизматим учун менга пул ваъда қилишяпти...

— Кетинг... жаноблар!— деди Алексей уларга эшикни кўрсатиб.

Житейкин йўтала-йўтала, жилмайиб, Барскийни тирсагидан туртиб, эшик томон йўналтирди; Баймакова эса, сандиқ устига ўтириб, йиғлаб, шикоят қилди:

— Шундай одамнинг хотирасини ўчирмоқчи бўлишади...

Алексей мурданинг юзига қараб, тантана ва газаб билан:

— Яна ҳам ёмонроқ бўламан, лекин буларга ўхшаб яшайман! Ундан кўра, бошимни уриб ёраман!— деди.

Пётр ҳам отасига қия боқиб:

— Олди-сотди қилишга топган вақтини қаранглар.— деб гулдаираб кўйди.

Наталья Никитага яқинлашиб:

— Сен нега индамайсан?— сўради секингина. Никита, уни эслаганлари учун, айниқса уни Наталья эслагани учун қувониб, жилмайишини тийиб, у ҳам секингина деди:

— Мен нима ҳам дердим... Сен билан мен...

Аммо Наталья ўйчанлик билан ундан узоқлашди.

Илья Артамоновни кўмиш маросимига шаҳарнинг ҳамма улуғлари келди. Ияги қирилган, икки чаккасидан қўйилган соқоли оқарган, новча ва ориқ уезд бошлиғи ҳам келди. У савлат билан оқсоқланиб, қум устида Пётр ёнида борар экан, унга бир сўзни икки марта айнан такрорлади.

— Марҳум падарингизни князь Георгий Ратский жаноби олийлари менга ниҳоятда мақтаб тавсия қилган эди. Ҳақиқатан мақташга лойиқ экан.

Лекин тез орада Пётрга:

— Тобут билан қирга кўтарилиш қийин кўринади,— деди-да, ёндамалаб халойиқ орасидан чиқди-ю, мўйи қирилган лабларини қимтиб олиб, қарагай дарахтининг соясига ўтиб, парадда солдатларни кўриқдан ўтказгандай, шаҳарликлар ва ишчиларни кўздан кечирди.

Ҳаво очиқ эди. Роҳатбахш қуёш, сариқ ва яшил бўёқлар орасида кетаётган одамларнинг олачипор кийимларини йилтиратарди; оломон икки қумлоқ адир орасидан ўтиб, учинчи адирга сскин-аста кўтарилмоқда эди. Бу адирнинг устини учи ҳавога санчилган ўнлаб крестлар ва шохлари тарвақайлаган эгри-бугри, кекса қарагай безаган эди. Қум олмос каби ялтирар, оёқлар остида гичирлар, бошлар устида попларнинг хонишлари тўлқинланарди, ҳаммадан кейинда эса, девона Антонушка қоқиниб-суқиниб, иргишлаб келар эди; қошсиз укки кўзлари ила оёғи остига тикилар ва энгашиб, йўлда ётган ингичка чивикларни териб олиб, қўйнига соларди, қулоқни батанг қиладиган даражада чинқириб ўз ашуласини айтарди:

«Исо тирилди, тирилди.

Арава йўқотди гилдирагини..»

Диндор кишилар уни уриб, ашуласини айтишга йўл қўйишмасди. Ҳозир ҳам, уезд бошлиғи унга бармоқ ўқ-талиб:

— Жим аҳмоқ...— деб қичқирди.

Шаҳарда Антонушкани яхши кўрмасдилар. У ё мордва ёки чуваш эди, шунинг учун уни Исо йўлида девона бўлган деб ўйлаш мумкин эмасди, аммо ундан қўрқишар: ба-лою қазодан дарак берувчи деб ҳисоблашарди. Шунинг учун, Артамоновни хотирлаб дастурхон ёзилганда девона ҳовлига кириб келиб столлар орасида юриб, тутуруқсиз сўзлар айтиб:

— Куятир, куятир,— мезанага шайтон минди, вой-вой, ёмғир ёгади, лой бўлади, коямас қора йиғлайди!— деб шовқин солганда, баъзи бир сезгир кишилар ўзаро шивирлашиб:

— Демак, Артамоновлар бахтиёр бўлмас экан!— де-йишди.

Пётр шивирлаб айтилган бу гапни эшитди. Бир оз кўздан кўриб Тисон Вязов девонани ҳовлининг бир бў-чагига тираб қистокқа олганини кўрди, вазишлик билан синчиклаб текширган овозини ҳам эшитди:

— Қоямас деганинг нима деганинг? Билмайсанми? Ма! Кет, йўқсал! Бор, жўна...

... Йил худди тогдан тушган кузги лойқа селдек тез ўтиб кетди; ҳеч қандай воқеа юз бермади, ёлғиз Ульяна Баймакованинг сочлари жуда оқариб, чаккаларида қариликнинг ғамгин нишонаси — майда-майда ажинлар пайдо бўлди. Алексей ҳам сезиларли даражада ўзгарди, у муло-йимроқ, меҳрибонроқ бўлиб қолди, айти замонда унда ёқим-сиз шошқалоқлик пайдо бўлди. У ўзининг шўх хазиллари, ўткир сўзлари билан ҳаммани эсанкиратиб қўяр эди. Ай-ниқса Алексейнинг ишга дадил қараш Пётрни қўрқитар-ди, унинг назарнда Алексей айиқ билан қандай ўйнашиб юриб, кейин уни ўзи ўлдиргандек, фабрика билан ҳам шундай ўйнашаётганга ўхшарди. Баринлар сингари ҳар хил буюмларга ишқибозлиги ғалати эди, унинг хонасида, Баймакова тақдим этган соатдан бошқа яна бир қанча ке-раксиз, лекин чиройли буюмлар пайдо бўлди: нозик қада-либ тикилган, қизлар лапарини тасвирловчи расм деворда осилиб турарди. Алексей пулга жуда пухта, лекин арзи-маган нарсаларга нега пул сарф этади? У нарх-навосини суриштирмай, модага мувофиқ кийинишга ўрганди. Чақ-каларини қириб, чўққи соқолини парвариш қиладиган

бўлди, сиртқи оддийлиги мужиклик қиёфасини йўқота борди. Пётр амакиваччасида қапдайдир бегоналик, ноаниқ бир парса пайдо бўлганини сезар, унга билдирмасдан, ишонмасдан, Алексейни зимдан кузатиб юрар, лекин шубҳаси кундан-кунга ортиб борарди.

Пётр одамларга қанчалик ҳадиксираб, эҳтиёткорлик билан қараса, ишига ҳам шундай қарар эди. У шошмасдан юришга одатланди. кўзларини қисиб, гўё иш қочиб кетадигандай астагина яқинлашарди. Баъзан ишдан чарчаганда, ўзини қандайдир хавфли зеркиш қучоғида сезарди. Шундай пайтларда унинг назарида, фабрика тошдан ясалган йиртқич ҳайвонга ўхшаб кетади, бу ҳайвон ерга ёпишиб, худди қанот ёзгандай, икки ёнига қўланка ташлаб, думини труба қилиб кўтариб ётади, унинг тумшуги тўмтоқ, қўрқинчли, кундузи деразалари муз тишга ўхшаб ялтирайди, қиш кечалари эса газаби зўрлигидан қизариб, чўғдай ёнади. Гўё фабриканинг кўзга кўринмаган ҳақиқий иши чақиримларча полатно тўқиш эмас, балки, Пётр Артамоповга қарши қандайдир душманликдан иборатдек туюлади.

Отасининг ўлганига бир йил тўлиш муносабати билан кабристонда ўтказилган таъзиядан кейин, бутун оила Алексейнинг ёруғ ва чиройли хонасига йиғилди, Алексей ҳаяжонланиб:

— Отамиз бизга иттифоқ бўлишни васият этган эди, шундай қилиш керак, биз бу ерда худди асиоликда яшагандаймиз.— деганда, Никита ёнида ўтирган Натальянинг сесканиб тушганини ва қайнисига ҳайрат билан қараганини пайқади.

— Лекин ҳар ҳолда иттифоқ яшар эканмиз,— деб мулоҳимлик билан давом этди Алексей,— бир-биримизга халақит бермаслигимиз керак. Ҳаммамизнинг ишимиз бир, бироқ турмушимиз бошқа. Тўғрими?

— Хўш?— деб оҳиста сўради Пётр укасининг боши устидан қараб.

— Ҳаммангиз биласизки, мен Орлова билан яшайман, энди уни никоҳлаб олмақчиман. Никита, сен сувга ботганинда, ёлғиз Орловагина сенга ачинган, эсингдами?

Никита бош ирғаб қўйди. У Натальяга биринчи марта жуда яқин ўтирган эди. Бу ҳол унга шу қадар ёқар эдики, қимирлагиси келмас, бошқаларнинг сўзларини ҳам эшитгиси, ўзининг ҳам сўзлагиси келмасди. Наталья негадир сесканиб, тирсаги астагина тегиб кетганда, Никита стол остида ялғасининг тиззасига қараб, жилмайиб қўйди.

Алексей давом этди:

— Тақдирим шу қизга боғлиқ, мен шундай деб ўйлайман. У билан бошқачароқ яшаш мумкин. Лекин уни уйга келтиргим йўқ, тотувлигимиз бузилар деб қўрқаман.

Ульяна Баймакова қаттиқ қайғу билан тўлиб, ерга боққан кўзларини очди ва Алексейнинг сўзини маъқуллагандай:

— Мен уни яхши танийман, жуда чевар қиз. Саводли, ёшлигидан бери пианиста отасини ҳам, ўзини ҳам боқиб келади. Лекин табиати бошқача; Наталья у билан чиқишолмас,— деди.

— Мен ҳамма билан чиқишиб кетавераман,— деди Наталья ранжиб, эри унга кўз қирида қараб қўйди-да, укасига:

— Бу ҳақиқатан сенинг ишинг,— деди.

Алексей Баймаковага қараб, уйингни менга сот, деб таклиф этганда, Ульяна:

Сенга уйинг нима кераги бор?— деди.

Пётр укасига қушилди.

— Сен биз билан бирга туришинг керак.

— Мен бориб Ольгани қупонтирай,— деди Алексей. У чиқиб кетгач, Пётр Никитанинг елкасидан туртиб сўради:

Сен нега мудрайсан? Нимани ўйлаб ўтирибсан?

— Алексей яхши иш қилади...

— Шундайми? Кўрамиз. Сен нима дейсан, она?

— Шу қизни олгани албатта яхши, лекин қандай яшашлари номаълум. Унинг қилиги ғалати, девонафеълроқ кўринади.

— Бунақа келин учуп балли,— деди Пётр заҳарландалик билан.

— Балки мен бошқачароқ гапиргаидирман,— деди Ульяна, гўё кўзига ҳеч нарса кўринмай, ҳаммаси аралашиб кетгандай, қоронғиликка қараб:

— У жуда айёр қиз, отасининг буюмлари жуда кўп эди, отаси ичиб қўйишидан қўрқиб, менинг уйимга яширди, Алексей уларни кечалари меникига келтириб қўярди, кейин мен унга ҳадя қилган бўлар эдим. Бу буюмлар ҳаммаси уники, унинг сепи ҳисоб. Буларнинг ичида қимматбаҳолари ҳам бор. Мен Ольгани ҳар ҳолда унча яхши кўрмайман, ҳар ҳолда табиати ўзгача.

Пётр қайнанасига орқа ўгириб, деразадан қараб турар, боғдаги майналарнинг ҳаммани масхара қилиб ёлди-

рашларини тингларкан, Тихоннинг сўзларини хотирларди:

— «Майналарни ёмон кўраман, улар шайтонга ўхшайди» деган эди. Тихон аҳмоқ одам. Аҳмоқ бўлгани учун ҳам от қашқасидай таниглик.

Баймакова боягидай секин, истар-истамас, афтидан, ўз ўйлари билан машғул ҳолда Ольга Орлованинг онаси тўғрисида гапирар, аслида помещчик хотини эканини, бузуқ бўлгани учун эри тириклигидаёқ Орлов билан учрашиб, беш йил бирга турганини ҳикоя қиларди.

— Орлов яхши уста эди: уй жиҳозлари ясар, соат тузатар, ёғочдан расмлар ўярди. Менда яшириб қўйилган яланғоч хотиннинг расми бор. Ольга уни ўз онасининг сурати деб биледи. Эру хотин баравар ичишар эди. Эри ўлгач, Орловга тегди, ўша йилиёқ маст ҳолда чўмилиб, сувда фарқ бўлди...

Наталья бирдан:

— Мана одамлар бир-бирини қандай севишади,— деб юборди. Қизининг бу ножўя гапи онасини унга ўқрайиб қарашга мажбур қилди, Пётр жилмайиб:

— Севги тўғрисида эмас, пиянисталик тўғрисида сўз боряпти,— деб қўйди.

Ҳамма жим бўлди. Никита Натальяни кузатаркан, Баймакованинг ҳикояси уни ҳаяжонга солганини пайқади. Наталья қалтираб, титраб, дастурхон попугини юлар эди, унинг оддий, чиройли юзи қизариб, жаҳли чиққанидан таниб бўлмайдиган ҳолга келганди.

Никита кечки овқатдан кейин Натальянинг деразаси тагидаги сирень ниҳоллари остида ўтириб, Пётрнинг ўйчанлик билан гапираётганини эшитди:

— Алексей эпчил ва ақлли.

Шу ондаёқ Натальянинг юракни эзадиган нолаю зори эшитилди:

— Ҳаммангиз ҳам ақлсиз. Ёлғиз менгина аҳмоқман. «Асирдай яшаймиз» деб у жуда тўғри айтди! Мен сизларга асир бўлиб яшайман... Никита азбаройи ачинганидан ва кўрқиб кетганидан тошдек қотиб қолди. Икки қўли билан скамейкани чангаллаб олди, қандайдир номаълум куч уни кўтарар, аллақасяққа итарарди, юқорида севимли хотиннинг товуши тобора қаттиқроқ эшитилиб, кўнглида орзу-умидлар уйготарди.

Эрининг сўзлари бирдан унинг газабини алаңгалантириб юборганда, Наталья сочларини ўриб ўтирар эди. Ҳам-

ма нарсани йиртгиси, уриб ёргиси келган қўлларини оркасига олиб деворга суянди. Ҳайрон бўлиб қолган эривинг ҳайқириқларини ҳам, ўз сўзларини ҳам эшитмас, энгикиб, хўрсиниб гапирар: уйда бегона хотиндай, анчайин хизматкордай, ҳеч ким томонидан севилмай кун кечираётганидан ҳасрат қиларди.

— Сен мени севмайсан, мен билан ҳеч нарса тўғрисида сўзлашмайсан, фақат устимга тошдай ташланасан, шуни биласан, холос. Нима учун мени яхши кўрмайсан, ёки сенинг хотининг эмасманми? Менинг нима камчилигим бор, айт? Отангни онам қандай яхши кўрар эди, баъзан ҳавасим келиб, юрагим ёрилгудай бўларди...

Дераза тоқчасида ўтирган Пётр қоронги бурчакда турган хотинининг хунук тусга кирган юзига тикилиб:

— Сен ҳам мени ана шундай яхши кўр,— деди.

Хотинининг гапларини аҳмоқона деб билса ҳам, унинг ҳасрати ўринли эканини ҳайрон қолган ҳолда сезар ва бу ҳасратда маъно борлигини тушунарди. Бу қайғу-ҳасратнинг энг ёмон томони шунда эдики, оқибати узоқ давом этадиган жанжалларга, янги ташвиш ва хавф-хатарларга айланиши мумкин эди, Пётр ана шундан кўрқар, ташвишлар эса усиз ҳам етарли эди.

Тунги кўйлақда, қўлсиз кўринган хотинининг оппоқ гавдаси титрар, гўё сувдай тўкилиб, йўқ бўлиб кстадигандек чўчитарди, Наталья худди аргимчоқда учгандай, бир кўтарилиб, бир тушар, гоҳ шивирлаб, гоҳ қичқириб гапирар эди.

— Мана, Алексейга қара, ўзникини қандай севади... Уни севиб қолиш ҳам осон,— у хурсанд, баринлардай кийинади. Сен-чи? Ҳеч кимга ширин сўз айтмайсан, қовоғингни солиб юрганнинг-юрган. Алексей билан дилим дилига пайванд бўлиб яшар эдим, лекин мен шу вақтгача унга бир оғиз сўз айтишга ботинмадим, сен бўлсанг, атайлаб ана шу айёр, жирканч букурингни менинг орқамдан қорувул қилиб қўйдинг...

Никита ўрнидан турди, қайғудан бошини эгиб, елкасига теккан дарахт шохларини қўллари билан нари суриб, боғ ичига кириб кетди.

Пётр ҳам ўрнидан туриб, хотини олдига келди-да, унинг сочларидан тутиб, бошини букиб, кўзларига қарар экан:

— Алексей биланми?— деб секингина бўғиқ товуш билан сўради. У хотинининг сўзларига шу қадар ҳайратлан-

ган эдики, на жаҳли чиқар ва на ургиси келарди уни. Хотини тўғри гапирганини тебора аниқроқ тушунар. ҳақиқатан хотини зерикар эди. Нима учун зерикишини Пётр биларди. Қандай бўлмасин Натальяни тинчителиш керак эди, тинчителиш учун бошини деворга уриб:

— Сен нима дединг, аҳмоқ? Алексей билан-а?— деб секингина, лекин йўғон овоз билан сўради.

— Қўйиб юбор, қўйиб юбор, додлайман...

Иккинчи қўли билан Натальянинг ҳалқумидан олиб бўға бошлади, хотинининг юзи бирданига қип-қизариб, бечора хириллай бошлади.

Пётр уни деворга қисиб:

— Ифлос,— деди-ю узоқлашди.

Наталья ҳам гандираклаб девордан узоқлашди-да, эри олдидан ўтиб, беланчак ёнига борди, чақалоги кўпдан бери йиғламоқда эди. Пётрнинг назарида хотини унинг устидан ҳатлаб ўтгандай бўлди. Унинг кўз ўнгида кўм-кўк осмон парчаси тебраниб, бир тарафдан иккинчи тарафга сурилгандай, юлдузлар сакрашгандай туюлди. Ёнида хотини ўтирарди, ўрнидан турмасданоқ қулочкашлаб уни уриш мумкин эди. Хотинининг чеҳраси хунук, юзи гўё ёғочдай қотиб қолган, лекин кўз ёшлари икки бетидан жилдираб оқмоқда эди. Наталья шиша пардай жимирлашган кўз ёшлар орқали бурчакка қараб қизини эмизар, бироқ болага эмиш ноқулайлигини пайқамас: эмчак тугмачаси диккайиб қолгани учун оғзидан чиқиб кетиб, чақалоқ гингшир, ҳавони чўпиллатиб, бошини чайқар эди. Пётр тунги босинқирашдан энди ўзига келгандай, сесканиб тушди-да:

— Кўксингни тўғрила, кўрмаяпсанми!— деди.

— Уйда пашшадай яшайман,— деди Наталья гўлдираб,— худди қанотсиз пашшадай...

— Ахир, мен ҳам ёлғизман-ку, Пётр Артамонов икки-та эмас!— деди эри.

Айтган сўзи дилидагича эмаслигини, ҳатто қандайдир қалбаки чиққанини ғира-шира пайқади. Лекин хотинини юпатиш, хавфни ўзидан узоқлатиш учун ҳақиқатни, энг оддий, рад қилиб бўлмайдиган аниқ ҳақиқатни айтиш лозим эди, тоинки хотини бу ҳақиқатни шу ондаёқ тушунсин, бу ҳақиқатга итоат этсин, аҳмоқона шикоятлари ва кўз ёшлари билан, ҳозиргача рўй бермаган хотинлик қилиқлари билан унга халақит бермасин. Натальянинг бепарволик ва нўноқлик билан қизини қандай ётқизаётганига қараб туриб:

— Мен иш кишисиман! Фабрикани — бугдой сочишга, картошка экишга ўхшатиб бўлмайди,— деди Пётр.— Бу — оғир масала. Сенинг каллангда нима бор?

Олдинига тутқич бермайдиган бу ҳақиқатга яқинлашиш ниятида қатъий ва таъсирчан қилиб сўзлади, бора-бора чалғиб, ундан узоқлашди, товуши шикоят қилгандай чиқа бошлади.

— Фабрика — оддий нарса эмас,— деб бошлагач, сўзи тугаб, нима тўғрисида гапиришни билмай қолди. Хотини унга орқасини ўгириб, индамасдан боласини тебратиб ўтирар эди. Тихон Вяловнинг паст, текис товуши Пётрни бу ноқулай аҳволдан қутқазди.

— Ҳой, Пётр Ильич!

Пётр дераза ёнига бориб:

— Нима керак?— деб сўради.

— Менинг олдимга чиқ,— деб талаб қилди қоровул.

— Беадаб!— Пётр гингшиди-да, хотинига таъна қилиб:— Мана, кўрдингми, кечаси ҳам ором беришмайди, сен бўласанг бу ерда тўсайиб ўтирибсан.— деди.

Тихон бош яланг ҳолда, кўзларини пириллатиб, уни эшик олдида қарши олди, ойдин ҳовлини кўздан кечириб, астагина:

— Мен ҳозир Никита Ильични сиртмоқдан чиқариб олдим...— деди.

— Нима? Қаердан?— Пётр гўё ер ютаётгандай эшик олдидаги зинага ўтириб қолди.

— Сен ўтирма, у сени кўрмоқчи, юр унинг олдига...

Пётр, ўрнидан турмасдан, шивирлаб:

— Бу нима қилгани-а?— деб сўради.

— Энди ўзига келди, мен бошидан сув қуйдим, юрсанг-чи...

Тихон хўжайинининг тирсагидан суяб тургизди-да, боққа олиб кирди.

— Мўрчани танлабди, стропилага арқон боғлаб, мўрча даҳлизига туширипти, ўзини осипти... Пётр оёғи ерга ёпишиб қолгандек, таққа тўхтади-да:

— Бу нима қилгани? Отасини соғиниб қолдимикин?— деб такрорлади.

Қоровул ҳам тўхтади:

— У шу даражага етдики, унинг кўйлаklarини ўпа бошлади...

— Қандай кўйлаklar? Сен нима деяпсан?

Пётр яланг оёқлари билан ерни сийпаларкан, буталар

орасидан чиқиб келиб, думини ликиллатаётган қоровулнинг итига тикилар, укасининг олдига боргани қўрқар. Ўзини бутунлай йўқотиб, Никитага нима дейишини билмасди.

— Э... э, кўзсиз яшайсиз,— деб гўлдиради қоровул. Пётр яна нима дейишини кутиб, жим турди.

— Унинг кўйлагини, Наталья Евсеевпанинг кўйлагини ювиб, бу ерга ёйиб қўйишган экан.

— Нега энди у... Шошма.

Пётр хотинининг кўйлагини ўпаётган пак-пакана, букур укасини кўз ўнгига келтирар экан, итни оёғи билан туртиб юборди, бу ҳодиса кулгили туюлса ҳам, жирканиб, тупуришга мажбур бўлди. Аммо юракни ўртовчи шубҳа шу ондаёқ уни эсанкиратиб қўйди, Пётр қоровулнинг слакасидан ушлаб слакитди ва газаб билан:

— Унишдиларми? Сен кўрдингми, а?— деб сўради.

— Мен ҳамма нарсани кўриб юраман. Наталья Евсеевна бўлса, ҳеч нарсани билмайди.

— Ёлғон!

— Нега ёлғон гапирай! Мен сендан мукофот олмайман-ку!

Тихон гўё қоронғиликни болга билан чопиб ёруг киритгандай, укаси Никитанинг бахтсизлигиши хўжайинга сўзлаб берди.

Пётр қоровулининг ҳақиқатни гапирётганини тушунар. Ўзиёқ кўпдан бери бу ҳақиқатни укасининг кўк кўзлари галаги боқишидан гира-шира пайқар, унинг Натальяга арзимаган майда-чуйда, лекин узлуксиз қиладиган жонкуярликларидан ҳам сезар эди.

— Шундай экан,— деди шивирлаб ва товуш чиқариб.— Буни тушунишга қўлим ҳам тегмасди.

Кейин Тихонни олдинга қарата итариб:

— Юр,— деб буюрди.

Мўрчанинг кичкина паст эшигидан ичкари кирди-да, қоронғиликда укасини кўрмасдан ва унинг биричи қарашини кўргиси келмай, Тихоннинг орқасидан туриб, қалдироқ товуш билан:

— Никита, бу нима қилганинг?— деб сўради.

Букур жавоб бермади. У дераза олдидаги скамейкада арабг кўрнар, унинг қорнига ва оёғига гира-шира ёруг тушиб турар эди. Бир оздан кейин, букурини деворга суяб, бошини осилтириб ўтирган Никитани Пётрнинг кўзи илғади. Букурнинг кўйлаги ёқасидан этагигача йиртилган,

шалаббо бўлиб кўкрак букуруига ёпишган, сочлари ҳам ивиган эди; ёноғида юлдузсимон кичкина қорамтир жароҳат, ундан ҳар томонга чизиқ-чизиқ бўлиб қон тарқалган.

— Қон? Йиқилиб тушдингми?— деб сўради Пётр шивирлаб.

— Йўқ, мен шошиб уни бир оз жароҳатладим,— деб бемаъни ва қаттиқ жавоб берди Тихон ва ўзини бир қаддам четга олди.

Никитанинг олдига боришга Пётр қўрқар эди. Ўз сўзлари қулоғига ёт кишининг сўзларидай эшитилар, қулогини чўза-чўза, шикоят қилар, танбеҳ берар эди:

— Уят. Бу ишинг худога қарши, ука. Балли сенга-ей...

Никита ҳам ёт кишининг товушига ўхшаш хирилдоқ овоз билан:

— Биламан! Чидолмадим. Сен менга рухсат бер. Мен монастирга кетаман. Эшитяпсанми? Жопу днлим билан сендан сўрайман...

— Сенга нима бўлди?— деди.

Нимадандир таъсирланган Пётр, мулозимлик босқини секингина танбеҳ бера бошлади яна ва охирида:

— Наталья масаласида сени албатта, шайтон йўлдан оздирган...— деди.

— Э, Тихон!— бўри каби улиди Никита ва касал кишидай томоқ қирди.— Ҳеч кимга айтма деб сендан сўраган эдим-ку? Исо ҳаққи, ҳеч бўлмаса энди унга айтманг! Мендан кулади, аччигланади. Ҳар ҳолда менга раҳмингиз келсин! Мен бир умр сизни дуо қиламан. Айтманг! Ҳеч қачон айтманг, Тихон, ҳаммасига сен сабаб, эҳ, қандай одамсан...

Никита бошини гайри табиий равишда тик тутиб нуқул гулдирар, бошини сира қимирлатмас, бу эса янада қўрқинчли эди.

— Агар шу ҳодиса бўлмаганда, мен оғзимни очмасдим. У мендан ҳеч нарса билолмайди...— деди қоровул.

Борган сари раҳми келиб ва бундан ўзи хижолат тортган Пётр:

— Крестъ ҳаққи, унга ҳеч нарса билдирмаймиз,— деб қатъий ваъда берди.

— Хайр, раҳмат! Мен монастирга кетаман.— Никита гўё уйқуга кетгандай, жим бўлди.

— Бирор еринг огриётгани йўқми?— деб сўради акаси, жавоб эшитмагач, саволини қайтарди:

— Бўйининг оғрияптими?

— Зарари йўқ,— деди Никита хириллаб.— Боринг-лар...

Пётр эшик томон чеккинаркан:

— Сен шу ерда қол,— деб шивирлади қоровулга.

Лекин боққа чиқиб, иссиқ ернинг чучмал ҳиди билан чуқур нафас олгач, қўрқинчли ўйлар остида раҳмдиллиги дарҳол йўқолди. Бу ўйларни тушунмоқ учун жимжитлик лозим эди. Шунинг учун оёқ остидаги шағални шиқирлатмасликка ҳаракат этиб, аста қадам босар эди. Ярамас ўйларнинг кўплиги уни қўрқитар, назарида, бу ўйлар миясида тугилмай, сиртдан, тун қоронғилигидан кўршапалак сингари миясига ёпирилиб кираётгандек эди. Ўйлар бири-бирини шу қадар тез алмаштирардики, Пётр уларни сўз қолипига солишга улгуролмас, аллақандай айёрона нақшлар, сиртмоқлар, тугунлар ясаб, унинг ўзини ҳам, Натальяни, Алексейни, Никита ва Тихонни ҳам чулгаб олаётганини пайқар, лапарчилар даврасига ўхшаган чигал доира ҳосил этиб, ҳаммани кўз илғамас даражада тез айлантираётганини сезарди. Пётр эса шу гирдобнинг марказида ёлғиз ўзи эди. Кейин шу оддий хулосага келди.

«Қайнанамининг тезроқ бизни кига кўчиб келиши, Алексейнинг кўчиб кетиши лозим. Натальяни эркалатиш керак. «Қара, қандай севишади» деганди Наталья. Никита севгидан эмас, ўзининг нодонлигидан бўйинини сиртмоққа солган. Монастирга кетмоқчи бўлгани ҳам маъқул, одамлар орасида у нима қилади. Тихон аҳмоқ, бу сирни менга олдинроқ айтиши керак эди».

Лекин туннинг қуюқ, нам қоронғисига хавотирлашиб қарашга мажбур этган, қўрқитиб шоширган, нагаб бўлмайди деган сўзсиз ўйлари булардан иборат эмасди. Узоқдан, фабрика посёлкаси томондан худди илон изи бўлиб оққан кичкина жилғанинг жилдирашига ўхшаш мунгли қўшиқ садоси эшитилар эди. Чивинлар гингилларди. Пётр Артамонов бундай хавотирликдан мумкин қадар тезроқ қутулиш ва уни босиб лозимлигини сезар эди. Ўз ётоқхонасининг деразаси тагидаги сирень ниҳоллари ёнига келиб қолганлини ҳам пайқамди. Тиззаларига тирсакларини тираб, юзини кафти орасига олиб, қора тупроққа термилиб узоқ ўтирди; Оёқлари остидаги ер қимирлаб, кўпириб, ўпирилиб кетаётгандай туюлар эди.

«Никита қандай қилиб бу ердаги қумни йўқ қилди экан? Қизиқ? Монастирга кетса, у ерда богбончилик қилади. Бу унинг учун яхши».

Хотининиңг яқинлашганини пайқамай, кўз ўнгиде гўё ер остидан чиққандай пайдо бўлган оппоқ гавдани кўргач, қўрқувдан сапчиб турди, таниш товуш уни бир оз тинчитди.

— Исо ҳаққи, сенга бақирганим учун мени афв эт...

Хотини унинг олдиға ўзи келгани учун, жанжалдан озор топган кўнглиға таскин бериш учун керак бўлган юмшоқ сўзларни излаш заруриятидан қутулганидан суюниб, Пётр меҳрибоналик билан:

— Ҳечқиси йўқ, худо кечирсин, ўзим ҳам бақирдим-ку,— деди.

Пётр ўтирди, Наталья бенхтиёр эрининг ёниға ўтирди; ҳар ҳолда хотинини овутадиған бирон ширин сўз айтиши, лозим эди.

— Нима учун зерикишини биламан, — деди Пётр. — Уйимизда вақтичоғлик йўқ. Нимадан ҳам шод бўлардик? Отам шодликни меҳнатдан топарди. Унинг назарида, шоду гадодан бошқа ҳамма ишлаши керак эди. Ҳамма иш учун яшайди, иш орқасида одам кўринмайди.

У бироқ оотикча сўз айтиб кўйишдан хавотирланиб, эҳтиётлик билан гапирар эди. Уз сўзларини тингларкан, жиддий ва ишчан, ҳақиқий хўжайиндай гапирётганини пайқарди. Лекин бу сўзларнинг қандайдир юзакилигини, фикрлар қобигини арчолмай, мағзини очолмай, фақат устидан сирпаниб ўтаётганини сезар эди. Назарида гўё чуқур четиде ўтирганга, кимдир уни шу чуқурга итариб юбориши мумкинға, бу кимса Пётрнинг сўзини таъқиб этиб: «Елғон гапиряпсан»,—деб шивирлаётганга ўхшарди.

Хотини айна вақтда унинг елкасига бошини қўйиб:

— Сен менинг умр йўлдошимсан, нега шуни тушунмайсан?— дейиши билан Пётр уни қучоқлаб, бағриға босди ва унинг эҳтирос билан шивирлашини эшитди:

— Тушунмаслигинг гуноҳ. Мени қиз олдинг, мендан бола кўряпсан, сен эса бунга бутунлай бепарвосан, менга эътибор бермайсан, Пётр, бу гуноҳ. Сенга мендан ҳам яқин одам борми? Бошингга оғир кун келганда сен учун ким қайғуради?

Пётрнинг назарида хотини уни баланд кўтариб, аллааб, ором бергандай бўлди; Пётр ўзини гўё оромбахш салқинда сезиб, миннатдорлик билан:

— Унга гапирмасликка ваъда берган бўлсам ҳам, ўзимни туголмайман,— деди.

Шундан кейин, у шошиб-пишиб, қоровулдан Никита тўғрисида эшитганларини батамом сўзлаб берди.

— Боғда қуритиш учун ёйиб қўйилган қўйлагингни ўпар эмиш, қара, нақадар эсини йўқотган! Унинг бу қилигини нега пайқамадинг?

Қўллари остида хотинининг елкаси сесканиб кетди.

«Ачиняпти!» деб ўйлади Пётр, лекин хотини шоша-пиша, ғазабланиб деди:

— Ҳеч қачон, ҳеч қандай нарса сезмаган эдим! Вой писмиқ! Букурларни ҳийлакор дейилгани тўғри экан.

«Жирканягганим ё мугамбирлик қиялтимми?»— деб ўйлади ўзича Артамонов ва хотинига:

— У сенга меҳрибон эди-ку...— деди.

— Меҳрибон бўлса нима қилибди? Тулун ҳам меҳрибон-да, ачиқланиб жавоб берди Наталья.

— Ҳар ҳолда... Тулун — ит-ку!

— Сен ҳам уни менинг орқамдан қараб юриш учун, қайним Алексейдан қўриқлаш учун ит ўрнига қўйиб қўйган эдинг, ҳаммасини тушунаман! Мен учун нақадар жирканчилигини, нақадар менга алам қилганини билсайдинг...

Натальянинг ранжигани ва ғазаблангани териси титрашидан, қўйлагини чимдиб тортаётган бармоқлари қалтирашидан аниқ кўриниб турса ҳам, унинг ғазаби ортиқча туюлиб, Пётр хотинига сўнгги зарбани бермоқчи бўлиб:

— Никитани Тихон сиртмоқдан чиқариб олибди. У мўрчада ётибди,— деди.

Натальянинг бутун вужуди бўшаши, эрипинг қўлига шилқ этиб туши ва:

— Йўқ, йўқ... Сенга нима бўлди? Э, худойим...— деган сўзларни қўрқиб, қичқириб айтди.

«Демак, ёлгон айтган экан» деб ўйлади Пётр, лекин Наталья гўё пешанасига биров тушириб қолгандай, бош силкиди ва жаҳл билан хўрсиниб:

— Энди нима қиламиз?— деди.— Отамнинг ўлиши билан одамларнинг гийбатидан бир оз қутулган эдик, яна бизнинг тўғримизда гапиришади, э, худойим, нима учун? Бир укаси ўзини сиртмоққа осадди, иккинчиси аллақандай ўйнашга уйланади, бу нима деган гап? Эҳ, Никита Ильич! Бу қандай номуссизлик? Раҳмат сендай қайнига! Топган ишингни қара-ю...

Эри енгил тортиб тин олди, хотинининг елкасини силаб қўйди.

— Қўрқма, ҳеч ким ҳеч нимани билмайди. Тихон унинг ўртоғи, ҳаммамиздан ҳам миннатдор, ҳеч кимга билдирмайди. Никита монастирга кетмоқчи.

— Қачон?

— Билмайман.

— Тезроқ кета қолса эди! У билан қандай қилиб?..

Пётр бир нафас жим тургач:

— Бориб кўриб кела қол,— деди. Хотини худди биров ништар ургандай, ўрнидан сапчиб турди-да, чинқириб:

— Вой, мени юборма, бормайман! Истамайман, қўрқаман...— деди.

— Нимадан қўрқасан?— деб сўради Пётр шошилиб.

— Ўзини осган одамдан. Бормайман, ҳар нима қилсанг ҳам бормайман... қўрқаман...

Артамонов ишонч билан оёқ босиб:

— Юр, бўлмаса, ётамиз! Бугун обдон азобландик,— деди.

Хотинн ёнида астагина қадам ташлаб бораркан, бугунги кун ёмонлик билан бирга аллақандай яхшилик ҳам сова этганини сезар. шу кунгача ўзининг қандай одамлигини билмаганини, эди билди. Пётр Артамоновнинг бу дунёда на айёр одам экан, чунки бу шилқим кимсани жуда усталлик билан алдай олди.

— Албатта, сен менга энг яқинсан,— деди у хотинига.— Менга сендан яқин одам борми? Агар менга энг яқин киши эканингни ўйласанг, ҳамма ишимиз жойида бўлаверади...

Шу кечадан ўн икки кун кейин тонг маҳалида Никита Артамонов қўлига таёқ олиб, буқури устига тери қопчиқни қўйиб, шабнамдан қорайган, қумли йўлда хайрлашиб-чугурлашиб қолган қариндошларининг хотираларидан тезроқ узоклашмоқчи бўлгандай, тез-тез қадам ташлаб борар эди. Ҳаммалари уйқуга тўймасдан, ошхона ёнидаги емакхонага йигилдилар, сиполик билан савлат тўкиб ўтирдилар. Оиладагиларнинг биронтасида Никитага юракдан чиқариб айтиш учун биронта сўз йўқлиги аниқ эди. Пётр фойдали иш қилган кишидай, жуда меҳрибон ва хурсанд эди: у бир-икки қайта:

— Оиламизда гуноҳларимиз учун ибодат қиладиган ўз кишимиз бўлади энди...— деди.

Наталья пинагини бузмай, диққат билан ҳаммага чой қўйиб берар, унинг сичқон қулогига ўхшаш кичкинагина қулоқлари сезиларли даражада қизарган, гўё гижимлангандай эди. У қовогини солиб, дам-бадам уйдан чиқиб кетар, онаси эса ўйга толиб, жим ўтирар, бармогини ҳўллаб,

чаккасидаги оқ сочларини текисларди. Ёлғиз Алексейгина ҳаддан ташқари безовталаниб, кифтини қоқар:

— Сен бу ишга қандай жазм қилдинг? Бирданига-я? Мен тушунолмаяман...— дерди.

Алексейнинг ёнида пакана, қирра бурун Орлова ўтирар, қошларини чимириб, Никитага ёқмаган кўзлари билан ҳаммага бетакаллуп тикиларди, унинг кўзлари қизлар кўзига мутлақо ўхшамас, жуда ўткир ва ҳаддан зиёда тез-тез пирпирар эди.

Бу одамлар орасида ўтириш оғир эди, Никита ваҳимага тушиб ўйларди:

«Пётр бирдан ҳаммага айтиб қўйса, нима қиламан? Тезроқ жавоб берсалар эди...»

Аввал Пётр хайрлашди, Никитанинг олдига келиб, уни кучоқлади, қалдироқ товуш билан қаттиқ:

— Хайр, тугишган биродарим...— деди.

Баймакова уни тўхтатиб:

— Сенга нима бўлди? Олдип бир оз жим ўтириш керак, кейин дуо қилиб, хайрлашиш лозим бўлади,— деди.

Бу маросимлар ҳам жуда тез бажо келтирилиб, Пётр яна укасига яқинлашди:

— Бизни афв эт. Пул тўғрисида ёз, биз дарров юборамиз.

Оғир парҳезларда бўлма. Хайр. Биз учун кўпроқ ибодат қил.

Баймакова уни чўқинтириб, уч марта пешана ва чаккаларидан ўпди-да, негадир йиғлаб юборди; Алексей қаттиқ кучоқлади ва кўзларига тикилган ҳолда:

— Худо ёр бўлсин. Ҳар кимнинг йўли бошқа. Ҳар ҳолда, шу ишга нега бирдан жазм қилганингни тушунолмайдим...— деди.

Ҳаммадан кейин Наталья келди, унга яқинлашмади, кўлини кўкрагига қўйиб, эгилиб таъзим қилди-да, астагина:

— Хайр, Никита Ильич...— деди.

У уч бола эмизган бўлса ҳам, кўкраги қизларникидай ҳамон баланд эди.

Мана, ҳаммаси хайрлашиб бўлди. Ҳа, ҳали Орлова қолган экан. Яқиндан унинг юзи яна ҳам ёқимсиз кўринди. У пайраҳадай қаттиқ, кичкина, иссиқ кўлини узатди, да, аҳмоқона савол берди.

— Чиндан ҳам монах бўласизми?

Ховлида Никита билан ўттиз чоқли тўқувчи хайрлашди. Мўйсафид ва гаранг Борис Морозов бош чайқаб:

— Солдат билан монах — халққа энг содиқ хизматкөр, билдингизми?— деб қичқирди.

Отасининг гўрини тавоф қилиш учун Никита қабристонга борди. Қабр олдида тиэ чўкиб, ибодат қилмасдан ўйлаиб қолди: турмуш шунақа туге олди! Орқа ёқдан қуёш чиқиб, шабнам билан ювилган қабр устидаги чимга, копонгич ит Тулуннинг каталагига ўхшаш қиррадор кенг соя тушгач, Никита ерга таъзим қилиб:

— Кечир, падарим,— деди.

Жимжит сергак тонг сукунатида Никитанинг товуши бўғилиб ва хириллаб чиқди, букур бир оз жим турди-да, қаттиқроқ такрорлади:

— Кечир, падарим.

Шундан кейин, хотинлар сингари хўрсиниб, аламзадалик билан йиглаб юборди, илгариги тиниқ, қўнгироқдай жарапловчи товшининг йўқолганига қаттиқ

Кейин, қабристондан бир чақиримча узоқлашгач, Никита тўсатдан қоровул Тихонга йўлиқди. У елкасида белкурак, камарига болта қистириб, йўл ёқасидаги буталар орасида соқчидай турар эди.

Кетяпсанми?— деб сўради у.

— Кетяпман. Сен бу ерда нима қилиб турибсан?

— Милаш дарахтини кўчириб, қоровулхонанинг деразаси олдига эймоқчиман.

Бир нафас индамай, бир-бирларига қараб турдилар. Кейин Тихон мумдай эриб бораётган кўзларини четга қаратиб:

— Қани, юр, сени бир оз узатиб қўяй,— деди.

Сўзсиз, индамасдан йўлга тушдилар. Сўзни Тихон бошлади:

— Жудаям қалин шабнам тушибди. Бу — зарарли, кургоқчилликдан, унумсизликдан далолат беради.

— Худо сақласин.

Тихон Вялов тушуниб бўлмайдиган қилиб, алланима деб мингиллади. Никита бир оз чўчигансимон:

— Нима дединг?— деб сўради. Букур бу кишидан ҳар вақт кўнглини безовта қиладиган ғалати сўзлар эшитар эди.

— Балки худо сақлар, дедим.

Лекин Никита ер қазувчининг бошқа сўз айтганига ва

уни қайтаргиси келмаганига ишонган эди. Ў таъна қилгандай:

— Сен худонинг меҳрибонлигига ишонмайсанми?— деб сўради.

Тихон хотиржамлик билан:

— Нега? Ҳозир ёмғир керак. Қўзиқоринлар учун ҳам бу шабнам зиён. Яхши хўжайиннинг ҳамма иши ўз вақтида бўлади,— деб жавоб қайтарди.

Никита уҳ тортиб, бош чайқаб қўйди.

— Ўйларинг қандайдир ёмон, Тихон...

— Йўқ, ўйларим ёмон эмас. Мен асосли ўйлайман.

Яна бир эллик қадамларча сўзсиз, жимгина бордилар. Никита оёғи остида чўзилган ўз соясига қарар, Вялов эса камаридаги болта дастасини қадам вазнига монанд чертиб борар эди.

— Бирон йилдан кейин, Никита Ильич, сени кўргали бораман, дурустми?

— Майли, бор. Синчковсан.

— Тўғри.

У шапкасини бошидан олиб тўхтади-да:

— Ундай бўлса, хайр энди, Никита Ильич!— деди дўп-пайган ёногини қашлаб, сўнг ўйчанлик билан қўшиб қўйди:

— Сен кўнглимга ёқасан. Сен мулойим табиат, ювош йигитсан. Отанг ақлли, тани соғ киши эди, сен эса кўнгличан, руҳан саломатсан,— деди.

Никита қўлидаги таёқни ерга ташлаб, елкасидаги қопни тузатиш учун букурини снлакиб олди-да, индамасдан Тихонни қучоқлади. Тихон қаттиқ қучоқлаб, баланд овоз билан:

— Демак, олдингга бораман,— деди.

— Раҳмат.

Йўл қарагайзор ўрмонга бурилиб кетган ерда Никита орқасига қайрилиб қаради, шапкасини қўлтиғига тиқиб, белкурагига таяниб, ҳеч кимни ўтказмасликка қасд қилгандай, йўл ўртасида қаққайиб турган Тихонни кўрди; тонг шабадаси унинг хунук бошидаги сочларини ўйпаб учиради эди.

Тихон узоқдан девона Антоиушкага ўхшаб кўринди. Никита Артамонов бу ғалати девона тўғрисида ўйлаб, юришини тезлатди ва хотирида унинг ашуласи ҳадеб так-орланаверди:

Исо тирилди, тирилди,

Арава ғилдирагини йўқотди.

Отасининг ўлганига тўққиз йил тўлгандагина Артамоновлар черковни битқазиб, унга Илёс пайгамбар номини бердилар. Черков етти йилгача битмади, чўзилиб кетишига Алексей сабаб бўлди.

— Худо сабр қила турсин, у шошилмаса ҳам бўлади,— деб ўткир, хунук ҳазил қилар эди, черков учун белгиланган ғиштларни олдин фабриканинг учинчи корпусига, кейин касалхонага сарф қилиб қўйди.

Черковга ном бериш маросимидан кейин, оталари ва ўз болаларининг қабрлари устида бўлган дуойи фотиҳадан сўнг, Артамоновлар халқ тарқалиб кетгунча кутдилар, Уляна Баймакова оила хилхонасидаги қайин дарахтлари остида скамейкада ўтириб қолганини кўрсалар ҳам, одоб юзасидан пайқаманга олиб, аста-секин уйга қараб йўлга тушдилар. Ишчилар, хизматкорлар ҳамда танишлар ва дин аҳллари учун бериладиган тантанали зиёфат соат учга белгиланган, шунинг учун шошилишга ҳам ўрин йўқ эди.

Ҳаво булут, осмон куздагидан қовоғини соқиб, яна рутубатли шамол ҳориган отдай пишқириб, ёмғирдан дарак бериб, арча учларини силкитар эди. Сарғиш кумлоқ йўлда одамларнинг қорамтир гавдалари тебранар, фабрикага қараб ўрмаларди. Ўртада уч томонга қарагиб солинган фабриканинг уч корпуси, худди акашак бўлган қизил бармоқларга ўхшаб, ерга ёпишиб ётар эди.

Алексей қўлидаги таёғи билан имо қилиб:

— Марҳум отам бизнинг ишимизни кўрса қувонар эди!— деди.

Пётр ўйланиб туриб, укасининг сўзига қўшилгани келмай:

— Подшоҳнинг ўлдирилганини эшитса, хафа бўлар эди,— деб жавоб берди.

— Бе, у хафа бўлишни унча яхши кўрмас эди! Чунки отам подшоҳнинг ақли билан эмас, ўз ақли билан яшар эди.

Алексей шапкасини янада бостириб тўхтади-да, хотинларга қаради; унинг қадди-қомати келишган жажжигина хотини қорамтир газламадан тикилган оддий кийимда, топталган қумлоқ йўлда енгил қадам ташлаб дастрўмолчаси билан кўзойнагини артиб, Наталья билан ёнма-ён борар ва барваста Натальянинг олдида қишлоқ муаллимасига ўхшарди; Натальянинг эғнида қора шойидан тикилган, енг

ва елкаларига қора, ялтироқ маржонлар қадалган серҳашам ёзги камзил, тўқ бинафша ранг шляпа сарғиш ва қалин сочларини чиройли қилиб ўраб турарди.

— Хотининг тобора очилиб боряпти.

Пётр индамади.

— Никита бу сафар ҳам отамнинг йиллигига келмади. Биздан хафамикин?

Намгарчиликда Алексейнинг кўкраги ва оёқлари огрирди: у бир оз оқсоқланиб, ҳассасига таяниб келмоқда эди. Қабристондаги дуойи фотиҳанинг қайгули таъсирини, булутли куннинг дилгирлигини унутгиси келарди. Ҳар жиҳатдан қайсар Алексей, акасини гапиртирмоқчи бўлиб:

— Қайнананг қабр устида йиғлаш учун қолди. Ҳали ҳам унутмайди. Яхши кампир. Тихонга уни кутиб, кузатиб келгин деб тайинладим. Нафаси қисшидани шикоят қилади, юришга қийналаман, дейди кампир.

Пётр Артамонов мажбурият орқасида секингина:

— Қийин,— деб қўйди.

— Сен мудраяпсанми? Нима қийин?

Пётр арчалар билан қопланган адирларга қиё боқиб:

— Тихонни ишдан бўшатиш керак,— деб жавоб берди.

Укаси ҳайратланиб:

— Нима учун? Тихон тўғри одам, ҳар бир ишни ўрнига этказиб қилади, ялқов эмас.

— Аҳмоқ,— деб қўйди Пётр.

Хотинлар яқинлашиб келдилар. Ольга кичкина гавдасига нисбатан кучли, ёқимли товуш билан эрига:

— Наташага, ўглинг Ильяни гимназияга бериш керак десам, қўрқяпти,— деди.

Иккиқат Наталья тўқ ўрдакдай, тарвақайлаб юриб келди-да, ўзини катта тутиб, минғиллай бошлади:

— Менимча, гимназия энг зарарли мода. Мана, Елена, шундай сўзлар билан хат ёзадики, тушуниб ҳам бўлмайди.

Алексей шапкасини бошидан олиб, пешанасини ва сочи бевақт тўкилган тепакал бошининг терини артар экан:

— Ҳаммани ўқитиш керак, ҳаммани!— деди. Йилтираб турган тепакали икки чаккасидан бошланиб, уч бурчак шаклида бош чўққисига қараб кетганидан Алексейнинг юзини жуда хунук қилиб кўрсатар эди.

Наталья эрига савол назари билан қараб, баҳслашгиси келиб:

— Ўқишдан одамлар бегоналашади, деб Помялов жуда тўғри айтади,— деди.

— Тўғри,— деди Пётр.

Наталья қаноатланиб хитоб билан:

— Мана, кўрдингизми?— деганда, эри ўйчанлик билан:

— Уқитиш керак,— деб қўйди.

Уқаси билан Ольга кулиб юборди, Наталья танбеҳ бера бошлади:

— Бу нимаси ахир? Гўристондаги дуойи фотиҳадан келаётганингизни унутдингизми?

Улар Наталья билан қўлтиқлашиб, тезроқ юришди, Пётр эса қадамини секинлатиб:

— Мен оймни кутаман,— деди.

Ёқимсиз Тихон Вялов уни ранжитган эди. Пётр дуойи фотиҳадан илгари қабристондан туриб йироқдаги фабрикага қараб, мақтанмасдан, кўрган нарқаси тўғрисида ўзича хаёлан фикр юритиб:

— Ишимиз ўсиб кетди,— деган эди, шу чоқ орқа тарафдан собиқ ер қазувчининг оҳиста:

— Иш, ертўладаги пўпанакдай, ўз кучи билан ўсаверади.— деганини эшитганди.

Қоровулнинг бу руинроқ рангидан аҳмоқани Пётрнинг газабини келтирган бўлса ҳам, у ҳеч нарса демаган, ҳатто қайрилиб қарамаганди.

Туну кун иш тўғрисида ўйлаб, иш ташвишида ўзини унутиб, бир неча юз кишининг бир парча нон топиб ейишига сабаб бўлган кишига қандайдир бир аҳмоқ «иш ўз кучи билан ўсади» деб хўжайинининг онгини инкор этмоқчи бўлади. Ҳар доим бу пасткаш одам, жон тўғрисида, гуноҳ тўғрисида валдирагани валдираган.

Артамонов йўл бўйидаги кесилган қарағайнинг эски тўнкасига ўтирди ва қулогини чўзиб қўйиб, бир вақтлар Ольгага қилган шикоятини эслади:

«Жон тўғрисида ўйлашга ҳам вақт йўқ».

У галати савол эшитди:

— Жонинг сендан бошқа яшайдими?

Пётр бу сўзларда хотинлар ҳазили борлигини сезган бўлса ҳам, Ольганинг жажжи юзи жиддий кўринган, қорамтир кўзлари кўзойнак орқали ёқимли йилтираган эди.

— Тушунмадим,— деди Пётр.

— Мен эса жон тўғрисида, гўё асранди етимча ҳақида гапиргандай, одамдан ажратиб гапиришса, тушунмайман.

— Тушунмадим,— деб такрорлади Пётр ва шундан сўнг у билан гаплашиш истаги йўқолди: бу тушуниб бўл-

майдиған етти ёт бегонадан баттар хотиннинг соддалиги ҳар ҳолда унга ёқса-да, бироқ соддалиги остида яширинган айёлиги ҳадиксирашга мажбур этарди.

Тихон Вялов эса унга ҳеч қачон ёқмасди. Унинг ёноғи чиққан, доғ босиб кетган юзини, ғалати кўзини. бош суягига ёпишиб, сарғиш сочлари орасида яширинган қулоқларини, сийрак соқолини Пётр ёқтирмас, Тихоннинг оҳишта, лекин дадил юришини, бесўнақай, норғул ғавдасини кўргиси келмасди. Унинг хотиржамлиги ёқимсиз, гўё ҳасад уйғотгандай туюлар эди, ҳатто саранжом-саришталиги ҳам Пётрнинг жиғига тегарди. Тихон худди машинадай ишлар, ҳеч қачон, ҳеч ерда танбеҳга ўрин қолдирмас, бу ҳам унинг ғазабини кўзгатар эди. Афтидан, Тихон ўзини Артамоновлар ҳаётининг ғилдирағида энг зарур кегай деб хисоблар, йилдан-йилга уларнинг хўжалигига чуқурроқ ўрчашиб борарди, буни кўриш тобора ёқимсиз туюларди. Қизиги шўки, уни от ва итлар ҳам, болалар ҳам яхши кўрадилар. Занжирга боғлаб қўйилгани учун қопонгич бўлиб кетган қари бўрибосар Тулун, Тихондан бошқа ҳеч кимни яқинига йўлатмасди. Пётрнинг катта ўғли. қайсар Илья эса, ота-онасидан кўра, кўпроқ қоровулнинг сўзига кирарди.

Артамонов Вяловни кўздан йўқотмоқ учун унга черков қоровуллиги, ўрмон назоратчилиги вазибаларини таклиф этди. Тихон огир калласини чайқаб:

— Мен бу ишга ярамайман. Агар чакканга теккан бўлсам — дам ол, менга био ой жавоб бер, Никита Ильичнинг олдига бориб келай,— деди.

У худди шундай: дам ол, деди. Бу бемаъни. дағал сўз, аллақерда ботқоқлар орасида, ўрмон ичидаги қашшоқ монастырда биқиниб ётган укасини эсига солиш билан бирга Пётрда таҳликали гумонсираш тугдирди. Никитани сиртмоқдан олгач, унинг тўғрисида айтилган гапларидан бошқа. Тихон яна аллакандай уятлироқ нарсани билдиргандай, гўё яна бир янги бахтсизликни кутаётгандай, кўзлари пир-пираб гўё:

«Менга тегма. мен сенга керак бўламан» дётгандай эди.

У елкасига халтасини осиб, қўлга тасқ тутиб, монастырда уч марта бориб келган эди. Ер юзида гўё мурувват юзасидан юргандай, ҳамма ишни фақат мурувват юзасидан қилаётгандай бўлиб кўринарди.

Тихон Никитанинг олдидан қайтгач, берилган саволларга тихирлик билан, мужмал жавоб қайтарарди, бил-

ганларининг ҳаммасини гапирмаяпти, деган хаёлга борарди киши.

— Саломат. Хурматда. Саломларингиз, совғаларингиз учун миннатдорлик билдиришни буюрди.

— Нима дейди у?— деб сўради Пётр ўсмоқчилаб.

— Монах нима хам дерди.

— Ҳар ҳолда, бирор нарса дегандир,— дейди Алексей сабрсизлик билан.

— Худо тўғрисида гапиради. Об-ҳаво билан қизиқади, ёмғирлар бевақт ёғмоқда, дейди. Чивиндан шикоят қилади, у ерда чивин кўп экан. Сизларни ҳам сўради.

— Нима деб сўради?

— Ташвишланади, сизга ачинади.

— Бизга-я? Нима учун ачинади?

— Ҳамма нарса учун. Сиз югуриб-елиб яшайсиз, у эса тўхтаб қолган, безовталигингиз учун сизга ачинади-да.

— Бўлмагур гап!— деди Алексей хахолаб кулиб.

Тихоннинг кўз қорачиқлари эриб, нури сўна бошлади:

— У нимани ўйлаётганини мен билмайман, айтганини гапиряпман. Мен — соддаман.

— Тўғри, соддасан,— майна қилиб кулди Алексей.— Антон деволага ўхшайсан!

Пётр Артамоновга хушбўй, иссиқ ел урди; кун ҳам бир оз ёрониб, булутлар орасидаги тубсиз чуқурликдан, бир парча кўм-кўк осмондан кўёш мўралади. Пётр кўёшга қараши биланоқ, кўзи қамашиб, тагин ҳам чуқурроқ ўйга толди.

Отаси ўлганидан кейин Никита монастырга минг сўм пул қўйиб, то ўлгунча ҳар йил бир юз саксон сўмдан олиб туришга ака-укалари билан келишган ва уларнинг фойдасига ота меросидан воз кечган эди, бироқ бундай пайтда қаттиқ ботадиган бир нарса бор эди.

— Бу қанақа тортиқ?— деб пўнғиллади Пётр. Алексей эса суюниб:

— У пулни нима қилади? Текинхўр монахларга беради-ми? У яхши иш қилади. Бизнинг ишимиз, болаларимиз бор.

Натальянинг кўнгли юмшаб:

— Ҳар ҳолда бизнинг олдимизда айбдорлигини унутмади!— деди қаноат билан қип-қизил бетидagi бир томчи ёшни бармоғи билан артди:— Еленага сеп учун керакли пул ҳам чиқиб қолди.

Укасининг қилиғи Пётрнинг кўнглини хира қилиб қўй-

ди; Никитанинг монастирга кетиши тўғрисида шаҳарликлар бадхоҳлик билан Артамоновлар шаънига заҳарли гаплар айтишар эди.

Пётр ишнинг энг енгил қисмини эпчил укаси ўзига олганини тушунса ҳам, Алексей билан тотув яшар эди. Алексей Нижний Новгород ярмаркасига қатнар, йилда бирикки марта Москвага бориб келар, у ерда пойтахт саноатчиларининг ишлари қанчалик ривожланганлиги ҳақида ҳовликиб сўзлар эди.

— Жуда ҳам тантана билан, дворянлардай яшар эканлар.

— Хўжайин бўлиб яшаш осон,— дейди Пётр киноя билан. Аммо Алексей акасининг киноясига тушунмай, завқ билан давом этади:

— Савдогарларнинг данғиллама уйлари худди жомега ўхшайди! Болалар эса маълумотли.

Алексей хийла қартайган бўлса ҳам, унда йигитлик ғайрати жўш урар, қарчиғай кўзига ўхшаш ўткир кўзлари шодиёна йилтирар эди.

— Нега қовоғинг солиқ? Ишни ҳазил-мутойиба йўли билан бажариш керак, ишда зерикиш ярамайди,— деди акасига.

Пётр укаси отасига ўхшашлигини сезар, лекин Алексей тобора ғалати бўлиб бормоқда эди.

Алексей икки гапнинг бирида:

— Мен касал одамман,— дейишни қўймаса-да, соғлигини эҳтиёт қилмас, кўп ичиб, кечаси билан берилиб қарта ўйнар, афтидан, хотинлар билан нопок муносабатда бўлар эди. Унинг ҳаётида энг муҳим нарса нима? Афтидан, ўзи ҳам эмас, макони ҳам, Баймакованинг уйи кўпдан бери катта ремонт талаб этса-да, Алексей унга парво қилмасди. Болалари заиф туғилиб, беш ёшга етар-етмас нобуд бўларди. Фақат Ильядан уч яшар катта, ёқимсиз, қотма Мирон деган ўғли ҳаёт эди. Алексей ҳам, хотини ҳам, қаёқдаги кераксиз буюмларга ишқибоз бўлиб, ўлармонлик билан тўплардилар. Уйлари баринлар уйига хос турли-туман жиҳозлар билан лиқ тўлган, эру хотин шу буюмларни инъом қилишни севарди. Натальяга чиннилар билан безанган антиқа шкаф, қайнанасига тери қопланган катта кресло ва Карелия қайини билан бронзадан ясалган серҳашам каравот тақдим этишди; Ольга нозик қадаб, чиройли кашта тикар, эри ҳам губернага қилган сафаридан худди шундай совгалар келтирар эди.

Пётр кўп қутили, ўймакор нақшлар билан безанган каттакон столни укасидан ҳады оларкан:

— Талтайиб кетяпсан,— деди, бироқ Алексей столни кафти билан уриб:

— Қара, сайрайди-я! Бундай буюмлар энди вужудга келмаслигини Москвада тушунганлар!— деб қичқирди.

— Дворянларда кумуш кўп...— кумуш олсанг бўлмасмиди?

— Муҳлат керак, ҳаммасини ҳам оламиз! Москвада...

Алексейнинг сўзига ишонилса, Москвада жиннилар яшайди, ҳаммаси ҳам иш билан машгул бўлишдан кўра, хўжайинларча туришга тиришади, шунинг учун дворянлардан сотиб олиш мумкин бўлган жамики нарсани, мол-мулкидан тортиб, чой ичадиган чашкаларигача сотиб олишяпти.

Пётр укасиникига меҳмонга келганида ўз уйига қараганда укасиники шинамроқ эканини ҳар доим алам ва ҳасад билан сезарди: Ольганинг нимасидир унга ёққанини тушунмаганидек, бу ҳолнинг сабабини ҳам тушунолмас эди. Наталянинг ёнида Ольга оқсочлардай кўринса ҳам, бу хотин керосин лампадан аҳмоқона тареди йўқмас керосинни студентлар ўзини ўлдирган одамлар ёғидан эритиб олишига ҳам ишонмас эди. Унинг майин товушини эшитиш ёқимли, кўзлари ҳам яхши, кўзойнаги ҳам. кўзларининг меҳр билан товланишини яширмайди, лекин ишдан ва одамлардан гапирса, қандайдир узоқда тургандай, зардаси қайнаб, ёш болага ўхшаб гапирарди; бу эса Пётрни ҳайратда қолдирар ва жиғига тегарди.

— Хўш, сенингча гуноҳкорлар йўқми?— деб Пётр истеҳзо билан сўраганда, Ольга:

— Гуноҳкорлар бор-ку, лекин мен уларни айбламан.— деб жавоб қиларди.

Пётр унинг гапига ишонмасди.

Эри билан, гўё ундан каттадек, ўзини ақллироқ билиб муомала қилар эди, Алексей бундан ранжимас, хотинини «хола» деб атарди, аҳён-аҳёнда бир оз ранжиган бўлар:

— Етар, хола, зерикдим! Мен касал одамман. Пича эркалатсанг зарар қилмас,— дерди.

— Етарли эркалангансан, бўлади!

Ольга эрига шундай жилмаяр эдики, Пётр ўз хотинининг шундай жилмайишини кўргиси келарди. Наталя — намунали хотин, билармон. чеварликда тенгсиз уй бекаси, бодрингни жуда яхши тузлайди, қўзиқоринларни сиркалайди, қиёмлар, мурабболар пиширади, уйдаги хизматкор-

лар ҳам соат механизмидек тўғри ва аниқ ишлайди. Наталья эрини сокин ва етук муҳаббат билан астойдил севади. У жуда режали аёл.

— Банкдаги пулимиз қанча бўлди?— деб сўрарди бевозталаниб: — Ишончли банкми? Ҳушёр бўл, синиб қолмасин тагин!— дерди.

— Қўлига пул олганда унинг чиройли юзи жиддийлашар, малинадай қип-қизил лаблари маҳкам қисилар, кўзлари хуноклашиб, ёғ босганга ўхшарди. Қирлаб кетган олабула қоғоз пулларни санар экан, дўндиқ бармоқларини шу қадар аҳтиёт қилиб теккизар эдики, гўё бу пуллар қўлидан пашшадек учиб кетишидан қўрқаётгандай бўларди.

— Даромадни Алексей билан қандай қилиб бўлишасиз?— деб сўрарди Наталья Пётрни эркалатиб бўлгач. Сени алдаб қўймайдими? У жудаям эпчил! Эру хотин ўлгудай очкўз. Ҳар бир нарсага ёпишаверишади,— дерди.

Назариди, атрофини муттаҳамлар ўраб олгандек туюлар:

— Тихондан бошқасига ишонмайман,— дерди.

— Демак, аҳмоққа ишонар экансан-да?— дерди Пётр ҳорғинлик билан ғўлдириб.

— Аҳмоқ бўлса ҳам, инсофли.

Пётр хотини билан Нижний Новгород ярмаркасига биринчи марта борганда, бутун Россия боворининг бу қадар катталигидан ҳайратланиб:

— Кўрдинғми, қалай?— деб хотинидан сўраганда, Наталья:

— Жуда яхши. Ҳамма нарса мўл, биздагига қараганда арзон,— деди-да, нималар олиш кераклигини санай бошлади:

— Икки пуд совун, бир яшик шам, бир қоп шакар қанд ҳам...

От ўйинида ўтирганларида, артистлар ўртага чиқиши билан Наталья кўзини юмиб:

— Вой уятсизлар, вой яланғоч шармандалар! Буларни кўришим яхши бўлармикан? Боламга қандай бўларкин? Мени бу ваҳимали жойга обкирмасанг бўларди, балки ҳомилам ўгилдир!— деди.

Шундай чоқларда Пётр Артамонов, семиз ва аҳмоқ лин балигидан бўлак бирон жонивор яшамаган Ватаракша жилғасидаги кўмкўк ва қуюқ балчиққа ўхшаш диққина-фаслик бўғаётганини сезар эди.

Наталья ҳамон аввалгидай астойдил узоқ чўқинар, чўқиниб бўлиб, каравотга узала тушарди-да, лорсиллаган баданини кўз-кўз қилиб, эрини лаззатлангиришга тиришар эди. Унинг баданидан тузланган бодринг, сиркаланган қўзиқорин солинган идишлар, дудланган балиқ ва тўнғиз сонлари сақланадиган омборхонанинг ҳиди келарди. Пётр хотинининг эиёда ноз-карашмалари, эркаланишлари уни хароб қилаётганини кўпинча сезар эди.

— Ке, қўй, чарчаганман,— дерди эр. Хотини итоат билан:

— Майли, ухла бўлмаса,— дерди ва тезда уйқуга кетарди-да, қошларини ҳайратомуз кўтариб, гўё юмуқ кўз билан аллақандай нарсага, умрида ҳеч кўрмаган, жуда яхши нарсага қарагандай жилмайиб ётар эди.

Пётр кўнгли Натальяни хоҳлаганини маъюслик билан аниқ сезган соатларда, хотини биринчи ўғлини туққан куни қанчалик азоб тортганини эслашга ўзини мажбур этарди. Тўлағоқ дарди ўн тўққиз соат давом этганди, кўрқиб кетган қайнаган кўз ёшларини оқизиб, Пётрни хотини ёнига бошлаб келганда, уй ичи аллақандай тинч эди. Эшилган ўрида тўлағониб, оғриқнинг зўралигидан кўзлари бақрайиб, сочлари ҳурпайиб, терлаб, ўзгариб кетган Наталья эрини йиртқич ҳайвон сингари ўкириб қарши олган ва:

— Пётр, хайр, ўламан. Ўғил бўлади... Пётр, мени кечир...— деган эди.

Тишланавериб шишиб кетган лаблари қимирламас, сўзлари эса томоғидан эмас, шишиб ёрилай деб турган, оёқлари томон осилиб тушган қорнидан чиқаётгандай эди. Кўкариб кетган юзи ҳам шишганди; Наталья худди чарчаган итдай нафас олар, тишлайвериб дабдала қилган тилини ҳам итдай осилтириб, сочини чангаллаб юлар, нуқул ўзиникини маъқуллаб, кимнидир инонтирмоқчи, енгмоқчи бўлгандай:

— О, ўғил бола... — деб ўкирар, чинқирар эди.

Шу куни қаттиқ шамол турган, дераза орқасида шумурт дарахти чайқалиб шовиллар, дераза ойналаридан тушган соялар липиллаб ўйнарди, Пётр уларнинг сакрашини кўриб, шитирлашини эшитиб, эсини йўқотаёзган:

— Дераза пардасини тутинг, кўрмайпсизми?— деб бақирган ва хотинининг:

— И... и... у... у...— деб чинқирган овозидан капалаги учиб, қочиб кетган эди.

Бир ярим соатдан кейин азбаройи чарчагани ва хурсандлигидан тили тутилган қайнанаси Пётрни яна хотинининг тўшаги ёнига олиб келганда, Наталья жафокаш улуғ роҳибанинг ўтли назари билан нур сочиб чақнаб турган кўзларини эрига тикиб, зўрға тилини айлантириб, заиф овоз билан деганди:

— Ўғил бола. Ўғил.

Пётр энгашиб, бетини хотинининг кифтига босиб:

— Онаси, мен сенинг бу тортган азобингни го ўлгунимча унутмайман, шундай деб бил! Раҳмат сенга...— деган эди.

Пётр бу сўз билан бутун қўрқув ва севинчини ифода этиб, биринчи марта хотинини «онаси» деб атаган эди. Наталья, кўзларини юмиб, кучсизланган огир қўллари билан унинг бошини силаган эди.

Чўтир, бурни катта доя хотин, худди ўзи туққандай фахрланиб болани кўрсатди-да:

— Паҳлавон,— деди.

Лекин Пётр ўғлини кўрмади, Натальянинг мурдадай оқариб кетган юзи билан ўпирилган ўрадай қорайган кўзлари жамики нарсани тўсиб кўрсатмай қўйди. Чуқур тушиб кетган кўзлари нари кетмай:

— Улмасмикин?— деб сўради Пётр.

Чўтир доя хотин баланд товуш билан қақиллаб деди:

— Бе... э, агар бундан ўладиган бўлса, доялар ҳам бўлмас эди.

Энди паҳлавон тўққизга кирган, бўйи баланд, соғлом, пешанаси кенг, бурни пучуқ, кўзлари катта-катта, кўм-кўк, жиддий акс этиб, порлаб турар эди. Алексейнинг онасининг кўзлари ҳам, Никитанинг кўзлари ҳам худди шундай эди. Бир йилдан кейин яна Яков деган ўғил кўрдилар, лекин дўнг пешана Илья, уйда энг кўзга кўринадиган, туппа-тузук одам бўлиб қолди. Ҳамма эркалатавергандан кейин Илья ҳеч кимнинг сўзига кирмасдан ўз билгисича яшар, натижада, кўпинча ноқулай ва хавфли аҳволга тушар эди. У ҳаддан ташқари шўхлик қилар, бу эса дадасида фахрланишга ўхшаш ғалати ҳиссиёт қўзғатарди.

Бир куни Пётр омборхонада эски ёғоч жомашовга замбилгалтак ғилдирагини ўрнатмоқчи бўлиб уринаётган ўғлининг устидан чиқди.

— Бу нима бўлади?

— Параход.

— Юрмайди.

Угли, бувасидай ўжарлик билан:

— Меники юради!— деди.

Пётр бу ишдан натижа чиқмаслигини айтса ҳам, ўгли ишонмади, шунга қарамай, ишонтаришга ҳаракат қилиб:

«Бувасининг феъли бор» деб ўйлади.

Илья ўз мақсадига эришишда жуда ўжар бўлса-да, эски жомашов билан замбилгалтакнинг икки ғилдирагидан пароход ясай олмади. Шундан кейин жомашовнинг икки ёнига, кўмир билан ғилдирак суратини чизиб, сойга судраб борди-да, сувга туширди, бироқ кема балчиққа ботиб қолди. Шундай бўлса ҳам қўрқмасдан, кир чайқаетган хотинларга:

— Ҳой, хотинлар, чиқариб олинг! Бўлмаса чўкиб кетаман...— деб бақирди.

Онаси жомашовни ёриб ташлашга буюрди, Ильяни тутиб олиб, урди. Шу кундан бошлаб Илья онасига, икки яшар синглиси Таняга қарагандай, ўқрайиб қарайдиган бўлди. Илья умуман серҳаракат эди: ҳар доим нимадир йўниш, чопиш, синдириш, тузатиш билан машғул эди.

Отаси углининг ишларига қараб туюб:

«Одам бўлади. Қурувчи бўлади», деб ўйлар эди.

Илья баъзан кун бўйи отасига парво қилмай юраверар, кейин бирданига кнторага кириб, унинг тиззасига чиқиб оларди-да:

— Бирон нарса сўзлаб бер.— деб буюрарди.

— Менинг вақтим йўқ.

— Менинг ҳам вақтим йўқ.

Отаси жилмайиб, қоғозларни бир томонга суриб қўйиб, ҳикоя бошлар эди:

— Мана бўлмасам: бор экан, йўқ экан, бир мужик бор экан...

— Мужиклар тўғрисида ҳаммасини биламан. Менга қизиқроқ нарса айтиб бер.

Отаси қизиқроғини билмасди.

— Сен бувинг олдига бор.

— Бувим бугун акса уряпти.

— Бўлмаса, онанг ёнига бор.

— Борсам, мени чўмилтиради.

Артамонов кулар эди, енгил ва яхши кулги келтирадиган кимса — ёлғиз шу ўғли эди.

Илья отасининг тиззасидан сакраб тушмоқчи бўлиб:

— Бўлмаса мен Тихоннинг олдига бораман,— дерди.

Отаси уни тутиб олиб:

— Хўш, Тихон нима дейди?
— Ҳар нима.
— Ҳар ҳолда нима?
— У ҳамма нарсани билади. Балахнада турган. У ерда баржалар, қайиқлар ясашар экан...

Илья, қаердандир йиқилиб тушиб, афт-башарасини қора қонга булгаб келганда, онаси тутиб олиб уриб:

— Томга чиқма, майиб бўласан, букур бўласан!— деб вағирлади.

Аламзада бўлган ўғли йиғламади ҳам, қизариб-бўза-риб:

— Ура берсанг, ўлиб қоламан,— деб қўрқитди она-сини.

Ўғлининг бу дўқини Наталья эрига айтганда, у кулиб:

— Сен урма, менинг олдимга юбор,— деди.

Ўғли келди, қўлларини орқасига қовуштириб, эшик кесақисининг ёнида турди: Пётр ўғлига нисбатан қизиқиш ва ҳаяжонлантирувчи меҳрибонликдан бошқа ҳеч нарса сезмай:

— Нега сен онангга қўполлик қиласан?— деб сўради.

— Мен аҳмоқ эмасман,— деб жавоб берди Илья жаҳл билан.

— Қўполлик қиласану, нега аҳмоқ бўлмас экансан?

— У уради. Тихон: аҳмоқларнигина урадилар дейди.

— Тихон? Тихоннинг ўзи...

Лекин Пётр қоровулни негадир аҳмоқ дейишдан тилини тийди, эшик олдида турган болага қараб, нима дейишини билмай, уйда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Ўзинг ҳам Яков укангни урасан-ку!

— У аҳмоқ. Унга таёқ ўтмайди, у семиз.

— Семиз бўлса уриш керакми?

— У қизғанчиқ.

Пётр ўғлига таълим беришни билмаганини, буни бола-сининг ўзи ҳам фаҳмлаганини сезарди. Балки унинг қулоқ-ларини чўзиб қўя қолса фойдалироқ бўлар деб ўйласа ҳам, лекин бу жингалак соч, ёқимли, серташвиш болага қўл кўтаролмас эди. Бу тикилиб турган кўм-кўк кўзлар олдида жазо тўғрисида ўйлаш ҳам ноқулай эди. Қуёш ҳам хала-қит берарди, негадир Илья ҳаво очиқ кунларда ҳаддан ташқари шўхлик қиларди. Ўғлига одатдаги танбеҳ ва на-сиҳат сўзларини айтаркан, Пётр ҳам ёшлиғида айнан шун-дай сўзларни эшитганини, бу сўзлар заррача таъсир этмай, хотирида қолмаганини, фақат зериктиргани ва бирпасгина

қўрқитганини эслар эди. Еган таёқлари-чи, ҳатто қилмишига яраша еган таёқларини ҳам эсдан чиқариши қийин, буни ҳам Пётр Артамонов яхши билади.

Юзи қип-қизил иккинчи ўгли дўндиққина Яков она-сига ўхшар эди. Кўп йиғлар ва гўё йиғлашга ишқибоз эди, кўз ёшларини тўкишдан олдин ҳиқиллар, бетларини шишириб, муштлари билан кўзини ишқалайверарди. У қўрқоқ эди, очкўзлик билан жуда кўп овқат ер, кейин оғирлашиб ётиб ухлар, ёки:

— Ойи, мен зерикяпман!— деб шикоят қилар эди.

Қизи Елена фақат ёз кезларидагина уйга келар, у оилада аллақандай бегона ойимқиз эди.

Илья етти ёшга етганда поп Глебда ўқий бошлади, лекин конторачи Никоновнинг ўгли псалтирдан эмас, суратли «Она тили» деган китобдан ўқиётганини билиб, отасига:

— Мен ўқимайман, тилим оғрияпти,— деди.

Бола сабабини айтгунча, анчагача ундан кўп нарсаларни мулозимлик билан сураш келиб бўлди. Чиндан Илья:

— Паша Никонов ўз тилимизда, мен эса ёт тилда ўқийман,— деб тушунтирди.

Баъзан у жуда тетик бўлар, негадир мунғайиб, дўнгдаги қарағай дарахти тагида соатларча ёлғиз ўзи дарёга тикилиб, Ватарақшанинг кўкитир, лойқа сувига қуриган қарағай бужурларини ташлаб ўтирар эди.

— Зерикади,— ўзича ўйларди дадаси.

Пётрнинг ўзи ҳам иш жараёнида шовқин-сурондан гаранг бўлиб, ҳафталаб ва ойлаб гир-гир айланиб юрарди, юрарди-да, бирдан ноаниқ ўйларга чулғаниб, зериккишдан гангиб, уни нима зериктирганини: иш ташвишларими ёки аслида бир-бирига ўхшаган ташвишларми?— тушуна олмасди. Шундай кунларда кўпинча бирон кишига дуч келиб, унинг эгри қараши, ўринсиз сўзи учун жон-жаҳди билан уни ёмон кўриб қоларди; Мана, бугун ҳам, шу булутли кунда Тихон Вяловни ёмон кўриб қолди.

Вялов Пётрнинг қайнарасини қўлтиқлаб:

— Биз, Вяловлар каттакон бир оиламиз,— деб унга яқинлашмоқда эди.

Пётр Баймакованинг олдига келиб, уни тирсагидан ушлади-да:

— Нега сен ўз уруғларинг билан яшамайсан?— деб сўради. Тихон жим бўлиб, бир қадам ташлаб, ўзини четга олди. Артамонов саволини жиддий ва қатъий равишда

такрорларди. Қоровул нурсиз кўзларини қисиб, бепарвогина жавоб берди:

— Бизнинг уруғдан ҳеч ким қолмади, ҳаммасини жўнатишди.

— Жўнатишди деганинг нимаси? Ким жўнатди?

— Икки акамни Севастополга ҳайдашди, иккови ҳам ўша ерда ҳалок бўлди. Мужиклар озодликка қарши исён кўтарганда катта акам ҳам аралашган эди, отам ҳам тўполонга қатнашган: зўрлик билан картошка едирмоқчи бўлишганда, отам рози бўлмаган, саваламоқчи бўлишганда қочиб, муз остига йиқилиб, чўкиб ўлган. Онамнинг кейинги эри — балиқчи Вяловдан яна иккита бола: мен билан укам Сергей туғилган...

Ульяна йиғидан шишган кўзларини очиб-юмиб:

— Уканг қаерда?— деб сўради.

— Уни ўлдиришди.

— Худди ўликка атаб тиловат қилаётгандай гапирсан-а,— деди Артамонов жаҳл билан.

— Ульяна Ивановна бунга қизиқади... У бир оз маънос, шунинг учун мен...

Тихон сўзини тугатмай энгашди-да, йўлда ётган қуруқ шохчани олиб, четга ташлади. Икки минутча сўзсиз бордилар...

— Укангни ким ўлдирган?— деб сўради Артамонов тўсатдан.

— Ким ўлдирадди? Одам ўлдиради,— деди Тихон хотиржамгина, Баймакова эса уҳ тортиб, қўшиб қўйди:

— Яшин ҳам...

...Ёз ўртасида оғир кунлар босланди. Ер юзини, сарғиш тутун босган осмонни юракни эзувчи, шафқатсиз сукунат чулғаб олди. Ҳар тарафда торф майдонлари, ўрмонлар ёнарди. Тўсатдан гармсел туриб, ғазаб билан шовиллаб, ҳуштак отди, дарахтларнинг қуриган япроқларини, қарағайларнинг бултурги сарғиш игна баргларини тўкиб ташлади, қумни булутдай тўзитиб, зиғирпояларни, қириндиларни, товуқ патларини қумга қўшиб, у ёқдан-бу ёққа ҳайдай бошлади; жазирама шамол одамларни итариб. устларидан кийимларини юлқиб ташламоқчи бўлар, сўнгра ўрмонга кириб, ёнғинни янада аланга олдирадди.

Фабрикада касаллар кўп эди, Артамонов уриқларнинг визиллаши, мокиларнинг шириллаши орқасида қуруқ, калта-калта йўталишларни эшитар, станоклар ёнида қовоғи солиқ, ғамгин башараларни кўрар, суст ҳаракатларни

қузатар эди. Ишлаб чиқариш нормаси пастга тушиб кетган, молнинг сифати сезиларли даражада ёмонлашган эди. Прогул жуда ҳам кўпайди, эркаклар кўпроқ ичадиган бўлди, эмизукли болалар орасида касаллик кўпайди. Юзи ёш боланинг юзидай қип-қизил, ҳушчақчақ, кекса дурадгор Серафим ҳадеб кичкина-кичкина тобутчалар исар, ёшини яшаб, ошини ошаган катта кишилар учун ҳам бўё арча тахталаридан тез-тез тобут ясаб турарди.

— Сайил қилиб бергин,— деб талаб этди Алексей.— халқнинг руҳини кўтариш, вақтини чоғ қилиш лозим!

Хотини билан ярмаркага кетаётиб, яна бир марта маслаҳат берди:

— Сайил қил — одамлар тетиклашадн. Шуни билгинки, шодлик ҳар қандай бало-қазодан қутқазади!

Пётр хотинига:

— Бу ишга ўзинг киришасан. Яхшироқ ташкил қил, ҳамма нарса мўл бўлсин,— деб буюрди.

Наталья норози бўлиб, вайсай бошлади.

— Хўш!— деб сўради Пётр жаҳл билан. Бурнини бағротуғининг четига қаттиқ қоқли-да:

— Эшитдим,— део жавоо берди.

Сайилни ибодат билан бошладилар. Поп Глеб ўз ишини зўр ихлос билан адо этди; у янада ориқлаб, қотиб кетганди, дўриллаган овози галати сўзларни баён этаркан, гўё мажоли қуриб ёлворгандай эшитилар, одамнинг раҳмини келтирар эди. Сил касалига мубтало бўлган тўқувчиларнинг заҳил юзлари хўмрайиб, ихлосмандлик таъспридан кесакдай қотиб қолган эди; кўпчилик, қовоқлари художўйлик билан қаттиқ осилган аёллар ҳўнграб йиғлашарди. Поп тутун босган осмонга ғамгин кўзларини тикиб қараганда, одамлар ҳам унга қўшилиб кўкдаги тутунга, хира қуёшга ёлвориб қарардилар. Афтидан, одамлар, бу беозор поп осмонда уни биладиган ва сўзига кирадиган кимсани кўряпти, деб ўйласалар керак.

Ибодатдан кейин хотинлар посёлка кўчасига столларини олиб чиқдилар; қўй гўшти солиб пиширилган ёғли угра ёғоч тоғораларга лиммо-лим тўлдириб қўйилган... Ҳамма ишчилар столлар ёнига савлат билан ўтиришди. Ҳар тоғора атрофида ўн киши, ҳар бир столга хонаки ўткир пиводан бир челақ, бир четверт ароқ қўйилди; бу эса руҳи тушган, чарчаган кишиларнинг руҳини кўтариб, бирпасда вақтини чоғ қилди. Ерни қолаб ётган жимжитлик бирдан тебраниб, ботқоқликка, ўрмондаги ёнгинлар томон сурилди.

Посёлка ёғоч қошиқларнинг шақир-шуқури, болалар кулгиси, хотинларнинг қий-чуви, ёшларнинг вағир-вуғуридан гувиллай бошлади.

Мўл ва ёғли овқат устида уч соатча ўтиришди, мастларни уй-уйларига кузатиб қўйгандан сўнг, ёшлар, озода, саранжом дурадгор Серафим атрофига йигилишди. Унинг бачкана кўк читдан тикилган кўйлақ-лозими ювилавериб ҳаво ранг бўлиб кетган эди, кайфи ошиб қолганлигидан қирра бурунли қирмизи юзи шодиёна нур сочар, ҳали ҳам ўткир, навқирон кўзлари кулиб, қисилиб йилтирар эди. Бу хушчақчақ тобутсозда исмига муносиб қандайдир самовий шодлик, қандайдир енгил ҳаяжон бор эди. Скамейкада ўтириб, озғин тиззасига гусли қўйиб, худди хрен илди-зидай эгри-бугри қорамтир бармоқлари билан чолғу торларини чертаркан, сўқир гадойлар сингари чўзиб жўрттага нола қилиб, товушини бурнидан чиқариб пинғиллаб ашула айта бошлади:

Вақтингизни чоғ қилмоқ-чун
Сизга айтай мен дoston,
Токи ақлингиз унинг мазмунин чақсин!

Унинг кўкракдор, кўзлари беҳаё, соҳибжамол қизи — ип йигирувчи Зинаида қизлар орасида гердайиб турар эди: Серафим шу қизлар томон кўз қисиб қўйиб, тагин ҳам баландроқ, мунгли овозда давом этди:

Хушбуй осмон салқинида,
Зарҳал баланд аргувон остида.
Пўстлоқ тахт устида талтайиб
Ўлтиради Исо нури бeҳишда.
У, олтину кумушларни,
Қимматбаҳо гавҳарларни
Фақирларга шафқат этган,
Етимларга раҳм қилган
Фақирларни яқин тутган,
Гадоларни тўйиқ тутган —
Боёнларга нийом этар.

Қизларга яна бир қайта кўз қисиб, товушини ўйин оҳангига буриб юборди, қизи эса қўлларини гарданига қўйиб, лўлилар сингари кўксини силкитиб қийқириб юборди-да, отасининг жаранглаган қўшиги ва торларининг сайроқи оҳанги остида ўйнаб кетди.

Кимки қумуш олса агар
Оёгини чўлоқ қилар,
Кимки агар олтин олар,
Уни оловда ёндираар,
Олсанг ёқут, марваридлар
Кўзгинангга оқ туширар!..

Жаранглаган гусли садосини ҳамда Серафимнинг ўй-
ноқи ашуласини йигитларнинг ҳуштаги босиб кетди: кейин
хотин-қизлар рақс куйини бошладилар:

Денгиз узра сузар тезюрар кемалар,
Хушбўй қизларга совға-салом келтирар.

Зинаида эса ер тепиниб, уларга жўр бўлиб чинқи-
рарди:

Пашкадан — Палашкага
Чипта кўйлак бичилди,
Терошкadan — Матрошкага
Қўйини... бермади

Илья Артамонов тахлаб қўйилган тахталар устида ўти-
рар эди. Бу озгин бола узун бўйнида ликиллаб турган ал-
лақандай галати, тепакал бошини безовталаниб ҳадеб у ён-
бу ёнга бураверар, пурсиз, заҳил юзида кўкиш кўзлари
чўчигансимон аланглар эди. Ильяга Серафим жуда ёқар-
ди, гусли садосини, ҳаво ранг кўйлакли чолнинг ўткир ва
қизил кофтали хотин ўтдай ловиллаб, гир-гир айланиб
ўйинга туша кетди ва қизгин ҳуштаклар чалинишига, қий-
қириқ аралаш носоз ашула янграшига сабаб бўлди, ҳамма
ёқни алгоқ-далгоқ қилиб юборди. Никонов паст товуш
билан:

— Зинаидка — бузуқ, у ҳамма билан ўйнайди. Сенинг
отанг билан ҳам ўйнайди. Отанг уни деворга қисиб турга-
нини ўзим кўрдим,— дегандан кейин, бу қизни Илья бу-
тунлай ёмон кўриб қолди.

Илья ўртоғининг сўзлари мазмунига тушунмасдан:

— Нега қисади?— деб сўради.

— Ана холос!— деб юборди Павел.

Илья ерга қараб қолди. Йигитлар қизларни нима учун
қисишини билар эди. Ўртогидан буни сўрагани учун
ўкинди.

Никоновнинг шивирлашига қулоқ солмасдан, жирканиш билан:

— Ёлғон айтасан,— деди. Бу кўнгли синиқ, қўрқоқ бола ўзининг бўшанглиги, фабрика қизлари ҳақида бири-бирига ўхшаган мароқсиз ҳикоялари билан Ильяга ёқмаса ҳам, чинни каптарларни яхши билар эди, Илья эса каптарларни яхши кўрар, ҳамда бу заиф болани фабрика болаларидан ҳимоя қилиб юрар эди. Бундан ташқари, Павел Никонов кўрган-билганларини сўзлаб беришга жуда уста эди, бироқ у фақат ёқимсиз нарсаларни кўрар ва Ильянинг укаси Яковга ўхшаб, жамики нарса тўғрисида, гўё ҳамма одамдан шикоят қилаётгандай нолиб гапирар эди.

Илья бирмунча вақт жим ўтирди-да, сўнг уйга қараб жўнади. Уйдагилар боғда, чангдан бўзарган дарахтларнинг дим соясида чой ичишарди. Катта стол атрофида меҳмонлар: ювош поп Глеб, лўлидек қоп-қора, жингалак сочли механик Еоптев, тоза ювинган конторачи Никоновлар ўтиришарди. Никонов бетини шу қадар ишқалаб ювгандики, туси қандайлигини ажратиб бўлмасди; кичкина бурни остида шопдай мўйлов, пешанасида — ғурра, бурни билан ғурраси ўртасида табассум ёйилиб, терисидаги қалтироқ ажинлар кўзларининг тор тешигини тўсиб қўйган эди.

Илья бу қовоғи солиқ одамнинг ип йигирувчи қиз уятсиз Зинаида билан ўйнашганига ишонмай, отасининг ёнига келиб ўтирди. Отаси индамасдан, оғир кўллари билан унинг елкасини силади. Ҳаммалари ҳам иссиқдан бўшашган, терга ботиб, истар-истамас сўзлар, ёлғиз Коптевнинг кўнгироқдай товушигина ғуборсиз қишки тунда, тарақлаган совуқда эшитилгандай эди.

— Посёлкага борамизми?— деб сўради онаси.

— Ҳа, мен кийиниб чиқай,— деб отаси ўрnidан турди-да, уйга қараб кетди; бирпасдан кейин Илья отасининг орқасидан югуриб, эшик олдида қувиб етди.

— Хўш, нима гап?— деб сўради отаси меҳрибонлик билан, ўғли ҳам отасининг кўзига тикилиб сўради:

— Сен Зинаидани қисдингми, қисмадингми?

Ильянинг назарида отаси қўрққандай кўринди, лекин бу ҳолдан ҳайрон бўлмади, чунки у отасини, ҳаммадан кўрқадиган, шунинг учун ҳам индамас, журъатсиз бир киши, деб биларди. Отасининг кўпинча ундан ҳам кўрққанини сезарди, мана у ҳозир ҳам кўрқиб турарди. Қўрққан кишига далла бериш ниятида Илья:

— Мен ишонмайман, шунчаки сўрадим-да,— деди.

Отаси уни итариб даҳлиэга киргаэди, йўлак бўйлаб итара-итара ўз хонасига олиб кирди ва эшикни зич ёпди-да, пишқириб, уй ичида бурчакдан бурчакка юра бошлади; ҳар қачон жаҳли чиқса, шундай қиладиган одати бор эди.

Пётр Артамонов стол олдида тўхтаб:

— Бери кел!— деди.

Илья Артамонов унинг олдида борди.

— Сен нима дединг?

— Павлушка шундай дейди, мен ишонмайман.

— Ишонмайсанми? Хўп.

Пётр ўглининг дўнг пешанали бошига, жиддий меҳрсиз юзига қараб туриб, юрагидаги бутун газабини пишқириб бўшатди. Қулоғини чўзиб, ўгли ўзига ўхшаган боланинг аҳмоқона валдирашига ишонмагани, шу ишонмаслиги билан отасини юпатмоқчи бўлгани яхшими ёки ёмонми, деб ўйларди. У ўғлига нима дейишини, қандай гапиришини билмас, Ильяни уришни қатъиян истамасди. Лекин қандайдир бир иш қилиш лозим эди; шунинг учун энг оддий ва тушунарли усул — қолган қолган қабарга келди-да, унчалик бўйсунмайдиган қўлини аранг кўтариб, бармоқларини ўглининг қаттиқ сочлари орасига юбориб, сочидан торта бошлади:

— Аҳмоқларнинг сўзига қулоқ солма, қулоқ солма!—

Сўнгра у итариб юборди-да:— Бор. Ўз хонангда ўтир. Қимирламай ўтир,— деб буюрди.

Ўгли бошини ёнга ослатириб, гўё ўз боши эмасдай, эшик томон юрди, отаси унга қараб, ўзига тасалли бера бошлади:

«Йиғламаяпти. Мен уни секпи урдим».

Пётр аччиғланмоқчи бўлиб:

— Сени қара-ю! Ишонмайман эмнш. Мана сенинг жаззанг,— деб қўйди.

Лекин бу ўғлига бўлган ачиниш, унинг учун чеккан алам, ўзидан норозилик ҳисларини босмади.

Қип-қизил, сержун қўлларига ётсираш назари билан қарар экан:

«Биринчи марта урдим. Мени эса, ўн ёшга киргунимча юз марта урган бўлсалар керак», деб ўйлади.

Лекин бу ҳам юпатмади. Деразадан лойқа сувдаги ёғ томчисидай кўринган қуёшга қаради, посёлканинг шовқинига қулоқ солиб турди-да, истар-истамас посёлкага, сайилни кўришга жўнади. Йўлда борар экан, Никоновга астагина;

— Ўғай ўглинг менинг Ильямга бўлмагур гапларни уқдирибди,— деди. Конторачи рози, ҳаттоки мамнун бўлгандай кўриниб:

— Мен уни савалайман,— деди.

— Сен унинг тилини тийиб қўй,— деди Пётр, конторачининг ифодасиз башарасига қиё боқиб, анча енгил тортиб:

«Мана, бу нақадар осон» деб ўйлади.

Посёлка аҳли хўжайинни хайрихоҳлик билан чуғурлашиб кутиб олди, ширакайфлик билан жилмайишиб, қичқириб хушомадгўйлик қилардилар. Янги чипта чориқ кийган, оқ пайтаваси устидан мордвинчасига қизил тасма билан ўраб олган Серафим ер тепиниб, Артамонов олдида гир айланиб, улуғлаш ашуласини айтар эди:

— Келаётган ким экан?

Хўжайин ўзи экан!

Етаклагани ким экан?

Ўз оймчаси экан!

Соқоли оқ, сочи узун, попга ўхшаган Иван Морозов йўгон товуш билан:

— Биз сендан розимиз. Биз розимиз,— деди.

Яна бир қария, Мамаев, ниҳоятда хурсанд бўлиб, ҳаяжонланиб қичқирди:

— Артамоновлар аёл хўжайинлар сингари одамларга гамхўрлик қиладилар!

Никонов эса, ҳаммага эшитиларли қилиб, Коптевга:

— Миннатдор халқ, валинеъмат хўжайинларнинг қадрига етади! — деди.

Қизил шойи кўйлак кийган дум-думалоқ Яков:

— Ойи, мени туртишяпти!— деб шикоят қиларди: онаси уни қўлидан ушлаб, хотинларга улуғвор табассум билан боқиб:

— Анов чолнинг ўйинига қара...— деб боласини овутмоқчи бўларди.

Ҳаво ранг кўйлакли чол чарчамай айланар, сакраб-сакраб, ҳазил-мутоиба сўзларни сочиб қўшиқ айтарди:

Оёғим тепин, тепин!

Чаққонроқ иргиб тепин!

Чориқ этикдан енгил!

Хотинлар қиздан ширин!

Артамонов бундай мақтовларни биринчи марта эши-таётгани йўқ, бу мақтовлар чин кўнгилдан айтилганига ишонмаслик учун етарли асослар бор эди. Шундай бўлса ҳам, мақтовлар унинг кўнглини юмшатиб юборди:

— Хайр, раҳмат! Чакки эмас, тотувликда яшаймиз,— деди жилмайиб.

«Афсуски, отасини қандай мақташганини Илья кўрмайди», деб ўйларди.

Унда қандайдир яхшилиқ қилиш эҳтиёжи тугилиб, одамларни нима биландир овутгиси келди; бир оз ўйлангач, ўз қулоғини чўзиб қўйиб:

— Болалар касалхонасини икки баравар кенгайтириш лозим,— дейиши биланоқ, Серафим қулочини кенг очиб бир сакраб Артамонов ёнидан четга ўтди-да:

— Эшитдингизми? Хўжайинга ура!— деб бақирди.

Ҳамма бирдан бўлмаса ҳам, пойма-пой овоз билан ура деб бўғирди. Хотинлар ўраб олган Наталья азбаройи таъсирланганидан димоғи билан оқиниб қўйиб:

— Хотинлар, яна бориб, уч бочкада пиво келтиринглар, Тихонга айтсангиз беради. боринг!— деди.

Бу ҳол хотинларнинг шодлигини тагин ҳам ортдириб юборди. Никонов эса, бошини чайқаб, ийиб кетиб:

— Архиерейни ҳам бунақа кутиб олинмайди,— деди.

— Ой-йи, исиб кетяпман,— деди Яков.

Соқоли қоп-қора, кўзлари олхўридай катта-катта ўт ёқувчи Волков бу шодликларни бир оз бузди.

Озиб кетган, иссиқдан заифланган, кўкнмтир баданини жароҳат босган болани чап қўлида бесўнақай осилтириб, Натальянинг олдига югуриб келди-да, жазаваси тутгандай чинқира бошлади.

— Қандай қиламан? Хотиним ўлди. Иссиқдан ўлди, вой, мана гўдаги қолди, нима қилай?

Унинг телба кўзидан қандайдир сарғиш ёшлар оқмоқда эди. Хотинлар уни Натальянинг олдидан итариб ташладилар ва узр сурагандай:

— Сен унинг сўзига қулоқ солма, у эсини йўқотган! Хотини бузуқ эди. Сил эди. Ўзи ҳам соғ эмас,— дедилар.

Артамонов жаҳл билан:

— Қўлидан боласини олсанглар-чи,— дейиши биланоқ боланинг нимжон гавдасига бир неча хотин қўл чўзди, лекин Волков қаттиқ сўкиниб, қочиб кетди.

Умуман ҳамма нарса яхши, байрам туси олган, хурсандчилик эди; Артамонов янги келган ишчиларни кўриб, фахрланарди:

«Одамларнинг сони ортмоқда. Отам кўрсайди...» деб ўйлар эди.

Хотини тўсатдан ачиниб:

— Ильяни бевақт урдинг, халқнинг сенга бўлган муҳаббатини бола бечора кўрмади,— деди.

Артамонов индамади, ер тагидан Зинаидага қараб қўйди: у ўн чоғли қизлар олдида ёқимсиз, йўғон товуш билан ашула айтиб борарди:

Яқин юради,
Ширин боқади.
Балки севгига
Кўнгли оқади!

«Уятсизнинг ашуласи ҳам ёмон» деб ўйлади Артамонов.

Енидан соатини олиб қаради ва негадир ёлғондан:

— Мен уйга бориб келай, Алексейдан телеграмма келиши керак эди,— деди.

У тез юриб, ўғлига айтиши лозим бўлган сўзларни йўл-йўлакай ўйлаб борар эди.

Қандайдир жиддий, айни замонда етарлик даражада мулойим сўз ўйлаб топган эди, лекин Илья ўтирган хонанинг эшигини очаётиб ҳаммасини эсдан чиқариб қўйди. Ўғли курсида тиз чўкиб, тирсакларини дераза тоқчасига тираб, тугун босган қип-қизил осмонга тикилар эди, ғирашира қоронғилик кичкина хонани қорамтир чанг билан тўлдирган; девордаги катта қафасда майна питирлар: ухлашга ҳозирланиб, сариқ тумшуғини тозалар эди.

— Қалай, ўтирибсанми?

Илья сесканиб, бурилиб қаради-да, шошмасдан курсидан тушди.

— Мана, кўрдингми? Ҳар хил бўлмағур гапларга қулоқ солиб юрасан.

Ўғил бошини солинтириб турар эди.

Отаси урганини эсига солиш учун жўрттага шу хилда турганини Пётр сезди.

— Нега бошингни солинтирасан? Тўғри тут бошингни!

Илья қошларини кўтарган бўлса ҳам, отасига қарамади. Майна қафас ичида чўпдан-чўпга сакраб, секингина сайрай бошлади.

Артамонов Ильянинг қаравотига ўтираркан:

«Хафа бўлибди» деб ўйлади ва бармоғини ёстиққа ботириб:

— Беҳуда гапларни эшитиш ярамайди,— деди.

— Одамлар гапирса-чи?— деб сўради Илья.

Унинг жиддий, тиниқ товуши отасини суюнтирди. У тагин ҳам мулойимроқ, дадироқ гапира бошлади:

— Гапираверсин — сен эшитма! Сен эсдан чиқар. Сенинг олдингда ифлос гапларни сўзласалар, сен унут.

— Сен унутасанми?

— Бўлмаса-чи! Агар мен эшитганларимнинг ҳаммасини ҳам хотиримда тутсам, бу вақтгача нима бўлар эдим?

Пётр шошмасдан, жонкуярлик билан оддийроқ сўзларни танлаб гапирарди, бироқ бу сўзларнинг кераксизлигини аниқ тушуниб, оддий сўзларнинг қоронғи чангалзоида тезда адалиди ва чуқур нафас олиб:

— Бери кел,— деди.

Илья эҳтиёткорлик билан отаси олдига борди. Пётр ўғлини икки биқинидан қисиб, тиззалари орасига олиб, кенг пешанасини кафти билан астагина босаркан, ўгли бошини кўтаргуси келмаганини сезиб, раижиди.

— Нега тихирлик қиласан? Менга қара!

Илья отасининг кўзларига тик қаради. Бу Пётр учун тагинда ёмонроқ бўлди, чунки ўгли:

— Нима учун мени урдинг? Павлушканинг сўзига ишонмайман деб айтган эдим-ку!— деди.

Пётр Артамонов бирданига жавоб бермади. Ўгли аллақандай мўъжиза орқасида ўзи билан тенглашиб қолганини ҳайрат билан сизди. Гўё ўгли катталар даражасига кўтарилган ёки каттани ўз даражасига туширган эди.

«Гап кўтара олмаслиги ёшига ярашмайди» деган фикр-ни хаёлидан ўтказар экан, ўрнидан туриб ўгли билан ярашиш учун шошилиб гапира бошлади:

— Мен сени секин урдим. Таълим бериш керак. Отам мени қандай урганини кўрсанг эди, вой-вой! Онам ҳам. Отбоқар, гумашта, немис малай — ҳаммаси урган. Яқин кишинг урса қаттиқ ботмайди. Ётлар урганда жудаям алам қилади. Яқин кишининг қўли енгил!

Пётр дераза билан эшик орасида, олти қадам жойда нари бориб, бери келар экан, бу суҳбатни тезроқ тугатишга

шошилар, ўглининг яна бирон гап сўраб қолишидан чўчир эди.

Каравотга суяниб турган ўглига қарамасдан гўлдирай бошлади:

— Сен бу ерда бўлмағур нарсаларни кўрасан, ярамас гапларни эшитасан. Сени ўқитиш керак. Губерна шахрига юбориш керак. Ўқишни истайсанми?

— Истайман,— деди Илья.

— Бу гапинг маъқул...

Ўглини эркататгуси келса ҳам нимадир бунга халақит берарди. Ешлигида ота-онаси уни ранжитгандан кейин эркататишармиди ё йўқми? Пётр шунча ўйласа ҳам эслай олмади.

— Хайр, бор, ўйна! Пашка билан дўстлашмаганинг маъқул.

— Уни ҳеч ким яхши кўрмайди.

— Бунақа чирик болани ким ҳам яхши кўрарди.

Артамонов пастдаги ўз хонасига тушиб, дераза олдида турар экан, ўгли билан орасида яхши иш бўлмаганини ўйлади.

«Жуда ҳам эркататиб юбордим. У мендан кўрқмайди».

Посёлка тарафидан олаговур товушлар, қизларнинг қийқириғи ва ашулалари, ноаниқ садолар, гармон наволари оқиб келмоқда эди. Дарвоза олдида Тихоннинг сўзлари аниқ янгради:

— Нима учун уйда ўтирибсан, болакай? Сайилга бормай нега уйда ўтирибсан? Ўқишга борасанми? Бу яхши. «Ўқимаган одам — дунёга келмагандай» деган гап бор. Сен кетсанг, мен зерикиб қоламан, болакай.

Артамоновнинг қичқиргиси келиб:

«Елгон, сен эмас — мен зернкаман! Вой, палид-ей... Хўжайиннинг боласига думини ликиллатишини қара» деб ғазаб билан ўйлади.

Ўглини шаҳарга, гимназияга тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олган поп Глебнинг муаллим укаси олдида юборгандан кейин, Пётр ҳақиқатан кўнгли хижил бўлиб, уйда зерика бошлади, гўё ётоқхонадаги шамчироқ ўчгандай, ўнғайсизлик сизди; Бу шамчироқнинг кўкимтир шуъласига Пётр шу қадар ўрганган эдики, бирон сабаб билан кечалари ўчиб қолса, ўйғониб кетарди.

Кетар олдида Илья шу қадар шўхлик қилдики, гўё жўрттага ўзидан кейин ёмон хотира қолдирмоқчи бўларди. Онасига шу даражада қўполлик қилардики, у йиглаб юбо-

рарди. Яковнинг ҳамма қушларини қафасдан чиқариб учириб юборди, укасига ваъда қилган майнани Никоновга ҳадя этди.

— Сенга нима бўлди? Нега шу қадар шўхлик қиласан?— деб сўради отаси. Илья жавоб бермай, бошини бир ёққа қийшайтириб тураверди. Артамоновнинг назарида ўғли, унинг жигига тегиб, унутмоқчи бўлган воқеани яна бир марта эслатмоқчи бўлгандай туюлди. Бу кичкина одамнинг кўнглида шунча нарса борлигини сезиш ажаб эди.

«Отам ҳам менинг тўғримда шу қадар кўп ташвишланганмикин?» деб ўйлади Пётр.

Бу саволга хотираси дадил жавоб бериб, отаси ҳеч вақт унга яқин, севимли киши бўлмаганини, Пётрга фақат қаттиқ қўл хўжайиндай, Алексейга эса алоҳида эътибор билан яхши муомала қилганини эсига солди.

«Бу нима: отамдан кўра мен яхшироқманми?» деб ўзига савол берарди Артамонов ва ўзи яхшими ёки ёмонми?— шунини билолмай ажабланар эди.

Касаллик ва оқимай соғатларда пайдо бўлиб, иш вақтларида ҳужум этиб, унга халақит берарди. Иш туркириб ўсар, хўжайинга юзлаб кўз билан тикилар, доим зўр диққат талаб этарди, лекин шу онларда бирон нарса Ильяни хотирлатса, иш тўғрисидаги ўйлари чириган танда иплардай узилар, уларни яна қайтадан яхшилаб боғлаш учун жуда кўп куч керак бўлар эди.

Илья кетгандан бери ҳувиллаб қолган кўнглини, Яковга эътиборни кучайтириш орқали тўлдирмоқчи бўлса ҳам, кичик ўғли уни овутолмаслигини аламзадалик билан иқрор этишга мажбур бўлди.

— Така олиб беринг, дада,— деди Яков: у ҳар вақт бирон нарса сўрар эди.

— Такани нима қиласан?

— Миниб юраман.

— Бўлмағур нарсани ўйлаб чиқарибсан. Фақат ажиналар така миниб юради.

— Еленька менга берган суратли китобда така минган яхши боланинг сурати бор...

«Илья суратга ишонмаган бўлар эди. Ажиналар тўғрисида ҳикоя қилиб бер, деб дарҳол ёпишар эди», деб ўйлайди отаси.

Яковнинг ўзи фабрика болаларининг жигига тегиб:

— Мени уришяпти,— деб шикоят қилиши ҳам унга ёқмас эди.

Катта ўгли ҳам жанжалкаш ва уришқоқ эди, ҳатто по-сёлкада ўртоқларидан кўп марта калтак сганда ҳам, ҳеч кимдан ҳеч қачон шикоят қилмасди. Бу кўрқоқ, ялқов ўгли эса ҳар вақт ниманидир сўриб, чайнаб юради. Баъзан Яковнинг қилиқларида қандайдир тушуниб бўлмайдиган, ёмон томонлари ҳам сезилар эди. Онаси чой вақтида, унинг идишига сут қуяр экан, кофтасининг энги билан стаканни ағдариб юбориб, оёғини куйдириб олганда, Яков тиржайиб:

— Мен тўкиб юборишингни кўриб турган эдим,— деб мақтанди.

— Кўриб туриб индамадингми? Бу — яхши эмас. Мана онанг оёғини куйдириб олди,— деб танбеҳ берди отаси.

Яков кўзини пир-пир учуриб, бурнини торта-торта, индамасдан овқатни чайнайверди. Бир неча кундан кейин отаси Яковнинг ҳовлида кимгадир энтикиб:

— Мен уни урмоқчи бўлганини пайқаган эдим, секин келди-да, орқасидан қа-арс эткизиб тушириб қолди!— деганини эшитди.

Артамонов деразадан қаради-ю, ўгли муштини ўйнатиб, ярамас бола Павлушка Никонов билан ҳовлиқиб гаплашаётганини кўрди. Яковни чақириб, Никонов билан дўстлашишни тақиқлади, қандайдир таълим бермоқчи бўлиб, кўзининг бинафша ранг оқлари ўртасидаги жуда ҳам оқиш гавҳарларига қараб уҳ тортди-да, ўғлини итариб:

— Жўна, каллаварам...— деди.

Яков гўё сирғанчиқ нарса устидан юргандай, эҳтиёт билан оҳиста кўзгалди-да, тирсакларини биқинига қисиб, гўё қандайдир ноқулай, оғир бир нарсани кўтаргандай, кафтларини олға чўзганича чиқиб кетди.

«Бесўнақай. Аҳмоқроқ», деб ўйлади отаси.

Бўйчан, индамас қизи ҳам Яковга ўхшаган лавашанг, қандайдир, кишини зериктирар эди. У ётиб олиб китоб ўқишни яхши кўрар, чой билан кўп мураббо ер, овқат вақтида эса жирқаниб, нонни икки бармоғи билан чимдиб узиб олар, гўё шўрвадан пашша тутмоқчи бўлгандай, қошиқни талинкада чайқар эди; қон қуйилган қип-қизил дўрдоқ лабларини қисиб, кўпинча қиз болаларга келишмаган оҳангда онасига:

— Ҳозир бундай қилишмайди. Бу модадан қолган,— дерди.

Отаси унга:

— Ҳой отин қиз, устингдаги кўйлақлар учун газлама қандай тўқилишини нега кириб кўрмайсан?— деганда:

— Марҳамат,— деб жавоб берди қиз.

Байрамга чиққандек ясаниб, амакиси Алексей ҳади қилган соябонни олиб, отасининг кетидан итоаткорона бораркан, кўйлаги бирон нарсага тегиб кетмаслигига ҳаракат этарди. Бир неча марта акса урди. Ишчилар унга саломатлик тиласа, у қизариб, индамасдан, такаббурлик билан бошини қамирлатиб қўя қолди. Отаси унга фабрика тўғрисида гапира бошлади, бироқ қизи станокларга эмас, оёғи остига қараётганини пайқаб қолди, ўзининг серташвиш ишларига қизининг совуққонлик билан қарашидан ранжиб, жим бўлди. Фабриканинг тўқув цехидан чиққач, ҳар ҳолда қизидан сўради:

— Қалай?

Қиз кўйлагига қараб:

— Жуда ҳам чанг экан,— деб жавоб берди.

Пётр кулиб:

— Оз нарса кўрибсан...— деди ва аламига чидаялмай сўради:

— Бу нимаси, ҳадеб этагингни кўтарасан? Ҳовли тоза, этагинг ҳам калта-ку!

Қизи қўрқиб, этагини кўтариб турган икки бармоғини бўшатди-да, гуноҳкордай:

— Еғ ҳиди келяпти,— деди.

Қизининг икки бармоқ билан этак кўтариши Артамоновнинг ғашини келтирарди, шунинг учун:

— Икки бармоқ билан кўп нарса ололмайсан! Буни билиб қўй,— деб гўлдиради.

Ёмғирли кунларнинг бирида қизи диванда ётиб китоб ўқир экан, отаси унинг ёнига ўтириб, қандай китоб ўқиётганини сўраганда:

— Бир доктор тўғрисида,— деб жавоб берди.

— Ҳа-а. Демак, фан экан-да.

Лекин китобга қараб, газабланди:

— Нега ёлғон гапирасан? Бу шеър-ку! Фан тўғрисида бўлса, шеър билан ёзадиларми?

Қизи шошиб, алақандай бир ҳикояни чалкаш-чулкаш сўзлаб берди: тангри иблисга алақандай бир немис докторни васваса қилишга рухсат берган эмиш, иблис докторнинг олдига шайтонни юборибди. Артамонов қулогини чўзиб қўйиб, ихлос билан ҳикояни тушунмоққа тиришса ҳам, қизининг насиҳатомуз товуш билан сўзлаши кулгили

эшитилиб, унга алам қилар ва тушунишга халақит берарди.

— Доктор пияниста эканми?

Бу савол Еленани уялтирди, буни кўриб Пётр, қизининг изоҳига қулоқ солмай, жаҳли чиқиб:

— Чигал ҳикоя! Эртакка ўхшайди. Докторлар шайтонга ишонмайди. Сен бу китобни қаердан олдинг?— деб сўради.

— Механик берди.

Пётр, баъзан қизи Елена мушук кўзига ўхшаш кўкиш кўзларини тикиб, олдидаги алақандай нарсага ўйчан қараб туришини эслаб, уни огоҳлантириб қўйишни лозим деб топди-да:

— Коптев сенинг тенгинг эмас, у билан кўп ҳам ҳиринглашма,— деди.

Елена билан Яков Ильяга қараганда алақандай бетаин, калтабинроқ эдилар, буни Пётр тобора яққол кўриб турарди. Бора-бора ўғли Ильяга бўлган муҳаббат ўрнини Павел Никоневга бўлган нафрат эгаллаётганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Ҳар сафар бу заиф болага дуч келаркан:

«Шу бўлмағур бола учун...» деб ўйлайдиган бўлди.

Болани Пётр ҳаддан ташқари ёмон кўрар эди. Никонев букчайиб юрар, қилтириқ бўйнидаги калласини ҳадеб ликиллатаверарди; Артамоновнинг назарида, кўрқоқ ўғри каби пусиб кетаётганга ўхшар эди. Павел жуда кўп ишлар. ўғай отасининг этигини, кийимларини тозалар, ўтин ёрар. сув келтирар, ошхона ювиндиларини челақлаб чиқариб тўқар, укасининг йўргакларини дарёда чайқар эди. Чумчуқдай серташвиш, ифлос, уст-боши йиртиқ, ҳаммага хушомадўйлик билан, итга ўхшаб алақандай ғалати илжаяр эди. Артамоновни кўрганда, ғозникига ўхшаш бўйинини эгиб, калласини кўкрагига тушириб, узоқдан таъзим қиларди. Кузги ёмғирда шалаббо бўлганини ёки қиш куни ўтин ёраётганини кўрганда, майишган йиртиқ этиги сидирилиб тушаёзган оёғини букиб, иккинчи оёғида ғоздай тикка турган ҳолда, совуққотган бармоқларини нафаси билан иситаётганини томоша қилганда, Артамонов роҳатланар эди. У кўкариб кетган қўлларини кўкрагига босиб, пармадай буралиб йўталарди.

Пётр мўрча томида унинг икки жуфт каптари борлигини билиб, Тихонга, қушларини учириб юборишни буюрди ҳамда болани томга чиқарма, деб тайинлади.

— Томдан йиқилса ўлади. Уни қара, қандай қилтириқ,— деди. Бир куни кечқурун конторага кирганида, полга тўкилган сиёҳни бу бола пичоқ билан қириб, ҳўл латта билан артаётганини кўрди.

— Сиёҳни ким тўкди?

— Отам.

— Сен эмасми?

— Худо урсин, мен эмас!

— Йиглаган кўрннасан?

Павел тиз чўккан ҳолда бошини калтакка тутиб бериб, жавоб бермади. Артамонов унга қаттиқ хўмрайиб ва шу билан қаноатланиб:

— Ажаб бўпти,— деди.

Аммо тўсатдан, бир лаҳза кўзи очилиб, мийигида кулиб, бу нимжон болага бўлган адовати қанчалик аҳмоқона ва кулгили эканини англади.

«Топган эрмагимни қара-я!»— деган хаёлга борди ачишгансимон ва полга беш тийинлик чақани ташлаб:

— Ма, ширинлик олиб е!— деди.

Бола, гўё қўлини куйдириб оладигандай, қоқшол, ифлос бармоқларини эҳтиёт қилиб пулга уратди.

— Ўғай отанг урадимми?

— Ҳа.

— Ҳеч нима қилмайди. Ҳамма ҳам калтак ейди,— деди Артамонов уни юпатиб.

Бир неча кундан кейин Яков, Павлушка уни алланима билан ранжитгани тўғрисида дадасига шикоят қилганда, Артамонов ўғлининг сўзига ишонмаган бўлса ҳам, конторачига одати бўйича маслаҳат бериб:

— Сен ўғай ўғлингни саваб тур,— деди.

— Саваб тураман,— деб ишонтирди Никонов ҳурмат билан.

Бошқача кийинган, сочини олдирганидан янада дўнг пешана бўлиб кўринган Илья ёзги каникул вақтида келди. Артамонов бу жулдурвоқи нимжон бола билан ўғли ўзбошимчалик қилиб яна дўстлашиб бораётганини кўриб, Павелни бешбаттар ёмон кўриб қолди. Ильянинг ўзи ҳам яхши эмас, одоби ҳам ғалати, ота-онасини сизлаб гапирар, қўлларини чўнтагига солиб юрар, уйда ўзини меҳмонлардай тутарди, укасининг жигига тегиб, жигибийрон қилиб йиғлатар, синглисининг ҳам шу қадар жаҳлини чиқарардики, у қўлидаги китобини акасига отарди, Наталья эрига шикоят қилиб:

— Мен айтмабмидим: ўқиш одобсизликка оборади деб. Ҳамма ҳам шу гапни айтади,— дерди.

Артамонов индамас, ўғлининг қилиқларини ҳаяжон билан кузатар, назарида Илья кўп шўхлик қилаётган бўлса-да, ҳаракатларида қандайдир нохушлиқ, ясамалик бордай туюларди. Мўрчанинг томида яна каптарлар пайдо бўлди, улар гув-ғувлашиб том қиррасида юришарди; Илья билан Павел, агар каптар учиришмаса, томдаги труба ёпида ўтириб, бир неча соатлаб қизгин суҳбатлашар эди. Уғли келган дастлабки кунларидаёқ отаси унга:

— Хўш, қалай яшайсан, гапириб бер-чи, мен сенга кўп гапирганман, энди навбат сеники,— деб таклиф этди.

Илья жуда қисқа қилиб, шошиб-пишиб, аллақандай бўлмагур гапни, болалар қандай қилиб муаллимларнинг жиғига тегишини сўзлаб берди.

— Жиғига тегишнинг нима кераги бор?

— Зериктиришади,— деб тушунтирди Илья.

— Хўп. Бу яхши эмас. Ўқиш қийинми?

— Йўқ, осон.

— Ёлгончи!

— Ишонмасангиз, олган баҳоларимни кўринг,— деди Илья кифтини қоқиб, кўзлари эса боққа, кўкка термилиб қарарди.

— У ёқда нимани кўряпсан? — деб сўради отаси.

— Қарчиғайни.

Пётр Артамонов чуқур тин олиб:

— Хўп, бор, ўйна. Мен билан зерикадиган кўринасан.— деди.

Ёлгиз ўзи қолгач, ёшликда отаси у билан гаплашганда деярли ҳар доим ё зерикканини, ё кўрққанини эслади.

— Ўқитувчиларнинг жиғига тегар эмиш. Дьячок мени тасмадан ўрилган қамчи билан ўқитарди, бунақа қилиқлар хаёлимга ҳам келмасди. Болаларнинг турмуши бир оз енгиллашган кўринади.

Илья шаҳарга кетиш олдида:

— Ота, Павелга мўрча томида каптар боқишга рухсат беринг,— деб сўради, отасидан сўраган бирдан-бир илтимоси шу эди.

Отаси ҳеч қандай ваъда бермасдан:

— Ҳамманинг ҳам мушкулени осон қилиб бўлмайди,— деди.

— Демак, мумкин,— деб ўйлади Илья.— Мен унга чиқиб айтай, хурсанд бўлади,— деди.

Ўгли ярамас бир боланинг хурсандлиги учун овора бўлиб, отасининг ҳаётига лоақал қитдай хурсандлик киритолмаганидан Артамонов ранжиди. Илья кетгандан кейин Пётр конторачининг ўғай ўглига баттар душман бўлиб қолганини пайқади. Ҳозир уйда, фабрикада ёки шаҳарда бирон нарса унинг жаҳлини чиқарса, дарҳол хаёлид шунинг жулдурвоқи, иржит бола беихтиёр пайдо бўларди-да, барча ёвуз ўйларни, энг ёмон ҳисларни ўзининг заиф суякларига осишга даъват этаётгандай туюларди. Бу бола ҳақиқатан пўпанакдай, кечки соядай ўсиб борар, жинқарча ўғридай ликиллаб. Пётрга тез-тез дуч келиб турар эди.

Эрта куз фаслининг оромбахш кунларидан бирида Артамонов чарчаган, жаҳли чиққан холда боққа кирди. Кун ботмоқда эди. Шамол супургиси билан супурилиб, ёмғир суви билан ювилган кўкимтир осмонда ҳорғин кузги қуёш иситмалан, ўзидан-ўзи эриб кетмоқда эди. Бог бурчагида Тихон Вялов тўкилган хазонларни хаскаш билан тўплар, шитирлаган хазин, мулойим товуш бог ичра сузиб юрарди; кўкишлар остидан фабрика ўшиқлар, кўкиш тутун тип-типниқ хавони секин-аста булғаб борарди. Ҳўшнинг ҳар қандай ни кўрмаслик ва у билан гаплашмаслик учун, боғнинг нариги бурчагига, мўрча томонга ўтарди; мўрча эшиги қия очик эди.

«У шу ерда» деб ўйлади ва мўрча даҳлизига секингина мўралаб, унинг бурчагида, сояда, скамейкага чўзиллиб ётган ўз душманининг гавдасини кўрди. Павел бошини энгаштириб, оёқларини кериб, болалик гуноҳи билан машғул эди. Бу Артамоновни бир лахза кувонтирган бўлса-да, Яков билан Илья эсига тушиб, қўрқув ва нафрат аралаш:

— Нима қиялсан, ҳей ифлос? — деб вагиллади.

Павелнинг қўли қалтирашдан тўхтаб, бир силкинди-да, бутун вужуди ғалати тарзда скамейкадан кўтарилди. Бола оғзини очиб, секингина чинқирди-ю, гужанак бўлиб, катта одамнинг оёғи остига ўзини ташлади. Артамонов ҳузур қилиб, ўнг оёғи билан боланинг кўкрагига тепди ва қараб турди: бола ғик этди-ю оҳиста инграб, ёнига агдарилиди.

Артамонов шу тепиши билан кўнглидаги қандайдир ифлос уладани, жонига теккан огир юкни бир дақиқа олиб ташлагандай бўлди. Лекин шу чоғ боққа мўралаб, андак қулоқ солгач, эшикни ёпиб энгашди-да, болага секингина:

— Қани тур, кетдик! — деди.

Бола бир қўлини олға ташлаб, иккинчисини тиззаси билан босиб муккаси билан ётар, бир оёғи иккинчисидан хийла қисқароқ кўринарди, гўё бола сездирмасдан Пётр томон ўрмалаб келаётганга ўхшарди; чўзилиб қолган қўли эса, гайритабий равишда узун ва қўрқинчли эди. Артамонов гандираклаб кетиб, кесакини ушлаб қолди, бошидан шапкасини олди-да, тўсатдан жиққа тер босган пешанасини шапкасининг астарин билан артди.

— Тур, ҳеч кимга айтмайман,— деб шивирлади, бироқ полга ёпишиб қолган жағи остидан лентадай буралиб, тирқираб чиқаётган қорамтир қонни кўриб, болани ўлдириб қўйганини тушунди.

«Ўлдирдим», — деди ўзича Пётр.

Бу оддий, қисқа сўз уни эсанкиратиб қўйди. Артамонов шапкасини бурма белли камзулининг чўнтагига суқиб, гужанак бўлиб ётган кичкина гавдага ағрайиб қаради-да, чўқинди; қуйидаги оддий фикр миясида питирлаб ғулгула сола бошлади:

«Беҳоддан шундай бўлди, дейман. Эшик билан уриб олдим. Эшик билан. Эшик — огир».

У бурилди, залвори билан скамейкага ўтирдию, орқасида супурги ушлаб турган Тихонни кўрди: у нурсиз кўзларини Павел Никоновга тикиб, хомушлик билан ёногини қашир эди.

Артамонов икки қўли билан скамейканинг четидан ушлаб, баланд товуш билан:

— Мана, — деб гап бошламоқчи бўлганда, Тихон бош чайқаб, гапини бўлди:

— Заиф бола, чаққон эмас. Мен унга бир неча марта томга чиқма, деб огоҳлантирган эдим.

— Нима? — қўрқув аралаш, лекин умид билан сўради Пётр.

— Йиқилиб ўласан деган эдим. Сен ҳам, Пётр Ильич, шундай деган эдинг, эсиңгда борми? Ҳар қандай иш чаққонлик талаб этади. Ҳушдан кетганмикин? — Қоровул чўнқайиб ўтирди-да, Павелнинг қўлини, бўйинини ушлаб кўрди, бармогини унинг бетига теккизиб кўрди, сўнгра худди гугурт чаққандай, бармогини фартуғига ишқалаб арди-да:

— Ўлганга ўхшайди. Ўзиям нимжон эди, қилтиллаб зўрға юрарди,— деди.

Тихон хотиржамлик билан гапирар, имиллаб ҳаракат ётар, бутун кўриниши одатдагича эди. Лекин хўжайин ун-

га ишонмас, қандайдир даҳшатли, қоралайдиган сўзлар кутарди ундан. Аммо Тихон шифтдаги тўрт бурчак туйнукка қараб, каптарларнинг ғув-ғувлашларини тингларкан, яна хотиржамлик ва оддийгина қилиб гапира бошлади:

— У эшикдан чиқар эди. Бир оёғини скамейкага, иккинчи оёғини эшик ҳалқасига қўярди-да, эшикка миниб олгандан кейин бўғотни ушлаб, тармашиб чиқар эди. Қўларарида эса куч йўқ, бўшашиб қўйворган, эшик бурчагига кўкраги билан урилиб йиқилиб тушган кўринади.

— Мен буни кўрганим йўқ,— деди Пётр. Узини ҳимоя қилиш туйгулари кетма-кет уни гумонсирашга мажбур қилиб, қулоғига турли фикрларни шивирлар эди:

«Елғон айтяптими? Қаллоблик қияптими? Қопқон қўйиб, мени қўлга туширмоқчими? Еки бу аҳмоқ чиндан пайқамадимикин?»

Сўнгиси ҳақиқатга яқинроқ кўринди. Тихон ўзини тен-таклар сингари тутар: бошини силкитиб, худди пешанаси билан кимнидир ургандай бўлиб, уҳ тортиб деди:

— Эй шўрлик! Сенга буларнинг нима кераги бор эди? Борлиб олдирга айтмай. Угай дадаси унча хафа ҳам бўлмаса керак, бу бола унга ортиқ-ча эди.

Артамонов қоровулнинг гапига гумонсираб қулоқ солар, сўзларидаги қалбакчиликни тутинишга тиришарди, лекин Тихон ҳар доимгидай хотиржам, бу ҳодисага қизиқмаган кишидай гапиради.

Тихон қошларини чимириб, ташқарига қулоқ солади ва:

— Жим! — дейди.

Ҳовлида, алақаерда бир хотин бақириб-чақиради:

— Пашка! Пашка-а...

— Мана сенга Пашка, азангни бошлайвер, — деди Тихон ёноғини силаб.

«Вой аҳмоғ-е», ўйлади Артамонов ва чўнтагидан шапкасини олиб, синиқ козирёгига диққат билан тикилганича боғ томон кетди.

Артамонов икки-уч ҳафтага аллақандай ваҳм ичида, ҳар куни янгидан-янги таҳлика гирдобида кўнгли безовта бўлиб, қўрқиб юрди. Назарида, гўё ҳозир бирдан эшик очилиб, Тихон кириб келиб:

«Хўш, мен ҳаммасини биламан...» деётгандай бўларди.

Аммо сиртдан ҳамма нарса жойида эди; ҳамма одам боланинг ўлимига табиий ва оддий нарсага қарагандек, туғилиш ва ўлиш одатига бўйсунгандек эди. Никонов сап-

сарик бўйинини қоп-қора янги галстук билан боғлаб олди ва гўё кўпдан бери кутган мукофот қўлига теккандай, нурсиз юзида камтарона сиполик аломати пайдо бўлди. Ўлдирилган боланинг онаси — новча ва ориқ, от башара хотин эса индамасдан, кўз ёши тўкмасдан, ўғлини кўмишга шошиларди, — Артамоновга шундай кўринди. У мурданинг бошидаги ёстиқчани тўғрилаб, унинг кўкимтир пешанасидаги гулдастани ҳадеб нари-бери сурар, кўзига қўйилган яп-янги, саргиш чақаларни бармоғи билан оҳиста босиб, галати тарзда тез-тез чўқинарди. Қўли шу қадар чарчагандики, жаноза вақтида шўрлик она икки марта қўлини кўтаролмай қолди: қўли худди сингандай осилиб тушди, Пётр буни пайқади.

Бу жиҳатдан ҳамма иш жуда ҳам силлиқ ўтди. Артамонов ортиқча сахийлик қилса, Тихонда шубҳа туғилишидан қўрқиб, кўмиш нафақасини оз берган бўлса ҳам, Никоновлар қайта-қайта миннатдорлик билдириб, жонга тегдилар. Пётр қоровулнинг лақмалигига, ўзини мўрчада кўрсатган даражада аҳмоқ эканига ҳар ҳолда унча ишонмасди. Бу мўрча уни иккинчи марта олға суриб, Пётрнинг ҳаётига тобора чуқурроқ ўрнаштирди. Бу ҳол галати ва қўрқинчли эди. Артамонов мўрчани ҳатто куйдирмоқчи ёки бузиб, ўтин қилдирмоқчи бўлди. Шуниси ҳам борки, бу мўрча эскириб, чирий бошлади. Шунинг учун бошқа ерга янги мўрча солиш керак.

Пётр Тихонни ўткир кўз билан кузатаркан, қоровулнинг ҳали ҳам қадимгидай истар-истамас яшаётганини, гўё илтифот юзасидан, ўз ихтиёрига қарши ноилож яшаётгандек юрганни, илгаригидай камгаплигини кўрарди; у ишчиларга полициячидек қўпол муомала қилар, ишчилар ҳам уни ёмон кўришарди. Айниқса хотинларга қўполлик қилар, улардан жирканарди, ёлғиз Наталья билангина, бекасидай эмас, балки ўз қариндошидай, холаси ёки опасидай эркин гаплашар эди.

Пётр бир неча марта хотинидан:

— Сен нега бу қадар Тихонга серилтифотсан? — деб суриштирганда, хотини:

— У бизга жуда ҳам кўникиб қолган, — деб жавоб берганди.

Агар қоровулнинг дўстлари бўлиб, у ёқ-бу ёққа бориб тургандами — уни сектант¹ деб ўйлаш мумкин эди; сўнгги

¹ Сектант — бирон мазҳабдаги одам.

йилларда жуда кўп ҳар хил сектантлар пайдо бўлди. Лекин Тихоннинг дурадгор Серафимдан бошқа ошнаси йўқ эди. Тихон черковга бажонудил борар, ихлос билан чўқинарди-ю, бироқ қичқириб юбормоқчи бўлгандай, негадир оғзини жуда хунук очар эди. Баъзан қоровулнинг пирпираган кўзларига қараб, Артамонов қовогини солиб оларди, унинг назарида, бу нурсиз кўзларда дўқ яширингандек туюлар, бу мужикни ёқасидан тутиб роса силтагиси:

«Қани, гапир!» деб ўшқиргиси келарди.

Лекин Тихоннинг қорачиқлари эриб, ёйилиб кетар ва ёноқ суяклари туртиб чиққан юзидаги хотиржамлик аломати Пётрнинг хавотирлигини босар эди. Девона Антон ҳаётлигида дам-бадам қоровулхонага кириб турар ёки кечалари Тихон билан дарвоза олдидаги скамейкада ўтирарди.

Бир куни қоровул девонани қистовга олди:

— Сен бекорга валдирайверма, ундан кўра яхшилаб ўйлагинда, менга тушунтириб бергин: Куятир деганинг қиммати қандай?

— Каямас! — Антон шодиена чиндириб қорачиқларини бошлади.

Исо тирилди, тирилди..

— Гўхта!

Арава йўқотди филдирагини..

Артамонов нима учун алам қилганини ўзи ҳам тушунмай:

— Сен ундан нимани билмоқчи бўласан? — деб сўради.

— Одамзод ишлатмайдиган сўзларни тушунтириб берсанг, дейман.

— Бу ахир, аҳмоқнинг сўзи-ку!

— Аҳмоқнинг ҳам ўзига яраша ақли бўлиши керак,— аҳмоқуна жавоб қилди Тихон.

Умуман, у гаплашишга арзимайдиган одам эди. Уйқусиз тунларнинг бирида Артамонов, бу оғир сирни — бола ни ўлдирганини яшириб юришга ортиқ бардош беролмаслигини сизди. Хотинини уйготиб, Никоновнинг боласи тўғрисидаги воқеани сўзлади. Наталья уйқули кўзларини пирпиратиб эрининг сўзларини эшитди-да:

— Мен кўрган тушимни унутиб юбораман,— деб эснадди ва бирдан типирчилаб қолиб:

— Вой, қўрқаман, фалокат босиб, Яша ҳам шу билан машғул бўлмаса гўрғайди,— деди.

Эри ҳайрон қолиб:

— Нимадан қўрқасан? — деб сўради. Хотини унга нимадан қўрқганини пардали қилиб тушунтириб бергач, Пётр алам билан қулогини чўзиб:

«Бекор гапирибман», деб ўйлади.

Уша кечаси, бўрон гувиллаши ва ҳуштаклари остида ўйлай-уйлай, ўз ёлғизлигини чуқурроқ тушуниш билан бирга болани ўлдириш сабабларини равшанроқ изоҳлайдиган бир баҳона ўйлаб топди: у ўз ўғлига бўлган муҳаббатининг кучли таъсири остида, Ильянинг ташвишида унинг хавfli ўртогини, бузуқ болани ўлдирган эмиш. Бу ҳол Никоновнинг боласига бўлган ноаниқ нафратига тушунарли бир сабаб киритиб, Артамоновга бир қадар енгиллик берди. Аммо бу огирликни кимнингдир елкасига ағдариб, ундан батамом қутулгиси келар эди. Оддий гуноҳларга тавба қиладиган кунда бу фавқулодда гуноҳ тўғрисида гапирмоқчи бўлиб, поп Глебни ўз уйига чақирди.

Қотма, букчайган поп кечқурун келиб, астагина бурчакда ўтирди, у ҳар вақт узун гавдасини торроқ, қоронғироқ бурчакка суқар, гўё уялганидан яширинар эди. Эски, қорамтир ридода унинг гавдаси креслонинг қора чарми билан қўшилиб кетгандай кўринар, қоронгиликда фақат унинг юзигина ажралиб турарди; чакка сачларидаги эриган қор томчилари худди биллур чангидай ялтирар эди. Поп Глеб сийрак, лекин узун соқолини қоқ суяк даспанжаси билан ҳар доимгидай маҳкам тутамлаб олди.

Артамонов бирдан муҳим масала устида сўз очгиси келмай, халқнинг ялқовлигидан, пиянисталиги ва бузуқлигидан ранжиб, нақадар тез бузилаётгани тўғрисида гап бошлади. Бу ҳақда гапириш уни зериктиргач, уй ичида у ёқдан-бу ёққа юриб, жим бўлди. Шундан кейин қоронги бурчакда ўтирган попнинг айнан шикоятга ўхшаш ҳасрати бошланди.

— Ҳеч ким халқнинг ғамини емайди, халқ эса, ўз руҳий талабларини қондиришга ўрганмаган, чунки билмайди. Маълумотли одамлар... Уларни ёмонлашга журъат этмасам ҳам, ҳар ҳолда бизда маълумотли одамлар кам. Биласизми, улар оддий турмушга, халқ турмушига ўргана олмайдилар. Кўп нарса истайдилар, бироқ асосий нарса-ни истамайдилар. Улар исёнга интилишади — бу эса ҳукумат тарафидан уларнинг таъқибланишига сабаб бўла-

ди. Умуман, бизнинг ҳамма ишимиз негадир юришмайди. Бу фоний дунё шовқин-суронида ёлғизгина бир овоз қаттиқроқ эшитилмоқда, бу товуш жаҳон виждонига қаратилган, уни уйғотмоқ учун жар солади, бу овоз файласуф ва адиб, граф Толстой деган зотнинг овозидир. У жуда ҳам муътабар киши, сўзларида ботирлик даражасига етган журъат бор, лекин биласизми... бунда ҳам православ черковига тегиб ўтилади...

Поп Глеб Лев Толстой ҳақида жуда узоқ гапирди, унинг сўзлари Артамоновга унчалик тушунарли бўлмаса ҳам, қоронғи бурчакдан булоқдай оқиб чиққан афсонавий кишининг қиёфасини тасвиолаб берган хўрсинувчи овоз Пётрни чалғитиб юборди. Пётр попни нима мақсадда чақирганини эсидан чиқармади, бора-бора унга раҳми келиб қолди. Шаҳар камбағаллари поп Глебнинг очкўз эмаслиги, ҳаммага меҳрибонлиги, черковдаги яхши ибодатлари ва айниқса, жанозаларни таъсирли ўқигани учун авлиёдай кўришини Пётр билар эди. Артамонов буларнинг ҳаммасини кўриб, ҳисоблаб, унингча, поплар шундай бўлиши шарт эди. Унинг попга бўлган ихлоси Леони шаҳар рўҳонийлари ва казо-казолари ёмон кўриши орқасида вужудга келган эди. Лекин дин ҳомийсининг кўнгли қаттиқ бўлиши лозим, фавқулодда, кескин сўзларни билиши ва айтиши керак, гуноҳ олдида қўрқув уйғотиши, гуноҳга нафрат туғдириши зарур. Артамонов Глебнинг бундай кучларга эга эмаслигини биларди. Унинг кимнидир ранжитишдан қўрққандай, сўзлари қалтираб чиқаётган мужмал нутқини тинглар экан, Пётр тўсатдан:

— Глеб отахон, мен бу йил рўза тутмаслигимни айтиш учун сени безовта қилиб чақирдим,— деди.

— Нега бундай қилмоқчи бўлдингиз? — деди поп ўйчанлик билан, бироқ жавоб эшитмагач: — Ўз виждонингиз олдида жавобгар бўласиз, — деб қўйди.

Артамоновга попнинг бу сўзлари, худди қоровул Тиҳон гапиргандай, бепарво айтилгандай эшитилди. Глеб камбағал эди, шунинг учун калиш киймасди, унинг оғир, мужикча этигидаги қорлар эриб, полда сув тўпланиб қолганди, поп пошнаси билан сувни шилпиллатиб, ҳамон шиқоят қилар, лекин ҳеч кимни қораламай гапирар эди:

— Бу дунёда бўлаётган ҳодисаларга қараганда, фақат бир нарса одамни юпатади: яъни ҳаётнинг ёмри томонлари қанчалик ўсса, гўё унинг кучини енгиш осонроқ бўлсин учун, шунчалик бир ерга тўпланади. Мен динм бир

нарсага разм солиб юраман: олдин ёмонликнинг ўзаги, кичкина дугча пайдо бўлади, кейин унга, худди урчуққа ип ўралгандай, бошқа ёмонликлар қўшилиб, борган сари катта бўлади. Тарқоқ ҳолдаги ёмонликларни енгиш қийин, аммо бир ерга тўпланганини адолат қиличи билан шартта чопиб ташласа бўлади...

Бу гап Артамоновнинг хотирига қаттиқ ўрнашиб қолди, унда қандайдир тасалли берувчи бир нарса борлигини сезди; Павел худди ўша найча, ҳамма қора уйлар унинг атрофига тўпланишади, барча ярамас фикрларни ўзига тортади. Шу чоқ Пётр гуноҳимнинг бир қисмини ўғлим ҳисобига ўтказилса, адолатли иш бўларди, деб бир карра кўнглидан ўтказиб қўйди. Сўнгра енгиш нафас олиб, поппи чойга чақирди.

Овқатхона ёруғ ва шинамгина, иссиқ ҳавоси лаззатли таомлар ҳидига тўлган. Стол устида самовар буғ уфуриб шарақлаб қайнамоқда. Қайнанаси креслода ўтириб, тўрт яшар қиз набирасига ёқимли овоз билан ашула айтар эди:

Муқаддас яшин
Берди ҳадяларин:
Ҳаворий Пётрга —
Езнинг иссиғини,
Авлиё Николага —
Денгизу кўл ихтиёрин;
Илёс пайғамбарга —
Олтин найзасин...

Поп стол ёнига ўтираётди:

— Бу маъжусийлар афсонаси, — деди-да, бирор гуноҳ иш қилган одамдек, илжайиб қўйди.

Наталья ётоқхонада Пётрга маълум қилди:

— Алексей қайтиб келди, мен уни кўрдим. Унинг бутун фикр-хаёли Москвада, эс-ҳушини йўқотиб қўймаса гўргайди. Шундан қўрқаман...

Ёз кунлари Натальянинг оппоқ бўйнида ва сип-силлиқ қирмизи юзида қандайдир қизгиш нуқталар пайдо бўлди; игна билан санчганга ўхшаб тошган бу майда-майда ширинча унга ҳар ҳолда халақит берарди. Наталья ҳафтада икки марта ётар пайтида юзига аллақандай бол тусли мой дори суриб, астойдил ишқаларди. Ҳозир ҳам ойна олдида ялангоч тирсақларини қимиралиб, шу иш билан машғул эди; тўлишган маммалари кўйлағи остида тўлганарди.

Пётр қўлларини боши остига қўйиб, соқолини шифтга қаратиб, тўшакда ётар ва кўз қирида хотинига қараб, уни аллақандай машинага ўхшатарди. Сурган дорисидан эса ниширилган севрюга ҳиди келгандай туюларди. Наталья ихлос билан шивирлаб, ибодат қилиб бўлгач, ўрнига ётди-да, соғлом баданнинг соф одатига биноан ўзини эрига тақдим этди, бироқ эр ўзини ухлаганга солиб жим ётаверди.

«Дугча... Мана, мен ҳам урчуқман. Айланаман. Хўш, ким ип йигиради? Тихон: одам йигиради, шайтон бўз тўқийди, дейди. Вой башаранг қургур-ей!» деб ўйлади.

Алексей авж олдираётган иш тобора кенгайиб, дарё устидаги қумлоқ тепаларга қулоч отмоқда эди; у ердаги қумлар олтин тусини йўқотган, сляуданнинг кумушдай ялтираши ҳам, кварцнинг учқунланиб товланиши ҳам сўнмоқда, қумлар топталиб босилмоқда эди. Йилдан-йилга баҳорда қум устини ям-яшил ёввойи ўт қоплаб оларди; йўл бўйларини ажриқ босиб кетар, отқулоқ шалпанқулоқларини офтобга ёярди; фабрика атрофидаги боғларнинг тарахтлари гулани тўқар, кузги хазон чириб, йилтироқ қумни ўғитларди. Фабрика тобора қаттиқроқ сувиллаб, баҳима солар, гам-ташвишлар билан нафас оларди; неча юзларча урчуқлар визиллашар, станоклар шивирлашар, кун бўйи машиналар энтикиб пишқиришар, фабрика устида ташвишли меҳнат шовқини узлуксиз айланар эди. Шуларнинг ҳаммасига ўзи хўжайин эканини тушуниш Пётрга ёқар, ҳатто ҳайрон қолиш, фахрланиш даражасида хуш келарди.

Баъзан Артамонов ҳоргинлик чулғаб олганини сезар ва бундай ҳолат тобора тез-тез такрорланар эди. У ўзининг болалик йилларини, қишлогини, тинч ва тип-тиниқ Рат дарёсини, кенг уфқларни, мужикларнинг содда турмушларини хотирлар эди. Шундай чоғларда кўзга кўринмайдиган чангал қўллар уни ушлаб олиб айлантираётганини, кун бўйи давом этган шовқин бошини тўлдириб, миясида ишдан бошқа ҳеч қандай ўйларга жой қолдирмаганини сезарди. Фабрика трубаларидан бурқсиб чиққан тутун теварак-атрофдаги ҳамма нарсани гамгинлик ва диққинафаслик билан қоронгилаштирарди.

Шундай таъби хира бўлган соатларда ва кунларда Пётрга ишчилар айниқса ёқмасди, унинг назарида, ишчилар борган сари кучсизланиб, мужикча чидамини йўқотиб, хотинлар сингари ниҳоятда жиззаки, шаллақи бўлиб бораётгандек туюлар эди. Уларда қандайдир эгасизлик, беқа-

рорлик пайдо бўлди: илгари отаси тириклигида ишчилар бир онладек иттифоқ бўлиб яшашар, бу қадар пиянисталикка йўл қўйишмас, бу қадар шармандаларча бузуқлик қилмас эдилар: ҳозир эса ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетганди, одамлар ўткирроқ, ҳатто ақллироқ бўлгандай кўринсалар ҳам, ўз ишларига бепарво қарашар, бир-бирларига ёмон муомала қилиб, ҳамма ишга муттаҳамлик билан раэм солиб, чамалаб юришарди. Айниқса ёшлар кундан-кунга безориликка майл қўймоқда, ҳурмат деган нарсани унутиб юбормоқда, фабрика уларни бутунлай мужикларга ўхшамайдиган қилиб ўзгартирмоқда эди.

Кочегар Волковни губерна шаҳрига, ақлдан озганлар уйига юборишга тўғри келди; қишлоқдаги уйига ўт тушиб хонавайрон бўлган бу соғлом ва чаққон киши, бундан беш йил муқаддам эпчил хотини билан фабрикага келган эди. Бир йилдан кейин хотини бузуқ йўлга кириб кетди, эри уни ура-ура сил қилди, мана энди ҳар иккиси ҳам йўқ. Бундай ҳодисаларни, қисқа муддат ичида адоий тамом бўлган одамларни Артамонов кўп кўрар эди. Беш йил давомида тўрт одам ўлдирилди: иккитаси муштлашда, биттаси ўч олиш йўлида қурбон бўлди, бундан ташқари, мокичи қизни кекса тўқувчи рашк қилиб сўйиб қўйди. Кўпинча ишчилар бир-бирини қонга белангунча, хавфли ярадор қилгунча муштлашар эдилар.

Алексейга булар заррача таъсир этмагандай кўринарди. У тушуниб бўлмайдиган даражада ўзгариб борарди. Алексейда, озода ва ҳазилкаш дурадгор Серафимга аллақандай ўхшашлик бор эди. Дурадгор болаларга сурнай ва ёйларни ҳам, улар учун кичкина тобутчаларни ҳам қувноқлик билан ясаб берар эди. Алексейнинг қарчигай кўзлари, гўё ҳамма иш жойида, келажакда ҳам жойида бўлади, дегандек, доим ишонч билан чақнаб турарди. Қабристонга Алексей уч боласини кўмганди: фақат битта ўғли — ингичка устихонлардан ва кемирчиклардан ясалган, шошилинича хунук ва омонат чиққан, аъзойи бадани шиқирлаб, гижирлаб турган Миронгина тиришқоқлик ва қайсарлик билан ўлмай яшар эди. Миронда бармоқларини қаттиқ шиқиллатиш одати бор эди. У ўн ўч ёшга етгандаёқ кўзойнак тақиб юрадиган бўлди, бу унинг узун қуш бурнини бир оз калтароқ кўрсатиб, ёқимсиз оқиш кўзларини бир қадар қорайтирди. Бу бола доим бирон китобни кўтариб юрарди, лекин китоб орасига бир бармогини суқиб юрганидан, китоб унинг бармоғига туташиб, бирга

ўсиб чиққандай кўринар эди. Ота-онаси билан ўз тенгидай гаплашарди, гаплашардигина эмас, уларга маслаҳат берарди.

Бу қилиғи ота-онасига ёқар, Пётр эса жияни уни — ўз амакисини яхши кўрмаганини аниқ билар, шунинг учун жиянини ёмон кўрарди.

Алексейнинг уйидаги ҳамма нарса бетартиб ва бачкана эди; ярмаркадаги балаган билан¹ монастыр орасида қанчалик фарқ бўлса, Пётр Артамонов ўз турмуши билан укасининг турмуши орасида шунчалик фарқ борлигини кўриб турарди. Алексей билан хотинининг шаҳарда дўстлари йўқ бўлса ҳам, эски-туски буюмлар билан лиқ тўлган, қоронғи ҳужрадай тор уйига аллақандай шубҳали кишилар байрам кунлари келиб туришарди. Улардан бири — фабрика доктори, масхарабоз ва баджаҳл, тилла тишли Яковлев; иккинчиси — пияниста ва қартабоз, шовқин-сурончи техник Коптев; учинчиси — Мироннинг муаллими — полиция ўқишига йўл қўймаган студент ва унинг папирос чекиб, гитара чаладиган нурд қотини эди. Булардан бошқа, яна аллақандай хароб одамлар йиғилишар ва ҳаммаси бир хил шаллақиллик билан попларни, катталарни сўкарди, ҳаммаси ҳам ўзини жуда ақлли, доно ҳисоблагани очиқ кўриниб турарди. Артамонов буларнинг ҳақиқий одамлар эмаслигини бутун вужуди билан сезар, лекин шундай катта, муҳим ишнинг ярмига хўжайин бўлган укасига буларнинг нима кераги борлигини тушунолмасди. Уларнинг шовқин-суронига қулоқ соларкан, поп Глебнинг:

«Кўп нарса истайдилару, асосий нарсани истамайдилар», деган гапини хотирларди.

Пётр бу асосий нарсанинг нимадан иборатлигини ва қаерда эканини ўзидан сўраб ўтирмас, чунки асосий нарса ишдан иборатлигини билар эди. Укасининг энг яхши кўрган кишиси, афтидан, ана шу шовқин-сурончи лўли Коптев эди; у маст бўлса-да, унда қандайдир ғайрат, ҳатто ақл-идрок борлиги сезиларди, у ҳаммадан кўпроқ гапирар:

— Бунинг ҳаммаси уч пулга қиммат, арзимаган фалсафа. Саноат! Техника керак,— дерди.

Аммо Пётр Артамонов Коптевда қандайдир муртадлик, бузуқлик бор деб гумон қиларди.

¹ Балаган — енгил-елпи қурилган тамакихона; у ерда кўпинча масхарабоз, найрангбозлар томонидан бачкана томошалар кўрсатилади.

— Хавfli йигит кўринади,— деди укасига. Алексей хайрон бўлиб:

— Коптевми? Сенга нима бўлди? Бу — азамат, ишчан ҳўкиз, ақлли. Қани энди, шунақалардан мингтаси бўлса!

Сўнгра илжайиб қўшиб қўйди:

— Қизим бўлса, шуни куёв қилиб, занжир билан ишга боғлаб қўярдим.

Пётр қовоғини солиб, укасидан узоқлашди. Қарта ўйналмаган тақдирда, у ўзи яхши кўрган, тўшакдай кенг ва юмшоқ креслода ўтирар эди. Қўлоғини чўзиб, одамларга қарар, уларнинг ҳеч қайсиси билап келишгиси келмай, ҳаммаси билан баҳслашмоқчи бўларди. Ишда катта бўлган Пётрни бу одамлар сезмагани учунгина эмас, балки қандайдир бошқа сабаблар билан ҳам баҳслашгиси келарди. Бу сабабларни у очиқ билмас, гапиришга уста ҳам эмас, аҳён-аҳёнда зўрғатдан бир-икки сўз қистириб қўяр эди:

— Поп Глеб менга бир граф тўғрисида гапирди...

Коптев дарҳол унга акиллаб:

— Графнинг сизга нима алоқаси бор, сизга, сизга? У граф қишлоқи, Россиянинг энг сўнги нафаси...

Коптев қичқириб, ҳўрматсизлик билан Пётр томонга бармоғини ўқталиб гапирарди, шериклари эса унинг сўзини эшитаркан, худди уйсиз, кўчманчи лўлиларга ўхшаб кетар эди.

«Куялар, текинхўрлар», деб ўйларди Пётр.

Бир кун у шундай деди:

— «Иш айик эмас, ўрмонга қочиб кетмайди» деб нотўғри айтганлар. Иш ҳақиқатан айик, қочиб кетишига хожат йўқ. У одамни қучоқлаб олиб, маҳкам ушлаб туради. Иш— одамнинг хўжайини.

— Мана, мана,— деб акиллади Коптев.— Қаерда шундай дейилади? Ким шундай дейди? Мана хавф қаерда!

Укаси Алексей истеҳзо билан жилмайиб:

— Сенга нима бўлди? Тихондан фикр қарз оладиган бўлдингми?— деб сўради.

Бу гапдан Пётрнинг қаттиқ жаҳли чиқди, уйда хотинига:

— Сен қизинг Еленага яхшироқ қара. Унинг атрофида лўли Коптев айланиб юрибди. Алексей унинг кўнглига қарайди. Елена — гарчча мой, лекин бунақалар учун эмас. Унга муносиб куёв қараб юргин,— деди.

— Бу ерда унга муносиб куёв қайда?— деди Наталья тараддуланиб.— Куёвни губерна шаҳридан қидириш керак. Ҳазир эш, ҳали эртароқ...

— Эҳтиёт бўл, эртанги чиқариб қўймасин,— деб жилмайди Артамонов, хотини эса ҳингилаб кулди.

Пётр фабрика ташвишларининг чекланган доирасидан қисқа муддатга сирғилиб чиққан пайтларда яна ўзидан норози бўлганини сезар, одамларга қарши жўш урган адоват тумани ичида қолганини кўрар эди. Унинг кўнглида фақат биргина ёруғ жой бор эди, у ҳам бўлса — ўғлига бўлган муҳаббати. Аммо бу муҳаббат ҳам Павел Никонининг сояси билан қопланган ёки ўша жиноятининг огирлигидан чуқурроқ ботиб кетган эди. Пётр ўғли Ильяга қараб баъзан:

«Сен учун хавотирланиб, ваҳм ичида мана шундай иш қилиб қўйдим» дегиси келар эди.

Пётр табиатан унчалик айёр эмасди, шунинг учун бу ваҳм олдин пайдо бўлганини яширолмасди, лекин фақат шу ваҳмгина уни бир қадар бўлса-да, оқлай олишини ташвишларди. Илья билан гаплашганда, ҳатто унинг ўртоғини эслашдан, ўзича қаҳрамонлик туси бермоқчи булган жиноятни тасодифан айтиб қўйишдан қўрқар эди.

Пётр ўғлининг тез ўсаётганини, лекин қандайдир бир томонга ўсаётганини кўрар эди. Илья қўйилиб, онаси билан мулоимроқ гаплашадиган. ўзидек гимназист укаси Яковнинг жигига тегмайдиган, кичик синглиси Татьяна билан машғул бўлишни яхши кўрадиган, Еленадан кулса ҳам ранжитмай куладиган бўлди. лекин гапирган гапларидан қандайдир ташвиш, ўйчанлик сезиларди. Павел Никонининг ўрнини Мирон олган эди. Амакиваччалар уззукун бирга бўлиб, алланималар тўғрисида қўлларини пахса қилиб узоқ сўзлашар, бирга китоб ўқишар, богдаги шийпончада китобхонлик қилишарди. Илья деярли уйда турмас, эрта билан чой вақтида кўринарди-ю, шаҳарга — амакисиникига кетар ёки Мирон ва жингалак соч, қоп-қора Горицветов билан ўрмонга жўнар эди. Бу ҳар ерда ҳозир, паканагина бола ачитиб гапирар, қаргага ўхшаб юрарди, чақчайгаи кўзлари эса истеҳзоли жилмайишдан гилай тортиб кетарди.

Наталья жирканиб, ўғлига:

— Шунақанги жуҳудвачча билан дўстлашганингга ҳайронман,— деганда, Пётр Артамонов ўғлининг ингичка қошлари чимирилиб кетганини кўрди.

— Ойи, жуҳудвачча — таҳқирли сўз. Александр Горн-
цветов бизнинг руҳонийимиз Глебнинг жияни эканини би-
ласиз. Демак, у — рус. Гимназияда у — биринчи...

Онаси илтифотсизлик билан пишқирди:

— Жуҳудлар ҳамма ерда биринчи ўринга чиқишга ти-
ришади.

Ўғли бўш келмади:

— Сиз қаердан биласиз? Шаҳарда тўртта яҳудий
бор, дорихоначидан бошқа ҳаммаси ҳам камбагал одам-
лар.

— Тагин қирқта жуҳудвачча бор! Воргороднинг ҳам-
маси ҳам жуҳуд, ярмаркада ҳам...

Илья ранжитарли даражада қатъият билан такрор-
ларди:

— Жуҳуд — ёмон сўз.

Онаси чой қошиқни ликобчага урди-да, қизариб-бўза-
риб бақирди:

— Нега сен менга ўргатасан? Қандай гапириш лозим-
лигини ўзим билмайманми? Мен кўр эмасман, бу лаган-
бардорнинг ҳаммага, ҳатто Тихонга ҳам думиин ликиллат-
ганини кўрганман, шунинг учун: жуҳуддай мулойим
дедим, мулойимлар эса — хавfli. Мен шундай мулойим-
лардан бирини билар эдим...

Пётр қатъий равишда аралашиб:

— Бўлди!— деди.

Хотини эса йиғлагудай бўлиб, шикоят қилди:

— Бу нима деган гап, Пётр Ильич, бир огиз сўз айтиб
бўлмайдимми ахир?

Илья қовоғини солиб, жим бўлди. Онаси унга:

— Сени мен туққанман-ку,— деди. Илья бўш чашкани
суриб қўйиб:

— Ташаккур этаман,— деди. Пётр ер тагидан ўғлига
қараб жилмайди-да, қулоғини чўзиб қўйди.

Пётр хотинининг сўзидан шуни пайқадики, илгари ке-
росин чироқдан қандай қўрққан бўлса, ҳозир ўғлидан
шундай қўрқмоқда; Наталья яқиндан бери Ольга ҳадя қил-
ган чиройли қаҳва чойнагидан ҳам қўрқадиган бўлиб қол-
ди: назарида, қаҳва чойнаги портлаб кетадигандай эди.
Натальянинг кулгили тарзда ўғлидан қўрқиши каби Пётр
ҳам ўғли олдида юраги така-пука бўлганини сезар эди.
Бу йигитчага тушуниб бўлмас, уларнинг учовини ҳам ту-
шуниш қийин эди. Қоровул Тихонда улар қандай қизиқ
нарса топдилар экан? Кечқурунлари учаласи дарвоза ол-

дида қоровул билан ўтиришар, Пётр Артамонов мужикнинг насиҳатларини эшитарди:

— Бу — шунақа. Озроқ юк кўтарсанг — осон юрасан. Бурчакларга эса — ишонмасанглар. Осмонда қандай бурчаклар бўлсин? Осмоннинг деворлари йўқ.

Гимназистлар хахолашиб кулишар эди; Илья майин овоз билан кулар, оз куларди; Мирон — қаттиқ куларди; Горицветов истар-истамас қиқирлаб куларди-да, дарров тўхтаб, ўртоқларига:

— Тўхтанглар, бу ҳеч кулгили эмас,— деб уқдирарди.

Тихоннинг ноаниқ сўзлари яна аста эшитиларди:

— Болалар, сиз одам тўғрисида кўпроқ ўқинглар, умуман, одам нимадан иборат? Ким қайси ишга белгиланган? Кимнинг толеи қандай? Мана шулар тўғрисида мияни ишлатиш керак. Сўз устида ҳам. Сўзнинг маъносини тушуна билиш керак. Мана сизлар, гоҳо унингиз, гоҳо бунингиз албатта тўмтоқ сўзни ишлатасиз. Лекин ҳақиқатда эса, бу сўзнинг на боши бор, на кети!

Тихон Вялов Пётрга таниш бўлган ўз мақолини такрорларди.

— Одам — ип йигиради, шайтон — бўз тўқийди: ҳам-ма иш шу хилда тўхтамай давом этаверади.

Ёшлар кулишар, Тихон ҳам қиқирлаб кулар ва хўрсиниб:

— Эҳ, сизлар, пишмаган олимлар!— дерди.

Қош қорайган маҳалда болалар кундузгисига қараганда хирароқ, кичикроқ кўринар эди, Тихон эса шишиб, ялпайиб кундузгисидан ҳам бемаънироқ гапира бослар эди.

Ильянинг Тихон билан суҳбатлари, Артамоновнинг қоровулга бўлган адоватини кучайтирар, унда қандайдир ноаниқ хавотирлик уйготар эди.

— Тихоннинг нимасига қизиқасан?— деб сўради Пётр ўглидан.

— Қизиқ одам.

— Нимаси қизиқ? Аҳмоқлигимми?

Илья секингина:

— Аҳмоқликни ҳам тушуниш керак,— деб жавоб берди.

Ўглининг жавоби Артамоновга ёқди.

— Бу тўғри: аҳмоқлик билан умр ўтказамиз.

Лекин шу ондаёқ тушунди:

«Тихоннинг сўзлари бу!»

Уғли унинг кўнглида қандайдир ажойиб умидлар қўзгатар эди. Қўлларини чўнтагига суқиб, секин ҳуштак чалиб, ҳовлидаги ишчиларга деразадан қараб турган, ёки шошилмай, фабриканинг тўқув бўлимидан ўтиб кетаётган ёки эркин қадам отиб посёлка томон бораётган Ильяни кўрганда Пётр қувониб кетиб:

«Уткир кўзли хўжайин бўлади. Ишга ҳам мендай эмас; бир киришдими — бўлди!» деб ўйлар эди.

Уғлининг сўзамол эмаслиги бир оз кўнглини ранжитарди, гапни ҳам қисқагина қилиб, ҳар бир сўзни олдиндан ўйлаб қўйгандай гапирар, унинг сўзлари суҳбатлашиш истагини уйғотмасди.

«Бир оз қуруқроқ» деб ўйларди Артамонов, лекин Илья бақироқ, валдирваса Горицветовга ҳам, бўшанг ва ялқов Яковга ҳам, ёшлигини тез йўқотиб, китоб сўзи билан гапирадиган, турмушдаги ҳар бир ҳодиса учун китобларда қатъий қонун борлигини биладиган жиззаки чиновниклар қабилдаги Миронга ҳам ўхшамаслигини Пётр билар, бу нарса кўнглига таскин берарди.

Каникул ҳафталари жуда тез ўтиб кетди-да, болалар жўнашга ҳозирландилар. Наталья Яковга яхши маслаҳатлар берди, отаси эса Ильяга айтмоқчи бўлган гаплари қолиб, бошқа гапларни айтди. Ахир, уззукун иш тўғрисида ўйлаш, чивиндай уймалашган бир хил ташвишлар ичида яшаш қанчалик зерикарли эканини қандай қилиб айтиш мумкин? Буларни болаларга айтиб бўлмайди.

Катта Артамоновнинг кўнгли шундай бир нарсани тусаб қолдики, у мутлақо оддий нарсаларга, масалан: қор, ёмғир, лой, иссиқ, чанг каби табиий нарсаларга ўхшамаган бўлсин, ўйлай-ўйлай, ахийри шу нарсани топди ёки ўзича ўйлаб чиқарди. Уезднинг қалин ўрмонлари орасидаги пастқам йўлдан аравада кетаётиб, июнь ойидаги дўл аралаш жалага, қулоқни қар қилувчи момақалдиروқ аралаш булутларни портлатувчи кўкимтир чақмоқ ёлқинларига дуч келди. Қоронғида унчалик кўринмаган торгина ўрмон йўлини бирданга сел босди, от туёқлари остидаги тупроқ эриб сувга қўшилиб, оқа бошлади, арава гилдиракларини то ярмигача кўмиб кетди. Биқирлаб қайнаётган ерни кўкимтир яшиннинг хунук ёруги бир лаҳза ёритганда аллақандай даҳшатли туюларди, йўлнинг икки ёнидаги қорайган дарахтлар, ёмғирнинг шиша тўр пардаси орқасида зим-зиё қоронғилик ичида қўрққанидан ирғишларди. Қоронғида кўринмаётган отлар пишқириб, туёқларини

судда шалолатиб тўхтади; ниҳоятда ювош бақалоққина кучер Яким, отларни мулойимлик билан тинчита бошлади. Дўл ўрмонни муз шовқини билан тўлдириб, тез тугаган бўлса ҳам, унинг ўрнига жала қўйди-да, миллионлаб томчилар дарахт барглариини шатирлатиб савалай бошлади, қоронгиликни газабноқ увлаш босиб кетди.

— Поповларникига бориш керак,— дейди Яким.

Мана, Артамонов бировнинг тор кийimini кийиб, қисиниб-қимтиниб, қимирлашдан қўрқиб хижолат чекиб, гўё тушида ўтиргандай иссиққина уйда, стол ёнида, оромбахш ним қоронғида ўтирибди: рух самовар шақиллаб қайнамоқда, малла сочи турмакланган, қора либос кийган новча, хипча бел аёл чой қўймоқда. Рангпар юзида кул ранг кўзлари чарақлайди. У нолимасдан, яқинда эри ўлганини жуда оддий, майин товуш билан, тақдирга тан бергандай ҳикоя қилади; мулкени сотиб, шаҳарга кўчиб кетмоқчи, у ерда прогимназия очмоқчи бўлганини сўзлайди.

— Сизнинг укангиз менга шундай маслаҳат берди. У жуда ажойиб. тиниб-тинчимас. бошқача одам.

Пётр уйдаги нарсаларга назар солар экан, ҳасад қилиб томоқ қириб олди. Ешлигида отаси билан губернани айланиб юрган вақтларида ҳар хил бойларнинг уйини кўнгина кўрган бўлса ҳам, бу уйларда ҳеч қандай одатдан ташқари нарса сезмас, фақат одамлардан, буюмлардан юраги сиқиларди, бу ерда эса ҳеч нарса юракни сиқмас, аксинча, бу уйда қандайдир ёқимтойлик, покизалик бор эди. Жилосиз чинни абажур остидаги катта лампа, столдаги идиш-товоқларини, кумуш асбобларини, пешанасига яшил козирек таққан, сочлари силлиқ таралган қизчанинг қорамтир бошини сут рангида ёритар эди; қиз олдидаги дафтарчага ингичка қалам билан сурат солиб, бир маромда гапираётган онасининг ҳикоясини эшитишга ҳалақит бермай, оҳиста гинғиллаб ўтирарди. Хона катта эмас, жиҳозлар билан лиқ тўла бўлса-да, ҳаммаси ҳам шу хонага ниҳоятда ярашган эди, лекин ҳар бир буюм алоҳида яшаб, девордаги учта рангдор ярқироқ сурат каби, ўз тарихи ҳақида ниманидир ҳикоя қиларди. Пётрнинг қаршисидаги суратда, афсонавий оқ от бўйинини гижинг қилиб буккан, ёллари ниҳоятда узун, ерга тегай дерди. Уйдаги жамики нарса ҳайрон қоларли даражада ораста ва оромбахш эди, уй бекасининг чиройли товуши худди узоқдан келаётган мунгли ашуладай эшитиларди. Мана шундай шароитда бутун умр ҳаяжонланмасдан, ҳеч қандай ёмонлик қилмас-

дан яшаб бўлади, агар шундай хотининг бўлса, уни ҳурмат этиш, у билан ҳар нарса тўғрисида гаплашиш мумкин.

Айвонга чиқиладиган эшик орқасида, ярим доира шаклидаги ранг-баранг ойналар орасидан қорайган осмон кўкимтир тусда порлаб ловиллар эди, бироқ у энди кўнгилга гулғула солмасди.

Тонг вақтида Артамонов ёқимли тинчлик ва хотиржамлик таассуротини ва бу қулайликни яратган кул ранг кўзли ювош хотиннинг гўё жисмсиз қиёфасини эҳтиёт билан хотирида сақлаб, йўлга чиқди. Қуёшнинг олтин нурини ҳам, шамол тўзитган қора булут парчаларини ҳам бепарволик билан акс эттирган кўлоблардан аравасида сузиб борар экан, қайғу ва ҳасад ила:

«Одамлар мана бундоқ яшайди» деб ўйларди.

Бу аёл билан танишганини негадир хотинига айтмади, Алексейдан ҳам яширди. Бир неча ҳафтадан кейин, укасининг уйига келганда Ольга ёнида диванда ўтирган Поповани кўрди; укаси уни диван томон итариб:

— Мана, Вера Николаевна, менинг акам,— деди ва шу сўзи билан Пётрни жуда ҳам ноқулай аҳволга солди.

Попова табассум билан унга қўл бераркан:

— Биз танишмиз,— деди.

Алексей ҳайрон бўлиб:

— Қандай қилиб? Қачон танишдингиз? Сен нега менга айтмадинг?— деди.

Пётр укасининг ҳайратидан қандайдир ёмон нарса сезди-да, соқол толалари тушуниб бўлмайдиган тарзда қимирлай бошлади. Пётр қулоғини чўзиб қўйиб:

— Хотиримдан чиқибди,— деб жавоб берди.

Алексей эса уялмасдан акасини бармоғи билан кўрсатиб кулди:

— Буни қаранг, қизариб кетди. а? Йўқ, сен айёрлик билан жавоб қилдинг, бало экансан! Шундай хотинни бир кўргандан кейин, эсдан чиқариб бўладими? Уни қаранг, қулоғи қизариб, ўса бошлади!

Попова беғараз, мулойимгина жилмайди.

Ичига муз солинган чуқур ва қиррали қадаҳлардан бөл ичишарди; болни шу хотин Ольгага совға қилиб келтирган эди, у каҳрабодай тиниқ, олтиндай товланар, ёқимли тарзда тилни қичитиб, Пётрга аллақандай дадил, ўткир сўзларни шивирлар эди, лекин бу сўзларни қистириш учун пайт келмас, чунки укаси узлуксиз жавраб гап бермасди:

— Йўқ, Вера Николаевна, сотишга шошилманг! Тинчликка ишқибоз кишига сотиш керак, бу жой жон роҳати. Бизга ўхшаган одамлар сизга нима ҳам берар эди? Ерингиз йўқ, ўрмонингиз оз, бори ҳам ёмон, унақа ўрмон, қуёнлардан бошқа кимга ҳам керак?

— Сотиш керак эмас,— деди Пётр.

Попова ўйчанлик билан болдан ҳўпларкан:

— Нега?— деди-да, кейин чуқур нафас олиб:— Сотиш керак,— деб қўйди.

Ольганинг зеҳн солиб тикилиши, кулгисини яширган лабларининг титраши Пётрга ёқмади: у қовогини солиб, болдан ичди-да, Попованинг сўзини жавобсиз қолдирди.

Икки кундан кейин конторада, Алексей Попованинг моллари устидан пул бермоқчи бўлганини Пётрга айтди.

— Мулкининг баҳоси етти сўлкавой, аммо ашёлари...

— Пул берма,— деди Пётр қатъий равишда.

— Нега? Мен молнинг қадрини биламан...

— Хўш, сабаби нима ахир?— деб қичқирди Алексей.— Мен унинг уйига мол танийдиган баҳоловчи билан бо-
раман...

Пётр бошини чайқаб, рад қилди, укасини шу ишдан қайтаргани келиб турса-да, лекин сабаб тополмай:

— Пулни иккимиз берамиз: ярмини мен берай, ярмини сен бер,— деди тўсатдан.

Алексей акасига қаттиқ тикилиб, илжайиб сўради:

— Жиннилик қилгинг келдими?

Пётр Артамонов баланд товуш билан:

— Демак, вақт-соати келди,— деди. Укаси уни огоҳлантирди:

— Эҳтиёт бўл: пушаймон ейсан! Мен уриниб кўрдим, балиқдай совуқ экан,— деди.

Попова билан икки-уч учрашгандан кейин, Артамонов бу хотин тўғрисида хаёл суришни ўрғанди. Петр бу хотинни хаёлан ёнига келтириши биланоқ, ниҳоятда енгил ва ши-
нам, сиртдан чиройли, ичдан лаззатли ва тинч ҳаёт кўз ўнгида гавдаланар эди, ҳаётда ишга бепарволик билан қараган ўнлаб одамларни ҳар кун кўришга ҳожат йўқ; бу одамлар доимо нимадандир норози, гоҳ қичқириб, шикоят қилнар, гоҳ алдашга тиришиб, ёлғон гапиришарди; уларнинг шилқим хушомадгўйлиги чала-чулпа яширинган кек,

тобора ўсиб бораётган адоват каби одамни ранжитарди. Лекин ўз инини тобора кенгайтираётган семиз қизил ўргимчакка ўхшаш фабрикадан узоқда, буларнинг ҳаммасидан четда эса — бошқа бир ҳаёт манзараси осонгина вужудга келар эди. Пётр ўзини каттакон мушукка ўхшатар: жойи иссиққина, кўнгли хотиржам бека уни яхши кўради, астойдил эркалайди, бундан бошқа яна нима керак. Ҳеч нарса.

Илгари Никоновнинг ўғли Павел Пётрнинг кўнглида қора нуқта бўлиб, ҳамма оғир, ёқимсиз ўйларни ўз атрофига тўплаган бўлса, ҳозир Попова фақат яхши, енгил ўйларни, эзгу тилакларни магнит сингари ўзига тортар эди. Попованинг молларини баҳолаш учун Пётр укаси билан ҳамда кўзойнак таққан аллақандай ҳийлакор чол билан Попованикига боришга унамади. Лекин Алексей гаров қоғозни олиб келгандан кейин:

— Гаров қоғозини менга сот,— деб таклиф этди Пётр Алексейга.

Алексей ҳайрон қолиб, маъюсланди ва унга бу нарса нима учун кераклигини узоқ суриштирди, пировардида шундай деди:

— Менинг гапимга қулоқ сол: бу ишдан менга фойда чиқмайди. Попова бари бир пулни қайтаролмайди, бу моллар жуда қиммат туради, тушундингми? Устига бир нима кўшиб бер!

Ака-ука келишди. Алексей юзини буриштириб:

— Ишинг ўнгидан келсин. Яхши ишга киришдинг,— деди.

Пётр ҳам яхши иш қилганини сезарди: дам олиш учун шинам жой топиб, ўзига ҳадя қилди.

Укаси кўзини қисиб:

— Хотинингга айтайми?— деб сўради.

— Бу сенинг ишинг.

Алексей Пётрга синамол назар билан қараб:

— Ольга сени, Поповани яхши кўриб қолган,— деб ўйлайди.

— Бу менинг ишим.

— Ғингшима. Бизнинг ёшимиздаги эркакларнинг деярли ҳаммаси шўхлик қилади.

Пётр қўполлик ва жаҳл билан:

— Сен менга кўп тиргилаверма,— деб жавоб берди. Орадан кўп вақт ўтмай, Ольганинг янада дўстона, лекин аллақандай раҳмдиллик билан гаплаша бошлаганини Пётр

сезарди-ю, бироқ унга ёқмасди; кузги оқшомлардан бирида, Ольганинг уйида ўтирар экан:

— Эринг сенга Попова тўғрисида бирон гап айтганмиди?— деб сўради.

Ольга енгил қўли билан Пётрнинг сертук қўлини силаб:

— Бу гап мендан ташқари чиқмайди,— деди.

— Бу гап ҳеч қаёққа бормайди. Мен билан қолади,— деди Артамонов тиззасини муштлаб.— Сен буни тушунолмайсан. Поповага бу тўғрида оғиз очма.

У Поповани қўмсасди, хаёлан унинг кўз ўнгида хотин сифатида эмас, яхши ва ҳалол турмуш учун, уй шинам ва роҳатбахш бўлиши учун зарур қўшимча сифатида гавдаланарди. Бу хотин шаҳарга кўчиб келгач, Алексейнинг уйида тез-тез учратавергандан кейин Пётр эсанкираб қолди. Уни касал бўлиб ётган Ольганинг тўшаги ёнида кўрди; Попова кофтасининг енгларини шимариб, тос устида энгашиб сочиқни ҳўллар, дам эгилиб, дам қаддини ростлабди: калди-басти ниҳоятда келишган, кўкраги қизларники сингари калди-басти бу аёл ҳаддан зиёда мафтункор эди. Артамонов эшик олдида чурқ этмай, ер завоқдан унинг оппоқ қўлларига, таранг болдирига, сонларига қараб туриб, тўсатдан ўзини шундай ноаниқ истақ кучоғида кўрдими, назарида баданини шу хотиннинг қўллари чулғаб олгандай туюлди. Унинг саломига жавобан Пётр бўйинини зўрға эгди-да, дераза ёнига бориб ўтирди, бир оз даммини ростлагач, қовоғи солиқ ҳолда:

—Сенга нима бўлди, Ольга? Яхши бўлмабди-ку...— деди.

Умрида биринчи марта хотин киши уни бу қадар эсанкиратиб қўйган эди; ҳатто аллақандай хавф-хатар борлигини чала-чулпа сезиб, қўрқиб кетганди. Кучерни докторга юбориб, ўзи ўша заҳотиёқ фабрикага пиёда кетди.

Февраль ойининг охири, илиқ ҳаво бўрондан дарак берарди; ер устини қоплаб олган кул ранг туман осмонни тўсиб, фазони эса Артамоновнинг бошига тўнкарилган косадай торайтириб қўйганди, гўё муздай совуқ, рутубатли чанг шу косадан секин-аста тўкилиб, Артамоновнинг соқолу мўйловига ёпишар, нафас олишига халақит берарди. Артамонов юмшоқ қор устидан борар экан, худди Никита ўзини осмоқчи бўлган тундагидай, Павел Никоновни ўлдирган кундагидай эзилиб-янчилганини сезарди. Бу икки

воқеанинг бир-бирига ўхшашлиги аниқ эди, шунинг учун ҳам учинчиси айниқса хавfli кўринарди. Бу помещик хотинини деч қачон ўзига ўйнаш қилмаслиги равшан эди. Ҳозир Пётр шу ёгини ҳам аниқ кўриб турардики, Поповага маҳлиё бўлиб қолиши, кўнглидаги аллақандай нозик ҳиссиётни синдириб хиралаштириши ва бу аёлни оддий хотинлар қаторига қўшиб қўйиши мумкин. У қонуний хотиннинг қандайлигини жуда яхши билар, жинсий туйғусини деярли қўзғамай қўйган хотиннинг тузсиз, мажбурий эркалатишларига қараганда, ўйнашнинг нимасидир ёки қандайдир жиҳати яхшироқ эканлигини ўйлашга сабаб йўқлигини ҳам яхши билар эди.

«Сенга нима керак? Фосиқлик қилмоқчимисан? Хотиннинг борку!» деб ўзинга савол берарди Пётр.

У бирон хавф-хатар остида қолса, мумкин қадар ундан тезроқ ўтиб олишга, уни орқада қолдиришга, орқада қолдиргач, унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Бирон даҳшатли нарса олдида туриб қолса, гўё баҳор кези қоронғи тунда, чуқур дарёдаги юнқа муз устида тургандай, юраги орқасига тортиб кетар эди; бундай даҳшатни у ўспиринлик чоғида бошдан кечиргани учун вужуди билан сезар ва асло унутмасди.

Бир неча кун қаттиқ гангиб юргандан кейин, кечаси билан ухломмай, эрта саҳар ҳовлига чиқдию, қонига буланиб ётган Тулуни кўрди; ҳали тонг ёришмаганидан қон қора мойдай қоп-қора бўлиб кўринди. Пётр оёғи билан туртиб, итнинг сержун гавдасини қимирлатган эди, Тулун ҳам тиржайиб қолган тумшугини қимирлатиб, қинидан чиққан кўзлари билан унинг оёғига қарагандек бўлди. Артамонов сесканиб, қоровулхонанинг пастак эшигини очди-да, остонадан туриб сўради:

— Итни ким ўлдирди?

— Мен,— деди Тихон, чой тўла ликобчани беш напжаси билан ушлаган ҳолда.

— Нима учун?

— Яна одамни қопди.

— Кимни?

— Серафимнинг қизини, Зинаидани.

Пётр нима тўғридадир ўйланиб, бир оз жим тургач:

— Эсиз ит,— деди.

— Албатта, эсиз. Уни ўзим боқиб катта қилганман. У менга ҳам ириллайдиган бўлиб қолди. Занжирга солиб қўйилса, ит тугул одам ҳам қутуради...

— Рост,— деди-да, Артамонов эшикни зич ёпиб чиқаркан:

«Баъзан шу ҳам ўринли гапиради», деб ўйлади.

Ховли ўртасида тўхтаб, фабриканинг шувиллаган, гувиллаган товушига қулоқ солди. Узоқдаги бурчакда сариқ доғ ялтирарди — бу отхона деворига туташтириб солинган, Серафим турган уйнинг деразаси эди. Артамонов ўша ерга бориб деразадан қаради; ёлғиз ички кўйлақда, стол устидаги лампа ёруғида, игна билан нимаендир қовлаб ўтирган Зинаидани кўрди; Пётр уйга кириши билан қиз бошини кўтармасдан:

— Нега қайтиб келдинг?— деб сўради.

Бошини кўтаргач, Пётрни кўриб, қўлидаги ишини столга ташлади-да, ўрнидан кўзгалмай чинқириб юборди.

— Вой худойим! Мен бўлсам, отам деб ўйлабман...

— Сени Тулун тишлаб олдим?

Зинаида мақтангансимон:

— Тишлаганда қандай!— деди, кейин оёғини курсига тикиб, ишини кўтариб кўрсатди:— Буни қаранг!

Артамонов эшикдан босилган оплоқ оёққа назар ташлаб, қизга жуда қизиқиб қаради-да, бўғиқ товуш билан сўради:

— Тонг вақтида деразани нима қиланг боришга кўраб, э?

Зинаида унинг юзига савол нақари билан қаради ва дарҳол тушуниқ билан қўлидаги лампа бошарога қаттиқ ичурлаб, чироқни ўчирди-ю.

— Эшикни беркитилди тевак,— деди.

Ярим соатдан кейин Пётр Артамонов енгини ташлаб, шошилмасдан фабрикага қараб кетмоқда эди: ҳадеб қулоғини чўзар ва тупурилар, ип йиғирувчи қизининг беҳаёлик билан эркалашини эсларкан, ҳайрон бўлиб илжайди: назарида, бировни жуда усталик билан алдагандай, лақилатгандай эди...

Пётр фабрика қизларининг шўх ҳаётига худди айиқ асалари нига зўрлик билан киргандай бостириб кирди. Бошда бу ҳаёт, у эшитганидан ҳам ортиқ кўриниб, ўз ҳиссиётлари ва сўзларининг қип-яланғочлиги билан уни ҳайрон қолдирди; бу ҳаётдаги тамомий нарса очикдан-очик одобсизлик билан, шармандаларча шилқимлик билан ўзини кўз-кўз қилар ва бундай шармандаликни қўшиқлар куйлаб, йиғлаб ифода этарди. Зинаида ва унинг дугоналари буни севги деб атардилар, унда қандайдир ўткир,

аччиқ, винодан ҳам қаттиқ маст қиладиган бир нарса бор эди.

Фабрика хизматчилари отхона деворига суялган Се-
рафимнинг кулбасини «Қопқон» деб аташларини ҳам, Зи-
наидага Насос деб лақаб қўйганларини Артамонов билар
эди. Дурадгор ҳам ўзи уйини «Монастир» деб атарди. У
ҳар доим гулдор сочиқни елкасидан ошириб, бўйнига таш-
лаб оларди-да, устига гуслисини қўйиб, печь ёнидаги
скамейкада жингалак бошини чайқаб ўтирар ва қип-қизил
жажжи юзини ўйнатиб, кўз қисиб, қийқириб гапирар
эди:

— Ҳой монашкалар, вақтингизни чоғ қилинг! Пётр Иль-
ич, булар монашка, сен нима деб юрибсан. Булар шўх шай-
тонга қуллуқ қилишади, мен эса, буларнинг етакчиси бўла-
ман, поп ўрнида! Шўх ҳаёт учун бир сўм ташла!

Дурадгор пулни ола солиб, пайтаваси орасига жойлай-
ди-ю, гуслисини жаранглатиб, астойдил ашула қилади:

Дўзахда ўтириб барина,
Қовурилган муз сўрайди,
У тентакни шайтонлар
Косов билан сийлайди.

Хўжайин ҳайратланиб:

— Кўп галати қўшиқларни билар экансан,— дейди, чол
мақтаниб сайрашга тушади:

— Мен элакман, элак! Қандай бемаза сўз солма, мен
сенга ашула қилиб чиқаравераман. Мен шундай одамман—
элак!

Сўнг ҳикоясини бошлайди:

— Менга хўжайинлар ўргатган. Кутузов деган ажойиб
бир жаноб бор эди, Япушкин деган яна биттаси бор эди,
ҳам пияниста эди. Ўзини камбагал қилиб кўрсатарди —
муғамбир! Атторга ўхшаб, сават кўтариб, нуқул яёв юрад-
ди. Ўзи эса кўрган-эшитганларини ёзиб-чизиб оларди.
Ёзиб-ёзиб бир куни подшо ҳузурига борди-да: мана, ҳаз-
рати олийлари, бизнинг мужиклар нималарни ўйлайди,—
деди. Подшо ёзувларни ўқиб кўрди, кўнгли хижил бўлиб,
мужикларга озодлик беришга фармон чиқарди; Япушкинга
эса, Москвада мисдан ҳайкал ўрнатилсин, ўзига тегилма-
син, тириклигича Суздаль шаҳрига сургун қилинсин, хази-
на ҳисобидан хоҳлаганча вино ичишга рухсат этилсин, деб
буйруқ берди. Япушкин халқ тўғрисида жуда кўп сирларни

билганлиги, лекин ёзувлардан подшога ҳеч қандай наф бўлмагани учун уларни яшириш лозим бўлди. Шундай қилиб, Суздаль шаҳрида Япушкин пиянисталик оқибатида ўлди, ёзувларини эса, ўғирлаб кетишди.

— Ёлгон гапирётганга ўхшайсан,— деди Артамонов.

— Қизлардан бошқа ҳеч кимга, ҳеч қачон ёлгон гапирган эмасман. Ёлгон гапириш менинг касбим эмас,— деди чол, жиддий гапиряптими ёки ҳазиллашяптими — буни ажратиш қийин эди.

— Фақат ҳақиқатни биладиган одамгина ёлгон гапира олади: мен ёлгон гапира олмайман, чунки мен ҳақиқатни билмайман. Яъни агар хоҳласанг, ростини айтай: мен кўп ҳақиқатларни кўрганман, менинг лапарим шундай: ҳақиқат — хотин, хотин ёшлигидагина соз бўлади.

Лекин у, ҳақиқатни билмаса ҳам, хўжайинлар тўғрисида сон-саноксиз ҳикоялар биларди, уларнинг вақтчоғлиги, бахтсизлиги, бераҳмлиги, бойлиги ҳақида ҳикоя қиларкан, ҳар доим ошқора суратда ачиниб:

Ҳе, улар энди тилком бўлди! Ҳаётида келмаган шу тасидан четга сурилди, ўзини-ўзи тушунмайди! Узилиб тушди...— деган сўзларни қўшиб қўяр эди.

Боши устида бармоги билан доира чизар, дарҳол қўлини пастга тушириб, ерга ҳам худди шундай доира чизарди.

— Жуда ҳам шўх бўлиб кетишган эди-да!— деб кўз қисиб қўярди-да, яна ашула бошларди:

Бор экану, йўқ экан,
Ҳаноблар гўшхўр экан,
Ота мерос мулкнини
Еб тугатган экан!

Серафим қароқчилар, алвастилар, мужиклар исёни, машъум севгилар тўғрисида, жудолик ҳасратида ўртанган бевалар олдига кечалари учиб келадиган ўт сочувчи аждаҳолар ҳақида гапирар, шу қадар қизиқарли ҳикоя қилардики, ҳатто бетиним қизи ҳам унинг эртақларини индамасдан ёш боладек ўйчанлик билан тингларди.

Артамонов Зинаиданинг ўтакетган бузуқлиги билан ўз манфаатини кўзлашга уддабурунлиги бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганини жирканиб кузатиб юрар эди. У Павел Никоновнинг туҳмат қилиб айтган гапини кўпинча эсларди, лекин туҳмат пировардида башорат бўлиб чиққан эди.

«Нега энди мен, келиб-келиб шуни танладим?— Пётр ўзига савол берарди.— Бундан чиройлилар ҳам бор-ку!.. Углим билса, яхши бўлмас».

Зинаида ва унинг дугоналари ўз хурсандчиликларига, қутулиб бўлмайдиган бир мажбуриятдай, солдатлар ўз хизматларига қандай қарасалар, худди шундай қарашарди; Пётр буни билар ва баъзан, улар ўзларининг шармандалиги билан ўз-ўзини, яна аллакимни алдашяпти, деб ўйлар эди. Зинаиданинг пулга ўчлиги, тиланчилиги Пётрни тезда ундан юз ўгиришга сабаб бўлди. Зинаида сира пулга тўймас, бу жиҳатдан отасига қараганда ўлгудай зиқна эди, отаси Серафим эса, пулни «Тенериф» номли ширин винога (Серафим уни «шолгом виноси» дерди) ўзи яхши кўрган саримсоқди колбасага, мармаладга ва ёғли булkachаларга сарф қиларди.

Артамоновга оёқ-қўли енгил, моҳир ишчи, қизиқчи чол Серафим жуда ёқар эди; унинг ҳаммага ҳам ёқишини Пётр биларди. Фабрикадаги одамлар Серафимни «Отувчи» деб атардилар. Лекин Пётр бу лақабда масхарага қараганда ҳақиқат кўпроқлигини ва бу масхара қулоққа ёқимли эшитилишини ҳам сезарди.

Пётр Серафимнинг Тихон билан дўстлигига тушуномас ва бу дўстлик унга ёқмасди. Тихон эса гўё жўрттага бу адоватни чуқурлаштираётгандек эди. Тихон Вяловнинг туғилган куни, Артамоновлар оиласида ўн тўққиз йил хизмат этиб, йигирманчи йил бошланишига тўғри келган эди. Наталья шу кунни қоровул учун жуда ҳам тантанали ўтказишга жазм этди.

— Ўзинг ҳам бир ўйлаб кўр, у топилмайдиган одам,— деди эрига Наталья.— Шу йигирма йил давомида ундан ҳеч қандай ёмонлик кўрмадик. Худди мум шамдек нур сочиб турди.

Пётр қоровулнинг ҳурматини бажо келтириш учун совгаларни ўзи олиб борди. Қоровулхонада ясанган Серафимни, унинг орқасида бошини эгиб, хўжайиннинг этигига қараб турган Тихонни кўрди.

— Мендан сенга — соат, ол! Хотинимдан — бели бурма камзуллик мовут! Мана буниси — пул.

— Пул ортиқча,— деб ғўлдиради Тихон, сўнгра:— Раҳмат,— деди.

У хўжайинини Серафим ҳадя этган «Тенериф» виносидан ичишга таклиф этди, чол эса дарҳол гапга тушиб кетди.

— Сен, Пётр Ильич, бизнинг қадримизга етасан, биз эса сенинг қадрингга. Айиқ асални яхши кўради, темирчи темирни тоблайти, биз буни тушунамиз. Хўжайинлар биз учун айиқ эди, сен эса — темирчисан. Сенинг ишинг катта ва оғир эканини биз кўриб турибмиз.

Шу орада Вялов қўлидаги кумуш соатни айлантириб, у ёқ-бу ёғига қараб:

— Иш — одам учун панжара; чуқур атрофида ўшани ушлаб юрамиз,— деди.

Серафим негадир шодланиб:

— Мана! Рост! Бўлмаса йиқилар эканмиз-да!— деб қичқирди.

— Сизнинг бу гапингиз ўринсиз, чунки сиз хўжайин эмассиз. Сиз бари бир тушунолмайсиз...— деди Артамонов.

Тихоннинг сўзлари дарров унинг жаҳлини чиқарган бўлса ҳам, эътироз билдиришга етарли даражада кучли иборалар топа олмас эди. Тихон ўзининг қайсар, қоринги фикрларини шу хил сўзлар билан хаспўшлаши биринчи марта эмасди шу сабабдан хўжайин тобора ачиқланар эди.

Пётр қоровулнинг ёғ билан яхшилаб мойланган тошдай калласига тикиларкан, уни ерга киргизиб юборадиган сўзлар қидирар, бурнини тортиб, қулоғини чўзиб ўтирар эди.

Серафим мулойимроқ қилиб:

— Иш, албатта, ҳар хил бўлади: ёмони ҳам бор, яхшиси ҳам...— деб гап бошлаши билан Тихон:

— Пичоқ яхши-ю, лекин уни бўғиз ёмон кўради,— деб алжиллади.

Хўжайин қоровулни жуда қаттиқ койигиси келди-ю, лекин ўзини зўрга тутиб, жиддий тарзда деди:

— Сен нега иш тўғрисида нуқул тутуруқсиз гаплар гапирасан? Гапингга тушуниб бўлмайди...

Тихон, стул остига қараб, тасдиқлади:

— Тушуниш қийин.

Дурадгор яна сўзга киришди:

— Бу киши, Пётр Ильич, фақат одамни койитмайдиган ишларнигина иш деб билади...

— Тўхта, Серафим, ўзи гапирсин.

Шу чоғ Тихон тепакал бошини — катталиги кафтдай келадиган сочсиз кул ранг жойини хўжайинга кўрсатиб, уҳ тортди:

— Иблис Қобилни ишга ўрғатган.

Серафим кафти билан тиззасига уриб:

— Мана, бизнинг Тихон қанақасидан келади,— деб қичқирди.

Артамонов ўрнидан турди-да, жаҳли билан қоровулга маслаҳат берди:

— Яхшиси шуки, ақлинг етмайдиган нарсалар тўғриси-да гапирмай қўя қол. Шундай бўлсин.

У Тихонни бўшатиб юбориш зарурлигини ўйлаб газабланган ҳолда қоровулхонадан чиқиб кетди. Эртагаёқ жавоб берса яхши бўларди-да... Хайр, майли, эртага эмас, бир ҳафтадан кейин. Конторада уни Попова кутиб турганди. У худди нотаниш кишидай, қуруққина саломлашди, стулга ўтираётиб, соябонининг учи билан полни уриб қўйди-да, гаров пулнинг ҳамма процентини бирданига тўлай олмаслигини айтди.

— Арзимаган нарса,— деди секингина Пётр унинг юзига қарамасдан.

— Агар муҳлат бергингиз келмаса, илтимосимни рад этиш сизнинг ихтиёрингизда,— деган сўзларни эшитди.

Попова бу сўзларни ранжиб айтди ва соябонини яна дўқирлатиб, тўсатдан шу қадар тез жўнаб қолдики, фақат эшикни ёпиб чиқиб кетаётгандагина Пётр уни кўриб қолди.

«Жаҳли чиқди, нима учун?» деб ўйлади Артамонов.

Бир соатдан кейин Пётр Ольганинг уйида шапкасини диванга уриб.

— Сен Поповага айт: менга процентлар керак эмас, ундан пулни ҳам олмайман. Уэям арзимаган пул! Хафа бўлиб ташвиш тортиб юрмасин, тушундингми?— деди.

Ольга олачипор ипак ўрамларини титиб, стол устидаги нозик солинган қутичаларни ўйчанлик билан у ёқдан-бу ёққа сураркан:

— Мен-ку тушунаман, у тушунармикан?— деб қўйди.

— Сен шундай қилгинки, у тушунсин. Сенинг тушунганингдан менга нима фойда?

— Раҳмат,— деди Ольга кўзойнагини йилтиратиб. Бироқ шиша ортидан жилмайиши Пётрнинг ғашини келтирди.

— Ҳазиллашма!— деди Пётр қўполроқ қилиб.— Мен тўнғизимни унинг боқчасида боқмоқчи эмасман, истамайман ҳам, ўйлама!— деди.

Ольга сочлари силлиқ таралган бошини шубҳа билан чайқаб, уҳ тортиб:

— Вой, мужик-ей,— деди.

— Сен ишонавер! Мен нима гапирётганимни билман...— деб қичқирди Пётр.

— Вой, билармикансан?

Ольганинг ҳайрихоҳлик билан уҳ торганини Пётр сезди.

У Ольганинг кўзойнак орқали унга ачиниб, мулойимлик билан қараётганини кўрарди, лекин бу ҳол унинг фақат жаҳлини чиқарарди, холос. Ольгага қандайдир аниқ инонтирадиган гап айтгиси келар, лекин керакли сўзларни тополмай, дераза тоқчасидаги бегония гулига, унинг ҳайвон қулогига ўхшаш қалин барглари орасида осилиб турган чиройли гулларига тикилар эди.

— Мен унинг қўрғончасига ачинаман. Ҳақиқатан ажойиб қўрғонча! Попова ўша ерда туғилган...

— У Рязанда туғилган...

— У бари бир ўша ерга ўрганган! Менинг жоним эса биринчи марта ўша ерда ором топган...

Ольга унинг сўзини тузатиб:

— Уйғонган,— деди.

— Уйғонганми, ухлаганми — жон учун бунинг фарқи йўқ...

Петр алланима тугрисида узоқ келишди, бироқ нима деганни ўзи ҳам тушунмади. Ольга столга суюлиб, унинг сўзларини тинглади, гапи тугагач:

— Энди менинг сўзимга қулоқ сол... — деди-да, ип йигирувчи қиз билан эрининг алоқасини Наталья билишини, хафа бўлиб йирлаганини, эридан шикоят қилганини айтди. Бироқ бу гап Артамоновга заррача таъсир қилмади.

— Вой айёр-ей! Билганини лоқал бир огиз сўз билан менга сездирмади-я,— деди Пётр илжайиб.— Сенга шикоят қилдимми? Шунақа. Узи эса сени ёмон кўради.

Бир оз ўйлаб тургач, қўшиб қўйди:

— Зинаидага «Насос» деб лақаб қўйганлар, бу — тўғри! У мендан бутун ярамас нарсаларни сўриб олди.

— Хунук гапни тилга оляпсан,— деди Ольга ижирганиб ва уҳ тортди.— Мен сенга —«сенинг жонинг асранди»— дегандим, шу гап ҳозир ҳам эсимда, ҳақиқатан шундай, Пётр, сен ўзингдан, худди душмандан қўрққандай қўрқасан...

Ольганинг бу сўзлари Пётрга тегиб кетди.

— Менга жудаям қўпол гап қиялпсан, мен сенга ёш боламанми? Сен бу томонини ҳам бир ўйлаб кўр-чи: мана, сен билан гаплашпман, кўнглимдаги гапни яширмай, ростини айтпман, сендан бошқа ким билан шу хилда гапла-

шай? Наталья биланми? У билан гаплашиб бўлмайди. Баъзан уни ургим келади. Сен бўлсанг... Эҳ сиз хотинлар!..

У шапкасини кийди-да, тўсатдан, зерикиб кетганини сезиб, хотини тўғрисида ўйлаб чиқиб кетди: хотини ҳар кеча пичирлаб ибодат қилгандан кейин, одатдаги эркаланиши билан эрининг ёнига ётадиган бўлса ҳам, Пётр уни сезмас, кўпдан бери эсига ҳам олмасди.

«Билса ҳам, тагин ёпишади. Чўчқа»,— аччиқланиб ўйларди Пётр.

Пётр учун хотини Наталья таниш йўл эди, агарда кўзи кўр бўлиб қолганда ҳам қоқилмасдан юриб ўта олар, унинг тўғрисида ўйлагиси ҳам келмасди. Лекин бутунлай шишиб, юзи қизариб, хунуклашиб кетган креслода умри тугаётган қайнанасининг унга борган сари душманлик назари билан қарай бошлаганини хотирлади: бир вақтлар чиройли, ҳозир эса хиралашган нам кўзлари гўё шикоят қилаётгандай ёш тўқади, қийшайган лаблари қимирласа ҳам, тили гўлдираб соқовланиб, калимага келмай, огзидан чиқиб осилиб қолади, Ульяна Баймакова чалажон чап қўли билан уни жойига солиб қўяди.

«Бу сезади. Унга раҳм қилиш керак», деб ўйлайди Пётр.

Зинаида билан унинг орасида бўлган шармандаликни тўхтатиш учун зўр ирода лозим бўлди. Лекин бу ишдан ўзини тийгач, ип йигирувчи қизнинг сархуш хотиралари ёнида дарҳол қандайдир юракни эзувчи ўйлар пайдо бўлди. Гўё иккинчи Артамонов туғилиб, биринчисининг ёнида тургандай, гўё унинг орқасидан юргандай туюлар эди. Бу кимсанинг тобора ўсиб бораётганини, ҳақиқий Пётр Артамонов қилаётган ва қилиши лозим бўлган ишларга сезиларли даражада халақит бераётганини Пётр пайқар эди. Бу кимса фурсатдан усталик билан фойдаланиб, гўё тўсатдан бурчакдан ҳужум қилган шамолдай, унга алам қиладиган аччиқ фикрларни шивирлар эди;

«Отдай ишлайсан, лекин нима учун? Бутун умрингга етгули тўқсан. Энди ўғлинг ишлаши керак. Ўғлингга бўлган муҳаббатинг орқасида болани ўлдирдинг. Барина ёқиб қолди — бузуқчиликни бошладинг».

Ҳар доим шундай фикр миясида гивирлаган кезларда ҳаёт янада қоронғироқ, зерикарлироқ кўринарди.

Ильянинг қачон кап-катта одам бўлиб келганини отаси алланечук пайқамай қолганди. Пётрни гафлатда қолдирган ҳодиса ёлғиз шугина эмасди: Наталья қизи Еленани

губерна шахридаги бой заргарнинг ўғли — қора мўйловли ўткир йигитга унашиб, эрга бериб қўйганини ҳам Пётр сезмай қолганди. Шунингдек, бошқа воқеалар қаторида, ниқоят қайнанаси ҳам жазирама июнь кунларининг бирида нафаси қайтиб, туш вақтида, жала олдидан ўлди. Уни каравотга олиб ётқизмаслариданоқ жуда яқин жойда ҳаво гулдираб, чақмоқ чақиб, ҳаммани қўрқитиб юборди.

Наталья қўлларини қулоғига яқин обориб:

— Деразаларни, эшикларни беркитинг!— деб қичқирди. Онасининг оёғи унинг қўлидан чиқиб кетиб, полга товони билан дўпилаб тушди.

Хонага баланд бўйли, қадди-басти келишган, енгил кул ранг костюм кийган, буғдой ранг, озгин юзида мўйлови энди сабза урган йигит кирганда Пётр Артамонов, назарида ўз ўғли Ильяни танимагандай бўлди. Гимназистча кўйлак кийган, яғрини кенг, бақалоқ Яков эса кўпроқ отасига ўхшар эди. Ўғиллари одоб билан саломлашиб, ўтиришди.

Отаси конторада у еқдан-оу еқда юриб.

— Мана, бувингиз ҳам ўлди,— деди.

Илья папирос ёндириб, чурқ этмай ўтираверди. Яков эса, ўз овозига ўхшамаган бошқача товуш билан:

— Яхшики каникул вақтида ўлибди, бўлмаса келолмас эдим,— деб қўйди.

Артамонов кичик ўғлининг бемаъни гапини эшитмаганга олиб, Ильянинг юзига диққат билан қаради: унинг афти анча ўзгариб, бетлари тўлишган, пешанаси эса, қорамтир соч толалари ўраб олганидан илгаригидай дўнг кўринмас, кўк кўзлари бир оз чуқурлашган эди. Бу сипо кийинган ўйчан йигитнинг сочини илгари қандай титкилаганини эслаш, Пётр учун алланечук ноқулай ва кулгили туюлар, ҳаттоки шундай қилганига ишонгиси ҳам келмасди. Яков шунчаки ўсган, гавдаси катта бўлганди, холос, аммо илгари қандай бўлса, ўша хомсемизлигича қолганди, кўзлари ҳам қадимгидай чақнаб турарди. Оғзи эса ҳали ҳам ёш боланинг оғзидай кичкина эди.

— Сен яхши ўсибсан, Илья.— Мана энди ишга разм солиб юр, уч йилдан кейин ишга ўзинг бош бўласан,— деди отаси.

Илья чети синдирилган папирос қутисини ўйнаб, отасининг юзига қаради-да.

— Йўқ, ҳали мен ўқийман,— деди.

- Қанча вақт?
- Тўрт, беш йил...
- Уҳу! Нимани ўқимоқчисан?
- Тарихни.

Артамоновга ўглининг папирос чекиши ёқмади, папирос қутиси ҳам ёмон, яхшироғини олиши мумкин эди. Айниқса Ильянинг ўқимоқчи бўлгани ва уйга келиши билан бу ҳақда гапиргани кўпроқ ёқмади. Пётр фабрика томида пишқириб пар чиқараётган ингичка трубани, меҳнат жараёнининг гувиллаган товуши келаётган томонни деразадан ўглига кўрсатиб, мулойимроқ гапиришга, миясига қуйиб қўйишга тиришиб:

— Ана тарих, пишқиришини кўр! Шунини ўрганиш керак. Бизнинг пешанамизга суоп тўқиш ёзилган, тарих эса — бизнинг ишимиз эмас. Ёшим элликка кирди, менинг ўрнимни олишинг керак.

Илья деразадан қўлини чиқариб, папиросининг қулини тўқди-да.

— Мирон олади, Яков ҳам. Мирон инженер бўлади,— деди.

— Мирон жиян, менинг болам эмас,— деб эслатди Пётр.— Хайр, бу тўғрида кейин гаплашамиз...

Болалар туриб, чиқиб кетишди. Отаси ранжиган, ажабланган ҳолда уларни кузатиб қолди. Бу нимаси ахир? Отага айтадиган гаплари йўқми? Беш минут ўтиришди, бири — уйқусираб, эснаб, аҳмоқона гап қилди, иккинчиси — тамакисини тутатиб ўтирди-да, бирпасда ранжитди-қўйди. Ана улар ҳовлидан ўтиб боришяпти. Ильянинг овози эшитилади.

— Юр, дарёни кўриб келамиз.

— Йўқ, чарчадим. Йўл қоқди.

«Дарё қочмайди, эртага ҳам борса бўлади. Натальяга қийин: онаси ўлиб қайғуга ботди, кўмишга тайёргарлик кўраман, деб адойи тамом бўлди».

Пётр Артамонов ўз одати бўйича, таҳликанинг олдини олиш, мумкин қадар тезроқ ва ўзидан нарироқ итариб ташлаш, уни айланиб ўтиш ниятида ўғлига дам олиш учун бир ҳафта муҳлат берди ва шу орада Ильянинг ишчилар билан «сизлаб» гаплашганини, кечалари дарвоза олдида Тихон ва Серафим билан узоқ ўтириб нима тўғрида-дир суҳбатлашганини пайқади; ҳаттоки, деразадан қулоқ солиб, Тихоннинг сўлғин товушини, аҳмоқона сўзларини эшитди:

— Шундай, шундай! Камбағал бўлиб яшаш — ҳеч нимасиз яшаш демакдир. Тўғри, Илья Петрович, агар қизгонилмаса, ҳаммаси ҳаммага етади.

Серафим эса, шодиёна қиқирлаб деди:

— Мен буни биламан! Мен буни аллақачон эшитганман...

Яков ўзини тушунарлироқ тутарди: корпусдан корпусга югуриб юрар, қизларга кулиб боқар, туш пайтида, хотинлар чўмилаётганда отхона томидан дарёга қарарди.

Отаси қовогини солиб ўйланиб қолар эди:

«Буқача — Серафимга айтиб қўйиш керак, қараб юрсин, бирор нарса юқтириб олмаса гўрғайди...»

Сешанба кунини ҳаво булутли, хомуш, тинч эди. Эрталаб бир соатча майдалаб, истар-истамас ёмғир ёғди, чошгоҳда қуёш кўриниб, фабрикага ва икки дарё бир-бирига қўшилган ерга мўралаб, кул ранг булутларнинг ҳурпайган момиги орасига, худди кечалари Наталья қип-қизил юзини пар ёстиқ орасига яширгандек, яшириб олди.

Кечки чош олдида Артамонов Яковдан:

— Аканг қани?— деб сўради.

— Билмадим, адирдаги қарағай остида ўтирган эди.

— Чақир! Йўқ, керак эмас. Қалай, талашмай-уришмай яшайсизми?

Назариди кичик ўғли жавоб қилаётиб, сезилар-сезилмас илжайгандай туюлди:

— Ёмон эмас, иттифоқмиз.

— Ҳар ҳолда? Тўғрисини айт...

Яков, кўзларини ерга тикиб, бир оз ўйлагач:

— Фикрларимиз бир-бирига унчалик тўғри келмайди,— деди.

— Қанақа фикрлар?

— Умуман, ҳар бир масалада.

— Нимада ахир?

— У ҳар бир нарсани китобга қараб муҳокама қилади, мен эса ўз ақлим билан. Қандай кўрсам, шундай тушунаман...

Отаси мукамалроқ сўрашни билмаганидан:

— Шундай,— деб қўя қолди.

Пётр Артамонов парусини пальтосини елкасига ташлаб, Алексей тақдим этган таёқни — дастасига яшилтош чангаллаган кумуш қуш ҳалқа ўрнатилган таёқни қўлига олиб дарвозадан чиқди-да, қафти остидан дарё томонга, қирга

қаради. У ерда, дарахт тагида оқ кўйлак кийган Илья ётарди.

«Бугун қум намроқ. Шамоллаб қолиши мумкин, ўзини эҳтиёт қилишним билмайди».

Пётр шошмасдан, ўғлига айтиши лозим бўлган сўзларнинг салмоғини холисона ўлчаб, сёғи остида қисирлаб синган гиёҳларни босиб-янчиб ўғли томон борди. Илья кўксини ерга бериб, аллақандай қалин китобни ўқимоқда, қўлидаги қалам билан, китоб саҳифаларини тиқиллатмоқда эди. Пётрнинг оёқ товушларини эшитиши билан дарҳол бўйнини буриб, отасини кўрди, саҳифалар орасига қаламини солиб, китобни қаттиқ тапиллатиб ёпди; сўнгра ўтириб олди, қарагайга суяниб, отасининг юзига жилмайиб қаради. Пётр ҳарсиллай-ҳарсиллай, очилиб қолган, ёйсимон букилиб ётган илдиизга ўтирди-да:

«Бугун иш тўғрисида гапирмайман, ҳали вақт бор. Шунчаки гаплашиб ўтирамиз»— деб ўйлади ўзича.

Аммо Илья, тиззаларини қучоқлаб, астагина:

— Мана, ота, мен ўзимни илмга багишламоқчи бўлдим,— деди.

— Багишламоқчи эмиш, попликка багишлагандай,— деди отаси.

Пётр ҳазил тариқасида гапирмоқчи бўлса ҳам, лекин сўзлари хунук, деярли жаҳл устида айтилгандай дағал чиқди, шунинг учун алам қилиб, таёғини қумга урди. Шу ондан бошлаб қандайдир тушуниб бўлмайдиган ўринсиз бир ҳол пайдо бўлди. Ильянинг кўк кўзлари қоронғилашди, қалам қошлари чимирилди, пешанасига тушиб турган сочларини орқага силтаб ташлади-да, ёмон қайсарлик билан деди:

— Мен фабрикант бўлмайман, бу ишга қобилиятим йўқ...

— Тихон худди шундай дейди,— гап қистирди отаси илжайиб.

Илья отасининг сўзларига эътибор бермай, нима учун фабрикант бўлмаслигини, умуман бирон ишга ҳўжайин бўлишни истамаганини тушунтира бошлади. У жуда узоқ — ўн минутча гапирди, Пётр унинг сўзларида баъзан аллақандай тўғри, ҳатто ўзининг ноаниқ фикрларига жавоб берадиган алланима борлигини пайқарди, аммо ўғли умуман ўйламасдан, ёш боладай гапираётганини сезди.

Ўғлининг оёғи остидаги қумни ҳассаси билан туртиб:

— Тўхта! Тўхта, ундай эмас. Бу бемаъни гап. Коман-

да керак. Команда бўлмаса халқ яшай олмайди. Манфаат бўлмаса ҳеч ким ишламайди. Ҳар доим: «Менга нима фойда?» дейлади. Ҳамма нарса шу урчуқ атрофида айланади. Қара, қанча мақоллар бор: «Қудам таъмагир бўлмаса авлиё бўлар эди». Ёки: «Авлиё ҳам фойда кўриш умидида ибодат қилади». «Машина жонсиз бўлса ҳам ёғ тилайди» дейлади.

Пётр ҳовлиқмасдан, тегишли мақолларни хотирлаб, уларнинг ҳикматлари билан сўзларини қуюқ мойлаб гапирар эди. Сўзларни қийналмасдан, осонгина топиб, хотиржам гапириши ўзига жуда ёқар, суҳбатнинг яхши тугалишига ишонарди. Уғли индамасдан, қумни кафтидан-кафтига қўйиб, ундаги саргиш игна барглари ажратиб олиб, кафтидан пуфлаб туширар эди. Лекин у ҳам тўсатдан отасидай совуққонлик билан:

— Бу мақолларнинг биронтаси ҳам мени қаноатлантирмайди. Бу ҳикматлар билан бундан буёқ яшаб бўлмайди,— деди.

Катта Артамонов таёғига суяниб ўрнидан турганда, ўғли унга ердан бермади.

— Яхши. Демак, отангнинг гапи ҳақиқатга тўғри келмайди, шундайми?

— Бошқа ҳақиқат бор.

— Ёлғон айтасан. Бошқа ҳақиқат йўқ.

Таёғини силтаб фабрика томони кўрсатди:

— Ана ҳақиқат! Сенинг буванг бошлаган, мен бутун умримни шунга сарф қилдим, энди навбат — сенга! Шундан бошқа гап йўқ. Хўш, нима қилмоқчисан? Биз ишладик, сен ўйнаб юрмоқчимисан? Бировнинг меҳнати орқасида ҳақгўй бўлиб яшамоқчимисан? Чакки ўйлагансан! Тарих! Сен тарихга тупур. Тарих қиз эмас, унга уйланиб бўлмайди. Тарих, тарих — бу қанақа аҳмоқона сўз? Унинг нима кераги бор? Яқовлик қилишингга асло йўл қўймайман...

Пётр Артамонов ҳаддан зиёд аччиқланиб гапираётганини пайқаб қолди-да, сўзларининг таъсирини юмшатмоқчи бўлди.

— Мен тушунаман, сенинг Москвада тургинг келади, у ерда турмуш хурсандлик билан ўтади. Мана, Алексей ҳам...

Илья китобини ердан олди-да, унга ёпишган қумларни пуфлаб:

— Ўқишга рухсат беринг,— деди.

— Рухсат бермайман!— деб қичқирди отаси таёғини қумга санчиб.— Сўрама ҳам!

Илья ҳам ўрнидан турди-да, кўзлари бўзариб, отасининг елкаси оша қараб, овозини балаңдлатмасдан:

— Ундай бўлса, ижозатсиз иш кўришга тўғри келади,— деди.

— Ҳаддинг йўқ!

— Инсон ўз истагича яшаши керак, унга тўсқинлик қилиш мумкин эмас,— деди Илья бош силкиб.

— Инсон? Сен менинг ўғлимсан, инсон эмассан. Сен қанақа инсонсан? Туриш-турмушинг ҳаммаси меники.

Бу сўзлар негадир ўз-ўзидан чиқиб кетди, буни гапирмаслик керак эди. Шунинг учун товушини пасайтириб, бошини чайқай-чайқай, таъна қилиб деди:

— Сенга қилган шунчалик ғамхўрлигим оқибати шу бўлдимиз? Эй, аҳмоқ...

Ильянинг қизарганини, қалтираган қўлларини яширмоқчи — шимининг чўнтагига суқмоқчи бўлганини, қўллари эса чўнтагини тополмаётганини Пётр кўрди. Углининг қандайдир ортиқча, балки тузатиб бўлмайдиган бир сўз айтиб юборишидан қўрқиб ўзи гап бошлади:

— Сенинг учун мен одам ўлдирганман... Балки...

Артамонов биринчи сўзларни айтгач, дарҳол фаҳмадики, болага шундай қалтис дақиқада, яъни отасини сира ҳам тушунгиси келмаган пайтда бундай сўзларни айтиш мумкин эмас, шунинг учун «балки» сўзини қўшган эди.

«Қайси одамни ўлдиргансиз?» деб ҳозир сўраб қолса керак, деган фикрга бориб, қирдан пастга томон сурилувчи қумда бир қадам қўяр-қўймас ўғли орқасидан бақириб қолди:

— Сиз фақат битта одамни ўлдирмагансиз, фабрика ўлдирган одамлар ҳув ана, қабристон тўлиб кетган.

Артамонов тўхтаб, орқасига қаради. Илья қўлини чўзиб, қўлидаги китоб билан кул ранг уфқдаги қабристон крестларини кўрсатар эди. Пётрнинг оёғи остида қумлар шитирларди. Артамонов бундан бир неча минут олдин фабрика ва гўристон ҳақида қандайдир бир ранжитарли сўз эшитганини хотирлади. Беҳосдан огзидан чиқиб кетган гапни хаспўшлагиси келди: қандай бўлмасин, ўғли бу гапни унутиши керак; шунинг учун Ильянинг устига айиқдек бостириб борди ва уни қўрқитмоқчи бўлиб ҳасса ўқталди:

— Сен нима дединг, аблаҳ?

Илья дарахт орқасига яширинди.

— Эс-хушингизни йигинг! Сизга нима бўлди?

Отаси ҳасса билан дарахт танасига шундай урдик, ҳасса синиб кетди, унинг қўлда қолган қисмини ўғлининг оёғи остига отди — яшил тош қадалган даста томони сиртда қолиб, синган томони билан қийшайиб қумга санчилди.

— Халажой тозалашга мажбур қиламан!— деб ўдагайлади Пётр Артамонов.

Шундан кейин бурилди-да, бу ердан тез узоқлашди; йўл-йўлакай гандираклар бораркан, қайғу ва ғазаб ичида мияси говлаганини, чигал арқоқлар орасида туртинган мокидай гангиб қолганини сезди.

«Ҳайдайман. Муҳтожлик — қайтишга мажбур қилади. Ушанда халажой тозалатаман. Ҳа, аҳмоқлик қилма!» деб тез айланадиган ўйлар орасидан қисқа-қисқа фикрларни ажратар ва айни замонда ўзини кераклича яхши тутолмаганини, аламини ҳаддан ошириб, тутоқтириб юборганини гира-шира тушунар эди.

Ока дарёси лабига тушди-да, чарчаган ҳолда жар ёқасига утириб, юзининг дарёнинг эртли тоёғи қарай бошлади. Кичкина ва саёз кўлмак сувда майда-майда балиқлар, худди пўлат игна сингари сувни тешиб, у ёқдан-бу ёққа сузиб ўтишарди. Кейин қанотларини ёйиб леш балиғи келди, бирпас сузгач, ёнига ағдарилиб, қип-қизил кўзлари билан хира осмонга бир қараб қўйди-да, сувда ҳалқа-ҳалқа йилтироқ доира чиза бошлади.

Артамонов балиққа бармоғини ўқталиб, товуш чиқариб:

— Тақдирингни ўзим ҳал қиламан!— деди.

Бироқ сўзларида қалбакилик борлигини сезиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради. Дарёнинг тинч оқими жаҳлини тобора ювиб, таскин берар, илиқ ҳавони қамраб олган сирли сукунат эса ҳайрон қоларли даражада ғалати фикрлар уйғотар эди. Ҳаммасидан ғалатиси шу эдики, йигирма йил узлуксиз ҳаяжонланиб ўйлаган, севган ўгли тўсатдан, бир неча минут ичида кўнглида аччиқ дард қолдириб, сурғилиб чиқди-кетди. Артамонов бутун йигирма йил давомида, ҳар куни фақат шу ўгли тўғрисида ўйлаганига ундан умидвор бўлиб, фақат уни севиб, Ильядан аллақандай фавқулудда ишлар кутиб яшаганига қаттиқ ишонган эди.

«Худди гугуртдай лоп этиб ёнди-ю, йўқ бўлди! Бу қандай кўргилик?»— деб ўйларди Артамонов.

Бўзарган осмон сал-пал қизарди, унинг бир ерида, худди эскирган мовутдаги ёғ догига ўхшаш йилтироқ хол пай-

до бўлди. Кейин майишган ой мўраллади; ҳаво совиди, рутубат кўтарилди; дарё устида енгил тутун каби туман суза бошлади.

Артамонов уйга келганда, хотини ечиниб, чап оёгини ўнг оёгининг думалоқ тиззасига қўйиб, юзини буриштириб, тирногини олмоқда эди. Кўз қирида эрига қараб:

— Ильяни қаёққа юбординг?— деб сўради.

Артамонов ечнар экан:

— Жаҳаннамга,— деб жавоб берди.

— Ҳаҳмон жаҳлингдан тушмайсан,— деди Наталья уҳ тортиб; эри индамади, жўрттага пишиллаб, бурнини тортиб ивирсийверди. Ёмғир дераза ойналарини юва бошлади, бог ичини шитир-шитир ёмғир товуши босиб кетди.

— Илья ўқишга берилиб, жудаям такаббур бўлиб кетибди.

— Онаси аҳмоқ-да!

Наталья бурни билан чуқур нафас олди-да, чўқиниб ўрнига ётди, Пётр эса ечинаётиб уни ранжитар ва бундан лаззатланарди:

— Қўлингдан нима келади? Ҳеч нима. Болаларинг сендан қўрқмайди. Уларга қандай таълим бергансан? Қўлингдан биргина иш келади: овқат ейиш ва ухлаш. Афт-башарангни ёглаш ҳам...

Хотини ёстиққа ёпишиб олиб деди:

— Ким уларни мактабга берди? Мен айтган эдим-ку...

— Жим!

Никита эккан черёмуханнинг баргларини ёмғир томчилари борган сари қаттиқроқ савалашини тинглаб, Пётр ҳам жим бўлди.

«Букур ҳиссанинг яхшисини танлаб олган экан! На болалари бор, на иши. Асаларилар. Менга қолса, асалари боқмас эдим, ҳар ким хоҳласа ўзи асал топиб есин!»

Наталья, гўё музда ётгандай, эҳтиёт билан ағдарилди, иссиқ бетини эрининг елкасига астагина тегизди-да:

— Илья билан уришдингми?— деб сўради.

Уғли билан бўлган ҳодисани айтишга уялиб:

— Болалар билан уришилмайди, уларни койилади,— тўнгиллаб қўйди Пётр.

— У шаҳарга кетди.

— Қайтиб келади. Ҳеч қаерда текин овқат йўқ. Мухтожликнинг мазасини татиб кўрадию, қайтиб келади. Ухла, менга халақит берма!

Бирпасдан кейин:

— Энди Яков ўқимаса ҳам бўлади,— деди.

Яна бирпасдан кейин:

— Индинга ярмаркага кетаман. Эшитяпсанми?

— Эшитяпман.

Артамонов кўзини юмса ҳам, хаёли ўғлининг дўнг пешанали юзини кўриб, алам қиладиган даражада унинг кўзлари чакнаганини хотирлаб ўйлай бошлади: «Нима бўлди-я? Отасига худди мардикорга муомала қилгандай жавоб берди-я, аблаҳ! Гадойни жеркигандай жеркиб, итариб ташлади-я...»

Ота-боланинг алоқаси тушуниб бўлмайдиган даражада тез узилгани Пётрни ҳайрон қолдирар, гўё Илья кўпдан бериёқ ажрашмоқчи бўлиб юргандай эди. Лекин уни бу ишга нима мажбур қилди экан? Ильянинг кескин, таҳқирловчи сўзларини хотирлаб, Артамонов ўйларди:

«Уни Мирошка кўпроқ йўлдан оздирган бўлса керак. Одам учун иш зарарли, деган фикр — Тихонники. Аҳмоқ, вой аҳмоқ! Кимнинг гапига қулоқ солган-а? Бу киши ташлаб ўқиди: «Имани ўқиган экан? Ишчиларга ачинади, отасига ачинмайди. Четга қочиб олиб, ўзининг ҳақгўйлигини кўрсатмоқчи бўлади».

Бу ўйлар таъсирида Ильяга бўлган алами беш баттар тутокиб кетди.

«Йўқ, бекор айтибсан, қочиб қутулмайсан!»

Шу орада ўзини четга, хилватга олиб қочган Никитани хотирлади.

«Ҳаммалари мени ишга қўшиб, ўзлари эса қочиш-япти».

Лекин шу заҳоти Артамонов ўз хатосини сезиб қолди: «Йўқ, бу тўғри эмас, мана Алексей, қочгани йўқ-ку, отамга ўхшаб у ҳам ишни яхши кўради. Бу — очкўз, тўймас очкўз, унинг ҳамма иши ўнғай, содда». Пётр бир куни, фабрикадаги мастлар мушглашишидан кейин укасига айтган сўзини хотирлади:

— Халқ бузилиб кетяпти.

Алексей унинг сўзини маъқуллаб:

— Сезилиб турибди,— деган эди.

— Кимни кўрсанг, нимадандир газабланади, холос.

Гўё ҳамма одам бир жуфт кўз билан қараётгандай...

Алексей унинг бу сўзига ҳам қўшилиб жилмайди:

— Бу ҳам тўғри. Баъзан Тихоннинг ҳам отамга шундай қараганини эслайман. Эсингда борми: сенинг тўйингда

отамнинг солдатлар билан курашгани? Кейин Тихон ҳам ўрнидан туриб курашган эди. Эсингдами?

— Э, Тихон нима деган нарса! У худо яратганича қолган. Шу орада Алексей жиддий тус олиб:

— Одамлар бузиляпти, бузиляпти — деб кўпроқ гапирадиган бўлиб қолдинг. Лекин бу — бизнинг ишимиз эмас, бу попларнинг, муаллимларнинг, яна ким эди ҳалиги? Табибларнинг, маъмурларнинг иши. Халқ бузилмаслиги учун улар назорат қилиши лозим, халқ уларнинг моли, сен билан биз фақат харидормиз. Ҳамма нарса аста-секин бузилаверади. Мана, сен ҳам қаримоқдасан, мен ҳам. Лекин шунга қарамай сен бирон қизга: ҳой қиз, яшашга қизиқма, кампир бўлиб қоласан! — деб айтмайсан-ку.

«Ақлли, шайтон! Жуда ҳам ақлли» деб ўйлар эди катта Артамонов.

Укасининг аллақандай янги мақоллар, қочирӣқ сўзлар билан безатилган ўктам нутқини тинглар экан, унинг тетиклигига ҳавас қилар эди. Пётр яна Никитани хотирлади, отаси букурга юпатувчилик вазифасини юклаганди, бироқ у аҳмоқлик қилиб, хотин масаласида хатога кетди, мана энди — у йўқ.

Катта Артамонов бу ёмғирли тунда жуда кўп нарсаларни ўйлаб чиқди. Унинг аччиқ хаёллари ичига яна қандайдир бошқа, ёт фикрлар тутундай буралиб-суқилиб кирай ва бу фикрларни гўё қоронғида шитирлаган ёмғир қулоғига шивирлаётгандай бўлиб, ўзини оқлаш учун Пётрга халақит берар эди.

— Менинг нима айбим бор? — деб Пётр кимдандир сўрар ва жавоб тополмаса ҳам, бу савол ўринли эканини тушунарди. Тонг отишига яқин, тўсатдан монастирга, укасининг олдига бориб келишга жазм қилди; балки у ерда, васваса ва ҳаяжонлардан узоқда яшаган кишидан бирон тасалли топарман ёки бирор қатъий сўз эшитарман, деб ўйлади.

Лекин бир жуфт почта оти қўшилган аравада силкиниб, дала йўллари билан монастирга яқинлашар экан:

«Бурчакда туриш — оддий иш, йўқ, сен кўчада югуриб кўр! Ертўлада бодринг ҳам бузилмайди, қуёшда эса дарҳол чирийди» деб ўйларди.

Укасини кўрмаганига тўрт йил бўлди. Никита билан сўнги марта кўришиши совуқ ва зерикарли ўтганди. Пётрнинг назарида букур, акаси келганига норозидай, хижолат

чеккандай кўрингани. Никита қисилиб-қимтииб нуқул ўнғайсиэланар, худди чиғаноғига яширинмоқчи бўлган шиллиқ қуртдай жунжикиб типирчилар эди. У на худо, на ўзи ва на туғишганлари тўғрисида гапирмасдан, фақат монастирнинг эҳтиёжлари, зиёратчилар, халқнинг камбағаллиги ҳақида гинғиллаб ҳасрат қилар, ўшанда ҳам истаристамас ўзини зўрлаб гапирар эди. Пётр пул бермоқчи бўлганда парвосиэлик билан астагина:

— Монастирь назоратчисига бер, менга керак эмас,— деганди.

Барча монахларнинг Никодим ҳазратга эҳтиром билан қарашлари очиқ сезилар эди. Монастирь назоратчиси эса қотмадан келган, соч-соқоли ўсиб кетган, бир қулоғи кар, жудаям новча бўлиб, поп жуббаси кийган девга ўхшарди. Қоп-қора кўзлари билан Пётрнинг юзига ёмон тикилиб, ҳаддан зиёд баланд товуш билан:

— Никодим ҳазрат бизнинг фақир кулбамизнинг бе-заги,— деганди.

Монастирь пастгина тепа устида, танаси жез тусли қарагаилар орасида, уларнинг эса қорқинида яшвириган товуши билан Артамоновни қарши олди. Ниҳоятда новча. холадай қаққайган, калласи ёш боланинг бошидай кичкинагина, мижиғланган, ранги ўнган тақияли дарвозабон дарвозани очди-да, дудуқланиб ва энтикиб:

— М-м-м-а-а-р... ҳамат...— деб фўлдирди-да, бирданига ҳуштак аралаш тамомлади:

— К-к-кел-синлар.

Кўм-кўк булут осмоннинг ярмини қоплаб, монастирь устида муаллақ турарди, атрофдаги жамки нарсани аллақандай оғир диққинафаслик босиб қолган, қўнғироқ садолари уни тебратишдан ожиз эди.

Пётр Никитага олиб келган яшикдаги совғаларни меҳмонхона ходими аравадан олмоқчи бўлиб уриниб кўрди-да, гуноҳкордек:

— Бир одам кўтаролмас экан,— деб кичкина мушти билан яшикни уриб қўйди.

Уст-боши чанг босган, чарчаган Пётр аста-аста юриб, укасининг кулбасига — боғ ичига, олма ва олча дарахтлари орасига яширинган оппоқ ҳужраси томон йўл олди; лекин бу ерга бекор келганини, ярмаркага боргани маъқуллигини йўл-йўлакай ўйлаб борди. Дарахт илдизлари чирмашиб ётган, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган ўрмон йўли унинг бутун қайгули ўйларини аралаштириб, қориштириб юборган,

уларнинг ўрнига соғиниш ҳиссини, дам олиш, борлиқни унутиш истагини уйғотган эди.

«Мириқиб вақтчоғлик қилиш керак эди-да!»

Пётр скамейкада ўтирган укасини кўрди; скамейка атрофини ёш арғувон дарахтлари ярим доира шаклида ўраб олганди. Унинг олдида, худди аллақайси таниш суратдагидай, ўн чоғли зиёратчилар ўтиришарди: парусин пальто кийган, бир оёғини латта билан боғлаб, резинка ботинкага суққан қора соқолли савдогар; бичилган саррофга ўхшаш семиз чол; солдатча шинель кийган, узун сочли, дўнг ёноқли, балиқ кўзли йигит; дремоволик безори, пианиста новвой Мурзин худди суд олдида турган ўғридай қаққайиб турар ва хириллаган товуш билан:

— Тўғри, худо узоқда,— дерди.

Никита эса одамларга қарамасдан, топталган ерни оппоқ ҳассаси билан чизиб, насихат қиларди:

— Одамзод қанчалик тубанлашса, парвардигор шунчалик ундан узоқлашади, гуноҳлар ичра чириб бадбўй ҳид тарқатишимиздан қочади.

Катта Артамонов хаёлан жилмайиб:

«Тасалли беряпти» деб ўйлади.

— Худо кўрадики, биз эътиқод қиламизу, бироқ савоб ишга қўл урмаймиз; бундай қуруқ эътиқоднинг унга нима кераги бор? Қани бизнинг бир-биримизга ёрдамимиз, муҳаббатимиз? Биз ибодат маҳалида худодан нимани сўраймиз? Арзимаган нарсаларни. Ибодат қилиш лозим, лекин...

У бошини кўтарди ва акасининг оёғидан то бошигача бирпас индамай қараб қолди-да, гўё оғир нарсани кўтаргандек, бировни урмоқчи бўлгандек ҳассасини секингина кўтарди. Сўнг ўрнидан туриб, бошини оҳиста энгаштириб одамларни чўқинтирди, бироқ дуо қилиш ўрнига:

— Мана, менинг олдимга акам келибди,— деди.

Сочсиз чол мис кўзларини бақрайтириб, Пётрга ёмон қаради ва гаши келганидан жўрттага қулочларини кенг ёйиб чўқинди.

— Боринглар, худо ёр бўлсин,— деди Никита.

Одамлар, худди подадан қайтган молдай, тарқалишди. Чол оёғи оғриқ савдогарни қўлтиқлаб олди, новвой Мурзин унинг иккинчи қўлигига кирди.

— Салом, Никита, мени ҳам чўқинтир,— деди Пётр.

Никодим ҳазрат, акасининг жуфтлаб узатилган қўлларини, қора жуббасининг қанот сингарни осилиб қолган энг-

лари ичидаги қўллари билан четга суриб, астагина севинч-сиз:

— Кутмаган эдим,— деди.

Ҳассаси билан ҳужра тарафга ишора қилди-да, акасининг олдига тушиб, туртина-суртина қийшиқ оёқларини тайпонглашиб, бир қўлини кўкрагига, юраги устига қўйган ҳолда бораверди.

Пётр уялгансимон:

— Қартайиб қолибсан,— деди.

— Шунинг учун яшаймиз-да. Оёқларим огрийдиган бўлиб қолди, жойимиз захроқ.

Никита илгаригисидан ҳам кўпроқ букчайган кўринарди; елкаси ва ўнг кифти бир оз кўтарилиб, гавдасини ерга букиб, бўйини пасайтириб, чорпахилроқ қилиб кўрсатар эди. Букур монах боши узилган ўргимчакка ўхшарди; мана, шагал тўкилган йўлда сўқир кишидай, қинғир-қийшиқ ўрмалаб бормоқда. Торгина, озода ҳужрада Никодим ҳазрат каттароқ кўринса ҳам илгаригисига қараганда кўрқинчлироқ эди. Бешидан монах қолловини олгандан кейин, унинг ўликниқига ўхшаган, гўё териси йўқдек, ярим яланғоч калла суяги хира йилтираб кўринди, чаккаларида, қулоқ орқаларида, энса томонида кул ранг тусли калта-култа соч толалари осилиб қолди. Юзи ҳам қоқ суякдан иборат, мумга ўхшарди; юзидаги барча суякларда эт етишмасди; нурсиз кўзлари юзини ёритмас, кўз қарашлари эса бутун диққат-эътиборини каттакош, лекин сўлиган бурнининг учига тўплагандек эди; қуриган лабларининг қорамтир бахяси бурни устида унсиз қимирлаб турарди; оғзи баттар катталашиб, ўпирилган ўрага ўхшаб, юзини иккига ажратиб қўйганди; устки лабидаги кул ранг пўпанакка ўхшаш мўйлар айниқса хунук, ёқимсиз эди.

Монах, гўё бир нарсага қулоқ солгандай, сўзларни қийналиб хотирлаётгандай, ҳаммомчига ўхшаш лўппи юзли хизматкор йигитчага:

— Самовар. Нон. Асал,— деди.

— Мунча секин гапирасан?

— Тишларим уваланиб тушиб кетди.

Монах стол ёнига, бўёқ билан бўялган ёғоч курсига ўтирди-да:

— Яхши турибсизларми?— деб сўради.

— Ёмон эмас.

— Тихон тирикми?

— Тирик, унга нима бўлар эди?

— Менинг олдимга кўп вақтдан бери келгани йўқ.

Жим бўлдилар. Никита қўлларини қимирлатиб жуббасини шитирлатар, бу суваракча шитирлаш Пётрни баттар зериктирарди.

— Мен сенга совга олиб келдим. Айтгин, яшикни олиб кирсин. Унинг ичида вино бор. Бу ерда вино ичиш мумкинми?

Укаси уҳ тортиб, жавоб берди:

— Бизда унча қаттиқ тергашмайди. Бизда аҳвол оғир. Халқ кўпроқ кела бошлагандан бери ҳатто пиянисталар ҳам пайдо бўлиб қолди. Ичишади. Монахлар ҳам одам.

— Сенинг олдингга кўп одамлар келади деб эшитдим, шундайми?

— Бу бефаросатликдан,— деди монах.— Ҳа, келишади. Айланиб юришади. Ҳақиқатни излашади, ҳақгўйни қидиришади. Қандай яшаш керак, деб йўл-йўриқ сўрашади. Яшаб кўрдилар, пироварди оқибат — мана... Яшашни билмаймиз. Сабр-тоқат йўқ.

Монахнинг сўзи безовта қилаётганини сезиб, катта Артамонов:

— Тўқликка шўхлик, крепостнойликка чидаган халқ эркинликка чиқмайди! Тузукроқ нўхталанмаган-да,— деб тўнгилади.

Никита индамади.

— Хўжайинлар даврида халқ бекор юрмас, дайдилик қилмас эди.

Букур унга қия боқиб, яна кўзларини ерга тикди.

Улар токи хизматкор самовар, хушбўй аргувон асали, хамиртуруш ҳиди таратган иссиқ нон келтиргунча, сўз топишга қийналиб, суҳбат орасида дам-бадам узоқ тўхталиб, ундан-бундан гаплашиб ўтиришди. Малла сочли хизматкор яшик қопқоғини очишда ношудлик қилиб полда роса ивирсиганини диққат билан кузатишди. Пётр бир банка балиқ тухуми билан икки шиша винони столга қўйди.

Никита шишадаги ёзувни ўқиб:

— Портвейн. Бу винони монастырь назоратчиси яхши кўради. Ақлли одам, кўп нарсани тушунади,— деди.

Пётр киноя қилгандай:

— Мен эса оз тушунаман,— деб иқрор бўлди.

— Сен ҳам керагича тушунасан; ортигининг нима кераги бор? Керагидан ортигини тушуниш — зиён.

Монах секин уҳ тортиб қўйди. Унинг сўзларида аллақандай дард-алам борлигини сизди Пётр. Никитаниң

жуббаси бурчакдаги шамчиरोқнинг ғира-шира ёруғида ва стол устидаги сариқ шишали арзон лампанинг заиф шуъласида ёг сингари товланиб йилтирарди. Пётр, рюмкадаги мадера виносини укаси қандай ютоқиб шимирганини пайқаб, ичдан кулиб:

«Мазасини балодай тушунади» деб қўйди.

Никита ҳар сафар, рюмкадаги винони ичгач, оппоқ бармоқлари билан ноннинг юмшоқ жойидан чимдиб оларди-да, асалга ботириб, шошмасдан чайнарди; худди битта-лаб юлиб ташланганга ўхшаш кул ранг соқоли селкиллаб турарди. Вино монахни маст қилгани заррача сезилмади, лекин шира босган кўзлари бир оз ёришган бўлса ҳам, назар солиб қараши қадимгисича бурни учига қаратилган ҳолда қолаверди. Пётр жуда эҳтиёт бўлиб ичар, укасига маст кўрингиси келмас, ўзича ўйларди:

«Натальяни сўрамайди. Утган сафар ҳам сўрамаган эди. Уялади. Ҳеч кимни сўрамайди. Улар — бу дунё одамлари. Ўзи эса — охират киши, тақводор. Уни одамлар излайди».

Пётр шундан соқолини жилеткасига шитирлатиб суйкади-да, қулогини чўзиб:

— Сен бу ерга боплаб яширишиб олгансан. Жуда яхши,— деди.

— Илгари яхши эди, ҳозир ёмонроқ: зиёратчилар кўп. Уларни қабул қилиш...

Пётр илжайди:

— Қабул қилиш? Худди тиш докторларидай.

Монах рюмкаларга эҳтиётлик билан вино қуяр экан:

— Бирон хилватроқ жойга кўчмоқчиман,— деди.

— Тинчроқ жойга,— деб монахнинг сўзига қўшимча қилди-да Пётр, яна илжайди. Монах эса винони шимириб, қорамтир латтадай тили билан лабларини ялади ва қоқ суяк калласини чайқаб сўзга киришди:

— Бесаранжом бўлган одамлар сони сезиларли даражада ортмоқда. Ғам-гуссадан қочмоқчи, яширинмоқчи бўладилар...

Пётр ёлғон гапираётганини билиб турса ҳам:

— Мен буни пайқамадим,— деб қўйди. Аслида эса: «Сен қочиб, яшириндинг» дегиси келарди.

— Ғам-ташвиш улар орқасидан кўланкадай қувади...

Пётрнинг тилига танбеҳ сўзлари ўз-ўзидан келаверди; укаси билан тортишгиси, ҳатто унга ўшқиргиси келди, ўғ-

ли тўғрисида ўйлар экан, жаҳл билан овозини баландлатиб:

— Одамзод ўзи ғам-ташвиш излайди, ўзи муҳтожликни хоҳлайди! Ўз ишингни қил, ақлинг билан мақтанма — тинчгина умр кечирасан,— деди.

Укаси ўз ўйлари билан мияси ғовлаб, акасининг гапини эшитмаган бўлса керак, худди уйқудан уйғонаётган одамдек, тўсатдан чорқирра гавдасини силкиди, эгнидаги жуббаси қорайган сувдай мавжланиб кетди; у ҳам лабларини қийшайтириб, жуда аниқ қилиб, гўё жаҳли чиққандай сўз бошлади:

— Келадилар, ўргат, таълим бер, деб ялинадилар. Мен нима биламан? Нимани ўргатишим мумкин? Мен доно эмасман. Мени бу қадар кўтариб юборган одам — монастырь назоратчиси. Мен бўлсам нотўғри ҳукм қилинган кишидай, ҳеч нарса билмайман. Устимдан ҳукм чиқариб: ўргат!— деб буюрдилар. Нима сабабдан бундай ҳукм чиқардилар?

«Шама қияпти. Шикоят қилмоқчи» деб тушунди катта Артамонов.

Никитанинг ўз тақдирдан нолишига сабаб борлигини Пётр тушунар, ўтган сафар келганида ҳам унинг нолишини кутган эди. Қулогини чўзиб, жиддий оҳангда укасини огоҳлантирди:

— Кўплар тақдирдан нолийди, лекин бунинг фойдаси йўқ.

Букур бурчакдаги шамчироқни нишонга олгандай тикилиб туриб:

— Шундай; тақдирдан рози бўлган одамлар кўринмайди,— деб қўйди.

— Сенга раҳматли падаримиз: «Юпат, юпатувчи бўл!» деб васият қилган эди.

Никита оғзининг танобини қочириб илжайди, кул ранг соқолини кафтига тўплаб, шу билан ўз кулгисини супуриб ташлади-да, Пётрни қизиқтирадиган, кўнглини безовта қилиб, сергак тутадиган сўзларни қоронғиликка соча бошлади.

— Бу ердагилар мени одамларга доно қилиб кўрсатишга, ўзимни ҳам шунга ишонтиришга уринадилар. Бу албатта, монастырь фойдаси учун, одамларни жалб этиш учун керак. Аммо бу вазифа мен учун оғир. Ака, бу жиддий иш. Ахир, одамларни нима билан овутай? Сабр қилинг дейман. Ўзим эса ҳамманинг сабри тугаганини кўриб туриб-

ман. Умид қилинг, дейман. Лекин нимадан умид қилсинлар? Худодан тасалли топмайдилар. Бу ерда бир новвой юрибди...

Катта Артамонов ниманидир ўзидан узоқлаштирмоқчи, итариб ташламоқчи бўлгандай:

— У бизнинг Мурзин, пианиста,— деди.

— У ўзини худодан устун қўлди; унинг наъзиди худо оламга эгалик қилмас эмиш. Ҳозир мунақа сурбетлар оз эмас. Бу ерда яна бир кўса юрибди, пайқадингми? У — ёвуз одам, бутун оламнинг душмани. Келадилар-да, қийнайверадилар. Уларга нима ҳам дейсан? Улар йўлдан оздириш учун келадилар.

Монах борган сари тетикланиб гапирар эди. Пётр, илгариги келганида укаси қай ҳолдалигини хотирлаб, Никитанинг кўзлари илгаригидай гуноҳқорона пирпираб очилиб-юмилмаслигини пайқади. Илгари букурнинг ўз гуноҳини сезиши Пётрга ором берар эди, чунки гуноҳқорнинг шикоят қилишга ҳаққи йўқ. Энди эса шикоят қилади, хотирини айблайди, дейди. Катта Артамонов эса укасининг:

«Мени сен кесиб юборгансан!» дейишидан кўрқади.

Пётр қошини чимириб, соатнинг занжирини ўйнаб, ўзини мудофаа этиш учун сўз қидиради.

Букур шикоят қилаётганига ўзи зимдан қаноат ҳосил этгап кўринади:

— Шундай. Одамлар ҳадеб шилқимлик қилишади, уларнинг фикрлари шаллақи. Яқинда бу ерда бир оз мияси айниган, ваҳимага тушиб қолган ёшгина бир олим икки ҳафтача яшади. Назоратчи менга: «Ўз содалигинг, камтарлигинг билан уни ҳушига келтир, сен унга ундог дегин, бундог дегин» деб ўргатди. Мен эса бировнинг фикрларини хотирлаёлмайман. Ўша олим соатлаб гапиравериб роса асабларимни бузди; фикри у ёқда турсин, ҳатто сўзларига ҳам тушунмадим. Иблисни, дейди, бизнинг танимизнинг эгаси дейиш мумкин эмас, чунки бу икки худога сифиниш ҳамда гуноҳларимиз афвини сўровчи Исо танини ҳақорат этиш бўладиким, биз мазкур муборак тан ила ўзимизни пок айблаймиз»,— дейди. Худога тил теккизиб: «Майли. худо шохли бўлса ҳам, битта бўлиши керак, йўқса, яшаб бўлмайди»,— дейди. У мени шундай қийнадики, ҳазрати Фёдорнинг таълимотини бутунлай унутиб: «Сенинг танинг — қабоҳат, руҳинг эса — ҳалокат»,— дея қичқириб юбордим. Кейин мени назоратчи: «Сенга нима бўлди, қа-

ёқдаги бемаъни куйфрона гапни гапириб юрибсан?»— деб койиди. Мана шундай.

Пётрга укасининг гаплари кулгили туюлди, у Никитани ночор ҳолда кўриб бир қадар тинчланди-да:

— Худо тўғрисида гапириш қийин,— деб қўйди.

— Қийин,— Никодим ҳазрат акасининг сўзига қўшилди ва тилёгламалик билан сўради:— Эсингда борми, отамизнинг бизга: «Биз — қора ишчилармиз, биз учун бу ҳикмат баландлик қилади» дегани?

— Эсимда бор.

— Шундай. Фёдор ҳазрат: «Китоб ўқи» деб уқтиради доим. Мен ўқийман; китоб эса мен учун худди узоқдаги ўрмондай, тушуниб бўлмайдиган овоз билан шовиллайди. Китоб бугунги кунга жавоб бермайди. Ҳозир шундай фикрлар тугилганки, уларни китоб билан енгиб бўлмайди. Ҳамма ёқда сектантлар пайдо бўлди. Одамлар худди тушини гапираётганга ўхшаб ёки мастликдан энди ўзига келган пиянистага ўхшаб фикр юритишади. Мана, ҳалиги Мурзин...

Монах портвейн ичиб, нон чайнади, сўнгра нон магизидан соққача ясаб, бармоғи билан стол устида у ёқдан-бу ёққа думалатаркан, давом этди:

— Фёдор ҳазрат: «Ҳамма бало — ақлда, иблис ақлни қопонгич итдай олқишлайди, жиғига тегади, ит эса ҳаммага акиллайверади»,— дейди. Балки бу тўғридир, лекин бунга рози бўлиш қийин — алам қилади. Бу ерда бир доктор бор, ўзи содда, қувноқ одам; у бошқача ўйлайди: «Ақл — бола, унга ҳар бир нарса — ўйинчоқ, ҳаммаси қизиқ, у ҳар бир нарсанинг қандай тузилганини кўрмоқчи бўлади, ичида нима борлигини билмоқчи бўлади. Албатта, синдириши ҳам табиий»,— дейди.

— Сен хавфли гапларни айтяпсан,— деди Пётр. Укасининг сўзлари яна ваҳимали тарзда уни турткилаб тебратар, кутилмаганлиги, ўткирлиги билан ҳайрон қолдирар, чўчитар эди. У Никитани яна эзиб-янчгиси, таҳқирлагиси келди-да:

«Монах тўйганга, маст бўлганга ўхшайди» деб ўзини овутишга уриниб кўрди.

Ҳужра ичи димиқиб кетди, кўмир билан шамчироқ ёғининг аччиқ ҳиди Пётрнинг фикрларини сўндира бошлади. Деразанинг кичкинагина, қоп-қора чор бурчагида қандайдир ўсимликнинг барглари кўринар, қимирламай тургани учун темирдан ясалганга ўхшарди. Ўргимчакка ўхшаган

укаси эса изчиллик билан секин-аста ўз инини тўқимоқда эди.

— Ҳамма фикрлар — хавфли. Айниқса соддалари. Мана, Тихонни ол.

— Унинг эси яримта.

— Йўқ, бекор айтибсан. Унинг ақли жуда ҳам жойида. Мен илгари у билан гаплашишга қўрқар эдим. Гаплашгим келарди-ю, лекин қўрқардим! Отам ўлгандан кейин Тихон ўзини менга жуда яқин тута бошлади. Сен отамни менчалик яхши кўрмасдинг. Сени ҳам, Алексейни ҳам бу бевақт ўлим ранжитмади, Тихонни эса қаттиқ ранжитди. Уша вақтда мен монах хотинининг аҳмоқлигидан эмас, худодан ранжиган эдим. Тихон эса буни дарҳол сезиб: «Мана, чивин яшайди, одам эса...» деди.

— Алжираяпсан! — деди Пётр қатъий қилиб. — Кўпроқ ичиб қўйдинг. Қанақа монах хотин? — деб сўради.

Никита қатъият билан давом этди:

— Агар худо оламнинг эгаси бўлса, ёмғирлар ўз вақтида, яъни, бугдойга ва одамларга фойдали вақтда ёғиши керак, — дейди Тихон. — Ёнғинларнинг ҳаммасига ҳам одам сабаб эмас, масалан, ўрмонларни яшин ёндиради. Қобил гуноҳ иш қилиб, бошимизга бало ёғилишига сабаб бўлди, бунинг нима кераги бор эди? Ҳар хил майиб-мажруҳларнинг худога пима кераги бор? Масалан, букурлар — унга нима учун керак?..

«О, ҳе, гап бу ерда экан!» деб ўйлади Пётр мийигида кулиб, укасининг худодан шикоят қилиши уни ниҳоятда тинчиганининг нишонаси; монах қариндошларидан шикоят қилмас — шуниси яхши эди.

Никита пинагини бузмай гапини давом эттираверди:

— Тихон, Қобилга тушуниб бўлмайди, дейиши билан мен худди занжирлаб қўйилгандай бўлдим. Отам ўлган кунларда менда шунақа хаёллар пайдо бўлган эди. Монастирга борсам — бу хаёллар сўнар, деб ўйлагандим. Лекин йўқ. Ҳамон ўша хаёлларим билан яшайман.

— Илгари бу тўғрида гапирмас эдинг...

— Ҳаммасини бирдан айтиб бўлмайди. Балки умр бўйи ҳеч нарса сўзламай ўтиб кетардим, бироқ зиёратчилар халақит беришади. Виждонимни азоблашади. Иккинчи томондан — хавфи ҳам бор, тўсатдан Тихоннинг фикрлари оғзимдан чиқиб кетса, унда нима қиламан? Йўқ, гарчи мен уни яхши кўрмасам ҳам, у ақлли одам. У сенинг тўғ-

рингда ҳам ўйлайди: болалари учун шунчалик заҳмат чекди, болалари эса унга ёт бўлиб чиқди, дейди.

— Бир ками шу эканми? У нимани билиши мумкин?— деб сўради Пётр аччиқланиб.

— Билади. Иш — алдаш,— дейди...

— Эшитганман... У аҳмоқни ҳайдаб юбориш керак, ҳақиқатан у бизнинг оилавий ҳаётимиз ҳақида кўп нарса билади...

Пётр бу сўзларни, Никоновнинг боласини ўлдирганини ўйлаб айтса ҳам, лекин Никита ўзини осганда Тихон уни сиртмоқдан олганини эслатиш мақсадида айтган эди. Монах бу кинояга тушунмади: рюмкани оғзига олиб бориб, тилини винога ботирди-да, лабларини ялаб, совуқ гапини давом эттирди:

— Тихонни ҳам кимдир ранжитган: у ҳаммадан, худди хонавайрон бўлган одамдай безиб кетган...

Монахни бу фикрлардан чалгитиш лозим эди.

— Хўш, энди сен худога ишонмайдиган бўлдингми?— деб сўради Пётр ва ўзи ҳайрон бўлди, чунки у заҳарли савол бермоқчи эди, бироқ саволи алланечук бошқача чиқди.

— Ҳозирги вақтда ким худога ишонади, ким ишонмайди,— буни тушуниш қийин. Ҳамма ўйлайди, кўп ўйлайди, лекин ҳақиқий эътиқод сезилмайди. Ишонадиган бўлсанг, ўйлашнинг кераги йўқ. Уша, шохли худо тўғрисида гапирган йигит...

Пётр у ёқ-бу ёққа қараб:

— Ке, қўй,— деб маслаҳат берди,— бунинг ҳаммаси ҳам зерикишдан, бекорчиликдан. Ҳаммага темир бўйинтуруқ осиб керак.

Никодим ҳазрат қатъият билан:

— Йўқ, икки худога ишониб бўлмайди,— деб қўйди:

Қўнғироқхонада иккинчи марта қўнғироқ чалинди; бир маромда даранглаган қўнғироқ садоси дераза ойнасини дилллата бошлади.

— Ибодатга бормайсанми?— деб сўради Пётр.

— Йўқ, бормайдиган бўлганман. Узоқ туришга оёғим чидамайди.

— Шу ҳужрада биз учун ҳам ибодат қиласанми?

Монах жавоб бермади.

— Мен ётиб ухлашим керак эди, йўлда чарчаганман.

Никита узун қўллари билан креслонинг дастасидан авайлаб ушлаб, чор қирра гавдасини эҳтиёт билан кўтарди-да:

— Митя, Митрий!— деб чақирди.

Яна жойига ўрнашиб, гуноҳкорона уэр сўради:

— Афв эт: ғулумимнинг бугун меҳмонхонада ухлаши эсимдан чиқибди: Сен билан бемалол гаплашгим келиб, унга жавоб бериб юборган эдим. Уларнинг ҳаммалари ҳам жосус, чақимчи...

Никита эзмалик қилиб, кераксиз сўзлар қўшиб меҳмонхонага қандай бориш йўлини акасига тушунтирди.

Пётр сепалаб турган муздай ёмғир остига, қоронғиликка чиққач:

«Эма, мени кеткизгиси йўқ»,— деб ўйлади-да, тўсатдан ўша таниш ваҳима босиб, яна ўша чуқур жар ёқасидан бо-раётганини, ҳадемай бу жарга ағдарилиб тушиши мумкинлигини сизди. У қадамларини тезлатиб, қўлларини олга чўзиб, тун қоронғилигида тўзғинан ёмғир зарраларини бармоқлари билан пайпаслаб, узоқдаги фонарнинг ёғсимон йилтираган ёруғидан кўз узмай борар эди. Қоқилиб-суртиниб бораркан, шошилиб:

«Йўқ.— Пётр хаёла сениб кокилаб кетди.— Бунақа гапларнинг менга кераги йўқ. Эртагаёқ кетаман. Керак эмас. Нима бўлди? Илья қайтиб келади! Йўқ, мустаҳкам яшаш керак. Ана ишни Алексей қойил қияпти! Ҳадемай мендан ўзиб кетиши мумкин.

У жўрттага Алексей тўғрисида ўйлашга ўзини мажбур этар, чунки Тихон билан Никитани ўйлагиси келмасди. Лекин монастырь меҳмонхонасининг қаттиқ каравотига ётгандан сўнг, монах билан қоровул тўғрисидаги хира ўйлар уни яна чулғаб олди. Тихон қанақа одам? Атрофидаги жамики нарсага унинг сояси тушади, унинг сўзлари ўғлининг бачкана гапларида эшитилади, унинг фикрлари билан укаси Никита сеҳрланган.

«Юпатувчи эмиш!— укасини ўйлай бошлади Пётр.— Серафим оддий дурадгор бўлса ҳам, юпатишни яхши билади».

Уйқуси келмасди, чивин чақар, девор орқасида аллақандай уч киши баравар валдирарди. Пётр уларни: новвой Мурзин, оёғи огриқ савдогар, башараси бичилганга ўхшаган одам бўлса керак, деб ўйлади.

«Пиянисталик қилишаётган бўлса керак».

Монастирь қоровули ора-сира чўқмори билан чўян парчани уриб қўярди. Кейин тўсатдан, гўё кечиккани учун қўрқиб кетгандек, черков қўнгироқлари бомдод ибо-

датига чорлаб, шоша-пиша даранглай бошлади; қўнғироқлар садоси остида Пётр уйқуға кетди.

Укаси кеча боғда кўрганда қандай бўлса, ўша ҳолатда, ўша ёт, ёвуз назари билан пастдан юқорига қинғир қараб, унинг олдига келди. Катта Артамонов, шошилиб ювинди, кийиниб бўлгач, хизматкорга энг яқин почта станциясига олиб бориш учун от-арава келтиришни буюрди.

— Нега бу қадар тез?— деб сўради Никита тааж-жубланмасдан.— Мен бир неча кун турарсан, деб ўйлагандим.

— Ишим имкон бсрмайди.

Чой ичдилар. Пётр укасидан нима сўрашини узоқ ўйлади ва тўсатдан:

— Демак, бу ердан кетмоқчимисан?— деб сўради.

— Кетишни ўйлайман. Ҷавоб беришмаётир.

— Улар нима дейди?

— Мен уларга керак кишиман. Фойдали.

— Хўп. Қаёққа бормоқчи бўласан?

— Саёҳат қиларман, аҳтимол.

— Оғриқ оёқларинг биланми?

— Оёқсизлар ҳам юришади-ку.

— Тўғри, юришади,—деб Пётр укасининг сўзига қўшилди.

Бир пас жим қолишди. Кейин Никита:

— Тихонга салом айт,—деди.

— Тагин кимга?

— Ҳаммага.

— Хўп. Сен нимага Алексей тўғрисида ҳеч гап сўрмайсан?

— Нимани ҳам сўрар эдим? Биламан, у ҳар нарса-ни қила олади. Балки, яқин кунларда бу ердан кетарман.

— Қиш кунни кетолмайсан.

— Нимага? Қиш кунни ҳам юришади.

— Тўғри, юришади,— Пётр яна бир карра укасининг сўзига қўшилди ва Никитага пул таклиф этди.

— Бер, тегиримонни тузатишга сарф қилармиз. Назоратчининг олдига кирмайсанми?

— Вақт йўқ: от-арава тайёр.

Хайрлашаётиб оғанини қучоқлашди. Никитани қучоқлаш ноқулай эди: у акасига фотиҳа бермади— ўнг қўли тўнининг энгида ўралашиб қолган эди, Пётр «жўрттага

ўралаштиради» деб ўйлади. Монах букури билан акасининг қорнига суяниб, бўғиқ говуш билан:

— Агар кеча кечқурун бирон ортиқча сўз айтаган бўлсам, мени афв эт, — деб илтимос қилди.

— Қўй, ундай дема! Биз ака-укамиз.

— Кечалари ўйлайсан. ўйлайсан...

— Шундай, шундай! Хайр, бўлмасам...

Монастирь дарвозасидан ташқарига чиққанида Пётр орқасига қараб, меҳмонхонанинг оқ девори олдида турган укасининг тошга ўхшаган гавдасини кўрди.

— Хайр,— деб гўлдиради Пётр бошидан шапкасини олиб: майда-майда ёмғир томчилари унинг бошини жиққа ҳўл қилди. Йўл қарағайзор орасидан ўтар эди, ҳамма ёқ жимжит, ёлғиз қарағай игна баргларигина ёмғир томчилари остида шиша каби жарангларди. Арава ҳайдовчи монах ўгирган ерида дам-бадам сапчиб тушарди. саман отнинг қулоқлари ғалати, аллақандай юнғиса эди.

Пётр ўйларди холос

«Одамлар нималар тўғрисида гапиришади-я! Худо ёмғирни ўз вақтида ёғдирмас эмиш. Ҳаммаси ёвузликдан, очкўзликдан, майиб-мажруҳликдан, ялқовликдан чиққан гаплар. Ғам, ташвиш деган нарсани билишмайди, ғамсиз одам худди эгасиз итга ўхшайди».

Пётр у ён-бу ёнга қараб, жунжикиб кетди ва ёмғирнинг ҳақиқатан бевақт ёғаётганини англади, шундан кейин уни яна қайғули ўйлар кул ранг булут каби чулғаб олди. Бу ўйлардан қутулиш учун, ҳар станцияда ароқ ичар эди.

Кечқурун узоқдан тутунли шаҳар кўринганда пишқириб бораётган поезд йўлни кесиб ўтди-да, ҳуштак чалиб, пар бурқситиб, ярим доирага ўхшаш аллақандай ковакка кириб кетди.

III

Пётр Артамонов ярмаркада ўтказган тўс-тўполонли кунларини эслар экан, қўрқинчли ҳайрат ичида ваҳима босганини сезар эди. Хотирисида қайтадан гавдаланган ҳодисаларни тушида эмас, ўнгида кўрганига ишонгиси келмас: шовқин-сурон, ашула ва қийқириқлар билан, музиканинг бўкириши ва мастларнинг шодиёна ҳайқириши билан ҳамда ақлдан озган одамларнинг юракни тилка-пора қиладиган даражада қайғули уввоси билан тўлган бе-

ниҳоят катта дошқозонда ўзи ҳам қўшилиб қайнаганга, бутун кўрган-билганлари ростлигига кўнгли бовар қилмас эди. Буларнинг ҳаммасини бошига цилиндр, эгнига сюртук кийган жингалак сочли каттакон бир одам дошқозонда қайнатиб, қориштирди; унинг соқоли қирилган кўкимтир юзига бойқуш кўзларини ёпиштириб қўйганга ўхшарди, бу одам қалин лабларини чўлпиллатиб, Артамоновни кучоқлаб ва итариб:

— Жим, аҳмоқ! Бу — Россиянинг чўқиниши, тушундингми? Волга билан Окада ҳар йил бўладиган чўқиниш маросими,— деб қичқирган эди.

Афт-башарасига қараганда у ошпазга, кийимига қараганда — марҳум бойларни қабристонгача машъала билан узатиб бориш учун ёлланган одамга ўхшар эди. Пётр бу киши билан муштлашганини, кейин коньякка мороженое қўшиб бирга ичишганини гира-шира хотирлади. Ушанда бу одам йиглаб гапирган эди:

— Рус қалбининг фарёдини тушун! Менинг отам руҳоний эди, мен эса муттаҳамман.

Унинг овози йўғон, карнай товушига ўхшаса ҳам майин, ёқимли эди, у қулоқ эшитмаган ғалати сўзлар билан ҳаммани саваласа ҳам, бу сўзлар ҳаммани ниҳоятда ҳаяжонга солган эди.

— Тан чириши!— деб бақирганди у.— Иблис билан жанг! У тўнғизга ифлос хирож ташланг! Петя, тан исёнини қондир! Гуноҳ қилмай туриб, тавба қилмайсан, тавба қилмай туриб, гуноҳдан пок бўла олмайсан. Руҳинг пок бўлсин! Мўрчага тушиб, танимизни ювамиз, хўш, қалбимиз-чи? Қалбимизга ҳам мўрча керак. Рус қалбига, куйловчи, муқаддас, улугвор қалбга эркинлик беринг!

Пётр ҳам таъсирланиб:

— Тўғри! У — етим, асранди қалб. Унутилган қалб. Уни аямаймиз,— дея йиглаб валдирарди.

Бошқалар ҳам:

— Тўғри. Ҳақиқат!— деб қичқиришди.

Тепакал, малла соқол, юзи қип-қизил, қулоғи бинафша ранг, дум-думалоқ чаққон киши эса, чарх уриб айланар, жазаваси тутиб хотинчасига чинқирарди:

— Стёпа, тўғри! Сенга қойилман! Сени ўлгудай яхши кўраман. Уч нарсанигина ўлгудай севаман: сени, нордонни ва ҳақиқатни. Қалб тўғрисидаги ҳақиқатни!

У ҳам йиглаб, ашула қилди:

Улимни ўлим билан енггин .

гўё шамол тебратиб, шишираётгандай бўлди. Ҳа-
гов-дамгов қилиб, шодликдан то қайғу лаззатларига
обориб обкелди, баъзан шундай дақиқалар бўлдики, 1.
Артамоновни дўр ҳаяжон камраб, бутун вужудини ёндир-
ди, у қандайдир фавқулодда, ҳаммани титратадиган, ҳая-
жонга соладиган бир иш қилгиси, кимнидир ўлдириб,
одамлар оёғига йиқилгиси, тиз чўкиб, бутун халққа ёл-
вориб:

— Мени суд қилинг, энг даҳшатли ўлим жазоси билан
жазоланг!— деб қичқиргиси келди.

«Самокат» исмли ғалати қовоқхонага ҳам кирдилар;
унинг поли, бутун ётамоғи, стол атрофидаги одамлари ва
лакейлари билан бирга астагина айланар эди; фақат, пар-
тиқилган ёстиқ каби, одамлар билан, шўқин-сурон билан
лиқ тўлган залнинг бурчакларигина ўз ўрнида қолма-
май турарди. Пол гириллаб айланиб, бурчакдаги одамлар
ва буюмларни кўрсатарди: бир бурчакда — жазаваси тут-
ган, мис трубади музикачилар; иккинчисида — хор груп-
паси ҳамда бошларига гулчамбар таққан, раиғ-бараиғ ки-
йилган хотинлар тўдасини; учинчисида — осма лампалар-
нинг шўъласини акс эттириб турган буфетдаги шишалар
ва идишлар; тўртинчи бурчакни эшик тўсиб қолганди,
эшикдан одамлар кириб, айланаётган доирага чиқишар ва
гандираклаб, қўлларини лапанглатиб йиқилишар, қийқи-
риб кула-кула, кўздан ғойиб бўлишарди.

Одамзод дўсти қора Стёпа, Артамоновга тушунтирди:

— Аҳмоқчимик, лекин яхши! Пол — ёпилган панжара-
лар устида турган талинжадай, тўсинлар устида туради, тў-
синлар устунга ўрнатилган, устун тиккасига қўйилган, ун-
га кўндалангига иккита ричаг ўтқазилган, ҳар қайсисига
бир жуфтдан от қўшилган, улар юради, пол айланаверади.
Осонми? Лекин бунда мазмун бор. Петя, эсингда бўлсин:
ҳар бир нарсада ўзинча бир маъно яширинган, афсус!

У қўлини шифтга кўтарганда, бармоғидаги кўким-
тир тош худди бўри кўзига ўхшаб ялтираб кетди.
Кўкраги кенг, боши ит калласига ўхшаш аллақандай бир
савдогар, Артамоновни енгидан тортиб, ўликшикидай бақ-
райган кўзи билан унга тикилиб, қар одамдай бақриб
сўради:

— Дуня нима дер экан, а? Сен ким бўласан?

Жавоб кутмасдан, ёнидаги бошиқа одамга ҳам шу савол-
ни берди:

— Сен кимсан? Дуняга мен нима дейман, а?

Стулга чалқанча ташланиб:

— Ф-фу, нблис!— деб пишқирди. Сўнгра:

— Юр, бошқа ерга борамиз!— деб шовқин сола бошлади.

Кейин билишса — у кучер экан: бир жуфт кўк от кўшилган извошнинг кучер ўтирадиган ўриндигига ўтириб олиб, ҳамма йўловчиларга, тўғри келган одамга овози борича бақириб жар солди:

— Пауланнинг олдига борамиз! Юр биз билан!

Устиларидан ёмғир қуярди. Извошда беш киши,— бири Артамоновнинг оёғи остида ётиб:

— У мени алдади, мен уни алдайман, у мени уни...— деб валдирар эди.

Майдонда, булса нонга ўхшаган тег... извош от дарилди. Пётр ийқилиб, боши... қабзини уриб оут... жиққа ҳўл чим усти... тира, тенадан ман... аҳватен томон ўрмалаб... стган қулоқлари... бақирди, ранг, медалла... дарди, у аса:

— Нуқол, тата... ланига кирмоқчиман. Ма... х уммати бў... қимми, қуйверинилар!— деб валдирар эди.

Хўра Степан уни оғиздан... ланига тортди-да, қорсақадир олиб кетди... лардан карвон саройдан ўртада... ич... татавалар, оухороликдан қўтуриб чиқди:... қийган, кук салла ўрлаган юл, Пётрга ҳассасини ақтади:

— Урус, шайтон!— деб ўшқирди.

Мис башарали полициячи Пётрни турғизиб:

— Тўполон-жанжалга рухсат йўқ,— деди.

Извошчилар етиб келди, мастларни извошга ўтқизиб, олиб кетишди. Олдинда бораётган «одамзод дўсти» қўлни карнай қилиб, алланима деб қичқирарди. Ёмғир тинган бўлса ҳам, осмон қоп-қора, ҳеч қачон бу қадар даҳшатли бўлган эмасди; карвон саройнинг баҳайбат иморати устида чақмоқ чақар, ялт-юлт қоронғиликни парчаларди. От туёқлари Бетанкура каналининг ёғоч кўпригига урилиб дупурлаганда жудаям ваҳима босган эди: Артамонов кўприк бузилиб кетишини, қимирламай қотиб қолган қоп-қора сиёҳдай сувда ҳамма одам чўкиб ҳалок бўлишларини кутган эди.

Артамонов бу парча-пурча, мудҳиш манзаралар ичидан ўзини изларқан, кайф-сафодан ақлдан озган одамлар орасида таниб бўлмайдиган ҳолда кўрар, ўзини бошқа кишига ўхшатар эди. Бу киши ўлгудай ичиб, келаси минутда

...қол олдида
...Акиллама
...Тол олдида
...стуллардан
...билан ўтирар...
...си гуллар билан безат...
Қора Стёпа, хона ўртасида туриб олтин дастали таёғи-
шамдай кўтариб, команда берди:
— Ҳой чўчкалар, кавшамай туринг!
Кимдир бўғиқ товуш билан:
— Акиллама,— деди.
— Жим!— деб қичқирди одамзод дўсти.— Бу ерда мен
команда бераман!

Негадир тўсатдан хона қоронғилашди, эшик орқасида
бўғиқ барабан товуши эшитилди. Стёпа шартта бориб,
эшикни очиб юборди, қорни устида барабани билан семиз
одам уйга кириб келди, у гандираклаб, гоз юриши қилиб
барабани аямай урарди.

— Бум, бум, бум...

Худди унга ўхшаш бешта семиз, басавлат жиддий одам,
эгилиб, отдай чираниб-кучаниб, оёғига сочиқ бойланган
роялни уйга судраб киришди: роялнинг қоп-қора, ялтироқ
қопқоғи устида шармандаларча қип-яланғоч ҳолда, бадани
оппоқ бир хотин ётар эди. У қўлларини боши остига қўйиб,
кўкракларини юқорига қаратиб чалқанчасига ётар, унинг
ёйилган сочлари, лакнинг қора ялтироғи билан қўшилиб,
рояль қопқоғидан ўсиб чиққанга ўхшарди, столга яқинлаш-
ган сари гавдасининг шакли аниқроқ кўринар, қўлтиқ о-
стидаги ва қорни устидаги жунлар кўзга ташланиб, одам-
нинг ғашини келтирарди.

Мис гилдиракчалар чийиллар, пол ғижиллар, барабан
гумбилларди, бу оғир аравага қўшилган одамлар тўхтаб,
қаддларини ростладилар. Артамонов, ҳамма кулиб юбор-
са керак, деб ўйлади,— ўшандагина бу ҳодиса тушунарли-
роқ бўларди— аммо стол атрофида ўтирганлар ўринлари-
дан туриб рояль қопқоғидан имиллаб кўчаётган хотинни

...да то-
...ндай тўлганч
...силкитди. ...сизар ...сизга
...турган кўкун ...инириди;
...ди ва димоги билан ...ийдан туриб қата-
...андай, хиргойи кимс ...ага эришб охирга қай ...ири-
лади.

Ҳазма бошини кўтариб, икки қараб нидамай турар,
ҳазманинг юзи билан кўкунга кўрмас эди. У истар-иста-
тамас, гўё икки уйида куйлаётгандек эди. қий-қийла лаб-
лари кичинчо бўлмайдиган сўзларини талаффуз этар, хумор
сўзларини эса одамларнинг бошлари устидан қайгадир ти-
килиб қарарди. Артамонов аёл кишининг гавдаси шу қа-
дар келинган, ваҳима соладиган даражада чиройли бўли-
шини асло ўйламаган эди. Яланғоч аёл қафтлари билан
кўксини ва сонларини силар, ҳамон бошини силкитарди,
гўё сочлари ва бутун вужуди тобора ўсиб, катталашиб,
хамирдай ошиб, борлиқни қоплаб олаётганга ўхшар, гўё
залда ҳеч ким, ҳеч нарса йўқдай, шу хотиндан бошқа ҳеч
нарса кўзга кўринмасди. Артамонов бу хотин уни шайдо
этмаганини, унга эришиш истаги кўзгатмаганини, фақат
қўрқув ҳисси уйғотиб кўксини қисганини, ундан сеҳрли
даҳшат шамоли эсганини яхши хотирлар эди. Аммо шунга
қарамай, агар шу хотин буюрса — орқасидан боради, ни-
маики талаб этса — бажо келтиради, Пётр буни аниқ би-
ларди. Одамларга қарадию, бу фикри тўғрилигига ишонди.

«Ҳар ким ҳам боради, ҳамма ҳам».

Пётр, мастлиги тарқала бошлагач, ҳеч кимга билдирмай
чиқиб кетгуси келди. Кимнингдир:

— Чаруса. Жон офати. Тушунасанми? Чаруса!— деб қаттиқ шивирлаганини эшитгач, бу ердан кетишга қатъий қарор қилди.

«Чаруса» деган сўз ботқоқлик ўрмондаги майсазор эканини Артамонов биларди; бу ердаги кўкатлар айниқса чиройли ипакдай майин ва кўм-кўк бўлади, лекин унинг устига чиқилса, тубсиз чуқурликка, тагига тортиб кетади. Шундай бўлса ҳам яланғоч баданнинг сеҳрловчи, мафтункор кучи билан кишанлаб қўйилгандек, ҳамон хотиндан кўз узолмасди. Унинг хумор кўзлари еб қўйгудай бўлиб унга тикилганда Пётр елкаларини қимирлатиб, бўйинини эгиб, кўзини четга олиши билан бадбуруш ширакайф одамларнинг кўзларини бақрайтириб, тикилиб турганини, худди черков тоmidан йиқилиб ўлган бўёқчини аҳмоқона ҳайронлик билан томоша қилган дремовликлар сингари томоша қилишганини кўрарди.

Жингалак сочли қора Стёпа эса дераза токчасида қалин лабларини осилтириб, қалтираган қўли билан пешанасини силаб ўтирар эди; бу ўтиришда ҳозир йиқилиб тушиб бошини полга уриб оладиган кўринади. Мана, қўйлагининг ечилиб кетган манжетини негадир узиб олди-да, бир бурчакка улоқтирди.

Яланғоч хотиннинг ҳаракатлари борган сари тезлашиб, аъзойи бадани дириллаб кетди; у шу қадар тўлғанар эдики, гўё рояль устидан ирғиб тушмоқчи-ю, бироқ тушолмаётгандай кўринарди. Унинг бўғиқ қийқириқлари пинғиллаб, тобора ёвузроқ эшитила бошлади; оёқлари тўлқинсимон тўлганганини, бошини қаттиқ силтаганда қалин сочлари кифтлари устида қанотдай ёйилиб, кўксини ва елкасини ҳайвон терисидай ёпиб тушганини кўриш ҳаммадан ҳам даҳшатли эди.

Тўсатдан музика тўхтади, хотин ерга ирғиб тушди, қора Стёпа дарҳол уни зарварақ тўнга ўраб олдию югурганича чиқиб кетди, одамлар чапак чалиб, бир-бирини ушлаб чинқириб, бўкира бошладилар. Оппоқ кафанга ўралган мурдага ўхшаш лакейлар питирлашиб, у ёқдан-бу ёққа югуриб қолишди, рюмкаю бакаллар жаранглади, одамлар гўё иссиқ кунда ўлгудай ташна бўлгандек, ютоқиб ича бошладилар. Улар одобни унутиб, молдай еб-ичишарди, стол устига энгашган бошларни кўрган сари кўнгил айнар, бу манзара тоғора устида уймалашган чўчқалар галасини эслатар эди.

Бир гала лўли келди-да, асабни қитиқлайдиган қўшиқ-

лар айтиб, ўйинга тушди; улфатлар уларга бодринг, со-
чиқ ота бошладилар,— лўлилар чиқиб кетди. Лўлилар ўр-
нига Стёпа бир тўда чуғурлашган хотинларни подадай
ҳайдаб кирди; улардан биттаси,— тўладан келган, қизил
кўйлакли кичкина жувон Пётрнинг тиззасига ўтирди ва
унинг лабига бир бакал шампань виноси тутиб, ўз бакали
билан жаранглатиб уриштирди-да:

— Кўтар, маллавой, Митянинг саломатлигига ича-
миз!— деб таклиф этди.

У куядай енгил, исми Пашута эди. У гитарани моҳир-
лик билан чалар, таъсирли қилиб ашула айтар эди.

Тушимда зангор, тоза сабоҳ кўрдим...

Унинг қўнғироқдай жаранглаган товуши айниқса қай-
ғуриб:

Тушимда сира қайтмас ёшлигим кўрдим...—

деб куйлар экан, Пётр Артамонов унга дўстона тасалли
бериб, оталик ҳисси билан бошини силаб:

— Ингиллама, сен ҳали ёшсан, кўрқма...— дерди.

Тунда эса, уни кучоқларди-ю, бироқ уни эмас Паула
Меноттини кўргиси келиб, кўзини маҳкам юмарди.

Камдан-кам бўладиган ҳушёр пайтларида, бу бузуқ Па-
шута унга жудаям қиммат тушганини эър ҳайрат билан
англаб, ўйланиб қоларди.

«Оббо куяси тушмагур-ей!»

Дармарра хотинларнинг пул йиғини қўриқиб турувчи
ликвозлик кечаларида уятсизлик бадалига топган пуллари-
ни ўринсиз сарф қилишлари Пётрни ҳайрон қолдирарди.
Афт-башараси итга ўхшаган, бу энг йирик мўйнафуруш-
нинг Паула Меноттига ўн минг сўмлаб пул сарф қил-
ганини, бу хотин ҳар сафар ўзини унга яланғоч кўрсатган-
ни учун уч минг сўмдан пул тўлаганини Артамоновга
айтган эдилар. Яна биттаси,— бинафша ранг қулоқли-
си,— сигара тутатиш учун юз сўмлик пулларни
шамда ёқар, пачкалаб пулларни хотинларнинг қўйнига
тиқиб:

— Ол, немис хотин, менда пул кўп,— дерди.

У ҳамма хотинларни «немис хотин» деб атар эди. Арта-
монов эса буларнинг ҳаммасида сочлари бир кучоқ Паула-
нинг ошкора уятсизлигини кўрар эди. Ҳамма хотинлар,—
аҳмоқми, маккорми, писмиқ ё шаллақими,— ҳаммаси унга
душманлигини сезарди. Ҳатто хотинини ҳам эслаб,
унда ҳам қандайдир яширин бир ёвлик борлигини пай-
қар эди.

Хотири жуда аниқ ва жошли қилиб тасвирланган чиройли жувонларнинг ранг-баранг тўдасига диққат билан қараб:

«Куя!» деб ўйлар эди.

Пётр бу нималигини, қандай қилиб вужудга келганини тушунолмасди. Одамлар меҳнат қиладилар, иш занжирини шилдиратадилар, мумкин қадар кўпроқ пул тўплаш учун ўзларини-ўзлари қийнайдилар, кейин эса ўз пулларини ёқадилар, бузуқ хотинларнинг оёқлари остига ҳовучлаб ташлайдилар, нега шундай? Ҳаммаси ҳам кап-катта, уйланган, бола-чақали, сипо кишилар, каттакон фабрикаларнинг эгалари.

«Отам тирик бўлса, у ҳам худди шуларга ўхшаб айш-ишрат қилармиди балки», деб ўйларди Пётр қарийб ишонч билан. У ўзини бу кайфу сафолар қатнашчиси деб ҳисобламас, балки тасодифий, беихтиёр томошабин деб билар эди. Лекин бу ўйлар винодан ҳам кучлироқ уни маст қилар, бу ўйларни фақат вино билангина сўндириш мумкин эди. Пётр шу хилда айш-ишрат, кайфу сафолар ичида уч ҳафта яшаб, фақат Алексей келгандагина ҳушига келди.

Катта Артамонов полга солинган юпқа, қаттиқ тўшакда ётар эди; унинг ёнида: бир челақ муз, квас шишалари, талинкада — қирилган хрен аралаштирилган тузланган карам. Диванда оғзини очиб, Натальядай қошларини чимириб, Пашута чўзилиб ётарди, оқ-кўкиш томирлари бўртиб чиққан, тирноқлари балиқ тангасига ўхшаш бир оёги полга осилиб тушганди. Дераза орқасида эса, бутун Россиянинг гигант бозори неча мингларча ютоққан оғизлар билан тинмай ҳайқирар эди.

Артамонов мияси ғовлаб, қарахт бўлган ҳолда, аъзойи бадани ичкиликдан заҳарланиб қақшаб оғриган ҳолда ўтган кечада рўй берган ҳодисаларни, ўйин-кулгиларни тумшайиб хотирлар экан, тўсатдан деворни ёриб киргандай, Алексей пайдо бўлди. Чўлоқланиб, ҳассасини дўқиллатиб, акасига яқинлашди-да, сўзлай кетди:

— Нега тўнтарилиб ётибсан? Мен бўлсам, сени кеча бутун кун, бутун туни излаб, эрталабга яқин ўзим ҳам учиб қолибман.

Дарҳол лакейни чақириб, лимонад, коньяк, муз буюрди, ирғиб диван олдига борди-да, Пашуганинг елкасига қоқиб:

— Тур, баришняя,— деди.

Баришняя кўзини бирданига очолмай:

— Йўқол! Ёпишма!— деб валдиради.

Алексей аччиқланмай:

— Сен ўзинг йўқоласан,— деди-да, Пашутани елка-сидан кўтариб ўтқазди ва силкий-силкий эшикни кўр-сатиб:

— Пишт,— деди.

— Унга тегма,— деган эди Пётр, укаси жилмайиб, уни тинчлантирди:

— Ҳеч нима қилмайди, чақирсак — яна келади!

Хотин итоаткорлик билан кофтасини кияётиб:

— Вой, шайтонлар-э,— деб қўйди.

Алексей докторлар сингари команда бера бошлади:

— Тур, Пётр, кўйлагингни еч, баданингни муз билан ишқала!

Пашута эзилган шляпасини полдан олиб, ҳурпайган бо-шига кийиб, диван устидаги ойнага қараб:

— Маликадай чиройлисан!— деди-да, шляпани боши-дан олиб полга, диван остига улоқтириб, узун эснади.

— Хайр. бўлмасам, Митя! Мен Сманский меҳмонхона-сида, ун учинчи номерда турганимнингдан чиқарма.

Пётрнинг унга раҳми келди, ётган ўрнидан қўзғалмас-дан, укасига:

— Унга бир нима бер,— деди.

— Қанча берай?

— Сизнинг ўйи бер.

— Бе! Кўп-ку.

Алексей хотиннинг қўлига қанчадир қоғоз пул суқди-да, уни кузатиб, орқасидан эшикни қаттиқ ёпиб келди.

— Бахиллик қилиб оз бердинг,— деди Пётр укасининг жиғига тегиб.— У кеча шляпасига ундан кўпроқ тўлаган эди.

Алексей креслога ўтиргач, қўлларини ҳасса дастаси ус-тида қовуштириб, энгагини қўлларига тираб, қуруққина қилиб, бошлиқлар сингари:

— Сен нима қилиб юрибсан?— деб сўради.

— Ичиб юрибман,— шартта жавоб берди Пётр ва ўр-нидан туриб, томоғини қира-қира, баданига муз сурта бош-лади.

— Ич, Кузьма, лекин ақлингни йўқотма! Сен-чи?

— Нима қилди?

Алексей унинг олдига яқинлашиб, худди нотаниш кишиларга қарагандай қараб, паст товуш билан шипиллаб сўради:

— Эсингдан чиқардингми? Сенинг устингдан шикоят қилинган, сен адвокатнинг огиз-бурнини қоп-қора қон қилибсан, полициячини каналга итариб юборибсан...

Алексей унинг гуноҳларини бирма-бир санаб шу қадар чўздики, катта Артамонов:

«Ёлгон айтяпти, мени қўрқитмоқчи» деб ўйлади. Ниҳоят сўради:

— Қайси адвокатни? Бўлмагур гап.

— Бўлмагур эмас, анов қора адвокатни, оти нима эди?

— Биз у билан илгари ҳам муштлашар эдик,— деди

Пётр ҳушёр тортиб.

Укаси эса тагин ҳам қатъийроқ давом этди:

— Нега ҳурматли одамларни ҳақорат қилдинг? Ўзимизникиларни ҳам?

— Мен?

— Сен, мана шу сен! Хотинингни, Тихонни, мени сўқибсан, қандайдир болани хотирлаб йиғлабсан. Иброҳим, Исҳоқ, қўй, деб қичқарибсан! Бу нима деганинг?

Пётр, ваҳм босиб, ўтдай ёниб ўзини стулга ташлади.

— Билмайман. Маст эдим.

Алексей, худди чўлоқ отда чопиб кетаётгандай иргишлаб, бақириб юбора ёзди:

— Бу важ эмас! Бу ерда бошқа гап бор: «ҳушёрнинг миясидаги гап мастнинг тилида»,— гап бу ерда. Оилавий ҳаёт тўғрисида қовоқхонада вайсалмайди. Иброҳим, қурбонлик ва бошқа бўлмагур гапларнинг нима кераги бор? Сен ишимизнинг обрўйини тўқяпсан, менга доғ туширяпсан. Сенга нима бўлди, мўрчага тушган одамдай яп-яланғоч бўлиб обсан? Яхшики жанжал устида менинг ошнала-римдан Локтев бор экан: эслик қилиб дарҳол сени коньяк билан учирибдию, телеграмма билан мени чақирибди. Бу гапларнинг ҳаммасини ўша гапириб берди. Олдин ҳаммалари кулишди, кейин, бу одам нега бақиряпти, бунда бир гап бор, деб қулоқ сола бошладилар, дейди.

Пётр маъюсланиб, укасининг сўзларидан яна маст бўлиб:

— Ҳамма бақирди,— деб чулдиради, укаси эса деярли шивирлаган товуш билан давом этди:

— Ҳамма одам бир нарса тўғрисида гапирган бўлса, сен ҳамма нарса тўғрисида гапирибсан. Хайриятки, Локтев эслик қилиб ҳаммасини ғирт маст қилибди. Балки эсларидан чиқаришар. Лекин бизнинг ишимиз сиёсий иш. Локтов бугун бизга дўст, эртага ғирт душман бўлиши мумкин.

Пётр энсасини деворга қаттиқ тираб стулда ўтирар, аммо кўчадаги шовқин-сурондан девор титрарди; Пётр бу титраш миясидаги тартибсизликни, қарахтликни тарқатишини, ваҳимадан халос қилишини кутиб индамай ўтирар эди. Укаси айтган гапларидан биронтасини ҳам хотирлай олмасди. Укасининг судьяларча овози ҳамда ёши катта одамлар ишлатадиган сўзлар билан гапириши уни жуда ҳам ранжитарди. Алексей яна нималар дейиши мумкин,— буни кутиш даҳшатли эди.

Укаси уни қийноқ-қистокқа олиб, ҳамон ирғишлаб сўради:

— Сенга нима бўлди? Никитанинг олдига бораман дебсан...

— Мен унинг олдига бордим.

— Мен ҳам бордим. Телеграммамга, бу ерда Пётр йўқ, деб жавоб берганларидан кейин мен дарҳол у ерга от чоптириб бордим. Ҳаммамиз қўрқдик, ерда яшаймиз, ахир қадришларимиз мумкин.

— Қандайдир бир ирамас нарса менга келишиб келди.

— Шундай бўлгач, уни одамларга билдириш шартми? Тушунинг керак, ахир, сен бизнинг ишимизга доғ туширяпсан. Қанақа қурбонлик тўғрисида валдираисан? Сен нима, пириёнмисан? Болавозликка ўргандингми? Аллақандай бола тўғрисида билдирибсан? Қанақа бола?

Пётр сочларини, соқолини икки қўли билан силар экан, панжалари орасидан:

— Илья... ҳамма фалокат шунинг орқасида,— деди-да, худди қоронғиликда йўл излагандай, журъатсизгина Илья билан уришиб қолганини Алексейга секин гапира бошлади, лекин узоқ сўзлашга тўғри келмади. Укаси енгил тортиб, баланд овоз билан:

— Ф-фу. Бу ҳеч гап эмас,— деди.— Локтев буни осийликларга хос маънода, жанжал тўғрисида тушунган. Демак, Илья? Мени кечирасану, ака, лекин бу ақлдан эмас. Аҳли савдогар ҳар бир нарсани ўрганиши, ҳаётнинг бир нуқта-сида тура билиши лозим, сен бўлсанг...

Савдогарларнинг болалари — инженер, чиновник, офицер бўлиши кераклигини жуда узоқ ва чиройли қилиб гапириб берди. Ташқарида қулоқни батанг келтирадиган шовқин-суронлар дераза орқали хонага кирар эди, театр олдига извошлар келар, ҳар хил совуқ ичимлик ва мороженое сотувчилар қичқиришарди, бразилияликларнинг сепоялар устига темир ва ойнадан қурган каналдаги

павильонида музика айниқса чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ янграрди. Барабан товуши Паула Меноттини эсга солар эди.

Катта Артамонов бир қўли билан қулоғини ушлаб, иккинчи қўли билан стакандаги лимонад устига коньяк қуяр экан:

— Қандайдир бир ярамас нарса менга илашиб қолди,— деб такрорларди. Укаси Пётрнинг қўлидан шишани олиб, уни огоҳлантирди:

— Эҳтиёт бўл, тагин маст бўлиб қолма. Мана, менинг Мироним инженерликка ўқияпти — бажону дил! Чет элга бормоқчи, марҳамат! Бунинг ҳаммаси ҳам уйга, уйдан эмас. Сен шуни билки, бизнинг табақамиз — энг муҳим куч...

Пётрнинг ҳеч нарса тушунгиси келмасди. Укасининг қизгин сўзлари остида нуқул ўйлар эди: «Мана, бу укаси ўзидан бойроқ ва балки ақллироқ, одамлар орасида нима биландир обрў қозониб, шундай дўстлар ортирдикки, улар бутун мамлакатнинг савдо ишларини тебратишади, иккинчи укаси — монастырга яшириниб олиб, доно ва ростгўй деган шухрат қозонди, лекин ўзи — Пётр бўлса қандайдир тасодифий воқеанинг касрига азоб чекишга маҳкум этилган. Нимага? Нима учун?» — деб ўйлар эди.

Алексей энди бир оз мулоимроқ қилиб, овозини пастлатиб сўзлай бошлади:

— Бузуқлик қилгани учун ҳурматли кишиларни бекорга сўкибсан. Бу бузуқликдан эмас, куч ортиб кетганлигидан. Адвокат муттаҳам бўлса ҳам тўғри тушунади. У ақлли одам! Албатта, улар ёши қайтган, ҳатто кекса одамлар, аммо ёш болага ўхшаб шўхликни яхши кўришади. Ахир болалар ҳам ўсиш кучининг таъсири остида шўхлик қилишади-да! Шуни ҳам ҳисобга олишинг лозимки, бизнинг хотинларимиз совуқ, мазаси йўқ, одамни зериктириб юборишади! Мен ўзимнинг Ольгам тўғрисида гапирмайман, у ўзгача бир хотин. Шундай доно-тентак хотинлар борки, уларнинг бир кўзи — ёмонликни кўрадиган кўзи кўр бўлади. Ольга ҳам шунақалар хилдан. Уни ранжитиб бўлмайди; у ёмонликни кўрмайди, ёвузликка ишонмайди. Сен Натальянг тўғрисида шундай деёлмайсан, одамларга уни «уй машинаси» деб тўғри айтгансан!

Пётр хўмрайган ҳолда сўради:

— Шундай дебманми?

— Локтев буни ўзи ўйлаб чиқарган эмасдир, ахир.

Укасидан кўп нарсаларни сўрагиси келса ҳам, Алексейнинг эсидан чиққан нарсаларни эсига солишдан қўрқар эди. Унда укасига қарши адоват, ҳасад ҳислари уйгонди.

«Кундан кунга ақли ошиб кетяпти, шайтон...» деб ўйлади.

Пётр укасида отдай йўргалик, қамчиланганлик, тулкидай чаққонлик борлигини кўрарди. Унинг қарчиғай кўзи, пиранироқ устки лаби остида ялтираган тилла тиши, олифтанамо буралган оқиш мўйлови, чиройли соқоли ва қушчангалидай ўткир дастпанжалари Пётрни асабийлаштирарди; айниқса ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи жуда хунук бўлиб, ҳар доим ҳавода аллақандай ғалати шакллар чизгани-чизган эди. Темир рангли калта пиджаги Алексейни, бировларнинг ишини битказиш учун югуриб юрадиган фирибгарга ўхшатарди.

Пётр тўсатдан Алексейнинг кетишини истаб, кўзларини юмди-да:

— Меннинг ўллаб олишим керак — деди.

Укаси ҳам унинг фикрини ёқлаб:

Бу маъқул гап, сен бугун ҳеч ёққа борма,— деди.

Пётр уни кузатиб қўйгач, ранжио:

«Худди ўз боласидай менга таълим беради-я»,— деб ўйлади. Таълим буючаклаги умивальник олдида борди, лекин ёнида ивирсиб юрган, сочлари ҳурпашан, кўзлари кўрқувдан бақрайган, ўзига ўхшаш кимсани кўриб тўхтади; у қимирлар, қизил қўллари билан ҳўл соқолини, юнгдор кўкрагини силарди. Бир неча секундгача Пётр диван устидаги ойнада кўринган кимса ўз акси эканига ишонмай туриб қолди, кейин аянчли ҳолда илжайди-да, яна бир парча муз олиб юзига, бўйнига, кўкрагига сурта бошлади:

«Извош ёллаб шаҳарга бораман» деган қарорга келди кийинаётиб. Лекин пиджак енгига қўлини суқар-суқмас, уни курсига улоқтирди-да, электр қўнғироқнинг тугмачасини бармоғи билан қаттиқ босди. Хизматкор кирди.

— Чой. Қуюқроқ дамла! Тузлаган нарсалардан келтир. Коньяк,— деб буюрди.

Сўнгра деразадан қаради: дўконларнинг катта эшикларини аллақачон беркитилганди; дим қоронғиликда одамлар ер багирлаб тош кўчада ўрмалаб юришарди; театр эшиги олдида садаф рангли фонус чирсиллар, шу яқин орада хотинлар ашула қиларди.

«Куя!» деб ўйлади Пётр.

— Супуриб олай,— деган овоз эшитилди орқа томондан; Пётр кескин бурилиб, эшик олдида пол супурадиган чўтка ва латта ушлаб турган бир кўзали кампирни кўрди; Пётр индамасдан йўлакка чиқиб, қора шляпали, қорамтир кўзойнак таққан кимсага туртиниб кетди. У киши чала ёпилган эшик тирқишидан:

— Ҳа, ҳа, бошқа ҳеч нарса керак эмас!— деди.

Ҳамма нарса ҳам ёмон бўлиб, ўйлашга, сўзларда яширинган қандайдир мазмунларни излашга мажбур этар эди. Кейин катта Артамонов тўгарак стол ёнига ўтирди; рўпарасидаги кичкина самовар шинғиллар, боши устидаги осма чироқ шишаси, гўё кимнингдир кўринмас қўли оҳишта тегиб тургандай, жаранглар эди. Хотирисида қутурган мастларнинг ажиб қиёфалари, қўшиқ сўзлари, укаси буйруқ тарзида айтган гаплардан айрим парчалар пайдо бўлар, йўлда учраган кимнингдир кўзлари йилтиллаб кўринарди, лекин бари бир, калласи бўм-бўш, қоронғилашган эди; назарида бошига ингичка титроқ шуъла санчилиб, унинг ичида одамлар чанг зарралари сингари рақс тушиб айланаётганга ўхшар, қандайдир жуда муҳим бир иш тўғрисида ўйлашга халақит бергандай кўринарди.

У иссиқ, аччиқ чой ичиб ўтирар, огзини куйдириб коньяк ютса ҳам, мастликни сезмасди, фақат тоқатсизлиги ортиб, қаёққадир боргиси келарди. Қўнғироқ чалди. Эшик олдида туман сингари ёйилиб кетаётган, аллақандай юзсиз, худди суяк дастали таёққа ўхшаш бир кимса пайдо бўлди.

— Ванька, яшил ликёр келтир, яшилини, биласанми?

— Худди шундай шартрез.

— Сен Ванькамисан?

— Ҳеч ҳам йўқ, Константинман.

— Хайр, бор.

Лакей ликёр олиб келганда, Артамонов:

— Солдатмисан?— деб сўради.

— Ҳеч ҳам йўқ.

— Солдатга ўхшаб гапирасан-ку!

— Вазифам ўхшайди, итоат қилиш керак.

Артамонов бир оз ўйлагач, унга бир сўм пул бериб:

— Сен итоат қилма! Ҳаммасини... га юбор-да, ўзинг мороженоефурушлик қил. Бошқа гап йўқ!— деб маслаҳат берди.

Ликёр шиннидай ёпишқоқ, нашатир спиртидай ўткир эди. Уни ичиб олгандан кейин боши енгиллашиб, ҳушёр

тортганини ҳис қилди, ҳамма ўйлари қуюқлашди, миясидаги бу қуюқлашиш жараёни билан бирга кўча ҳам тинчий бошлади, жамини нафса қуйилиб, зичлашиб, майингина шув-шув пайдо бўлди-да, жимжитликни ортда қолдириб, йироқларга сузиб кетди.

«Итоат қилиш керак? Кимга? Мен — хўжайин, лакей эмасман. Мен хўжайинми, ё йўқми?» — деб ўйлар эди Артамонов.

Лекин ҳамма ўйлари ваҳм остида тўсатдан узилиб, йўқ бўлиб кетди. Артамонов тўсатдан ўз қаршисида ўша одамни кўрди; бу самовар ёнида ўтирган кенг юзли, серсоқол кимса унга Алексей ва бошқа устомон кишилар сингари осонлик ва эпчиллик билан ҳаёт кечиршига халақит берарди; чап қўли билан соқолини тутамлаб, кафтини жағига тираб индамай ўтиради, Пётр Артамоновга шу қадар маънос тикилардики, гўё у билан умрбод хайрлашаётгандай, айни замонда унга ачингандай ва негадир танбеҳ бергандай кўришарди, термалаб олиб йиғларди, сарғиш ковоклари остидан заҳарли кўз ёшлари оқарди, соқолининг бир четинда, чап қўли ёнида каттакон пашша ғивирларди. Мана, пашша гўё мурда юзида юргандай, ўрмалаб чаккасига ўтди, қойи устида тўхтаб, кўзига мўралади:

Артамонов ўз душманидан:

— Ҳа, ифлос, нима деисанг — деб суради, у бек қўлини мади, жавоб бермади, фақат лабларини қимирлатди, холос.

Пётр Артамонов ичи қоралик билан масхара қилиб бақирди:

— Йиғлаясанми? Мени йўлдан адаштириб, энди ўзинг йиғлайсанми, аблаҳ. Раҳминг келяптими? У... у... — деб бўкирди-да, стол устидан бутилкани олди ва қулочкаш-лаб туриб, рўпарасидаги одамнинг тепакал бошига туширди.

Синган ойнанинг жаранг-журунгига, стол устидан ағдарилиб тушган самовар ва идиш-товоқларнинг шарақ-шуруқларига одамлар югуриб келди: улар оз эди, лекин ҳар бири иккига бўлиниб ёйилиб кетарди, бир кўзли кампир бир оннинг ўзида ҳам энгашиб самоварни кўтарар, ҳам тик турарди.

Артамонов полда ўтириб, таъна сўзларини эшитарди:

— Тун, ҳамма уйқуда.

— Ойнани синдирибсиз.

— Бу, биласизми, фасон эмас...

Артамонов қўлларини ёйиб, қаёққадир сузиб кетаётгандай:

— Паш-шша...— деб инграр эди.

Эртаси кун кечқурун Алексей етиб келди, касал кўрган доктордай ёки отга қараган кучердай акасини диққат билан кўриб чиқди-да, мўйловини кичкинагина чўткача билан тараб:

— Ҳаддан ташқари шишиб кетибсан,— деди,— бу ҳолда уйга бориб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам сен бу ерда менга ёрдам беришинг мумкин. Пётр, соқолингни қирдириш керак. Ўзингга бошқа этик сотиб ол, этигинг худди извошчиларникига ўхшайди!

Катта Артамонов тишини тишига қўйиб, итоаткорлик билан укасининг орқасидан сартарошхонага борди. Йўл-йўлакай Алексей қатъий ва аниқ қилиб, соқол ва сочларини қанча калта қилиш лозимлигини тушунтирди; оёқ кийимлар магазинида ўзи Пётрга этик танлаб олиб берди. Шундан кейин Пётр ойнага қараб, гумаштага ўхшаб қолганини пайқади; этиги оёгини сиқар эди. Лекин укасининг тўғри қилаётганини тушуниб чурқ этмасди, чунки соч-соқолини қирқтириш, этигини алмаштириш, буларнинг ҳаммаси керак эди. Умуман ўзини тартибга солиши, мастликда ўтказган кунларидан қолган, сезиларли равишда кўнглини эзган бутун лойқа, оғир нарсаларни эздан чиқариши керак эди.

Аммо бошидаги туман, заҳарланган ва эзилган гавдасининг ҳорғинлиги орасидан укасига диққат билан қараб экан, ҳали ҳам мураккаб ҳиссиётларнинг: ҳасад билан ҳурмат, зимдан истеҳзо билан адоват ҳисларининг қоришмасини ссзарди. Бу озғин, ҳасса ушлаган, ўткир кўзли, тиниб-тинчимас киши, иш билан ўйнагандай очкўзлик билан ишда куйиб-пишиб ўт сочар эди. Пётр укаси билан ярмарканинг энг яхши қовоқхоналарида машҳур савдогарлар улфатчилигида нонушта қилар, овқатланар экан, Алексейнинг бойлар вақтини чоғ қилишга, кулдиришга тиришгани, ўзини масхарабоздай тутганини ниҳоятда таажжубланиб кузатар эди, бироқ улар Алексейнинг масхарабозлигини пайқамагандай, уни очиқдан-очиқ яхши кўришар, ҳурмат этишар, унинг зағизгондай чағиллаб айтган гапларига диққат билан қулоқ солишарди.

Гавдаси баҳайбат, соқоли пахмоқ газмол фабриканти Комолов, Алексейга сабзи ранг бармоғини ўқталса ҳам, буқа кўзларини ўқрайтириб, лабларини чўлпиллатар, мулоқимлик билан гапирар эди:

— Чаққонсан, Олёша, тулкидай айёрсан! Мени алдадинг...

— Ермолай Иванович! — деб чинқирарди Алексей. — Бу ахир мусобақа — шундай эмасми?

— Тўғри. Оғзингни очиб ўтирма, кузир тузи билан юр!

— Ермолай Иванович, ўрганаётибмиз-да.

Комолов рози бўлиб:

— Ўрганиш керак, — дерди.

Алексей ҳамон илгаригидай руҳий кўтаринкиликда, қўлидаги вилькасини ўйнатиб, лекин тилёғламалик билан давом этди:

— Жаноблар! Менинг ўғлим, Мирон, зийрак, келажакда инженер бўлади, менга гапириб берди. Сиракуза¹ шаҳарида машҳур бир олим ўтган экан, ўша олим подшога: «Менга суяниш нуқтасини кўрсатсанг мен сенга бутун ер куррасини ағдариб бераман!» деган эмиш.

Ушма Серопуза...

— Ағдараман, дейди! Жаноблар! Бизнинг табаракканинг ҳам таянадиган нуқтаси бор — сўлкавой! Бизга ағдариб берадиган ҳукамолар керак эмас, бизга ўргатиш керак эмас, ҳаммасини ўзимиз биламиз. Бизга ёлғиз бир нарсагина керак, у ҳам бўлса — бошқа чиновник. Жаноблар! Дворянлар овоз тўлаб, сўзларини тўлаб, улар бизга энди тўсқинлик қилолмайди, аммо чиновниклар ўзимизникилардан бўлиши керак, умуман, бизга керакли одамларнинг ҳаммаси ўзимизникилардан, савдогарлардан бўлиши лозим, тоинки, улар бизнинг ишимизга тушунадиган кишилар бўлсин, гап мана шунда!

Мўйсафид, тепакал, семиз кишилар шодлик билан Алексей сўзига қўшиладилар.

— Тўғри, тўғри, серопуза!

Бир кўзли, қирра бурунли, қотма чол, дисконтер² Лосев одоб билан ҳиқиллаб кулиб:

— Алексей Ильичнинг ақли — сичқондай исбилар: қаерда ёғ бор, қаерда кўмик, ҳаммасини билади, кемиргани кемирган. Унинг соғлиғига!

Қадаҳлар кўтарилади. Алексей хурсанд бўлиб ҳамма

¹ Сиракуза — серопуза, бу ерда сўз ўйини. Аслида, пишмаган маъносиде ишлатилган. (Тарж.)

² Дисконтер — векселларга пул тўлаб, қарадорларнинг ҳужжатларини ўз қўлига ўтказиб олиб, фойда кўрувчи бой. (Тарж.)

билан қадаҳ уриштирди, Лосев эса, болаларникидай кичкинагина қўли билан Комоловнинг елкасига қоқиб:

— Орамизда ақлли одамлар пайдо бўляпти,— деди.

Комолов фахрланиб:

— Ҳар доим бўлиб келган! Падарим юк ташувчилардан одам қаторига чиққан....— деб жавоб берди.

Лосев кулиб деди:

— Сенинг отанг бой арманини сўйиб иш бошлаган дейишади.

Пахмоқ соқолли фабрикант хахолаб кулиб жавоб қилди:

— Ёлгон гаплар! Буни бизда аҳмоқликдан гапиришади, бахтли бўлсанг — гуноҳқорсан! Одамлар сенинг тўғрингда ҳам, Кузьма, хунук гаплар тарқатиб юришибди...

Лосев энтикиб:

— Менинг тўғримда ҳам миш-миш гаплар пашшадай сероб, эҳ!— деб Комоловнинг гапини тасдиқлади.

Катта Артамонов уларнинг сўзига қулоқ солиб ўтирар, томоғини қириб кўп овқат ер, оз ичишга ҳаракат қилар ва бу одамлар орасида ўзини бегона, бошқа хил йиртқич ҳайвон наслидан эканини хафалик билан сезар эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам кечаги мужиклардан эканини билар, уларда қандайдир ҳурмат уйғотадиган қароқчиларга хос, афсонавий бир куч борлигини сезар, отаси билан улар орасида аллақандай умумийлик борлигини кўрар эди. Отаси тирик бўлса, шулар билан ишда ҳам, кайф-сафода ҳам бирга бўлар эди, албатта. У ҳам худди шулар сингари фоҳишабозлик қилар, пулни қириндидай ёққан бўлар эди. Ҳақиқатан, пул бу одамлар учун қиринди: улар ҳормасдан, жон-жаҳдлари билан бутун ер юзини, бир-бирларини, қишлоқларни йўнадилар.

Лекин укаси буларга қайси бир жиҳати биландир ўхшамасди, баъзан Пётр укасига бўлган адоватига қарамай, уларга нисбатан Алексей ўткирроқ, ақллироқ, ҳатто хавфлироқ эканини сезар эди.

Алексей жиннидай қутуриб бақирар эди:

— Жаноблар! Бир ўйлаб кўринг-а, бизда нақадар туғамас қўл кучи бор, неча-неча миллионлаб мужиклар бизнинг ихтиёримизда! Мужик — бизнинг ишчимиз ҳам, харидоримиз ҳам, шу қадар кўп мужик қаерда бор? Ҳеч қаерда йўқ. Бизга ҳеч қандай немислар, ҳеч қандай ажнабийлар керак эмас! Ҳаммаси ўзимизда бор, ҳамма ишни ўзимиз қила оламиз!

Кайфи ошиб қолган бақироқ кишилар, унинг сўзини қувватлаб бақириварди:

— Тўғри!

Алексей чет мамлакатлардан киритиладиган молларга пошлина орттирилиши зарурлиги, помещикларнинг срларини сотиб олиш лозимлиги, дворян банкларининг зарарлиги ҳақида гапирар эди. У билмаган нарса йўқ эди. Алексейнинг ҳамма гапига ўтирган кишилар руҳий кўтаринкилик билан қўшилардиларки, бу ҳол катта Артамоновни ҳайрон қолдирарди.

Пётр ҳасад билан:

«Никита тўғри айтди, бу — яшай билади» деб ўйлар эди.

Алексей ҳам соғлиги заифлигига қарамасдан бузуқ ишлар билан машғул бўлар эди. Унинг москвалик ашулачи қизлар хор тўдасига бошлиқ, кўркам, келишган, товуши ширадор, шаҳло кўз, доимий ва қадрдон эски ўйнаши бор эди. Отамлар уни қирққа кирган, дейишарди, лекин сутдай юзига қон қуюлиб турганига қараганда, ўтирига бормаганга ўхшарди.

Бу хотин ўткир, тулки тишларини кўрсатиб:

— Олёшажон, лочиним, — дер эди-да, худди она боласини яширгандай, Алексейни бутун гавдаси билан тўсиб оларди.

Хор тўдасидаги қизлар билан ҳам Алексей алоқа қилишини у албатта билар ва кўрар эди. Лекин унинг Алексейга муносабати дўстона эди; Пётр бир неча марта Алексейнинг бу хотин билан одамлар тўғрисида, иш ҳақида маслаҳатлашганини эшитган эди, бу ҳол уни ҳайрон қолдирар, отаси билан Ульяна Баймаковани эсига соларди. Укасига қараб туриб ичида:

«Шайтон» деб қўяр эди.

Ҳатто унинг шўхлиги ҳам айниқса қизиқ эди. Бақалоқ масхарабоз Майер деган немис от ўйинда бир чўчқани ўйнатар эди, чўчқа этаги узун сюртук, бошига цилиндр, оёғига бутикага ўхшаган этик кийиб, кейинги оёғида тика туриб, савдогарларга тақлид қилиб юрар эди. Бунини кўриб томошабинлар роса кулишар, савдогар аҳли ҳам кулар эди. Лекин Алексей бунга бошқа кўз билан қараб ранжиди, чўчқани ўғирлашга ошна-оғайниларини кўндирди. Отбоқарга пул беришиб, чўчқани ўғирлатиб келишди. Меҳмонхонанинг энг уста ошпази Барбатенко ҳар хил масаллиқ солиб пиширган ўша чўчқанинг гўштини савдо-

гарлар тантана билан ейишди. Масхарабоз хафаликдан ўз-ўзини осганини Пётр Артамонов аллақаерда кимдандир эшитган эди¹. Ярмаркада Алексейда кўрилган бу хил қилиқлар Пётрни ваҳимага солиб қўйди.

«Фирибгар, виждонсиз. Мени гадо қилиб қўйиши ва буни ўзи сезмаслиги ҳам мумкин. Очкўзлигидан эмас, шунчаки, ўйнаб юриб гадо қилади-қўяди» деб ўйлади.

Бу таҳликани англаши биланоқ ҳушёр тортиб, оёққа турди. Уйга ёлғиз ўзи қайтди, Алексей Москвага ўтиб кетди. Артамонов Дремовга яқинлашганда, сентябрнинг шамоли ва ёгингарчилик куни эди. Торгина ботқоқлик йўлнинг икки чеккасида қимирламай саф тортиб турган пастак арчалар орасида, билчиллаган лойда почта отлари кўнги-роқларини жаранглатиб, туёқларини чалпиллатиб, астойдил олга интилиб югуришар эди. Осмонни ёппасига кул раул булут қоплаган, сархуш бошда ҳам худди шундай кун ранг, ноаниқ нарса уймалашиб, юракни сиқар эди. Артамонов жуда яқин кишисини, ҳар ҳолда уни зериктирган бир кимсани кўмгандай ҳис этарди ўзини. Марҳумга ачинса ҳам, лекин у билан минбаъд учрашмаслигини билиш ёқимли эди, марҳум ноаниқ тилаклари ва соқов танбеҳлари билан, ҳақиқий тирик одамнинг яшашига халақит берувчи барча қилиқлари билан энди кўнгилни гаш қилмас эди.

«Иш қилиш керак, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ҳамма одамлар иш билан тирик. Шундай!» деб ўзини ишонтирарди Пётр.

У бор кучи билан, жон-жаҳди билан ишга тугинди. Эрта кузнинг очиқ кунлари ойдин кечаларнинг гамгин ёруғи билан алмашиб, тинчгина ўтар эди.

Куз тонгларининг марваридсимон қоронғисида Артамонов уйғониб, фабриканинг ишга чақирган гудогини эшитарди, ярим соатдан кейин чарчашни билмас говур-ғувури, шивир-шивири, бўғиқроқ бўлса ҳам ниҳоятда кучли, қулоқ ўрганган иш шовқини бошланарди. Тонг отишдан то қоронғи кечгача омборлар олдида мужиклар ва хотинлар зигирпоя топширишар, шовқин солишар эди. Ватаракша бўйида, сон-саноқсиз Морозовлардан бири очган қовоқхона олдида мастларнинг ашуласи эшитилар, гармонь чинқирар эди. Ҳовли ичида эса, машинадай огир ва батартиб,

¹ Бу ҳодисани «Русский курьер» газетасида П. Д. Боборикин ёзган, воқеа ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келади. (Автор изоҳи.)

одамларга нисбатан талабчан Тихон Вялов, қўлида супурги, белкурак, болта билан айланиб юрарди; у шошмасдан супуриб-сидирар, ер қазир, ёғоч кесар, мужикларга ва ишчиларга ора-сира бақириб қўяр эди. Ҳаво ранг кийимда, ҳамиша озода Серафим ҳам гоҳ-гоҳ кўриниб қоларди. Уйда эса, эри ярмаркадан келтирган қимматбаҳо ҳадяларни кўриб суюнган, айниқса Пётрнинг индамас, вазмин хотир-жамлигидан ниҳоятда қувонган Наталья машинадай ҳаракат қилар эди. Ҳамма иш жойида, гўё бир-бирига яхшилаб мослангандай бир текисда боради. Фабрика, одамлар, ҳатто отлар ҳам бир умрга бураб қўйилгандай ишлар эди. Худди шамол қувган булутдай, ойлар тез алмашиб, йиллар ўтар эди.

Катта Артамонов бошини буқадай эгиб фабрика корпусларида, ҳовлида, посёлка кўчаларида болаларни қўрқитиб юрар ва ҳамма ерда алақандай янгилик, ғалати ўзгариш сезарди: бу улкан ишда у деярли ортиқча, гўё томошабандан сузиб қўйилган Яковнинг ишчи тўшунганини, ҳаттоки ишга берилиб кетганини кўриб кўнгли кутарилди, унинг тортиш-туртиши иш тўтиши эса катта ўғли Илья тўғрисидаги фикрлардан уни узоқлаштирибгина қолмай, у билан ярашиш фикрини ҳам кўзгар эди.

Сенга ҳам ишим битеди. олим. Ўқийвер» — деб ўйларди Пётр.

Миққидай семиз, қизил юз, кулганда, ҳамма ранг, худди совун кўпигида акс этгандай, кўзида акс этувчи шахло кўз Яков думалоқ гавдасини салобат билан кўтариб юрарди, яқиндан каптарга ўхшаб кетса ҳам, узоқда ишчан, чаққон хўжайиндай кўринарди. Ишчи хотинлар унга ёқимли жилмайишар, Яков ҳам уларга ғамза билан кўзларини сузиб, дилкашлик қилар, уларнинг олдида, қандайдир, ёндамасига юрар, лекин ясама сиполик ниқоби остида жўжа хўрозлик ғурурини яширолмас эди. Отаси ўз қулоғини чўзиб тиржаяр ва ўйлар эди:

«Сенга Паулани кўрсатилса борми, аҳмоқча...»

Яков амакисиникига борганда, Мирон билан унинг ошнаси усти боши тўзиган, нотинч Горицетов орасидаги чексиз тортишувларга Яковнинг аралашмаганини кўриб, отаси хурсанд бўлар эди. Мирон ҳозир савдогарларнинг боласига мутлақо ўхшамай қолганди; ўзи ориқ, бурни катта, кўзида кўзойнак, эгнида куртка: икки кифтига алақандай лаш-лушлар тақилган, зар тугмалар қадалган — худди майда ишлар судьясига ўхшаб кетарди. У солдатдай тик

юрар, тўғри ўтирар, такаббурлик билан кеккайиб гапирарди. Пётр жиянининг доим қандайдир маънили гапларни топиб гапиришини билса ҳам, ҳар ҳолда Мирон унга ёқмасди.

Қўлларини куртка чўнтақларига суқиб, кеккайиб олиб, насиҳатомуз дерди:

— Бе, биродар, бу — фалсафа. Бу заифликдан, иш қилолмасликдан келиб чиққан фалсафа сотишдан бошқа ҳеч гап эмас.

Катта Артамоновга Горицветов ҳам чакки эмасдай, маънили гапирадигандай кўринар эди. Паканагина, студентлик нимчаси остидан қора кўйлак кийган, тугмалари палапартиш ечилган, сочлари ҳурпайган, худди бир неча кундан бери ухламагандай кўзлари шишган, қорамтир, чўзинчоқ юзига ҳусибузар тошган Горицветов, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, титраб-қақшаб қўлларини силкитар, Миронга ҳужум қилиб бақирар эди:

— Сизлар шундай бир даражага эришишингиз мумкинки, фабрикаларингизнинг гудоклари билан осмонга қуёш кўтариладиган, машиналарнинг чақириси билан ўрмонлардан, ботқоқлардан тутунли кун чиқадиган бўлади, лекин сиз одамни нима қиласиз?

Мирон қошларини чимириб, юзини буриштириб, қўзойнагини тузатиб, ўз фикрини бир маромда қуруққина қилиб англатар эди:

— Бу — фалсафа, бу — шеър. Бу қуруқ гап, хом хаёл, дўстим. Ҳаёт — кураш, унда шеъриятга, асабий жиззакиликка ўрин йўқ, уларнинг бўлиши ҳатто кулгили.

Тортишувчиларнинг сўзлари кўк каптарлар орасидаги оқ каптарлардай ажралиб турарди. Катта Артамонов ўйлар эди:

«Мана улар: янги қушлар, янгича сайрашлар».

Пётр гапнинг тагига унчалик етмаса ҳам, Яковга разм соларкан, ўғли кинояли кулгисини яшириш учун устки лабидаги сабза урган майин тукни силаганини кўриб жуда завқланар ва ўйларди:

«Шундай. Илья бўлганда нима дерди?»

— Ерни ва одамларни темир билан кишанлаб, одамни машинанинг қули қилиб...— деб қичқирарди Горицветов.

Мирон бурнини қимирлатиб, унга дерди:

— Сен ғамини еган одам — бекорчи, ишёқмас одам. Агар у ўзининг халос бўлиши саноатнинг тараққиётига боғлиқ эканини эрта-индин тушунмаса, йўқ бўлиб кетади...

«Қайси бириники ҳақиқат! Қайси бири яхшироқ?» деб тушунишга тиришарди Пётр Артамонов.

Жиянига қараганда Горицветов унга кўпроқ ёқмасди. Унда қандайдир суюқлик, тутуриқсизлик бор эди, у нимадандир аниқ қўрқар, шунинг учун қичқирарди. Мастлар сингари бетакаллуф эди, дастурхон ёзилган стол тепасига уй эгаларидан олдин бориб ўтириб оларди, пичоқ ҳам вилкаларни чангаллаб, у ёқ-бу ёққа сурар, оғзи куйганига қарамай, шошиб-пишиб йўталиб, беодоблик билан овқат ер эди, унда ҳам Алексейдаги каби, аллақандай сапчиниш, ортиқча қилиқ ва ёвузлик борга ўхшарди. Қизарган кўзларининг қорамтир қорачиқлари сўқирона тикиларди: бу йигит Пётр Артамонов билан индамай кўришар, ғадир-будур, иссиқ қўлини ҳурматсизлик билан узатиб, дарҳол тортиб олар эди. Хуллас, у қандайдир кераксиз одамга ўхшар, Миронга нима учун керак бўлиб қолганини сира тушуниб бўлмасди. Ольга унга:

— Сен. Стёпа. овқатингни егин, гапирма,— деб маслаҳат берганда:

— Гапирмасам, бўлмайди: бу ерда зарарли муртадликни тарғиб қилишди!— деб жавоб берарди Горицветов.

Студентларнинг ўзаро тортишувига Алексейнинг индамасдан, диққат билан қараб туриши Пётрни ҳайрон қолдирарди. Унинг бу қарашининг дарафтини олиб:

— Тўғри! Куч қаерда бўлса, ҳокимият ҳам шунда бўлади,— дерди,— куч эса саноатчиларда, демак...

Ольга чаккасидаги ажинларини гуллаптиб, бурнини чўзиқ кўрсатган ва учини қизартиб юборган қалин шишали гардишсиз кўзойнак тақиб оларди-да, овқат ва чойдан кейин дераза олдидаги иш гардиши ёнига ўтириб, индамасдан ишга берилиб, нозик билан жуда галати, ранго-ранг гуллар тикар эди. Пётр ўзини укасининг уйида ўз уйидагидан кўра бемалолроқ сезарди, укасиникида ўтириш кўнгиллироқ, ҳар вақт яхши вино ичиш мумкин эди.

Яков билан уйга қайтиб келаётганда, отаси ундан сўрарди:

— Нима тўғрисида баҳслашганини тушунасанми?

— Тушунаман,— деб қисқагина жавоб берарди ўғли.

Узи тушунмаганини ундан яшириш учун, катта Артамонов қатъият билан суриштира бошларди:

— Хўш, нима тўғрисида?

Яков ҳар доим истар-истамас, қисқагина, аммо тушунарли қилиб жавоб берарди. Унинг гапига қараганда, Ми-

рон, бутун Европа қай тартибда яшаётган бўлса Россия ҳам шундай яшаши лозим, дермиш. Горицветов эса, Россиянинг ўз йўли борлигига ишонармиш. Шу пайт катта Артамонов ҳам бу масалада ўз фикр-мулоҳазаси борлигини ўғлига кўрсатгиси келиб салмоқ билан:

— Агар ёт элларда маишат бизникидан кўра яхшироқ бўлса эди, ажнабийлар бизнинг мамлакатимизга бош суқиб келмас эди,— деди.

Лекин бу — Алексейнинг фикри эди, ўзининг фикрлари эса — йўқ. Артамонов ранжиб, нуқул қовогини соларди. Ўгли эса уни баттар ранжитиб:

— Ақл билан мақтанмасдан, бу сўзларсиз ҳам яшаб бўлади...— деди.

— Албатта, буларсиз ҳам яшаш мумкин...— мингиллаб қўйди катта Артамонов.

Одамни ранжитувчи ва ҳайрон қолдирувчи майда-чуйда нарсаларнинг турткиларини Пётр тобора кўпроқ сезмоқда эди. Бу турткилар Пётрни бир четга суриб, ҳар бир нарсани кўришга ва ўйлашга мажбур бўлган томошабил даражасига обориб қўймоқда эди. Теварак-атрофдаги тамомий нарса сезилмас даражада, лекин тез ўзгармоқда эди. Сўзларда, ишларда — ҳамма ерда шилқим янгилик, нотинч янгилик қичқирарди. Бир куни чой устида Ольга:

— Ҳақиқат кўнглинг тўлиб, бошқа ҳеч нарса истамагани, ҳақиқат шу,— деганда, Пётр:

— Тўғри,— деб Ольганинг сўзига қўшилган эди.

Лекин Мирон кўзойнагини ялтиратиб, онасига таълим бера бошлади:

— Бу ҳақиқат эмас — бу ўлим. Ҳақиқат — ишда, ҳаракатда.

Мирон карнай қилиб ўралган қалин қоғозни олиб чиқиб кетгандан кейин, Пётр Ольгага:

— Ўғлинг сен билан қўпол муомала қилди,— деди.

— Ҳеч бир.

— Кўриб турибман, қўпол!

— У мендан кўра ақллироқ. Мен ўқимаганман, кўпинча бемаъни гапларни гапириб қўяман. Болалар, умуман, бизга қараганда ақллироқ.

Бунга Артамонов ишонолмади, илжайиб жавоб қилди:

— Тўғри, сен бемаъни гапларни гапирасан. Қариялар биздан кўра ақллироқ бўлган: «Ўгил бола бир ташвиш, қиз бола икки ташвиш», деган гапни қариялар айтган, тушундингми?

Ольганинг болалар ақли тўғрисидаги сўзлари унга қаттиқ тегиб кетди. Ольганинг Ильяга шама қилмоқчи бўлгани аниқ эди. У Алексейнинг Ильяга пул билан ёрдам беришини, Мироннинг унга хат ёзиб туришини билса ҳам, такаббурлигидан Ильянинг қаерда, қандай яшаётганини ҳеч қачон суриштирмасди. Ольга эса унинг такаббурлигини билиб, бошқа гаплар орасида жуда усталик билан шу тўғрида сўз қистириб ўтарди. Ольганинг сўзларидан Ильянинг негадир Архангельскака жўнаб кетганини, ҳозир эса чет элда яшаётганини билар эди.

— Майли, қаерда яшаса — яшайверсин. Ақли кирса, аҳмоқлик қилганини ўзи ҳам тушуниб қолар.

Баъзан Ильяни ўйларкан, унинг қайсарлигига ҳайрон бўлар: «Атрофдагиларнинг ҳаммаси ақлли бўлиб кетяпти, хўш, у нимани кутар экан?»— деб қўярди ўзича.

Пётр кўпинча укасининг уйида Попова ва унинг қизини учратарди, у ҳамон қадимгисидай чиройли, маъюсона хотиржам Пётрога ёт эди. У Пётр билан кам гаплашар, гаплашганда ҳам, бир вақтлар Илья билан гаплашгандек, уни ўринсиз ранжитдим, деб ўйлаган кезларидаги каби ғалати таассурот қолар эди. Унинг олдида Артамонов сиқилар эди. Тинч ва хотиржам пайтларида кўз ўнгида Попованинг сиймоси пайдо бўларди-ю, лекин ҳайратдан бўлак ҳеч нарса уйғотмасди. Мана бу киши ёққан, уни ўйлаётган бирор у сенга нима учун керак — буни тушуниб бўлмайди, соқов билан гапиришиб бўлмагандек, у билан ҳам гаплашиб бўлмайди.

Дарвоқе, ҳамма нарса ўзгармоқда, ҳатто ишчилар ҳам тобора инжиқлашиб, газаби қўзиб, сил касалига кўпроқ мубтало бўлмоқда, хотинлар эса тобора шаллақи бақироқ бўлиб, айнимоқда эдилар.

Ишчилар посёлкасидаги шовқин борган сари авж олиб, кечқурунлари у ерда ҳамма одам бўри каби увлаётгандай, ҳатто ифлосланган қум ҳам жаҳл билан бўкираётгандай туюларди.

Ишчиларда аллақандай қўнимсизлик, саёқликка, дайдиликка ҳавас сезилади. Ҳеч ким ранжитмаган, ҳеч нарсадан аразламаган йигитлар тўсатдан конторага келиб, ишдан бўшатишни сўрашарди.

— Қаёққа бормоқчисиз?— дерди Пётр.

— Бошқа ерларни кўрмоқчимиз.

Катта Артамонов укасидан:

— Булар нимага қутуради?— деб сўраганда, Алек-

сей афт-башарасини муғамбирона буриштириб, тулкидай илжайиб, ҳамма ерда ҳам ишчилар ҳаракатга келганини гапириб берди.

— Ҳали ҳам бизнинг бу ер тинч, яхши. Аммо Петербургда чатоқ... Чиновникларимиз, министрларимиз бўлса, мансабига мувофиқ кишилар эмас...

Шундан кейин у шу қадар дағал, бемаъни нарсалар тўғрисида гапира бошлардики, акаси хўмрайиб унга таълим беришга мажбур бўларди:

— Ҳаммаси бўлмағур гап! Подшонинг қўлидан ҳокимиятни тортиб олиш дворянларга фойдали, чунки улар кундан-кунга камбағаллашиб кетяпти. Биз эса, қўлимизда ҳокимият бўлмаса ҳам, кундан-кунга бойимоқдамиз. Сенинг отанг байрам кунларидагина қора ёғ суртиб этик кийган бўлса, сен чет элдан келтирилган ботинкаларни киясан, ипак галстуклар тақасан. Биз подшонинг ишчиси бўлишимиз керак, чўчқанинг эмас. Подшо — эман дарахти, бизга олтин ёнгоқларни ана шу дарахт беради.

Алексей акасининг сўзларига қулоқ солар экан, илжайиб, Пётрнинг жиғига баттарроқ тегар эди. Катта Артамонов, умуман ҳамма одамлар кўп илжайдиган бўлиб қолган, деб ўйлар эди. Уларнинг бу янги қилиқларида қандайдир дилғирлик, бемаънилик бор эди. Аммо уларнинг биронтаси ҳам ўлмас чол — дурадгор Серафимдай одамни овутиб, яйратиб кулдиролмасди.

Артамонов бу овутувчи чол билан жуда ҳам дўстлашиб кетган эди. Гоҳо у яна зерика бошлар, ўшанда ичкиси келиб ўлиб турарди. Укасиникида ичиш уят эди, у ерда ҳар вақт ёт кишилар бўлади. Айниқса, Поповага маст ҳолда кўрингиси келмасди. Уйда эса бундай кунларда Наталья ғам-ташвишдан букилиб, юраги эзилгандай жим юрарди. Ундан кўра уришса яхшироқ бўларди, у вақтда унинг ўзини ҳам койишга имкон туғиларди. Бу ҳол Натальяни таланган кишиларга ўхшатиб, Пётрда ғазаб эмас, раҳмдилликка яқин бир ҳис уйготар эди. Артамонов Серафимнинг олдига борарди.

— Ичгим келяпти, чол!

Ҳушчақчақ чол жилмайиб, унинг бу фикрини қувватларди:

— Бу оддий иш, худди ёзги қуёшли кундай! Чарчабсан, демак, ҳоригансан. Хайр-хайр, ўзингни маҳкамлаб ол бўлмаса! Сенинг ишинг кичкина эмас, бетдаги сўгалга ўхшамайди!

Серафим хўжайин учун ғоят мазали настойкалар, наливкалар сақлар, ранг-баранг шишалар олиб қўйиб мақтанар эди:

— Ҳзим ўйлаб чиқардим, шунақа нарсени пиширадиган дьякондан қолган бева хотин бор. хотин эмас, куйдирмажон! Мана ичиб кўр, бунга қайини дарахтининг баҳорги шираси билан чачоқлари солиб етилтирилган. Қалай?

Чол стол ёнига ўтириб, ўзининг «шолғом виноси»ни шимириб валдирай бошларди:

— Хўш, ўша дьякондан қолган бева... жудаям бахтсиз хотин. Кимни ўйнаш қилса, натижада ўғри бўлиб чиқади. Ҳйнашсиз ҳеч туролмайди, томирларида шунақа тоқатсизлик бор...

— Йўқ, мен ярмаркада биттасини кўрганман,— деб эсларди Артамонов, Серафим эса хўжайинининг гапини маъқуллашга шошиларди:

— Турган гап! У ерда бутун ер юзидан таңлаб келтирилган асл мол бўлади. Мен биламан.

Серафим ҳамма одамнинг ҳамма нарсага билиши эди. У ишчи ва хизматчиларнинг оилавий ишлари тўғрисида қизиқ қисқоқ қилар, ҳамма одамлар ҳақида бир хилда меҳрибонлик билан, ўз қизи ҳақида эса худди ёт кишини тилга олгандай гапирар эди.

Кўриб келтирилган балбахт хозир осласоф Седов билан бирга турибди, қаранг-а, туппа-тузук турибди. Дарҳақиқат, мол харидорсиз қолмас экан.

Серафимнинг қириндию смола иси билан тўлган озода ва иссиққина ҳужраси жуда ёқимли эди, девордаги тунука чироқнинг хиралиги унга халақит бермасди.

Артамонов ичиб олиб нуқул одамлардан шикоят қилар, дурадгор эса уни овуларди:

— Бу ҳеч гап эмас, бу — яхши! Одамлар олға қараб югурди — гап мана шунда! Одам ётиб-ётиб, ўйлаб-ўйлаб, ўрнидан ирғиб турди-ю, югуриб кетди! Қўявер, югураверсин. Сен зерикма, одамга ишон. Ўзингга ишонсанми?

Пётр Артамонов индамай, ўзига ишониш-ишонмаслигини ўйлар эди. Серафимнинг ўткир товуши сўзларни жангиллаб, тасалли бериб куйлар эди.

— Сен ким қандай эканига, яхши-ёмонлигига қарама, бу доимий нарса эмас, кеча яхши бўлса — бугун ёмон. Мен, Пётр Ильич, ҳар бир нарсени кўрганман, яхшисини ҳам, ёмонини ҳам, эҳе, жудаям кўп кўрганман! Баъзан кўриб тураман: ана ўша яхши нарса, бир айланиб қарасам — йўқ

бўлиб қолади. Мана, мен борман, бир дамдан кейин қаранг, мен йўқман, шамол чангдай учириб кетган. Мен бўлсам — мана олдинда ўтирибман. Мен — нима деган нарса? Одамлар орасида пашшадай нарсаман, кўзга ҳам кўринмайман, сен бўлсанг...

Серафим бармоғини маънодор қилиб кўтариб, жим бўлар эди.

Унинг гапини эшитиш Артамоновга икки ёқлама ҳузур бағишларди: унинг гаплари чиндан ҳам одамни кулдириб овулар ва шу билан бирга, чол ҳазиллашаётганини, ёлгон гапираётганини лекин виждонан эмас, балки одамларни овтиши унинг касби бўлгани учун ёлгон гапираётганини Артамонов аниқ билар эди. Серафимнинг ҳазилини тушуниб:

«Доғули чол, чаққон! Мана, Никита эса бу хилда овутолмайди» деб ўйлар эди.

Пётр ярмаркадаги шарм-ҳаёсиз хотинларни, отўйиндаги масхарабозларни, дорбозларни, кўзбўямачиларни, йиртқиқ ҳайвонларни ўйнатувчиларни, ашулачи ва машшоқларни, «одамзод дўсти» қора Стёпапи — хуллас, бутун умрида кўрган овутовчиларни хотирлар эди. Укаси Алексейда ҳам шулар билан қандайдир умумийлик бор. Мана, Тихон Вяловда эса бу нарса йўқ. Паула Меноттида ҳам йўқ.

Пётр кайфи ошиб, Серафимга:

— Ёлгон гапирасан, қари шайтон!— дерди.

Дурадгор кафтларини ўзининг қиррали тиззаларига уриб, жуда жиддий тарзда дерди:

— Йў-ўқ! Ўзинг ўйлаб кўр: ҳақиқатни билмаганимдан кейин қандай қилиб ёлгон гапирай? Мен сенга чин кўнгилдан рост айтяпман: ҳақиқатни билмайман! Шундай бўлгандан кейин, қандай қилиб ёлгон гапира билай?

— Ундай бўлса, жим ўтир!

Серафим ёқимли овоз билан:

— Мен соқовманми?— деб сўрарди, унинг қизил, кичкина юзи табассумдан нурланиб кетарди.— Мен мўйсафидман. Қолган озгинагина умримни ҳақиқат изламаёқ кечира оламан. Ҳақиқатни билиш учун ёшлар уриниши керак, бунинг учун уларга кўзойнак тақиш маслаҳат. Мирон Алексейич кўзойнак тақиб юради: нимани нимага, кимни қаерга жойлаштириш кераклигини олдиндан кўради.

Дурадгор Миронни яхши кўрмасди, буни катта Артамонов билар ва бу нарса унга ёқар эди. Серафим гусли торларини чертиб, шўх-шўх ашула қилганда:

Завод бўйлаб қизилиштон,
Кўзойнакда қараб юрар.
Мен ақлли ҳаммангиздан,
Қолганларни аҳмоқ деяр!

— Тўғри!— деб маъқуллар эди Артамонов хахолаб кула-кула.

Маст бўлиб қолган дурадгор ҳам ихчамгина оёғи билан тепиниб яна бошларди:

Қарчиғаймас, на бойқуш,
Қушчаларни еярган;
Бу Алексей Ильич эмиш,
Худо бандаси экан!

Катта Артамоновга бу ҳам ёқар, шундан кейин чол Яков тўғрисида уят сўзларни қўшиқ қилиб айтарди:

Сиз, Маша, ким дейсиз,
Ҳеч нарсага тушунмайди.

Улар шу аҳволда баъзан тонг отгунча вақтичоғлиқ қилишар, кейин Тихон Вялов эшик тақирлатиб кирарди, агао хўжайин ухлаб қолган бўлса, виғотиб, совкконлик билан дерди:

— Уйга қайтиш керак, ҳозир гудок чалади: ишчилар сизни бу ерда кўрса — яхши эмас!

— Нима, яхши эмас? Мен — хўжайинман!— деб валдирарди Артамонов.

Лекин қоровулга бўйсуниб, гандираклай-гандираклай уйга қайтар ва ўрнига ётиб, баъзан кечгача ухларди, лекин кечаси яна Серафимнинг олдига борар эди.

Хушчақчақ дурадгор иш устида ўлиб қолди: бир кўзми фельдшер Морозовнинг сувга гарқ бўлган ўғлига тобут ясаётиб, тўсатдан ағдарилиб тушди-ю, ўлиб қолди. Артамонов чолни қабристонгача кузатгиси келиб, ишчилар билан лиқ тўлган черковга борди, негадир поплик вазифасидан воз кечиб, номаълум тарафга кетиб қолган мулойим табиатли поп Глеб ўрнига келган малла соч поп Александрнинг жиддий ибодатларини тинглади. Черковда фабрика мактабининг мушук башара муаллими Греков ташкил қилган хор тўдаси чиройли куйлади, ёшлар жуда кўп йиғилди.

Одамларнинг кўплигини Артамонов ўзича, якшанба кун бўлгани учун, деб тушунди.

Мўъжаз, енгил тобутни ёш тўқувчилар кўтариб борарди; ўрта яшар ишчилар ўзларини четроқда тутарди: олабула бачкана кофта кийган Зинаида қовоғини солиб тобут орқасидан борар, лекин кўз ёши тўкмасди; унинг ёнида яғрини кенг, озода кийинган слесарь Седов, бир чеккада эса қумда оғир-оғир қадам қўйиб Тихон Вялов борарди. Қуёш порлоқ нурларини сочар, черков ҳофизлари баланд овоз билан барабар янгратаиб куйлашарди, аммо бу дафн маросимида қайғу етишмас, галати эди.

— Ҳурмат билан кўмишяпти.— деди Артамонов терлаган юзини артиб; Тихон оёғи остига қараб тўхтади ва бир оз ўйлагач:

— Ёқимтой, қувноқ одам эди, ановига ўхшаган...— деди-да, қўлини ҳавода айлантириб:— Уни чол кўчаларда кўтариб юрар, қизи бўлса ашула қиларди. Ҳаммани овулар эди.— деб қўйди.

Хўжайиннинг жаҳлини чиқарадиган ҳурматсизлик билан Артамоновга қараб қўйди-да:

— Одамларни йўлдан оздирарди; ҳеч кимни ранжитмаса ҳам фосиқона яшар эди.

— Фосиқона, фосиқона!— деб масхара қилди уни хўжайин.— Сен бу ўйлар билан занжирбанд бўлиб қолгансан. Эҳтиёт бўл, Тулундай қутуриб қолма...— деди-да, қоровул ёнидан бурилиб, уйга кетди.

Кун эрта, қиём вақтига энди яқинлашган бўлса ҳам, жуда иссиқ эди; йўлдаги қум ҳам, кўм-кўк осмон ҳам тобора қизиб борарди. Кечга яқин қуёшда қизиган тоғдай-тоғдай оқ булутлар кўтарилди, улар ҳавонинг димлигини баттар зўрайтириб, ернинг бир чеккаси бўйлаб шарқ томонга сузиб кетди. Артамонов боғда бирпас сайр қилиб юргач, дарвозадан ташқарига чиқди. Баҳорги ёгингарчилик вақтида занглаб, ёмон ғижиллайдиган бўлиб қолган дарвозанинг ошиқ-маъшуғини Тихон қора мой билан мойламоқда эди.

Артамонов дарвоза олдидаги скамейкага ўтириб, эринчоқлик билан:

— Келиб-келиб байрам куни дарвозани мойлайсанми?— деб сўради. Тихон унга кўз олайтириб қаради-да, паст товуш билан:

— Серафим зарарли одам эди,— деди.

— Нимаси зарарли?

Артамоновнинг саволига жавобан Тихоннинг ғалати сўзлари қора сувараклардай ўрмалаб кетди:

— Хотираси яхши эди, кўп нарсани эсида тутарди. Ниманики кўрса — ҳаммасини хотирида сақларди. Нимани кўриши мумкин дерсиз? Ёмонлик, оворагарчилик, беҳуда тараддуд. Мана шу нарсалар тўғрисида ҳаммага гапириб юрарди. У фисқ-фасод уругини сочиб кетди. Мен ҳаммасини кўриб турибман.

Дарвозанинг ошиқ-маъшуғи орасига мой чўткани суқиб тинмай жаврар эди:

— Одамларнинг миясини қоқиб ташлаш керак, токи хотирламайдиган бўлсин, негаки хотира ёмонликни ўстиради. Шундай бўлиши керакки, одам яшаб ўлгач, ундаги жамки ёвузлик, ёмонлик, аҳмоқлик ҳам ўзи билан бирга ўлсин. Бошқалар туғилиб, ёмонликни эслай олмайдиган, фақат яхшиликни эслайдиган бўлсин. Мана, мен ҳам хотирам дастидан кўп азоб чекапман. Қаридим, тинчликни хохлайман. Тинчлик қаерда? Тинчлик — хотирасизликда...

Тихон бирданига шу қадар кўп, шу қадар тараблантирадиган ғалати сўзларни шу вақтгача гапирмаган эди. Унинг ҳар вақтдагидай аҳмоқона сўзлари негадир шу онда Артамоновга айниқса адоватли туюлди: Артамонов қоровулнинг парча-пурча соқолига эриб ёйилиб кетаётгандек кўришди. Кўришди, лекин экинчи босиб бўлмаган тош пешанасига қараб, бу одамнинг афти борган сарп хунуклашиб кетаётганига ҳайрон бўларди. Ажинлари худди этик кўнжидagi қатламларга ўхшар ва одатдан ташқари чуқурлашган эди: ёноқ суяклари туртиб чиққан юзи эса қарлик таъсирида тап-тақир бўлиб, кул ранг тош тусига кирган, бурни — булут сингари илма-тешик.

«Шарти кетиб, парти қолди,— деб ўйлади Артамонов қоровулнинг қартайганлигидан ҳузур қилиб.— Валдирайдиган бўлиб қолди. Ишга ярамай қолди, жавобини бериш керак. Мукофот бераману йўқотаман».

Тихон бир қўлида мой чўтка, иккинчи қўлида бир челақда қора мой кўтариб, Пётрнинг ёнига яқин келди-да, чўтка билан фабриканинг тўқ-қизил, хом гўштга ўхшаган биносини кўрсатиб, жаврай бошлади:

— Агар сен фабрикада улар нималар деяётганига қулоқ солсанг эди, олифта Седов, ғилай Морозов, унинг укаси Захарка, Зинаида ҳам — улар тўғридан-тўғри: бировнинг қўли билан вужудга келтирилган иш — зарарли, уни йўқ қилиш керак, дейишяпти. ха...

— Бу сенинг фикрингга ўхшайди,— деди хўжайин истеҳзо билан.

— Меники?— Тихон «йўқ» дегандай калласини чайқайди.— Йўқ, менинг фикрим эмас. Мен бунақа хаёлларни қабул қилмайман. Ҳар ким ўзига ишласа, у вақтда ҳеч нима бўлмайди, ҳеч қандай ёмонлик ҳам бўлмайди. Улар бўлса, ҳамма нарсани биз бино қилдик, биз — эгасимиз, дейишади. Сен, Пётр Ильич, ўйлаб кўр, бу тўғри гап, ҳамма нарсани улар вужудга келтирди! Улар сени ишга қўшдилар, сен юкни текис йўлга тортиб чиқардинг. Энди бўлса...

Артамонов сиполик билан томоқ қириб, ўрнидан турди ва қўлларини чўнтақларига суқди-да, сўзларида бир оз янглишса ҳам, Тихоннинг боши оша булутларга қараб, қатъий равишда гапира бошлади:

— Сенга бир гапим бор: сен мен билан бутун умр бирга яшадинг, бунга тушунаман. Бу — шундай! Лекин сен қариб қолдинг, сенга энди хизмат қилиш қийин...

Тихон хўжайиннинг сўзини эшитмаётган бўлса керак...

— Серафим уларга ҳайбаракаллачилик қилар эди,— деди.

— Тўхта! Энди дам олиш вақтинг келди...

— Бўлмаса-чи? Албатта ҳар нарсанинг ўз вақти бор.

— Тўхта... Сенинг табиатинг оғир...

Тихон Вялов хўжайиндан, ишдан бўшатилишини эшитиб, ҳайрон бўлмади:

— Хўп, бўлмаса, нима ҳам дердим...— деб қўйди пинагини бузмасдан.

Унинг хотиржамлигини кўриб, Артамонов бир оз хишлоат чекди-да:

— Мен сенга, албатта, мукофот бераман,— деб ваъда қилди. Тихон чанг босган этикларига қора мой суртиш билан овора бўлиб, ҳеч бир нарса демагандан кейин, Артамонов қатъий равишда:

— Хайр, бўлмаса!— деди.

— Хайр,— деб жавоб берди қоровул.

Артамонов салқинроқ бир жойни топиш умидида дарёнинг нариги лабига жўнади, у ерда Серафим хўжайин учун қарағай дарахтининг тагида, худди Илья билан аразлашган жойда, қайин шохларидан тахтга ўхшаган бир ўрин қилиб берган эди. У ердан бутун фабрика, ҳовли, посёлка, черков, қабристон жуда равшан кўринарди. Фабрика касалхонасининг ва мактабхонасининг каттакон дераза ойна-

лари муз парчаларидай ялтирар, кичкина-кичкина одамлар худди мокидай ерда югуришиб, поёнсиз ишнинг матосини тўқишар, ундан ҳам кичикроқ одамлар фабрика посёлкасининг қумлари устида сузиб юришади. Черков иҳотаси олдида, ольха дарахтларининг оқиш таналари орасида узоқдан ўйинчоқдай кўринган эчкилар подаси ўтлаб юрарди: уларни кекса тўқувчи Бориснинг набираси, бир кўзли фельдшер Морозов кўпайтирган, фабрикадаги хотинлар болалари учун эчки сутини жуда кўп сотиб олишарди. Касалхона орқасидаги, атрофи панжара билан ўралган чорбурчак тақир ерда эса сариқ халат; оқ қалпоқ кийган, жинниларга ўхшаш кичкина одамлар айланиб юрарди. Фабрика атрофида ҳар хил парранда: чумчуқлар, қарғалар, зағчалар жуда кўпайганди, загизғонлар шохдан-шоҳга учиб ўтиб, оқ атласдек биқинларини ялтиратиб, жиғиллаб сайрашарди, кўк каптарлар ерда ўрмалаб юришарди; Ватаракша лабида, зигирпоя келтирган мужиклар тўхтайдиган қовоқхона атрофида қушлар айниқса кўп эди.

Эскин оёр қанча вақтдан бери бу катта қушлар Артамоновда на лаззат, на фахрланиш ҳислари уйғотар, балки Пётр уни турли ранжишларнинг манбаи бўлиб қолган эди. Укаси билан жияни ва уларнинг атрофидаги ҳар хил кишиларнинг бозордаги лўлилар сингари қичқириши, қўлнинг сизиланиши, ишда катта бўлса ҳам уни писант қилмаслиги Пётрга алам қиларди. Улар ҳатто фабрика тўғрисида гаплашаётганларида ҳам уни тилга олишмасди, Пётр ўзининг борлигини уларга эслатганда, индамасдан қулоқ солишар, гўё унинг айтганларига рози бўлгандай кўринишардию, бироқ ҳамма ишни, каттаю кичик масалаларни ўзларича ҳал қилаверишарди. Бу иш кўпдан бери, улар Пётрнинг норозилигига қарамасдан фабрикада электр станцияси қурган кунларидан бошланган эди; катта Артамонов станциянинг фойдали ва хавфсиз эканини ўз кўзи билан кўриб, тезгина тушунган бўлса ҳам, ранжиганини унутолмаган эди. Майда-чуйда ранжишлар кўп эди, уларнинг сони ортган сари кескинлаша борар эди.

Айниқса жияни ўзини қўрс ва хунук тутарди. У ўқишини тугатган, русларда расм бўлмаган аллақандай чарм куртка кийиб юрар, олтин кўзойнагидан тортиб сариқ ботинкасигача ялтирарди, кўзини қисиб, афтини буриштириб:

— Бу, амаки, эскирган. Сиз айтган вақт ўтиб кетган, амаки,— дерди.

У, қаттиққұл хўжайиндан қўрққан хизматкордай, замондан қўрқарди чамаси. У фақат шундангина қўрқар, бошқа ҳамма масалада чидаб бўлмас даражада қўрс эди. Ҳатто бир куни:

— Ахир, тушунинг, амаки, Россия сиз ва сизга ўхшаган кишилар билан энди яшаёлмайди,— деган эди.

Бу сўз Артамоновга шу қадар қаттиқ тегдики, лоақал «нима учун?» деб ҳам сўрамади. Таҳқирланган Пётр бир неча ҳафтагача укасининг уйига бормай, Миронни фабрикада учратса ҳам гаплашмай юрди.

Мирон сочлари оқариб қолган, совуқ ва кеккайган Веера Попованинг қизига уйланмоқчи бўлиб юрарди; бу қиз онасига ўхшаган новча, қадди-қомати келишган, ҳамма қизлар сингари у ҳам ёқимсиз илжаяр эди. Бўйинини чўзиб, ҳеч нимага ишонмайдиган, катта очилган ҳаёсиз кўзлари билан ҳар бир нарсага тикилиб қарар, тишлари орасидан куйлаб, пашшадек гингиллар, эрталабдан кечгача ола-була суратлар чизиб, бекорга сурпни нобуд қилар эди. Лента билан бўйнига боғланган похол шляпаси доим елкасида салонглаб юрарди, сочи ҳам похол тусли эди; у хунук кийинар, оёқлари юбка остидан тиззасигача кўришиб турар эди.

Ишёқмас Горицветов Пётрни жиркантирарди, у қалдирғоч сингари кўз ўнгидан липиллаб ўтаверар, қутилмаган вақтда пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлар, яна кўринар, кичкина, қопонғич кучукчадай ҳаммага ташланиб, ўз гапини маъқуллаб чинқирар:

— Сизлар руҳан бой илҳомбахш Россияни жонсиз Америкага айлантириб юбормоқчисиз, одамлар учун қопқон ясаюпсиз...— дерди.

Горицветовнинг бундай чинқиришларидан Артамонов баъзан тўғри нарсаларни эшитса ҳам, гарчи бу қирриқ, титраб-қақшаб сакровчи йигит билан ҳар бир нарсага совуққонлик билан қаровчи Тихоннинг бир-бирига мутлақо ўхшамаслигини билса ҳам, кўпинча унинг сўзлари билан Тихон Вяловнинг аҳмоқлиги орасида қандайдир умумийлик борлигини сезарди. Горицветов Елизавета Попованинг олдига югуриб келиб, унга:

— Сиз нега индамайсиз? Ахир, сиз руҳ тарафдори одамсиз-ку!— деб чинқирар эди.

Аёл жилмаяр, ҳаракатсиз юзиде мағрурлик акс этар, куз осмонига ўхшаган кул ранг кўзларигина кулар эди. Катта Артамонов қандайдир эшитилмаган, тушуниб бўл-

майдиган сўзларни эшитар, Мирон замш парчаси билан кўзойнагининг шишаларини артар экан:

— Романтизмнинг жон талвасаси,— дердн.

Алексей аллақерда, Москвада елиб-югуриб юрарди; Яков семириб кетган, сиполик билан ўзини четга оларди, оз гапирса ҳам, яхши гапирса керак, негаки унинг сўзлари Мирон билан Горицветовнинг жигига бир хилда тегар эди. Яков нўгойча соқол қўйган, малла соқоли ўсган сари ҳар бир нарсага киноя билан қараши сезила борарди; ўктам кишиларга ўглининг ялқовланиб гапиришини эшитиб, Пётр роҳатланар эди:

— Ҳокимиятга интилиш йўлида ботқоқликка ботиб қоласиз! Оддийроқ яшасангиз бўлар эди.

Катта Артамоновга ва Яковга ҳам (буни Пётр сезар эди) Елизаветанинг тўсатдан Москвага жўнаб, ўша ерда Горицветовга теккани жуда кулгили бўлди. Мирон бу ҳодисадан газабланди, лекин газабини яшира олмади; савдогарлар соқолига ўхшамаган чўққи соқолини бураб, гўё соқол орасидан қуруқ сўзлар ишни чуқуратгандан, ешиқдан очиқ бузиб:

— Степан Горицветов сизгари одамлар йўқолиб кетаятган қабилаларнинг кишилари, ер юзининг ҳеч бир жойида ундай ва унга ўхшаган фойдасиз одамлар йўқ,—

Яков унинг жаҳлини чиқариш учун:

— Шундай бўлса ҳам, шунақалардан биттаси бурнинг тагидан сен яхши кўрган парчани жуда ҳам эпчиллик билан олиб қочди,— деди.

— Мен романтик эмасман,— деб жавоб берди Мирон кифтини қоқиб.

— Нима? У ким? — сўради катта Артамонов, Мирон худди ҳукм ўқиётган судьядай тасирлатиб:

— Романтикнинг нима эканига ҳеч ким тушунмайди; сиз ҳам буну тушунолмайсиз, амаки. Бу шундай нарсаки, гўё калга ҳусн бермоқ учун қўйиладиган ясама сочдай, ёки муттаҳамга эҳтиёт учун ёпиштирилган сохта соқолдай бир нарса,— деди.

«Ажаб бўлди» деб ўйлади катта Артамонов роҳатланиб.

Бу каби майда-чуйда роҳатлар, тибора эпчил одамлар ишни ўз қўлига ўтказиб олиб, Пётрни бир четга суриб, яккалаб қўяётганларида тортган азобларини бир қадар унуттириб, овутар эди. Лекин у яккаланса ҳамки, қандай-

дир қайғули-лаззатли бир нарса ўйлаб топди; ёлғизлик уни янги бир нарса билан, қадимдан гира-шира таниш бўлган, бошқа қиёфадаги, бошқа табиатдаги Пётр Артамонов билан таништирди.

Бу — яхши одам, лекин жуда қаттиқ ранжиган; ўгай она боласи билан қандай муомала қилса, турмуш ҳам у билан шундай адолатсиз муомала қилди. У ҳаётини ўз отасига итоат, сўзсиз хизмат билан бошлади, отаси эса унга аҳмоқ, зериктирадиган хотиндан бошқа ҳеч қандай қувонч бермади, қайтага улкан, огир ишни унинг елкасига ағдариб кетди. Ҳа, хотини уни севарди, уйлангандан кейин биринчи йили у билан яхши умр кечирганди; лекин энди билса, ҳатто ип йигирувчи бузуқ Зинаида ҳам хотинига қараганда қизғинроқ, шўхроқ сева олади. Ярмарканинг кутурган, айёр хотинларини хотирлашга эҳтиёж ҳам йўқ. Хотини умр бўйи қўрқидан чиқмади. Олдин Алексейдан, кейин керосин лампадан, сўнгра электр чироқдан қўрқди, электр чироқ тўсатдан ёнса Наталья сапчиб тушиб, чўкинар эди. У ярмаркадаги грамофонлар магазинида Пётрни роса уялтирган эди. Хотини унга:

— Вой, керак эмас, қўй, олма! Балки бу буюмнинг ичида шайтон бордир, унинг жони яширингандир! — деб ёлвооган эди.

Ҳозир у Мирондан, доктор Яковлевдан, ўзининг қизи Татьянадан қўрқади, бениҳоят семириб кетиб, эрталабдан кечгача овқат ейиш билан овора. Уни деб укаси Никита оз бўлмаса ўзини осиб ўлдираёзган эди. Болалари уни ҳурмат қилмайди. Наталья Яковни уйланишга кўндирмоқчи бўлганда, ўгли масхара қилиб:

— Ундан кўра сен, ойи, бирор овқат еб ол.— деди. Онаси итоаткорона овоз билан ишониб-ишонмай:

— Кўнглим овқат тиламаётганга ўхшайди.— деб жавоб беради ва ўтириб олиб, яна овқат ейди. Отаси Яковга:

— Сен нимага онангни масхара қилиб куласан? Уйлападиган вақтинг етди,— деса, Яков ишчан кишилардай:

— Ойла билан оёк-кўлни боғлайдиган замон эмас,— деб жавоб қайтаради. Отасининг жаҳли чиқиб:

— Нима бўлди сизларга: ҳаммангиз ҳам замондан қўрқадиган бўлиб қолдингиз? — деса, ўгли жавоб бермай, елкасини қисиб:

— Сиз, ота, тушунмайсиз.— дейди.

Яков бу сўзларни мулойимлик билан айтади, лекин ҳар

ҳолда, ота ўз боласидан кам тушуниши асло мумкин эмас. Одамлар эртаги кун билан эмас, кечаги кун билан яшайдилар, ҳамма одам шу тахлит умр кечиради.

Катта ўғли, севимли боласи йўқолди, йўқ бўлиб кетди. Уни яхши кўрганидан шундай бир иш қилишга тўғри келдики, ҳатто эсга олгиси ҳам келмас эди.

Кенг юзли, йўғон сонли катта қизи Елена эса бойликдан ва пияниста эрининг эркалатишидан талтайиб кетиб оилада тамоман бегона одамга ўхшаб қолган эди; у бармоқларига кўп узуклар тақиб, ясанган-тусанган ҳолда ҳар замонда ота-онасини кўргани келарди. Тилла занжирларини, тақинчоқларини жаранглатиб, сузилган кўзлари билан олтин лорнети орқали қараб, ҳорғин товуш билан дерди:

— Уйингизда ёмон ҳид бор, бутун уй чириб, моғор босиб кетибди, янги уй солдирсангиз бўлмайдимиз? Ҳозир ким фабрика ёнида туради дейсиз!

Қизи онасига гапирётганини Артамонов тасодифан эшитиб қолди:

— Отам ҳали ҳам ўшанақами? У билан умр қилиш кишини жуда ҳам зериктирса керак. Менинг эрим пияниста бўлса ҳам шўх, хушчақчақ одам.

Елена отасининг жаҳлини чиқарадиган даражада озодаликка эришсеп, бергани ўз олдига қўйиб, эртанги дастоймол билан артар, ундан шу қадар ўткир атир иси келар эдики, одамнинг акса ургиси келарди; уйдаги ҳамма нарсадан андишасизлик билан жиюканиши Артамоновни ранжитар, гашини келтирарди, у ҳам ҳамма ранжиганлари бадалига қизининг жаҳлини чиқарадиган гаплар билан жавоб қайтаргиси келарди; у қизининг олдида уйда, ҳатто ҳовлида ҳам ёлғиз ички кўйлак-иштон билан, белни богламай, тўн кийиб, сарпойчан, калиш кийиб юрар эди; овқатни чапиллатиб чайнар, бошқирдлар сингарин кскириб ўтирарди. Қизининг жаҳли чиқиб:

— Бу нима қилиқ, ота? — дерди.

Артамонов қизини ранжитиш учун жўрттага шундай қилар эди.

— Афв этасиз, хоним, мен ахир мужикман-ку,— дерди-да, янада хунуқроқ кекирар, чапиллатиб чайнаоли.

Қизи чет элда бўлганди, кечалари ялқовланиб, ёкимсиз товуш билан онасига қаёқдаги бўлмагур нарсаларни хикоя қилар эди: аллақайси бир шаҳарда хотинлар уйларининг сиртқи деворларини совунлаб, чўтка билан ювар-

миш: яна бир шаҳарда ёзин-қишин шундай туман бўлар-мишки, кун бўйи фонус ёқиб қўйилса ҳам ҳеч нарса кўринмасмиш; Парижда ҳамма одам тикилган тайёр кийим сотармиш, у ерда шу қадар баланд минора бормишки, устига чиқилса, денгизнинг нари ёғидаги шаҳарлар кўри-нармиш.

Елена синглиси билан тортишар, ҳатто уришар эди. Татьяна қорачадан келган, ориққина эди, хунуқлигидан кўнгли хижил бўлиб юрарди. Унда дьячокни эслатадиган аллақандай хусусиятлар бор эди, у ҳам бўлса, калтагина кокили, ясси кўкраги, кўкимтир бурни эди. У опасининг уйида турар ва негадир гимназияни сира битиролмасди, сичқондан қўрқар, Мироннинг, подшо ҳуқуқини чеклаш керак, деган фикрига қўшилар, яқиндан бери папирос чекишга ўрганган эди. Ёз кунларида фабрикага келганида онасига, худди ўз чўрисига бақиргандай бақирарди, отаси билан гижиниб гаплашар, кун бўйи китоб ўқирди, кечқурун шаҳарга — амаксиникига борар, у ердан уни тилла тишли доктор Яковлев кузатиб келарди. Кечалари қизларга хос юрак сиқилишидан ухлаёлмас, деворлардаги чивинларни худди тўппонча билан отгандай ботинкаси билан тарсиллатиб урарди.

Пётрнинг назарида атрофдаги жамики нарса Мироннинг дағал сўзларидан тортиб, қочегар Васьканинг тутуриқсиз ашулаларигача бегоналашиб шовқинли, аҳмоқона тусга кириб бормоқда эди; оёғи сонидан чиққан чўлоқ, сочи ҳурпайган супургига ўхшаш Васька байрам кунларида ошпаз хотинларга ишқибозлик қилиб, ошхона деразаси тагида диконглаб гармонь чалар, кўзларини юмиб олиб бўкирар эди:

Бахтсиз бир одатга
Йўлиқдим шу кунларда!
Дийдору башарангни
Ҳадеб кўриш истакда!

Ольга кўпдан бери Илья тўгрисида унга ҳеч нарса гапирмасди, ранжиган ота, янги қиёфали Пётр Артамонов эса, борган сари катта ўғлини кўпроқ эсларди. Илья қайсарлиги учун албатта тегишли жазосини тортган бўлса керак, укасининг уйида унга нисбатан муносабат ўзгаргани ҳам шундан дарак берарди. Бир кун кечқурун катта Артамонов укасиникига бориб, даҳлизда ечинар экан,

Москвадан қайтиб келган Мироннинг гапини эшитган эди:

— Илья — ҳаётга китоб орқали қарайдиган, сигир билан отни ажрата олмайдиган кишилардан бири.

Артамонов Мироннинг бу адоватли фикридан қандайдир ором бағишловчи нарса топиб: «Ёлғон айтасан» деб қўйди ичида.

— У Горицветов билан бир партиядами? — деб сўради Алексей ўғлидан.

— Ундан кўра ҳам зарарлироғида, — деб жавоб берди Мирон.

Катта Артамонов уйга кирар экан, кўнглида:

«Сабр қила туринг, у қайтиб келиб адабингизни беради ҳали...» — деб қўйди.

Мирон дарҳол Москва тўғрисида, ҳукуматнинг нўноқлиги ҳақида жаҳл билан шикоят қилишга тушди; Наталья ўғли билан келиб қолди; Мирон кўпдан бери гапиравериб ҳаммани безор қилган фикрни, — қоғоз фабрикаси қуриш зарурлигини сўзлаб бошлади.

— Бизнинг пулларимиз бекор ётибди, амаки, — дейиши билан Наталья шу қалар қизариб кетдики, ҳатто қулоқларни ҳам бўртиб, жон-жаҳди билан эътироз билдирди:

— Қаерда ётибди, кимникида ётибди?

Артамонов тўсатдан зерикиб қолди гўё унинг олдиларча бир нарса, ҳар бир буюми унга таниш ва шу қадар зерикари бўлган бўм-бўш уйнинг эшиги ланг очилгандек бўлди. Бу зерикиш жисмоний, аллақасдан, сиртдан туман сингари тўсатдан пайдо бўлди-да, қулоқни гаранг, кўзни кўр қилиб, ҳорғинлик ҳиссини туғдирди, касаллик, ўлим хавфи билан чўчита бошлади.

— Сизлардан жуда ҳам бездим, — деди Пётр. — Сизлардан қачон қутуламан, а?

— Ишдаги оворагарчилик ҳам етар... — деб гўлдиради Яков. Наталья қичқирди:

— Усиз ҳам ишчиларни шу қадар кўпайтирдингизки, юришга ер қолмади! Пиянисталик, сўкиниш.

Артамонов дераза олдига келди. Боғда Тихон Вялов бошини кўтариб, аллақандай қиз болага бармоғи билан олма дарахтини кўрсатиб турган эди. Пётр Артамонов зерикишдан қутулиш учун бир силкиниб олди-да:

«Вой, бадбахт, ҳазрати Одам-э!» деб ўйлади; шундай қочиқ ўйлар аҳён-аҳёнда унинг миясидан сичқон сингари гириллаб ўтиб қоларди; уларнинг тўсатдан пайдо бўлиши

ҳар доим уни хурсанд қилар, айниқса ҳаяжонга солмагани учун ҳам Артамонов уларни яхши кўрарди: лип этиб кўринарди-ю, дарҳол гойиб бўларди.

Мана, дардисар Тихон; Пётр Артамонов укаси қоровулни хизматга олганини кўриб қаттиқ хафа бўлди; Тихон бир йилдан кўпроқ аллақерда адашиб-улоқиб юрдида, Никитанинг монастирдан қочгани ва номаълум ерга беркингани тўғрисида ёмон хабар билан яна пайдо бўлиб қолди. Пётр Никитанинг қаердалигини бу чол билишига, лекин дилга озор беришни яхши кўргани учунгина буни айтмаганига имони комил эди. Катта Артамонов шу одам туфайли укаси билан қаттиқ уришиб олганди. Алексей далиллар билан ўзини оқлашга тиришиб:

— Ўзинг ҳам ўйлаб кўр: бу одам бизга бутун умр хизмат қилган бўлса, биз уни кўчага ҳайдасак, айт-чи, яхшими шу? — деганди.

Пётр, буни яхши эмас, ёмонлигини биларди, албатта. Тихоннинг уйида бўлиши унинг учун ундан ҳам ёмон эди. Хотини ҳам, умрида биринчи марта бўлса керак, Алексейнинг тарафини олиб, илгари унда кўрилмаган қатъийлик билан:

— Яхши эмас, мени урсанг ҳам майли, Пётр Ильич, лекин — бу яхши эмас! — деди.

Уларнинг ёнига Ольга ҳам қўшилиб, Пётрни кўндириб тинчитишди. Лекин, ранжиган одам ичиқоралик билан:

«Қалай? Сенинг хоҳишинг ҳеч кимга қонун эмас... Кўрдингми?» — деб шодланар эди.

Ранжиган одам катта Артамоновга борган сари сезиладиган, кўзига аниқроқ кўринадиган бўлиб қолди. Пётр ўзининг оғир ғавдасини адир устидаги қарагай дарахтининг остига олиб чиқиб, супага ўтирар экан, бу одам тўғрисида ўйлар, унга чин кўнгилдан ачинар эди. Нималигини тушуниб бўлмайдиган, ҳеч ким тарафидан қадрланмаган бундай бахтсиз, лекин яхши одамни ўйлаб топиш ҳам ширин, ҳам аччиқ эди; бу одам худди иссиқ кунда ботқоқлик устида, кўм-кўк осмон бўшлиғида пайдо бўлган паға-паға оқ булутдай, йўқликдан осонгина ўйланиб яратилар эди.

Бу одам фабрикага, фабрика бунёд этган жамики нарсага қараб:

«Бу ишларсиз ҳам туппа-тузук, бошқача яшаш мумкин эди». деб ишонтирмоқчи бўларди.

Фабрикант Артамонов унга эътироз билдирарди:

«Тихоннинг фикрлари».

«Поп Глеб ҳам, Горицветов ҳам, бошқа кўп одамлар ҳам гапирган. Ҳа, одамлар худди ўргимчак тўрига илинган пашшалар каби талвасаланади».

Фабрикант истар-истамас эътироз билдирарди:

«Машаққатсиз яшаб бўлмайди».

Баъзан бир кишининг кўнглида бўлаётган икки кишининг бу хилда сўзсиз тортишуви шу қадар қизгин тус олардики, ранжиган одам газабга миниб, шафқатсиз равишда чинқира бошларди:

«Эсингдами, ярмаркада, маст ҳолингча одамлар олдида: Иброҳим Исҳоқни қурбон этгандай, мен ҳам ўғлимни қурбон этдим, деб тавба қилганинг? Ушанда мен қўй ўрнида Никоновнинг боласини сенга рўпара қилгандим, эсингдами? Тўғри, бу тўғри! Шунинг учун, шу ҳақиқат учун сен мени бутилка билан урдинг. Эҳ, сен мени босиб янчдинг, ҳалок этдинг! Мени ҳам қурбон қилдинг! Лекин бу қурбон кимга, кимга? Никита гапирган шохдор худогами? Ушангами? Эҳ сен...»

Шундай кескин тортишувлар пайтида фабрикант — катта Артамонов, унгли кўз ёшларини, ёзу ва ачинқ кўз ёшларини тутиб қолиш учун кўзини қаттиқ юмар эди. Лекин кўзларидан тинмай ёш оқарди, у бетларини ва соқоқларини маффақ билан сўриб, маффақнинг маффақига тоқуригунча ишқалаб, шишиб қизариб кетган қўлларига қарахт ҳолда тикиларди-да, мадера виносини тўғридан-тўғри шиша бўғзидан қўлтиллашиб ичарди.

Лекин унинг зўрма-зўраки оқизадиган бундай қайғули кўз ёшларига қарамасдан, ранжиган одам катта Артамоновга ҳам керак эди, иссиқлиги меъеридан ошмаган, яхшилаб совунланган хушбўй ва юмшоқ мочалка билан одамнинг ўз қўли етмайдиган, қашнёлмайдиган курак тағларини ишқалаётган ҳаммом ходимидай ёқар эди.

...Тўсатдан қаердадир, жуда узоқда, Сибирнинг нарёгида, қаттиқ мушт кўтарилиб, Россияни дўппослай бошлади.

Алексей газетани силкитиб, иргишлар:

— Босқинчилик, талончилик! — деб қичқирар ва дастпанжасини шифтга кўтариб, бармоқларини даҳшатли тарзда кимирлатиб:

— Биз уларни... Биз уларга... — деб вишилар эди.

Тилла тишли доктор, қўлларини чўнтақларига суқиб, иссиқ печь кунгурасига суяиган ҳолда:

— Эҳтимолки, улар ҳам бизни...— деб чулдирар эди.

Бу барваста, мис ранг-малла одам истеҳзо билан кулар, гап нима тўғрисида кетмасин, ҳар доим истеҳзо билан кулади; у ҳатто касаллик ва ўлим ҳақида ҳам, гўё муваффақиятсиз преферанс ўйини тўғрисида гапираётгандай, истеҳзо билан ҳикоя қилар эди. Катта Артамонов бу докторга, русларни тушунолмагани учун уялиб илжаяётган ажнабийга қарагандай қарар эди; Артамонов уни яхши кўрмас, унга ишонмас эди. Шунинг учун шаҳар доктори, индамас немис Кронга ўзини боқизар эди.

Мирон паришонхотирликда соқолини бурар, худди чаккаси оғриётгандай юзини буриштириб, турна юриш билан у бурчакдан бу бурчакка бориб келар ва ҳаммага гап маъқулларди:

— Урушни инглизлар билан иттифоқ бўлиб бошлаш керак эди,— деб уқтирарди.

— Қанақа уруш тўғрисида гапиряпсизлар? — деб суриштирди катта Артамонов, бироқ на ўктам укаси, на ақлли жияни бу урушнинг тўсатдан бошланиб кетиш сабабини тузукроқ тушунтириб беролмасди. Ҳар бир нарсадан бохабар, ўзига ишонган кишиларнинг эсанкираб қолганини кўриш унга жуда ёқар, айниқса укаси кулгили кўринарди: у ўзини шу қадар тушуниб бўлмайдиган даражада ғалати тутар эдики, гўё бу қутилмаган уруш ҳаммадан олдин худди ана шу Алексей Артамоновга қандайдир жуда муҳим бир ишни қилишига халақит беряпти, деб ўйлаш мумкин эди.

Шаҳар бўйлаб крест кўтариб юриш бошланди. Серсоқол савдогарлар қалин тушган қорни савлат билан магрурона босиб, зарварақ либосли забардаст руҳонийлар орқасидан крестлар ва туғлар кўтаришиб, бир гала буқалар подаси сингари борар эдилар. Шаҳардаги барча черковларнинг бирлашган хор тўдаси баланд товуш ила таъсирли қилиб куйламоқда эди:

— Ё парвардигор, бандаларингни ўзинг асрагайсен...

Талабга ўхшаган дуо сўзлари юмалоқ оғизлардан оқ пар бўлиб чиқарди-да, овози йўгон одамларнинг қошу мўйловларига, тартибсиз равишда жўр бўлган савдогарларнинг соқолларига қиров каби ўтириб қоларди. Айниқса аравасознинг ўғли, шаҳар бошлиғи Воропонов тамоман носоз, чийилдоқ товуш билан хорга қўшилиб, безор қиларди. Бу қизил юзли, кўзлари садаф тугмага ўхшаш бақалоқ киши ўз отасидан мол-мулк билан бирга, ҳамма

Артамоновларга нисбатан мислсиз адоват ҳиссини ҳам мерос қилиб олган эди.

Артамоновларнинг еттитаси ҳам бирга борарди: олдинда, Алексей, чўлоқланиб, хотинини қўлтиқлаб олганди, унинг орқасидан Яков — онаси ҳам синглиси Татьяна билан, унинг кетидан Мирон, доктор билан, уларнинг кетидан — юмшоқ этик кийган катта Артамонов. Мирон астагина:

— Ана миллат,— деди.

— Куч кўриги,— деб жавоб берди унга доктор.

Мирон кўзойнагини олиб, дастрўмоли билан арта бошлаган эди, доктор:

— Кўрасиз, биз калтак еймиз,— деб қўшиб қўйди.

— Бе, бу хом мол ҳали-бери қизиб кетмайди..

— Жим бўл,— деди катта Артамонов жиянига, Мирон амаксига кўз қирида қараб қўйди-да, кўзойнагини олдин бармоқ билан силаб кўриб, кейин узун бурнига тақди.

Дирмонов овозини дўрттага жуда баландлатиб:

— Ё, парвардигор, бандаларингни ўзинг асарагайсен! — деб бўкилар экан. «бандаларинг» деган сўзни ҳуштак аралаш чийллаб чинқириб айтар, бўридай кетига бурилиб шаҳарликларга қарар ва негадир уларга қундуз телпагини силкитаоли.

Помяловнинг бақалоққина, кукраги катта-катта, қирққа кирган бўлса ҳам, ҳали қирчиллама қизи жуда яхши, ширали куйлар эди. У учинчи марта бева қолган бўлиб, ўзининг серғалвалиги, шарманда ҳаёти билан шаҳарда биринчи ўринда турарди. Пётр Артамонов унинг пасттовуш билан Натальяга:

— Сен, овсин, эрингни урушга жўнатишинг керак, унинг ваҳимали афт-башарасини душманлар кўрса қочиб кетади,— деб маслаҳат бераётганини эшитиб қолди. Кейин у Яковдан:

— Хўш, сен нега уйланмайсан, хўроз? — деб сўради.

Катта Артамонов калласини силкитди: сўзлар худди пашшадай гинғиллаб, қандайдир жуда муҳим бир нарсани ўйлашга халакит берарди; сафдан четга чиқди-да, йўлкада секил-аста юриб, бугун одатдан ташқари қорайган ва юмшоққина, топ-тоза қор устида ўтиб бораётган одамлар оқимини томоша қила бошлади. Одамлар узлуксиз ўтиб туришар, худди қайнаган самовардай, оғиз-бурунларидан буғ чиқаришарди.

Ана, ранг-рўйи кесакдай бўзарган Вера Попова ўз шогирдларининг олдида бормоқда; унинг оппоқ сочларида қор йилтирайди; сочлари ҳурпайган рўмолсиз бошини энгаштириб саломлашганда қировдан оқарган оппоқ киприклари пирпираб кетди. Артамонов унга ачиниб:

«Аҳмоқ. Ўрдакларни боқмоқчи бўлди» деб қўйди ичида.

Сочи олинган болалар саф тортиб, узун тўлқиндек лапиллаб ўтиб кетди; булар шаҳардаги икки мактабнинг ўқувчилари, ярим рота солдат, худди оғир машинадай олға сурилмоқда, шаҳарда донғи кетган совуққон поручик Маврин бу кул ранг солдатларни бошлаб бормоқда: у Ока дарёсида муз эригандан бошлаб то муз қотгунча чўмилар, Помялова билан дон олишиб, унинг пулига яшашини шаҳарда ҳамма билар эди.

Хитойча мўйлов қўйган жандарм офицери Нестеренко худди семиз гоздай, сиполик билан талтанглаб борарди, унинг касалманд хотини эса, ўз акаси Житейкин билан қўлтиқлашиб олганди: Житейкин кўн завод эгаси, марҳум шаҳар бошлиғининг ўғли эди. Одамлар орасида Житейкин тўғрисида, монах хотинлар билан бузуқчилик қилса ҳамки, етти юз китоб ўқиган, барабан чалишга жудаям уста, ҳатто яширин равишда солдатларни бу ҳунарга ўргатади, деган гап юрарди.

Сўнгра семириб кетган Степан Барский пианиста куёви ва ғилай қизи билан чанада ўтиб кетди. Кўримсиз халқ: мешчанлар, кўнчи, тўқувчи, аравасоз, гадой ва аллақандай каламушга ўхшаш ҳеч кимга кераксиз кампирлардан иборат қора туркумлар жуда узоқ вақт чўзилиб ўтишди. Қор имиллаб ёғиб, яланғоч бошларни тузлар, узоқдан Воропоновнинг қаттиқ бўкирган овози эшитилар эди.

— Ё парвардигор, бандаларингни ўзинг асрагайсан!..

«Худога бу одамларнинг нима кераги бор экан? Тушуниб бўлмайди» деб ўйлар эди Артамонов. У шаҳарликларни ёмон кўрарди, шаҳарда иш юзасидан танишларидан бошқа ҳеч кимни танимасди; шаҳарликларни такаббур ва ёвуз, деб ёмон кўришларини, Алексейни эса жуда ҳам ҳурмат этишларини билар эди, Алексей шаҳарни безашга жуда ҳам қизиқарди, у шаҳарнинг катта кўчасига тош тердириб, шаҳар майдонига аргувон дарахтлари экдириб, обод қилди, Оканинг лабига боғ-бульвар қилдирди. Шаҳарликлар Мирондан, ҳатто Яковдан кўрқишар, уларни

ҳаддан ташқари очқўз ҳисоблаб, теварак-атрофдаги ҳамма нарсани ўз қўлларига ўтказиб олмоқда, дейишарди.

Артамонов хаёл суриб унинг олдидан астагина ўтаётган одамларга қараб хўмраярди — нотаниш башаралар кўп турли тусдаги кўэларнинг сон-саногии йўқ, — бу кўэлар унга бир хил адоват билан тикилишарди.

Алексейнинг уйи олдида дарвоза ёнида унга Тихон салом берди.

— Урушга борамизми, чол? — деб сўради Артамонов. Тихон, индамасдан, оғир қўлининг таниш ҳаракати билан дўнг ёноғини силади. Артамонов умрида биринчи марта, бу одамга ишониб:

— Сен қандай ўйлайсан? — деб сўради.

Вялов ҳам худди шу саволни кутиб тургандай дарҳол:

— Арзимаган нарса, — деб жавоб берди.

— Сенга ҳамма нарса ҳам арзимаган кўринади, — деди Артамонов дудмол қилиб.

Бўямасами? Бир не эмасми-ку! Биройи ҳайвон эмасмиэ.

Артамонов чангга ўхшаб ёғилаётган майда-майда қор орасида йўлида давом этди. Қор тобора қуюқлашиб, узоқдаги тўда-тўда одамларни, тепа сингари оқариб кўринган ўйлар ва дарахтлар орқасига яшираёзган эди.

Энди, овутувчи Серафим улгандан келиш, калга Артамонов вақтичоглик қилиш учун дьякондан қолган бева хотин Таисья Параклитова олдида борадиган бўлиб қолган эди. Бу хотиннинг ёши номаълум эди, ўзи ориққина, ўсмирга ва айни замонда қора эчкига ҳам ўхшарди. У жуда ювош эди, ҳар бир масалада доим Артамоновнинг фикрига қўшиларди:

— Шундай, жоним! Ҳа шундай, шундай, жоним, ҳа! — дерди холос.

Артамонов жуда кўп ичса ҳам секин маст бўлар, шилқим, қайғули ўйлари Таисьянинг ўткир мазали ароқларида узоқ вақт эримай туриши, ботиб кетмаслиги уни асабийлантирар эди. Мастликнинг биринчи дамлари ёқимсиз туюлар, мастлик Пётрнинг ўзи ва одамлар тўғрисидаги ўйларини янада тахирроқ, аччиқроқ қилиб, унинг бутун ҳаётини ёвуз ботқоқнинг яшил тусларига бўйб, уларга қайнатиш тезлигини берар эди; назарида, бу қайнаш уни чирпирак қилиб айлантираётгандай, келаси минутда қандайдир бир чегарадан отиб ташлайдигандай кўринарди.

Тишларини гижиралиб, кўнглида хуруж қилган қоронғи исёнга қулоқ соларди-да, дьякон бевасига:

— Нега индамасан? Билганингни гапир! — деб қичқиради.

Хотин, эчкидай ирғиб, унинг тиззасига миниб олар (унинг гавдаси ажиб енгил ва иссиқ эди), кўзга кўринмайдиган китобни ўқигандай сўзлар эди:

— Поручик Мавринни Помялова ўз нафақасидан чиқарибди, у яна қарта ўйинида уч юз йигирма сўм ютқизибди, Помяловада Мавриннинг векселлари бор экан, тўлатиб олмоқчи эмиш. Жандарм бўлса, шаҳардан ўйнаш орттириб, хотинининг йўқ касалини баҳона қилиб, бу ерга олиб келиб қўйибди...

— Буларнинг ҳаммаси уч пулга арзимаЙди,— дерди Артамонов.

— АрзимаЙди, жоним, арзимаганда қандоқ!

Шаҳардаги уч пулга арзимайдиган миш-мишлар тўғрисида Таисьянинг гаплари Артамоновнинг ўйларини чалкаштириб, четроққа сурар, тунд гуноҳкорларга — шаҳарликларга бўлган адоватини кучайтириб, бу адоватнинг ўринли эканини исботларди. Бу ўйларнинг ўрнига ярмаркадаги тўс-тўполон ичида кечирган айш-ишрат кайф-сафолар ҳаёлан пайдо бўлиб, алақандай бир доира шаклида айланарди; қутурган одамлар, ҳеч қачон тўймайдиган маст кўзларини очкўзлик билап бақрайтириб, у ёқдан-бу ёққа ташланишар, пулларини ёқиб, ҳеч нарсани аямай, роялнинг қора тахтаси устида шармандаларча яланғоч ётган оппоқ хотинга интилишар, ўтакетган ҳирсий ҳаяжон газабиди ўзларини ҳар оҳангга солиб телбаланишар эди...

Пётр Артамонов индамасдан ҳар хил рангли ароқларни шимириб ўтирар, шилимшиқ ва нордон қўзиқоринларни ямлар экан, маст вужудининг борлиғи билан шуни сезардики, энг ёқимли, ҳаддан зиёд қудратли ва ҳақиқий парсаларнинг ҳаммаси ярмаркадаги ана ўша шарманда хотинда яширинган. У ўзини пул учун яланғоч қилиб кўрсатади, унинг йўлида атоқли кишилар ўз пули ва соғлигини, номусини барбод этади. Пётр Артамоновга эса, бутун ҳаётдан фақат мана шу қора эчки қолди.

— Ечин! Ўйна! — деб бўқиради у.

Дьякондан қолган бева ечинар экап:

— Музикасиз қандай ўйнаймап? Мерган Носковни чақиринш керак, гармонни яхши чалади... — дейди.

Бу ўйин-кулгилар билан вақт сезилмай ўтарди, баъзан бу лойқа кунлар оқимида қандайдир бутунлай англаб бўлмайдиган ҳол вужудга келарди: қиш кунларида ишчилар Петербургда, саройни емирмоқчи, подшони ўлдирмоқчи бўлишибди, деган миш-миш гап тарқалди.

— Ҳали черковларни ҳам бузишади. Бўлмасам-чи? Халқ темирдан эмас,— деб мингилларди Тихон Вялов.

Ёз кунларида, рус ҳарбий кемаси рус денгизларида сузиб юриб, шаҳарларни тўпга тутаетган эмиш, дейишар эди.

— Бўлмаса-чи? Урушга ўрганиб қолишди,— деди Тихон.

Шаҳарда яна иконалар кўтариб намойиш қила бошладилар, сарғиш сюртук кийган Воропонов, подшонинг суратини кўтариб:

— Ё, парвардигор, бандаларингни ўзинг асарагайсан, — деб худодан талаб қилар эди.

Бу сафар у янада қаттиқроқ, ҳатто ёвузроқ бўлирди ҳам, худога илтижосини охирги хижосидаги а-а-ан! — таҳликали эшитиларди.

Житейкин қўлида қўш оғиз милтиги билан маст, бош яланг ҳолда, қизғиш тепакалини ялтиратиб, ўзи кўнчиларнинг оғизидан сарғиш сюртук кийиб келиб чинкирар эди:

— Азаматлар! Россияни жуҳудларга бермаймиз! Россия кимники? Бизники!

Кўнчилар бир овоздан:

— Бизники! — деб бақирешарди, улар ҳам маст, ўз душманлари — тўқувчилар билан учрашиб, муштлашиш бошланарди. Доктор Яковлевни таёқ билан урдилар, дорихоначи чолни Окага ташладилар, Житейкин дорихоначи чолнинг ўғлини шаҳар бўйлаб анчагача қувиб юрди, икки марта ўқ узган бўлса ҳам теккиза олмади, фақат тикувчи Брусковнинг орқасини сочма ўқ билан ярадор қилди, холос.

Фабрикада иш тўхтади: ёшлар кўйлак енгларини шимариб, Мирон ва бошқа ақлли кишиларнинг насиҳатига қулоқ солмай, хотинларнинг йиги-сиғисига қарамай, шаҳарга югурдилар.

Фабрика ҳувиллаб, жонсизланиб, гўё шамол остида букчайиб қолгандек эди, шамол ҳам исён кўтариб, ҳуштак чалиб гувилларди, муздай ёмғир аралаш фабрика труба-

сига ҳўл қорни чапларди-да, яна учириб туширар, ювиб ташлар эди.

Катта Артамонов дераза олдида ўтириб, қорамтир гавдалари чумоли сингари ўрмалашиб-югуришиб, шаҳарга кетаётган ва шаҳардан қайтаётган эркак ва аёлларнинг қорайган гавдаларига аланглаб қаранарди, дераза ойналаридан одамларнинг қий-чувлари эшитилар, гўё улар хурсанд кўринарди.

Дарвоза олдида гармонь жаранглар, чўлоқ кочегар Васька Кротов ишчилар тўдаси орасида:

Дунё бизга тор бўлиб,
Урушдик япон билан;
Улар бизга мушт урса,
Бизлар урдик бут билан!—

деб ашула қилар эди.

Шамол шаҳар тарафдан олағовур товушларни учириб келтирар, гўё у ерда бутун бир кўлининг суви тўлдирилган каттакон самовар қайнаётгандай эди. Ҳовлига Алексейнинг фойтуни кириб келди, кучер ўрнида бир кўзли фельдшер Морозов ўтирарди; шол рўмол ўраган Ольга фойтундан ирғиб тушди; Артамонов қўрқиб кетди, оёғи оғриганини ҳам унутиб, ўрнидан сакраб турди-да, Ольганинг олдида борди.

— Нима гап, нима бўлди?

Ольга товуқдай силкиниб:

— Кўнчилар деразамизни уриб синдиришди! — деди.

Артамонов унга йўл берди-да, мийиғида кулиб, тўнгиллади:

— Мана... Валдираганларингиз натижаси! Менга ўшқирдинглар, гапимга қулоқ солмадиинглар, мана, натижа қандай бўлиб чиқди? Йўқ, подшо.

Пётрнинг гапи оғзида қолди; Ольга илгари кўрилмаган кўрслик билан тасирлатиб жавоб қилди:

— Бўлди, вайсама! Сенинг подшонг виждонсиз киши!

Пётр хижолат чекиб, кўлини қулоғига теккизиб:

— Сен подшоларнинг нималигиға тушунсанг экан,— деди.

Бу кўзойнак таққан, ҳар доим ювош, ҳеч кимни ёмонламайдиган, кичкинагина кампирнинг ғазаби Пётрни жуда ҳам ҳайрон қолдирди; унинг чин кўнгилдан айтган сўзларида, худди ҳўкиз кўрмасдан думини босиб олган сичқоннинг ҳўкизга қарши ачинарли чийиллашига ўхшаган, одам-

ни ҳайратда қолдирадиган аллақандай самимият бор эди. Артамонов ўз креслосига ўтириб, ўйга толди.

У кўпдан бери, бир неча ҳафтадан буён Ольгани кўрмаган эди, унинг ўғли билан уришиб, унга дуч келишдан ўзини ошқочиб юрарди. Ёз охирида Артамонов оёғи шишиб тўшакда ётган вақтида унинг олдига терлаб-пишиб тантанали равишда Воропонов келди-да, қалин кўкимтир лабларини чалпиллатиб, телеграммага қўл қўйишини Артамоновдан илтимос қилди; бу телеграммада ўз ҳокимиятини ҳеч кимга бермаслиги подшодан илтимос қилинган эди. Артамонов шаҳар бошлиғининг бу бемаъни ишига жуда ҳайрон қолган бўлса ҳам, бу нарса укасига ва Миронга ёқмаслигини кўнгли сезса ҳам, қогозга қўл қўяр экан, Воропоновнинг Петербургдан: «Ўз ишингдаш бошқа нарсаларга буринингни тикма, буринингни кўп ҳам баланд кўтарма, лаби қалин аҳмоқ» деб яхшигина таибҳ олишига ҳам имони комил эди.

Воропонов қогозни ҳамма тугмалари ечилган сюртугининг чўнтагига солди-да, Александрдан, Мирондан, доктордан ва яҳудийлар ташвиқотига учган барча одамлардан шикоят қила бошлади: бирлари кўр-кўрона, иккинчилари ўз фойдаларини кўзлаб подшога қарши борадилар, деди; катта Артамонов унинг шикоятларини роҳатланиб тинглаб ва маъқуллаб ўзидан ҳамин Воропоновнинг кўк лаблари Вера Попова тўғрисида баджаҳдлик билан гашира бошлаганда, Пётр қатъий қилиб:

Вера Николаевнанинг бу ишга ҳеч алоқаси йўқ,— деди.

— Нега алоқаси йўқ бўлади? Бизга маълум...

— Сенга ҳеч нарса маълум эмас.

Шаҳар бошлиғи:

— Ҳазил-ҳазил билан бир балога қолманглар тагин,— деб дўқ қилди-да, чиқиб кетди.

Кечқурун эса Артамоновга, укасининг ўғли ва ўз қизи итдай ҳужум қилиб, унинг кексалигига ҳам қарамасдан, акиллай бошладилар.

— Бу нима қилганингиз, дада? — деб Татьяна қичқирди, унинг хунук башарасида телба кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Яков эса дераза олдида туриб, бармоғи билан ойнани чертар эди. Артамоновнинг назарида ўғли ҳам унга қаршидай бўлиб туюлди; Мирон эса заҳарханда билан:

— Уша қогозда нима ёзилганини ўзингиз ўқиб кўрдингизми? — деб сўради.

— Уқиганим йўқ! Уқимаган бўлсам ҳам биламанки, унда итваччаларга эрк берилмаслиги сўралган,— деди Артамонов.

Мирон ва Татъянанинг ғазабланаётганини кўриш унинг учун лааззатли эди, бироқ Яковнинг индамай туриши уни бир оз хижолат қиларди: у ўғлининг ишчанлигига ишонар, телеграммага қўл қўйиб, унинг манфаатига қарши иш қилганини тушунса ҳам, лекин Яковни бу тортишувга жалб этиб, унинг фикрими сўрашга иззат нафси йўл қўймас эди. Қаравотда ётган ҳолда улар билан ғажишар, ириллар, Мирон эса бурнини силкиб, нуқул амакисини чўқир эди:

— Ахир, тушунишингиз керакки, подшонинг атрофини бир тўда муттаҳамлар ўраб олган; уларнинг ўрнига инсофли кишилар қўйилиши керак...

Артамонов худди шу Мироннинг ўзи ўша инсофли кишилар унвонини олишга ҳаракат қилиб юрганини, Алексейнинг эса Москвага бориб, Миронни подшонинг думасига кандидат қилиб тайинлашини кимдандир сўраб, ҳаракат қилиб юрганини билар эди. Бу турнага ўхшаган жиянини подшо яқинида кўриш ҳам кулгили, ҳам қўрқинчли эди. Сочлари ҳурпайган, тугмалари ечилган Алексей тўсатдан кириб келди-да, ирғишлаб, ҳовлиқиб, бидирлай бошлади:

— Бу нима қилганинг, ақлли одам?

У ўз хизматчисидай Пётрга бақирар эди.

Катта Артамонов:

— Йўқол! Менга ўргатмоқчи бўласизларми? Ҳаммангиз ҳам жаҳаннамга кетинг! Чиқ эшикка!..— деб бўкириб юборди.

Тўсатдан жаҳли чиқиб, бақириб юборганидан ҳатто ўзи ҳам қўрқиб кетган эди.

Мана энди, бурчакда ўтириб, Ольганинг шаҳардаги исён тўғрисидаги бегараз гапини эшитаркан, ҳалиги жанжални хотирлаб, улар ҳақлими ёки ўзимиз — шуни англамоқчи бўларди.

Айниқса Ольганинг болалар сингари ғазаб билан сўзлагани уни шошириб қўйганди. Мана, энди у ҳовлиқмасдан, ҳатто кўнглини ийдирадиган қилиб гапира бошлади:

— Бизнинг тўқувчиларимиз ажойиб кишилар! Улар Воропоновнинг ишчиларини ва кўпчиларни бирпасда ҳайдаб чиқаришди. Бизнинг уйни қўриқлагани ўша ерда қолишди...

Наталья эса, жуда ҳам қўрқиб кетганди, жаҳлига чидаёлмай:

— Фитна сизнинг уйингиздан бошланди. Сизга бу ҳам камлик қилади. Ҳамма бало сиздан,— деб ҳиқилларди.

Мирон келди; ҳеч кимга салом бермай, пружинадай биланглаб, у ёқдан-бу ёққа бориб келиб, дўқ қила бошлади:

— Воропоновлар, Житейкинлар, ҳаммаси ҳам халқни исён кўтаришга ўргатгани учун қаттиқ жазога тортилади. Бу бекор кетмайди, ўз қилмишларига яраша кўрадилар ҳали! Илья Петрович Артамоновнинг дўстлари томонидан қилинган қўзғолон сабоқлари ҳам етарли, агар энди булар ҳам бошласалар...

Катта Артамонов жим қолди.

Воропоновнинг илтимосномаси устида бўлган жанжалдан кейин Мирон, Артамоновда зўр нафрат уйғотиб, чидаб бўлмайдиган даражада жирканч кўриниб кетди; лекин шунда қарамай, фабрика бутунлай унинг кўлидалигини Мирон ишни жуда чаққон, ишонч билан юритишини Пётр кўриб турарди, ишчилар унинг сўзига қулоқ солишадими ёки қўрқишадими, ҳар ҳолда шаҳар ишчиларига қараганда ўзларини ювошроқ тутишарди.

Шамол қалин қор орасига кўмилиб тинди-қолди. Лайлак қор гупиллаб, тиккасига қулранди. Ўй қарамасдан парда билан қопланди, ҳовлида ҳамма нарса қор тагида кўринмай қолди. Катта Артамонов билан ҳеч ким гаплашмасди, хотинидан бошқа ҳамма одам жаминки нарсада: исён учун ҳам, об-ҳавонинг ёмон келгани учун ҳам, подшо яхши идора қилмагани учун ҳам уни айбдор деб ҳисоблаганини Пётр сезар эди.

— Яша қаёқда? Яша қаёқда, деяпман?— сўради Наталья ваҳимага тушиб.

Мирон жирканиб бурнини жийирди-да, келин ойисига қарамасдан туриб:

— Шаҳарда, ўзининг товукҳонасига беркинган бўлса керак,— деди.

Наталья чўчиб ғулдираб қолди:

— Нима, қаерда?

Артамонов:

«Аҳмоқ хотин, Яковнинг ўйнаши борлигини билмаса керак» деб ўйлади. Тўсатдан узил-кесил қилиб, шундай деди:

— Хўп, майли бўлмаса: қандай хоҳласанглар — шундай яшайверинглар! Нима қилсанглар ҳам қилаверинглар! Ҳа! Ҳақиқатан мен тушунмайман. Қариб қолдим. Бу ерда... Бу ерда — шайтон ўйини. Яшаб. яшаб энди ҳеч нарса тушунмайдиган бўлиб қолдим...

IV

Йигирма олти ёшга киргунча Яков Артамонов деярли ҳеч қандай кўнгилсизликка учрамай, яхши, тинч яшаб келди. Лекин бундан кейин тинч ҳаётни яхши кўрадиган одамларнинг душмани бўлган вақт, Яков билан чигал, инсофсиз ўйинни бошлади. Бу ҳолат, сабрли халқни кўзгагиб юборган исёнлардан уч йил кейин, апрель ойидаги тунларнинг бирида бошланди.

Яков, ҳеч қандай тилакларга ўрин қўймайдиган тўқлик туйғусидан лаззатланиб, папирос чекиб, диванда ётар эди; бу туйғуни, ҳаётда энг юқори туйғу, деб ҳисоблар, бутун тирикликнинг мазмуни ҳам шундан иборат, деб ўйлар эди. Бу туйғу ширин овқатдан кейин ҳам, хотинга яқинлашиш лаззатидан кейин ҳам бир хилда ёқимли бўлиб сезилар эди.

Хонанинг ўртасида, стол олдида, кофе чойнаги остидаги спирт лампасининг бинафша ранг ўткир алангасига ўйчан тикилиб, қадди-қомати келишган думалоққина хотин турибди; унинг яланғоч қўллари, ёш боланикига ўхшаш юзи, қизил қалпоқли чироқнинг шуъласи билан ёритилиб, пиширилган ширин балишнинг сиртидай қип-қизил. Ҳурпайган қора сочлари бўйни ва елкаларига чиройли ёйилиб тушган. Бу Полина: унинг яланғоч бадани зарварақ Бухоро тўни билан ёпилган, оёғида — яшил сахтиёндан тикилган туфли. Бу аёлда қандайдир жуда енгил, русларга хос бўлмаган бир нарса сезиларди; унинг афти ёқимли, худди ўсмир ўғил боланикига ўхшайди; лаблари дўрдоқ, кўзлари ўйноқи, қоп-қора, олчадай дум-думалоқ, ҳатто ҳозир Яков роҳатланиб тўйган бўлса ҳам, Полина унга ёқимли, Яков билган хотин-қизларнинг ҳаммасидан ҳам бу аёл беқиёс яхши, агар табиати аҳмоқона бўлмаганда бундан ҳам яхшироқ бўларди, албатта.

Яков пага-пага папирос тутуни орасидан:

— Апельсинчам, мен қаҳва истамайман,— деди. Полина унга қарамасдан:

— Мен-чи?— деб сўради.

Яков ҳорғинлик билан эснаб:

— Сен нима хоҳлашингни билмайман,— деб жавоб берди.

Хотин дарҳол унинг сўзини илиб олиб, бошини силкиб, сўниқ товуш билан:

— Йўқ, биласан,— деди. Яков унинг юмдаловчи, ilmoqli гапларига бир-икки минутча қулоқ солгач, ўрнидан туриб ўтирди-да, папиросини полга ташлаб, ботинкасини кия бошлади ва уҳ тортиб:

— Яхши кайфиятни бузиш одатингга тушунмайман! Ахир, биласанку, отам ўлмай туриб мен уйлана олмайман...— деди.

У шундай деганда, Полина ҳар вақт унга ранжитадиган сўзлар отар эди:

— Албатта, сен ўргимчакка фақат яхши кайфият бўлса бас! Мен биламан: сен яхши кайфият учун мени эски-фуруш татарга сотишдан ҳам қайтмайсан, шундай! Сен шундай шайхусепа эминсан!

Уни «ўргимчак» деб аташини Яков ёмон куради, шунинг учун лампада уни бошқа, қизиқ сўз билан «Шўртаккинам» деб эркататар эди. Полина лоқал шу бутун ўрнинингдан ўзини сақлаши керак, деб умид қиларди Яков, чунки бу билан икки соатгина олдин Яков унга юз сўм берган эди.

— Шовқин-сурон билан ҳар вақт унга қўлдан келганини деб уни хотиржамлик билан огоҳлантирди-да, шляпасини кийиб, қўлини чўзиб: — Хайр!— деди.

— Чўчқа! Полга яна папирос қолдиқларини ташлабсан...

Кўчада рутубатли шамол у ёқдан-бу ёққа югурар, булут соялари гўё кўлмакларни артмоқчи бўлгандай ер узра ўрмалаб юрарди, ой бир лаҳза мўралаб кўринарди-да, юпқа муз қоплаган кўлмак сувларни мисдай ялтиратиб юборарди. Бу йил қиш қайсарлик қилиб, ўрнини баҳорга бергуси келмасди, кун кеча қалин қор ёққан эди.

Яков Артамонов шошмасдан, қўлларини чўнтагига суқиб, оғир таёғини қўлтигига қисиб, одамларнинг тушуниб бўлмайдиган даражада галати аҳмоқлиги ҳақида ўйлаб борар эди. Бу ёқимли тентак Полинага тагин нима керак? Ҳеч қандай ташвишсиз, тинчгина яшайди, бир талай ҳадялар олади, чиройли кийинади, ҳар ойга юз сўмча сарф қилади. Яков ўзининг Полинага ёқишини билар, сезар эди. Тагин нима керак, ахир? Нега энди никоҳдан ўтишни истаб қолди?

«Худди мураббо солинган идиш ичидаги сичқондай бе-
маъни», ўзи ўйлаб чиқарган сеvimли мақол билан ўзини
тугатди Яков. Турмуш, Яковнинг назарида, инсон эга бўл-
ган нарсаларидан бошқа, ундан ҳеч нарса талаб этмайди-
ган оддий бир нарсадай бўлиб туюларди. Ҳақиқатан ҳам,
ҳамма одам бир нарсага — мукамал ором олишга интила-
ди, бу очиқдан-очиқ маълум: кундузги ташвиш, югур-
югурлар тунги оромнинг белига тепувчи муқаддимаси; тун
оромида эса, хотин киши билан ёлғиз қола оласан, кейин
унинг эркалатишларидан лаззатланган ҳолда, роҳатланиб
чарчайсану туш кўрмай ухлайсан. Чин маъно ва чин ҳақи-
қат ёлғиз шундагина. Одамларнинг аҳмоқлиги шундан ҳам
маълумки, деярли ҳаммаси ё очиқдан-очиқ, ё яширин ҳол-
да, ўзини ундан кўра ақллироқ билади; одамлар жуда кўп
ортиқча нарсаларни ўйлаб чиқаришади; эҳтимолки улар
аллақандай кўрликнинг таъсири остида шундай қилсалар
одам ажаб ораси, шунинг учун ҳам ҳар бир кимса ўзини
одамлар орасида йўқотиб қўйишдан, кўринмай қолишдан
кўрқиб, бошқаларга ўшшамасликка тиришади.

Илья аҳмоқ, чунки у гимназияда ўқиб юрган вақтидаёқ
китоблар орасида адашиб, мияси айнади, ҳозир эса алла-
қаерда, социалистлар орасида сандироқлаб юрибди. Яков
жуда кўп азиат чекди ундан; мана яқинда унга, Сибир-
нинг аллақаерида юрган Ильяга пул юбориш лозим бўлди.
Кулгили бўлса ҳам, онаси чидаб бўлмайдиган даражада
аҳмоқ, қовоғи солнқ отаси бўлса — ундан беш баттар аҳ-
моқ: одамлар билан яшашни билмайди, худди қариган
айиқнинг ўзгинаси, пияниста ва ифлос. Амакиси Алексей
эса — ҳовлиқма, питир-питир, кулгили, давлат думасига
ўтмоқчи, шунинг учун ўлиб-тирилиб газета ўқийди, шаҳар-
дагиларнинг ҳаммаси билан хўжакўрсинга ширинсўз, фаб-
рика ишчилари билан худди бузуқ кампирлар сингари ўй-
нашадиган бўлиб қолди. Бурни катта қизилиштонга ўшшаш
Мирон айниқса аҳмоқ, у ўзини бутун Россияда энг ақлли
киши ҳисоблаб, келгусида вазир бўламан деб ўйлайди ше-
килли, нима қилиш керагу одамлар қандай ўйлаши керак-
лигини якка ўзи аниқ биладиган одамдай ҳозирданоқ кек-
кайиб юради. У ҳам ишчилар орасига суйканиб кириб
олишга ҳаракат қилади: ишчиларин овунтириш учун ҳар
хил ўйинлар уюштиради, футболчилар командаси тузади,
кутубхона очиб, бўриларни сабзи билан боқмоқчи бўлади.

Ишчилар ажойиб газламалар тўқийдилар, бироқ жул-
дур кийиниб, ифлосликда яшайдилар, пиянисталик қила-

дилар, ҳар бир мужикда хўжалик қобилияти, оддий муғам-бирлик бор, лекин ишчиларнинг кўпчилиги, ҳатто шундан ҳам маҳрум, улар қандайдир бошқача қип-ялангоч, ўтакетган аҳмоқлик дардига гирифтордирлар. Яков Артамоновга жамики нарсадан кўра ишчилар тўғрисида жуда кўп ўйлашга тўғри келарди, чунки ишчилар билан ҳар кун муомалада бўларди, улар кўпдан бери, болалик чоғларидаёқ унда душманлик ҳиссини туғдирган эдилар; ёшликда Яков ёш тўқувчилар билан қиз талашиб, кўп муштлашган, унинг рақибларидан баъзилари шу вақтгача эски аламларини унутмаган кўринади. Соқоли чиқмаган вақтида рақиблари икки марта унга кечаси тош отган эдилар. У вақтларда онаси жанжал-тўполонлардан, хотинларнинг қий-чувларидан бир неча марта пул бериб, Яковни аранг қутқариб қолганди, ўшанда онаси кулгили равишда ўғлини кўндиришга тиришиб, дерди:

— Бу нимаси, худди хўрозга ўхшайсан? Уйлангунча сабр қилишинг керак! Еки биронта ўйнаш топиб, бемалол юравер маза килиб! Устингдан отангга шикоят қилмасан. Ильядек сени ҳам қувиб юборади...

Исён давридаги икки-уч йил давомида Яков фабрикада у қадар хавфли ҳеч нарса сезмаган эди, лекин Мироннинг гаплари, амакиси Алексейнинг ваҳимага тушиб ух тортишлари ҳамда шилқим малайлик ва очиқдан-очиқ задалландалик билан дуқ уриб, ишчилар ҳаракати тўғрисида ёзаётган, Думадаги ишчи вакилларининг нутқларини босиб чиқараётган газеталар — буларнинг ҳаммаси Яковда фабрика одамларига қарши душманлик ҳисси уйғотар, бу одамларга қарамлигини сезиб алам қилар, кичик Артамонов бу газеталарни ёмон кўргандан ўқигиси келмасди. Назарида, ўз ҳиссиётини яширишга, ишчиларнинг талабларига майда-чуйда йўл қўйишлар ва ҳазилмутойиба гаплар билан хаспўшлашга ўрганиб олгандай эди. Умуман олганда ҳамма иш яхши борарди, шундай бўлса-да, баъзан у, Яков Артамонов, хўжайин бўла туриб, унинг фойдасига ишловчи ўз хизматкорлариникида гўё меҳмон бўлиб яшаётгандек кўпдан бери яшагани учун уй эгалари ундан зериккан, лекин индамай қараб турсалар ҳам ичларида:

«Нега кетмайсан? Кетадиган вақт бўлди-ку!»— дейтгандек туюлар эди.

Буни сезган пайтларида Яковнинг таъби хиралашар, назарида унинг учун, унинг шахси учун ниҳоятда хавфли

бир нарса фабрикада яшириниб, секин-аста тутаб, ўт олаётганини кўнгли сезгандай бўлар эди.

Яков инсоннинг соддалигига, бу соддалик инсон учун ҳамма нарсадан ҳам ёқимли эканига, унинг ўзи ҳам ҳеч қандай ваҳимали фикрларни ўйлаб чиқармаслигига, кўтариб юрмаслигига астойдил ишонар эди. Бу ярамас фикрлар сиртда, одамдан ташқарида яшайди, агар одамга юқса, у тушуниб бўлмайдиган кўрқинчли ҳолга тушади. Яхшиси, бу аччиқ тутунга ўхшаган фикрларни билмаслик, алангаламаслик маъқул. Бундай фикрларга думшан бўлган Яков уларнинг ўзидан ташқарида эканини сезарди, бу фикрлар умумий аҳмоқликнинг қаттиқ тугунларини ечмас, қайтага, Яков яхши кўрган оддий ва аниқ нарсаларни чигаллаштирар эди.

Ўзи билган кишилар орасида чол Тихон Вялов унга ҳаммадан ақллироқ кўринарди. Қоровулнинг одамларга қиладиган юмшоқ муомаласини, унинг хайрли ишини кузатар экан, Яковнинг унга ҳаваси келарди. Ҳаттоки, Тихоннинг ухлаши ҳам оқилона эди, гўё бир нарсага қулоқ солаётгандай, қулогини ёстиққа қаттиқ босиб ётарди.

— Сен туш кўрасанми? — деб сўради чолдан Яков.

— Нега туш кўрай? Мен хотин эмасман-ку, — деди Тихон, бу сўзларда қандайдир салмоқ, чиниққан, қимирлатиб бўлмайдиган куч борлигини сезди Яков.

Кичик Артамонов амакиси Алексейнинг уйидаги сўзларга, тортишувларга қулоқ солиб ўтираркан: «Хотинлар туши» — деб ўйлар ва ичида кулар эди.

Умуман, Яков қийинлик билан ўйлар эди. Ўйга толганда эса, гўё оғир бир нарсани кўтариб бораётгандай, бошини осилтириб, оёғи остига қараб, зўрға юрарди. Ўша кечаси ҳам Полинаникидан шу хилда хаёл суриб келаётган эди. Шунинг учун ҳам пакана бўйли, кул ранг гавдали одамнинг қаёқдан пайдо бўлганини, бир қўлини баланд кўтариб, унга ташланганини пайқамай қолди. Яков дарҳол тиз чўкиб, шу оннинг ўзидаёқ чўнтагидан тўппончасини олди-да, ҳужум қилган кишининг оёгига тираб отди, ўқ товуши бўғиқ ва заиф чиққан бўлса ҳам, ҳужум қилган одам орқасига ташланди ва елкаси билан деворга урилиб, бўкирганича девордан сирпаниб ерга тушди.

Шундан кейингина Яков ўлгудай кўрққанини пайқади. у шундай кўрққан эдики, бақирмоқчи бўлса-да, овози чиқмас, қўллари қалтирар, ўрнидан турмоқчи бўлса — оёқлари итоат этмасди. Яланг бош, жингалак сочли бу одам

ундан икки қадамча нарида ётар, у ҳам ўрнидан турмоқчи бўлиб уринар эди.

Яков тўппонча ушлаган қўлини чўзиб, хириллагап товуш билан:

— Отиб ташлайман, аблаҳ!— деди, у эса япалоқ юзини унга ўгириб:

— Бир отиш бўлса отдингиз...— дея гўлдираб қўйди.

Шу он Яков уни таниб, ҳайрон бўлди:

— Носков? Ҳа, муттаҳам, сенмидинг?— деб гўлдиради ҳам.

Яковда қўрқинч ўрнида севинчга яқин бир ҳис пайдо бўлди; бу севинч фақат ҳужумни муваффақиятли даф этгани учунгина эмас, балки Яков ўйлаганча ҳужум қилган киши фабрика ишчиси бўлмай, тамоман бошқа одам бўлиб чиққанидан пайдо бўлганди. Бу ўзи мерган, тўйларда гармонь чалиб юрадиган бўйдоқ Носков эди. У дьякондан қолган бева Параклитованинг уйида ижарага турарди, унинг тўғрисида шў кўнгача шаҳарда ҳеч ким ҳеч қандай ёмон суз айтмаган эди.

— Ҳе-ҳе, ҳали сен шунақа касб билан шугулланасанми?— деди Яков ўрнидан тураётган, у ёқдан-бу ёқига қараниб: теварак-атроф жимжит, фақат шамол девор тепасида қад кўтарган дарахт шохларини силкитарди.

— Хўш, нима билан шугулланар эканман?— дес сўради Носков тўсатдан қаттиқ товуш билан.— Мен ҳазиллашдим, холос, сизни қўрқитмоқчи эдим, бошқа ҳеч гап йўқ! Сиз бўлса, тўсатдан менга «пақ!» отказиб ўқ удингиз. Бунинг учун сизни мақтамасалар керак, эҳтиёт бўлинг! Узим ҳам қўрқиб кетдим...

Артамонов истеҳзо билан, голибона овоз билан:

— Ҳе-ҳе, ҳали шундайми? Тур ўрнингдан, юр полицияга,— деди.

— Мен боролмайман, сиз мени майиб қилдингиз.

Носков шапкасини ердан олиб, ичига қараб туриб:

— Лекин мен полициядан қўрқмайман,— деди.

— Уша ерга борганда кўрамыз. Тур ўрнингдан?

— Қўрқмайман,— деб такрорлади Носков.— Хўш, сизга ҳужум қилганимни нима билан исбот этасиз? Агар мен «қўрқанидан ўзи менга ҳужум қилди» десам, унда нима бўлади? Бу — бир.

— Шундай. Иккинчиси нима бўлади?— сўради Яков, бироқ Носковнинг хотиржамлигини кўриб бир қадар ҳайрон бўлди.

— Иккинчиси ҳам бор. Мен сиз учун фойдали одамман.

— Бу — эртақ. Бу эртақлардан!— деди-ю тўппончасини гармончининг бетига ўқталиб, тўсатдан пайдо бўлган ғазаб билан:

— Худди каллангни мажақлайман!— деб пўписа қилди.

Носков кўзини кўтарди, яна шапка ичига қараб, таъсирли қилиб деди:

— Жанжал кўтармай қўя қолинг. Бой бўлсангиз ҳам, ҳеч нарсани исбот этолмайсиз. Ҳазил қилмоқчи эдим, дедим-ку сизга. Мен сизнинг отангизни биламан: унга бир неча марта гармонь чалиб берганман.

У кескин ҳаракат билан шапкасини шартта бошига қўндирди-да, бепарвогина минғирлаб энгашди ва тиш орасидан инграб, иштон почасини кўтарди-да, чўнтагидан даст-рўмолчасини олиб, тиззасидан юқорироқдан яраланган оёғини бойлай бошлади. Носков тушуниб бўлмайдиган сўзларни ҳадеб минғирлар, ношуд босқинчининг ғалатн ҳаракатидан яна гангиган Яков унинг сўзларига қулоқ солмас эди.

Яков Артамонов одатига хилофан тез фикр юрита бошлади: албатта Носковни шу ерда, девор ёнида қолдириш керак, шаҳарга бориб, қоровулни чақириб келиш керак, майибни унга пойлатиб қўйиб, полиция идорасига бориб, ҳужум воқеасини билдириш керак. Тергов бошланади. Носков албатта, отаси Пётрнинг дьякондан қолган бева хотинининг уйида қандай айш-ишрат қилганини сўзлаб беради. Балки Носковнинг ўзига ўхшаган каллакесар ўртоқлари бордир, улар ўч олиш қасдига тушса ҳам ажаб эмас. Лекин, ҳар ҳолда Носковни жазосиз қолдириб бўлмайди...

Тун тобора совиб, тўппонча ушлаган қўл совқотиб қақшай бошлади: полиция идораси узоқда, у ердагилар албатта ухлаб қолган бўлса керак. Яков масалани қандай ҳал қилишни билмай, ғазабланиб нуқул бурнини тортар, умр бўйи бочка устида ўтиргандай қўнқайиб ўтирган, бу чорпаҳил оёғи қийшиқ йигитни биратўла отиб қўя қолмаганига ўкинар эди.

У тўсатдан, қутилмаганлиги билан уни ҳайратда қолдирган сўзларни эшитди:

— Бу махфий сир бўлса ҳам, сизга очигини айтиб бера қолай,— деди Носков, ҳамон ўз оёғи билан овора бўлиб.— Мен бу ерда сизнинг фойдангиз учун яшайман,

сизнинг ишчиларингизни кузатиб юраман. Мен балки жўрттага: «сизни қўрқитмоқчи эдим» деб айтган бўлсам ҳам, ҳақиқатан мен бир кишини ушлашим керак эди, сизни ўшанга ўхшатиб янглишдим...

— Ш-шайтои! Нима?— деб ўшқирди Яков.

— Ҳа, шундай... Сиз билмайсиз, беванинг ҳовлисидаги мўрчада социалистлар йиғилишиб, яна исён тўғрисида сўзлашади, китоблар ўқишади.

Яков унинг сўзларига ишонса ҳам секингина сўради:

— Ёлғон айтасан. Ким? Кимлар йиғилишади?— деб сўради.

— Мен буни айтолмайман. Қамоққа олингандан кейин биласиз.

Носков девор тахталарини ушлаб, ўрнидан турди-да, Яковдан илтимос қилди:

— Ҳассангизни менга беринг, ҳассасиз уйимга етолмайман...

Яков энгашиб, ердан таёғини унга олиб берди-да, у ёқ-ёқ қараб, пост товуш билан

— Ундай бўлса, нега сен, нима учун сиз менга ҳужум қилдингиз?— деб сўради.

— Мен ҳужум қилганим йўқ. Мен янглишибман. Менга сиз эмас, бошқа киши керак эди. Сиз бу гапларни қўйинг. Хато кетилди. Гапим остигини яқин кўнгалда биллиб қоларсиз. Оёғимни боқизиш учун менга пул беришингиз керак. Мана шундай...

Носков деворни ушлаб, таёққа суяниб, қийшиқ оёқларини аста-аста босиб, полизлар ёнидан узоқлашиб, шаҳар четида қорайган уйлар томонга сургалар экан, гўё булутларнинг совуқ кўланкаларини тарқатиб бораётгандай кўринарди, ўн қадамча узоқлашгач, секингина чақирди:

— Яков Петрович!

Яков дарҳол унинг ёнига борди.

— Сиз бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очманг! Йўқса... Узингиз тушунасиз,— деди Носков.

У қўлидаги таёқни бир силкиди-ю, Яковни эсанкиратиб кетаверди. Бирданига кўп нарсаларни ўйлашга тўғри келди, у тегишинча иш кўрдими-йўқми? Шуни дарҳол ҳал этиш керак эди. Агар Носков социалистларни пойлаб юрган киши бўлса — фойдали, ҳатто зарур одам, агар ёлғон айтиб, вақтдан фойдаланиб, кейинчалик қилолмай қолган иши учун ҳам, еган ўқи учун ҳам ўч олмоқчи бўлса-чи? У «янглишибман, танимабман, қўрқитмоқчи эдим» деб, ал-

батта, ёлгон айтди, бу аниқ. Бордию уни ўлдириш учун ишчилар тарафидан ёлланган бўлса-чи? Фабрика тўқимачиларининг орасида тўполончи ва безорилардан иборат катта бир гуруҳ одамлар бор, лекин улар орасида социалистларнинг бўлиши ақлга тўғри келмайди. Седов, Крикунов, Маслов ва шулар каби энг обрўли ишчиларнинг ўзларийёқ, нуқталаб бўлмайдиганлардан энг ёмон биттасини ишдан бўшатишни конторадан талаб қилган эдилар. Йўқ, Носков балки алдагандир. Бу тўғрида Миронга гапириш керакми, йўқми?

Носков тўғрисида Миронга айтган тақдирда натижаси нима бўлишини Яков тасаввур этолмасди; ҳар ҳолда амакиваччаси, судьядай уни мукамал тергайди, нимадандир айблайди, албатта, ҳар қандай бўлганда ҳам уни масхара қилади, бу аниқ. Агар Носков жосус бўлса, у Миронга маълум бўлса керак. Хуллас, ким янглишгани — ҳар ҳолда унчалик аниқ эмас: Носковми ёки ўзи, Яковми?

«Гапим ростлигини яқин кунларда биласиз» деган эди Носков.

Яков тун қоронғилигида босқинчи кўздан ғойиб бўлгунича орқасидан қараб турди. Гўё ҳамма иш ҳам жуда оддий ва тушунарли бўлгандек эди: Носков очиқдан-очиқ талаш мақсадида унга ҳужум қилди, Яков уни отди, шундан кейин ёмон туш каби ваҳимали ва чигал бир ҳол пайдо бўлди. Носков девор ёқалаб ғалатироқ юриб кетди, соялар ҳам унинг орқасидан қалин латта сингари ғалатироқ судралди, сояларнинг одам орқасидан шу қадар секин судралишини Яков умрида биринчи марта кўриши эди.

Ўйлайвериб мияси чарчаган, юраги сиқилган Яков Артамонов ҳеч кимга ҳеч нима демасликка, кутишга жазм қилди.

Носков тўғрисидаги хаёллар Яковни бир минут ҳам тинч қўймасди, у хўмраяр, ўзини ҳаста сезарди; ишчилар фабрика корпусларидан обедга чиқиш вақтларида контора ичида, дераза олдида туриб, уларга диққат билан қарар, ким социалист эканини билиб олишга тиришар эди. Наҳотки, дурадгор Серафимдан кулгили лапарлар тўқишни ўрганиб олган, қоракуяга бўялган кочегар, чўлоқ Васька бўлса?

Кичик Артамонов, бир неча кундан кейин, боқилиб ётган отда кезиб юрар экан, шведча нимча, қўнжи узун этик кийган, қўлида милтиқ, белида — отилган парранда

тўла овчи сумка билан ўрмон четида юрган жандарм Нестеренкони кўрди. Нестеренко юзини ўрмонга ўгириб, йўлга орқаси билан турган ҳолда бошини энгаштириб, қўлини оғзига обориб, папирос ёндирмоқда эди: унинг жигар ранг чармдан тикилган куртқасининг орқаси, қуёш ёритганидан, темирга ўхшаб кўринарди. Яков дарҳол нима қилиш кераклигини ўйлагач, отини ўша томонга бурди-да, унинг олдига бориб, шоша-пиша саломлашди ва:

— Бу ерда юрганингиздан хабарим ҳам йўқ!— деди.

— Уч кундан бери хотинимнинг аҳволи тобора ёмонлашмоқда, отахон, шундай!

Нестеренко бу қайғули хабарни тетиклик билан айтди-да, дарҳол сумкани тап эткизиб уриб қўйди:

— Мен бўлсам — мана? Чакки эмас, а?

— Сиз овчи Носковни танийсизми?— астагина сўради Яков; офицернинг сарғишроқ қошлари ҳайратдан юқорига кўтарилди, хитойча мўйловлари қимирлай бошлади; у бир ёқ мўйловини ушлаб, осмонга қараб, кўзини қисди. Унинг бу ҳолати Яковда шубҳа уйғотди: «Албатта, ёлгон гапирса керак. Лекин нима дер экан?» деб ўйлади.

— Носков? У ким?

— Овчи. Жингалак соч, оёғи қийшиқ...

— Шундайми? Шунчака бу ердаги овчиларнинг кўранганиман. Милтиги ярамайди... Нима қилди?

Энди офицер Яковга, кўз қорачиқларининг ўртаси аллақандай учқунланиб турган кўкиш кўзларини тикиб, сўроқ назари билан қарай бошлади. Яков Носков билан бўлган ҳодисани тез-тез сўзлаб берди; Нестеренко ерга қараб олиб, қарағай ёнғоғини милтиқ қўндоғи билан тупроққа қоқа-қоқа, унинг гапини эшитиб бўлгач, кўзини ердан узмай:

— Нега маълум қилмадингиз? Бу иш, яъни маълум қилиш, сизнинг ҳам вазифангиз,— деди.

— Мен айтяпман-ку: у гўё ишчиларнинг орқасидан жосуслик қилар эмиш, бу бўлса сизнинг ишингиз...

Жандарм папиросини милтиқ тигига босиб ўчириб:

— Шундай,— деди-да, кўзларини қисиб яна Яковнинг юзига тикилганича, унчалик тушуниб бўлмайдиган аллақандай нарсаларни сазмоқлаб сўзлай бошлади: унинг сўзига қараганда, Яков босқинчилик тажовузини полициядан яшириб, қонунга хилоф иш қилган, энди эса бу ҳодисани полицияга билдиришнинг вақти ўтган.

— Агар сиз худди ўша заҳоти уни полиция идорасига оборганингизда эди, унда масала равшан бўлар эди! Ушанда ҳам тамоман равшан бўлиши даргумон эди. Вақт ўтгандан кейин сизга ҳужум қилганини қандай исбот этасиз? Ярадор бўлганми? Бе! Қўрқувдан одамни отиш мумкин, тасодифан, эҳтиётсизликдан...

Нестеренконинг қувлик қилаётганини, ниманидир чалкаштираётганини, ҳатто уни қўрқитиб, бу ҳодисадан ё Яковни, ё ўзини четда тутмоқчи бўлаётганини Яков сезар эди. Офицер қўрқувдан отиб қўйиш мумкинлиги ҳақида гапирганда, Яковнинг гумони янада кучайди:

«Ёлғон гапиряпти» деб ўйлади.

— Шундай. Ўзини қандайдир кузатувчи қилиб кўрсатгани учун эса, албатта, жазосини тортади. Биз ундан нималар билишини сўраб, текшириб кўрамиз.

Офицер Яковнинг кифтига қўлини қўйиб деди:

— Сизга бир сўзим бор: шу гап иккимизнинг ўртамизда қолади, деб менга чин юракдан сўз берасиз. Бу сизнинг манфаатингиз учун керак, тушундингизми? Хўш, сўз берасизми?

— Албатта. Марҳамат.

— Сиз бу нарса тўғрисида амакингизга ҳам, Мирон Алексеевичга ҳам ҳеч нима демайсиз, сиз чиндан ҳам уларга айтганингиз йўқми? Демак, бундай. Бу ишни ўз ҳолига қўйиб берамиз. Ҳеч кимга ҳеч бир сўз. Дурустми? Овчи ўзини-ўзи ярадор қилган, бу ишга сизнинг алоқангиз йўқ...

Яков нуқул илжаяр: у билан жандарм офицери эмас, хушчақчақ, очнқ кўнгилли бошқа бир киши гапиришар эди.

— Хайр,— деди бу киши.— Упутманг: чин юракдан сўз бердингиз!

Кичик Артамонов бир қадар кўнгли тинчиб уйга қайтди: кечқурун амакисининг унга губерна шаҳрига бориб келишини таклиф этди. Яков хурсандлик билан жўнаб кетди. Саккиз кундан кейин қайтиб келиб, амакисининг уйида, дастурхон тепасида Мироннинг ҳикоясини янги ҳаяжон билан тинглай бошлади:

— Нестеренко мен ўйлаганча дангаса одам эмас экан, шаҳардан ҳам уч кишини ушлабди: биттаси — муаллим Модестов, яна аллақандай икки киши.

— Биздан-чи?— деб сўради Яков.

— Биздан Седов, Крикунов, Абрамов ва ёшроқлар-

дан яна беш киши. Қамаш учун губерна шаҳаридан жан-дармлар келган бўлса ҳам, бу Нестеренконинг иши экани аниқ, шундай қилиб, унинг хотини очиқдан-очиқ бизнинг фойдамизга касал бўлиб ётибди. Ҳа, у аҳмоқ эмас. Ўлдириб қўймасалар гўрғайди...

— Энди ўлдирмайдиган бўлишди,— деди Алексей.

— Бе-е,— деди Мирон.— Ҳа, айтгандек! Шаҳарда анов овчини ҳам қамашибди...

Яков астагина, қўрқа-писа:

— Носковними?— деб сўради.

— Билмайман. У дьякондан қолган бева хотинникида турар экан, ўшанинг мўрчасида анови инқилобчилар ўз конгрессларини ўтказишар экан. Уша уйда сенинг отанг ўша хотин билан вақтичоглик қилиши ўзингга маълум. Бу ҳодисаларнинг шу хилда мос келиши жудаям чатоқ...

— Ҳа, чатоқ,— деди Алексей тепакал бошини ирғаб.

— Унга нима дейиш мумкин?

Алексейнинг ўзи ҳам сўраганини билмайди. Мирон билан амакисининг нима деётганини эшитмас эди. У ўзича хаел сураарди. Носков камалган, маълум бўлдики, у ҳам социалист, босқинчи эмас, ишчилар унга хужайинни ўлдириб ёки дўппослаш тўғрисида буйруқ берган, Яков ишчиларнинг энг обрўлилари ва ювошлари деб ўйлаган кишилар ҳам социалист бўлиб чиқди! Седов ҳар вақт оёда кийинди, ёш ҳам эмас, Крикунов хушмулозамат ва хушчақчақ слесарь, Абрамов ёқимли ашулачи, ниҳоятда чаққон, ҳар бир иш қўлидан келадиган хизматкор. Шундай кишиларнинг унга душман бўлиб чиқишини қандай тасаввур этиш мумкин?

Бундан ташқари, унинг назарида шу кунларда амакисининг уйида шовқин-сурон, югур-югур янада авж олгандек туюларди. Ҳеч ким билан ҳеч қачон бирон нарса тўғрисида тузук гаплашмайдиган, ҳамма нарсага узоқдан, ёт назар билан масхараомуз қарайдиган тилла тишли доктор Яковлев эса ҳозир янада кўзга ташланадиган, газеталарни дўқ қилгандай шилдиратадиган бўлиб қолди. У тилла тишларини ялтиратиб гап сота бошлади:

— Ҳа, қимирлай бошладик, уйгона бошладик! Одамлар худди дангасалашган оқсочга ўхшайди, дангаса оқсоч, кутилмаган вақтда, тўсатдан хўжайин қайтишини билиб, ишдан ҳайдалишидан қўрқиб, гўё биров қамчилагандай, шоша-пиша супуриб-сидира, артиб-сурта бошлайди, тартибсиз ҳолга келтирилган уйни тозалamoқчи бўлади.

ўртасида сузиб кетди. Нестеренко эса ечинаётиб, астагина деди:

— Абрамовни ишга олмасдан чакки қилибсиз, сизни олдинроқ огоҳлантириб қўймаганим учун афсусланаман.

Кичик Артамонов офицернинг оғзидан спирт ҳиди келганини сезиб:

— Бу — Мироннинг қилган иши,— деб гўлдиради.

— Шундайми? Бу сизнинг ихтиёрингиздан ташқари бўладими?— деб сўради Нестеренко.

— Ҳа.

— Афсус. Бу йигитнинг фойдаси тегарди. Тирик тузоқ...

Тилла ранг бадани офтобда зоғорабалиқнинг тангасидай ялтираган ялангоч офицер Яковга иттифоқдош назар билан қараб, яна сўради:

— Ошнангизни кўрдингизми? Овчини?

Нестеренко, ўздан мамнун бўлган кишидай, оҳиста кулиб деди:

— Сизга ҳужум қилишга уни нима мажбур этганини биласизми? Қўшоғиз милтиқ олмоқчи бўлган. Ҳаммасига сабаб, отахон, ишқибозлик, ишқибозлик одамларни идора этади. Шундай! Унақа овчи бизга жуда фойдали бўлади, сиз билан бўлган хатосидан фойдаланиб, мен унинг бўғзидан маҳкам ушлаб турибман...

— Қандай хато бўлсин, ахир ўзингиз айтаётибсиз-ку...

— Хато, азизим, хато!— деган сўзларни офицер қайсарлик билан такрорлади-да, ялангоч кўксини чуқинтириб от сингари қадам ташлаб, сувни сачратиб дарёга кириб кетди.

«Ҳаммангиз ҳам жаҳаннамга кетинг»,— деб ўйлади Яков ғамгинлик билан.

Гўё шовқин-сурон бўлиб турган уйнинг эшиги ёпилгандай, тўсатдан ўлим келди.

Тун ўртасида онаси хўрсиниб-хўрсиниб йиглаб, Яковни уйготди:

— Тезроқ тур, Тихон от чоптириб келди, амакинг Алексей ўлибди!

Яков ўрнидан сапчиб турди:

— Бу қандай бўлди? У касал бўлгани ҳам йўқ-ку...

Гандираклаган, нафаси тикилган ҳолда отаси эшикдан кириб келди.

— Тихон, Тихон бор жойда яхшилик кутма! Мана, Яков, а? Тўсатдан...— деб гўлдиради.

Мирон афт-башарасини буруштириб, унга танбеҳ берди:

— Доктор, сиз икки маъноли қилиб гапиряпсиз, бу сизнинг анархизмингиз, скептизмингиз...

Лекин доктор борган сари бақириб гапирадиган, гапни чўзадиган бўлиб, унинг сўзлари Яковни ваҳимага солар эди. Назарида ҳамма одамлар ҳам алланимадан қўрққандай, бир-бирини бало-қазолар билан чўчитаётганга, бир-бирининг юрагига гулгула солиб, баттар қўрқитаётганга ўхшаб кўринарди, ҳатто шундай деб ҳам ўйлаш мумкин эдики, одамлар худди ўзлари қилаётган ишлардан, ўз ўйларидан, сўзларидан қўрқадилар. Бунда Яков умумий аҳмоқчиликнинг ўсиб бораётганини кўрар, ўзи эса ўйлаб чиқарилган хаёлий қўрқув билан эмас, ҳақиқатан аниқ воқеий қўрқув билан яшарди, кўзга кўринмайдиган, даф қилиб бўлмайдиган, катта офат сари судраб борадиган сиртмок бўйнига солинганини ва бу сиртмок тобора кинсио келаётганини бугун вужуди билан сезар эди.

Икки ойчадан кейин шаҳарда Носков, фабрикада — соқоли силлиқ қирилган, ориқлаган сариқ Абрамов пайдо бўлгач, Яковнинг қўрқуви янада ошди.

— Мен чолни ишга оласизми?— деб сўради Абрамов

— Қалай, турмада аҳвол оғирми?— деб сўради у. Абрамов ҳамон жилмайиб:

— Жуда ҳам тиқилинч. Агар бошлиқларга терлама касали ёрдам бермаганда, одамларни қаёққа сиғдиришни ҳам билмасдилар,— деб жавоб қилди.

Яков тўқувчини кузатиб ўйланиб қолди:

«Ҳа, сен кулаётисан, лекин нимани ўйлаётганингни мен биламан...»

Ўша куни кечқурун Мирон, Абрамовни ишга олгани учун Яковни жуда қаттиқ койиб, бақириб, ҳаттоки лакейга депсингандай, унга депсиниб, ҳақорат қилди. Азбаройи газабланганидан бурни қизариб:

— Жинни бўлдингми сен? Эртагаёқ жавобини бер...— деб бақирди.

Бир неча кундан кейин эса Яков Окада чўмилар экан, поручик Маврин билан Нестеренко тўсатдан пайдо бўлиб, аллақанча қармоқ дасталари мўйлов сингари диккайиб турган қайиқда унинг олдига сузиб келдилар. Соувуққон поручик, бепарволик билан бошини қимирлатиб Яков билан сўрашди-да, индамасдан, шу ондаёқ дарёнинг

Яланг оёқ, ич кийими устидан тўн кийган отаси, қўлоғини чўзиб, гўё нотаниш бир ерга кириб қолгандай олава-рак бўлиб, нуқул уҳ тортарди:

— Уҳ...

— Бу қандай бўлди?— деди Яков ҳайрон бўлиб.

Ун солинган қанорга ўхшаш онаси:

— Тавба-тазаррусиз ўлса-я...— деди.

Аравага ўтириб йўлга тушдилар; Яков кучер ўрнида ўтириб арава ҳайдар, олдида, от устида сапчиб-сапчиб кетаётган Тихонга, ёнгинасида йўлга ёйилиб, гўё ер остига қовлаб кириб кетмоқчи бўлгандай, рақс тушаётган унинг соясига қараб борар эди.

Ольга уларни ҳовлида кутиб олди, у оқ юбка, тунги кофта кийган ҳолда бостирма билан дарвоза ўртасида қатнаб турар, ой ёғдусида гавдаси кўкимтир, тиниқ кўринар ва ҳовлига ётқизилган тап-тақир сой тошлари устига тушган қуюқ сояси одамни ажаблантирарди.

— Мана, менинг ҳаётим ҳам тамом бўлди,— деди у секингина. Қора ит Кучум унинг орқасидан изма-из юрарди.

Ошхона деразаси остидаги скамейкада Мирон букча-йиб ўтирар; бир қўлида папирос тутар, иккинчи қўли билан кўзойнагини силкитиб ўйнар эди, кўзойнагининг шишалари йилтирар, ингичка олтин иплари ҳавода жилваланар, кўзойнаксиз Мироннинг бурпи янада каттароқ кўринар эди. Яков индамасдан келиб, унинг ёнига ўтирди, отаси эса ҳовли ўртасида туриб, худди садақа кутиб турган гадойдек, очиқ деразаларга қараб тураверди. Ольга осмонга қараб, кўтаринки товуш билан Натальяга сўзлай бошлади:

— Мен пайқамай ҳам қолибман... Тўсатдан кифти мурдапикидай совиб, оғзи очилиб қолди. Охирги сўзини ҳам менга айтолмади-я, жонгинам. Кеча бўлса, юрагим санчяпти, деб шикоят қилувди.

Ольга жуда аста гапирар, гўё унинг сўзларидан ҳам кўланка тушаётгандай туюлар эди.

Мирон ранги ўчган ҳолда папиросини ерга ташлаб, боши билан Яковнинг кифтига туртиб, секингина нолиб:

— С-сен унинг нақадар яхши эканини билмайсан...— деди.

Яков бошқа сўз топа олмасдан:

— Чорамиз нима?— деб жавоб берди.

Амакисининг хотинига ҳам бирон гап айтиши лозим

эди; нима ҳам дейди? Ноилож ерга тикилиб, оёғини ерга ишқаб, жим қолди.

Отаси томоғини қириб, оҳиста уйга кирди, Яков ҳам оёқ учида юриб унга эргашди. Амакисининг устига чойшаб ёпилган, энгаги тангилган рўмолнинг тугуни бошида шохдай диккайиб қолган эди, оёғининг бошмолдоқлари чойшабни шу қадар таранг тортиб турардики, гўё уни йиртиб чиқмоқчи бўлгандай эди. Бир ёғи эриган янги ой деразадан нур сочиб мўралар, дераза пардасининг докиси ҳилпирарди. Ҳовлида Кучум улиб юборди, катта Артамонов қулочини ёзиб чўқинди-да, гўё итга жавоб бергандай, бекорга баланд товуш билан:

— Беозор яшаб, беозор ўлди...— деб қўйди.

Яков деразадан қараб, энди ҳовлида, келин ойисининг ёнида монах хотинлар сингари қора либосда юрган Вера Поповани кўрди; Ольга яна кўтаринки овоз билан:

— Уйкусила ўлди,— деди.

— Йиннилик қилма!— сескинни қичқирарди Тихон Вялов: у бир тутам хашак билан отни тозалар экан, қулочини отга ташлатмаслик унинг бошининг сизиктар эди; катта Артамонов ҳам деразадан ҳовлига қараб:

— Аҳмоқ, ҳадеб шовқин қилади, ҳеч нима тушунмайди,— деди.

Яков ташқарига чиқаётиб:

«Ҳеч нима гапириш керак эмас» деб ўйлаб қўйди; ҳовлига чиққач, оқ ва қора кийинган хотинлар сояси тошга қўнган чанглари гўё артаётгандай, тошларнинг тобора ёришиб бораётганини томоша қилди. Онаси Тихон билан шивирлашар, у рози бўлиб, бошини қимирлатарди: от ҳам калласини қимирлатарди, кўзи мисдай ялтирарди. Отаси уйдан чиқди, онаси унга:

— Никита Ильичга телеграмма юбориш керак эди, Тихон унинг қаерда эканини билади,— деди.

Отаси жаҳл билан такрорлади:

— Тихон сен юбор...— деди.

Мирон ўрнидан туриб юрди, эшикнинг кесақисига кифти билан туртиниб, кафти билан кесақини силади. Катта Артамонов унинг орқасидан:

— Ильяга ҳам юбор,— деди; деворга ўйилган қора туйнукдан Мироннинг жавоби эшитилди:

— Илья келолмайди.

— Мен у билан ўттиз йил умр кўрдим,— дерди Ольга, гўё ўз сўзига ўзи ҳайрон бўлгандай кўринарди.— Ни-

коҳдан илгарини
мен нима қилам?
Отаси Яковни
— Илья қаерда,
— Билмайман.
— Елгон айтаси
— Ҳозир Илья

Энди
турган эдик.

да гапиришадиган

т эмас.

дада.

Доктор Яковлев ҳовлига шошилиб кирди-ю:

— Ётоқхонасидами? — деб сўради.

«Аҳмоқ! Бари бир, тирилтира олмайсан-ку» деб ўйлади Яков.

Бу қайғули дамларни ўзидан нари кетказа олмаслиги уни эзар эди. Атрофидаги жамики нарса: одамлар, уларнинг сўзлари ой ёғдусида бронзадай ялтираган саман от, индамай қайғуриб ётган қора ит -- ҳаммаси унга малол келар ва кераксиз туюларди. Унинг назарида келин ойиси Ольга, эри билан яхши яшагани учун мақтаётгандай кўринарди; онаси ҳовли бурчагида, аллақандай бўшашиб, ясама хўрсиниб йиғлар эди; отасининг кўзлари ҳаракатсизланиб, бети тошдай қотиб қолган. умуман, ҳамма нарса табиий ҳолатига қараганда ёмонроқ, қайғулироқ кўринар эди.

Алексейни дафи кунни, тобутни гўрга туширилгандан сўнг одамлар сарғиш қумини тобут устига қафтлаб ташлаётганда, қабристонга амакиси Никита етиб келди.

Никита эҳкаш қайини дарахтига суяниб турган Яков, монахнинг чорқирра гавдасига тикилиб:

«Ана буниси ҳам келди» деб қўйди ичида.

Отаси бетидаги кўз ёшларини арта-арта, укасининг олдига яқинлашди-да:

— Сен кеч қолдинг. — деди; монах бошини букурин ичига тошбақа сингарин тортиб олди. Унинг кўриниши гадойларга ўхшар, эғнидаги жуббаси қуёшда куйган, бошидаги монахча қалпоғи эски тунука челақ тусини олган, этикларини тўзган, чанг босган юзи шишган эди. Никита қабрини ўраб турган одамларнинг елкасига хиралашган кўзлари билан қараб, кул ранг соқоли титраб, Яковнинг отасига ниманидир сўзлар, бироқ гапи эшитилмасди. Яков ер тагидан разм солиб, монахни ўнлаб кўзлар қизиқсиниб, синамол назар билан кузатиб турганини кўрди; одамлар отасининг ногирон укасига, бадавлат кишиларнинг амакисига, бирон жанжалли воқеа юз бермасмикин, деб тики-

...ҳарликларнинг гапини ота-
дамоналар Никитага тегадиган
чун уни атайлаб монастырга йў-
шларини билар эди.
обонатли поп Николай ингичка товуш
насихат қиларди:

...и-сиги, оҳ-воҳлар билан худога пошукурлик қил-
май, ўлим унинг иродасидир...

Ульга эса кўтаринки овозда:

— Мен йиғлаётганим йўқ, шикоят қилаётганим йўқ-
ку,— деб жавоб берарди.

Унинг қўллари қалтирар, ажаб титроқ ҳаракатлар
билан юбкасини тимирскилар, кўз ёшларидан хў
рўмолчасини буклаб, чўнтагига яширмоқчи бўлар эди.

Тихон Вялов гўрковга боғ... таани билан
ҳадга тупроқ ташлаб... қабр...
гундай... қурарди. Бўкур...
...ишалаб Наталья.

Вой шундай... кетиб...
...қўқраб... қўқраб... билан

...воури ва керакми...
...Мен тани... асло мумкин эмас. Алёшага

...Мен тани... Алёшанинг ўлими Миронми?
...қани юринлар, юрилар, кетамиз...— деди.

Яков гўристонла... Бундан бир минутгина илгарини
ишчилар орасида Носковни кўрган эди; овчи чўлоқ коче-
лар, Баська билан Яковнинг ёнидан ўтиб бораётиб, унинг
бетига ўқрайиб, синамол назар билан қараб қўйганди. Бу
одам нима тўғрисида ўйлар экан? Албатта, уни отган,
ўлдириб қўяёзган одам ҳақида яхши фикрда бўлмаса ке-
рак.

Тихон бурма камзулга илашган қумни кафти билан
қоқа-қоқа, Яковнинг олдига келди-да:

— Алексей Ильич қандай сергайрат одам эди-ю... Ни-
кита Ильич заифроқ бўлса ҳам...— деди.

— Бу ерда...— деди-да, Яков тўсатдан сўзини бўлди.

— Нима?

— Ишчилар амакимга ачинадилар.

— Бўлмаса-чи!

— Бу ерда Носков деган бир овчи бор,— деди яна
Яков.— Мен сенга унинг тўғрисида бир нарса айтар
эдиму...

— От ўлганда ҳам одам ачинади,— деди Тихон ўйчан

қолда. Алексей Ильич югуриб юрнб ҳаёт кечи-
тиб келаётган ерида ўлди. Худди бир нарсага даган
олгандай. Уминдан бир кун иллар Тихон тушунмас
Яков гапиргани билан бари бир Тихон Тихонга айт-
ни сезиб, жим бўлди. Носков тўғрисида Тихонга айт-
чи бўлганлигининг сабаби шунки, бу одам ҳақида бир
ғамсага айтиш зарур эди; Яковнинг бу одам тўғрисида
ўйлари, уни барча ҳодисалардан кўпроқ азарди. Кеча ша-
ҳарда бу кийшик келди-да, шатқасини йиғит, алақайси
бурчакдан чиқиб, астарига қараб туриб, Яковга боқибдан олиб,
унинг ичига, отангизни овутишим учун жуда яхши бир гармонь

— Мендан бир оз қарздорсиз, амакингиз ҳам дунёдан
учун пул ваъда қилган эдингиз; аманингиз ҳам дунёдан
ўтди, унинг арвоҳини хушнуд учун тикланганча жим турар эди.
Яков олиш қулай келиб турибди... — деди.
Носков саросималаниб унга этгандай қилиб:
— Мен сизнинг фойдангиз учун, Россия душманлари-
га қарши хизмат қилганимдан кейин...
— Қанча? — деб сўради Яков.
Носков бирданга жавоб бермади, ниҳоят:
— Уттиз юрнб узоклашди: «У мен аҳмо; деб ҳисоблайди,
Яков унга пул берди-да, жаҳли чиқиб, кўрққанидан
тур...»

Ҳозир ҳам Яков астагина қадам ташлаб уйга борар
оқан, буқани болта зарбига рўпара қилмоқчи бўлган сал-
тоқ-тез юрнб кўрққани, деб ўйлайди, муттаҳам! Йўқ, сен қара
қандай қутулиши ўйлар эди.
Марҳумнинг шовқин-суронли маъракаси ниҳоятда чўён-
либ кетди. Одамлар дьякон Кардеевни ва черков ҳофизла-
рини ўлган кишининг абадий хотирасига бағишлаб тиловат
қилишга, салават айтишга мажбур этишар, вақтичоглик
қўлидаги вилақаш уйиатиб, одобсизлик қилиб, даҳшатли
товуш билди.

Янгилар эсларар ўтган оиларни,
Бирга бошлаган йўл, оққан қовладини...
деб ашула қилиб юборди.

Р. ёстиқдай юмшоқ тавдасини
У баъафд тевети билан чактаб

и Укангини хақиқатан яхши кўрар
рақани ҳеч вақт эсдан чиқариб бўл-

б қолган отасининг истеҳзо билан, тум-
ли эшигини эсдан чиқарасан. Яқинда

Барский, Воропоновни ҳамда яна бир қанча
лашхур кишиларини, Мироннинг истагига қар-

а кўриниб турарди; у маърақага ёзилган ранжи-
да ярим соатдан ортга ўтирмай, ўрнидан дастур-
дай юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-

оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

аги юриш қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан ке-
оинси Ольга ҳам секингина, ҳеч қилма сездирмай
иб кетди; унинг кетидан монах ҳам кўздан гойиб бўл-

гилигидан ғалати тарзда ажратди. Худди кўк духобага нўноқлик билан солинган кир ямоқдай, қўнгироқхона устида булут парчалари муаллақ турарди. Алексей яхши кўрган узун тумшукли Кучум, ҳовли тупроғини ҳидлаб, хо-муш юрар эди; ерни искаб юрди-юрди-да, тўсатдан тумшугини осмонга кўтариб, секингина улиди.

— Жим ёт, Кучум,— деди Тихон паст товуш билан.

Ит яқин келиб йўғон бошини Тихоннинг тиззалари орасига суқди-да, ниманидир демоқчи бўлгандай, гингшиб қўйди.

— Сезяпти,— деди Яков, унга ҳеч ким жавоб бермади. Лекин ўйламаслик учун, унинг гапиргиси келар эди.

— Тушуняпти, дейман,— қатъият билан такрорлади Яков. Қоровул ҳам секингина:

— Бўлмаса-чи?— деб қўйди.

— Суздал шаҳридаги монастирнинг ити ўғриларни ҳидидан биларкан,— деди монах.

— Нима тўғрисида суҳбатлашиб ўтирибсизлар?— деб сўради Яков, монах қвасни ичиб, оғзини жуббасининг енги билан артди-да, худди нарвондан тушиб келаётгандай, тишсиз оғзини очиб, сўзга кирди:

— Тихон одамларда яна исёнга интилиш бошланганини пайқабди. Ростга ўхшайди! Халқ жуда ўйланиб қолди...

Тихон итнинг қулоғини ўйнар экан:

— Иш жуда ҳам эзиб юборди,— деб сўз қистирди. Яков Тихонга:

— Итни ҳайдаб юбор, бургаси киради,— деб буюрди.

Қоровул Кучумнинг оёқларини тиззасидан олиб, оёғи билан итариб юборди; ит думини қисиб ўтирди-да, эгасини согингандек икки марта гингшиб қўйди. Учови итга қаради, ораларидан бири эҳтимол, Тихон билан монах етим қолган итга, ерга кўмилган эгасидан кўра кўпроқ ачинса керак,— деб хаёлидан ўтказиб қўйди.

— Исён бўлади,— деди Яков ва ҳовлининг қоронғи бурчакларига оҳиста қараб қўйди.— Тихон, эсингдами, Седовни ўртоқлари билан қамашгани?

— Бўлмаса-чи?

Монах жуббасининг чўнтагидан тунука қутичасини олди-да, ундаги тамакидан бир чимдим олиб искади ва жиянига:

— Мана, мен ҳам тамаки ҳидлайдиган бўлдим. Буни

кўзга фойдаси бор; кўзим хира бўлиб қолди,— деди-да, акса уриб, давом этди:— Ҳатто қишлоқларда ҳам қама-қама...

Яков соддагина гапиришга тиришиб:

— Жосуслар кўпайди,— деди.

— Ҳаммага разм солиб юришади.

— Агар кўз-қулоқ бўлиб турилмаса, ҳеч нарсани бил-либ бўлмайди,— деб гўлдираб қўйди Тихон.

Яков эса, тилини истар-истамас қимирлатиб, тун сал-қинлигиданми ёки ваҳм босганиданми,— нимагадир жун-жикиб, деярли шивирлаб гапирар эди:

— Биэда ҳам бор. Овчи Носков ҳақида ҳар хил ёмон гаплар юрибди... Гўё у Седов ва шаҳардаги бошқа киши-лар тўғрисида чақимчилк қилган эмиш...

Тихон бир оздан кейин:

— Вой, аҳмоқ-эй!— деб қўлини итга чўзди ва дарҳол қўлини тортиб тиззасига қўйди; Яков эса унинг сўзлари бекор кетганини сезиб, негадир Тихонни огоҳлантирди:

— Нега гапирмай? Унинг менга алоқаси йўқ. Гапга кулок солалиган киши ҳам йўқ ҳозир биров бировга ишон-майдиган бўлиб қолди.

— Ҳа, ишонч кам,— деди монах.— Мен урушдан ке-йин яоалоо солдатаар билан гапиришиб кўлим: солата-лар ҳам урушга ишонмайдилар! Темир, ҳамма ёқда темир, Яша, машина! Машина ишлайди, машина куйлайди, гапи-ради! Турмушнинг бундай темир заводига бошқача одам-лар — темир одамлар керак! Кўпгина одамлар буни ту-шунмайди, мен шундай одамларни учратдим. «Биз ҳали сиз юмшоқ баданларга кўрсатиб қўямиз!» дейдилар. Баъ-зи бировлар бунга ранжийдилар. Одам команда берса — бунга ўрганиш, чидаш мумкин, аммо темир металл коман-да берса — одамга алам қилади! Болта, болга ва бошқа қўлга тутиб бўладиган нарсаларга одамлар ўрганган, бун-да эса — юз пудли нарса, аммо тирикдай кўринади.

Тихон томоғини қириб, Яковга нотаниш, у эшитмаган оҳангда галати кулди-да:

— Отдан илгари арава юради. Вой, шайтонлар!— деди.

Монах гапини жуда ҳам секин давом эттирди:

— Ниҳоятда кўп одам ғазабланган. Мен уч йил ичи-да, кўп ерларни кездим, халқнинг пақадар ғазабланганини кўрдим! Кимга қарши ғазабланиш кераклигини билмай, ғазабланишади, холос. Бир-бирларига қарши ғазаблани-

шади, ақли учун ҳам, аҳмоқлиги учун ҳам — ҳаммаси баб-баравар гуноҳкор. Менга буни поп Глеб айтган, жуда ҳам тўғри айтган экан!

— Попнинг ўзи тирикми?— сўради Тихон.

— Попликни ташлаган. У попликдан воз кечиб, ҳозир қишлоқ ярмаркаларида китоб сотиб юрибди,— деб жавоб берди Никита.

— Яхши поп эди,— деди Тихон.— Мен унинг олдига гуноҳларимдан тавба қилгани борар эдим. Лекин у камбағаллигидаи поплик қилиб юрар, ҳақиқатда эса худога ишонмасди, мен шундай деб ўйлайман.

— Йўқ, у Исога ишонар эди. Ҳар ким ўзича ишонади. Тихон қатъий равишда:

— Шунинг учун ҳам халқ саросимада,— деди-да, яна хунук илжайгач:— ўйлаб-ўйлаб шу ҳолга тушдик...— деб кўйди.

Катта Артамонов эшик олдидаги зинапояга тиқ эткизмай, оҳиста, яланг оёқ, тун кўйлагида чиқиб, бўзарган осмонга қаради-да, дераза тагида ўтирган одамларга деди:

— Ухлаёлмаяпман. Ит халақит беряптн. Сиз ҳам бу ерда гингилаб безор қиляпсиз...

Кучум ҳовли ўртасида қулоқларини диккайтириб очик деразанинг қорайган тешигига қараб гингшир, чамаси, эгасининг қақришини кутар эди.

— Сен бўлсанг, Тихон, ҳадеб ўзингникини маъқуллайсан,— деди Артамонов.— Яков, қара: мана бу мужик бир хаёлга учраб, худди қопқонга тушган бўридек, ўша хаёл ичида қолиб кетди. Сенинг аканг ҳам худди шундай. Сен, Никита, Илья воқеасидан хабаринг борми?

— Ҳа, эшитдим.

— Шундай. Мен уни ҳайдаб юбордим. Бировнинг отига миниб кетди. Лекин қаёққа кетди — буниси номаълум. Албатта, ҳар ким ҳам унга ўхшаб бойликдан воз кечиб, аллақандай шароитда кун кўролмайди...

— Алексей ҳам худонинг суйган бандаси,— деб эслатди Никита секингина.

Катта Артамонов қўлини чаккасига обориб, бир лаҳза жим тургач, Яковга:

— Шийпончага кўрпа-ёстиқ обкелиб бер, балки мен ўша ерда ухларман,— деб боққа жўнади.

Бошдан-оёқ оппоқ кийинган, сочлари ҳурпайган, қорамтир юзи кўкариб шишган Пётр Артамоновнинг қиёфаси кўрқинчли эди. У ҳовлининг ўртасида тўхтаб:

— Никита, сен машина тўғрисида бекор гапирдинг. Сен машинанинг нимасига тушунасан? Сенинг ишинг — худо хусусида ваъхонлик қилиш. Машина одамга халақит бермайди,— деди.

Тихон ҳурматсизлик қилиб, унинг сўзини қайсарлик билан бўлди:

— Машинанинг касрига нарх-наво ошди, турмуш оғирлашди, шовқин-сурон кўпайди.

Катта Артамонов, унга қўл силтаб, астагина боққа кетди; Яков кўрпа-ёстиқ кўтариб, отасининг олдида борар экан, жаҳли чиқиб, хомуш бўлиб ўйларди: «Ўзимникилар — отам, амаким, лекин уларнинг менга нима кераги бор? Бари бир улар ёрдам қилолмайди».

Отаси ўз укасини уйида туришга таклиф этмади. Монах, келин ойиси Ольганинг уйида чордоққа жойлашди.

— Мен бу ерда кўп турмайман, яқинда кетаман...— деб огоҳлантирди.

Монахнинг даражата ҳаёт кечирар, агар чақирмасалар пастки уйларга тушмас эди. Боғда кезиб юриб, дарамтларнинг кўриган шохларини кесар, тошбақадай ўрмалаб, ёввойи кўкатларни юлар, кундан-кунга аъзойи бадали бўришиб қуриб борарди, гўё муҳим сирларни баён этаётгандек. оламлао билан секингина гаплашар эди. Касалини баҳона қилиб, черковга кам оорар, уйда қолган кам ибодат қилар, худо тўғрисида гапиришни ёқтирмас, шундай суҳбатлардан ўзини олиб қочарди.

Яков монахнинг Ольга билан жуда ҳам дўстлашганини, камгап Вера Попова уни ҳурмат этганини, ҳатто Мирон ҳам амакисининг саёҳатлари ва одамлар тўғрисидаги ҳикояларини эринмай эшитганини кўрар эди. Лекин Мирон отаси ўлгандан кейин баттар кеккайиб кетган, қуруқ муомала бўлиб қолган эди. Фабрикада гўё бош хўжайиндай буйруқ берар, Яковга хизматкорга муомала қилгандай бақирар эди.

Монах Натальянинг ялпайиб кетган қизил юзига, ҳаммага ва ҳамма нарсага қарагандай ёқимли қарар эди; лекин у билан бошқаларга қараганда кам гаплашарди, Натальянинг ўзи ҳам тобора гапдан қолиб, фақат нафас оларди, холос. Унинг бақрайиб қолган кўзлари қимирламас, фақат аҳён-аҳёнда, эрининг соғлиги ҳақида ташвишланганда, Мирон олдида ваҳимага тушганда ёки бақалоқ ва сипо Яковни кўрганда шодлигидан кўзлари йилтираб кетарди. Монах

билан Тихон ўртасида қандайдир келишмовчилик бор эди, улар ўзаро бақслашмасалар ҳам, бир-бирларига гўлдирашар, худди иккиси ҳам кўрдай, бир-бирларининг олдидан ўтишар эди.

Яковнинг ҳаётига амакисининг чорпаҳил қора гавдаси яна бир кўланка ташлаган эди. Монахнинг қиёфаси унда оғир туйғулар уйготар, унинг қорамтир нурсиз юзи ўлим тўғрисида ўйлашга мажбур этарди. Яков Артамонов уйда бўлиб турган ҳодисаларнинг ҳаммасига ўз ташвишлари юзасидан қарар эди; ўз шахсий ташвишлари кундан-кунга ортаётгани устига уйда ҳам янги-янги қўрқинчли ҳоллар ортиб бормоқда эди. Севги масаласида тажрибакор эркак кишининг сезгирлиги унга шундан дарак берардики, Полина у билан совуқроқ муомала қиладиган бўлиб қолган, совуқдон поручик эса, Яковнинг шубҳасини тасдиқларди; поручик энди унга тўқнаш келганда назар-писанд қилмай бармогини салгина шапкасига тегизиб, гўё узоқдаги кичкина бир нарсани кўргандай, кўзларини қисар эди; илгари эса илтифотлироқ, хушмулозамат бўлиб, шаҳар клубида карта ўйнаш учун Яковдан пул қарз олганда ёки қарзини тўлаш муҳлатини узайтиришни сўраганда, кўпинча унга таҳсин тариқасида:

— Артамонов, сизнинг қадди-қоматингиз худди тўпчиникига ўхшайди, — дер, ёки бирон бошқа ёқимли сўз айтар эди. Ўзининг совуқдан қўрқмаслиги, чаққонлиги, кучқуввати ва мижозан ўтакетган жасурлиги билан бутун шаҳарни ҳайрон қолдирган, худди резинкадан қуйилгандай чайир бу офицернинг қўполроқ содда дил табиати Яков учун ёқимли туюлар эди. У одамларнинг юзига тош соққандай юмалоқ кўзлари билан қараб, команда бергандай бир оз хириллаган товуш билан:

— Мен совуқдон кишиман, лекин муболагани жуда ёмон кўраман, — дерди.

Бутун шаҳарликлар қўрқадиган, касалманд, заҳар чол, почтахона мудир Дронов билан карта ўйини устида уришиб қолганда Маврин унга:

— Муболага қилмайман, лекин сиз қари аҳмоқсиз! — деган эди.

Яков Артамонов поручикни рақиб гумон қилиб, у билан тўқнашишдан қўрқарди; шундай бўлса ҳам Полинани Мавринга қолдириш тўғрисида сира ўйламас, чунки, бу хотин тобора унга ёқмоқда эди. Ҳар ҳолда у бир неча марта Полинани:

— Эҳтиёт бўл, агар сен билан Маврин ўртасида бирон нарса пайқасам, сен билан алоқамни узаман, буни билиб қўй,— деб огоҳлантирган эди.

Шу билан бирга унинг кўнглида овчи Носов солган тахлика ҳам ўса борди. У Яковга ҳар вақт шаҳар четида Ватаракша кўпригининг устида йўлиқар, ер остидан чиққандай тўсатдан пайдо бўлиб, фуражжасига тикилганича, қарздордан қистагандай, пул сўрар эди.

Овчининг ҳар вақт бир ердан, иккита қийшиқ тол остидан ўсган қичитқи, қўйтикан ва ёввойи ўтлардан иборат чангалзор орасидан пайдо бўлиши алақандай галати ва ёмон туюлар эди. Бундан икки йилча муқаддам бу ерда сабзавотчи Панфилнинг уйи бор эди; сабзавотчини биров ўлдириб, уйга ўт қўйган, толлар ҳам чала куйган эди; кейинчалик бу жойнинг кул билан кўмир аралаш тупроғини городки ўйновчилар тепкилайвериб тақирини чиқарган эди: пишиқ ғиштли пойдеворларнинг қолдиқлари орасида печка ва унинг мўриси қўққайиб турар эди; бошқа темирларта мўри устида, пастгина осмонда кўкнимтир юлдуз милтирарди. Носков шундан ҳам кўкнимтирларни шилдириб, мўри орқасидан чиқиб келар, бошидан шапкасини астагина сидириб олиб:

— Мен сизга хизмат қилмоқдаман. Бу ерда бошқа энгил компания уюшмоқда...— деб валдирар эди.

— Бу компанияларнинг ишим эмас,— дерди Яков газабланиб: Носков унга жанобан очикдан-очик оқиб келишлик билан:

— Тўғри, сиз ташкил қилмагансиз, лекин бу ишларнинг сизга алоқаси бор,— дерди.

«Афсуски мен уни ўша кунни отиб ташламаган эканман» деб, Яков қайта-қайта пушаймон ер ва жосусга пул берар экан:

— Сен, кўзингни оч, эҳтиёт бўл!— дерди.

— Мен биламан.

— Мени бу ишга аралаштириб қўйма.

— Нега аралаштирай? Хотиржам бўлинг.

«Ҳа, албатта, у мени аҳмоқ ҳисоблайди...»

Яков Артамонов Носковнинг фойдали киши эканини тушунса ҳам, уни отгани учун бу оёғи қийшиқ, япалоқ юзли йигитнинг ўч олмасдан қўймаслигига ҳам ишонар эди. Носков шуни истайди. У қўрқитади ёки Яков берган пулига биронта ишчини сотиб олиб, уни ўлдиришга буюради. Яковнинг назарида сўнгги вақтларда ишчилар унга кўп-

роқ эътибор бераётгандек, ўқрайиб қараётгандек туюлар эди.

Мирон дам-бадам: ишчилар ўз аҳволларини яхшилаш учун исён қилишмайди, балки уларга четдан туриб: банкаларни, фабрикаларни ва умуман мамлакатнинг бутун хўжалигини ўз ихтиёрига олиш керак, деган жуда бемаъни, жуда ҳам бўлмагур фикрни уқтирганликлари учун исён қилишади, дейдиган бўлиб қолди. Мирон бу тўғрида гапирганда, чўзилиб, гавдасини тиклаб, узун оёқлари билан хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, бўйинини бураб, бармоқларини ёқасига суқарди, бўйини пигичка бўлса-да, кўйлак ёқаси ниҳоятда кенг эди.

— Бу ҳатто социализм ҳам эмас, тамомила бўлмагур нарса! Одамлар тўқиб чиқарган мана шу бемаъни нарсанинг тарафдори сенинг тугишган аканг бўлади. Бизнинг ҳукуматимиз қариган қарғалардан иборат...

Мирон бу сўзларни Давлат думасига аъзо бўлишга ҳақли эканига тингловчиларни ва ўзини ишонтириш учун гапирганини Яков тушунар эди; шундай бўлса-да, амакн-ваччасининг ғазаб билан гапириши Яковда қўрқинчли таъсир қолдириб, юзаб ишчилар орасида унинг шахсан ҳимоясиз эканини тобора яхшироқ сездириб турар эди. У ҳатто ваҳимадан эси оғишга ўхшаш галати ҳолатни бошидан кечирди: бир кун у эрта билан фабрика ҳовлисидаги шовқин-сурон ва қий-чувдан уйгонди; ёстиқдан бошини кўтариб, складнинг сип-силлиқ ва опшоқ деворида бир гала одамнинг сояси тўс-тўполоп ичида югуриб, қўлларини силкиб, ирғишлаб ўтаётганини кўрди; назарида, бу соялар складнинг бутун биносини ер узра суриб кетаётгандай эди. Яковни тер босиб:

«Исён...» деб ўйлади, бақирай деса, товуши чиқмай қолди.

Одамларга қараганда қўрқинчлироқ кўринган бу соялар оқими тўсатдан йўқ бўлиб кетди. Яков фабрика дарвозасининг олдида душанба кунларида бўладиган оддий муштлашиш эканини англади: умуман, байрамдан кейинги кунларда ишчилар муштлашар эди; лекин қорамтир сояларнинг даҳшатли югуриши Яковнинг хотирида қолган эди. Умуман, ҳаёт шу қадар таҳликали эдики, газетани ўқиш у ёқда турсин, уни ўқигиси ҳам келмасди. Соддалик, равшанлик йўқолиб, унинг ўрнига ҳар тарафдан ёқимсиз нарсалар бостириб кирмоқда, янги одамлар пайдо бўлмоқда эди.

Синглиси Татьяна тўсатдан Воргород шаҳридан инженер шапкаси кийган, қотмадан келган, сап-сарик куёвни бошлаб келди; оёқ-қўли чаққон, хушчақчақ йигит бўлиб, Татьянадан икки яшар кичик эди; уйдагиларнинг ҳаммаси уни бирданига Митя деб атайдиган бўлдилар. У гитара чалиб, ашула айтар эди; энг кўп айтадиган ашулаларидан бири, Яковнинг назарида, синглисини хўрлагандек туюлар, онасини ниҳоятда ғазаблантирар эди:

Тобутдадир менинг хотиним.
Эй, худойим!
Бу бандангни даргоҳингга ол,
Беҳиштга сол!

Лекин синглиси хафа бўлмас эди; бу йигит синглисини ҳам, бошқаларни ҳам — ҳаммани овулар, вақтини чоғ қилар эди; ҳатто онаси ҳам кўпинча, кўнгли ийиб унга дерди:

— Вой, саъвагинам-ей! Томоқ есанг-чи, масхарабоз!

Митя каптар сингари олди тишмай, жуда кўп овқат ея оларди; катта Артамонов худди уни тушида кўраётгандан, ҳайрат билан кеприкларини пириратиб унга қарар ва:

— Сен бу табиатинг билан ичадиган бўлсанг керак, кичасанми?

— Ича оламан,— деди куёв ва кечки овқат устида ичишга қобилияти борлигини ҳам исбот этди. У ҳар ерда бўлган: Волга бўйида, Уралда, Қримда, Кавказда ҳам: у сон-саноксиз ғалати мақол ва ҳикояларни, қизиқ ибораларни билар, гўё аллақандай шод-хуррам бегам мамлакатдан қочиб келган одамга ўхшарди.

— Ҳаёт ниҳоятда гўзал!— деди ва келиши биланоқ қизгин иш доирасига кириб, ишчиларга ёқиб қолди; у ёшларни кулдирар, кекса тўқувчилар уни ёқтириб бош ирғар эди; ҳатто Мирон ҳам, унинг кулгидан ялтираган сўзларини эшитганда, юпқа лабини ялаб табассумини яширар эди. Мана, у Мирон билан ҳовлидан ўтиб, фабриканинг бешинчи корпуси томон бормоқда, бу корпус худди қизил ғишт дастпанжанинг бешинчи бармоғидай, эндигина ерга ёпишган; унинг теваарак-атрофи ҳавозалар билан ўралган; ҳавозалар устида дурадгорлар ивирсиб юришибди, қўлларидаги болталар кумушдай ялтирайди; Мироннинг кўзойнак шишаси ва тилла гардиши жилваланади; у қадимги беш

тийинли суратдаги генералдай қўлини чўзиб турибди. Митя ҳам бошини ирғайди, ниманидир ерга ташлаётгандай, қўлини силкийди.

Яков контора ичида, деразадан уларга қарайди. Куёви унга ҳам ёқади, у билан бирга бўлганда кўнгли очилади, хафа қилиб бўғиб турган кўп нарсалар унутилади; ҳатто Яков унинг табиатига ҳасадланиб қарайди, лекин унга қарши аллақандай ишончсизлик сезади: назарида, бу йигит узоқ вақт эмас, фақат эртагача туради-ю, эртага ўзини ё артист, ё сартарош эълон қилади, ёки қандай пайдо бўлган бўлса, яна шундай тўсатдан гойиб бўлади. Унда яна бир яхши хусусият бор, у ҳам бўлса — очкўз эмаслиги. Татьяна учун қанча сеп берилишини сўрамайди, эҳтимол бунда Татьянанинг қувлиги яширинган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин отаси ҳушёр вақтда:

— Демак, мен мана шу сариқ учун ишлаган эканман-да...— деб гўлдирар эди.

Мирон ҳам уйланди. У Москвадан қайтиб келиб:

— Хотинимни сиз билан таништиришга рухсат этинг.— деди-да, кўк кўз, жингалак соч, боши ёнига оғиб турган дўндиққина қўғирчоқни рўпарасига қўйди. Унинг хотини қўғирчоқдай кичкина бўлса-да, лекин фавқулодда кўзга ташланмайдиган қилиб ишланган эди, бу ҳол Яковнинг назарида, унга табиий хотин тусини бермай, амаки-си Алексейнинг яхши кўрган соатига ўрнаштирилган чинпи ҳайкалчага ўхшатиб қўярди; у ҳайкалчанинг боши синиб тушгандай бир оз қийшиқроқ елимланган эди; соат ойна тоқчасига қўйилган, ҳайкалча эса одамларга орқа ўгириб, ойнага қараб турарди. Мирон, хотинимнинг исми Анна, ўн саккиз ёшга кирган деди-ю, бироқ сеп пули учун унга чорак миллион сўм беришганини, хотини қоғоз фабрикантини ягона қизи эканини айтмади.

Отаси қизарган кўзлари билан Яковга қараб:

— Уйланиш мана бундоқ бўлибди! Сен бўлсанг арзи-маган нарсага илашиб юрибсан,— деб гўлдирарди.— Илья-ни эса, худди ахлатдай ҳаётдан супуриб ташладилар.

Отаси шалвираган, юмшоқ баданини оғир тебратиб, зўрға юрар эди. Яковнинг назарида, бу гавда отасининг жаҳлини чиқараётгандай туюларди, гўё отаси қариликнинг бадбуруш хунуклигини жўрттага одамларга кўрсатаётган-дек эди; у қизи Елена олдида унинг жаҳлини чиқариш учун қандай юрадиган бўлса, худди шу хилда, тунги ич кийимда, бели боғланмай, сарпойчанг, туфли кийиб, шал-

вираган кўкрагини очиб юрар эди. Баъзан конторага келиб, Яковга халақит бериб, узоқ ўтирар, бутун кучини фабрикага, болаларига берганидан, бутун умрини тошдай қаттиқ иш бўйинтуруғида ўтказганидан, ҳеч қандай шодлик кўрмай, ташвишлар тутун ичида яшаганидан шикоят қилар эди.

Ўғли эса, бу шикоятлар билан отаси ўзини овутаётганини, ўзини пуфлаб, бутхона қўнғироқхонасидай катта қилиб шишираётганини кўриб турса-да, индамай қулоқ солар эди,— қуёш эрталаб қўнғироқхонани инсон уйларида олдин кўради ва тун қучоғига кетаётиб ҳам ҳаммадан кейин у билан хайрлашади. Аммо бу шикоятлардан Яков ўзи учун: отасидай яшашнинг ҳеч маъноси йўқ, деган хулоса чиқарар эди.

Яков отасининг шундай шикоятлардан тўйган кезларида кўрардики, отаси одамларни ранжитишга, уларни масхара қилишга жон-жаҳди билан интила бошларди. Отаси кампир хотини ёнига — ишдан чиққан қўлларини тиззалари устига қўйиб, пурсиз кўзларини бир нуқтага тикиб, ооққа қараган дераза олдига ўтирган Истамнинг ёнига бориб ўтирар эди-да, гингиллай бошларди:

Нималарни ўйлаб ўтирибсан? Семизсан, лекин кўзга пиндайсан. Болаларинг сени менсимайди. Татьяна сендан кўра ошпаз хотин билан яхшироқ гаплашади. Елена эса, сенга ошпаз шикояти — олинга келмайди, а? Янги ўйнаш орттирганга ўхшайди. Илья қани?

Лекин хотинининг жигига тегиш зериктирарли эди, чунки унинг тўқ қизил юзи дарҳол кўз ёшларидан ҳўллапар, кўз ёшлари ёлғиз кўзларидангина эмас, балки ажин босган юзининг ҳамма еридан, шалвираган икки қават бағбақасидан ҳам, қулогининг олдидан ҳам, яна аллақайси еридан сизиб чиқаётганга ўхшарди.

— Ҳе, адойи тамом бўлган кампир,— жирканиб тўнғилларди чол ва худди тутундан қочгандай, қўл силтай-силтай хотини ёнидан узоқлашарди. Ҳа, хотини энди уни овутолмасди.

Чол Яковга тирғилмас, лекин ўғлининг назарида, отаси унга қўнглини ранжитадиган ачиниш билан қарагандай туюларди. Баъзан Пётр Артамонов хўрсиниб:

— Эҳ, сен, кўк кўз...— дерди.

Миронни масхара қилиб бўлмасди, шунинг учун отаси ундан ўзини узоқ тутар, Яков эса буинг сабабини тушунар эди. Мирондан фабрикада қам, уйда ҳам ҳамма қўр-

қарди. Уйда онаси билан чинни хотинидан тортиб, кўча эшигини очиб турадиган Гришка деган болагача ҳамма ундан кўрқарди. Мирон ҳовлидан ўтар экан, унинг узун сояси гўё теварак-атрофга тинчлик ўрнатаётгандай кўри-нарди.

Сариқ куёвидан кулишдан чол ҳузур қилолмасди; бу йигит ўзини ўзи масхара қилиб кула билар, ўзини биров-га урдиргунча ўзини ўзи уришни афзал кўрарди. Икки-қат бўлган Татьяна жуда ҳам шишиб, лаблари дўрдайиб кетганди; тушликдан кейин ётар ва бирданига у китоб ўқир, кейин сайр қилгали чиқар, эри лайча кучукдай ёнида югуриб юрарди.

Катта Артамонов от қўшишга буюрар ва укаси билан Тихоннинг жигига тегиш учун шаҳарга борар эди; Яков отасининг бу қилигини бир неча марта кўрган эди.

— Қалай, монах қалпоғини кийган студент? Худодан қайтдингми?— деб монахга ёпишарди.

Никита букурини қимирлатиб, узун қўлларининг каф-ти билан қиррадор тиззаларини қаттиқ силаб, астагина, шикоятлангансимон дерди:

— Йўғ-э, бу гап ўринсиз...

— Нега ўринсиз бўлади? Сен художўйлик қалпоғини киймагансан, бу қалпоғинг қалбаки. Бутун кийминг ҳам қалбаки. Сен қандай монахсан?

— Бу менинг дилимда.

— Бурнаки отасан. Йўқ, ютқиздинг сен, янглишдинг! Уз вақтида бирон камбағал, бирон етим қизга уйланганимда, у сенга жон-жон деб болалар тугиб берган бўларди; ҳозир сен ҳам менга ўхшаган бува бўлар эдинг. Сен бўлсанг, нима қилдинг? Эсингда борми?

Монах, худди каттакон тошбақадай, астагина ўрмалаб, ундан узоқлашар, Пётр Ильич Артамонов эса. Ольганинг олдига бориб, унга ярмаркада Алексей қандай кайф-сафо қилганини сўзлар эди. Лекин бу ҳам уни овутмасди; кичкина кампир, эри ўлгандан беири бир ерда ўтиролмайдиган дардга мубтало бўлган эди; Ольга у ёқдан-бу ёққа юргани-юрган, уйдаги мебелларни ўрнидан қўзғатиб, бошқа жойга сурар, деразадан мўраларди, буюмларнинг жойини алмаштириб, бир жойдан иккинчи жойга олиб кўярди. Бурни устида кўзойнаги йилтираб турса-да, кампир бошини қимирлатмай, пайпасланиб, полга таёғини дўқиллатиб, ўнг қўлини олға чўзиб юрар эди. Чолнинг сассиқ сўзларига эса, жилмайиб:

— Нимани хоҳласанг гапиравер, мен билган Алёшага ҳеч қандай ёмонлик юқмайди, яхшилик ҳам қўшилмайди, — деб жавоб берар эди.

— У сенинг тўғрингда бир кўзи билан кўради, деб тўғри айтган экан.

— Икки кўзим билан ҳам ҳеч нарса кўрмайман, десам бўлади. Кўрмайман, кеча кўрлик қилиб, Алёша яхши кўрадиган чинни стаканни синдириб қўйдим, — дейди Ольга.

Катта Артамонов Тихон Вяловнинг жигига тегиб кўрмоқчи бўлар, лекин бу қийин эди. Тихоннинг жаҳли чиқмас, ёнига қараб, томоғини қириб, хотиржамлик билан қисқагина жавоб берар эди. Артамонов:

— Узоқ умр кўряпсан, — деса, Тихон унга жавобан:

— Мендан ҳам узоқ умр кўрадиганлар бор, — дерди.

— Кани, айт-чи, сен нима учун яшадинг?

— Хамма ҳам яшайди.

— Тўғри, лекин ҳамма ҳам сенга ўхшаб, ҳовли супуриб, ахлат ташиб яшамайди-ку...

Бунинг сарида Тихоннинг ўз фикрлари бор эди:

— Туғилганимдан кейин улгушимча яшадим.

Бироқ Артамонов унинг сўзига қулоқ солмай:

— Сен бутун умрингни супуриб узоқаб ўтказдинг. Сен на хотин, на бола кўрдинг ва на бирон ташвиш тортдинг. Бунинг сабаби нима? Сенга отам бошқа хизмат бермоқчи бўлган эди, лекин сен хоҳламадинг. Бунинг сабаби нима? Бундай қайсаолик?

Тихон ёнига қараб:

— Сўроғинг кеч қолди. Пётр Ильич, — деб жавоб берди.

Артамонов, жаҳли чиқиб, қайсарлик билан:

— Ўзинг мундоғ қарагин: сенинг ҳаётинг даврида қанчадан-қанча одам бой бўлиб кетди. Одамлар ўз аҳволини энгиллаштириш учун пул тўладилар...

Тихон «а» товушига айниқса ургу бериб:

— Тўплаб-тўплаб, шайтонни сотиб олди, — деди.

Яков эса, отасининг жаҳли чиқишини, Тихонни сўкиб юборишини кутиб турар эди, лекин чол бир оз жим тургач, тушуниб бўлмайдиган қилиб алланима деб гўлдиради-да, қоровул олдидан узоқлашди. Тихон борган сари айниб, тепакали катталашиб, юзидан тупроқ ёғилиб тургандай турқи ўзгарса ҳам, қарилкнинг таъсиринга берилмай, ҳамон илгаригидай бардам, ҳатто бир қадар хушфёъл, таълим берувчи сиполик билан гапирадиган бўлиб қолган

эди. Яковнинг назарида, Тихоннинг ҳозирги юриш-туришига, гап сотишига қараганда, бу қоровул отасидан кўра кўпроқ хўжайинга ўхшаб кетарди.

Яков ўз қариндош-уруғлари орасида, бегона йигит Митя Лонгиновдан бўлак ҳамма жонга теккан уйда, ўзининг ортиқча эканини борган сари аниқроқ сезарди. Митя унга на аҳмоқ кўринар, на ақлли, бу ўлчовга кирмасдан, бошқалардан ажралиб турарди. Митянинг қадр-қиймати Мироннинг унга бўлган муомаласи билан ҳам тасдиқланар эди. Датаал, ҳукмрон, ҳаммага буйруқ бериб турадиган Мирон Митя билан тотув эди, кўпинча талашиб-тортишса ҳам ҳеч вақт уришмас, баҳслашганда ҳам оҳиста баҳслашар эди. Уйда эрталабдан то кечгача турли овозлар эшитиларди:

— Митя! — деб чақиради Татьяна.

— Митя қаерда? — деб сўрайди онаси.

Ҳатто отаси ҳам, деразадан бошини чиқариб:

— Митрий, овқат вақти бўлди! — деб бўкирарди.

Митя фабрикада шипиллаб айланиб юраркан, ўзининг ҳазил-мутойибалари билан Мирон ранжитган ишчиларнинг кўнглини кўтарарди. У ишчиларга, дўстим деб мурожаат қиларди.

Дурадгорлар ўнбошиси, серсоқол, басавлат кишига:

— Дўстим, бу ундай эмас! — деб, чўнтагидан қизил тери муқовали дафтарчасини, қаламини олиб, ёки тахта устига ниманидир чизиб:

— Кўряпсанми? Шундайми? Бундай-чи? Мана бундай бўлса-чи? Тўғри чиқдимми? — деб сўрар эди.

— Тўғри, — деб ўнбоши унинг сўзига рози бўла коларди. — Биз бўлсак ҳамон эскичасига, одатимиз бўйича...

— Йўқ, яхши киши, янгича ўрганиш керак, бу — фойдалироқ!

Ўнбоши рози бўлиб:

— Тўғри, — дерди.

Митя иш билан дадил ўйнашиши жиҳатидан Алексейга ўхшаса ҳам, лекин унда хўжайинларга хос бўлган очкўзелиги сезилмасди; ҳазилмутойиба гаплари ва ҳазилкашлиги билан дурадгор Серафимни эслатарди, буни катта Артамонов ҳам сезган эди; бир куни Митя кечки овқат маҳалида, дастурхон атрофида ўтирган қовоги солиқларнинг хафалигини тарқатганда, отаси илжайиб:

— Мана, бизнинг ҳам овуtuvчимиз, Серафимимиз бор энди... Шунақа! — деб гўлдираб қўйди.

Бир куни, отаси билан Мироннинг одатдаги тўқинишларидан кейин Митя Миронга:

— Даҳшатли нарса билан жирканч нарсанинг аянчли нарсага қўшилиши — соф рус химияси! — деганини Яков эшитди.

Аммо ўша заҳотиёқ юпата бошлади:

— Хеч нима қилмайди! Бу — ўтиб кетадиган нарса, тезда йўқ бўлади. Биз тозаланамиз...

Байрам куни кечқурун, боғда чой ичиб ўтиришганда отаси:

— Мен байрам қилмай ўтдим! — деб шикоят қилди; куёви шу чоқ мушакдай кўтарилди-да, ўткир сўзларни олтин қумлар сингари сочиб, гапга киришди:

— Бу эса сизнинг хатонғиз, бошқа ҳеч кимники эмас! Инсон байрамларни ўзи белгилайди. Ҳаёт — гўзал, унда ҳадялар, вақтичоғликлар, ҳар турли ўйинлар бўлиши керак, соҳатланиб яшаш керак. Хурсандимани унинг ҳар куни бир нарса топиш мумкин.

У жуда узоқ гапирди, худди най чалгандай дўндириб гапирди, дастурхон атрофида ўтирганлар жим бўлиб қолишди; унинг гапини тинглаётган одамлар уйқуга толгандай кўринарди; Яков ҳам унинг сўзлари гўзаллигига берилло, оу сузларда чин ҳақиқат борлигини сезар, бироқ шунга қарамай Митядан: «Нимага сен хунук ва аҳмоқ қизга уйландинг?» деб сўрагиси келар эди.

Митянинг ўзи хотинига қиладиган муомаласида қалбакиликка ўхшаш қандайдир бир нарса, ортиқча илтифот, жўртгага қилинадиган гамхўрлик борлигини Яков кўриб турар эди. Яковнинг назарида, синглиси ҳам бу қалбакиликни сезадигандай кўринарди; у маъюс ҳолда, салга жаҳли чиқиб индамасдан юрар, ўзининг хушчақчақ эридан кўра Мирон билан сиёсат тўғрисида қизгин суҳбатлашар эди. Сиёсатдан бошқа ҳеч нарса тўғрисида гаплашишни билмасди.

Баъзан Яковнинг назарида, Митя Лонгинов шод-хурам, беғам мамлакатдан эмас, балки аллақандай диққинафас қора чуқурдан сакраб чиқиб, нотаниш янги одамлар олдига келиб олгандай туюларди, бир амаллаб келиб олганига суюниб, уларнинг олдида ўйнар, уларни кулдираб, уларнинг кўплигидан таъсирланиб, пимадандир ҳайратланиб юрганга ўхшарди. Митянинг мана шу ҳайратлани-

шида Яков қандайдир тентаклик борлигини пайқар эди; ўйинчоқ магазинига кирганда бола шу хилда ҳайрон қолади, лекин бу бола қайси ўйинчоқ яхшилигига ақли етиб, дарров ажрата билади.

Уйдаги ва фабрикадаги кишилардан иккитаси Татьяна-нинг эрини очикдан-очик ёмон кўрарди: булар амакиси Никита билан Тихон Вялов эди. Яковнинг қоровулга, Митя сенга ёқадими, деган саволига, қоровул хотиржамлик билан:

— Тўғри одам эмас,— деб жавоб берди.

— Нимаси тўғри эмас?

— Пашша. Ҳар қандай ахлатга ҳам қўнаверади.

Яков чолни анчагача синчиклаб суриштирса ҳам, у бирор аниқроқ сўз айта олмай:

— Яков Петрович, ўзинг кўриб турибсан,— деди.— Бу киши ҳар хил найраиғбоэликни ўйлаб чиқаряпти, кўриб турибсан-ку!

Монах амакиси ҳам шунга ўхшаш бир гап айтди:

— Чангитиб юрибди,— деди хўрсиниб.— Мен мунақа сўзга чечанларни кўп кўрганман. Улар халқни йўлдан оздиради. Уэлари ҳам сўздан адашиб қолишади. Сен унга: «тоғ» десанг, у сенга «боғ» дейди... Ҳа, ҳа...

Бу мулозимтабиат ногирон кишининг жаҳл билан, деярли қаҳр-газаб билан гапириши гайри табиий эди. Татьянанинг эрига баҳо беришда Тихон билан амакисининг ҳамфикрлиги Яковни янада ҳайрон қолдирди, чунки чоллар ўзаро келишмай, қандайдир очик кўришиб турган, лекин яширин душманлик борлигидан деярли гаплашмасдан, бир-биридан қочиб юрардилар. Бунда Яков яна бир марта уни зериктирган одамзод аҳмоқчилигини кўрар эди: эртагаёқ ўлим ағдариб ташлайдиган одамларнинг нима хусусида келишмаслиги мумкип?

Никита амакисининг кундан-кунга ажал яқинлашмоқда эди. Яковнинг пазарида, унга бу хусусда отаси «ғамхўрлик» қилаётгандек эди. У монахни деярли ҳар кўрганда ҳар хил таъналар билан эзар ва янчар эди:

— Мен умр бўйи одамлар орасида ҳўкнздай яшадим, сен эса мушукдай яшайсан. Ҳамма сени иссиқроқ, юмшоқроқ жойга ўрнаштирамоқчи бўлади, ҳатто букурлигини ҳам кўрмасликка олишади. Мени ҳамма одам ёвуз ҳисоблайди, менинг нимам ёвуз? Мен бутун умрим...

Монах бошини букурин ичига тортиб, йўтала-йўтала:

— Сен ачиқданма,— деб патимос қиларди.

Отасининг яланғоч, худди совундан ясалганга ўхшаш пўпанаксимон, оқиш юнг қоплаган кўкрагидан жирканиш ҳам Яковга яшаш учун халақит берарди: бу ҳиссиётни яшириш, хаспўшлаш жуда қийин эди. Аҳён-аҳёнда ўзининг эсига солиб қўйишга мажбур эди:

«Отам. Мен ундан туғилганман».

Лекин бу фикр отасини беэамас, ундан жирканишни сўндирмас, ҳатто бунда қандайдир хўрлик, тубанлик борлигини сезарди. Отаси монахнинг жони қандай узилишини томоша қилмоқчи бўлгандек, деярли ҳар кун шаҳарга борар эди. Катта Артамонов пишиллаб, аранг чордоққа чиқарди-да, монахнинг каравоти ёнига ўтириб, ялғизланган кўзларини бақрайтириб унга қарар эди. Никита индамас, нуқул йўталар, хира кўзлари билан шифтга қараб ётарди; кўллари тинчсизланиб, ҳадеб жуббасини тортар, гўё унинг устидаги кўзга кўринмайдиган аллачималарни териб олмоқчи бўларди, баъзан йўталдан энтикиб, ўршидан тусар эди.

— Ҳилвираб қолибсанми? — деб сўрар эди акаси.

Никита акасининг елкасига, каравот ва стулларнинг суянчиғига суяна-суяна дераза олдига судралиб борарди. Эғнидаги жуббаси худди синган мачтага осилган елка сингари шалвираб эди; дераза олдига ўтириб, оғзини очиб, настига, боққа, широкда қарайган ўрмонга қарар эди.

Акаси қулоғининг шалвираган солинчоғини чўзиб:

— Хайр, дам ол,— дерди-да, пастга тушиб Ольгага оғоҳлантирарди:

— Ҳилвираб қопти. Ажали яқин...

Бақалоққина монах Мардарий ҳазрат келиб, Никитани монастирга юбориш лозим, деб насиҳат қиларди; аллақандай низомномага мувофиқ Никита ўша ерда ўлиши ҳам кўмилиши лозим экан. Лекин букур Ольгага илтимос қилиб:

— У ёққа кейин оборинг. Ўлганимдан кейин,— деб уни кўндирди.

Кейин уч марта ёлвориб:

— Тобутнинг қопкоғини баландроқ қилдинг, токи кўкрагимни эмасин. Эсингиздан чиқарманг! — деб илтимос қилди.

У уруш бошланишидан тўрт кун илгари ўлди, ўлишидан био кун аввал монастирга хабар беришни сўраб:

— Мени олиб кетгани келсинлар, улар келгунча мен ўлиб тайёр бўламан,— деди.

Никита ўладигаи кунн эрта билан Яков отасига чордоққа чиқиши учун ёрдамлашди; отаси чўқиниб, оғзи ўпирилган, кўзи чала юмилган, қорамтир кул тусига кирган монахнинг бетига тикилиб турганда, Никита одатдан ташқари баланд товуш билан:

— Мени кечир,— деди.

— Бе, бу нима деганинг? Нима учун? — деб. Пётр Артамонов гўлдиради.

— Мендан ўтган дагаллик учун...

— Сен мени кечир,— деди акаси.— Баъзан мен сен билан бу ерда ҳазиллашар эдим...

Монах шивирлаб:

— Худо ҳазил учун гуноҳкор қилмайди,— деб инонтирди.

Акаси бир оз жим тургач:

— Мана, энди сен қандай?.. Қаерга? — деб сўради. Монах акасининг сўзини бўлиб, шошилиб гапира бошлади:

— Эсимдан чиқибди. Сен, Яша, Тихонга айт: шийпончанинг олдидаги заранг дарахтчани кесиб ташласин; у бари бир ўсмайди, йўқ...

Бу ортиқча аниқ товушни эшитиш, одамзод суягига ўхшамаган, худди яшик бурчагига ўхшаш юқори кўтарилган кўкрак суякларига қараш Яков учун чидаб бўлмас даражада оғир эди. Умуман, бу қора тери билан қопланган кимирламас суяклар тўпламида ҳамда мис крест ушлаган қўлларда одамни кига ўхшаган ҳеч нарса қолмаган эди. Яков амакисига ачинса ҳам, лекин ҳар қолда: қарилар ва умуман уйдагилар нима учун қариндошлар кўзи олдида ўлиши шарт экан? — деб ўйлар эди.

Отаси, Никита яна бирон нарса айтмасмикин, деб бир оз кутди-да, Яков билан қўлтиқлашиб бошини солинтириб, укасининг олдидан чиқиб кетди. Пастга тушгач:

— Жони узилай деб турибди,— деди.

Стол олдида гавдасининг ярмини газета саҳифаси билан тўсиб ўтирган Мирон кўзини газетадан узмай:

— Шундайми? — деб сўради-да, газетани столга ташлаб, бурчакдаги хотинига: — Мен ҳақли эканман, ўки! — деди.

Унинг думалоққина хотини стол ёнига пилдираб келди. дераза олдида ўтирган онаси эса қўрқув аралаш сўради:

— Ростданми? Мирон, ростдан урушми?

Пётр баланд товуш билан:

— Мана, иккинчи Артамонов ҳам келди,— деб эслатди.

— Албатта ёлгон айтишади,— деди Мирон ё хотинига, ё Яковга: Яков ҳам газета устига энгашиб олиб, таҳликали телеграммаларни ўқир, бу телеграммалар унга қандай хавф туғдириши мумкинлигини англашга тиришар эди. Катта Артамонов қўл силкиб, ҳовлига чиқиб кетди: ҳовлида қуёш тошларни шу қадар қаттиқ иситган эдики, иссиғи этикнинг майин, юмшоқ чармлари орқали ўтиб, оёқни қиздирар эди. Деразадан Мироннинг маъқуллаб гапираётган қуруқ сўзлари эшитиларди; Яков қўлида газета билан дераза олдида туриб, отасининг кимгадир муштумини ўқталганини кўрди.

Учинчи кун эрталаб монахлар барвақт келишди; улар етти киши бўлиб, ҳаммасининг бўйи ҳам, ҳажми ҳам ҳар хил эди; Яковга улар янги туғилган болалардай кўринди, чунки, бир-биридан ажратиб бўлмасди. Булардан фақат энг новча ва энг ориқ, ниҳоятда соқоли қалин, товуши на монахликка, на ҳозирги аҳволга номуносиб баланд ва қувноқ биттаси ажралиб турар ва ҳаммасидан олдинда каттакон қора крест кўтариб келарди; унинг гўё бети йўқдай; ўзи испакал, бурни юзига ёпилиб кетган, тепакалли билан соқол орасидаги иккита қора чуқурчадан бўлак бети ўрнида ҳеч нарса йўқдай эди. Қадам қўйганда сўқирлар билан хониш қилар эди:

«Э руҳи муқаддас»ни — паст, деярли йўгон товуш билан;

«Э руҳи мунгввар»ни — ишгичкароқ, баландроқ товуш билан;

«Э руҳи барҳаёт, бизга раҳм қил»ни эса шу қадар чинқириб айтардики, болалар унинг олдига тушиб, уч хил товуш чиқарувчи оғзини яширган соқолига ҳайрон бўлиб тикилишар эди.

Тобут кўчадан шаҳар майдонига чиққанда у ер шаҳар халқи билан, поручик Мавриннинг запасдаги солдатлари¹ ҳамда бошлиқлар ва руҳонийлар билан лиқ тўла эди. Совуққон поручик ўз солдатлари олдида тантанали суратда ҳайкалдай қаққайиб турарди; қуёш ёритиб конусга ўхшаш поп ва дьяконлар ҳам заррин либосларда тошдай қотиб туришар, қуёш нуриде эриб кетаётганга ўхшашарди, зар-

¹ Запасдаги солдатлар — аскарлик хизматини тугатиб, жавоб берпаган, лекин керак бўлганда сафга чақириладиган кишилар. (Тарж.)

варақ либосларининг шуълалари ҳам поручик Мавринга тушар эди; тунука бошли семиз офицер, минбар олдида ирғишлаб шапкасининг силкитга бошлади.

Товуши уч хил монах, қора крестини тебратиб, девордай тўсиб турган оломон олдида тўхтади-да, йўғон товуш билан:

— Пушит, йўл беринглар,— деб ўшқирди.

Лекин одамлар унга эмас, уезд бошлиғи муовини Эккенинг саман отига йўл бериб чекиндилар: Экке опшоқ қўлқопини силкитиб, ҳалиги монах устига бостириб келди-да, отини кўчага кўндаланг тўхтатиб, таъна билан ранжигансимон бақирди:

— Қ-қаёққа? Сизга нима бўлди, кўрмайсизми? Орқага қайтинг!

Монах, қўлидаги крестни баланд кўтариб:

— Э руҳи муқадда-а-ас...— деб чўзди.

— Ур-ра! — деб қичқирди офицер, унга қўшилиб майдондаги минглаб халойиқ ғазаб билан бўкирди:

— Ур-рра-а...

Экке ҳам узангида тик туриб:

— Пётр Ильич, тор кўча билан марҳамат қилинг. Айланиб ўтинг! Мирон Алексеевич, сиздан илтимос. Биз бу ерда одамларнинг руҳини кўтариш билан оворамизу сиз бўлсангиз — бу қандай гап? — деб бақирди.

Тобут олдида турган ва хотини Наталья билан Яков суяб келаётган катта Артамопов Эккенинг тошдай қотиб қолган юзига пастдан юқори қараб хўмрайди-да, тобут кўтариб кетаётган монахларга маъюслик билан:

— Бурилиг, оталар...— деди.

Сўнгра ўпкаси тўлиб, хўрсиниб, илова қилди:

— Охирги марта буйруқ бераётган кўринаман...

Яковга бу ҳодиса одобсизлик, ҳатто бир оз кулгил туюлди, лекин Полина турадиган тор кўчага бурилишгач, унинг рўпарадан шошилиб келаётганини кўрди; Полинанинг эғнида оқ кўйлак, қўлида пушти соябон, дўплайган таранг кўксини шошиб-пишиб чўқинтириб келмоқда эди.

«Мавринни томоша қилиб завқлангали келяпти»,— деб ўйлади Яков, қаҳр-ғазабидан ва кўча чангидан нафаси бўғилиб кетди. Монахлар қадамларини тезлатишди. Қора соқолли монах овозини пасайтириб ўйчанлик билан оҳиста кўйлай бошлади, ҳофизлар тўдаси бутунлай жим бўлди. Шаҳар четида, қушхона дарвозаси олдида, қора мовут қопланган, бир жуфт ола от қўшилган галати бир

арава турган эди; тобутни аравага солиб, жаноза ўқни бошладилар; кўчалардан эса, худди мўридан чиққандай, мис асбобларнинг тантанали бўкириши эшитилар, музыка «Э бор худоё, подшоҳимизни асрагил!» куйини чалар, уч черковнинг қўнгироқлари даранглар, чанг ва тутун ичидан:

— Ра-р-р-а-а! — деган бўғиқ садо эшитилар эди.

Яков, назарида, худди поручик Мавриннинг:

— Р-но-о! — деган командасини эшитгандай бўларди.

Яков жанозадан кейин келин ойисининг уйига борди ва таъзия дастурхони устида отасининг жаҳл билан валдирашини эшитиб, узоқ ўтириб қолди.

— Қайси аҳмоқ от-аравани қушхона дарвозаси олдига қўйишга буюрди? — деб сўради отаси.

— Полиция, полиция,— деди Митя уни тинчитиш учун.— Миллий руҳни кўтараётган пайтда тобут қўйилган араванинг катта кўчадан ўтиши ноқулайроқ бўларди... Сабот!¹... деб тунгитирди.

Мирон лабидаги жилмайишни яшириб бу оғир, кўнгилсиз кунларда айниқса кўзга яқин бўлган доктор Яковлевга гап маъқулларди:

— Агар биз, «Князь Серебрянный»даги Митькадек¹ қорнимиз билан ёппасига душманга ҳамла килсак, кўплаши... Ахир, дунедаги барча масалалар сонларнинг бир-бирига нисбати билан ҳал этилади-ку...

Доктор эътироз билдириб:

— Техника билан,— деди.

— Техника? Ҳа, албатта... Лекин...

Яков кечаси соат тўққиздан ошгандан кейингина бу зериктирарли оврагарчиликдан қутулди-да, шу вақтгача бошидан кечирмаган таҳликага тушиб ва аллақандай фавқулодда воқеа содир бўлишини кўнгли сезиб, Полинанинг уйи томон югуриб кетди. Бу воқеа ҳақиқатан содир бўлди.

Яков ҳовлидан ўтиб ошхонага кирганда, Полинанинг ошпази бўшашиб:

— Оқ!— деди-ю, печка олдидаги скамейкага залвари билан ўтириб қолди.

Яков унга жавобан:

— Ифлос, қўшмачи,— деб Полинанинг хонасига кирадиган эшик олдида тўхтаб, ичкарида солдатчасига шах-

¹ «Князь Серебрянный»— роман. XIX асрнинг бошларида Алексей Константинович Толстой ёзган. Митька шу асарнинг қаҳрамонларидан бири. (Тарж.)

дам қадамлаётган ва ҳарбийчасига гапираётган таниш овозга қулоқ сола бошлади:

— Демак, тушуниш керак: шундайми ё шундай эмасми?.. Қани тушуниб кўринг-чи!

«Сизлаб гапиряпти. Балки ҳали ҳеч нима бўлмагандир», деб ўйлади Яков.

Лекин эшикни очиб, остонага қадам кўяр экан, бўлар иш бўлганига ишонди: совуққон поручик қошларини чимириб, хонанинг ўртасида турарди, эгнидаги кителанинг тугмалари ечилган, қўллари чўнтақларида, кители остидан тортма боғлари кўринар, белбоғи шим тугмасидан ечилган эди. Полина эса диванда оёғини чалиштириб ўтирарди; бир оёғидаги пайпоғи буралиб пастга тушган, унинг тетик кўзлари аллақандай юм-юмалоқ, юзига қон қуйилиб тобора қизармоқда эди.

— Хў-ўш? — деб сўради поручик ва бу саволи билан Яковнинг шубҳаларини тамоман тасдиқлади. Яков олға қадам кўйиб, шляпасини стол устига ташлаб, ўзига ёт бўлган узук-юлуқ товуш билан деди:

— Мен дафн маросимидан... хотирлашдан...

— Шунақами? — деб сўради хўжайиндай димоғдорлик билан поручик.

Полина папиросини шу қадар қаттиқ тортдики, тамакиси чирсиллаб кетди: оғзидан тутун чиқариб, хижолат чекмасдан, илтифотсизлик билан деди:

— Ипполит Сергеевич мени, шафқат ҳамшираси бўлгин, деб қистаяптилар...

Яков:

— Ҳамшираликка? Хў-ўш... — деб илжайган эди, совуққон поручик унга томон қадам ташлаб:

— Бу илжайиш билан н-нима демоқчи бўласиз? Мен муболагани жуда ёмон кўраман, буни хотирингизда тутинг! Бунга чидамайман! — деди.

Яков шу икки-уч минут ичида аъзойи баданидан қаҳр-ғазаб қизғин ток сингари ўтганини, юраги аламдан эзилганини сизди, бу кичкина хотин унга ўз танининг ҳар бир аъзосидай зарурлигини, уни ўз танидан узиб ташлаёлмадлигини тушунди. Бу тушунча яна унинг ғазабини қўзғатди. бутун бадани музлаб кетди, шартта ўрнидан турди-да, чўнтагига қўлини тикиб:

— Яқинлашма! — деб поручикни оғоҳлантирар экан, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзганини, ҳатто оғриганини сизди.

— Н-нима дейсиз? — поручик яна олға қадам босди. Унинг сўзлардаги ҳарфларни иккиталаб айтиш каби хунук одати илгари ҳам Яковга ёқмасди, ҳозир эса баттар фиғонини чиқариб юборди.

— Улдираман! — деб қичқирди Яков қўлини чўнтакдап олмоқчи бўлиб.

Поручик Маврин дарҳол унинг қўлидан ушлаб, дастпанжа бўғинидан жон-жаҳди билан қаттиқ қисди, тўппонча чўнтакда бўғиқ товуш бериб отилди; кейин Яковнинг қўли тирсагидан сингандай, зирқираб оғриб, чўнтагидан ирғиб чиқди; поручик унинг қўлидан тўппончани олиб, кресло устига улоқтирди-да:

— Удда қила олмадинг! — деди.

— Яша, Яша! — деб қаттиқ шивирлаган товуш Артамоновнинг қулогига кирди. — Ипполит Сергеевич, жаноблар! Сиз қалдан оздингизми? Нимани талашасиз? Бунақа жанжалнинг нима кераги бор, ахир?

Совуққон поручик Яковни соқолидан ушлаб, пастга тортди, уни билан унинг тирсагидан мажбур қилди.

— Қани! Афв сўра, аҳмоқ! — деб бақирди.

Узун сўзларни иккига бўлиб, ҳар сўзни айтганга соқолини пастга тортди, сўнгра секингина иягига уриб бошини кўтаришга мажбур қилди.

Полина поручикнинг тирсагидан ушлаб:

— Бои, оу қандаи шармандалик, вой! — деб шивирлар эди.

Яков унинг қўлини қимирлатолмас эди, лекин тишларини маҳкам қисиб, чап қўли билан поручикни итарар, инграр, хўрлиги келиб икки бетидан кўз ёшлари оқар эди.

— Менга қўлингни теккиза кўрма? — деб бўкирди-да, поручик, Яковни итариб юбориб, креслога — тўппонча устига ўтқазиб қўйди. Шу вақт Яков юзили қўллари билан тўсиб, кўз ёшларини яширди, чала ҳушсиз, боши гувиллаган ҳолда, Полинанинг қийқириқларини элас-элас эшитди:

— Э, худойим, бу нақадар уятсизлик! Сиздан шу иш келса-я, сиздан-а! Шундай тўполон! Нима учун?

— Жаҳаннамга йўқолинг, баришня! — деди поручик дағал овоз билан. — Р-роҳатланганим учун мана сизга б-бир сўм, шу ҳам етади! М-мен муболагани ёмон кўраман, лекин сиз энг оддийлардан...

Поручик оғир одимлар билан полни дўпиллатиб, эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди; осма лампа оҳиста зириллаб,

— Тўхта, тўхта! Бу ерда битта баришња бор... э, албатта! — деди-да, юзи ёришиб, Яковни чўкинтирди-да, кўйиб юборди.

— Бор, шўртаккинам!

Тонг салқин, шабнамли эди; субҳидам шабадаси оҳиста эсар, садафдай товланган кўкимтир осмондан олма иси келарди.

«У албатта аламига чидаёлмай йўлдан адашди; отам ўлиши билан унга уйланиш керак»,— деб олижаноблик билан ўйлади Яков ва ўша заҳотиёқ юпатувчи Серафимнинг:

«Чўкиб кетаётган ҳар қандай қиз, сувдаги хасга ҳам ёпишади. Уни шу вақт тутиб олавер!» — деган қизиқ сўзларини эслади.

Совуққон поручик тўғрисидаги ўйлар уни безовта қилар, чунки бу одам хасга ўхшамасди; унинг жаҳли чиқди, ёмонлик қилса ажаб эмас. Лекин поручикни урушга юборишлари керак. Ҳатто Носков тўғрисида ҳам Яков Артамонов бир оз енгил тортиб ўйлар, сезгирлик билан атрофга қулоқ солиб юрар, чўнтагидаги тўппонча дастасини ушлаб-ушлаб кўяр эди; Носков кўпинча худди мана шу соатларда Яковнинг олдидан чиқарди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, овчининг ваҳимаси яна Артамоновни куюнди тутунидай ўраб олди. Кесиш учун Воропоновдан сотиб олинган ўрмонни Яков кўриб юрар экан, Носковни учратди; у қалин ўрмон ичидан қонқонлар осиб, қоп орқалаб чакалакзордан чиқиб келди.

Овчи Яковга яқинлашиб, бошидан шапкасини олиб:

— Сиз учун бахтли учрашиш,— деди; у шапкасини солдатчасига киярди: устки доираси чаккасига, ўнг қошининг устига тушиб турар, шапкасини бошдан олганда козирогидан эмас, тепасидан ушлаб кўтарар эди.

Яков унинг дўқ аралаш берган галати саломига жавоб қилмай, тишини маҳкам қисиб чўнтагидаги тўппончасини чангаллади. Носков ҳам шапкасининг устларини бармоғи билан чўқилаб, Яковга қарамасдан, бир минутча жим турди.

— Хўш? — деди Артамонов. Носков эса ит кўзига ўхшаш кўзларини тикиб, тиккайган сочларини силади-да, дона-дона қилиб;

— Сизнинг маъшуқангиз, яъни Пелагея Андреевна, поп Складколевцевнинг қизи билан танишган, унга айтиб кўйинг, бу алоқани йиғиштирсинлар,— деди.

юришдан қўрқисини ва Носков билан бўлгап ҳодисани айтди. Бу ҳол Яковнинг кўнглини яна ҳам хотиржам қилди. Полинанинг қўрқуви уни жуда қувонтирди, унинг ҳаяжонланганини кўриб Яков билдики, бу хотин учун у ҳақиқатан қимматли ва севимли. Хотин оқ-воҳ қилиб қўлларини силкитиб, Яковдан гина қила бошлади:

— Нега бу тўғрида менга гапирмадинг?

Сўнг ҳаяжонланиб ҳаёл аралаш сўзлай бошлади:

— Албатта, бу жуда қизиқ — жосус! Мана, масалан Шерлок Холмсни олайлик, сен ўқиганмисан? Лекин бизнинг жосусларимиз ҳам албатта муттаҳамлардан бўлса керак.

— Албатта,— деб тасдиқлади Яков.

Тўппончани Яковга бераётиб, қандай отисини синаб кўрмоқчи бўлди-да, очиқ печкага отиб кўрсат, деб уни кўндирди; бунинг учун Яков қорни билан полга ётишга мажбур бўлди, унинг ёнига Полина ҳам чўзилди; тўппонча Полина билан унинг тазини билан кўри, қани нуфлади, Полина эса: вой, деб четга юмалаб кетди; кейин кафтини кўтариб, секингина:

— Уни қара! — деди.

Бўялган пол тахтасида қиялама кетган чуқур тешикча бор эди.

Полина ҳарсиллаб интичка қошларини чимириб:

— Ажал шу ёққа кириб кетишти, ақл бовар қилмайди,— деди.

Яков шу чоққача унинг бу қадар ёқимлилигини кўрмаган, ўзига шунчалик яқин сезмаган эди. У Носков тўғрисида ҳикоя қилар экан, Полинанинг кўзлари болаларникидай ҳайратланиб тикилар, унинг ўспирилар юзига ўхшаган чўзиқ юзида ҳеч қандай ёвузлик аломати йўқ эди.

Яков таажжубланиб:

«Ўзини айбдор сезмаяпти» деб ўйлади ва бу фикр унга ёқди.

Полина уни кузатаётиб соқолини силади:

— Вой, Яша, Яша! Демак, шундай! Биз ҳақиқатан-а? Вой, худойим... Аммо у муттаҳам!

Бармоқларини мушт қилиб, уни ҳавода силкитди ва газаб билан:

— Худоё тавба, оламда муттаҳамлар пақадар кўп-а! — деб шикоят қилди.

Тўсатдан Яковнинг қўлини ушлади ва астагина гапираркан, ўйчан ҳолда қоғоғини солди:

Яков ҳорғинлик билан:

— Бу ердан бир ёққа кетиш керак,— деди.

— Ҳа. Парижга. Мен французча гапира оламан.

Чироқ ёқилмаган, уй ичи қоронги ва дим эди; вақт кел бўлиб, тун ярмидан ўтган бўлса ҳам, кўчада ҳамон за- пасдаги солдатлар, хотинлар қичқаришар эди.

— Энди чет мамлакатга кетиб бўлмайди, чунки у ёқда — уруш,— деди Яков.— Урушнинг дийдори қурсин...

Хотин яна ўз фикрини айтди:

— Фақат итларгина рашксиз севишади. Ўзинг ўйлаб кўр, ҳамма драмалар, романлар — ҳаммаси рашкдан келиб чиққан...

Яков сесканиб, илжайди:

— Хайриятки, тўппонча яхши отилди, йўқса, ўқ оёғим- га тегиши мумкин эди; мана қара: шпмимни тешиб чиқ- қан, холос.

Полина ўқ тешган ерга бармогини суқиб кўрди-да, тў- сатдан хўрсиниб, астагина бўлса ҳам, қаттиқ газаб билан деди.

— Афсуски, сен уни отиб ташлашга улгиролмадинг! Унинг резинкадай таранг қорнига отганигда эди!— деди.

Яков уни қаттиқ силкиб:

— Жим! — деган бўлса ҳам, Полина ҳамон тишлари орасидан сизгириб, ҳамон жаҳлидан тушмай давом эта- верди:

— Муттаҳам! Мени қандай сўкди! Ҳаммангиз ҳам на- қадар... Ҳеч қайсингиз ҳам хотин кишини тушунол- майсиз!

Шишган лабларини очди-да, қаттиқ жипслашган тулки тишларини кўрсатиб:

— Агар хотин киши эрга бевафалик қилган бўлса, бу билан уни яхши кўрмайди, деб бўлмайди! — деб фикрини яқунлади.

— Жим, дейман! — деб чинқирди Яков ва уни шу қа- дар қаттиқ қисдики, у инграб юборди.

— Вой, яхши кўришингни мана энди сезяпман! Яша, менинг шўртаккинам...

Яков Полинанинг олдидан тонг отишга яқин чиқиб, кўчада пилдираб келар экан, ўзини гўё хавфли ўйинда қим- матли нарса ютган одамдек ҳис этарди. Полинанинг олди- дан кетар вақтда хотин яшириб қўйган тўппончасини сўра- ди, Полинанинг бергиси келмагач, Яков унга тўппончасиз

Полина инграб қолди. Яков бўшашган оёқларини босиб секин турди: оёқлари эгилиб-букилар эди, аъзойи бадани совқотгандай қалтирарди, хонанинг қоқ ўртасида, лампа остида Полина турар, унинг оғзи очилган, қўлидаги кир ва ғижимланган қоғоз пулга қараб хириллар эди.

— Ифлос, нега бундай қилдинг. Гапларинг қаерда қолди?.. Сени ўлдириш керак...— деди Яков.

Хотин унга қаради-да, қўлидаги қоғозни полга ташлади, ҳайрат билан хириллаб ва чўзиб:

— Қан-дааай, муттаҳам...— деди.

Сўнгра креслога ўтирди, икки қўли билан бошини ушлади-ю, букчайиб қолди, Яков унинг елкасига бир мушт уриб бақирди:

— Нарн тур! Тўппончани бер...

У қимирламасдан, ҳамон ҳайрат ичида:

— Демак, сен мени севасан, шундайми?— деб сўради.

— Кўргани кўзим йўқ!

— Ёлгон айтасан! Энди севасан!

Полина шу қадар тез ташландики, Яков уни нтариб юборишга улгуролмай қолди; Яковнинг бўйнидан жонмадди билан кучоқлаб, тишлаб, ўпишлар билан куйдириб, ўтла нафасини кўзига, оғзига уфуриб пичирлай бошлади:

— Ёлгон айтасан, мени севасан, севасан? Мен ҳам севасанми? Ўзим ўрнлай юмшоқдинам, шуртаккинам менинг...

«Шўртақкинам» унинг энг яхши кўрган, эркалайдиган сўзи эди. бу сўзни у фақат ниҳоятда завқланган пайтларидагина айтар, бу сўз ҳар доим Яковни маст қилар ва унга лаъзат бахш этиб, кўнглини эритар, лекин аллақандай ваҳшиёна ҳиссиёт уйготар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди; у Полинани эзиб чимчилаб, тишлаб ўпа бошлади ва энтикиб:

— Ифлос! Фоҳиша! Биласанки...— деб гўлдирадн.

Бир соатдан кейин у диванда бемалол ўтирар, Полина эса унинг тиззаларида ётарди; Яков уни тебратар ва ҳайрат билан ўйлар эди:

«Ҳамма ғалва нақадар тез ўтиб кетди!»

Хотин эса ҳорғин товуш билан шикоят қиларди:

— Жаҳлим чиқиб, сени ташламоқчи бўлган эдим. Сен амакингни дафи этиш билан оворасан, мен бўлсам зерикиб кетдим. Мени яхши кўрасанми-йўқми — илгари буни билмасдим. Мана энди астойдил яхши кўрадиган бўласан, чунки рашк қиласан, орага рашк аралашгандан кейин...

— Нега?

— Сабаби бор...

Овчи шаҳардан черков қўнғироқларининг жаранг-лаганига бир оз қулоқ солиб:

— Сизга яхшилик тилаб, чин кўнглимдан маслаҳат бераман. Сиз бўласангиз, менга...— деди-да, осмонга қараб санади:

— Ўттиз беш сўм пул ҳадя қиласиз...

Яков Артамонов унга пул санаб берар экан:

«Отиб ташлаш керак бу итни!» деб ўйлади.

Овчи қоғоз пулларни олди-да, қийшиқ оёқларида бурилиб, қопқон темирларини шақирлатиб, шапқасини киймай, ўрмон ичига кириб кетаётганда, Яков сездики, бу одам унга баттар хунук кўриниб кетди.

— Носков,— деб чақирди у секингина; овчи арча шохлари орасида ярим кўринмай тўхтаганда, Яков унга:

— Сен бу ишингни ташласанг бўларди! — деди.

Носков, бошини олга чиқариб:

— Нимага?— деб сўради; Артамоновнинг назарида, Носковнинг маъносиз кўзларида қандайдир қўрқоқлик ёки ўтакетган ёвузлик йилтирагандай бўлди.

— Хавфли иш,— деб тушунтирди Яков.

— Ишни билиб қилиш керак,— деди Носков, ўша ондаёқ кўзларининг жилваси сўнди.— Иш билмаган кишига ҳар бир нарса хавфли.

— Ўзинг биласан.

— Ўз фойдангизга қарши гапиряпсиз.

— Душманликда қандай фойда бўлсин? — деди гўлдираб Яков Артамонов, жосус билан гаплашганига ўкиниб.

«Тагин бу бадбахт гап талашади-я...»

Носков эса уқтириб:

— Бусиз яшамайдилар! Ҳар кимнинг ўз душмани, ўз эҳтиёжи бор. Хайр! — деди.

Носков Яковга орқасини ўгириб, қўм-кўк қалин арчалар орасига кириб кетди.

Яков овчининг арча шохчаларини шилдириб, қуруқ шохларини синдириб кетаётганига қулоқ солиб турди-да, тез-тез юриб, от қўшиғлиқ икки гилдиракли арава турган ерга бориб, уни ҳайдаганича шаҳарга, Полинаникига кетди.

Полина севинчга яқин бир ҳиссиёт ичида ҳайратланиб:

— Вой, бадбахт! Менинг олдимга унинг келишини ҳам билиб олибди! Бунга нима дейсиз? — деди.

Яковнинг жаҳли чиқиб:

— Нега энди шунақа одамлар билан танишасан? — деб тавна қилди, бироқ Полнианинг ҳам жаҳли чиқиб, кўкраги устидан сариқ шол рўмолини сикитиб, бидир-лаб кетди.

Биринчидан, бу сенинг узинг учуноқ керак! Иккинчидан — мен шима: ит, мушук, Маеринини ортдирайми? Мен уйда бир ўзим турмага тушгандек ўтираман, кўчага бирга чиқадиган одам йўқ! У эса қизиқ хотин, у менга романлар, журналлар беради, сиёсат билан шуғулланади, турли нарсалар сўзлаб беради. Мен у билан Поноров гимназиясида бирга ўқиган эдим, кейин бундан ушшоқ қолувдик...

Яковнинг оғзи оқиб, бармоқини ичқатади, бундан қандайдир ишга кўра гапирарди:

Сенинг фикринг қандайдир ушшоқ сифатига яшанганми? Сен қандайдир, унинг хуади резинча қандайдир дебди. У фақат дойданинг орақ мана! У ўша докторингиз билан юсуқ қилади, бундан яширишмайди; сен бўлсанг, мен билан юсуқ қилади, бундан яширасан, гўё мен Сабр қандайдир букурдай, мен билан юрганга қиласан; мен эса сирим бадбурун эмасман.

Сабр кичик деди Яков: уйланаман! Гарчи сен чўчи бўлсанг ҳам, ганим жиддий, сени оламан...

Қанси биримиз чўчқасимонлигимиз ҳали маълум эмас! — деб чиқирди-да, болалар сингари хохлаб, кула-кула такрорлади: — Чўчқасимон, гуноҳкорсимон, адашиб ҳам кетдим! Менинг шўртаккинам... Жонгинам, сен очкўз эмассан! Бошиқа киши бўлса нидамас эди; бу жосус сенга фойдали-ку...

Яков одатдагича тивчланиб, Полнианинг олдидан чиқиб кетди. Етти кундан кейин эрта билан, наканагиниз, бурни қийшиқ, чўтир табелчи Елагин Яковга: тонг вақтида тўқувчилар тўр билан балиқ тутишаётганда, сувга чўкиб кетаётган овчи Носковини қутқазмоқчи бўлишган, шунда тўқувчи Мордвин ҳам оз бўлмаса сувга фарқ бўлаётганини ва ҳозир касалхонада ётганини гапириб берди. Яков Елагиннинг манқаланиб сўзлаётган докладини эшитар экан, қўлларини чўнтагига чуқурроқ яширини учун, жўрттага оёқларини чўзиб ўтирар, чўчки унинг қўллари қалтирар эди.

ҳали ҳаммаси бутунлай тугалмаганини сезар, янги кўнгил-сизликларга дуч келишини элас-элас кутар эди. Унча кўп кутишга ҳам тўғри келмади: Нестеренко Вера Поповага ўхшаган новча хотин билан қўлтиқлашиб, яна шаҳарда пайдо бўлди; Яковни кўчада кўриб, узоқдан синчиклаб кўздан кечирди, олдига келгач, у билан кўришиб сўради:

— Менинг олдимга бир соатдан кейин кела оласизми? Мен қайнотамнинг уйидаман. Биласизми, хотиним ўсал бўлиб ётибди. Шунинг учун сиздан илтимос: кўча эшигининг кўнғирогини чалманг, чунки бемор безовта бўлади, ҳовлидан кира қолинг. Хайр!

Бу бир соатнинг ўтиши ниҳоятда қийин ва узоқ кўри-ниб кетди; Яков Артамонов китоб шкафлари билан тўлган уйдаги курсига ҳорғин ўтиргач, Нестеренко, нимагадир қулоқ солиб тургандай, астагина:

— Хўш, бизнинг ошнаميزни ўлдиришибди. Бу, исбот этилмаган бўлса ҳам, шубҳасиз шундай. Бу иш мақташга лойиқ эпчиллик билан бажарилган; энди гап бундай: сизнинг маъшуқангиз Пелагея Назарова, яқин кунларда Воргородда қамалган Сладкопевцева деган қиз билан таниш экан. Танишми?— деб сўради Нестеренко.

— Билмайман,— деди Яков, аъзойи баданини тер босиб кетди. Жандарм эса қўлини бурни олдига обориб, тирноқларига диққат билан қарар экан, жуда ҳам хотиржамлик билан:

— Биласиз,— деди.

— Таниш шекилли.

— Гап ҳам шунда.

Яков ер тагидан қараб, унинг қизил томирчалар босган кенг бурунли, ялпоқ, кул ранг юзини ҳамда оғир зеркиш акс этган ва гўё вино ҳиди ёгилиб турган хира кўзларини кузатар экан:

«Бунга нима керак?»— деб тушунишга ҳаракат этар эди.

— Мен сиз билан расмий равишда эмас, балки ўз танишингиз сифатида, сизнинг иш манфаатларингизга хайрихоҳ киши сифатида гаплашаётибман,— деган бўғиқ товушни эшитди Яков.— Бу ерда, биласизми, шундай бир гап бор, қадрли... мерганим!

Жандарм илжайиб, бирпас жим турди-да, кейин изоҳлаб берди:

— «Мерган» дейишимнинг сабаби шуки, менга яна бир воқеа маълум: сиз илгари ҳам тўппончадан муваффақият-

сиз фойдалангансиз. Ҳўш, масалага қайтсак, Сладкопевцева деган қиз сизнинг маҳбубангиз Назарова билан тақиб. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг; овчи Носковни касб-ҳунари сиз билан мендан бошқа ҳеч кимсага маълум эмасди. Мен бу танишлик доирасидан четда тураман. Носков бўшангрок бўлса ҳам, аҳмоқ эмасди ва .

Нестеренко чуқур нафас олиб, стол остига қаради-да:

— Ҳеч нарса абадий эмас. Фақат сиз қоласиз.— деди.

Яков Артамоповнинг назарида, офицернинг оғзидан сўз эмас, кўзга кўринмайдиган ингичка сиртмоқчалар чўзилиб чиқаётганга ўхшарди; бу сиртмоқлар унинг бўйнига ўралиб шу қадар қаттиқ бўғар эдики, кўкраги музлаб, юраги ҳаракатдан тўхтаб, бутун теварак-атроф чайқалаётгандек, қишқи бўрон сингари улиётгандек эди. Нестеренко жўрттага шошмасдан, очикдан-очиқ секин гапирарди:

— Мен ўйлайман, деярли тамоман имоним комилки, сиз ўзингизга баъзи бир эстивотизманка йўл кўйгансиз. шундайми? Хотирланг-чи!

Яков, товуши сирини фош қилиб қўйишдан қўрқиб, астагина:

— Йўқ.— деди.

Офицер қизил бармоқлари билан мўйловини бураб:

— Ҳўш, масалага қайтсак:

Яков бошини чайқаб, берган жавобини такрорлади:

— Йўқ.

— Қизиқ, жуда қизиқ. Ҳар ҳолда бу ишни тузатиб бўлади. Гап бундай: энди Носковнинг ўрнига сиз учун фойдали, худди шундай бир одам қўйиш керак. Сизнинг олдингизга Минаев деган бир киши боради, сиз уни ишга олинг, дурустми?

— Яхши, — деди Яков.

— Бўлгани шу. Тамом. Эҳтиёт бўлинг, илтимос қиламан. Ҳеч қандай хонимларга ҳеч қандай сўз! Бир оғиз ҳам, тушундингизми?

«У ўзини, худди ёш бола билан, аҳмоқ билан гапирди шайтгандай тутди»,— деб ўйлади Яков.

Кейин жандарм қушларнинг жанубга учиб пайти яқинлашгани ҳамда уруш ҳақида, хотинининг касали, сингисин унга қараб тургани ҳақида гапирди.

— Лекин ёмон ҳол рўй бериши мумкин, шунга тайёрланиш керак,— деди-да, Нестеренко мўйловини ушлаб, қу-

лоқларининг сергўшт солинчоғи томон тортган эди, устки лаби ҳам кўтарилиб, сарғайган тишлари очилиб қолди.

«Қочиш керак. Мени шу ишга илаштириб қўяди. Бирон ёққа кетиш керак»,— деб ўйлар эди Яков.

Ока дарёсининг четидан борар экан, хаёл сурарди:

«Ҳаммангиз ҳам жаҳаннамга кетинг! Сизнинг менга нима керагингиз бор? Нима?»

Куз хабарчиси бўлган майда ёмғир оҳиста севалаб туради, дарёнинг сарғиш суви жимирлаган пуффакчалар билан қопланди; ҳавонинг кўнгилни беҳузур қилувчи иссиқлигида Яков Артамоновнинг қайғусини чуқурлаштирадиган қандайдир бир нарса бор эди. Наҳотки шу кераксиз, шу бемаъни таҳликасиз, хавотирланмасдан тинчгина, оддийгина яшаб бўлмаса?

Аммо ойлар, худди қишки бўрон вақтида ўтлаётган карвондай, фавқулодда таҳликали ғамлар юкини ортиб, кетма-кет ўтар эди.

Морозовлардан бири Захар, тепакал боши куйган ва жароҳат излари билан қопланган ҳолда кўксиди Георгий крести билан урушдан қайтди; унинг қулоғи узилган, ўнг қоши ўрнида қизил чандиқ, унинг остиди — дабдаласи чиққан аллақандай ўлик кўз яширинган, иккинчи кўзи эса қатъият билан, диққат билан тикилар эди. Захар келиши биланоқ кочегар Кротов билан дўстлашди; овутовчи Серафимнинг чўлоқ шогирди ашула айтиб, чалғисини чалиб юборди:

Ёмғир ёғиб, шамол турди.

Мен окопда ётаман,

Европа уруш қилди.

Мен аҳмоқ ёрдам этаман...

— Қалай, Захар, ёмон урушамизми?— деб сўради Яков Морозовдан.

— Яхшироқ урушишга ҳеч нарсамиз йўқ,— деб жавоб берди тўқувчи. Унинг овозида шаллақилик, сўзларида кочегарнинг ашуласидаги ўтакетган уятсизлик акс этарди.

— Бизда ҳақиқий хўжайин йўқ, Яков Петрович,— деди у хўжайиннинг юзига,— муттаҳамлар хўжайинлик қилишяпти.

Бу киши билан кочегар Васька, худди кузги тунда ёқилган фонусдай, негадир кўзга жуда ҳам яналарли бўлиб қолишди. Татьянанинг хушчақчақ эри бўлса, Захар-

нинг чирик шинели рангига ўхшаш, кулгили даражада кенг, лопиллаган шим кийиб ясанганда, кочегар унга қараб ашула қилди:

Бу шим тентаклар учун!
Фарқига диққат қилинг:
Бироялар бош ўстирса,
Бошқалар ўстирар думин!

Кочегарнинг бу хилда масхара қилганига куёв ранжиш у ёқда турсин, очиқдан-очиқ хахолаб кулганлиги Яковни ҳайрон қолдирган эди. Ишчилар ҳам кулдилар, айниқса, думи гажакдай буралган бароқ кучукни Захар Морозов ҳовлига бошлаб кирганда, фабрика ишчилари жуда ҳам роҳатланиб, шарақлаб кулишди: унинг тепага қайрилган думи учига чипта билан оқ Георгий крести боғлаб қўйилган эди. Мирон Захарнинг бу қилиғига чидаёлмай, полицияга чақиб, уни қаматтирди, кучукча эса, Тихон Вяловнинг қўлига келди.

Шаҳар кўчаларида солдат шинели кийиб, кўйиб қўлсиз ҳар хил майиб-мажруҳ одамлар юрар, бутун атрофдаги нарсалар, уларнинг йиринг тусли кийимлари рангига бўялиб кўринар эди. Оёқ-қўлларидан жудо бўлган, ишдан чиққан солдатларни шаҳар хонимлари сайр этишга олиб чиқишарди. Бир кунимизга ооқиқ ва ингичка, худди супургнга ўхшаган Вера Попова раҳбарлик қилган бўлишига Полинани ҳам жалб этган бўлса-да, бироқ Полина бош силкиб, зорланар, бақирар эди:

— Вой, йўқ, мен бу ишни қилолмайман! Бу расвогарчилик! Яша, ўзинг мундог қара: уларнинг ҳаммаси ёш, бақувват, лекин, ҳаммаси майиб бўлган, улардан ёмон ҳид келади, чидаёлмайман! Менинг сўзимга қулоқ сол, юр кетамиз бу ердан,— дерди.

Яков хотинининг тобора асабийлашиб бораётганини, жуда ҳам кўп тамаки чекиб, аччиқ дуд билан нафас олаётганини кўриб, қайғули товуш билан сўрарди:

— Қаёққа?

Умуман, шаҳардаги ва айниқса фабрикадаги ҳамма хотинлар борган сайин сержаҳл бўлиб, нуқул фингиллашар, пишқиришар, қимматчиликдан нолишар эди; уларнинг эрлари эса ҳуштак чалиб, нуқул иш ҳақини орттиришни талаб қилишарди-ю, бироқ кундан-кунга ёмон ишлашарди; оқшомлари посёлка аҳли қаҳр-газаб билан янгичасига бўкириб, шовқин солар эди.

Ўттиз ёшлар чамасидаги қоп-қора, яҳудийга ўхшаган бурни катта, серсавлат слесарь Минаев ишчилар орасида гоҳ-гоҳ кўриниб қоларди. Яков ундан қўрқиб, ўзини четга олар, слесарнинг кўзига рўпара бўлмасликка ҳаракат қиларди. Чунки слесарь ҳамма одамга қорамтир кўзлари билан шундай тикилиб қарардики, гўё бир нарсани эсидан чиқаргану, шунини эслаёлмаётганга ўхшарди.

Отаси Пётр оғриқ оёқларини зўрга қамирлатиб, гўёки аллақандай кир, синиқ буюм парчасидай ҳовлида судралиб юрарди. Унинг кенг елкасидаги тулки мўйнали, юнглари тушиб кетган сафар пўстини энди осилнб қолган эди; у одамларни тўхтатиб:

— Қаёққа кетяпсан?— деб қатъий сўрар эди. Унга жавоб берилганда, қўлини силкиб:

— Бор, боравер. Бекорчилар. Менинг қонимни сўриб яшашсиз, капалар!— деб гўлдирад эди.

Унинг бинафша ранг, шишган юзи жнркангансимон титрар, пастки лаби осилиб қолган эди; Яков одамлар олдидан отасини кўришдан уялар эди. Синглиси Татьяна эрталабдан кечгача газета шилдиратиб ўқирди, у ҳам нимадандир шу қадар қўрқардики, қулоқлари доим қизариб юрарди. Мирон Губерна шаҳрига, Москвага, Петербургга қушдай учиб бориб келарди-да, оёғидаги амиркон ботинкасининг кенг пошнасини дўқирлатиб подшога зулукдай ёпишиб олган ўша пияниста, бузуқ мужик ҳақида жаҳл ва истехзо билан гапириб берарди.

Чала кўр Ольга қайсарлик билан:

— Бундай мужикнинг борлигига ишонмайман!— дерди ва келини ёнига, икки яшар набираси Платон ивирсиб қичқириб ўтирган диванга келиб ўтирарди.— Бу жўрттага тимсол учун ўйлаб чиқарилган эртак...

Татьянанинг хушчақчақ эри эса:

— Жуда яхши! Бу ажиб нарса! Қишлоқ ўч олади! Ажаб бўлди?— дерди.

У шодлик билан сарғиш юнг босган семиз қўлларини бир-бирига ишқалар эди. У фақат биргина байрамни астойдил ишонч билан кутар эди.

Татьяна эса, зардаси қайнаб:

— Вой, худойим! Сени нима хурсанд қиляпти? Асло тушунмайман!— деб хитоб қиларди.

Митя ҳайрон бўлиб, оғзиши очиб қагилларди:

— Қанақасига тушунмайсан? Сен ҳалл тушунмаяпсанми? Ундай бўлса тушуниб ол! Қишлоқ ўз бошидан кечир-

ган жамики азоблар учун ўч оляпти. Қишлоқ ана шу мужикнинг паноҳида ўзида емирувчи заҳар ишлаб чиқарган...

Мирон афтини буруштириб:

— Шошманг! Яқиндагина гапларингиз бошқача эдику...— деди.

Лекин Митя жазаваси тутаёзган ҳолда, сўзларни ямлаб гапирар, энтикиб, илҳомланиб шивирлади.

— Бу символ, оддий мужик эмас! Бундан уч йил илгари ўз салтанатларининг уч юз йиллик байрамини ўтказган эдилар, мана энди...

— Беҳуда гап,— деди Мирон қатъий қилиб; доктор Яковлев ҳар вақтдагидай жилмаяр, Яков Артамонов эса: «Агар бу гаплар жандарм Нестеренконинг қулоғига етса, унда нима бўлади?..» деб ўйларди.

— Сиз нега бундай деяпсиз? Бундан нима чиқади?— сўради у. Сўнгра уларга насиҳат тарзида:

У Мироннинг ҳам безовталанганини, фикрлари жуда тарқоқлигини сезар, бу ҳол Яковнинг кайфини айниқса бузар эди. Хуллас, бу одамлар ичида, ёлғиз Митягина илгари қандай бўлса, ўшандайлигича қолган: ҳозир ҳам вочк каби айланар, ҳазил-мутойиба гап сочар, кечалари гитара билан ашқулак турарди.

Тобутладир менинг хотиним...

Лекин Татьянага энди унинг ашулалари ёқмасди.

— Эҳ, жудаям бездим шу ашулаларингдан!— деб бо лалари олдига чиқиб кетарди Татьяна.

Митя ишчиларни овутишга жуда уста эди; у Миронга қишлоқлардан ун, дон, нўхат, картошка сотиб олиб, фақат йўлкира ва тўкилган-сочилганлари учун бир оз устама қўйиб, ишчиларга ўз баҳосида сотишни маслаҳат берди. Ишчиларга бу нарса ёқиб қолди. Яковга эса, фабрика ишчилари Мирондан кўра бу хушчақчақ йигитга кўпроқ ишониши равшан бўлди. Мироннинг борган сайин Митя билан тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолганини Яков кўриб турарди.

Мирон газабини яширмай, дона-дона қилиб:

— Сиз бурнингизни шамол эсган томонга бурмоқчимисиз?— деган саволига, Митя жилмайиб:

— Халқ ихтиёри... Халқ ҳуқуқи...— деб жавоб қилди.

— Мен сиздан сўраётиман: сиз ким бўласиз? — дейди Мирон бақириб.

Катта Артамонов:

— Бўлди, кўп шовқин қилаверманглар! — деб мингирлайди, лекин Яков отасининг хира кўзида севинч учқунларини кўради, чол кўёви билан жиянининг уришганини кўриб севинади, Татьянанинг газабланиб чинқирганини эшитганда ҳам илжайди, онаси кўрқа-писа:

— Татьяна, менга яна бир пиёла чой қуйиб бер... — деганини эшитганда ҳам жилмаяди.

Ҳамма янгилıklar ваҳимали эди, қандайдир тўсатдан, олдинги воқеаларга алоқасиз ҳолда бирданига пайдо бўларди. Бутунлай кўр бўлиб қолган келин ойиси Ольга шамоллаб, икки кундан кейин тўсатдан ўлиб қолди; унинг ўлимидан кейин бир неча кун ўтар-ўтмас «подшо тахтдан воз кечибди» деган хабар момақалдироқдай шаҳарга ва фабрикага тарқалди.

Шодлигидан газетани бурнига тақаб ўқиётган амакиваччасидан Яков:

— Энди қандоқ бўлди — республика бўлармикин? — деб сўради.

Мирон стол устига энгашиб:

— Албатта республика бўлади! — деб жавоб берди-да, ёйилган газета саҳифасини кафтлари билан шу қадар босдики, қоғоз таранглашиб, шартта йиртилиб кетди. Бу ҳол Яковга аллақандай бир фалокатнинг нишонаси бўлиб кўринди; Мирон қаддини ростлади: унинг ранг-рўйи одатдан ташқари бир тус олган эди; у ўзига хос бўлмаган галати товуш билан қийқириб, лекин ёқимли қилиб:

— Россиянинг соғайиши, янгиланиши бошланади, — мана шунақа гап, биродар! — деди.

Мирон гўё Яковии қучоқламоқчи бўлгандай, қўлларини кенг ёйди-ю, лекин дарҳол бир қўлини туширди, иккинчи қўлини кўтариб кўзойнагини тузатди: яна ўша қўлини чўзган эди, семафорга ўхшаб қолди; эртага кечқурун Москвага жўнашини айтди.

Митя ҳам совуқ еган извошчнга ўхшаб, қўлини ликиллатиб қичқирди: — Энди ҳамма иш жойида бўлади; энди халқ кўпдан бери кўнглида сақлаган қудратли сўзини айтади!

Мирон энди у билан баҳслашмас, ўйчанлик билан жпнамаяр, лабларини ялар эди; Яков эса, ҳамма иш Митя ўйлагандай яхши бораётганини, ҳамманинг суюнганини

кўрарди; Митя зинапоидан туриб, ҳовлига йиғилган ишчиларга Петербургда бўлаётган ҳодисалар тўғрисида сўзлар эди: ишчилар «ура» деб қичқирдилар. сўнгра Митяни бардор-бардор қилдилар. Митя гужанак бўлиб, каттакон коптокдай баланд-баланд кўтарилиб тушарди; Миронни ҳам бардор-бардор қилишди, бироқ у ҳавода алмақандай тарвақайлаб, қўл-оёқлари узилиб кетаётгандай ғалати кўринар эди. Митяни кекса ишчилар ўраб олди, барваста, серпай тўқувчи Герасим Воинов унинг юзига қараб бақирди:— Митрий Павлов, сен қулай одамсан; тушундингми? Йиғитлар, унга ура денглар!

Ишчилар «ура» деб қичқиришди. Кочегар Васька бўлса ўйинга тушиб, тепакал бошини ялтиратиб, худди мастдай, бақира бошлади:

Чор тахтидан узоқда
Одамлар турган экан!
Яков келиб кўрсалар
Қарга ўтирган экан!

— Айтавер, Васька!— деб одамлар унга далда беришар эди.

Яковни ҳам ҳавога кўтар-кўтар қилмоқчи бўлишди, лекин у унга қочиб яширишга умид қилди. Унинг қўлига ҳавога улоқтиришга улоқтиришару, бироқ тушиб келаётганда ушлаб қолишолмас, деб ўйлар, ерга урилиб майиб бўлишдан қўрқар эди. Кечқурун копторада ўтирар экан, ҳовлида, дераза тагида гапирган Тихоннинг товушини эшитди:

— Нега мандан кучукчани тортиб олдинг? Уни меига сот. Мен уни боқиб, яхши ит қилиб оламан.

— Бе, чол, ҳозир ит боқадиган замонми?— деди унга Захар Морозов.

— Сен нима қиласан? Сот, бир сўлкавой бераман, хўпми?

— Ке қўй, нари бор!

Яков деразадан бошини чиқариб:

— Подшога нима дейсан, Тихон?— деди.

— Ҳа,— деди чол уй бурчагидан бошини чиқариб ва астагина ҳуштак чалиб:— подшоини тахтдан туширишди-ку!— деди.

Тихон энгашиб, этигишинг қўнжини тортар экан, ерга қараб деди:

— Ҳаддан ошиб кетдилар. Мана, Антон девонанинг айтгани келди: арава гилдирагини йўқотди!..

Қаддини ростлаб, уйнинг орқасига ўтиб, секингина:

— Тулун, Тулун...— деб чақирди.

Шод-хуррам, шовқин-суронли ҳафталар бирин-кетин ўтаверди. Мирон, Татьяна, доктор, умуман, ҳамма одам ҳам бир-бири билан хушмуомала бўлиб қолди, шаҳардан қандайдир нотаниш, ёт кишилар келиб, слесарь Минаевни олиб кетишди. Кейин серқуёш ва иссиқ баҳор келди.

— Гапимга қулоқ сол, шўртаккинам,— деди Полина Яковга,— мен нималар бўлаётганини бари бир тушунмайман! Подшо тахтдан воз кечибди, ҳамма солдатлар ўлдирилган, майиб бўлган, полициячиларни ҳайдаб юборишибди; ҳамма ишга аллақандай кишилар бошчилик қилмоқда, биронта ҳарбий йўқ, энди қандай яшаб бўлади? Ҳар бир ифлос хоҳлаганини қилаверади. Энди албатта, Житейкин мени тинч қўймайди. У ҳам илгари менга гамхўрлик қилиб адабини еган, бошқалар ҳам энди менга тинчлик бермайди. Ҳаммаси бир бўлгандан кейин мен бу ерда яшай олмайман, истамайман, мени ҳеч ким танимайдиган бошқа жойда яшашим керак. Бундан ташқари: революция ва озодлик дориламон яшаш учун қилинган, демак, ҳар ким истаганича яшаши керак.

Полина борган сари гапни кўпайтириб, қатъият билан сўзлар эди; Яков унинг сўзида аллақандай рад этиб бўлмайдиган нарса борлигини сезиб, уни овутмоқчи бўларди:

— Озгина сабр қил, булар ҳаммаси тинчиб, қолипга тушгандан кейин...

Лекин атрофидаги ғалаённинг босилишига ўзи ишонмас, фабрикадаги шовқин-сурон кундан-кунга қайнаб, авжига чиқиб, қўрқинчли тус олиб бораётганини кўриб турарди. Қўрқишга одатланган одам ҳар вақт бунга сабаб топади. Захар Морозовнинг куйган калласи Яковни қўрқита бошлади: Захар ўзини салкам подшо билиб, талтайиб юрарди, ишчилар худди чўпон итига эргашган қўйлар сингари унга эргашарди; Митя эса қўлга ўрганган зағизғондай, унинг атрофида учиб юради.

Ҳақиқатан ҳам Морозов, кейинги оёғида юришга ўрганган каттакон итга ўхшаброқ кетган эди; калласининг куйган териси ёрилган бўлса керак,— бошини пахмоқ сочиқ билан, худди саллага ўхшатиб, баъзан боғлаб оларди, бу сочиқни унга Татьянанинг эри Митя берган эди; кал-

ласи қатталигидан уни паканароқ қилиб кўрсатарди, Захар худди уезд бошлиғининг бақалоқ муовини Эккедай кеккайиб юрар, бошмалдоқларини титилган солдатча шимининг камари ортига суқиб, қолган панжаларини балиқ қанотлари сингари қимирлатиб:

— Уртоқлар, тартиб сақлаинсин!— деб қичқириб қўяр эди.

Сурп ўғирлаган уч йигитни ўзи суд қилди; бутун ҳовлига эшитарли қилиб, баланд овоз билан ўғрилардан сўради:

— Биласизми, кимникини ўғирладингиз?

Сўнгра ўзи жавоб берди:

— Сиз ўзингизникини, бизнинг ҳаммамизникини ўғирладингиз! Эндиги замонда ўғирлаб бўладими, итваччалар?

Ўғриларни савалашга буюрди, иккита ишчи уларни савалашга буюрди, иккита ишчи уларни савалашга буюрди: кечегар Васька эса ўйинга тушиб, жазаваси тутгандан қизишиш ашула қилди.

Мана, ҳашаротларни қандай севадилар!

Мана бизда ҳозир одил суд бор...

Бундан бир ой илгари бу сенинг маслагинг эди... Етар энди! Эртага мен шаҳарга, опамникига кетаман... Болаларимни ҳам олиб кетаман...

Е парвардигор, бадаларнигни ўзинг асрағил!

— Офарин!— деб ҳайқирди Митя.

Митя кул ранг шим кийган чарм шапкаси гарданига тушган ҳолда югуриб юрарди; унинг сарғиш юзида тер томчилари йилтирар, кўзларида эса, ширакайфлик ва шодлик белгиси — кўкимтир шуъла порларди. Кеча кечаси хотини билан қаттиқ уришиб олганди; Яков боғда турганида, уларнинг уйлари деразасидан олдин шивирлаган товушларни, кейин Татьянанинг ўзини тутолмай қичқирганини эшитган эди:

— Сиз — масхарабозсиз! Сиз — номуссиз киши. Сизда маслак борми? Гадейларда маслак бўлмайди. Елгон! Бундан бир ой илгари бу сенинг маслагинг эди... Етар энди! Эртага мен шаҳарга, опамникига кетаман... Болаларимни ҳам олиб кетаман...

Бу ҳодиса Яковни ҳайрон қолдирмади, чунки у кўпдан бери сарғиш Митянинг борган сари ёқимсиз бўлиб кета-

ётганини сезган эди; Яков Митяга ишониш қийинлигини ҳаммадан олдин пайқагани учун таажжубланар, ҳатто бир қадар фахрланар ҳам эди. Ҳозир эса, ҳаттоки, хўрозларни қанчалик яхши кўрган бўлса, яқиндагина Митяни худди шундай яхши кўрган онаси ҳам:

— Унга нима бўлди? Аллақандай келишолмайдиган бўлиб қолди, худди жуҳудваччанинг ўзгинаси-я! Мана энди, боқ уларни...— деб минғирлар эди.

— Ҳаммаси ҳам яхши, ўз жойида. Ҳаёт — гўзал, доно! Лекин қўй билан бўриларнинг тотув яшаши мумкинлиги ҳақидаги масалаларни унутиш керак, Татьяна Петровна! Сиз бу гапларни айтишга кечикдингиз!— деб қичқирди Митя.

Мирон газабланиб ва қуруққина қилиб сўради:

— Эртага сиз нима дер экансиз?

— Турмуш сўзига қулоқ соламиз: нима деса шуни айтамыз! Шундай! Хўш, яна қандай савол бор?!

Хотини билан Мирон Митянинг олдида, гўё у қоракуяга булангандай, эҳтиёт бўлиб юрарди. Митя эса, бир неча кундан кейин ўзининг лаш-лушларини: катта-катта уч бойлам китоб, бир корзина усти бошини кўтариб, шаҳарга кўчиб кетди.

Яков ҳамма ерда бемаъни оврагарчилик, ўт тушганда бўладиган югур-югур, тўс-тўполон авж олганини кўрар, ҳамма одамлар яққол кўриниб турган тентаклик тутунида тутаётганини сезар, аммо бу жинниликнинг яқин орада тугашига кўзи етмас эди.

— Хўш,— деди у Полинага,— мен кетишга жазм қилдим: кетамиз! Олдин Москвага борамиз, кейин қаёққа боришимизни ўша ерда ўйлаб кўрамиз...

Полина суюниб кетиб:

— Ниҳоят!— деб уни қучоқлаб ўпди.

Июль оқшоми богни қизриш қоронғилик билан қоплаб, ёмғирда ивиган ва офтобда қизиган тупроқнинг оғир ҳидини деразадан хонага уфурарди. Теварак-атроф яхши, бироқ ғамгинлик сезиларди.

Яков Полинанинг иссиқ, нам қўлини ўз бўйнидан олиб, ўйчанлик билан:

— Кўкрагингни бекит... Умуман, тузукроқ кийиниб ол! Жиддийлик керак...— деди.

Полина Яковнинг тиззасидан ирғиб тушиб, икки сакраб ўрни олдига борди-да, тўнга ўралиб жиддий равишда унинг ёнига ўтирди.

Яков соқолини кафти билан бетига босиб, шитирлатиб ишқаларкан, сўз бошлади:

— Аҳвол мана бундай: ўйлаш керак, бирор тинч жой, бирор мамлакат топиш керак. Шундай жой бўлиши керакки, у ерда бир нарсани тушуниш, бировларнинг ишлари тўғрисида ўйлаб бош қотириш лозим бўлмасин. Мана шундай бир жойни топиш керак!

— Албатта,— деди Полина.

— Ҳамма ишни эҳтиёткорлик билан қилиш керак. Мирон, поездлар қочоқ солдатлар билан тўла, дейди. Фақирона тусга кириб олиш керак...

— Лекин сен кўпроқ пул олиб олгин.

— Албатта, бу турган гап. Мен шундай қилиб жўнайманки, қаёққа кетганимни бизникилар билмай қолсин. Гўё Воргородга бориб келмоқчи бўламан, тушундингми?

Полина ҳайратланиб ва ишончсизлик билан:

— Нима кераги бор?— деб сўради.

Нима кераги борлигини Яковнинг узи ҳам билмайди. Бу фикр ҳозиргина миёсида туғилганди, аммо яхши фикр эканини кўнгли сезарди.

— Нима десам экан: Отам, Мирон суриштиришга тушишди... Буларнинг ҳаммаси кераксиз. Пул Москвада, мени у ердан қайтариб олиш керак...

— Фақат тезроқ кетиш керак!— деб илтимос қилди Полина.— Узинг ҳам кўриб турибсан: яшаб бўлмайди. Ҳамма нарса қиммат, ҳеч нима топилмайди. Албатта, энди босқинчилик ҳам қилишса керак, йўқса қандай яшашиди?

Сўнгра эшикка мўралаб шивирлади:

— Мана ошпаз хотин, яхши аёл эди, ҳозир эса шаллақиб бўлиб қолди, нуқул маст одамнинг қилиғини қилади. Уйқумда мени сўйиб қўйиши ҳам мумкин, аҳвол шу қадар чалкашиб кетгандан кейин сўймайди дейсанми? Кеча ошпаз хотиннинг алаким билан шивирлашганини эшитдим. Эй худо, тамом бўлдим!— деган хаёлга бордим. Лекин эшикни астагина очиб қарасам — у тиз чўкиб, ўкираётган экан! Даҳшат!

Яков унинг ваҳимали шивирлашини тўхтатиб:

— Шошма, олдин мен жўнайман,— деди.

Полина тиззасига муштлаб, баланд овоз билан ўшқирди:

— Йўқ! Олдин мен жўнайман! Менга пул берасан...— сен кейин...

Яков ранжиб, жаҳл билан:

— Бу нимаси, менга ишонмайсанми?— деган эди, катъий равишда айтилган жавоб эшитди:

— Ишонмайман. Мен — тўғри одамман, мен очиқ айтаман: йўқ! Ҳозир ҳамма подшога хиёнат қилганда, жамики нарсага хиёнат қилаётган бир вақтда сенга ишониш мумкинми? Ўзинг бирор кимсага ишонасанми?

У жуда ишончли гапирарди, унинг сўзидан кўра, ёқаси очиқ тўнининг қатламлари орасидан кўриниб турган кўкраклари тағинда ишончлироқ гапирар эди. Яков Артамонов унга ён берди ва шундай қарорга келишди: Полина эртагаёқ йиғиштириб, Воргородга жўнайдиган ва у ерда Яковни кутиб турадиган бўлди.

Яков эртаси куниеқ ошқозони ҳамда боши оғришидан шикоят қила бошлади, бу ҳақиқатга яқин эди, чунки у сўнгги ойлар ичида жуда ҳам ориқлаб, бўшашиб қолган. Хаёли паришон, доим кулиб турувчи кўзлари хиралашган эди. Саккиз кундан кейин у аравада шаҳардан станцияга бормоқда эди; арава — дабдаласи чиққан, тошлари ўнқир-чўнқирларда ўйнаб ётган катта йўлнинг четидан секин-аста борар, бу ўнқир-чўнқирларда лой қоғиб, дўппайиб қолган, тарс-тарс ёрилиб кетган эди. Худди шундай дабдаласи чиқиб, остин-устин бўлган ҳаёт тобора ортда қолмоқда эди; олдида эса, тутунсимон булутларнинг ўртасидаги юмшоқ чуқурликдан сўниқ қуёш оқиш доғ каби йилтираб кўринарди.

Бир ойдан кейин Мирон Артамонов Москвадан қайтиб келди-да, бошини энгаштириб, ўз қафтига термилиб, Татьянага шундай деди:

— Сенга қайғули бир хабарни айтишга мажбурман: Яков билан юрадиган анови ифлос қиз Москвада менинг олдимга келиб, аллақандай кишиларнинг... ҳим...— ҳозир қандай одамлар бўлиши мумкин?— Яковни уриб, вагондан чиқариб ташлаганларини айтди...

Татьяна ўтирган ўрнидан туришга ҳаракат қилиб:

— Йўқ!— дея чинқириб юборди.

— Поезд юриб кетаётганда улоқтириб юборишибди. Икки кундан кейин ўлибди... Қиз уни Петушки станцияси яқинидаги қишлоқ қабристонига кўмган эмиш.

Татьяна индамасдан кўзларига дастрўмолчасини босди, қиррадор кифтлари титрай бошлади, эгнидаги қора кўйлаги елкасидан сирғалиб тушаётгандек, гўё бу ориқ, новча хотин эриб кетаётгандек эди.

Мирон пенснесини тузатди, қўлларини бир-бирига иш-қалаб, бармоқларини шиқирлатди-да, кечки ибодатга чақираётган якка қўнғироқнинг товушига қулоқ солиб турди. Кейин хонада у ёқдан-бу ёққа юриб:

— Йиглашдан нима фойда? Бу гап ўртамизда қолсин, у бутунлай фойдасиз ва ўлгудай аҳмоқ эди, мени кечир! Албатта, бу ачинарли ҳол. Шундай,— деди.

— Татьяна қизарган қовоқларини пириллатиб:

— Э, худойим,— деди-да, бармоғини тупуклаб, қошларини силади.

— Бу шаддод қиз,— деди Мирон қўлларини чўнтакларига суқиб,— ношудлик билан ўзини қайгурган бева қилиб кўрсатмоқчи, лекин шу қадар яхши кийинганки, Яковни тунаб олгани аниқ. Сизларга хат ёздим, дейди.

Татьяна «йўқ» дегандай бош чайқади:

— Йўқми? У ҳам билган эдим. Бу тўғрида ота-онамга гапириш керак эмас, део уиламан. Манаки, бу тирик деб ўйлаб юришаверсин! Дурустми?

Татьяна рози бўлиб:

— Ҳа, бу яхши бўлади,— деди.

— Дарвоқе, амаким ҳеч нарса тушунмайдиган бўлиб қолган ишларни... қўлларини кўз ёшларига фарқ қилиб юборди...

Татьяна бош силкитиб:

— Яқин кунларда ҳаммамиз ҳам ҳалок бўламиз,— деди.

— Агар шу ерда қолсак, бу турган гап, лекин мен хотин, бола-чақаларимни тезлик билан бу ердан жўнатаман. Сенга ҳам бу ердан тезлик билан жўнашга маслаҳат бераман, бўлмаса Захар Морозов... Демак, биз қарияларга ҳеч нима айтмаймиз. Кечир мени, уйга боришим керак, хотиним касал...

Узун қўли билан сингисининг қўлини силкиб, хайрлашиб чиқиб кетаркан:

— Ҳозир йўл юриш ниҳоятда қийин, йўллар дабдала бўлган, жуда ёмон аҳвол-да!— деди.

Катта Артамонов чала уйқу, чала уйғоқ ҳолатда умр кечириб, тобора қаттиқ уйқуга кетмоқда эди. Бутун тунни ва куннинг кўп қисмини тўшакда ётиб, қолган вақтини дераза қаршисига қўйилган креслода ўтириб ўтказарди; дераза ортида мовий бўшлиқ, уни гоҳ-гоҳ булут қоплаб оларди; ойнада хўмрайган, кўзлари киртайган, яккам-дуккам

кул ранг соқолли, семиз чол акс этарди. Артамонов ўз афтига қараб:

«Эсиэ одам», деб ўйлар эди.

Хотини келарди-да, унга энгашиб, уни туртиб силкир:

— Бу ердан кетиш керак. Боқизиш керак...— деб қиқиллар эди.

Артамонов эринчоқлик билан, секингина:

— Йўқол, йўқол, байтал! Бездим сендан. Қўй мени, ором олай,— дерди.

Сўнг, ёлғиз қолиб, одамлар ҳовлида, боғда, ҳамма ерда байрамдагидай шовқин қилганига қулоқ солиб ўтирарди. Фабрика эса чурқ этмасди.

Ҳар доимги суҳбатдоши — маслаҳатчиси, алданган киши эса, яъни фикр ништари билан укол қилиб Артамоновни тирик сақлаб юрган илгариги Артамонов ҳозир йўқ, ўлган. Ўлгани яхши бўлди, чунки чол ўйлашни истамас, ўйлаши ҳам қийинлашган эди, ўйлашидан фойда йўқлигини кўпдан бери ўзи ҳам тушунган эди, чунки ҳеч нарса тушуниб ҳам бўлмасди. Яков, Татьяна, куёви — ҳаммаси қасққа кетди?

Баъзан у хотинидан сўрарди:

— Илья қайтиб келдими?

— Йўқ.

— Ҳали ҳам келгани йўқми?

— Йўқ.

— Яков-чи?

— Яков ҳам.

— Шундай. Ўйнаб юришибди. Лекин ишни Мирошка қотирапти.

— Сен бу нарсаларни ўйлама,— деб маслаҳат берди Наталья.

— Йўқол!

Наталья бир бурчакка бориб ўтирарди-да, хира кўзлари билан қуруқ сояси қолган собиқ одамга, бутун умрини сарф этган эрига қарарди. Натальяннинг боши қалтирар, қўллари ҳам чиққанга ўхшаб нотўғри ҳаракат қилар, ўзи эса ориқлаб кетган, шамдек эриб тушган эди.

Уйда аҳён-аҳёнда рўй берувчи тушуниб бўлмайдиган югур-югурлар тобора авж олиб, Пётр Артамоновни дамбадам уйғотиб юборарди, уйга қандайдир бегона кишилар кирар, чол уларга термилиб қараб, уларнинг шовқин-сурон аралаш нима деб валдираганини англашга тиришар, хотинининг фарёдини эшитар эди:

— Э, худойим, бу нима деган гап? Нима учун? Ахир у хўжайин-ку, биз хўжайинмиз? Бўлмаса, рухсат этинг, мен уни бу ердан олиб кетай, уни боқизиш керак, шаҳарга обориш керак! Рухсат беринг олиб кетишга...

«Яширмоқчи бўлади. Лекин яширишнинг нима кераги бор?— деб тушунишга ҳаракат қиларди Артамонов.— Аҳмоқ, Бутун умри аҳмоқлик билан ўтди. Яков ҳам шунга ўхшаб туғилди. Ҳаммаси ҳам. Елғиз Илья менга ўхшайди. У қайтиб келади, тартиб ўрнаштиради...»

Ёмғир ёғар, қор қуяр, аёз чирсиллаб, бўрон улиб, чийиллар эди.

На тушга ва на бедорликка ўхшаш бундай галати ҳолатдан Артамоновни очлик ҳисси уйғотди. У ўзини богда, шийпон ичида кўрди: шийпон ойналари ортидан, дарахтларнинг ҳўл шохлари орасидан, ҳайрон қоларли даражада яқин келиб қолган қизғиш осмон кўринарди, гўё осмон осмон шу ерда, дарахт ортида осилиб тургандек, унга қўл чўзилса етадигандек эди.

— Қорним очди,— деди Артамонов, бироқ ҳеч ким жавоб бермади.

Кўкимтир, рутубатли қоронғилик боғни тўлдирмоқда эди, шийпон олдида иккита от: бири кўк, иккинчиси қора, бири бирининг бўйнига бош қўйиб турарди; нарироқдаги скамейкада оқ кўйлакли киши, унинг арқонини тиззасини ечиб ўтирарди.

— Наталья, эшитяпсанми? Овқат олиб кел...

Илгари шу хил ҳушсизликдан уйғониб хотинини чақирганда, у дарҳол олдида пайдо бўлар, ҳар вақт яқин атрофда юрарди, бугун эса йўқ эди.

Артамонов бир оз ҳушига келиб:

«Чиндан ҳам йўқми?.. Еки касал бўлиб қолдимикин?» деб ўйлади.

У бошини кўтарди, мўрча эшиги олдида майда дарахтлар орасида алланима йилтирарди, бу йилтираган нарса — буталар орасида юрган кўкимтир шинелли солдатнинг елкасидаги милтиқ найзаси кейин маълум бўлди. Ҳовлида кимдир қичқирар эди:

— Бу нимаси, ўртоқлар, ҳазиллашяпсизми? Отларга шундай қараладимиз? Чўчқага ҳам бундай қаралмас! Пичан нега йиғиштирилмаган, нега ивиб қолибди? Мўрчага қамаб устингдан қулфлаб қўяйми?

Оқ кўйлакли киши арқонни тиззасидан олиб, ерга ташлади-да, солдат томонга қараб, паст товуш билан:

— Осмондан тушгандай пайдо бўлди, лаънати, ер ют-кур шайтон,— деди-да, ўрнидан турди.

— Командирлар илгаригидан ҳам кўпайиб кетди,— деб жавоб берди солдат.

— Бу шайтонларни ким тайинлар экан?

— Ўзини ўзи тайинлайди. Оғайни, ҳозирги вақтда ҳамма нарса кампирнинг эртагидагидек, ўз-ўзидан бўлаверади.

Ҳалиги одам отларнинг олдига келиб, ёлидан ушлади, Артамонов овози борича унга:

— Ҳой, хотинимни чақир...— деб бақирди.

— Жим ёт, чол,— деган жавоб эшитди.— Уни қара-ю, хотинини соғиниб қопти...

Отлар кетди. Артамонов кафти билан юзини, соқолини силади, совуқ бармоқлари билан қулоғини пайпаслаб кўрди, у ёқ-бу ёққа қаради. У шийпоннинг ойнасиэ тарафида, девор ёнида, олма дарахти тагида ётар эди; олмалар худди рябина¹ шингилидай ғуж-ғуж бўлиб дарахтда осилиб турарди; Пётр ётган тўшак тошдай қаттиқ, устига эскирган тулки пўстини ёпилган, қишки қалин пиджаги эгнида эди. Лекин иссиқ эмасди. Нима учун бу ерда ётганини англаёлмасди. Балки байрам олдидан уйни кўтариб тозалаётгандирлар. Лекин қандай байрам экан? Боғда отлар турибди, мўрча олдида солдат нима қилиб юрибди? Ҳовлида қичқираётган ким бўлса экан? «Сиз, ўртоқ, ёш боладай бефаҳм экансиз! Нима? Одамлар чарчадимми? Чарчашга ҳали вақт бор! Гапнинг пўсткаллеси шу...»

Узоқда қичқирсалар ҳам, қийқириқ қулоғини қар қилиб, бошини гувиллатарди. Оёғи ҳам йўққа ўхшар, тиззадан пасти қимирламасди. Шийпон деворидаги олма суратини бўёқчи Ванька Лукин солган эди; кейинчалик бу ўғри черков буюмларини ўғирлаб қамалди ва турмада ўлди.

Шийпон ичига жуда кенг юнгдор шапка кийган бир киши кирди; у ўзи билан бирга муздай кўланка ва қора мой исини олиб кирди.

— Бу Тихонми?

— Бўлмаса-чи...

Тихоннинг мингирлаган товуши ҳам уни гаранг қилди. Кекса қоровул, гижирлаган пол устида гўё сузиб кетаётгандай, қулочини кенг ёйди.

¹ Р я б и н а — Шимолда ўсадиган паст бўйли, қип-қизил, майда-майда мевалари шингил бўлиб, меваси кеч кузда пишадиган бир хил дарахт. (Тарж.)

— Шовқин солаётган ким?

— Захарка Морозов.

— Бу ерда солдат нима қилади?

— Уруш.

Артамонов бирпас жим тургач, сўради:

— Душман шу ерга ҳам келиб етдими?

— Бу — сенга қарши уруш, Пётр Ильич...

Хўжайин қатъий равишда:

— Сен, қариган аҳмоқ, ҳазил қилма, мен сенинг ўртоғинг эмасман...— деди.

Пётр Артамонов хотиржамлик билан берилган шу жавобни эшитди:

— Охирги уруш, одамлар урушни ортиқ хоҳламапти. Ҳозир ҳамма ўртоқ. Ёшим анчага бориб қолгани учун аҳмоқ бўлолмайман.

Тихоннинг уни майна қилаётгани аниқ эди. Мана, телпагини бошдан олмасдан андишасизлик билан хўжайиннинг оёқ томонига йирик равишда ўтириб олган. Ҳозир ҳамма бўйиқроқ товуш билан берилган команда эшитиларди:

— Соат саккиздан кейин кўчада бирорта одам кўринмасин.

— Хотиним қани?— деб сўради Артамонов.

— Нон кидириб кетди.

— Бу қанақаси, ношим қидиредими?

— Бўлмаса-чи? Нон — гишт эмас: ерда ётмайди.

Богда қоронғилик қуюқлашиб, тобора кўкимтир тусга кириб борарди; мўрча олдидаги солдат эснади-да, кетидан улиб юборди: у бутунлай кўринмай қолди, фақат найзасигина сувдаги балиқдай ялтирар эди. Тихондан кўп нарсани сўрагиси келса ҳам, Артамонов жим ётар эди: бари бир, Тихоннинг гапига тушуниб бўлмайди. Шу билан бирга, саволлар ҳам мияда чувалашиб ирғишларар, қайси бири муҳим эканини англаб бўлмасди. Ҳаммадан кўра овқат егиси келарди.

Тихон вайсай бошлади:

— Аҳмоқ бўлсам ҳам ҳақикатни ҳаммадан олдин сездим! Мана, аҳвол шунақасига ўзгариб кетди. Мен ўшанда: Ҳаммага қирон келади!— деган эдим. Мана, айтганим келди. Худди латта билан чангни артиб ташлагандай қилишди. Худди қириндидай супуриб ташлашди. Аҳвол шунақа Пётр Ильич. Ҳа. Шайтон рандаларди, сен кўмаклашдинг, шундай! Нима кераги бор эди шу нарсаларнинг? Гуноҳга ботдингиз, қилган гуноҳларингизнинг сон-саноги

йўқ. Мен кўриб юрардим: ҳаммаси таажжуб! Бу ишларнинг поёни борми?— Ниҳояси қачон?— дердим. Мана, поёни сизга келиб тўхтади. Буларнинг ҳаммаси сизнинг устингизга қўрғошин бўлиб қуйилди... Арава ғилдирагани йўқотди.

Артамонов чол «алаҳлаяпти» — деб тушунган бўлса ҳам:

— Нега мен бу ерда ётибман?— деб сўради.

— Уйдан ҳайдаб чиқаришди.

— Мирон ҳайдадимми?

— Уни ҳам, ҳаммангизни ҳайдашди.

— Яков-чи?

— У кўпдан бери йўқ.

— Илья қаерда?

— Шулар билан эмиш. Илья шулар билан бирга бўлгани учун сен тириксан, йўқса...

«Алаҳлаяпти» — қатъий ишонди Пётр ва ўйлашиб қолди:

«Ақлдан озибди чол, шундай бўлиши ҳам аниқ эди».

Майда-майда хира юлдузлар осмонга сочилиб кетди, илгари бунақа юлдузлар йўқ эди шекилли, бўлса ҳам бу қадар кўп эмасди.

Тихон, қалпоғини бошдан олиб, қўлида ғижимлар экан, яна алжий бошлади:

— Сенларнинг муғамбирона аҳмоқликларинг бошларингга етди. Гадейлар учун осонроқ...

Тўсатдан бошқачароқ товуш билан:

— Бола эсингдами, конторачининг боласи-чи?— деб сўради.

— Хўш? Нима бўпти?

Пётр Артамонов бу кутилмаган савол уни қўрқитдими ёки ҳайратда қолдирдими — буни билолмас эди. Лекин Тихон:

— Сен ўша болани, Захар кучукчани ўлдиргандай, ўлдирдинг. Хўш, нимага ўлдирдинг?— дейиши биланоқ тушунди.

Артамоновга ҳаммаси равшан бўлди: ниҳоят Тихон унинг жиноят қилганини ҳукуматга билдирган, касал ҳолича уни қамоққа олишган. Лекин бу ҳол уни ортиқча қўрқитдими, қайтага, гайри инсоний аҳмоқлиги билан жаҳлини чиқарди. У тирсагига тираниб, бошини кўтардида, таъна ва истехзо билан, тили алаҳқандай ачишганини ва оғзи қуруқшаганини сезиб, секингина гапира бошлади:

— Сен ёлгон гапиряпсан! Ҳар бир жиноят учун муайян муддат бор, у эса қадим бир иш; сен бўлсанг, вақтида билдирмасдан ҳамма муддатларни ўтказиб юбординг. Шундай! Бунинг устига — ақлдан озгансан? Ҳаммаси эсингдан чиққан, ўз кўзинг билан кўрганинг ҳам йўқ, ўша вақтда ўзинг шундай деган эдинг...

Чол унинг сўзини бўлди:

— Мен нима деган эдим? Мен, албатта, кўрганим йўқ, лекин мен тушунган эдим! Кўрай-чи, нима қилар экансан, деб шундай деган эдим. Мен ёлгон гапирсам, сен дарҳол ёлгон гапга ёпишиб, суюниб кетдинг. Мен қараб, кутиб юрдим... Сизлар ҳаммангиз ҳам шундайсиз. Алексей Ильич қайнотаси пианиста Барскийнинг қовоқхонасига ўт қўйдирган, сенинг отанг бўлса буни фаҳмлаб қолиб, шундай бир иш қилганки, одамлар пианистани уриб ўлдирганлар. Никита Ильич буни биларди, ҳар бир нарсага унинг ақли етарди. У ҳеч кимга айтмаслиги керак эди, лекин ушбу ишга қўлиб мана айта солди. Мен унга: «Сен монахсан, бунақа нарсаларни унутишинг керак, аммо мен эсимдан чиқармайман»,— дедим. Сиз уни бемаъни ишларингиз билан қўрқитиб юбордингиз. Ўзини осигга мажбур қилиб, кейин монастырга жўнатдингиз: «Биз учун ибодат қил!»— дедингиз. У эса, сиз учун ҳаттоки ибодат қилишдан ҳам кўради янама ҳаммаси! Шунинг учун у худодан қайтган...

Тихон бу гапиришида, то умрининг охиригача оғзи тинмайдиган кўринади. У ўйланиб секин гапирар, гўё ғазабланмасдан гапираётгандек туюларди. Қуюқ ва иссиқ қоронгилик орасида у деярли тамоман кўринмай қолган эди. Унинг гўлдираган овози, суваракларнинг кечаси шитирлашини эслатар, Артамоновни қўрқитмаса ҳам, зилдай оғирлиги билан босар, ҳанг-манг қилиб, ҳайратда қолдирар эди. Бу тушуниб бўлмайдиган чолнинг ақлдан озганига Пётр Артамонов борган сари қатъийроқ ишона бошлади. Мана у, гўё ўз елкасидан огир юкни олиб ташлагандай, узоқ нафас олди-да, ҳамон бояги товуш билан бир хил оҳангда, ўтмишдаги воқеаларни, кераксиз нарсаларни ковайверди:

— Сиз, Артамоновлар, мени ҳам динсиз қилдингиз. Никита Ильич сизнинг жатингизга ўзи ҳам худодан қайтди, мени ҳам йўлдан оздирди... Сизларда на худобор ва на шайтон. Кўз бўяш учун уйингизда икона сақлайсиз, холос. Нима бор сизларда? Кошки тушуниб бўлса.

Гўё бир нарса борга ўхшайди-ю, ammo ҳеч нарса йўқ. Алдамчилар. Алдов билан яшадингиз. Энди ҳаммаси кўриниб турибди: сизни ечинтиришди...

Артамонов ўз гавдасини зўрға қимирлатиб, зилдай оғир оёғини аранг ерга қўйди, бироқ товони полни сезмади, назарида, оёқлари танасидан ажраб кетгандек, ўзи эса ҳавода муаллақ қолгандек туюлди. Бу ҳолдан кўрқиб кетиб, Тихоннинг кифтидан ушлади.

Қоровул унинг қўлини қўполлик билан силкиб ташлади-да:

— Қаёққа?— деб сўради.— Тегма. Кучинг йўқ, мени бўғиб бўпсан. Отангда куч бор эди, мақтанчоғлик натижасида йўқ бўлиб кетди. Мени имонимдан маҳрум этдинглар, энди қандай ўлишимни ҳам билмай қолдим. Шайтонлар, сизлар билан овора бўлиб, умрим қандай ўтганини ҳам билмай қолдим...

Артамоновнинг тобора қорни очиб, овқат егиси келар, бунинг устига оёғи уни жуда кўрқитар эди.

«Чиндан ҳам куним битдими? Мен ҳали етмиш бешга ҳам кирганим йўқ-ку! Э, худойим...»

У яна ётмоқчи бўлди, лекин оёқларини кўтаришга мадори келмади.

— Ердам эт, оёқларимни кўтариб қўй!— деб буюрди Тихонга.

Тихон, собиқ хўжайинининг жонсиз оёғини кўтариб скамейкага қўйди-да, ерга тупуриб, қўлини қалпогига суқар экан, яна ўтирди; унинг қўлида алланима йилтирарди. Артамонов тикилиб қаради: игна экан; Тихон қоронғида қалпогини тикиб ўтирар ва бу билан ақлдан озганлигини исбот қиларди. Унинг устида кул ранг тун капалаги липиллаб учарди. Боғда, ҳавода уч йўл саргиш шуъла ёйилди, кимнингдир товуши узоқдан бўлса ҳам, аниқ эшитилди:

— Бизнинг учун орқага қайтиш йўқ, ўртоқлар, бўлмайди ҳам...

Тихон бу товушни босиб:

— Сенинг отанг ҳам шунақа эди: у менинг акамни ўлдирган,— деди.

Артамонов беихтиёр:

— Ёлғон айтасан,— деб юборган бўлса ҳам, дарҳол:

— Қачон?— деб сўради.

— Ана холос, тагин қачон дейди-я...

Артамонов, очлик силласини қуритганини сезиб, бир-данига тутақиб кетди:

— Сен нега ҳадеб ёлғон гапирасан, эси паст? Сенга нима керак? Сен нима, виждонимнинг судимисан? Нега ўттиз йилдан ортиқ индамай юравердинг?

— Ҳа, жим юрдим. Демак — ўйлаб юрдим!

— Фисқ-фасодларни йиғиб юрдингми? Эҳ... Бор, полицияга маълум қил бўлмаса.

— Полиция йўқ.

— Мана, бу одам мени умр бўйи едириб-ичирган, буни суд қилинг, дегин! Аллақачон бориб чаққансан! Гапир, тагин нима керак? Мени яна эз, қўрқитиб қўр, пул талаб қил, хўш?

— Сенда пул йўқ. Сенда ҳеч нарса йўқ. Бўлган ҳам эмас. Судларга тупурдим. Мен ўзимга ўзим судман.

— Ундай бўлса, нега дўқ қиласан, алжиб қолган одам?

— Аканни Тихон дўқ қилмаётганини билди, Артамонов буни гира-шира сезарди.

— Ҳамма Қобилларнинг қуни битди. Акамни нега ўлдирдингиз?— деб жаврарди Тихон.

— Аканг тўғрисида ёлғон гапиряпсан.

Чоллар бир-бирининг сўзини бўлишиб, тезроқ гапира бошладилар.

— Мен ёлғон гапиряпманми? Мен ўшанда у билан бирга эдим.

— Ким билан?

— Акам билан. Отанг уни уриб ўлдирганда, мен қошиб кетдим. Отанг акамнинг хунига қолиб, қон қусиб ўлди. Бўлмаса нега оғзидан қони келди?

— Кеч қолдинг...

— Мана, энди сизларни ағдариб ташлашди, сеп бутунлай ҳимоясиз қолдинг, мен эсам, илгари қандай бўлсам, шундайлигимча юрибман, бир чеккада...

— Аҳмоқлигингча қолдинг...

Артамонов, собиқ ер қазувчи уни бурчакка қисиб, даҳшатли чуқурга итараётганини сезар, бу чуқурда бирон нарсани на ажратиш мумкин эди, на тушуниш!..

У қатъият билан ўз гапини такрорлади:

— Кеч қолдинг. Ёлғон гапиряпсан — аканг йўқ, бўлган ҳам эмас; сенга ўхшаганларнинг ҳеч кими, ҳеч нимаси бўлмайди...

— Виждони бўлади.

— Углим Ильяни сен йўлдан урдинг, сен!
— Йўқ, сиз Артамоновлар мени йўлдан урдингиз, Никита Ильяч эса ярамни янгилади!
— Никита эса, мени Тихон йўлдан оздирди, деганди!
— Мен бир неча марта сенинг отангни ўлдирмоқчи бўлган эдим. Белкурак билан калласини мажақлашимга оз қолган эди... Сизлар айёрсиз...
— Ўзинг айёрсан...
— Серафимни қўйиб қўйдингиз. У ҳам мени йўлдан оздирарди: ҳеч кимни ранжитмаса ҳам нотўғри яшар эди. Бу қандай гап? Ҳамма ерда айёрлик...
— Келаётган ким? Қаёққа?— деб қоронгиликдан габзаноқ қичқириш эшитилди.— Соат саккиздан кейин қимирламанг, деб сиз бадбахтларга айтилган эди-ку!
Тихон ўрнидан туриб эшик олдига борди-да, қоронгилик ичига шўнғиб кетди. Ҳаяжон ва очликдан, ҳоргинликдан эзилган Артамонов боғдаги ёг тусли уч йўл шуъла орасидан каттақон қора нарса ўтиб кетганини кўрди. У, энди қандайдир тамоман даҳшатли нарсани кутиб, кўзини юмди.
Тихон кимдандир:
— Топдингми?— деб сўради.
— Мана, бор-йўги шу!
Бу— хотинининг товуши эди. У қаерда юрган экан, нега эрини бу чол билан қолдириб кетган экан?
Артамонов кўзини очди-да, икки қора гавда тўсиб турган эшикка қаради ва тирсақларига таяниб гавдасини кўтарди. Шу пайт умр бўйи ўйлаб тополмай юрган нарсаси: яъни, ким унинг олдига гуноҳкор эканини, кимнинг айби билан ҳаёти бунчалик чигаллашиб, ёлғон-яшиқлар билан тўлгани тўсатдан эсига келди. Мана энди, ҳозиргина ҳаммаси унга равшан бўлди.
Хотини унинг олдига келиб, энгашиб, шивирлай бошлади:
— Хайрият, худога шукур...
Артамонов қатъий қилиб:
— Мана, Тихон, ҳаммасига мана шу хотин айбдор!— деди-да, енгил тортиб нафас олди.— У очкўзлик қилди, мени шу кўйга солди, ҳа!
Сўнгра ғолибона овоз билан бўкира бошлади:
— Шунинг жатига укам Никита ҳам ҳалок бўлди. Ўзинг ҳам биласан, ҳа...

Артамонов энтикиб қолди. Хотинининг ранжимагани, қўрқмагани, йигламагани ғалати эди. У қалтираган қўли билан эрининг сочларини силар, товушида ҳаяжон сезилса ҳам, мулойимгина шивирлар эди:

— Секинроқ, қичқирма, бу ердагиларнинг ҳаммаси ёвуз...

— Овқат бер!

Хотини унинг қўлига бодринг ва бир бурда нон тутқизди; бодринг илқ эди, нон эса бармоқларига хамирдай ёпишди.

— Бу нима? Менгами? Бори шуми?— ҳайрон бўлди Артамонов.

— Исо ҳаққи, секинроқ гапир! Топилгани шу, ҳеч нима йўқ! Ахир, солдатлар ҳам...— деб шивирлади Наталья.

— Сен буни менга — бутун қўрқувларим, бутун умрим учун келтирдингми?

У, нонни қўлида салмоқлаб кўрар экан, алланима деб қўлига ва шивирлагани англадики, чидаб бўлмайдиган. Ўлгудай таҳқирловчи бир воқеа руи берган. Оунда даво Наталья ҳам айбдор эмас...

Қўлидаги нонни эшик олдига улоқтирди-да, бўғиқ товуш билан, лекин қатъий равишда:

— Истамайман,— деди.

Тонини нонни селди. Бўғиқ товуш ва у ёқ-бу ёғини пуфлаб тозаллади; Наталья нонни яна эрининг қулига тутқазиб, шивирлай бошлади:

— Е, ей қол, жаҳлинг чиқмасин...

Артамонов унинг қўлини силкиб ташлаб, кўзини қатиқ юмиб, тишларини гижирлатиб, газаб билан:

— Истамайман. Йўқол,— деди.

1924—1925.

ЕГОР БУЛИЧОВ ВА БОШҚАЛАР

20 М. Горький, V том

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Егор Буличов.
Ксения — унинг хотини.
Варвара — Ксенядан туғилган қиз.
Александра — ўғай қизи.
Мелания — роҳибалар бошлиғи, қайин эгачиси.
Звонцов — Варваранинг эри.
Тятин — унинг амакиваччаси.
Мокей Башкин.
Василий Демидов.
Евдокимов — унинг хотини.
Антонина } биринчи хотинидан туғилган болалар.
Алексей }
Павлин — поп.
Доктор.
Трубачи.
Зобунова — кинначи.
Пропотей — девона.
Глафира — оқсоч.
Гайся — Меланиянинг дастёри.
Яков Лаптев — Буличовнинг тутинган ўғли.
Донат — ўрмончи.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бой савдогар уйда овқатхона. Оғир, бесўнақай жиҳозлар. Чарм доплаган кенг диван, унинг ёнида иккинчи қаватга чиқиладиган эйна. Унг бурчакда ойнаванд балкон — боққа чиқиладиган йўл. Қуёшли қиш кун. Ксения стол олдида ўтириб чойнак-пиёлаларни юймоқда. Глафира балкондаги гуллар билан овора, Александра кирди, эгнида халат, сарпойчан оёғида туфли, сочлари таралмаган, Егор Буличовнигиға ўхшаш сап-сарик.

Ксения. Уҳ, Шурка, бирам ухлайсанки...

Шура. Кўп гингшиманг, фойдаси йўқ. Глаша — кофе! Газета қани?

Глафира. Варвара Егоровнага олиб чиқиб бердим.

Шура. Олиб туш. Бутун бошлиқ уйга биттагина газетага ёзилишибди-я, лаънатилар!

Ксения. Кимни лаънати деяпсан!

Шура. Отам уйдами?

Ксения. Ярадорлар олдиға кетди. Лаънатилар деганинг. Звонцовларми?

Шура. Ҳа, ўшалар. (Телефон ёнида.) 17—63.

Ксения. Звонцовларни ҳали шунақа ҳурмат қилман дегин, қараб тур, айтиб бермасамми ўзларига!

Шура. Татьянани чақириб қўйинг!

Ксения. Бориб-бориб ахийри нима бўларкинсан?

Шура. Сенмисан, Антонина? Чанғида борамизми? Йўқ? Нега? Спектаклга? Йўқ, деб қўя қол! Оббо, никоҳсиз тул-эй!.. Хўп, майли.

Ксения. У нимаси, қиз болани тул дейсан?

Шура. Унашиб қўйган куёви ўлганми ахир ё йўқми?

Ксения. Ҳар нима бўлганда ҳам қиз бола-ку.

Ичинг тезроқ, бу ерни тозалаш,
тариб чиқиб кетади.)

Шура стул суянчигига ташлаиб, кўзларини оварни кў,
сарик, пахмоқ сочли бошининг орқасиг.

Звонцов (оёғида туфли; зинадан ўзларини
унинг орқа томонидан келиб кучоқлайди). Ни,
лаяпсан, сарик эчки?

Шура (кўзини очмай, қимир этмай). Менг, и ўйиб,
Звонцов. Нега? Ўзингга хуш ёқаётгандир те. Шу-а-
қами? Хўш, ёқадими?

Шура. Йўқ.

Звонцов. Нега?

Шура. Кўйинг. Муғамбирлик қиляпсиз. Алдаманг
Мени яхши кўрмайсиз.

Звонцов. Сени яхши кўрсам майлими, а?

Зинапояда Варвара кўринади.

Шура. Агар Варвара билиб қолгудек бўлса борми...

Звонцов. Секироқ... (Нарироқ кетади-да, насиҳа-
томуз гап бошлайди.) Ҳа албатта... ўзингизни қўлга оли-
шингиз керак. Ўқишингиз лозим...

Варвара. Ўқишдан кўра оғзига қарамай гап сотишни,
Антонина билан совундек кўпириб, вақиллашни афзал кў-
ради бу...

Шура. Кўпирсам нима қипти? Бу менинг ишим. Со-
вундек кўпиришни яхши кўраман. Сенга нима — нимангни
қизганасан?

Варвара. Сени қизганаман. Билмадим қандоқ қилиб
кун кўраркансан-да? Гимназияни бўлса, бўшатиб қўй де-
йишди...

Шура. Бекор гап.

Варвара. Сенинг ўртоғинг эса — эси паст қиз.

Звонцов. У музика ўрганмоқчи.

Варвара. Ким?

Звонцов. Шура.

Шура. Бекор гап. Мен музика ўрганишни истамай-
ман.

Варвара. Сен қаёқдан олдинг бу гапни?

Звонцов. Шура, ахир сен ўзинг айтмовдингми —
музика ўрганмоқчиман деб.

Шура (кетаётиб). Сира айтганим йўқ.

Буличов. Ҳеч нима, Глафирани чақирдим. Уҳ-ҳў, тоза ясанибсан-ку. Қаерга бормоқчисан?

Варвара. Тузалаётган ярадорлар фойдасига спектакль қўйилади, шунга бораман.

Буличов. Бурнингга ойнак ҳам қўндириб олибсанми? Кўзим кўрмайди деб ёлгон айтасан, фасон учун таққансан бунини...

Варвара. Отажон, сиз Александрани мундоғ бир тергаб қўйсангиз бўларди, қилиғи жонга тегяпти, ҳеч тоқат қилиб бўлмайди.

Буличов. Ҳамманг ҳам яхшисан! Бор! (*Гудранади.*) Тоқат қилиб бўлмайди эмиш. Шошма ҳали. Мен тузалиб олай, ҳамангга... кўрсатиб қўяман тоқат қанақалигини!

Глафира. Чақирдингизми?

Буличов. Ҳа, чақирдим. Эҳ, Глаха, мунчаям яхшисан! Бақувват! Пишиқ! Менинг Варварам бўлса — тасқара!

Глафира (*зинага қараб қўйиб*). Бу унинг бахти. Агар у ҳам чиройли бўлгандами, уни ҳам тўшингизга тортар эдингиз...

Буличов. Ўз қизимни-я? Билиб гапир, тентак! Нима деяпсан?

Глафира. Нима деганимни биламан! Шурани, худди бегона қизга ўхшатиб... солдат сингари багрингизга босасиз.

Буличов (*ҳайрон*). Сен, Глафира, жинни бўлиб қолибсан! Бу нимаси: ўз қизимга рашк қиласан. Сен Шура тўгрисида бундай хаёлларга бора кўрма. Солдат сингари эмиш... Худди бегона қизга ўхшатиб эмиш! Нима, ўзинг солдатлар қўлига тушганмисан-а? Хўш?

Глафира. Бўлмагур гапларни қўйинг... Мунақа гапларнинг вақти эмас. Нега чақирдингиз?

Буличов. Донатни чақириб юбор. Шошма! Қўлингни бер-чи! Яхши кўрасанми ишқилиб? Касал бўлсам ҳам-а?

Глафира (*унга энгашиб*). Оҳ, шўрликкинам... Ҳа, ишқилиб сен огримаягин! Касал бўлмаягин... (*Қўлидан чиқиб қочади*)...

Буличов ғамгин кулади, лабларини ялайди. Бошини чайқайди. Етади.

Донат. Омонмисиз, Егор Васильевич!

Буличов. Шукур. Хўш, қани нима гаплар?

Донат. Хушxabар олиб келдим: айиқ ётган жойни топдик!

Буличов (оғир нафас олиб). Э, бу... хурсандлик келтирадиган хабар эмас, рашк келтирадиган хабар. Энди айиқ ови билан кўнглим очилмайди. Дарахт кесишяптими?

Донат. Оз-моз. Одам йўқ.

Ксения киради. Ясанган, бармоқларида узуклар.

Буличов. Сен нима дейсан?

Ксения. Ҳеч. Сен, Егорий, айиққа қизиқмасанг ҳам бўларди, сенинг ов қиладиган ҳолинг йўқ.

Буличов. Овозингни ўчир... Одам йўқ, дедингми?

Донат. Чоллар билан ёш болаларгина қолган, холос. Князга асирлардан элик кишини юборишибди, лекин унда ёмонда ишлай олмайдди.

Буличов. Ундай бўлса, улар қандай иш билан иш битиришяптандир.

Донат. Ҳа, буниси рост.

Буличов. Ҳа, албатта... Хотин-халаж, шу топда оч.

Ксения. Қишлоқларда бузуқчилик авж олиб кетди,

Донат. Нега бузуқчилик бўлди, ақалдан... на? Эркаклар ҳаммаси қирилиб кетди, бола туғиш ҳам керакми. ахир? Шундай бўлгандан кейин, кимики эркакларни қирган бўлса, ўша бола ясаши керак-да...

Буличов. Шунақага ўхшаб қолди...

Ксения. Ахир, асирдан тугилган бола нима бўларди! Лекин шуниси ҳам борки, агар эркак соғлом бўлса, унда албатта...

Буличов. Лекин хотин аҳмоқ, шунинг учун ундай хотиндан фарзанд кўришни эркак хоҳламайди.

Ксения. Йўқ, бизнинг хотинлар элик. Соғлом эркакларнинг ҳаммасини урушга ҳайдаб кетишди, уйда фақат... закунчилар қолди.

Буличов. Уруш жуда кўп одамни хароб қилди...

Ксения. Майли, қолганлар тўқроқ яшашар.

Буличов. Топдинг!

Донат. Подшолар фуқарога ҳеч тўймайди.

Буличов. Нима дединг?

Донат. Подшолар фуқарога ҳеч тўймайди, дейман.

Ўзимизникиларни боқолмаймизу, яна бировларнинг ерига кўз тикамиз.

Буличов. Рост. Рост айтасан!

Донат. Бошқача тушуниш амри маҳол: нима учун урушяпмиз бўлмаса? Очкўзлигимиздан қалтак еяпмиз-да.

Буличов. Рост айтасан. Донат! Менинг тутинган ўғлим Яков ҳам шундай дейди: ҳамма балонинг боши — очкўзлик, дейди. Ўзи қалай, юрибдими?

Донат. Емон эмас. Унингиз эслик.

Ксения. Хўп топибсан эси борни! Эслик эмас, бетга чопар.

Донат. Эси борлигидан бетга чопади-да, Аксинья Яковлевна! У ерда Егорий Васильевич, аскарликдан қочган ўнчача йигитни тўплаб ишга солди, балодек ишлашяпти. Бўлмаса улар ўғирликка берилиб кетувди.

Буличов. Йўқ, бу яхши эмас... Буни Мокроусов билиб қолса, тўполон бошланади.

Донат. Мокроусов билади. У ҳатто хурсанд. Унга осон бўлади.

Буличов. Эҳтиёт бўл, лекин...

Юқоридан Звонцов тушали.

Донат. Шундай қилиб, айиқни...

Буличов. Айиқ — сенинг ўлжанг.

Звонцов. Рухсат этсангиз, айиқни Бетлингга тақдим этсак! Ўзингиз биласиз, у бизга катта ёрдам...

Буличов. Биламан, биламан! Майли, тақдим этавер. Хоҳласанг, архиеоейга тақдим эт!

Ксения (кулиб). Архирейнинг айиққа қараб ўқотишии бир томоша қилсак эди!

Буличов. Хўш, мен чарчадим. Хайр энди, Донат! Биродар. ишларнинг мазаси йўқ-ку, а? Мен бетоб бўлишим билан ишлар ҳам чатоқлашди.

Донат индамасдан таъзим қилиб чиқиб кетади.

Аксинья, менга Шурани айтиб юбор. Сен нега ийманиб турибсан, Андрей? Гапириб қўя қол!

Звонцов. Мен Лаптев тўғрисида гапирмоқчи эдим...

Буличов. Хўш?

Звонцов. Эшитишимга қараганда у ишончсиз кишилар билан алоқа қилар эмиш. Копосовдаги ярмаркада ҳукуматни қоралаб, мужикларга нутқ сўзлабди.

Буличов. Қўйсанг-чи! Шу замонда ярмарка қоп-

тими? Қанақа мужиклар экан? Нега ҳаммангиз Яковдан нолийсиз?

З в о н ц о в. Ахир, у ҳар нима бўлса ҳам, оиламиз аъзоси-ку...

Югуриб Ш у р а киради.

Б у л и ч о в. Ҳар ҳолда... Сиз уни.. унчалик ўзингиз-ники... деб билмайсизку-я... Мана, у энди якшанба кунлари ҳам овқатлангани келмай қўйди... Бор энди, Андрей... Кейин гапириб берарсан...

Ш у р а. Яковни ёмонлаяптими?

Б у л и ч о в. Бу сенинг ишинг эмас. Қани, ўтир. Сендан ҳаммаси дод деяпти.

Ш у р а. Ким у — ҳаммаси?

Б у л и ч о в. Аксиња, Варвара...

Ш у р а. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Б у л и ч о в. Мен жиддий гапиряпман, Шуренок.

Ш у р а. Сенин жиддий гапинг бунақа бўлмасди-ку!

Б у л и ч о в. Ҳамма билан қўпол гаплашасан, ҳеч нима қилмайсан...

Ш у р а. Агар ҳеч нима қилмасам, нега энди қўпол бўларканман?

Ш у р а. Ҳамманинг гапига қулоқ соламан. Ҳамманинг гапига қулоқ солиш ҳам жонга тегди, сариқ!

Б у л и ч о в. Ўзинг сариқсан. мендан беш баттар. Мана, ҳатто мен билан ҳам тўғри гаплашмайсан. Сени сўкиш керак эди-ю, бироқ тилим бормаиди-да.

Ш у р а. Тилинг бормаса, демак, сўкиш ҳам керак эмас.

Б у л и ч о в. Сени қара-ю! Тилинг бормаса, сўкма эмиш. Унда яшаш жуда осон бўлар эди-я, лекин мумкин эмас-да!

Ш у р а. Ким бунга халақит беряпти?

Б у л и ч о в. Ҳамма... ҳамма халақит беряпти. Сен буни тушунмайсан.

Ш у р а. Тушунмасам, ўзинг ўргат менга, тушуниб олай, токи бошқалар менга ҳам халақит беришмасин...

Б у л и ч о в. Э, буни ўргатиб бўлмайди! Нима қиялсан, Аксиња? Нега ивирсиб юрибсан? Нимани қидирялсан?

К с е н и я. Доктор келди, Башкин кутиб ўтирибди. Александра, қўйлагингни тузат, бу қанақа ўтириш?

Буличов (ўрнидан туриб). Қани, чақир докторни. Ётиш менга зарар қилади, ётаверсам қайтага оғирлашаман. Эҳ... жўна энди, Шуренок! Оёгингни лат егизиб қўйма, эҳтиёт бўл!

Доктор. Салом! Хўш, аҳволлари қалай?

Буличов. Маза йўқроқ. Мени тузукроқ даволамаяпсан, Нифонт Григорьевич.

Доктор. Қани, бўлмаса, уйга ўтайлик-чи...

Буличов (унинг ёнида кетаркан). Сен менга энг ўткир, энг қиммат дориларни бер: мен, огайни, бир амаллаб тузалмасам бўлмайди! Тузатиб юборсанг, касалхона қуриб бераман, касалхонанинг каттакони ўзинг бўласан, билганингни қилиб юраверасан...

Кетишади. Ксения, Башкин.

Ксения. Доктор нима деди?

Башкин. Рак касалига чалинган деди, жигарида рак бор эмиш...

Ксения. Вой, худойим-э! Нималарни ўйлаб чиқаради булар!

Башкин. Бу — оғир дард, деди.

Ксения. Ҳа, албатта! Ҳар ким ўз ишини энг қийин, деб ҳисоблайди.

Башкин. Бевақт оғриди! Ҳамма ёқдан пул худди тешик чўнтақдан тўкилгандай тўкиляпти, гадойлар ҳам минг-мингга эга бўляпти, бу бўлса...

Ксения. Ҳа, ҳа! Одамлар шу қадар бой бўляптики, нимасини айтасан!

Башкин. Достигаев шундай семирибдики, тугмасини солмай юради, гапирса фақат минг-мингдан келади. Егор Васильевичдан бўлса, ақл қочганга ўхшайди. Тунов кун: «Мен ҳақиқий ишнинг кўчасига ҳам кирганим йўқ», — дейди. Бу нима дегани?

Ксения. Вой, мен ҳам сезяпман: аллақандай хунук гапларни гапирди!

Башкин. Ахир, у сен билан опангнинг пули туфайли одам қаторига қўшилди-ку. Кўпайтириши керак эди-да...

Ксения. Мен адашдим, Мокей, адашганлигимни кўпдан бери биламан. Приказчикка эрга тегдим, эр танлашда адашдим. Сенга текканимда ҳам иккимиз тинчгина кун кўрган бўлар эдик! У бўлса... э, худойим! Бирам айниганки! Унинг қўлида не кунларни кўрмадим. Уйнашдан қиз орттириб яна уни менинг елкамга миндириб қўйди.

Ярамас, паст одамни куёв қилди... Қўрқаман мен, Мокей Петрович; бу куёв билан Варвара мени давлатдан қуруқ қўйиб, бор-йўғимни шилиб, гадойлик кўйига солишмасайди.

Б а ш к и н. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Уруш! Урушда на шарм-ҳаё бор, на раҳм-шафқат!

К с е н и я. Сен бизнинг эски хизматчимизсан, сени одам қилган ҳам менинг отам, сен мен тўғримда ўйлаб кўр.

Б а ш к и н. Ҳалиям ўйлаяпман...

З в о н ц о в киради.

З в о н ц о в. Хўш, доктор кетдими?

К с е н и я. Йўқ, ҳали шу ерда.

З в о н ц о в. Мокей Петрович, мовут нима бўлди?

Б а ш к и н. Бетлинг олгани унамаяпти.

З в о н ц о в. Унга қанча беринг керак ўзи?

Б а ш к и н. Энг ками. бирор беш минг...

К с е н и я. Оббо, ўғри-эй? Тагин ўзи чол-а!

З в о н ц о в. Жанна орқалими?

Б а ш к и н. Ҳа, ўша белгиланган тартиб билан.

К с е н и я. Беш минг! Нимага? А?

З в о н ц о в. Ҳарна қилганимиз келсин йўқ.

К с е н и я. Бировнинг чунтагида бўлса қадри иуқ...

З в о н ц о в. Қайнотам розими?

Б а ш к и н. Мен шуни билгани келдим: розими, йўқ-ми...

Д о к т о р (*чиқади, Звонцовни қўлтиқлаб*). Хўш, гап шуки...

К с е н и я. Уҳ, бизни бир севинтирсангиз-чи...

Д о к т о р. Бемор мумкин қадар кўпроқ ётиши керак. Ҳар қандай иш, бесаранжомлик, диққатпазлик — унга ниҳоятда зарар қилади. Ишқилиб, осойишталик, тинчлик керак! Ундан кейин... (*Звонцовнинг қулуғига шивирлайди*).

К с е н и я. Нега менга айтмайсиз? Мен хотиниман-ку?

Д о к т о р. Баъзи бир хусусларда хонимлар билан гаплашиш ярамайди. (*Яна шивирлаб гапиради*.) Бугун кеч-қуруноқ қиламиз.

К с е н и я. Нима қилмоқчисиз?

Д о к т о р. Консилиум, яъни докторлар кенгаши.

К с е н и я. Вой шўрим...

Доктор. Бунинг ҳеч қўрқинч жойи йўқ... Хўп, хайр бўлмаса! (Чиқиб кетади.)

Ксения. Мунча қўрс бу одам... Овози ўчсин! Беш минутга беш сўлқавой олади. Бир соатга олтмиш сўм... буни қаранг!

Звонцов. У, операция қилиш керак, дейди...

Ксения. Ёришми? Йўқ, асло бўлмайди! Йўқ, ёришга мен йўл қўймайман...

Звонцов. Менга қаранг, ахир бу — нодонлик-ку! Хирургия, фан.

Ксения. Фанинг бошингда қолсин! Тузукми? Сен ҳам менга одобсизлик билан гапирадиган бўлиб қолдингми?

Звонцов. Мен одоб қоидаларини эмас, сизнинг нодонлигингизни айтяпман...

Ксения. Сендақа донони қара-ю!

Звонцов қўл силтаб йироқлашади. Глафира югуриб ўтади.

Ксения. Қаерга?

Глафира. Уйдан қўнғироқ қилишди...

Ксения у билан бирга эри ёнига кириб кетади.

Звонцов. Қайнотам бевақт оғриди.

Башкин. Рост. Яхши бўлмади. Шундай замон келдики, эсли одамлар, худди найрангбоздек, ҳаводан пул топишмоқда.

Звонцов. Ҳа, албатта. Шундай пайтки, революция бўлиши аниқ.

Башкин. Бу менга маъқул эмас. Бешинчи йилда ҳам бир бўлувди. Ҳеч нарса чиқмайди.

Звонцов. Бешинчи йилда революция эмас, қўзғолон бўлган. У вақтда деҳқонлар билан ишчилар ўз уйларида эди. Ҳозир улар фронтларда. Эндиги революция чиновниклар, губернаторлар, министрларга қарши бўлади.

Башкин. Ундай бўлса, худо жуда ярлақасин! Чиновниклар канадан баттар ёпишиб олишса борми, қутулиб бўлсан...

Звонцов. Подшонинг ношудлиги равшан бўлиб қолди.

Башкин. Савдогарлар орасида ҳам шу гап. Аллақандай бир мужик подшонинг хотинини қўлга олган эмишми?

Варвара зинада туриб қулоқ солади.

З в о н ц о в. Ҳа, Григорий Распутин.

Б а ш к и н. Жодугарликка ишонгим келмайди.

З в о н ц о в. Уйнаш бўлса-чи? Бунга ишонасизми?

Б а ш к и н. Бу гап чўпчакка ўхшайди. Подшонинг хотини учун юзлаб генерал топилар...

В а р в а р а. Йўқ ердаги аҳмоқона гапларни гапирасиз.

Б а ш к и н. Ҳамма шуни гапиради, Варвара Егоровна.

Ҳ а р қ а л а й, менинг фикримча, подшо бўлмаса бўлмайди!

З в о н ц о в. Подшо Петроградда эмас, каллада бўлиши керак. Спектакль тамом бўлдими?

В а р в а р а. Қолдирилди. Аллақандай бир ревизор келибди, кечкурун бир поезд ярадорлар келармиш, беш юзга яқин. Уларга жой йўқ эмиш.

Г л а ф и р а. Мокей Петрович, сизни чақиришяпти.

Б а ш к и н. Иссиқ картузини стол устида қолдириб, чиқиб кетади.

В а р в а р а. Нега сен у билан жуда очикчасига гаплашяпсан? Биласанки, у биздан гап ўғирлаб ойимга етказди! Шу картузини ўзи билан олиб бери келиди, бу каска! Яғири чиқиб кетибди. Ҳайронман, нега сен бу муттаҳам билан...

З в о н ц о в. Аҳ, қўйсанг-чи! Мен ундан Бетлингга пара бериш учун қарз сўрамоқчиман.

В а р в а р а. Ахир сенга айтмовдимми, бу ишларни мана орқасидагина дастласта биланди деб. Унда пул ҳам камроқ кетади...

З в о н ц о в. Лизавета сени ёмон туширади.

К с е н и я (эрининг хонасидан туриб). Бир амаллаб уни кўндириб, ётсин у! Ҳадеб у ёқдан-бу ёққа юради, Мокейни сўради... Э, худойим!..

З в о н ц о в. Сен бор, Варя...

Б у л и ч о в (узун халат кийган, оёғида кигиз туфли). Хўш, яна нима дейсан? Бадбахт урушми?

Б а ш к и н. (унинг кетидан юриб). Ким эътироз билдирияпти?

Б у л и ч о в. Ким учун бахтсизлик?

Б а ш к и н. Биз учун.

Б у л и ч о в. Биз деганинг ким? Сен ўзинг айтяпсанку: уруш орқасида одамлар миллион-миллион пул топишяпти деб? Хўш?

Б а ш к и н. Демак... халқ учун бахтсизлик...

Б у л и ч о в. Халқ деганинг — мужик, унга бари бир; ҳо яшасин, ҳо ўлсин. Мана сен айтган ҳақиқат!

К с е н и я. Бас, кўп жаҳлинг чиқмасин! Сенга зағар...
Б а ш к и н. Нега ундай дейсиз? Шу ҳам ҳақиқат бўл-
дими?

Б у л и ч о в. Бу чинакам ҳақиқат! Ҳақиқатнинг ўзги-
наси! Мен рўйирост айтавераман: менинг ишим — пул то-
пиш, мужикларнинг иши — ғалла етказиб бериш, мол сотиб
олиш Бундан бошқа ҳақиқат борми?

Б а ш к и н. Бу-ку, албатта, шундай-а, лекин шунда ҳам...

Б у л и ч о в. Хўш, шунда ҳам нима, гапир? Менинг мо-
лимни ўғирлаётганингда нималарни ўйлайсан, қани айт-чи!

Б а ш к и н. Нега мени бу қадар хафа қиласиз?

К с е н и я. Ҳой, Варя, нега қараб турибсан? Айтсанг-
чи, отангга! У тинч ётиши лозим.

Б у л и ч о в. Сен ҳали халқни ўйлайсанми?

Б а ш к и н. Яна кўпчилик олдида хўрлайсиз-а? Ўғир-
лайсан эмиш? Буни исбот қилиш керак ҳали!

Б у л и ч о в. Исбот қилишнинг ҳожати йўқ. Ҳаммага
маълум: ўғирлик қонуний гап. Сен хафа бўлмай қўя қол.
Хафа қилганим билан бари бир тузалмайсан, балки бат-
тар бўласан. Ўғирлик қилган сен эмас — пул ўғирлик
қилади. Ушанинг ўзи асосий ўғри...

Б а ш к и н. Бунақа гапларни фақат Яков Лаптев га-
пприши мумкин.

Б у л и ч о в. Ҳали ҳам ўша гапиряпти! Бўпти, бор эн-
ди! Бетлингга пора берманглар. Ҳали ҳам жуда кўп бер-
диларинг, кафанига ҳам, товутига ҳам этади имонсиз чол-
нинг. Нега йиғилдинглар бу ерга? Нимани кутяписизлар?

В а р в а р а. Ҳеч нимани...

Б у л и ч о в. Ҳеч ниманими? Ундай бўлса ўз ишла-
рингга боринглар. Ишларинг борми ўзи? Аксинья, айтгин,
менинг уйимни жиндак шамоллатишсин. Ҳавоси бузуқ,
аччиқ дориларнинг ҳиди босиб кетди... Ҳа... Глафирага
айтгин, клюква квасидан олиб келсин.

К с е н и я. Сенга квас ёқмайди-ку.

Б у л и ч о в. Бор, бор! Нима ёқади, нима ёқмайди,
ўзим биламан.

К с е н и я (чиқаркан). Билсанг эди...

Ҳ а м м а чиқади.

Б у л и ч о в (қўли билан стола таянгани ҳолда уни
айланиб ўтади. Ойнага қараб туриб, овози борича бақи-
риб сўзлайди). Аҳволинг ёмон, Егор. Афтинг ҳам, бирод-
дар... сира ўзингга ўхшамай қопти!

Г л а ф и р а (патнисда бир стакан сут олиб чиқади).
Мана сизга сут.

Б у л и ч о в. Мушукка бер бунни. Менга квас келтир.
Клюква квасидан.

Г л а ф и р а. Сизга квас беришга рухсат этишмади.

Б у л и ч о в. Улар рухсат этишмаса ҳам сен олинб кел-
лавер. Шошма! Сен нима деб ўйлайсан: мен ўламанми?

Г л а ф и р а. Бекор гап. Улмайсиз.

Б у л и ч о в. Нега?

Г л а ф и р а. Ишонмайман.

Б у л и ч о в. Ишонмайсанми? Йўқ, азизим, менинг
ишим ёмон! Узим биламан: жуда ёмон.

Г л а ф и р а. Ишонмайман.

Б у л и ч о в. Қайсар. Қани, квасдан бер! Ароқ теми-
зиб ичаман... У фойдали нарса. (Буфет томон боради.)
Беркитиб қўйибди лаънатилар. Чўчқа болалари! Авай-
лашгани шу-да. Бундан чиқди, мен махбус эканман. Ари-

Нарда

ИККИНЧИ ПАРДА

Буличовларнинг меҳмонхонаси. Бурчақда — кичкинагина юмалоқ стол атрофида Звонцов билан Тятин ўтиришибди. Стол устида бир шиша вино.

Звонцов (*папирос тортиб*). Тушундингми?

Тятин. Инсоф билан айтганда, Андрей, бу менга ёқмайди...

Звонцов. Пули-чи? Пули ёқадими?

Тятин. Афсуски, пули ёқади.

Звонцов. Кимни аяйсан бўлмаса?

Тятин. Ўзимни, албатта...

Звонцов. Хўп одамни аяр экансан-да!

Тятин. Ҳар ҳолда, биродар, ўзимнинг бирдан-бир дўстим ҳам ўзим.

Звонцов. Файласуфлик қилгунча, ўйлагин.

Тятин. Ўйлаётиман. У эрка ўсган қиз, у билан умр қилиш қийин бўлади.

Звонцов. Қийналсанг, ажраласан кетасан.

Тятин. Пул яна ўшанда қолади...

Звонцов. Биз шундай қиламизки, пул сенда қолади. Шуркани йўлга солишни ўз зиммамга оламан.

Тятин. Инсоф билан айтганда...

Звонцов. Шундай қилиб, уни эрга беришга «шиқа»дилар, қалин пулини кўпайтирадилар.

Тятин. Сен буни... Зап ўйлаб топибсан! Қалин пули кўпми?

Звонцов. Эллик.

Тятин. Мингми?

Звонцов. Тугма.

Тятин. Ростми?

Звонцов. Аммо ўнтага менга вексель берасан.

Тятин. Ун минггами?

Звонцов. Йўқ, ўн сўмга! Эси паст!

Тятин. Кў-ўп-ку бу...

Звонцов. Ундай бўлса, суҳбатни тўхтатамиз.

Тятин. Бу гапларинг... ҳазил эмасми?

Звонцов. Пул масаласида фақат аҳмоқ одамларгина ҳазиллашади...

Тятин (*кулмсираб*). Аммо лекин... Зап ўйлаб топибсан-да.

Достигаев киради.

Звонцов. Мен шунга хурсандманки, ўзинг ҳам унча мунча тушуниб қолдинг. Пролетардан чиққан сендек интеллигентга бу огир кунларда...

Тятин. Ҳа, ха, албатта! Лекин вақт бўлди; судга боришим керак.

Достигаев. Степаша, нега таъбинг хира?

Звонцов. Биз Распутиндан гапиришиб ўтирган эдик.

Достигаев. Омади бор экан, а? Сибирдан келган... бу мужик епископлар, министрлар билан дамка ўйнаса-я! Қулида... Ун мингдан кам порани олмаса! Жуда ишончли одамдан эшитдим. Ун мингдан кам бўлса, олмас экан! Нима ичяписизлар? Бургон виносими? Бу жуда ўткир вино, буни овқат маҳалида ичиш керак, э маданиятсиз халқ!

Звонцов. Хўш, қайнотангизни топдингизми?

Достигаев. Уни топиш не ҳожат? У ҳеч ерга яширингани йўқ. Сен, Степаша, менга ҳам битта стакан келтирсанг бўларди.

Тятин шошмасдан чиқиб кетади.

Ростини айтиш керак. Буличовнинг дарди ёмон. Аҳволи чатоқ...

Звонцов. Менинг фикримча ҳам, у энди...

Достигаев. Ҳа, ҳа! Шунақа. Бунинг устига, ўзи ҳам ўлимдан қўрқади, шунинг учун ҳам албатта ўлади. Сен ҳам шу жиҳатини эътиборга ол! Ҳозирги замонда оғизни очиб ўтириш ярамайди, икки қўлни чўнтакка солиб юриш ҳам тўғри келмайди. Ҳар томондан чўчқалар давлат четанининг тагини кавлаб, уни ағдариш ҳаракатида,

революция бўлишини ҳатто губернаторнинг ўзи ҳам билди...

Тятин. Егор Васильевич емакхонага чиқди.

Достигаев (*стаканни олиб*). Раҳмат, Степаша. Чиқди дедингми? Бўлмаса, биз ҳам ўша ерга ўтайлик.

Эвонцов. Саноатчи бойлар, афтидан, ўз ролларини яхши тушунишади дейман...

Варвара билан Елизавета кириб келади.

Достигаев. Москва саноатчиларими? Улар тушунмай, ким тушунсин!

Елизавета. Булар бу ерда бемалол ичишиб, кайф қилиб ўтиришибди, у ёқда Буличов шундай бақиряптики, ҳеч чидаб бўлмайди!

Достигаев. Нима учун Америка тобора гуллаб кетяпти? Чунки, у ерда ҳукумат тепасида хўжайинларнинг ўзлари ўтиради.

Варвара. Жанна Бетлингова, Америкада ошпаз хотинлар бозорга автомобилда боришади, деб астойдил ишонади.

Достигаев. Бўлиши мумкин. Лекин... эҳтимол, ёлгон бўлса ҳам ажаб эмас, Варюша, ҳали ҳам ҳарбийлар биланмисан? Подполковник бўлгинг келади дейман, а?

Варвара. Эскириб кетган гаплар! Хўш, Тятин, сиз нималарни ўйлаяпсиз?

Тятин. Шундай... ўзимча... Бекор...

Елизавета (*ойна олдида*). Кеча Жанна менга бир ажойиб латифа айтиб берди! Оҳори тўкилмаган!

Достигаев. Қани, эшитайлик; қанақа латифа экан?

Елизавета. Эраққар олдида айтиб бўлмайди.

Достигаев. Оҳори тўкилмаган деганингча бор экан-да, бўлмаса!

Варвара Елизаветанинг қулоғига пичирлайди.

Елизавета. Ҳой эр! Шишадаги тугагунча ўтирасанми бу ерда?

Достигаев. Мен кимга халақит беряпман?

Елизавета (*Тятинга*). Сиз, Стёпочка, муқаддас китобнинг мана бу оятини биласизми: «Бахтиёр бўлғай ул эрким, фосиқлар суҳбатига бормаса ва гуноҳкорлик кўчасига кирмаса».

Тятин. Ҳа, шундай бир нарса хотирамда бор.

Елизавета (*уни қўлтиқлаб*). Мана буларнинг ҳам-маси ўша гуноҳкор фосиқлар, сиз эса — ой, севги ва шу каби бошқа нарсалар учун яратилган мўмингина йигитсиз, шунақами? (*Олиб чиқиб кетади.*)

Достигаев. Оббо, маҳмадона-ей!

Варвара. Василий Ефимович, онам билан Башкин Мелания холамини чақиришди.

Достигаев. Игуменя¹ холаңгними? У чакана йиртқиқлардан эмас! У Достигаев ва Звонцовлар ширкатига қарши чиқади, хоҳламайди! У, Ксения Буличова ва Достигаев ширкати бўлсин, дейди...

Звонцов. Бу кампир қўшган пулларини ҳам қайтариб олиши мумкин.

Достигаев. Меланиянинг пули қанча ўзи? Етмиш мингми?

Звонцов. Тўқсон.

Достигаев. Ҳар холда, бу оз сармоя эмас! Ўз пулими ё монастырникими?

Звонцов. Буни билиб бўладими?

Достигаев. Билиш мумкин. Ҳамма нарсани билиш мумкин! Мана, немисларни ол: улар уруш майдонидаги аскарларимизнинг сонинигина эмас, ҳар бир солдатнинг пулини ҳам билишади.

Варвара. Сиз бирор нарса билмайсизми? *Таджикча* ишонасангиз бўларди...

Достигаев. Жоним Варюша, чўнтагингдаги пулнинг ҳисобини билмай туриб, на олди-сотди қилиш мумкин ва на уришиш. Меланиянинг пулини мана бу йўл билан билиш мумкин. Секлетей Полубояринова деган бир хоним бор. У, Никандр ҳазратнинг тушда бедорликларига шерик, ҳазрат бўлсалар пул деган нарсани, кимники бўлса ҳам, санашни яхши кўрадилар. Ундан ташқари, епархия советида ҳам бир одам бор. лекин биз уни запасда сақлаёмиз. Сен, Варюша, ўша Полубояринова билан гаплашиб кўр, агарда пул монастырники бўлса борми, у ёғи ўзларингга маълум! Менинг гўзалим қаёққа йўқолди?

Глафира. Емакхонага чиқар экансизлар.

Достигаев. Ҳозир, қани, кетдикми?

Варвара (*гўё этаги курсига илиниб қолгандай*). Андрей, қарашиб юборсанг-чи! Сен унга ишонасанми?

Звонцов. Аҳмоқ эмасман.

¹ Хотин-қизлар монастырининг бошлиғи. (*Тарж.*)

В а р в а р а. Тавба, роса муттаҳам экан! Холамни чақиринш тўғрисидаги маслаҳатим чакки эмас, Тятинни нима қиламиз?

Э в о н ц о в. Уни ўзим кўндираман.

В а р в а р а. Тезроқ бўлиш керак...

Э в о н ц о в. Нега?

В а р в а р а. Кўмгандан кейин, ахир кўп кутишга тўғри келади. Отамнинг юраги ҳам заиф... Ундан ташқари, менда бошқа сабаблар ҳам бор...

Чиқишади. Қаршиларидан Г л а ф и р а кириб келади. Орқаларидан нафрат билан қараб қолади, сўнгра столдаги идишларни йиғиштиради. Л а п т е в киради.

Г л а ф и р а. Кеча сени қамалди деб эшитган эдим.

Л а п т е в. Йўғ-э? Эҳтимол, нотўғри эшитгандирсиэ.

Г л а ф и р а. Ҳали ҳам ҳазилни қўймайсан.

Л а п т е в. Егани ҳеч нарса йўқ, кўнгил эса, ўлгидай шўх!

Г л а ф и р а. Ҳазил-ҳазил билан бошингдан айрилма-санг гўргайди.

Л а п т е в. Яхши ҳазил бўлса, урмайдилар, балки мақтайдилар, яхши ҳазил гўшт келтирар, ёмон ҳазил мушт келтирар...

Г л а ф и р а. Ҳа, сайра, сайраб қол, шоввоз! Уйда, Шуранинг ёнида Тонька Достигаев ўтирибди.

Л а п т е в. Э, қўй, унинг кераги йўқ!

Г л а ф и р а. Бўлмаса, Шуранинг ўзини шу ерга чақира қолайми?

Л а п т е в. Топдинг! Буличов қалай?

Г л а ф и р а (аччиғланиб). Нега уни Буличов дейсан? Сенинг отахонинг-ку!

Л а п т е в. Қўй, Глаша хола, аччиғланма!

Г л а ф и р а. Унинг аҳволи оғир.

Л а п т е в. Оғир? Шошма, шошма! Менинг энг яқин ўртоқларим оч ўтиришибди, Глаша хола, икки пудгина, иложи бўлса бирор қоп ун топиб беролмайсанми?

Г л а ф и р а. Нима қилай; сен учун хўжайинларникидан ўғирлик қилайми?

Л а п т е в. Ахир, биринчи марта эмас-ку! Бари бир, илгари ҳам қилгансан бу гуноҳни, гуноҳи менинг бўйнимга! Бечора болаларнинг қорни ўлгидай оч! Бу даргоҳда қилган хизматларинг учун сенга, хўжайинларга қараганда кўпроқ тегиши керак.

Г л а ф и р а. Бунақа чўпчакларингни кўп эшитганман! Эртага эрта билан Донатга ун жўнатишади, бир қоп ўшандан ола қоласан. (Чиқади.)

Л а п т е в. Ҳа, ана, раҳмат! (Диванга ўтириб жуда қаттиқ, кўзидан ёш чиққунча эснайди, сўнгра кўзини артиб, у ёқ-бу ёққа қарайди.)

К с е н и я (ғудраб киради). Ажина исириқдан қочгандай қочишади.

Л а п т е в. Омонмисиз...

К с е н и я. Вой ўлай! Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Л а п т е в. Ўтирмасдан юрсам бўлармиди?

К с е н и я. Гоҳ қидириб изингни ҳам топиб бўлмайди, гоҳ бирданига пайдо бўлиб қоласан. Худди бекинмачоқ ўйнагандай. Отахонинг оғриб ётибди, сен бўлсанг парво ҳам қилмайсан...

Л а п т е в. Мен ҳам касал бўлайми йўқса?

К с е н и я. Ҳамманга ҳам шунини бўлганбоз, бошқаларни ҳам жинни қиласиз. Ҳеч нарсани тушуниб булмайди. Мана энди подшонни ҳам, Емелька Пугачев сингари, қарасанг солмоқчи эмишлар. Хўш, билимдон, ёлғонми бу гаплар?

М а м м а н хав нарсанинг бўлиши мумкин!

Г л а ф и р а. Аксинья эмишлар!

К с е н и я. Хўш, яна нима бўлди? Бир нафас тиниб йўқ... э худо. (Чиқади.)

Ш у р а (югуриб киради). Эсонмисан?

Л а п т е в. Шурочка, Москвага кетяпман, пулим йўқ, бир иложини қил!

Ш у р а. Менинг ўттиз сўм пулим бор, холос...

Л а п т е в. Эллик сўм тополмайсанми?

Ш у р а. Топаман.

Л а п т е в. Кечкурун поезд вақтигача? Мумкинми?

Ш у р а. Хўп. Ҳой, менга қара: революция бўладими?

Л а п т е в. Ҳа, бошланди-ку! Нима бало, газета ўқимайсанми?

Ш у р а. Газетага тушунмайман.

Л а п т е в. Тушунмасанг Тятиндан сўра.

Ш у р а. Яков, тўғрисини айт, Тятин қанақа одам ўзи?

Л а п т е в. Ана холос! Сен, ахир, ярим йилдан бери у билан ҳар кунни кўришиб турасан-ку.

Ш у р а. Тўғри одамми?

Л а п т е в. Ҳа... дуруст, тўғри.

Шура. Нега суст гапирасан?
Лаптев. Бўшангроқ. Негадир тумтайганроқ. Бирон-таси ранжитганми дейман.

Шура. Ким?

Лаптев. Университетнинг иккинчи курсидан ҳайдашибди. Ўз акасига мирзалик қияпти, акаси бўлса...

Шура. Нима, Звонцов муттаҳамми?

Лаптев. Либерал, кадет, умуман улар муттаҳамроқ одамлар. Пулни сен Глафирага бериб қўй, у менга етказади.

Шура. Глафира билан Тятин сенга ёрдам қилишадими?

Лаптев. Нима хусусида?

Шура. Муғамбирликни қўй, Яшка! Ўзинг биласан. Мен ҳам ёрдам қилмоқчиман, эшитдингми?

Лаптев (*ҳайрон бўлиб*). Нима бўлди сенга ўзи, қизгина! Уйқудан фақат бугун уйғондингми?

Шура (*аччиқланиб*). Мени мазах қилма! Сен — аҳмоқсан!

Лаптев. Эҳтимол аҳмоқдирман, лекин ҳар ҳолда шунингламоқ истар эдимки...

Шура. Варвара келяпти!

Лаптев. Уни кўргим йўқ.

Шура. Кетдик бўлмаса... Тезроқ.

Лаптев (*унинг елкасидан қучоқлаб*). Чиндан ҳам сенга нима бўлди ўзи?

Эшикни беркитиб, чиқиб кетишади.

Варвара (*эшик қулфининг шарақлаганини эшитади, эшикка яқин келиб, тутқичини айлантириб кўради*). Глафира, сенмисан? (*Пауза.*) Биров борми у ёқда? Қизиқ... (*Тезгина кетади.*)

Шура Донатни судраб киради.

Донат. Ҳой Шурок, қаёққа судрайсан мени...

Шура. Тўхта! Айтиб бер менга: отамни шаҳарда иззат қилишадими?

Донат. Бой одамни ҳар ерда иззат қилишади. Сираям шўхлигинг қолмайди-да...

Шура. Иззат қилишадими ё қўрқишадими?

Донат. Қўрқишмаса иззат қилишадими?

Шура. Нима учун яхши кўришади?

Донат. Нима учун? Унисини билмайман.

Шура. Яхши кўрганларини биласанми ўзинг?

Донат. Уними? Қайдам? Извошчилар уни яхши кўрадиганга ўхшайди, нега десанг, у извошга байлашмасдан тушади-да, сўраганини бераверади. Извошчи халқи шунақа: униси бунисига айтади, шу билан қарабсанки...

Шура (*ер депсиб*). Масхара қиляпсанми?

Донат. Нега? Мен ҳақ гапни айтяпман.

Шура. Фельинг айнибди. Сен бутунлай бошқача бўлиб қолибсан!

Донат. Э, бизга бошқа одам бўлиш қаёқда? Вақтим ўтиб кетди.

Шура. Ўзинг менга отамни мақтаб гапирган эдинг.

Донат. Уни ёмонлаганим ҳам йўқ. Ҳар ким ўз қадрича...

Шура. Ҳаммангиз ёлгончисиз!

Донат (*бошини қуйи солиб, қаттиқ нафас олиб*). Жонимни чиқмасин жаҳл билан ҳеч нарса уқдиролмайсан.

Шура. Бор, йўқол! Менга қара, Глафира... Бироз келмаётганга ўхшайди... (*Эшик пардаси орқасига беркинади*).

Алексей Достигаев киради; олифта: галифе шим, чўнтаклари кўп, белидан ва елкаларидан тасма тортилган, шведча куртка кийган.

Алексей. Борган сари очилиб кетяпсиз, Глаша!

Глафира (*қовоғини солиб*). Қулоққа ёқадиган гап.

Алексей. Аммо менга ёқмайди. (*Глафиранинг йўлини тўсади*.) Узимники бўлмаса, энг яхши нарса ҳам менга ёқавермайди.

Глафира. Йўл беринг менга.

Алексей. Марҳамат қилинг. (*Эснаб қўйиб, соатига қарайди*.)

Антонина, бир оздан кейин Тятин киради.

Антонина. Сен оқсочларга ҳам хушомад қиласан дейман.

Шура. Бунга бари бир, балиқларга ҳам хушомад қилаверади.

Алексей. Оқсоч хотинларнинг кийимларини ечиб кўр, танноз ойимчалардан ҳеч қолишадиган жойи йўқ.

Антонина. Эшитяпсанми? Бу ҳозир нуқул шунақа

гапларни гапирадики, эшитган одам буни фронтда эмас, қовоқхонада яшаган дейди...

Шура. Бу илгари ҳам шунақа ялқов эди, лекин гапга бунчалик чечан эмасди.

Алексей. Мен ишга ҳам чечанман.

Антонина. Вой бунинг ёлғон айтишини-эй! Бу — қўрқоқ, жудаям қўрқоқ! Угай онам йўлдан уриб қўймасин деб бирам қўрқадими...

Алексей. Мунча тўқийсан? Эси паст!

Антонина. Ундан кейин, ўлгидек очкўз! Биласанми, оғзини пештаҳам қилмаган кун мен унга бир сўму йигирма тийин бераман. У олади.

Алексей. Тятин! Антонина сизга ёқадими?

Тятин. Ҳа. Жуда ҳам.

Шура. Мен-чи?

Тятин. Ростини айтсам...

Шура. Ҳа, албатта, ростини!

Тятин. Сиз унча ёқмайсиз.

Шура. Шундайми? Ростми?

Тятин. Ҳа.

Антонина. Ишонма! У жўртага шундай деяпти.

Алексей. Сиз, Тятин, Антонинага уйлансангиз бўларди. У менинг жонимга тегди...

Антонина. Вой каллаварам! Йўқол! Иккиқат кирчи хотинга ўхшайсан-а.

Алексей (унинг белидан қучоқлаб). Оббо, оқсуяк хоним-эй! Бу қадар димоғдорлик сизга ярашмайди, ойимча.

Антонина. Қўйвор дейман!

Алексей. Жоним билан! (У билан ўйинга тушади.)

Шура. Балки мен, сизга сира ёқмасман, Тятин?

Тятин. Нега буни билмоқчи бўласиз?

Шура. Керак. Қизиқаман.

Алексей. Сен нега бўшашасан? Ўзи сенга тегаман деб турибди-ку. Энди ҳамма қизлар ҳам уруш қаҳрамонларига тегиб тул қолишни орзу қилишади. Нега десангиз — паёғи, шуҳрати, нафақаси бор.

Антонина. Ўзича, гапни қойил қилдим, деб ўйласа керак!

Алексей. Кетдим энди ўз йўлимга. Тонька, эшик олдигача кузатиб қўй мени.

Антонина. Зарур кептими!

Алексей. Гапим бор сенга. Рост айтаман, юр!

Антонина. Бўлса-бўлмаса бирор беъмани гап-дир-да.

Шура. Тятин, сиз — ҳаққоний одамми сиз?

Тятин. Йўқ.

Шура. Нега?

Тятин. Фойдаси йўқ.

Шура. Агар сиз шундай десангиз, демак ҳаққоний одам экансиз. Хўш, энди дарҳол жавоб беринг: Шурага уйлан деб сизга маслаҳат берувчилар ҳам бўлдимми?

Тятин (папиросини чекиб, бир оз ўйлашиброқ).
Бўлди.

Шура. Бу маслаҳатнинг ярамаслигини ўзингиз биласизми?

Тятин. Биламан.

Шура. Мен сиздан бунини... кутмаган эдим. Мен ўйлаган эдимки, сиз...

Тятин. Ёмон одам экан деб ўйлаган бўлсангиз керак.

Шура. Йўқ, сиз... ажойиб одам экансиз! Балки, сиз мугамбирдирсиз, шундайми? Менинча, бошимни айлантириш учун ўзингизни ҳаққоний қилиб кўрсатаётандир... балки?

Тятин. Бу нарса менинг қўлимдан келмайди. Сиз — эслик, баджаҳл, шўх қизсиз, худди отангизга ўхшайсиз; сизга айтсам — сиздан қўрқаман. Егор Васильевичга ўхшаган сан-саридек... сизнинг машъалига ўхшайсиз.

Шура. Тятин, сиз ажойиб одам экансиз! Ё бўлмаса ўлгидек мугамбирсиз...

Тятин. Юзингиз ҳам алланечук ажойиб...

Шура. Юзим тўғрисидаги бу гап, зарбани юмшатиш учун айтилган бўлса керак. Йўқ, сиз айёр одамсиз!

Тятин. Хоҳлаганингизча ўйлайверинг. Менимча сиз, албатта бирор... жиноят қилиб қўясиз! Мен бўлсам, биласизми, бир хил айбдор кучукчага ўхшаб, оёғимни юқори кўтариб ётишга ўрганиб қолганман...

Шура. Айби нима?

Тятин. Билмайман. Айби шуки, у — кучук бола, тиши йўқ, бировни тишлолмайди.

Антонина (кириб келади). Анови аҳмоқ Алёшка қулоғимни бирам огритиб бурадики! Кисавурга ўхшаб бор пулимни ҳам шилиб олди! Бу бола ичкиликка берилиб расво бўлади, энди бу турган гап! У билан биз бир

пулга арэймайдиган савдогар болаларимиз. Сенга кулги-ли-да, а?

Шура. Тоня, уни ёмонлаб сенга нима деган бўлсам, ҳаммасини унут.

Антонина. Тятин тўғрисидами? Нималар деб эдинг? Эсимда йўқ.

Шура. Менга уйланмоқчи бўлиб юрганини айтув-дим-ку.

Антонина. Бунинг нимаси ёмон?

Шура. Пул учун.

Антонина. Ҳа, шунақами? Лекин бу ҳайвонлиқдан бошқа нарса эмас, Тятин!

Шура. Аттанг, менинг саволларимга қандай жавоб берганини сен эшитмадинг.

Антонина. Варумга ўхшаб жавоб бергандир-да. Шубертнинг «Варум»и эсингда борми?

Тятин. Ростдан Шубертникими?

Антонина. Варум, марабу деган қушга жуда ўхшайди, ўзи жудаям хунук... Африкада яшайди.

Шура. Нималар деяпсан ўзинг?

Антонина. Мен ҳаммадан ҳам ваҳималик нарсаларни яхши кўраман. Ваҳималик бўлса, зерикмайсан. Қоронғида каттакон илоннинг биланглаб келишини кутиб ўтиришни яхши кўрар эдим.

Тятин (кулиб). Биҳиштга кирган илонними?

Антонина. Йўқ, ундан ҳам ваҳималироқ...

Шура. Сен антиқа одамсан. Ҳамиша янги-янги нарсаларни топиб гапирасан, бошқалар бўлса, ҳадеб бир нарсани такрорлайверади: уруш — Распутин, подшонинг хотини — немислар, уруш — революция...

Антонина. Сен, ё актриса бўласан, ё роҳиба.

Шура. Роҳиба? Бекор айтибсан!

Антонина. Роҳиба бўлиш жуда қийин, ҳар доим бир ролни ўйнашга тўғри келади.

Шура. Мен, Золянинг Нанаси сингари сатанг бўлишни истайман.

Тятин. Сизнинг иборангиз билан айтганда: ф-фу!

Шура. Мен эса, йўлдан оздирсам, бузсам, ўч олсам дейман.

Тятин.. Кимдан? Нима учун?

Шура. Сариқ туғилганим учун, отам касал бўлгани учун... Ҳаммаси учун! Революция бошлансин, ўшанда яйраб қулоч отаман! Кўрасан!

Мелания. Куйишга-ку куймайди-я, бировларнинг қўлида қолиб кетмасин, деб қўрқаман.

Буличов. Демак, сен ишлатилиб турган пулни қайтариб олмоқчисан, шундайми? Менга бари бир, олавер. Лекин билиб қўй: ютқизасан! Сўм деган нарса, шу тобда, саллотнинг битидай туғиб, бири минг бўляпти. Мен бўлсам ўладиган касал эмасман...

Мелания. Улимнинг вақт-соати бандасига маълум эмас. Васиятингни ёздингми?

Буличов. Йўқ.

Мелания. Вақти келди. Ёзиш керак! Тўсатдан худованди карим чақириб қолса...

Буличов. Менинг нима керагим бор унга?

Мелания. Шаккоклик қилма! Биласан-ку, бунақа куфрона гапларни эшитишга тобим йўқ, қолаверса, руҳонийлик унвоним ҳам бунга...

Буличов. Э, бас қил мунақа гапларингни, Малаша! Бир-биримизни жуда яхши биламиз, кошки билмасак. Пулингни олишинг мумкин. Буличовда пул кўп!

Мелания. Ишлатилиб турган сармойни тортиб олмоқчи эмасман, аммо векселларни Аксинья номига ёздириб қўймоқчиман. Мана шунинг учун сени огоҳлантириб қўяй!

Буличов. Шундай дегин. Ҳай, бу — сенинг ишинг! Аммо шуниси ҳам борки, мен ўлганимдан кейин Эвонцов Аксиньяни кафангадо қилади. Варвара бу ишда унга ёрдам беради...

Мелания. Ҳо, тилинг бошқача айланиб қолдимми? Янгичасига шекилли? Жаҳл деган нарса сезилмайди.

Буличов. Менинг бошқа нарсага жаҳлим чиқади. Қани, кел энди худо тўғрисида, руҳ тўғрисида гаплашайлик.

Ёшлик чоғида кўп бўлди талон-торож, хуни ноҳақ,
Қариллик чоғи келгач, керакдир тавба қилмоқ...

Мелания. Хўш... Бўлмаса гапир!

Буличов. Мана сен, кечаю кундуз худога қуллуқ изҳор қиласан, чунончи масалан... Глафира менга қуллуқ қилгандай...

Мелания. Куфрона гап қилма! Эсингни едингми? Глафира кечалари сенга қанақа қуллуқ қилади?

Буличов. Айтиб берайми?

Мелания. Куфрона гап қилма! Эсингни йиғ!

Буличов. Ушқирма! Мен лўнда қилиб гапиряпман:

сертакаллуф дуоғуйлар тили билан эмас, одамзод тили билан. Сен, Глафирага яқинда сени ҳайдашди, дединг. Демак, тезда ўлиб кетишимга ишонар экансан-да? Бу нега керак? Ана, Васька Достигаев, мендан тўққиз ёш катта, муттаҳамликда ҳам мени қочиради, аммо ўзи соппа-соғ, ҳали кўп яшайди. Хотини бўлса, уччига чиққан тамтамлардан! Албатта, мен гуноҳкор бир бандаман, одамларга азоб берганман, ишқилиб... ҳар тўғрида гуноҳкорман. Ундай десак, ҳамма одам бир-бирига озор беради. Бошқа иложи ҳам йўқ, дунё ўзи шунақа.

Мелания. Сен менинг олдимда, одамлар олдида эмас, парвардигор олдида тавба қил! Бандаси кечиролмайди, парвардигор эса, раҳм-шафқатли. Ўзинг биласан: бурунги замонларда ўғрилар гуноҳ қилиб-қилиб, кейин худога тавба-тазарру қилишаркан-да, шу билан гуноҳларидан пок бўлиб кетишар экан?

Буличов. Ҳа, албатта, ўғирлаб-ўғирлаб, ўша ўғирлик пулдая беркетиб қўйиб тургани, сен ўғри эмас авлиёсан.

Мелания. Егор-ор! Ёмон айнидинг, қулоқ солмайман! Сен — эси йўқ одам эмассан, тушунишинг керак: худонинг изми бўлмаса — шайтон йўлдан уролмайди.

Буличов. Ҳа, баракалла!

Буличов. Тинчитиб қўйдинг. Бундан чиқдики, шайтон одамларни йўлдан ураман деса, худо бемалол йўл қўяр экан, демак, ҳалиги гуноҳ ишларда шайтон билан менга худо ҳам шерик экан-да?

Мелания (*ўрнидан туриб*). Агар бу гапларинг... сенинг бу гапларинг Никандр ҳазратга етгудай бўлса...

Буличов. Менинг хатом нимада?

Мелания. Худодан юз ўгирибсан! Ўзинг ўйла, айниган мияннга нималар келмаяпти? Ахир — балодай тушунасан, шайтон сени йўлдан оздиришига худо йўл қўйган бўлса, демак, худо сендан юз ўгирибди.

Буличов. Юз ўгирибди? Нима учун? Пулни яхши кўрганим учун, хотинларни яхши кўрганим учун, сенинг эси паст синглиннга — пулига қизиқиб уйланганим учун, сен билан ўйнашиб юрганим учун — мана шулар учун юз ўғирдимми? Эҳ, сен... гўнгқарға! Ҳадеб ғағиллайсану. маъни деган нарса йўқ!

Мелания (*эсанкираб*). Сенга нима бало бўлди, Егор? Жинни-минни бўлдингни? Ё парвардигор...

Буличов. Бутхонада кечаю кундуз ибодат қиласан, кимга ибодат қилганиниги ўзинг билмайсан.

Мелания. Егор, жарга қулаяпсан! Дўзах қаърига... Шундай кунлар келдики... Дунё бузилмоқда, подшо тахтини ёвуз кучлар ағдармоқда... дажжол пайдо бўладиган замон... эҳтимол, қиёмат-қойим яқиндир...

Буличов. Эсингга тушди ҳаммаси! Охир замон... Қиёмат-қойим... Ҳаммаси! Эҳ, қарга! Ола қаргадай учиб келиб роса ғағилладинг! Жўна энди, ўз чилтонхонангга бориб, роҳибаларинг, хордаги қизларинг билан ўпишиб ёт! Пул ўрнига мендан, мана буни оласан, ма! *(Бош бармоғини икки бармоғи орасидан чиқариб кўрсатади.)*

Мелания *(ҳайрон, худди йиқилгандай ўзини креслога ташлайди)*. Вой, муттаҳам...

Буличов. Глафира фоҳишамми? Сен ўзинг-чи? Ўзинг гимсан?

Мелания. Ёлғон... ёлғон... *(ўрнидан ирғиб туради)*. Муттаҳам! Яқинда ўласан! Ҳашарот!

Буличов. Йўқол бу ердан! Бекорга...

Мелания. Илон... Иблис...

Буличов *(ўзи ёлғиз ўйиқиради, ўнг биқинини сийлайди, қичқиради)*. Глафира! Ҳой...

Ксения. Нима дейсан! Мелания қани?

Буличов. Учиб кетди.

Ксения. Оббо, яна уришдингизми?

Буличов. Сен қачонгача ўтирасан бу ерда?

Ксения. Бир оғиз гапим бор, қулоқ сол ахир, Егор! Мен билан сира гаплашмай қўйдинг, мен нима, жонсиз буюмманми? Нега менга бунақа ўқраясан?

Буличов. Бўл, гапингни гапир!

Ксения. Нима балолар бўляпти бизникида? Ё қиёмат-қойим бўлдими? Куёв бола юқорида, ўз хонасида қовоқхона очганми — эртадан-кечгача одамлар узилмайди, аллақандай мажлис қилишади, кеча етти шиша қизилдан ичишди, яна қанча ароқ... Қоровул Измаил келиб арз қилди: полиция кела бериб жонига тегибди, бизникига кимлар келганини сўрармиш. Улар бўлса у ерда ҳадеб подшо тўғрисида, министрлар тўғрисида гаплашармиш. Ҳар кун шу хилда айш-ишрат дейди. Нега бошингни ҳам қиласан?

Буличов. Бўл, бўл, гапира қол! Ёшлигимда мен ҳам қовоқхонада музика эшитиб ўтиришни яхши кўрардим.

Ксения. Малаша нега келган экан?

Буличов. Сен, Аксинья, ёлгонни эплалмайсан! Бунга аҳмоқлигинг халақит беради.

Ксения. Мен нимани ёлгон айтибман, қаерда?

Буличов. Шу ерда, Мелания сен билан гапни бир жойга қўйиб, пул тўғрисида гаплашгани келган.

Ксения. Мен қачон у билан гаплашибман? Шу ҳам гапми?

Буличов. Хўп, бўпти, овозингни ўчир...

Достигаев, Звонцов ва Павлин чуғурлашиб кириб келишади.

Достигаев. Егор, қулоқ сол! Павлин отахон Москвадан ғалати гаплар топиб келибди...

Ксения. Сен ётиб ором олсанг бўлсин, егор!

Буличов. Хўп, қулогим... отахон!

Павлин. Яхши гапларда ов, инчунин фикримча яхши... ҳам ёлгонга аниқ... нега десанги уруш... урушга хайтишим... кўнбирок қаёққа... тасаввур... эди... эмас.

Достигаев. Йўқ, мен... қачон... гап...

Звонцов. ...

Ксения. ...

Звонцов. Ким йиғди-яни?

Ксения. Игумения хола.

Достигаев. Унга нима бўпти?

Буличов. Қани чиқиб хабар олинглар-чи, нимадан кўрқди экан? Қани, отахон, ўтир, гапириб бер.

Достигаев. Қизиқ, бу Мелания нимага раҳми келиб йиғлар экан?

Павлин. Москвада зўр ғалаён. Ҳатто ақли расо одамлар ҳам, подшо мамлакат идора қилишни эплай омайди, уни тахтидан тушириш керак, дейишади!

Буличов. Иигирма йилдан бери эплаб келаётувди.

Павлин. Умр ўтиши билан одамдан куч-қувват ҳам кетади.

Буличов. Ун учинчи йилда Романовлар хонадони уч юз йиллик байрамини ўтказган вақтда, Николай менинг қўлимни сиққан эди. Ҳамма халқ, бутун Кострома хурсанд бўлганди.

Павлин. Бу — рост. Ҳақиқатан, халқ хурсанд бўлган эди.

Буличов. Хўш, энди нима бўлибди? Мана, Дума ҳам бор... Йўқ, гап подшога эмас... гап туб негизда...

Павлин. Ҳа
Буличов. Ҳам
туради... Ҳўш, қани
мадик-ку...

Павлин. Дума кучлар
бўлди.

Елизавета (эшик олдида турганда, кучига таяниб)
тазарру қилмоқчи бўлганларни қабул этга кўрсатди.

Павлин. Ие, бу қанақа савол бўлди?

Елизавета. Менинг эрим қани?

Павлин. Шу ерда эди.

Елизавета. Бугун жудаям жиддий бўлиб олинбисиз,
Павлин ота? (Кўздан йўқ бўлади.)

Буличов. Ота...

Павлин. Нима дейсиз?

Буличов. Ҳамма — ота. Худо — ота, подшо — ота,
сен — ота, мен — ота. Аммо бизда куч йўқ. Ҳаммамиз
ўлмоқ учун яшаймиз. Мен ўзимни айтаётганим йўқ, мен
уруш тўғрисида, улгуржи ўлим тўғрисида гапиряпман.
Худди циркдагидай, қафасдаги йиртқич йўлбарсини одам-
лар устига қўйиб юборишганга ўхшайди.

Павлин. Сиз, Егор Васильевич, тинчландинг...

Буличов. Нимага? Ким мени тинчитади? Нима би-
лан. Майли, сен тинчита қол мени... Отахон! Кучингни
кўрсат!

Павлин. Муқаддас китобни — инжилни ўқинг, чу-
нончи масалан, Исо Навинини ўқилса чакки бўлмайди...
Уруш — қонулда бор.

Буличов. Гапирма! Қанақа қонун экан у? Бу —
афсона. Қуёшни тўхтатиб бўлмайди. Ҳаммаси ёлғон!

Павлин. Нолиш — катта гуноҳ. Гуноҳлар билан тў-
либ-тошган бу ҳаётимиз учун юборилмиш илоҳий жазони
сидқидил билан, итоаткорлик билан қабул қилишимиз
керак.

Буличов. Ундай бўлса, оқсоқол Алексей Губин се-
ни хафа қилганда нега индамай қўя қолмадинг? Нега сен
уни судга бердинг, Звонцовни адвокат қилдинг, нега ар-
хиерей сени ёқлаб чиқди? Ҳўш, қани айт-чи, мен ўз дар-
дим тўғрисида қайси судга арз-дод қилай? Бевақт
ажал устидан кимга шикоят қиламан? Масалан, сен
ўзинг, индамасдан ўлиб кетаверармидинг? Тақдирга
тан бериб-а? Йўқ, роса ўқирасан, шундай дод-вой қи-
ласанки...

...мансабим бундай сўзларни
...майди. Негаким, бу сўзлар...

Павлин! Сен ҳам одам-
эшитиш... да ганини қўй, Павлин! Сен ҳам одам-
сан. Бу тан оддий бир одамсан. Доктор эса, юра-
хам ма... Бў босган, дейди...
гинг... Бунақа гаплар қаерга олиб боради? Шунинг
уй... Шунинг ваҳмини қилинг! Асрлардан бери қарор то-
пи... қолганки...

Буличов. Қарор топди-ю, лекин мустаҳкамланмади.

Павлин. Лев Толстой худодан қайтган эди, динсиз-
лиги ваҳждан қарийб муртадликка ҳукм қилинган
аммо ўлимдан, йиртқич ҳайвон сингарди. ... келди.

Ксения. Егор Васильевич... келди. Ёмон
кечаси жандармлар қамоққа... кеттишди дейди. ...
учун сиздан сўрашди...

Буличов. Ёй, Павлин... пасиҳатлардан...
...Мен сенни... қилаарман! Ёмоннинг
қир, Антон... қарфарага ай...
...дан ҳам...

Ксения. Сен... ар...

Буличов. Ҳа... ақди! Бор! (Қўлларини
... гудранади.) Отан... Павлин... Фи...

...да сен, Егор, папир... чексанг бўларди. Тутун
...ишаш осонроқ... нарса кўринмайди. Хўш, Мокей,
...нима гап?

Башкин. Қалайсиз, Егор Васильевич?

Буличов. Тузалиб келяпман. Яковни қамоққа олиш-
димми?

Башкин. Ҳа, бугун кечаси. Ёмон бўлди!

Буличов. Бир ўзиними?

Башкин. Айтишларига қараганда: алақайси соат-
созни ҳам, қизингиз Александра Егоровнани ўқитган му-
аллима Калмиковани ҳам, машҳур исёнчи кочегар Ерило-
новни ҳам қамашибди. Ҳаммаси ўнтача одам.

Буличов. Ҳаммаси ўша «Битсин подшоҳ» дейдиган-
ларданми?

Башкин. Улар ҳар хилга бўлинади: баъзилари
«Битсин подшоҳ» деса, баъзилари «Ҳамма бойлар йўқ
бўлсин: давлатни ишчилар идора қилсин» дейдилар...

Буличов. Беҳуда гап!

Башкин. Албатта.

Буличов. Бугун давлатни ичиб битиришади.

Б а ш к и н. Бўлмаса-чи.
Б у л и ч о в. Ҳа... Борди-ю ичиб битиришмаса-чи?
Б а ш к и н. Ахир, улар хўжайинсиз нима қила оларди?
Б у л и ч о в. Рост. Сенсиз ва Васька Достигаевсиз
яшаб бўлармиди?
Б а ш к и н. Сиз ҳам — хўжайинсиз...
Б у л и ч о в. Бўлмасам-чи? Мен ҳам. Нима деб ашула
қилишяпти?
Б а ш к и н (хўрсиниб). Эски дунёдан воз кечайлик...
Б у л и ч о в. Хўш?
Б а ш к и н. Чангини оёғимиздан супуриб ташлайлик...
Б у л и ч о в. Сўзлари худди ибодат сўзига ўхшайди.
Б а ш к и н. Ибодатга ўхшаш қаёқда? Подшоҳни, са-
ройни нафратлаймиз, демоқчи...
Б у л и ч о в. Шунақа де! У-хў... оббо, шайтонлар-э!..
(Уйланиб қолади.) Хўш, сенга нима керак?

Г л а ф и р а ширгуруч билан ароқ олиб киради.

Б а ш к и н. Менгами? Ҳеч нима.
Б у л и ч о в. Нега келдинг бўлмаса?
Б а ш к и н. Яковнинг ўрнига кимни қўямиз? Шўни
сўрамоқчи эдим.
Б у л и ч о в. Сергей Потаповни.
Б а ш к и н. У ҳам шу хилдаги одамлардан: на худон
билади, на подшон...
Б у л и ч о в. У ҳам-а?
Б а ш к и н. Рухсат берсангиз, Мокроусовни қўйсак. У
бизда ишлашга жудаям талабгор. Ўзи саводли, абжир
одам.
Г л а ф и р а. Овқат совийди.
Б у л и ч о в. Анови полициячини айтяпсанми? Анови
ўғрини? У нега талабгор бўлиб қолди?
Б а ш к и н. Ҳозир полицияда хизмат қилиш хавфли,
кўпчилиги бу ишни ташлаб кетяпти.
Б у л и ч о в. Демак, хавфли дегин? Оббо каламушлар-
ей... Майли, Потаповни айтиб юбор. Эртага эрта билан
келсин. Бор... Глаха, трубачи келдими?
Г л а ф и р а. Ҳа, ошхонада ўтирибди.
Б у л и ч о в. Овқатни еб бўлганимдан кейин уни олиб
кир. Нима бало: уй жимжит бўлиб қолди?
Г л а ф и р а. Ҳаммаси юқорида.
Б у л и ч о в (ароқни ичади). Ҳа, бўпти... Хўш... нега
қовоғинг солиқ?

Г л а ф и р а. Ичма, ўзинга ўзинг жабр қилма, касалингни кучайтириб нима қиласан, ахир! Ҳаммасидан кеч, бу ердан кет. Булар зулук сингари сўриб, адойи тамом қилишади сени... Тириклайин ютиб юборишади! Кетайлик бу ердан... Сибирга...

Б у л и ч о в. Қўйвор, оғриб кетди...

Г л а ф и р а. Сибирга кетамиз, мен ишлайман... Хўш, нима қиласан бу ерда, кимга керагинг бор? Ҳеч ким сени севмайди, ҳамма ўлишингни кутади.

Б у л и ч о в. Бас қил, Глаха... Кўнглимни бузма. Мен ҳаммасини кўриб, билиб турибман! Менга қанчалик жонкуярлигингни ҳам биламан... Дунёда фақат сен билан Шуркани, бор-йўғи икковингни орттирдим, холос. Бошқалар эса — мени адойи тамом қилишди... Балки, ҳали тузалиб кетарман... Трубачини чақир, қани, бўла қол...

Г л а ф и р а. Овқатни есанг-чи.

Б у л и ч о в. Олиб бор овқатингни, овқатинг қурсин! Шуркани чақир... *(Ўзи ёлғиз қолгач, қадаҳни бирин-кетин кўтарди.)*

Т р у б а ч и киради, у озгин, аяч ва кулгили; елкасида — қайиш билан танғиланган халтада — труба.

Т р у б а ч и. Сиз баланд мартабалик жанобга саломатини ташлаётми?

Б у л и ч о в *(ҳайрон)*. Саломат бўл! Утир. Глаха, эшикни бекит. Демак сен трубачи экансан-да...

Т р у б а ч и. Шундай.

Б у л и ч о в. Э-э... Хунук экансан! Қани, гапир! Қапдай даволайсан?

Т р у б а ч и. Менинг даволаш усулим жуда оддий; баланд мартабали жаноб, лекин одамлар дорихона дориси билан даволанишга ўрганиб қолганлари учун менга ишонишмайди, шу сабабдан мен пулни олдин оламан.

Б у л и ч о в. Буни зап ўйлаб топибсан! Лекин тузата оласанми, йўқми?

Т р у б а ч и. Юзларча одамни тузатдим.

Б у л и ч о в. Аммо бой бўлолмабсан-да.

Т р у б а ч и. Ҳалол иш қилиб бой бўлиш мумкин эмас.

Б у л и ч о в. Хоҳ-қо, шунақамисан сен ҳали? Қанақа касалларни даволайсан?

Т р у б а ч и. Ҳамма дардлар одамнинг қорнида ёмон ҳаво тўпланиб қолганлигидан пайдо бўлади, шу сабабдан мен ҳар қандай касални даволайвераман...

Буличов (кулиб). Баракалла, азамат! Қани, трубангни кўрсат-чи...

Трубачи. Бир сўм бера оласизми?

Буличов. Бир сўм? Бўлади. Глаха, сенда борми? Ана, ол, арзон экан.

Трубачи. Бу, ҳали бошланиши. (*Халтани очиб кенг оғизли трубани олади.*)

Шура югуриб киради.

Буличов. Каттакон самовардай-а... Шурок, қалаи бу эмчи? Қани, пуфла-чи!

Трубачи йўталиб олиб, кейин секин чалади, яна йўталади.

Буличов. Шу холосми?

Трубачи. Ҳар суткада тўрт марта беш минутдан пуфласангиз бас!

Буличов. Одамнинг нафаси бўғилиб ўладими кейин?

Трубачи. Асло! Юзларча одамни тузатганман!

Буличов. Хўп. Қани, энди ростини айт-чи: сен ўзингни ким деб ўйлайсан — девонамисан ёки муттаҳам?

Трубачи (*уҳ тортиб*). Ана холос: сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ишонмаяпсиз.

Буличов (*кулимсираб*). Сабр қил. Трубангни йиғиштирмай тура тур. Ростини айт: девонамисан ё муттаҳам? Пул бераман, ҳа!

Шура. Ота, бечорани хафа қилма!

Буличов. Хафа қилаётганим йўқ, Шурок! Отинг нима, табиб?

Трубачи. Гаврила Увеков...

Буличов. Гаврила? (*Кулади.*) Оббо, худо урди... Чиндан ҳам отинг Гаврилами?

Трубачи. Соддагина бир исм... Ҳеч куладиган жойи йўқ!

Буличов. Шундоқ қилиб, сен ким бўлдинг энди: тентакми ёки фирибгар?

Трубачи. Ун олти сўм берасизми?

Буличов. Глаха, олиб кел! Нариги уйда... Нега ўн олти сўм дейсан, Гаврила?

Трубачи. Адашибман! Кўпроқ сўрасам бўларкан.

Буличов. Демак, тентак экансан-да?

Трубачи. Йўғ-э, мен тентак эмасман...

Буличов. Ундай бўлса, муттаҳам экансан-да?

Трубаچی. Муттаҳам ҳам эмасман... Ҳзингиз биласиз: алдамасанг кун кўролмайсан.

Буличов. Мана бу гапинг рост! Бу, огайни, яхши гап эмас-ку, лекин ҳақ гап!

Шура. Алдаш айб эмасми?

Трубаچی. Ҳамма ишонгандан кейин, нега айб бўлсин?

Буличов (*руҳланиб*). Бу ҳам рост! Англадингми, Шура? Бу ҳақ гап! Павлин ота бўлса, бу гапни айтмайди! Айтолмайди ҳам!

Трубаچی. Ҳақ гапни айтганим учун ортиқроқ беришингиз керак. Мана, бўйнимдаги крест ҳақи, баъзиларга трубачининг фойдаси тегади.

Буличов. Тўғри, йигирма беш сўм бер бунга, Глаха. Яна бер. Ҳаммасини бер!

Трубаچی. Мана бу ишингиз учун... кўпдан-кўп қуллуқ... Балким, буни бир пуфлаб кўрарсиз? Ким билади бунинг нималигини, лекин, азбаройи худо, фойдаси тегади!

Буличов. Йўқ Раҳмат. оббо сен, Гаврила-эй! (*Қўлади.*) Ҳай, менга қара... қани, чалиб курсат-чи... қани, пуфла, қаттиқроқ!

Трубаچی. Бу гапни батадан қилиб қилади. Глафира Буличовга...

Ҳа, жонинг борича пуфла!

Эр-хотин Достигаевлар, Звонцовлар, Башкин, Ксения югуриб киришади.

Барвара. Нима бўлди, отажон?

Ксения. Егор, бу нима қилганинг тагин?

Звонцов (*трубачига*). Нима бало! Мастмисан?

Буличов. Тегма унга, тега кўрма! Буларнинг қуллогини қоматга келтириб юбор, Гаврила! Бу — Исрофил бўлади, қиёмат суруни тортяпти! Охир замон бўлди!..

Ксения. Вой ўлай, жинни бўлиб қолибди...

Башкин (*Звонцовга*). Кўрдингизми энди?

Шура. Ота, буларнинг гапини эшитяпсанми? Булар сени жиннига чиқариб қўйишди! Кетинг, ҳой трубачи, тезроқ чиқиб кетинг!

Буличов. Йўқ, кетма! Қулоқларини батадан қил, Исрофил! Қиёмат-қойим! Дунё тамом... Торт сурингни!..

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

Емакхона. Ҳамма нарса жойидан кўзгалган, бесаранжом. Стол устида йиғиштирилмаган идиш-товоқ, самовар, магазиндан турли нарса солиб келтирилган пакетлар, шишалар. Бурчакда чамадонлар, бит-тасини монастырь хизматкори — Таисья йиғиштирмоқда; у учлик қулоқчин кийган. Унинг ёнида — патнис ушлаб турган Г л а ф и р а. Стол устида чироқ ёниб турибди.

Г л а ф и р а. Мелания онамиз кўп турармикин бу ерда?

Т а и с ь я. Мен билмайман.

Г л а ф и р а. Нега ўз кўшхонасига тушмабди?

Т а и с ь я. Билмайман.

Г л а ф и р а. Ёшинг нечада?

Т а и с ь я. Ўн тўққизда.

Зинада З в о н ц о в кўринади.

Г л а ф и р а. Ҳеч нарса билмас экансан! Нима бало, дашти саҳрода ўсганмисан?

Т а и с ь я. Бизга одамлар билан гаплашгани рухсат этишмайди.

З в о н ц о в. Игуменья ойим чой ичдиларми?

Г л а ф и р а. Йўқ.

З в о н ц о в. Самоварни олиб чиқиб, ҳар эҳтимолга қарши яна қайнатиб қўй, балки чой керак бўлиб қолар.

Г л а ф и р а самоварни олиб чиқади.

З в о н ц о в. Нима бўлди сизга — солдатлар қўрқитишдими?

Т а и с ь я. Ҳа, солдатлар.

З в о н ц о в. Нима қилиб қўрқитишди?

Т а и с ь я. Сигиримизни сўйиб ейишди, монастирга ўт қўямиз деб дўқ қилишди. Кечирасиз. *(Бир тўп кирни кўтариб чиқиб кетади.)*

В а р в а р а *(даҳлиздан)*. Бирам лойгарчилик-эй! Сен бу ерда роҳиба билан гаплашиб ўтирибсанми ҳали?

З в о н ц о в. Игуменя оймнинг бизникида бўлиши бир оз ноқулайроқ, шуни биласанми?

В а р в а р а. Бу уй ҳали бизники бўлганича йўқ...
Хўш, Тятин кўндими?

З в о н ц о в. Тятин ё эшак, ё ўзини виждонли одам қилиб кўрсатмоқчи.

В а р в а р а. Шошма. Отам яна бақираётганга ўхшайди... *(Эшик олдида бориб нариги уйга қулоқ солади.)*

З в о н ц о в. Докторлар ақли жойида десалар ҳам ҳалиги трубади билан бўлган жинниликдан кейин...

В а р в а р а. Э, бундан ҳам баттар жинниликларни у кўп қилган. Александра билан Тятин орасида дўстона алоқа бошланганга ўхшайдими?

З в о н ц о в. Ҳа лекин бисёр яхшилик учиринида дўстим етмайди. Синглинг жудаям мугамбир, ундан... энг хунук қилиқлар кутиш мумкин.

В а р в а р а. Афсуски, у сенга кош-кўзини сўйиб юрши сенга жуда ёққан эди.

З в о н ц о в. У менга кош-кўзини сузган бўлса, сенинг гашингни келтириш учун шундай қилган.

В а р в а р а. Шунга хафамисан? Яна Павлин судралиб келяпти. Пашшахўрда бўлиб қолди!

З в о н ц о в. Бизда руҳоний жудаям кўпайиб кетди.

Узаро гап талашиб Е л и з а в е т а билан П а в л и н, сўнгра
М о к е й киради.

П а в л и н. Газеталар ҳар доим шунақа, ёлғон гапни ёзишади! Салом!

Е л и з а в е т а. Мен сизга айтсам, бу нотўғри фикр!

П а в л и н. Подшо ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечган эмас экан, бу гап яхшилаб аниқланди, аксинча, Петроградга кетаётганда йўлда кадетлар партиясининг аъзолари уни қўлга туширган ва зўрлик билан воз кечишга мажбур қилган... Шундай!

З в о н ц о в. Бундан қандай хулоса чиқади?

Е л и з а в е т а. Отахон Павлин революцияга қарши,

аммо урушга тарафдор, мен бўлсам, урушга қаршиман. Мен Парижни соғиндим... Етар шунча урушганимиз! Фикримга қўшилсанми, Варя? Анри-катр: «Урушдан Париж яхши»,— деган, эсингдами? Биладан: у худди шундай деб айтмаган, лекин хато қилган.

Павлин. Мен ҳеч бир масалада қаттиқ туриб талашмайман, негаким, ҳамма нарса омонат, лиқиллаб зўрға турибди.

Варвара. Сулҳ керак, отахон Павлин, сулҳ! Қора халқнинг авзойини кўряпсизми?

Павлин. Кўряпман! Хўш, беморимиз қалай! Бу жиҳатдан аҳвол қандай? (*Қаншарини чимчилайди.*)

Звонцов. Докторлар унда ҳеч қандай ёмон аломат топмадилар.

Павлин. Буниси яхши! Аммо докторлар фақат бир нарсани беҳато топадилар, у ҳам бўлса — хизмат ҳақи...

Елизавета. Бирам заҳарсизки! Варя, Жанна бизни кечки овқатга таклиф қиляпти.

Башкин. Қамоққа олинганлар бўшатилади, полиция эса балога қолди.

Павлин. Ҳа, ҳа... Жуда қизиқ! Хўш, Андрей Петрович, бу ҳодисалардан сиз қандай яхшилик кутяпсиз?

Звонцов. Ижтимоий кучлар қонуний йўл билан ташкил топади ва тез фурсатда ўз сўзини айтади. Ижтимоий кучлар деганда мен иқтисодий жиҳатдан мустақкам негизга эга бўлган одамларни тушунаман...

Варвара. Менга қара, Жанна бизни таклиф қилди. (*Уни бир четга олиб чиқиб, қулоғига шивирлайди.*)

Звонцов. Биласанми, бу таклиф мени анча ўнгайсиз ҳолга тушириб қўяди! Бир томонда — Игуменя, иккинчи томонда — анови сатанг...

Варвара. Жим, секинроқ гапирсанг-чи!

Башкин. Андрей Петрович! Мокроусов келибди, приставнинг муовини бор-ку, биласизми?

Звонцов. Ҳа. Нима дейди?

Башкин. У замонадан хавотирланиб хизматидан бўшамоқчи: ўрмонда — дарахт кесишга ишга олинганлар, дейди.

Звонцов. Қандай бўлар экан?

Варвара. Шошмай тур, Андрей...

Башкин. Қандай бўларди, жуда яхши бўлади. Энди Лаптев думини қисиб қолади ва ишдан бўйин товлайди. Донат бўлса, ўзингизга маълум, бизга тўғри келадиган одам эмас, бунинг устига ҳақиқат излайдиганлардан; қа-

чон қарасанг ҳақ-ҳақиқат деб вайсагани-вайсаган... Ҳзин-
гиз кўриб турибсиз, бу замонда ҳақиқат нима қилсин!

З в о н ц о в. Бўлмагур гап! Биз, айни ҳақиқат танта-
на қила бошлаган вақтда яшайпмиз...

В а р в а р а. Шошмасанг-чи, ҳой Андрей.

З в о н ц о в. Ва адолат ҳукмрон бўладиган даврнинг
бошланишида турибмиз.

В а р в а р а. Ҳзингиз нима дейсиз, Мокей?

Б а ш к и н. Менга қолса, Мокроусовни ишга олиш ке-
рак. Егор Васильевичга бу ҳақда айтган эдим.

В а р в а р а. У нима деди?

З в о н ц о в қовоғини солиб бир четга чиқади.

Б а ш к и н. Аниқ бир нарса дегани йўқ.

В а р в а р а. Мокроусовни ишга олинг.

Б а ш к и н. Ҳзини бир кўрсангизмикан?

В а р в а р а. Нима кераги бор?

Б а ш к и н. Танишмоқ учун. Ҳзи шу ерда.

В а р в а р а. Ҳа, майли...

Башкин даҳлизга чиқиб кетади. Варвара дафтарчасига алланималар
ёзади. Башкин Мокроусовни бошлаб киради. У — юмалақ
юзли, қошлари таажжублангансимон чимирилган, юзи кулимсираган
бир одам. Фақат эффа-бимасанг деб кетгани йўқини шу билан

лаштириб аскарчасига таъзим қилади.

М о к р о у с о в. Ҳурматимни изҳор этишга ижозат
бергайсиз. Сизга хизмат қилиш шарафига эга бўлганим
учун беиҳоят миннатдорман.

В а р в а р а. Ҳуда хурсандман. Сиз ҳатто форма ки-
йиб келибсиз, мен, полицияни қуролсизлантвришяпти,
деб эшитувдим.

М о к р о у с о в. Ҳуда тўғри айтдилар: полиция фор-
масида кўчага чиқиш хавfli бўлиб қолди, шунинг учун
мен, гарчи ёнимда яроғим бўлса ҳам, росмаиа пальто ки-
йиб олдим. Аммо, ҳозир баъзи бир асоссиз умидлар пай-
до бўлганлиги сабабидан, қора халқ бир озроқ босилиб
турибди, шу сабабдан... шоп-шалоп тақмадим.

В а р в а р а. Бизнинг хизматимизни қачон бошламоқ-
чисиз?

М о к р о у с о в. Фикран мен аллақачондан бери сиз-
нинг камтарин хизматчингизман. Ҳрмонга эртага десалар
ҳам жўнашга тайёрман, негаки, мен сўққабош одам-
ман ва...

Варвара. Сиз қандай ўйлайсиз, бу тўполон узоқ чўзилармикан?

Мокроусов. Менинг чамамда, бутун ёз ичи чўзилар. Ундан кейин ёгингарчилик бошланади, совуқ тушади, кўчада санқиб юриш оғирлашиб қолади.

Варвара (*кулмсираб*). Фақат ёздагинами? Қайдам. революция об-ҳавога қарамаса керак.

Мокроусов. Кечирасиз! Об-ҳаво ҳазилакам нарса эмас! Қиш — қизишганларни совитиб қўяди.

Варвара (*кулмсираб*). Сиз оптимист экансиз.

Мокроусов. Полиция — умуман оптимист бўлади.

Варвара. Шунақами?

Мокроусов. Албатта. Бу ўз кучига ишонганидан.

Варвара. Сиз армияда хизматда бўлганмисиз?

Мокроусов. Худди шундай. Бузулук резерв батальонида, унвоним подпоручик.

Варвара (*қўл узатиб*). Хўп, сизга муваффақиятлар тилаб қоламан.

Мокроусов (*унинг қўлини ўпиб*). Чин кўнгилдан миннатдорман. (*Кетига тисарила-тисарила, тапиллатиб чиқиб кетади.*)

Варвара (*Башкинга*). Бу, аҳмоқ одамга ўхшайдику, а?

Башкин. Зарари йўқ. Ақлларни ҳам кўряпмиз... Уларга эрк бериб қўйсанг, бутун ер юзини, чўнтакка ўхшатиб, ағдар-тўнтар қилиб ташлашади...

Павлин (*Башкин билан Елизаветага*). Руҳонийларга эркин равишда ваъзхонлик қилиш ҳуқуқи берилиши лозим, йўқса ҳеч нарса чиқмайди!

Глафира билан Шура Буличовни қўлтиқлаб олиб киришади. Ҳамма Буличовга тикилиб, жим қолади, унинг қовоғи солиқ.

Буличов. Хўш? Нега жим қолдинглар? Шунча вақт чувиллашдинг-чувиллашдинг-да, бирданига...

Павлин. Шошиб қолдик... Туппа-тузук одамни бу ҳолатда...

Буличов. Нима?

Павлин. Қўлтиқлаб чиққанларига...

Буличов. Қўлтиқлаб чиққанларига! Оёқ жонсиз бўлиб қолгандан кейин қўлтиқлашади-да! Қўлтиқлаб чиққанларига эмиш. Мокей, Яшуткани бўшатдиларми?

Башкин. Ҳа, ҳамма маҳбусларни бўшатишди.

Звонцов. Сиёсий маҳбусларни.

Буличов. Яков Лаптевни озод қилишибди-ю, подшоҳни қамоққа олишибди-да. Шунақа гаплар, отахон Павлин! Бунга нима дейсан, хўш?

Павлин. Мен бундай ишларда тажрибасизман... лекин, менинг ақли қусуримга кўра, бу одамлар нималар дейди ва нималар қилмоқчи, аввало шуни билиш керак эди.

Буличов. Подшо сайлаш керак. Подшо бўлмаса — ҳаммангиз бир-бирингизнинг гўштингизни ейсиз...

Павлин. Бугун чеҳрангиз очиқ, руҳингиз тетик кўринади, дардни енгаётганга ўхшайсизми?

Буличов. Ҳа, ҳа... енгяпман! Сиз, эру хотинлар, сен ҳам, Мокей, Павлин отахон билан мени ёлғиз қолдиришлар! Сен, Шуренок, кетма.

Башкин даҳлизга чиқиб кетади. Звонцовлар билан Достигаевлар юқорига чиқшади. Икки минутчадан кейин Варвара юқоридан зинанинг ярмисигача тушиб қулоқ солиб туради.

Шура. Сен ёт.

Буличов. Ётгим келмайди. Хўш, отахон Павлин, черков қўнғироғи тўғрисида келдингми?

Павлин. Йўқ, сизни анча оғинаётган қолди хўш, лекин буларнинг ўрнида оғина келмо эдим, лато қилмаган эканман. Аммо, иккинчи томондан, шаҳримиз ва ибодатхонамиз ободончилиги учун қилган хизматларингизни ва хайр-эҳсонларингизни ўйлаб...

Буличов. Сен менинг ҳақимга астойдил дуо қилмайсан, дардим кундан-кунга кучайиб кетяпти. Энди худо йўлига садақа бергим ҳам келмай қолди. Нима учун ҳам бераман? Ҳали ҳам озмунча бермадим, ҳеч бир фойдаси йўқ.

Павлин. Сизнинг садақаларингиз...

Буличов. Шошма! Бир саволим бор, ахир худо уялмайдами? Нега ўлим юборади?

Шура. Улимдан гапирма, қўй!

Буличов. Сен жим тур! Сен қулоқ сол. Мен ўз тўғримда гапираётганим йўқ.

Павлин. Сиз бундай фикрлар билан ўзингизни беҳуда ташвишга соляпсиз. Руҳ абадий бўлгандан кейин ўлимнинг нима аҳамияти бор?

Буличов. Нега энди ўша руҳ, ифлос ва тор жасадага қамаб қўйилган?

Павлин. Черков бундай саволни, ортиқча ва беҳуда, деб билади ва ҳатто...

Варвара зинада оғзини рўмолча билан тўсиб кулади.

Буличов. Сен гапни кўп чўзма! Тўғрисини гапир. Шура, трубаачи эсингдами, а?

Павлин. Александра Егоровнанинг ҳузурда бундай...

Буличов. Бу гапингни қўй! У ҳали яшайди, у билиши шарт! Мен бўлсам, шунча йил яшаб, мана, энди сўра-япман: сен нега яшайсан?

Павлин. Ибодатхонада хизмат қиламан...

Буличов. Биламан, хизмат қилишингни биламан. Бир кун келиб сен ҳам ўласан-да. Бунинг маъноси нима? Бизнинг ўлимимизда қандай маъно бор, Павлин?

Павлин. Ҳадеб сўрайсиз... Ҳаммаси мантиқсиз ва фойдасиз саволлар! Кечиринг, сиз энди у дунёни кўпроқ ўйласангиз бўларди...

Шура. Унақа деманг!

Буличов. Мен бу дунёнинг одамиман! Мен тамомаи шу дунё кишисиман!

Павлин (*ўрнидан туради*). Бу дунё бир тупроқ, холос...

Буличов. Тупроқ. Ундай бўлса сиз, ҳиммм... Ундай бўлса, сиз ер тупроқ эканини ўзингиз ҳам тушунишингиз керак! Тупроқ дейсану — устингдаги ридо шоҳидан! Тупроқ дейсану — крестинг олтин, тупроқ дейсану — кўзинг тўймайди...

Павлин. Бокира қиз олдида, беҳуда ва ярамас гапларни қиляпсиз...

Буличов. Бокира, ёлига...

Варвара шошиб юқорига чиқиб кетади.

Сиз аҳмоқларни, итни қуён овлашга ўргатгандай, ўргатишади... Бир гадо Исонинг соясида роса бойиб кетдинглар...

Павлин. Дард сизнинг жаҳлингизни қўзгаяпти, сиз, жаҳлингизга чидаёлмай, тўнғиздек бўкиряпсиз...

Буличов. Кетяпсанми? Ҳа, баракалла...

Шура. Бекорга ҳаяжонланяпсан, бундай қилсанг баттар бўлади... Намунча... бесаранжом одамсан...

Буличов. Майли! Ачинадиган жойим йўқ! Бирам ёмон кўраманки бу попни! Сен диққат қил, қулоқ бер, мен атайлаб сен учун кўрсатяпман...

Шура. Ҳзим ҳам ҳаммасини кўриб турибман... ёш бо-
ла эмасман. Эсим бор, биламан.

Зинада Звонцов пайдо бўлади.

Буличов. Улар, ҳалиги трубоча воқеасидан кейин,
мени жиннига чиқариб қўйишди; докторлар бўлса, соппа-
соғ дейди! Сен докторларга ишонасанми, Шура? Доктор-
ларга?

Шура. Мен сенга ишонаман... сенга...

Буличов. Ҳа, баракалла! Менинг ақлим жойида!
Докторлар билишади. Дарҳақиқат, мен нозик масалани
қўзғаб қўйдим. Ахир, бу ҳамма учун қизиқ масала-да:
ўлим нима? Ёки, масалан, ҳаёт нима? Тушуняпсанми?

Шура. Сен оғир касал эмассан, мен бунга ишонмай-
ман. Сен бу уйдан кетишинг керак. Глафира рост айтади!
Астойдил даволаниш керак. Сен ҳеч кимнинг гапига кир-
майсан.

Буличов. Ҳамманинг гапига кираман! Мана энди,
кинначи кампирни синаб кўрамиз. Балки фойдаси тегар.
Келадиган вақти ҳам бўлади. Бу оғриқ мени еб тугатди...

Шура. Қўй, азизим! Ундай дема, жонгинам! Ётиб
ором ол...

Буличов. Ётсам бўлмайди. Ётсам — тасани бўла-
ганим. Тушунганимда сеникидан ҳам яхшироқ бўлади.
Келади. Баъзи нарсаларни сенга айтиб беришим керак. Би-
ласанми... нима гап... гап шуки, мен ўз кўчамда яшаётганим
йўқ! Бегоналар орасига тушиб қолдим, ўттиз йилдан бери
доим етти ёт одамлар орасида яшаб келяпман. Аммо сенга
буни асло раво кўрмайман! Менинг отам — дарёда сол
ҳайдаб ёғоч оқизар эди. Мен бўлсам, мана... Буни сенга
тил билан ифодалаб беролмайман.

Шура. Шошмасдан, секингина гапиравер... Бурунла-
ри қандай чўпчаклар айтиб берардинг... Ушандай қилиб
гапиравер...

Буличов. Мен сенга чўпчак эмас, ҳамиша ҳақ гапни
айтганман. Биласанми... Бу поплар, подшолар, губернатор-
лар... Буларнинг менга нима кераги бор? Худога ишон-
майман. Худо қаерда ўзи? Кўриб турибсан-ку — йўқ...
Яхши одам ҳам йўқ. Яхши одамлар — қалбаки пул синга-
ри... кам учрайди! Одамлар қанақалигини кўряпсанми?
Мана энди ҳаммаси чалкашиб кетди, бир-бирини ғажиб...
расвоси чиқди! Аммо улар билан нима ишим бор? Егор

Буличовга уларнинг нима кераги бор? Сенга ачинаман... Хўш, қандай қилиб бу одамлар орасида яшай оласан?

Шура. Сен менинг ташвишимни тортма...

Ксения (кираркан). Александра, Тоня билан акаси сени йўқлаб келибди, анови ҳам...

Шура. Утириб туришар.

Ксения. Сен чиқиб тур! Отанг билан пича гаплашмоқчи эдим...

Буличов. Мен-чи, борди-ю мен хоҳламасам-чи?

Шура. Ишқилиб, гапни кўп чўзманг.

Ксения. Ургат-а, ўргат менга! Егор Васильевич, Зобунова келди.

Буличов. Шурок, бирпасдан кейин уларни бу ёққа олиб кир, ёшларни... Ҳай, чақир Зобуновани!

Ксения. Ҳозир. Мен шуни айтмоқчи эдим, бу Александра анови ярамас бола билан, Андрейнинг ўғай укаси билан дўстлашиб қолибди. Ўзинг биласан: бу йигит унга тенг эмас. Битта гадойга жой берган эдик, елкамизга ми-ниб олди.

Буличов. Сен, Аксинья, ростини айтсам, худди ёмон тушга ўхшайсан!

Ксения. Майли, хўрайвер: худога солдим! Сен қизингни тергаб: Тятинга кўз сузишни бас қил, деб қўйсанг бўларди.

Буличов. Яна нима дейсан?

Ксения. Мелания келди.

Буличов. Нега?

Ксения. Бошига бахтсизлик тушибди. Қочоқ солдатлар монастирга бостириб кириб, бир сигирини сўйишибди, иккита болта, белкурак, бир боғлам арқонни ўгирлаб кетишибди; мана шунақа ҳодисалар! Урмончимиз Донат бўлса, ёмон одамларни ёнига тўплаб олибди, улар дарахт кесилаётган ердаги баракда туришар эмиш...

Буличов. Масала равшан: менга ёққан одам ҳеч кимга ёқмайди.

Ксения. У билан ярашиб олсанг яхши бўларди...

Буличов. Мелания биланми? Нега энди?

Ксения. Нега бўларди. Дардинг огир...

Буличов. Майли. Ярашганим бўлсин... Мен унга: «Бизнинг гуноҳимиздан ўтгайсен», дейман.

Ксения. Мулойимроқ гапиргин. (Чиқиб кетади.)

Буличов (ғудранади). «Гуноҳимиздан ўтгайсен...»

«Андоғким, биз бошқалар гуноҳидин ўтгандек...» Ҳаммаси ёлғон... Оббо шайтонлар-ей...

В а р в а р а. Отажон! Ойимнинг Степан Тятин тўғрисида гапирганини эшитиб қолдим...

Б у л и ч о в. Ҳа... Сен эшитмаган, сен билмаган гап йўқ...

В а р в а р а. Тятин — камтар одам, Александра учун унча кўп қалин пули сўрамайди, Александрага жудаям боп куёв.

Б у л и ч о в. Жудаям ғамхўрсан, қизим...

В а р в а р а. Мен разм солиб юриб, Тятинни текширдим...

Б у л и ч о в. Сен кимнинг ғамини еяпсан? Эҳ, сиз... шайтонваччалар!

М е л а н и я билан К с е н и я киради. Т а и с ь я эшик олдида тўхтайдди.

Б у л и ч о в. Хўш, Малаша? Ярашадиган бўлдикми?

М е л а н и я. Аиа шунақа-да, зўр! Бекордан бекорга, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ... ҳамманинг дилини огритасан

Б у л и ч о в. «Бизнинг гуноҳимиздан ўтгайсен» — Малаша!

М е л а н и я. Гап гуноҳ тўғрисида эмас. Шўхликни таш-

си бўлган подшони тахтдан туширишди. Бу ахир, нима деган гап? Худованди карим бандалар бошига қаҳр-ғазабни селдай ёғдирди, ҳамма жинни бўлди, одамлар ўзига ўзи чоҳ қазишяпти. Қора халқ бош кўтарди. Копосовлик қишлоқи аёллар менинг юзимга: «Биз халқ бўламыз!» деб ўшқирди, «Бизнинг эрларимиз — солдатлар, улар ҳам халқ!» деб бақирди. Мана, кўрдингми? Узинг ўйлаб кўр! Солдат қачондан бери одам қаторига қўшилиб қолди?

К с е н и я. Бунақа нарсаларни фақат Яков Лаптев гапирди, ўша маъқуллайдди.

М е л а н и я. Губернаторни ишдан тушириб ўрнига Осмоловский деган нотариусни ўтқазиб қўйишди.

Б у л и ч о в. У ҳам қорни катталардан.

М е л а н и я. Кеча Никандр ҳазрат бундай дедилар: «Даҳшатли ҳодисалар арафасида турибмиз; наҳотки авом халқдан ҳукумат тузиш мумкин бўлса? Йўқ, мумкин эмас. Библия замонидан бери халқларни қилич ва крест ушлаган қўл идора қилиб келган.

В а р в а р а. Библия дейсиз — ахир у замонда одамлар крестга чўқинишмас эди...

М е л а н и я. Сен, маҳмадона, жим ўтир. Ахир инжил билан библия битта муқовада-ку! Крест эса — қилич демак. Иккиси бир нарса! Одамлар қай замонда, нимага топинганини ҳазрат сендан кўра яхшироқ билади! Сиз, нафс бандалари, тахт агдарилганига хурсандсиз. Севинчингиз аччиқ кўз ёшга айланиб кетмасайди, дейман. Егорушка, сен билан юзма-юз гаплашмоқчи эдим...

Б у л и ч о в. Шундай қилиб, яна бир сўкишарканмиз-да? Майли, гаплашсак гаплашайлик, лекин, ҳозир эмас! Ҳозир эмчи келади. Тезроқ согайгим келади, Малаша!

М е л а н и я. Бу Зобунова жуда машҳур эмчи. Докторлар унга етиб бўпти! Ундан кейин сен Прокопий авлиё билан ҳам гаплашсанг бўларди...

Б у л и ч о в. Болалар — Пропотей деб лақаб қўйган анови таъвиями? У мутгаҳам эмиш-ку?

М е л а н и я. Гапирма, гапирма-э! Шу ҳам гапми? Сен уни чақиртиргин...

Б у л и ч о в. Уни ҳам чақирсак бўлади. Бугун аҳволим бир оз дуруст... Фақат мана бу оёқларим... Кўнглим очилгандай. Негадир ҳадеб кулгим келади... Ҳамма нарса кулгили кўринади! Аксинья, эмчи хотинни чақир.

К с е н и я чиқиб кетади.

М е л а н и я. Э, Егорий, сенда ҳали... анчагина бор!

Б у л и ч о в. Шуни айтаман-да: анчагина бор...

К с е н и я. Ҳамма чиқиб турсин, дейди кампир...

М е л а н и я. Ҳа, майли, чиқайлик...

Ҳамма чиқиб кетади. Буличов кулиб, биқинини ва кўрагини уқалайди. Зобунова киради. У оғзини қийшайтириб, билинар-билиппмас, лекин сезиларли қилиб ўнг томонга қарата дам солиб, куф-суф қилади, ўнг қўли кўкрагида, чап кафтини балиқ қанотига ўхшатиб силтайди. Тўхтади ва ўнг қўли билан юзини силайди.

Б у л и ч о в. Ҳа, нима бало — жинларга чўқинияпсанми?

Зобунова (*куйлаб*). Ҳай-ҳай, дардлар, оғриқлар, тандаги, жондаги иллатлар, ҳордиқлар! Чиқинглар, кетинглар: худонинг бандасидан чекининглар! Бу кунда, шу дамда, ҳаммангни бу ердан ҳайдайман, ўткир нафасим билан ҳайдамай қўймайман! Ассалом, ассалом, айланай, ўргилай, қалайсиз, бормисиз, тинчмисиз, Егорий!..

Б у л и ч о в. Омонмисан, хола! Бу нима, ажиналарни ҳайдаганингми?

Зобунова. Йўқ, садаганг кетай, улар билан бордикелди қилиб бўладими?

Буличов. Керак бўлса — қиласан-да! Поплар худоба сигинади, сен поп эмассан, ажиналарга сигинишинг керак.

Зобунова. Вой ўлай, нега бунақа ваҳимали гапларин гапирасан? Фақат эси паст одамларгина мени, ажиналар билан бордикелди қилади, дейишади.

Буличов. Ундай бўлса, хола, сендан ҳам ҳеч иш чиқмайди! Поплар мен учун худоба кўп ёлворишди. Худо қабул қилмади, менга ёрдам қилгиси йўқ.

Зобунова. Сен қазиллашяпсан, оппогим, бу — менга ишонмаганингдан.

Буличов. Агар ажиналардан вакил бўлиб келганинга, сенга ишонардим. Ўзинг билсанг керак, албатта эшитгансан, мен бузуқ одамман, йўлдан озганман, одамларга ёмон муомала қиламан; пулни, дунёни ўлгидек яхши кўраман...

Зобунова. Эшитганману, аммо менга пича пулга қизганарсан деб ўйламайман.

Буличов. Ёмон, хола, иулдан озган, жуда ёмон кишиман, худонинг мен билан асло иши йўқ, худо Егор Буличовдан юз ўгирган. Шундай бўлгандан кейин, агар сен ажиналар билан келсан бўлсанг, менга келсанг, бу пулни менга қолдан қизларнинг оолаларини тушир. Сенинг касбинг шу эмасми, а?

Зобунова. Вой шўрим! Сени одамлар — юзи қора, ўжар дейишар эди, рост экан-да!

Буличов. Нима? Нега ёлғон гапирасан? Йўқол!

Зобунова. Ёлғон гапиришга ўрганмаганман. Қани, менга айт-чи, қаеринг огрийди, қандай огрийди?

Буличов. Қорним жуда ёмон огрийди. Мана бу ери.

Зобунова. Менга қара... Аммо лекин ҳеч кимга айта кўрма. Зинҳор!

Буличов. Айтмайман. Қўрқма.

Зобунова. Сариқ дард бор, қора дард бор. Сариқ дардни доктор ҳам тузата олади, аммо қора дардни поп ҳам, ундан каттаси ҳам тузата олмайди. Қора дард, инсжиндан бўлади, унинг фақат биргина иложи бор.

Буличов. Ишқилиб, тезроқ ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўладими? А?

Зобунова. Иложи бор, лекин жуда қиммат!

Буличов. Албатта! Тушунаман.

Зобунова. Бунда, албатта, инс-жинс билан гаплаш-
маса бўлмайди.

Буличов. Иблиснинг ўзи билан-а?

Зобунова. Ўзи билан бўлмаса ҳам, ишқилиб...

Буличов. Қўлингдан келадими?

Зобунова. Аммо лекин ҳеч кимга оғиз очмайсан...

Буличов. Йўқол кўзимдан, кампир!

Зобунова. Шошмасанг-чи, ахир...

Буличов. Йўқол дедим, йўқса дабдалангни чиқара-
ман...

Зобунова. Менга қулоқ сол...

Глафира (даҳлиздан). Сенга айтяпти, йўқол!

Зобунова. Нима бало бўлди сизларга...

Буличов. Ҳайда бунни, ҳайда дейман!

Глафира. Бир ками шу қолувди! Алвастига ўхшай-
ди-я!

Зобунова. Ўзинг алвасти! Афтинг қурсин... Сат-
қай одам кетинглар... Илоё уйқу юзини, роҳат юзини кўр-
манглар! (Чиқиб кетади.)

Буличов (қайрилиб қарайди, оғир нафас олади).
Ф-фу...

Мелания билан Ксения киради.

Мелания. Ҳа, Зобунова ёқмадими, маъқул бўлма-
дими?

Буличов унга тиклади, жим.

Ксения. Зобунова ҳам ўлгидай қўрс. Одамлар мақ-
тайвериб, жудаям талтайтириб юборишди.

Буличов. Хўш, Малаша, нима дейсан: худонинг
қорни оғрирмикин?

Мелания. Айнима...

Буличов. Исонинг қорни оғриган бўлса керак.
Унинг овқати балиқ эди...

Мелания. Бас қил, Егор. Нега менинг гашимга те-
гасан?

Глафира. Кампир қилган хизмати учун пул сўра-
япти.

Буличов. Бер, Аксинья! Малаша, сен мени кечир!
Мен чарчадим. Ўз хонамга кираман. Аҳмоқларга иши туш-
ган одам ёмон чарчайди. Қани, Глаха, ёрдамлашиб юбор...

Глафира уни суяб, чиқиб кетади. Ксения қайтиб келиб, опасига
савол назари билан қараб туради.

Мелания. Ұзини жұрттага жинникка салади!
Жұрттага...

Ксения. Йўғ-э! Унақа қилгудай ҳоли борми...

Мелания. Униси ҳеч гап эмас! Майли, ўйнай берсин. Агар васиятнома масаласи судга тушадиган бўлса, бу ўйинлари ўз зарарига ишлайди. Таисья ўтади гувоҳликка: Зобунова, Павлин, ҳалиги трубаши, ўҳ-ҳў, гувоҳ оз дейсанми? Васият қилувчининг мияси айниганини исбот қилиб берамиз.

Ксения. Ҳайронман, кети нима бўлишига ақлим ҳам етмай қолди...

Мелания. Шунинг учун сенга ўргатяпман-да! Ҳа! Сен бўлсанг... лип этиб унга тега қолдинг! Мен сенга айтиб эдим, Башкинга теккин деб.

Ксения. А-а... Бу қачонги гап! Ушанда ўзи ҳам бургутдай йигит эди-да, менга ҳавасинг келиб, ғайирлик қилгансан...

Мелания. Мен-а? Нима бало? Жинни бўлдингми?

Ксения. Энди эслашнинг ҳожати ҳам йўқ.

Мелания. Ё парвардигор! Ғайирлик қилганмишман!

Мен-а?

Ксения. Прокофийни нима қиламиз? Унинг кераги йўқдир энди?

бир жойга қўйдик, энди керак эмасмиш! Сен менга халақит берма! Бор, уни пишитиб олиб кир. Таисья!

Таисья даҳлиздан кириб келади.

Ҳа, нима бўлди?

Таисья. Ҳеч нарса билолмадим.

Ксения чиқади.

Мелания. Нега?

Таисья. Шура ҳеч айтмаяпти.

Мелания. Нега айтмас экан? Тузукроқ сўрашинг керак эди.

Таисья. Тузукроқ сўрадим, у бўлса мушукдай хириллайди, холос. Олдига кирсам — сўқади.

Мелания. Нима деб сўқади?

Таисья. Муттаҳамлар дейди.

Мелания. Нега энди?

Таисья. Отамни жинни қилмоқчисизлар, дейди...

Мелания. Сенга шундай дедими?

Таисья. Йўқ, Пропотей авлиёга.

Мелания. У пима деди?

Таисья. У бўлса, нуқул бемаъни сўзларни такрорлайди...

Мелания. Бемаъни дейсанми?.. Вой... бестамиз-эй! У авлиё, ғойибдан хабар беряпти, жиши! Даҳлизда ўтир, у ердан бир қадам жилма... Ошхонада яна ким бор?

Таисья. Мокей...

Мелания. Бўпти, бор... (У Буличов ётган уйнинг эшиги олдига боради, тақиллатади.) Егор, авлиё келди.

Пропотейни Ксения билан Башкилар бошлаб келишади; оёғида чориқ, товонигача тушган узун қоп кўйлак кийган, кўкрагига аллақанча мис крест ва бошқа ҳар хил иконалар осиб олган. Важоҳатни хунук: сочлари ҳурпайган, қалин ва ниҳоятда узун, сийрак, эчки соқол, ҳаракатлари кескин, қалтираб туради.

Пропотей. Бай-бай, ҳамма ёқни тутун босиб кетибди, тутун! Нафас қайтади...

Ксения. Бу ерда, отахон, ҳеч ким чекмайди.

Пропотей қиш шамолга ўхшатиб увиалайди.

Мелания. Чиққунча сабр қилиб тур...

Буличов (Глафира қўлтиғидан суяб олиб чиқали). Оббо сен-эй... келибсан-да!

Пропотей. Кўрқма. Қалтирама! (Увиллайди.) Дунё бевафо, умр бебақо! Гриша деган бор экан, баландга чиқмоқчи бўлар экан, боши шифтга тегибди, шайтон уни судраб кетибди...

Буличов. Распутин тўғрисида гапиряпсан шекилли?

Пропотей. Ана — подшо тахтдан қулади, подшодлик энди расво бўлади, дунё гуноҳга ботиб, ажал бозори қизиб, ҳамма ёқни қўланса ҳид босиб кетди! Қор аралаш бўрон гувиллайди, фисқ-фужур гувиллайди! (Увиллайди. Ҳассаси билан Глафирани кўрсатади.) Хотин қиёфасига кирган шайтон ёнингда турибди, ҳайда уни!

Буличов. Мен сени ҳайдайман! Вайсагину, аммо ҳаддингдан ошмагин! Мелания, бунақа гапларни сен ўргатдингми унга?

Мелания. Нималар деяпсан? Жиннига гап ўргатиб бўладими?

Буличов. Бўладиганга ўхшайди...

Зинадан Шур а югуриб тушади, унинг кетидан Антонина, Тятин келишади. Секин-секин Достигаевлар ва Звонцовлар тушадилар. Пропотей индамасдан ҳассаси билан ҳавога ва ерга нималарнидир чизади, бошини қуйи солиб, ўйланиб туради.

Шур а (отаси олдига югуриб боради). Бу яна нимаси? Бу яна қандай найрангбозлик?

Мелания. Сен жим тур!

Пропотей (қийналиб сўзлагандай). Имонсиз ухлаёлмайди, соат чиқ-чиқини қўймайди!.. Билсайди парвардигор — бўларди мададкор... мен эмасман бадкирдор, асло; асло! Кимдан келди бу бало! Ўйнаб қол, иблис, таралла-ялла, не истасанг ҳаммаси муҳайё! Қичқирди хўроз: қу-қу-қу-у... тун ярмидан ошгани бу... имонсизнинг ўлгани бу...

Буличов. Жуда боплаб ўргатишибди сенга...

Мелания. Халақит берма, Егор, халақит берма!..

Пропотей. Энди нима қиламиз?.. Одамларга нима деймиз?

Антонина (афсусланиб). У ваҳимали эмас... мутлақо!

Пропотей. Сиокани ёллиолилар жанозани ёкидилар. Балки ўйинга тушиш керакдир? Қани бўлмаса, ўйнайлик, сиз билан биз қувнашайлик! (Аввал секинроқ, борган сари қаттиқ овоз билан қўшиқ айтиб ўйинга тушади.) Ё

тақир-туқур, жангир-жунғур, пешонангни деворга ур, деворга ур! Дидладинг, ҳидладинг — нималарни ҳидладинг? Жалла-жало, жаложар! Шайтон у билан ўйнашар! Аена-юмаёна, у жаҳонда ягона. Закатама далласи бор, ғалати ҳунари — ҳийласи бор! Фаҳш ишдан ва гуноҳдан, қочолмайсан бу даргоҳдан! Егор, бемор, нега бўгиласан, кулфат учун туғилгансан...

Шур а (қичқиради). Ҳайданглар буни!

Буличов. Сизларга нима бўлди... лаънатилар... Мени кўрқитмоқчи бўласизларми?

Звонцов. Бўлди, бу майнабозликларни тугатиш керак...

Глафира Пропотей олдига югуриб келади, у тўхтовсиз айланади, ҳассасини унга ўқталиб урмоқчи бўлади.

Пропотей. Хув, ҳа, ҳай-ҳуй! Жиз-биз, инс-жинс...

Тятин Пропотейнинг қўлидан калтакни тортиб олади.

Мелания. Сенга нима? Кимсан ўзинг?

Шура. Дада, ҳаммасини ҳайдасанг-чи... Нега индамай қараб турибсан?

Буличов (қўлларини силтаб). Шошма... Шошма...

Пропотей полга ўтприб увиллайди, чийиллайди.

Мелания. Унга вахий келди... қўл теккизиб бўлмайди! Ҳозир у илоҳий ҳаяжон ичида...

Достигаев. Буидай ҳаяжон учун, Мелания хола, уриб бошини ёриш керак.

Звонцов. Қани тур, бир жўнаб қол-чи... тезроқ!

Пропотей. Э, қаёққа? (Увиллайди.)

Ксеня йиғлайди.

Елизавета. Усталигини қаранг-а... овози ҳам икки хил!

Буличов. Кетинглар... йўқолинглар! Кўриб тўйгандирсиэлар...

Шура (авлиёга қараб тепинади). Йўқол, тасқара, Степан, уни ҳайдаб чиқаринг!

Тягин (Пропотейнинг ёқасидан олиб). Юр, авлиё... тур ўрнингдан!

Тайся. Бугун у унчалик баҳайбат эмас... Ўзини бундан ҳам даҳшатли қилиб кўрсатиш қўлидан келади. Агар вино ичириб қўйсангиз борми...

Мелания. Сен нима деб алжираяпсан? (Юзига уради.)

Звонцов. Уялмайсизми?

Мелания. Кимдан? Сендан уяламанми?

Варвара. Қўйсанг-чи, хола...

Ксениа. Эй худойим... бу қандай гап?

Шура билан Глафира Буличовни диванга ётқизишади. Достигаев унга бошдан-оёқ диққат билан қараб чиқади. Звонцовлар Ксениа билан Меланияни олиб чиқиб кетишади.

Достигаев (хотинига). Уйга жўнаймиз, Лиза, жўнайлик! Буличовнинг аҳволи ёмон! Жудаям... Намойишчилар ҳам келяпти... Уларга қўшилганимиз маъқул...

Елизавета. Қанақа қилиб увиллайди-а? Бунақасини ҳеч кўрмаган эдим...

Буличов (Шурага). Буларнинг ҳаммасини Игуменья холанг ўйлаб чиқарган...

Шура. Аҳволинг оғирми?

Буличов. У... тирик одамга... жаноза ўқимоқчи...

Шура. Тўғрисини айт, аҳволинг ёмонми? Докторга одам юборайликми?

Буличов. Керак эмас. Подшолик тўғрисидаги гапни найрангбоз ўзи тўқиди. «Бўлсайди парвардигор — бўларди мадакдор», деганини эшитдингми? Мелания бундай дёлмайди, девона ўзидан қўшди.

Шура. Буларнинг ҳаммасини унутиш керак...

Буличов. Унутамиз! Бир қараб қўй-чи, нима гап, улар нима қилишяпти... Ишқилиб Глафирани хафа қилишмасин-да... Кўчада қандай қўшиқ айтишяпти?

Шура. Сен қўзғалма!

Буличов. Ифлослик ҳукм сурган жойда подшолик муқаррар ҳалок бўлади. Кўзимга ҳеч нарса кўринмайди... (Столни ушлаб туради, кўзини ишқайди.) Сенинг подшолигинг... Қандай подшолик? Йиртқичлар! Подшолик эмиш... Эй парвардигор... Йўқ... бу тўғри эмас! Ўзинг бошимга ўлим келтириб қўйибсану, тагин парвардигоримми-сан? Нимага ахир? Ҳамма ўладими? Нима учун? Ҳа, майли, ҳамма ўлсин! Хўш, мен нега ўлишим керак? (Гандираклаб кетади.) Хўш? Нима бўлди, Егор? (Хириллаган овоз билан қичқиради.) Шура, глаха, чақиринг докторин! Ҳай... ҳеч ким борми, лаънатилар! Егор... Буличов... Егор!..

Шура, глафира, тятин, хансва киради. Буличов ўзининг рўпарасига йиқилади.

Дераза ортнда янграган қўшиқ садоси эшитилади. Глафира, Тятин Буличовни суюшади. Шура югуриб бориб деразани очадп, қўшиқ овози гуриллаб киради.

Буличов. Нима бу? Яна жаноза... Яна дуойи фотиҳа! Шура! Ким у?

Шура. Бу ёққа кел, кел... қара!

Буличов. Эҳ, Шура...

П а р д а

1931 йил.

ВАССА ЖЕЛЕЗНОВА

(Иккинчи варианти)

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Васса Борисовна — 42 ёшда бўлса ҳам, кўриниши ёшроқ.
Сергей Петрович — унинг эри. 60 ёшда. Қора денгиз кемала-
рида капитан бўлган, сўнгра дарё кемаларида хизмат қилган.
Прохор Борисович Храпов — 57 ёшда. Вассанинг акаси.
Наталья — 18 ёшта) Вассанинг қизлари.
Людмила — 16 ёшда)
Рашель — келини, 30 ёшларда.
Анна Оношенкова — 30 ёшдан ўтиб қолган, Вассанинг секретари ва яқин сирдоши.

Евгений — унинг ўғли.

Гурий Кротких — пароходчилик ишининг бошқарувчиси.

Лиза } — оқсочлар.

Поля }
Пятеркин — 27—30 ёшларда, собиқ солдат ва дарё пароходчилиг-
да матрос бўлиб хизмат қилган — қаттиқ ва қалин сочи саллага
ўхшайди, мўйлови силлиқ.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бинонинг бурчида каттакон хона; Васса бу жойда ўн йилча яшаган ва кундуз кунлари кўпинча шу ерда бўлади. Катта иш столи, унинг сннда ўриндиғи, қаттиқ ва енгилгина курси, пўлат сандиқ, деворда Волга дарёсининг юқори ва ўрта оқими — Рибинскийдан Қозонгача бўлган қисмини кўрсатган ранго-ранг харита осиглиқ; харита остида — гилам тўшалган кенгина тахта сура устида ёстиқлар уюлиб ётибди; хонанинг ўртасида чоғроқ юмалоқ стол, суянчиғи баланд стуллар; боғча томондаги айвонга чиқиладиган икки қаватли ойнаванд эшиклар, икки дераза, бу ҳам боғчага қараган. Катта чарм кресло, деразада герань гуллари, икки дераза оралигида, полда, ёғоч тувакда дафна дарахти. Кичиккина тахтакча устида қумуш идиш, худди шундай олтин суви югуртилган чўмиччалар. Супача ёнида ётоқхонага қириладиган эшик, стол олдида бошқа хонага қириладиган эшик. Эрталабки пайт. Эшик ва деразалардан тушиб турган март охирларининг қуёши ўйни чароғон қилиб турибди. Умуман хона кенгина, ёруғ ва кишининг баҳри очиладиган жой. В а с с а билан К р о т к и х кириб келади.

В а с с а. Минг пудига уч ярим сўм, демак, ҳар пудига бир тийинининг юздан 35 ҳиссаси деган гап, бу товар-пассажи́р пароход юкчилари учун, албатта, озлик қилади, юкларни йигирма сажен, ҳаттоки ундан ҳам олисроқ жойга ташишга тўғри келади. Ўрта ҳисоб билан улар суткасига бир сўлкавойдан топишади, овқатни ҳам кўп ейишади, бегўшт туришолмайди. Сиз мана шунга эътибор этсангиз, газетада бирор мақолача бостирсангиз, бирор кишини топсангизу, ана шу киши юкчиларга тушунтирса. Топасизми, шундай кишини?

К р о т к и х (хурсанд). Топамиз!

В а с с а. Шундай қилинг! Катта пароходчилик шеркатларини қистовга олиш керак, бизнинг хўжалигимиз кичик, юкларимиз ҳам майда-чуйда юклар; уларни мат-

росларимизнинг ўзлари ҳам бемалол пароходдан пристанга туширишаверади, ўзингиз биласиз, юкчиларга камдан-кам ишимиз тушади.

К р о т к и х. Бу унча тўғри эмас. Матросларга минг пуд юкдан икки сўм — оз!

В а с с а. Нега энди кўп тўларканмиз? Ундай бўлса, сиз шундай бир иш қилинги, «Кавказ билан Меркурий» ва бошқа пароходлар ҳам минг пуд юк нархини беш сўмгача оширишсин, ана ўшанда бизнинг пароходларимизга ҳам юклар чаққонроқ ортилади, кейин биз ҳам матрослар ҳақиға қўшимча қиламиз. Гап шундай! Кечирасиз мени, мана бу хатингизни яроқсиз топаман.

К р о т к и х (*афтини буриштириб*). Биласизми, Васса Борисовна...

В а с с а. Агар сиз кулоллар, майда тегирмончилар, умуман, кустарлар билан сўзлашсангиз, уларга бир оз енгиллик ваъда қилсангиз, улар бизга юк бериб туришса, мана бу фойдала иш бўларди...

К р о т к и х (*бир оз гердайиб*). Бултурги йил яхши турмушданли фойла ҳам чакана бўлмади!

В а с с а. Нуқул «яхши, яхши» деисиз, холос, шу ҳам гапми? Бундан ҳам яхши бўлиши керак, йўқса, турмушнинг кизиги қолмайди. Хўп, омон бўлинг! Ишларим бо-

К р о т к и х индамай таъзим қилади, чиқиб кетади.

В а с с а (*қулоқ солиб туради*). Анюта!

А н н а киради.

Ма, мана бундан тезроқ бир копия кўчир! Гурий вайсаяптими?

А н н а. Ҳа, норози.

В а с с а. Нима дейди?

А н н а. Маъносига ета олмадим. Консерватизм ҳақида алланималар деётувди.

В а с с а. Албатта. Социалист-да, кўрдингми! Прохор учун худо қандай бўлса, Гурий учун социализм ҳам шундай: Прохор — одат бўлиб қолгани учун ибодат қилади, бироқ дилида ишонмайди. Сен унинг тилёглама гапларига ишонма... Кеча нима тўгрисида гаплашувдинглар?

А н н а. Немис социалистларининг ўз қироли билан ҳамкорлик қилганини ҳикоя қилиб берди.

В а с с а. Эҳтиёт бўл, ўз социализми билан тагин у қоринини дўппайтириб қўймасин.

Анна. Йўғ-э, менинг анча ақлим кириб қолган! У Наталья Сергеевнага илашиб юрибди.

Васса. Биламан... Лекин, Натка аҳмоқ эмас.

Анна. У Людочкага ҳам...

Васса. Мана, кўрдингми қанақалигини... тумшугини суқмаган ер йўқ.

Телефон жиринглайди.

Ҳа, мен. Марҳамат! Кутаман. Бу квартирантимиз — Мельников. *(Қўли билан ишора қилиб, Аннани чиқариб юборади. Стол ёнига келиб хаёл суриб туради, қоғозларни титиб, стол устидаги нарсаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўяркан, рўпарага тикилганича хўмрайди.)*

Мельников *(Аннанинг хонасидан чиқиб келади)*.

Салом, азизим, яхши ётиб турдингизми?

Васса. Раҳмат. Эшикни маҳкамроқ ёпинг. Утиринг. Хўш, нима гаплар?

Мельников. Ҳаммаси қайғули янгиликлар. Дастлабки тергов тамом бўлди, иш прокурорга ўтди. Терговчи, қўлимдан келганича ишни енгиллаштирдим, дейди.

Васса. Уч минг сўмга бутунлай енгиллаштириб юборса ҳам бўларди.

Мельников. Иложи йўқ. Мен анави қўшмачи хотиннинг терговда берган жавобини ўқиб чиқдим, у ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтиб берибди.

Васса. Демак, суд бўлар экан-да?

Мельников. Турган гап.

Васса. Қанақа жазо бериларкин?

Мельников. Эҳтимол каторгага юборилар.

Васса. Сизларнинг тилингизда бунн қандай жиноят дейилади?

Мельников. Нимани сўраяпсиз?

Васса. Норасида қизлар билан ўйнашишни...

Мельников. Иффатини поймол этиш, дейилади...

Васса. Оти ҳам хунуқ экан... алақандай ёпишқоқ!

Хўш, энди нима бўлади?

Мельников. Прокурор айбнома ёзиб, айбдорнинг қўлига беради, уни қамоққа олишади.

Васса. Уччовини-я? Қўшмачини ҳамми?

Мельников. Албатта.

Васса. Прокурор яна пича... енгиллаштира олмасмикин?

Мельников. Прокурор-ку енгиллаштира олади-я. Лекин у ҳозир юқори мансабга минишни кўзлаб юрибди, шунинг учун ботина олмаса керак. Аммо миш-мишларга қараганда, шериклари... астойдил уриняпганмиш.

Васса. Аҳа! Бўпти, биз ҳам ҳаракат қилганмиз бўлсин. Сиздан илтимос, уриниб кўринг. Прокурорни қўлга олинг, у кўп овоза қилмасин. Мен бу ишни бутунлай бос-ти-бости қилиб юборишим керак! Менинг қизларим бор.

Мельников. Васса Борисовна, сизга нечоғлик ҳур-матим зўрлигига, меҳрибонлигингиз учун нечоғлик мин-натдорлигимга қарамай...

Васса. Гапни қисқа қилинг! Қачон бу ишни яхши-лик билан битириб олсак, ана шундан кейин миннатдорлик ҳақида гаплашамиз. Ҳаракатингизни қилаверинг.

Мельников. Мен бу ишга асло қодир эмасман... Қў-лимдан келмайди.

Васса. Шунини яхши билингки, бу йўлда... мен пулни аямайман! Уддасидан чиқсангиз — векселларингизни қай-тариб бераман. Яна бир ярим минг ҳам қўшиб беришим мумкин. Беш минг бўлади. Етадимми?

Мельников. Шундай-ю... лекин, ҳар ҳолда мен...

Васса. Сиз дадил бўлинг!

Мельников. Яхшиси, ўзингиз борсангиз...

сам — талтайиб кетади. Пул беришга розиман, лекин ялинмайман! Бунинг устига мен — қўпол, чўрткесар одамман. Мен борсам ишни бузиб қўяман. Илтимос қила-ман, сиз шу бугуноқ боринг! Кейин телефонда менга қан-ча кераклигини айтарсиз. Муваффақият тилайман. Қани?

Мельников. Рухсат этсалар... судга чопсам.

Васса. Балли, тезроқ чопинг! *(Кўзларини юмиб ўтиради. Стол тортмасини очиб, алланималарни излайди. Бир қутичани топиб, ичидаги нарсани перонинг учи билан кавлаб қарайди. Ташқаридан товушлар эшитилади. Қутичани дарҳол чўнтагига солади.)*

Людмила киради.

Людмила. Салом, онажон. Азизим, бирам ажойиб туш кўрдим, бирам гўзалки...

Васса *(уни ўпиб)*. Сенинг учун, Людок, ўнгинг ҳам гўзал.

Людмила. Йўқ, сен аввал эшит...

Васса. Ҳали овқат маҳалида айтиб берарсан.

Л ю д м и л а. Йўқ, Натка масхара қилади, ё бошқа биронтаси халақит беради, балки унғача унутиб қўярман. Туш дарров ёдингдан кўтарилиб кетади. Шу ерда эшита қол.

В а с с а. Йўқ, Людок, бор! Менга дарров Лизани айтиб юбор.

Л ю д м и л а. Эй худойим-ей! Бугун бирам зиқна бўлсан-ки.

В а с с а (*ёлғиз, ғудрайди*). Зиқна эмиш... Оббо, аҳмоқ-эй...

Л и з а киради.

Акам сендан нолияпти, гапига кирмас эмишсан, қулфларни ёглаб қўймабсан.

Л и з а. Васса Борисовна, улгуролмаяпман... Уйдаги ҳамма нарсага бир ўзим... Менга қийин! Менга қарашадиган бирорта қизча топиб беринг...

В а с с а. Бундан умид қилма! Уйда ортиқча кишига тоқатим йўқ. Қизлар сенга ёрдам беришади. Яхши ҳақ олганингдан кейин астойдил ҳаракат қилгин. Камроқ ухла. Акам уйдами?

Л и з а. Йўқ.

В а с с а. Менга Сергей Петровични чақириб юбор. (*Хонанинг ўртасида ўйланиб туради, бармоқларини шиқиллатиб, чўнтагини сийпалаб қарайди.*)

Железнов халат кийган, жингалак сочи пахмоқ, чакка ва илкларидаги соқоллари анчадан бери қирилмаган, қалин мўйлови оқарган.

В а с с а. Энди турдингми ё ухламоқчимисан?

Железнов. Хўш, нима демоқчисан?

В а с с а (*Анна Оношенкованинг хонасига кириладиган эшикни зичлаб ёпгач*). Бақирма. Қўрқитолмайсан.

Железнов эшик томонга қайтади.

(*Унинг олдини тўсиб, бу эшикни ҳам зичлайди.*) Айбномангни прокурор тасдиқлабди.

Железнов (*стулнинг суюнчиғини ушлаб қолади*). Ишонмайман. Ёлгон айтасан!

В а с с а (*пинагини бузмай*). Тасдиқлабди.

Железнов. Ахир мен у мутгаҳамга, қарта ўйнаб жўрттага тўққиз минг сўм ютқиздим. Яна ўн бир минг беришим мумкин деб ишора қилиб қўйган эдим-ку...

В а с с а. Эрта-индин айбномани оласан, шундан кейин сени қамашади, турмага тиқиб қўйишади.

Ж е л е з н о в. Очкўзлик қилдинг, очкўзлик! Терговчига кам бердинг. Мельниковга ҳам оз берганга ўхшайсан. Айт, қанча бердинг?

В а с с а. Норасида қизларнинг номусини поймол қилганинг учун каторга жазоси бериларкан.

Ж е л е з н о в. (Ўтиради, бошини чайқаб, бўғиқ овоз билан). Сен хурсандмисан-а?

В а с с а. Бўй етган қизларинг бор. Агар сени каторгага жўнатишса уларнинг ҳоли нима бўлади? Уларни қайси бир тузук одам олади? Неваранг бор, ҳадемай беш ёшга тўлади. Сергей, бу жиноятни қилгандан кўра, одам ўлдирганинг афзал эди!

Ж е л е з н о в. Сени ўлдириш керак эди, билдингми! Сени ўлдириб, мана шу тош юрагингни юлиб, олиб итларга бериш керак эди. Сен бошимни айлантирддинг, мени сен шу қўйга солинг. Сен...

В а с с а. Ёлғон гапирма, Сергей, бу сенга ҳеч фойда бермайди. Кимни алдайсан? Ўзингни, холос... Ёлғон гапириб, эмасми қотирма. (Эрига дунн келадн учинч пашонасидан ушлаб бошини юқори кўтаради ва юзига қаттиқ тикилади.) Сендан сўрайман, иш судга оширилгунча иштиб ётмома, онаңғи шаоманла килма. Сен пиячиста онаң келтирсе, онда...

Ж е л е з н о в (қўрқув билан). Нима дейсан, сенга нима керак? Нима?

В а с с а. Ўзинг биласан.

Ж е л е з н о в. Бўлмайди! Йўқ...

В а с с а. Истасанг, оёгингга йиқиламан. Мен! Сенинг оёгингга!

Ж е л е з н о в. Қоч, қўйвор! (Турмоқчи бўлади.)

В а с с а (унинг елкасидан босиб, креслога ўтқазади). Порошок ич.

Ж е л е з н о в. Кет дейман...

В а с с а. Уйлаб кўр, турмага тушасан, ундан кейин судга, сени томоша қилгани бутун шаҳар йиғилади, шундан кейин сен арестант, маҳбус бўлиб узоқ қийналиб, каторгада чириб кетасан; хўрликда, азоб-уқубатлар ичида шармандаю шармисор бўлиб ўлиб кетасан! Бу ердачн —

бирданига, оғриқни ҳам, уятни ҳам сезмайсан. Юрагинг бирдан тўхтайди-да, худди ухлаб қолгандай бўласан-қўясан...

Железнов. Йўқол... бор! Майли, суд қилишсин. Менга бари бир.

Васса. Болалар-чи? Номус-чи?

Железнов. Монастирга кетаман. Монах бўлганим бўлсин. Схемник бўламан. Ер тагида бўлса ҳам яшайман, лекин — яшайман.

Васса. Бемаъни гап қиляпсан. Ич порошокни!

Железнов (*ўрнидан туради*). Йўқ... ичмайман. Сенинг қўлингдан ҳеч нарса ичмайман...

Васса. Ўз ихтиёринг билан ич.

Железнов. Бўлмаса нима қилмоқчисан? Заҳар бермоқчимисан?

Васса. Сергей, қизларингни ўйла! Улар яшаши керак, ахир. Оталарининг кирдикори учун болалар жавобгар эмас.

Железнов. Оналариники учун-чи?

Васса. Бу гапинг бемаъни! Шуни бир билки, Сергей, мен судда оғзимга талқон солиб ўтирмайман. Уйимга кўча қизларини олиб келиб бузуқилик қилганингни, Наталья билан Людани уларга кўрсатганингни, қизларингга вино ичишни ўргатганингни айтиб бераман.

Железнов. Елгон! Уларни, ўзингнинг аканг Прохор ўргатди, Прохор.

Васса. Людмилани қўрқитиб қўйдинг, шунинг учун ҳам унинг эси пастроқ: на ўқишга қобилияти бор, на бирор нарсага лаёқати.

Железнов. Наталья эса — худди ўзингга ўхшайди, худди ўзинг!

Васса. Шуни билиб қўй: ҳаммасини судга ва халққа айтиб бераман.

Железнов (*ўрнидан туради ва бўйиради*). Йўқол! Афтингдан қўрқадки киши! Қўйвор. (*Уни итариб юбориб эшикка боради.*)

Васса (*унинг орқасидан*). Ич порошокни, Сергей...

Железнов. Йўқ!

Чиқиб кетишади. Эшик олдида **Лиза** кўрпади, унинг қўлида патнис, патнисда бир қанча ҳар хил қулфлар. Унинг орқасидан, қўлида омборхонанинг катта қулфи билан **Прохор Храпов** киради.

Прохор (*хўмрайиб*). Нега ёнжиллашишди?

Л и з а. Билмадим. Фақат Васса унга порошок ич де-
ганини эшитдим.

П р о х о р. Қанақа порошок?

Л и з а. Дори бўлса керак.

П р о х о р. Қанақа дори?

Л и з а. Мен қайдан билай, қанақа дорилигини.

П р о х о р. Вой нодон-ей! Сергейга ҳеч қанақа дори
керак эмас. У туядек бақувват. Биз у билан тун бўйи, эр-
талаб соат тўртгача карта ўйнаб, коньяк ичиб чиқдик.

Л и з а. Балки сода порошигидир.

П р о х о р. Чинакам нодон экансан! Коньяк сода талаб
қилмайди. Нега қаққайиб турибсан? Қулфларни столга
қўй. Нуқул ўзингни анқовликка соласан. Сенга нима учун
инъомлар қиялпман?

Л и з а. Менга инъомлар қиялпсиз-а! Ҳадемай қилган
инъомингиз ҳаммага ошкор бўлиб қолади.

П р о х о р. Пятеркиндан кўра мен яхшиман. Чарм
креслони жилдириб қўй, офтобда чарми ёмон бўлиб қола-
ди, ахир, унинг баҳоси олтмиш беш сўм туради-я.

Л и з а. Офтобнингми?

П р о х о р. Преслонинг, синглимга қилган совғамини
баҳоси. Офтоб бир пулга ҳам арзимади. Тўхтаб тур! Сен
нима деялсан? Ҳазил қиялпсанми? Кўп талтайма! Қари

юборди. Қани, жуна! (Стол устидаги қоғозларни қари-
ди, ўқийди, аксиради, ашула айтади.)

Намгарчилик бир куз кечаси,

Овлақларда тентирар жувон.

Шум севгининг яширин меваси —

Бола титрар қўлида...

Н а т а л ь я (киради). Бугун кун бирам яхши-ей...

П р о х о р. Ҳали маълум эмас, энди тонг отди. Нега
мунча пахмайиб юрибсан? Сочларинг таралмаган... лан-
давур!

Н а т а л ь я. Биласанми, отамни суд қилишармиш.

П р о х о р (чўчиб). Ким айтди?

Н а т а л ь я. Евгений Мельников.

П р о х о р (ўтиради). Вой лаънати-ей... Капитан шўр-
лик қутулолмабди-да. Эсиз Железновлар! Эсизгина Хра-
повлар, кимсан — фалончилар! Энди шу кунга тушдикми?
Капитан кемамизни шу аҳволга олиб келди. Оббо, ана
шармандавозлик! Бу шармандалик бир умрга етади.

Н а т а л ь я. Балким оқланар?

П р о х о р. Гап бунда эмас! Гап суд қилинишида, шармандагарчиликда. Эҳтимол, ҳукм ҳам қилишар. Ҳозир одат шунақа: агар бой бўлдинг — балога қолдинг, айб сенда. Бадбахт одамлар — бой бўлишади! Сен тушун, бу — капитан Железновни эмас, бизни, Храповларни суд қилиш деган гап.

Н а т а л ь я. Бирор чора топиб бўлмасмикин?

П р о х о р. Барча муттаҳамлар яширинадиган Америкага қочиш керак.

Н а т а л ь я. Борди-ю, судни қўлга олинса-чи?

П р о х о р. Буни ҳам қилиб кўрдик. Синглим бу жанжални босиш учун бир неча минг сўм сарф қилди. Полицияга берилди, терговчига берилди. Демак, оқибати бўлмабди-да. Энди, мен шаҳар бошлиғи бўлиб бўпман, сепларинг қанча кўп бўлмасин, Людмила ҳам, сен ҳам ўз муносибларингга тегиб бўпсиз. Сизларни отангиз расво қилди, итвачча, муттаҳам! Вой аҳмоқ хотин-эй...

Н а т а л ь я. Онамми?

П р о х о р. Бўлмасам-чи.

Н а т а л ь я. У — аҳмоқ эмас.

П р о х о р. Бўлмаса, нега капитанга тегади? Ўзидан қарийб йигирма ёш катта бўлган одамга тегди-я.

Н а т а л ь я. Сиз кўндиргансиз. У сизнинг ошнангиз.

П р о х о р. Мен, мен-а? Мен бу дунёнинг одами эмасман! Ҳа, мен — кўнгилчан одамман. Артист табиат. Мен ёшлик чоғимда опереттада кулгили роллар ўйнашни ҳавас қилардим. У бўлса... денгизларда сузиб юрди! Шу ҳам иш бўлди-ю! Денгизларда сузиб юрган хас-хашак озми!

Н а т а л ь я. Уни онам севармиди?

П р о х о р. Эй, тур нари! Агар қиз бола ўз тўдасидан адашса, бу муҳаббат эмас. Бу — ақлсизлик! Борди-ю, дворянлар лўлиларга ёки актрисаларга уйланган бўлса — бизнинг авлод учун бу нарса ўртак ҳам эмас, йўл-йўриқ ҳам.

В а с с а. Сен нимани йўл-йўриқ бўлолмайди, деяпсан?

П р о х о р. Шундай ўзимиз, шу ерда, Наталья билан...

В а с с а. Шу ерда эканингни, Наталья билан эканингни ҳам кўриб турибман.

П р о х о р. Сергейнинг аҳволи қалай?

В а с с а. Ёмон эмас. Юрагидан зорланяпти. Ната, чиқиб айт, менга чой келтиришсин.

Н а т а л ь я. Ундан кўра, халақит беряпсан деб, очиқ айтиб қўя қолинг...

В а с с а. Ҳа, халақит беряпсан. Мен ҳали чой ичганим йўқ. Хўш, сен нега бақирдинг?

П р о х о р. Нега бақирмай! Судни йўқ қилиб бўлмабди-ку.

В а с с а. Бу тўғрида, ҳозирча қизларга оғиз очма. Узим айтаман.

П р о х о р. Наталья билади. Менга ҳам ўша айтди.

В а с с а. Унга ким айтибди?

Л ю д м и л а секингина киради.

П р о х о р. Мельниковнинг ўгли. Уни қизлар чакки қабул қилишади.

Л ю д м и л а. У ажойиб йигит, зериктирмайди! Дугоналаримизнинг ҳаммаси касал, бизникига келмай қўйишди.

В а с с а. Сен, Люда, бор, Лизага уйларни йиғиштиришга ёрдамлаш.

Л ю д м и л а. Мен сен билан ўтиришни хоҳлайман. Нега хамиша мени қувганинг-қувган?

В а с с а. Ишим бор, Людок, хужалик ишлари.

Л ю д м и л а. Хўжалик, хўжалик, дейсан, холос! Қизинг билан гаплашишга бир минут ҳам вақтинг йўқ!

бор!

Л ю д м и л а. Одамнинг хўрлиги келади. Биламан, отамни бузуқи дегани учун, Прохор тогамни уришмоқчисан, биламан!

В а с с а (*қизининг бошини силаб-сийпаб эшиккача узатиб қўяди*). Бузуқи деса нима қипти, ҳечқиси йўқ. Бузуқи — бузилган нарсани тузатиш деган гап. Кимдир ишни бузиб қўйган, у шунини тузатиш билан овора. Мана мен умр бўйи бузилган нарсаларни тузатиш билан опора бўлдим.

Л ю д м и л а. Ҳаммаси ёлгон! Мен бузуқи одамнинг нималигини биламан. Мана — Прохор тогам.

В а с с а унинг орқасидан эшикни ёпмоқчи бўлади, ёполмайли.

Л ю д м и л а (*онасининг қўли остидан лип этиб чиқади*). Бузуқи. Лизани иккиқат қилиб қўйди. Отамни сўккани сўккан, уни севмайди.

П р о х о р. Узингча тўқияпсан. Умуман, қариялар муҳаббатдан йироқроқ туришади.

Л ю д м и л а. Сен ҳам, онажон, яхши кўрмайсанми?

В а с с а. Бас энди, етар!

Л ю д м и л а. Нега севмайсан? Тоғам ҳам ароқхўр-ку, лекин уни яхши кўрасан... Ичиш ҳам — бир дард. Женя Мельников...

П р о х о р. То тирноғигача ақл, демоқчимисан... Падарига лаънат!

Л ю д м и л а. Аҳа, тегиб кетдим...

Л и з а кичкина самовар олиб киради, унинг орқасидан — Н а т а л ь я патнис билан идиш-товоқларни кўтариб киради. Васса қизини қучоқлаб, алланарсани тинглаётган кишидек уйда айланиб юради. Ҳаяжонга тушган, лекин ҳаяжонини яширади. Тўхтайдн, қулфларни кўради.

В а с с а (*акасига*). Ҳали ҳам шўхликни ташламайсан, жонингга тегмадимми?

П р о х о р. Шўхлик қимматга тушмайди. Балки шўхлик эмасдир?

В а с с а. Бўлмаса, нима ахир?

П р о х о р. Қайдам! Ҳеч ким эски қулфларни йигмайди, мен йиғаман. Демак, мингта сариқ соч ичида ёлғиз мен — қора соч эканман-да. Ҳа-ҳа. Қулф — бу буюм! Ҳамма нарса қулф. ҳаммасига қулф солинган. Молни берки-тишга ўрганмаганимизда, қулф ҳам бўлмас эди. Югансиэ отни ўргатиб бўлмайди.

В а с с а. Ҳали шунақа дегин! Чакки эмас, оқилона гап. Наталья, чойни қуй.

П р о х о р (*Вассадан кўз узмай*). Сен бўлсанг, мени бекорга пул сарф қиласан, дейсан, мана шу бурама қулфга етти сўм бердим. бунинг учун менга йигирма беш сўм беришади энди. Мингтача қулф йиғаман-да, бошлаб музейга... йигирма минг сўмга пуллайман.

В а с с а. Хўп майли, хўп! Телбанинг ишини худо ўзи ўнгласин. (*Людмилага бехосдан, қаттиқ.*) Отангни ўн беш ёшга етмасданоқ севганман. Ўн олти ёшимда никоҳландик. Шундай. Ўн етти ёшимда, Федорга ҳомиладор бўлган вақтимда, Троица куни — қизлар байрамида — эримнинг этигига қаймоқ тўкиб юбордим. У этигини тилим билан ялаб тозалашга мени мажбур қилди. Яладим. Бегона одамлар олдида яладим. Бизни — Храповларни одамлар ёқтирмас эди.

Л ю д м и л а. Вой, Вася! Сен буни нега гапирдинг?

Наталья самовар орқасидан онасига қараб ўтиради.

В а с с а. У — хушчақчақ, қизиқчи әди.

Л ю д м и л а. Ҳазиллашармиди?

В а с с а. Наталья, әсингдами, девор тахтасини парма билан тешиб, отангинг қилиқларини томоша қилганинг?

Н а т а л ь я. Әсимда.

В а с с а. Кейин, кўзинг жиқ ёшга тўлиб, менинг олдимга келардинг-да, ҳайда, ҳайда уларни, деб бақирардинг.

Н а т а л ь я. Әсимда. Сиз уни уйда суд қилмоқчимисиз?

П р о х о р. Оббо, мараз-әй.

В а с с а. Демак, ҳаммаси әсингда, Наталья, шундайми? Бу — яхши! Хотирасиз яшаш мумкин эмас. Мен тўққизта бола кўрдим, шулардан учтаси қолди, холос. Бири ўлик туғилди, икки қизим ёшига етмасдан ўлди, ўғилларимдан бири беш ёшга кирганда, бири бўлса, етти ёшида ўлди. Шунақа, қизларим! Бу сўзларим билан мен, әрга тегишга шошманглар, демоқчиман.

Л ю д м и л а. Сендан ҳеч қачон шу хилда сўзларни әшитмаган әдик.

В а с с а. Мавриди бўлмаган әди.

Л ю д м и л а. Глега ҳаммаси улио оиз тирик қолди?

В а с с а. Сизларнинг... бахтингиз. Улар заиф бўлиб туғилишди, бунинг учун отанг айбдор, отанг кўп ичар, бўлиб қолди...

яхши оилади.

П р о х о р. Тўғри, урар әди! Ҳа, шундай. Кўпинча онагини капитан қўлидан ажратиб олардим. У, одам уришни матрослик қилиб юрган чоғида ўрганган, урганда ҳам шундай урардики... асти қўявер!

Л ю д м и л а. Сен нега уйланмадинг?

П р о х о р. Мен уйланган әдим. Бир опереттада шундай ашула бор:

Уйланув бизга ҳеч гап эмас,
Икковлон туриш қийин...

Л ю д м и л а. Сенинг ҳамма ашулаларинг бир оҳангда.

П р о х о р. Шунақаси осонроқ бўлади, сўзлари тез ёдда қолади. Мен хотиним билан тўрт йил турдим. Ортиқ туролмадим. Ёлғиз бўлсанг ташвиш кам — ўзингга ўзинг хўжайин. Чавандозлар тургандан кейин ўзимизга от олиннинг на ҳожати бор?

Н а т а л ь я. Федор биз билан турармикан?

Васса. Тузалиб кетса, албатта, туради.

Наталья. Рашель ҳамми?

Васса. Бўлмасачи? Хотини-ку.

Людмила. Рашель бирам яхшики!..

Наталья. Айтганча, отамнинг судидан кейин, биз билан туришармикин?

Васса (жаҳли чиқиб). Кўп маҳмалана бўлма, Наталья! Яхши эмас бу қилигинг.

Людмила. Хафа бўлма, қўй!

Лиза (қўрқиб). Васса Борисовна... Сергей Петрович...

Васса (гандираклар кетади, лекин ўзини тугиб олиб). Нима? Чақиряптими?

Лиза. У, ўлиб қолди шекилли...

Васса (жаҳл билан). Жинни бўлдингми? (Шошиб чиқади).

Унинг орқасидан Людмила ҳам чиқади. Наталья ўридан туради, тоғасига қарайди, у саросималаниб Натальяга қарайди.

Прохор. Ҳатто... оёқларим қалтираб кетди! Бор, Натка, бор! Нима бўлди экан... у ёқда?

Наталья. Агар ўлган бўлса, кимниям суд қилишарди.

Прохор. Чиқ дейман! (Елғиз қолади, совуқ чой ичди. Гулдирайди.) Ана холос... оббо лашнаги-ей! Уҳ...

Лиза (чопиб киради, қўрқув аралаш пичирлаб гапирди). Прохор Борисович, бу қандоқ бўлди-а? У сонпа-сог эди-ку...

Прохор. Хўш, нима бўпти? Бор эди, йўқ бўлди, холос! Балки ҳушидан кетгандир.

Лиза. Сонпа-сог эди-я... Прохор Борисович... ҳали, порошок...

Прохор (шошиб қолади). Нима-а? Сен бунин... (Ғазаб билан Лизанинг томогидан бўғиб силкийди.) Борди-ю сен, алвасти башара, унутмасанг... агар сен... эҳ илон! Нималарни ўйлаяпсан, а? Қандай қилиб тилнинг боради? (Уни итариб юборади, терлаган бошини артади.)

Лиза. Сиз ўзингиз айтмовдингизми, ҳамма нарсани менга айт деб...

Прохор. Нимани айт дедим, биласанми? Кўрган, эшитганингни айт деганман! Сен нимани кўрдинг? Бунинг ўзингча тўқигансан, лекин ўз кўзинг билан кўрганингни йўқ. Йўқол кўзимдан, башаранг қурсин! Ўзингни порошокка

айлаштириб юбораман! Тплнғни тий!.. Бу сўзни унут...
(Қувиб чиқаради. Уйда у ёқдан-бу ёққа изғийди, эшик
олдига келади, ташқарига чиқишга журъат этолмайди.)

В а с с а билан Л ю д м и л а, улар орқасидан П я т е р к и н киради.

П р о х о р. Нима гап, Вася? Ростданми?

В а с с а. Ҳа, оламдан ўтибди...

Л ю д м и л а. Она, дафнани олсам майлими?

В а с с а. Ҳа, ола қса.

П я т е р к и н дафна ўтқазилган бочкани юмалатиб опчиқиб кетади.
Л ю д м и л а дераза тагидаги гулларни олиб чиқади-да, яна дарров
қайтиб киради.

П р о х о р. Қизиқ, қандай қилиб бўлди? Ахир... соппа-
соғ эди-ку. Биз у билан эрталаб тўрттача...

В а с с а. Коньяк ичувдинглар.

П р о х о р. Тўғри. Менга ҳозиргина Лизавета айтди,
сен унга порошок...

В а с с а. Жигилдоним қайнапти деб зорланди... Сода
сўради

П р о х о р (шодланиб). Сода. Уҳў!

Л ю д м и л а. Прохор тоға, сен ёмон одам экансан!
Отам вафот қилса-ю, сен нуқул куласан... Бу нимаси?

В а с с а (телефонга). Олти — элик уч. Ҳа, Раҳмат.
Ким? Яков Львович, сизмисиз? Бизникига марҳамат қи-
линг. Йўқ, ҳозироқ. Ҳа, Сергей Петрович оламдан ўтди.
Йўқ, соппа-соғ эди. Бир соат ичида. Қандай бўлганини
ҳеч ким кўрмади... Марҳамат...

П р о х о р (секингина, хурсанд бўлиб). Худо ҳаққи,
сен азаматсан, Васса!

В а с с а (ажабланиб). Бу нимаси тагин, нима деб вал-
дираяпсан! Эсингни йиғ! Аҳмоқ...

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Бир неча ойдан кейин. Яна ўша яшнаб турган уй. Васса чарм креслода ўтирибди. Тахта сўрида — Людмила, Наталья, Анна, Евгений Мельников. Чой ичиб бўлишган, лекин самовар билан идишлар йнгиштирилмаган. Оқшом пайти, чироқ ёниб турибди; лекин уй ичи қоронғи. Бог ойдин, дарахлар қорайиб кўринди.

Васса. Шундай қилиб, мен сизларга бурунги замон тўйларининг расм-русмларини ҳикоя қилиб бердим, бурунги замонда эрлар хотинлари билан қандоқ кун кечирганларини ҳам гапириб бердим.

Анна (секин). Жуда ёмон кун кечиринган экан.

Наталья. Ниҳоятда бемаъни яшашган.

Людмила. Нега одамлар бахтсиз, Вася?

Евгений. Нодонлиги туфайли бахтсиз.

Васса. Нега бахтсизлигини мен билмайман, Людка. Мана Онегин билан Наталья сабабини билишади — аҳмоқлиги учун бахтсиз. Одамларнинг айтишига қараганда — ҳа, ўзим ҳам кўрганман — ақлли одамлар, аҳмоқлардан кўра кўпроқ бахтсиз бўлармиш...

Евгений. Агар бойлар камбағалларга қараганда ақллироқ бўлса...

Васса. Бойлар, албатта, ақллироқ, лекин ёмон яшайдилар, хасислик қиладилар. Бойлар ҳеч қачон камбағаллардай баҳри-дили очилиб хурсандчилик қилишолмайди.

Анна. Бу тўғри гап.

Наталья. Демак, камбағалликда яшаш керак экан-да.

Васса. Ҳа, баракалла. Худди шундоқ яшаш керак. Натка, сен шундай қилиб кўр. Онегинга тег, яша. У пиё-

да аскарлар подпоручиги бўлади, сен — полк хоними бўласан, шундай хонимлар бор. Мен сенга сеп, қалин пули бермайман, бир ойда қирқ сўм пул олиб яшайверасизлар. Мана шу пулга кийим-кечак оласизлар, еб-ичасизлар, меҳмон кутиб, зиёфат қиласизлар. Бола-чақани ҳам шу пул билан боқасизлар, ҳа...

Наталья. Мен бола тугмайман. Бахтсизларни кўпайтириб иима қиламан.

Васса. Бу гапинг, албатта маъқул. Тўгриси, бола нимага ҳам керак? Шундоқ қилиб, Онегин, сени қирқ сўлкавой ҳамда деншчик кутиб турибди: у сенга ҳар куш арзон гўштдан котлет пишириб беради.

Евгений (Ғамин). Эҳтимол, мен флотга ўтиб кетарман...

Людмила. Мен ҳам эрга тегмайман, бу жуда даҳшат! Яхшиси саёҳатга чиқаман, ботаника боғларини, гулзорларни, Алп ўтлоқларини томоша қиламан...

Наталья. Буларнинг ҳаммасини астар-аврасигача агларно ташлаш керак — никоҳни ҳам, ҳаётни ҳам, ҳаммасини қайтадан қуриш лозим!

Васса. Сен шу ишга кириш, қайтадан қур. Нимадан бошлашни Гурий Кротких ўргатади.

Гурий Кротких. Ҳа, унинг ҳам ўзи бошқаришни бошлаш керак.

Васса. Революция лов этиб ёнди-ю ўчди, ундан фақат тутушгина қолди, холос.

Анна. Сиз Давлат думаси тўгрисида гапиряписизми?

Васса. Ҳа, дума ҳақида дейлик. У ерда ҳам сув бошидан лойқа. Хўл ўтиннинг ёниши қийин. Лекин Гурий Кротких ўргатиб қўяди. У ойига икки юз сўлкавой бадалига менга хўжалик ишларини бошқаришни ўргатади, ойига ўн беш сўм берсанг, сенга ҳам революция қилишни ўргатиб қўяди. Ҳар дарсига — ярим сўмдан. У, менинг олдимга иш сўраб келганда — иштони етмиш ямоқ эли, яқинда театрда кўриб қолдим, хотинининг бўйни тўла олтин. Мана шунақа, қизлар. Демак, матрос бўлмоқчи экансан-да, Онегин?

Евгений. Ҳали бир қарорга келганим йўқ. Нега мени Онегин дейсиз?

Васса. Қарорга кел! Сенинг юнкер бўлиш вақтинг, ammo сен ҳали ҳам кадет бўлиб юрибсан. Сени Онегин дейишимнинг важи...

Наталья. У Онегинга ўхшамайди.

В а с с а. Наҳотки? Гердайданлиги ўшанинг ўзгинаси...
Хўп, майли! Унниг кимга ўхшашини сен яхшироқ биласан, Ната.

Н а т а л ь я. Ҳеч кимга ўхшамайди.

В а с с а. Одамлардан бирортасига-я?

Е в г е н и й (х а ф а). Сизнинг ҳазилингизни ҳам, чинингизни ҳам тушунолмайд қолдим. Қизиқ одатларингиз бор.

В а с с а. Жаҳлинг чиқмасин, ранжима, яхшиси, қулоқ сол! Мен сенга бир воқеани айтиб берай: бизнинг пристанда иш ташлашганда, уни бостириш учун солдатлар келди, шунда Безломцев деган бир чилангар подпоручикка қараб: «Сиз, жаноб олийлари, ойда қирқ сўлкавой оласиз, мен етмиш беш сўм ишлайман, юз сўмга ҳам етказишим мумкин. Ўзингиз-ку, аслида бойларга хизмат қиласиз, мен сиздан кўра бойроқман, бинобарин, менга — бой кишига, ўшқиринингиз унчалик дуруст бўлмаса керак», — деганди.

Е в г е н и й. Буни мен учун ҳеч бир... қизини йўқ.

Н а т а л ь я. Онам одамларнинг гашига тегишни яхши кўради.

В а с с а. Бу айбимга иқрорман. Мен одамларга дўст эмасман.

Л ю д м и л а. Тўғри эмас, Вася!

В а с с а. Йўқ, тўғри. Дўст эмасман. Хўп, майли! Ганлашдик, овундик, қани, қизлар, энди ўз жойларингизга боринглар, мен бир оз ишлайман... хўжалик ишлари. Анна, сен қол. Қани, боринглар! Ужин маҳалида кўришамиз. (Аннага.) Евгенийнинг отаси «Рус халқи союзига» ёзилгани ростми?

А н н а. Рост.

В а с с а. Буни ўғли туфайли қилгап, аҳмоқ. Углини кадетлар корпусидан ҳайдашмоқчи. Қизимни бузиб қўймасам деб кўрқаман, бу гўрсўхта!

А н н а. Менимча, Наташа камоли зерикканидан у билан борди-келди қилади.

В а с с а. Заҳар одамлар зерикини билншмайди.

А н н а. Сергей Петрович вафот этгандан кейин Наталья жуда тумтайиб қолди. Бунинг устига ҳалиги «миш-миш» гаплар...

В а с с а. «Миш-миш»лар ҳозир ҳам борми?

А н н а. Ҳа.

В а с с а. Сен «миш-миш»ларга ишопасанми?

А н н а. Йўқ. Фақат Лизанинг ўзини ўлдирини мени

таажжублантиради. Нима учун бундай қилганини сира тушунмайман. Шундай ажойиб қиз. Ешлигиданоқ сизникида ўсди, уни ҳамма яхши кўрарди.

В а с с а. Бу Прохорнинг иши. Уни бирон йўл билан кўрқитган бўлса керак.

А н н а. Лиза у билан турармиди?..

В а с с а. Мажбур қилган. Лизаветанинг ҳаммомда ис тегиб ўлганига одамлар ишониншмайдими ҳали?

А н н а. Камдан-кам одам ишонади.

По л я киради.

В а с с а. Сенга нима керак? Хўш, нега ийманиб турибсан? Гапир.

По л я (секин). У ерда бир хотин турибди.

В а с с а. Қанақа хотин? Шу пайтда-я?

По л я. Номн қийин... Моисеевна.

В а с с а. Ким-м-м? (Тез боради, тўхтади. Аннага қараб.) Қизларга ҳеч нима дема, мен уларни ҳайрон қолдираман. Ёнимга ҳеч кимни киритма. (Поляга.) Самоварни иништир, кичигини қайнат. (Ўйқади.)

А н н а. Хўш, қалай, кўникиб қолдингми?

По л я. Қийин. Мен, фақат қизлар хизматини қиларман, ҳаётимнинг ўзгаришига қарамай, ҳаётимни бошқаришга ҳақим йўқ. Ўзгаришларга эҳтиёт бўлиш керак, деб ўйлаган эдим. Прохор Юрисовичга малаи керак, унинг хизматини қилолмайман.

А н н а. Ёпишадими?

По л я. Бирам ҳаёсизки, ҳаддан ташқари! Мана, ҳозир ҳам битта ички кўйлак билан юрибди, ашула айтади, ҳамма вақт қандайдир бир хил ашула айтади. Кеча, ҳамма ухлаб ётибди-ю, у темирни шарақлатади, ашула қилади. Бирам жонга тегдики, Анна Васильевна, нега у буиақа, а?

А н н а. Савдойи. Алкоголь, яъни пияниста.

По л я. Мен сиздан жуда миннатдорман, яхши хонадон экан.

А н н а. Одамлари ёмон демоқчимисан?

По л я. Мен одамлар учун суд эмасман, ўзим судга тушганман, бироқ мени оқлаган бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда, турмада ўтирганман. Бунинг устига, мендан олдин ишлаган оқсоч қиз ўзини ҳаммомда осиб ўлдирган, дейишади.

А н н а. Бу ёлгон. Ҳаммомда ис теккан. Ҳаммомни ис тастиган вақтида ис тегиб ўлди. Ҳомиладор эди ўзи.

По л я. Вой шўрим, яна ҳомиладор ҳам эканми?

Л ю д м и л а (қўлида юмалоқ курсича, унинг орқасидан қандайдир бир ўсимлик ўтқазилган тувакни кўтариб Пятёркин киради). Мана бу ерга қўй, бунга қуёш нури керак. Нотўғри кўйдинг, ўртага сур.

П я т е р к и н. Қулогим сизда! Бўлдими? (У бир тиззаси билан чўккалаб туриб, сўрайди.)

Л ю д м и л а. Яхши. Сочларинг бирам ғалатики... Жудаям қаттиқ бўлса керак, а?

П я т е р к и н. Ҳеч-да, ушлаб кўринг.

Л ю д м и л а (қўли билан унинг сочларини пийпаслаб). Худди нўлбарснинг юнгига ўхшайди.

П я т е р к и н. Мана бу ҳақ гап. Ҳамма шундай дейди.

Л ю д м и л а. Ҳамма дегаинг ким?

П я т е р к и н. Танишлар. Умуман одамлар...

Л ю д м и л а. Нега чўккалаб турибсан?

П я т е р к и н. Сизнинг ҳузурингизда тиз чўкиб туриш — мен учун ҳузур.

Л ю д м и л а. Оббо... Ёлғон! Мен эркаклар олдида ҳеч қачон тиз чўкмас эдим.

П я т е р к и н. Сизга бу лозим эмас, чунки эркакнинг ўзи олдингизда тиз чўкади... Сиз, эркакни истаган кўйга сола оласиз.

Л ю д м и л а. Ҳеч нарсани истамайман. Ҳеч нима қилмайман ҳам.

П я т е р к и н. Бу сизнинг ихтиёрингизда.

Л ю д м и л а. Шошманг, бу ердан пимани олиш керак-лигини богбондан сўрайман... (Кетади.)

А н н а (ўз уйдан). Кўрпангга қараброқ оёқ узат, Пятёркин.

П я т е р к и н. Сен рашк қилма. Ким биледи? Ҳар нарса бўлиши мумкин, ҳаммасини тотиб кўриш керак.

А н н а. Агар бу гапларингни Васса эшитиб қолса борми...

П я т е р к и н. Кимдан эшитади?

А н н а. Бир зумда уйдан қувиласан.

П я т е р к и н. Сен айтмайсан, Людмила эса, ўйин қай даражага етганини вақт ўтгандан сўнг пайқайди. Фақат сен халақит берма. Халақит беришдан сенга фойда йўқ. Сен улушингни ўз вақтида олиб турасан, балки мени, эртагаёқ ҳайдашар. У вақтда сенинг ишинг ҳам чаппасидан кетади...

А н н а. Менга нима? Бироқ сени ҳам хўжайинлар каторида кўриш — кишига алам қилади...

В а с с а. Колями? Билмайман. Балки ухлаётгандир.
 Р а ш е л ь. Уни кўрсам бўладими?
 В а с с а. Йўқ.
 Р а ш е л ь. Нега?
 В а с с а. Коля бу ерда эмас.
 Р а ш е л ь. Шошманг! Сиз... бу нима деган гап?
 В а с с а. Ҳеч қанақа гап йўқ. Коля қишлоқда, қарагай-
 зорда. У ерда қум бор. У ер яхши. Шаҳарда туриш унга
 зарар. танглайи касал. Ота-онаси уни заиф, ногирон қи-
 либ ўстирган.
 Р а ш е л ь. Қишлоқ узоқми?
 В а с с а. Олтинш чақирим.
 Р а ш е л ь. У ерга қандай қилиб борсам бўлар
 экан?
 В а с с а. У ёққа бориб нима қилсан? Қани, Рашель,
 кел эди, дағда гаплашиб кўя қолайлик!
 Р а ш е л ь. Ўлганми?
 В а с с а. Ундай бўлса, гаплашиб ўтиришнинг ҳам ҳо-
 жати бўлмас эди, ҳамма гап бир сўз билан айтиларди-
 қўйиларди. Йўқ — тирик, соғ-саломат, яхши, ақлли бола.
 Сенга нега керак у?
 Р а ш е л ь. Мен уни чет элга юборишга қарор қилдим,
 у ерда синглим яшайди. Эри химия профессори, уларнинг
 боласи йўқ.
 В а с с а. Ўзим ҳам ўйловдим-а: Рашель болани ўз
 уруғларига тортар деб. Йўқ, мен сенга Коляни бермай-
 ман! Бермайман!
 Р а ш е л ь. Бу қандай гап? Мен, ахир, онаман-ку!
 В а с с а. Сен она бўлсанг, мен — бувисиман! Қайна-
 нангман. Биласанми, қайнана нима? Бу ҳамма учун қон-
 дош! Бутун бир авлоднинг боши, энаси деган сўз! Бола-
 ларим — икки қўлим, набираларим — бармоқларим бўлади.
 Тушундингми?
 Р а ш е л ь. Кечирасиз... Гапингизни тушунмайман. Сиз
 буни жиддий айтяписизми? Бу... алмисоқдан қолган гап-
 ку... Сиз — доно хотинсиз, бу хил ўйлашингиз мумкин
 эмас...
 В а с с а. Ортиқча гап қилиб ўтирмаслик учун оғзингни
 юму. қулоқ сол! Коляни сенга бермайман.
 Р а ш е л ь. Бу бўлмаган гап!
 В а с с а. Бермайман! Ўйлаб кўр, менга қарши нима
 қила оласан? Ҳеч нима қилолмайсан. Қонун олдида йўқ-
 дай одамсан! Қонун сени революционер, бир қочоқ хо-

тин деб билади. Ўзингни маълум қилсанг, турмага тиқишади.

Р а ш е л ь. Наҳотки, сиз менинг бу аҳволимдан фойдаланмоқчи бўлсангиз? Ишонмайман! Сиз бундай қилмайсиз. Ўғлимни менга берасиз.

В а с с а. Гапларинг тузсиз. Ҳаммаси ортиқча гаплар. Мен айтганимни қиламан.

Р а ш е л ь. Йўқ...

В а с с а. Бақирма! Ўзингни бос. Коляни сенга бермайман. Унинг нон-насибаси бошқа жойда.

Р а ш е л ь. Нима бало, сиз йиртқичмисиз?

В а с с а. Мен айтдим-ку, бақирма! Бу нима бақириш? Мен йиртқич эмасман. Йиртқич боласини боқиб бўлгач, ўз ризқингни ўзинг топ, деб ҳайдаб юборади. Хоҳласанг — товуқ гўшти е, хоҳласанг — бузоқ гўшти, дейди. Албатта, ган қуёнлар устида эмас, даҳшатли йиртқич ҳайвонлар устида борапти. Сен ўз болангни ўз билганича ризқини топиб емоқ учун қўйиб юбормайсан. Мен ҳам ўз неварамни қўйиб юбормайман. Менинг неварам — Храповлар билан Железнов пароходчилигининг меросхўри. Сармоясини муаллифлик ҳисоблаган. Унинг биринчи бориси ҳам шу. Унинг аммаларига — Наталья билан Людмилага оз ҳисса тегади, эллик минг сўмдан тегади, уларга бу ҳам кўплик қилади. Қолган ҳаммаси — уники!

Р а ш е л ь. Мен сенинг сенинг сенинг сенинг сенинг сенинг юпатмоқчи бўлсангиз, хато қиласиз. Бу мумкин эмас!

В а с с а. Сени сотиб олиш нега керак. Юпатиш на ҳолат? Рашель, ўзинг биласан, ҳатто ўғлимни мендан айтиб олиб кетганингда ҳам сени душман ҳисоблаган эмасман. У касал, менинг нимамга ҳам ярайди? Мен унга ширин гапирмас эдим, кўрдимки, сен уни ссвасан. Мен сенга ўша вақтда, майли, сева қол деган эдим. Касалга ҳам бир оз хурсандлик керак. Федор учун мен сендан ҳатто миннатдор бўлгандим.

Р а ш е л ь (тутақиб). Ҳаммаси ёлгон! Бу... жирканч. Мен ишонмайман... Бу... йиртқичлик!

В а с с а. Ишонмайсану, бироқ сўқинасан. Майли, сўқинавер. Тушунмаганингда сўқинасан. Уйлаб кўр, сен ўғлингга нима қила оласан? Мен сени яхши биламан, сен — ўжарсан. Сен ўз... ҳаёл-орзуларингдан қайтмайсан. Сен яна революцияни алангалатмоқчисан. Мен эса — хўжаликни мустаҳкамламоқчиман. Сени турмадан-турмага, сургундан-сургунга қувишади. Бола эса мусофир юрда, бегона

одамлар қўлида етим бўлиб яшайди. Рашель, инсоф қил, ўғлингни бермайман, бермайман!

Р а ш е л ь (секин, лекин нафрат билан). Тўғри, ниҳоят, бу иш сизнинг қўлингиздан келади, бунга ақлим етади. Сиз ҳаттоки мени жандармга тутиб беришдан ҳам тоймай-сиз.

В а с с а. Бу ҳам қўлимдан келади. Ҳар нарсани эплайман! Уйин бўлса, бира тўла бўлсин!

Р а ш е л ь. Сизнинг ёввойи ақлингизга, йиртқич қалбнингизга қайси йўл билан таъсир қилиш мумкин?

В а с с а. Яна йиртқич дейсан, мен сенга айтсам: одамлар ҳайвондан баттарроқ! Баттарроқ! Мен буни биламан! Шундай одамлар борки, уларга қарши дод дегинг келади... шундайларни хонавайрон қилсанг, уй-жойларига ўт қўйсанг, ҳаммасини қип-яланғоч қилиб, оч қолдириб қирсанг, сувараклардай янчсанг... Мана шундай қилиб!

Р а ш е л ь. Жин урсин сизни... Сизнинг бу нафратипгизда қандайдир қимматли бир маъно бор...

В а с с а. Сен, Рашель, ақллисан, менинг қизим эмаслигингга, эҳтимол, кўп марта ачингандирман. Балки, сенга буни айтгандирман ҳам. Дилимда нима бўлса — ҳаммаси тилимда.

Р а ш е л ь (соатга қараб). Мен шу ерда ётиб қолсам майлими?

В а с с а. Бўлмасам-чи? Ётиб қол! Жандармларга тутиб бермайман. Қизлар сени кўриб хурсанд бўлишади. Жуда суюнишади. Улар сени севишади. Аммо Коляни сенга бермайман! Шунини билиб қўй!

Р а ш е л ь. Буни ҳали... кўраман!

В а с с а. Ўғирлаб кетмоқчи бўласанми? Бе, бўлмагур гап...

Р а ш е л ь. Йўқ, мен бу тўғрида энди гапирмайман. Чарчадим, қабзятим ошди, бунинг устига сиз ҳам таъбимни хира қилдингиз. Сиз жуда кўрқинчли одамсиз! Гапларингизни эшитган одам, дунёда чиндан ҳам жиноятчи одам типи борлигини ўйлаб қолади.

В а с с а. Ҳаммаси бор! Бундан ёмонроқ нарсани ўйлаб топиш қийин, ҳаммаси ўйлаб топилган.

Р а ш е л ь. Бироқ сизга ўхшаганлар учун, сизнинг бутун синфингиз учун, хўжайинлар учун озгина умр қолди. Бошқа хўжайин, газабнок куч етишиб келмоқда, у сизларни янчиб ташлайди. Янчиб ташлайди!

В а с с а. Ўҳў, қандай даҳшат-а! Эҳ, Рашель, агар мен

бунга ишонсам эди, сенга: ма, менинг барча бойлигимниям,
барча ҳийлаларимниям ол! — дердим.

Р а ш е л ь. Сиз бунин... ёлгондан гапиряпсиз!

В а с с а. Ахир, мен сенинг башоратингга ишонмайман.
Сен айтгандай бўлмайди, асло бўлмайди!

Р а ш е л ь. Бўлмаганига ачинасизми? А?

В а с с а. Борди-ю, ачинсам-чи? А? Эҳ, Рашель... Эрим
қарта ўйнаб бутун пароходларни, уйларин, бутун хўжаликни
бир кечада ютқазган чоқда ҳам мен ачинган эмасман.
Тўғри, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ўшанда аксинча, севинган
эдим! У сўнги узугини қартага тикиб, ютқизганларининг
ҳаммасини яна аввалгидан ҳам кўпроқ қилиб қайтариб ол-
ди... Шундан кейин, ўзинг биласан, у кўп расво, шалоқ
юриб кетди, мана, ўн беш йилдирки, мен бу юкни, катта
хўжаликни тортиб келаман, болалар учун тортаман. Озмуп-
ча куч-қувватим сарф бўлмади! Болалар эса... менинг
бутун умид-армоним, ҳамма умидим — неварамда.

Р а ш е л ь. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: демак, менинг
ўғлимни жирканч кирдикорларингизни оқлаш учун... Иф-
лос иш қилиш учун мўлжаллаб қўйгансиз... бунини эшитти
мен учун шунда ҳам ботир.

В а с с а. Ёқмайдим? Зарари йўқ, мен ҳам сендан ун-
ча-мунча нордон гаплар эшитдим. Ке, чой ичайлик. Қизлар
... ..

Р а ш е л ь. Менинг яшринча келганимни уларга айт-
маслик керак. Бизнинг жанжалимизни ҳам улар билмай
кўя қолсин. Бари бир улар ҳеч нарсага ҳал қилишолмайди.

В а с с а. Тўғри. Айтиш керак эмас!

Эшик олдида П о л я пайдо бўлади.

Қизларни чақир. Уларга айтки, кадет керак эмас. Секун-
гина айт, у эшитиб қолмасин. Самоварни келтир. Жўна!
Шундай қилиб, ахри учрашдик, Рашель!

Р а ш е л ь. Хосиятсиз учрашиш.

В а с с а. Нима қилиш керак? Фақат болаларгина ҳузур
қилиб яшайди, лекин у ҳам кўпга бормайди.

Р а ш е л ь. Назаримда, бари бир, ҳаммаси ақлга тўғри
келмайдигандек туюлади.

В а с с а (*оёғи билан стулни итаради*). Нега энди ақлга
тўғри келмас экан?

Л ю д м и л а (*югуриб киради, унинг орқасидан На-
талья келади*). Вой, ким бу? Рашель... Рашель!

Н а т а л ь я. Телеграмма ҳам бермайсан, нега?

В а с с а. Натка сўрашни яхши кўради. Унга «салом» десанг, у «нега» дейди.

Р а ш е л ь. Сен. Люда, ўзгармабсан. аввамнидай ёқим-той, ҳатто, шу пкки йил ичнда бўйинг ҳам ўсмагандай.

Л ю д м и л а. Емонми?

Р а ш е л ь. Йўқ, ёмон эмас! Ната бўлса...

Н а т а л ья. Қаридим.

Р а ш е л ь. Қиз бола ҳақида — қиёфаси мардонавор деб бўлмайди, аммо худди шундай таассурот қолдиради.

Н а т а л ья. Балоғатга егдинг, дейишяпти.

Р а ш е л ь. Бу бошқа гап!

Қизлар бу учрашувдан хурсанд. Рашель, кўзларини деяраи Вассадаи узмай, ҳорғин гапирди. Она-сингиллар уни сўрига ўтқазишди.

Васса — хотиржам, стол ёнига ўтириб чой тайёрламоқда.

Л ю д м и л а. Утир, гапириб бер.

Н а т а л ья. Федор қалай? Тузалиб қолдим?

Р а ш е л ь. Йўқ, Федорнинг аҳволи ёмон.

Н а т а л ья. Бўлмаса, нега уни ташлаб келдинг?

Р а ш е л ь. Уғлимни, Коляни олиб кетиш учун келдим.

В а с с а. Мен уни чет элга юбормайман.

Л ю д м и л а. Раша, жоним, Коля бирам ажойиб бола бўлганки! Ақлли, жасур... У Хомутовода, ўрмонда туради. Жуда хушманзара жой. У ерда қарағайзор бор.

Н а т а л ья. Уни Богодуховодан олиб кетишдимми?

Л ю д м и л а. Богодухово ҳам гўзал жой! У ерда аргу-вон ўрмони, асалари уйлари бор...

Р а ш е л ь. Демак, қаердалигини ҳам билмас экансиз— қаерда у?

В а с с а. Столга марҳамат қилдинглар!

Р а ш е л ь. Турмушинг қалай, гапириб бер!

Л ю д м и л а. Жуда яхши. Кўриб турибсан — баҳор, биз Васса билан богда ишлай бошладик. У эрталаб келиб: «Тур!» дейди. Нарн-бери чой ичамизу, боққа чиқамиз. Аҳ, Раша, боғ бирам гўзал бўлганки!

А н н а киради, Рашель билан индамай кўришади. Вассага алланима дейди. Иккаласи чиқиб кетади.

Шабнам тушган вақтда кирсанг борми, бутун боғ куюш нурида ловиллаб ёнади... Худди атласдай, кимхобдай тов-ланади, ҳайрон қоласан, бирам гўзалки! Учинчи йилда гул уруғларидан салкам юз сўмлик сотиб олгандик, ҳозир биз-нинг гулларга ўхшаган гуллар шаҳарда ҳеч кимда йўқ.

Менда боғчачилик тўғрисида китоблар бор, немисча ўқиётиман. Шундай қилиб, худди соқов роҳибалар сингари, жимгина ишлаймиз. Бир оғиз ҳам сўзламаймиз, лекин нимани ўйлаётганимизни биламиз. Мен, бирон қўшиқ айтаман. Тўхтасам, айт, деб бақиради Вася, узоқдан унинг муллоим, ёқимтой юзини кўриб қоламан...

Р а ш е л ь. Демак, бахтиёр экансан, шундайми?

Л ю д м и л а. Шундай. Ҳатто уяламан Ҳайрон қоларди даражада яхши.

Р а ш е л ь. Сен-чи, Ната?

Н а т а л ь я. Мен! Мен ҳам ҳайратдаман.

Прохор (ичиб олган, қўлида гитара). Б-ба, Р-рахиль! (Куйлайди.) «Қаердан келдинг, чиройли қўзим?» Вой-бўй, жудаям чиройли бўлиб кетибсан-ку!

Р а ш е л ь. Сиз ҳали ҳам ўша-ўша.

Прохор. Яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас. Ҳали отдан тушганимиз йўқ.

Р а ш е л ь. Кайф-сафо қиялпсизми?

Прохор. Шундай... Ҳунарим шу. Асосий фазилатим — кўнгилчанлик, хушчақчақлик. Бу нарса менинг табиғатимда бор. Капитан Железнов ўқди, билганини ва хўжаликнинг обрўсини сақлаш учун мен энди икки киши ўрнига кайф-сафо қиялпман.

Р а ш е л ь. У кўпдан касалми?

Прохор. Касалми? Қандай касалми? Билганини айтган эди.

АЮЗМИЗ КУЛАДИ

Р а ш е л ь. Мен янглиш сўрадим, узоқ вақт оғридим?

Прохор. Капитанми? У касал бўлгани йўқ. У бир лаҳзадаёқ пафф этди-ю жони жаннатга кетди!

Н а т а л ь я. Қўйсангиз-чи, тоға! Бўлмағур гапларни қилманг!

Прохор. Жойи жаннатда бўлсин, десам бўлмағур гапми? Сен, тирранча, менга ўргатма, ўргатишга ёшлик қиласан! Сен қаердан келдинг, ҳаёт бузувчи аёл! Швейцарияданми? Федор тирикми?

Р а ш е л ь. Тирик!

Прохор. Аҳволи ёмонми?

Р а ш е л ь. Ёмон.

Прохор. Железновнинг авлоди пишиқ эмас, биз, Храповлар бақувватроқмиз! Углинг Колька — қароқчи, яхши! Зийрак бола! Бир вақт Железнов билан овқат ма-

ҳалида сўкишиб қолдик. Эртасига сўрашиб: «Салом Коля!» десам: «Жўна, афтинг қурсин, пианиста!» деди юзимга. Расво қилди! Эрталабки пайт эди, ҳали ичганим ҳам йўқ, ҳушёр эдим... Сизлар бу ерда нима қиляпсизлар? Чой ичяпсизларми? Чойни фақат извошчилар ичади, эътиборли одамлар чанқовини вино билан босади... Ҳозир вино опкелишади. Портвейн, шунақа бир портвейнки, бунақа винони испанлар ҳатто тушларида ҳам кўрмаган. Мана Наталья билади... (Кетмоқчи бўлади. *Вассага дуч келади.*)

В а с с а. Клубда нима воқеа бўлди?

П р о х о р. Клубдами? Сен қайдан била қолдинг?

В а с с а. Телефонда эшитдим.

П р о х о р. Клубда сиёсий масаладан жапжал чиқди. холос. Бошқа гап йўқ!

В а с с а. Сенинг тўғрингда яна газетага ёзишадими?

П р о х о р. Нега менинг тўғримда бўлар экан? Мен бир марта урдим, холос. У Думани ҳақорат қилувди, мен тумшугига солдим.

В а с с а. Қулоқ сол, Прохор...

П р о х о р. Ҳозир келаман. Кейин қулоқ соламан... (Куйлайди.) «Бекордан-бекорга қийнама мени, жоним...»

Л ю д м и л а. Бирам қизиқ одамки, тўғрими? У борган сари кўпроқ ичяпти. Наташани ҳам ўргатяпти...

Н а т а л ья. Урганиб қолдим.

Р а ш е л ь. Ростданми, Ната?

Н а т а л ья. Ҳа, менга вино жуда ёқади. Кайфи ҳам ёқади.

В а с с а. Лекин менн савалайдиган одам йўқ, деб қўшиб қўй.

Н а т а л ья. Савалайдиган одам йўқ.

В а с с а. Нагалья! Ҳаддингдан ошма!

Н а т а л ья. Ўзингиз айтдингиз, қўшиб қўй деб, қўшиб қўйдим.

В а с с а. Менинг вақтим йўқлиги бахтинг, бўлмаса таъзирингни берардим.

Л ю д м и л а. Ната онамга қўрслик қиляпти, кўрдингми, Раша. Менимча бу яхши эмас.

В а с с а. Киборлар сингари яшашга уринади... Интеллигентчасига. Ўзи эса чўчқал!

Н а т а л ья. Зотли чўчқаларнинг баҳоси жуда баланд туради.

В а с с а (ғазаб билан). Ҳар кун аҳвол шу, Рашель.

Ра ш е л ь. Ёмон яшайсизлар, аммо яхши ҳаёт сизларга хайф. Бу мазмунсиз ҳаёт сиз учун жудаям боп.

В а с с а. Менга-я? Ёлгон айтасан!

Ра ш е л ь. Шахсан фақат сизгагина эмас, сизнинг табақангиз, сизнинг синфингиз учун боп.

В а с с а. Ана холос, яна бошладинг!

Ра ш е л ь. У ёқда, чет элда ҳам, шунингдек ёмон, қабих яшайдилар. Балки бундан ҳам хунуқроқ яшайдилар, аммо сизларга қараганда, тинчроқ яшайдилар, бир-бирларини камроқ қийнайдилар.

Н а т а л ья. Ростданми? Ё юпатиш учун айтяпсанми?

Ра ш е л ь. Рост, Наташа. Мен бировларни юпатадиган одамлардан эмасман. Биздагига қараганда мустаҳкамроқ ташкил этилган бўлса ҳам, у ерда бойлар дунёси қуламоқда. Оиладан бошлаб ҳамма нарса қуламоқда, ҳолбуки, у ерда оила темир қафасдай мустаҳкам эди. Бизда эса чўп қафас.

В а с с а. Ра ш е л ь!

Ра ш е л ь. Хўш?

В а с с а. Биз билан тур. Фелар ёрдаги ўзини қўлдан олиб, саламлаб юришни бас қил энди... етар энди яширпниш, юртма-юрт дарбадар юриш! Биз билан бирга тур. Ўғлингни тарбия қиласан. Мана, кизларим! Улар сенга сенга...

Ра ш е л ь. Орамиздаги шахсий муносабат ва меҳр-муҳаббатдан ҳам юксак нарса бор.

В а с с а. Биладан. Иш бор, рўзгор-тирикчилик бор. Лекин... шундай бўладики: олиш ҳам мумкин, қўйишга жой ҳам бор, лекин баъзан олишга қўл бормайди.

Ра ш е л ь. Сиз буни... ўз дилингиздан чиқариб гапирмаяпсиз.

В а с с а. Нега дилдан чиқариб гапирмас экаман?

Ра ш е л ь. Эҳтимол сиз, баъзан хўжалик ишидан чарчаганлигингизни сезарсиз, аммо бу ишнинг маъносизлигини, шафқатсизлигини сеза олмайсиз. Йўқ... Мен сизни биламан. Нима десангиз ҳам, сиз чўрисиз, қулсиз. Аккли, кучли хотин, бироқ чўри, қул. Қурт, могор, занг — буюмларни бузади, буюмлар эса бизни бузади.

В а с с а. Бу донолик! Лекин тўғри бўлмаса керак! Мен нима истганимни сенга айтаман, мана, қизларнинг олдида айтаман. Мен истардимки, губернатор тувагимни тозаласин, поп ўз дуоларини азиз-авлиёларга эмас, менга, мен осий бандага, менинг ёвуз руҳимга багишласин.

Рашель. Бу — Достоевскийдан, сизга бу ярашмайди.
Наталья. Онам Достоевскийни билмайди, китоб ўқимайди.

Васса. Қанақа Достоевскийдан бўлсин? Бу — аламдан. Ноҳақ таҳқирланган кўнгил алаmidан... Мана, қизлар биледи, мен уларга бугун ҳаммасини айтиб бердим, мени қандай қилиб...

Прохор (*қўлида икки шиша вино*). Мана вино! Қани, чироқларим, бунга жиддий эътибор қилинглаар. Вася, рухсат эт, меҳмон қилайми? Ўқинмайсан, Уруғи кам нарса...

Васса. Қани! Қани! Қуявер! Қизлар, столга марҳамат... Бу нимаси ахир? Келин... келган! Қани, Прохор. Кимни урдинг?

Прохор. Квартирант Мельниковнинг башарасига туширдим. Яна бировни... Ҳечқиси йўқ! Тузалиб кетади!

Васса. Биласанми, Мельников «Рус халқин союзи»га ёзилган.

Прохор. Нима бўпти? Шу ҳам гердайними! Менинг номим телефон китобига ёзилган, лекин мағрурланганим йўқ. Рюмкаларни келтир!

Телефон жиринглайди.

Васса. Мени... (*Телефон трубкасига.*) Ким бу? Ҳа, мсп. Қайси пароход? Нимага? Ярамаслар! Юкни ким ортгай? Уфада? Терентьевми? Аблаҳни бўшатиш керак! Менинг бўлишим шартми? Бутун баржани қамашдимми? Яна нима гап? Теридан бўлак... Аҳ, рўдаполар! Санитар комиссия ўша ердами? Инспектор ҳамми? Ҳозир бораман. (*Трубкани ташлайди.*) Хўп, сизлар бу ерда жимгина... кутиб ўтиринглаар. Жанжал чиқибди: баржани қамашган, приказчик териларни санитар комиссия назоратидан ўтказмасдан, тамга бостирмасдан ортибди. Баржада яна қўй терилари, пўстлоқ ва бошқа нарсалар бор экан. Мен борай! (*Рашельга қарайди, унинг кўзига кўзи тушади.*)

Прохор. Дарё полициясига пора берган кетди. Бизнинг дарё полициямиз — қароқчилардан баттар. Қуруқликдагиларни ҳам шунақа. Ҳаммасини ҳам жини чалсин. Қуяман: Наталочка, бу сен ёқтирган винодан ҳам яхшироқ. (*Кўйлайди.*)

Қуявер, биродар, қуявер.

Оппоқ-оппоқ ич-а-вер.

П а р а

УЧИНЧИ ПАРДА

Железнова кетиши биланоқ. Прохор сигара чекади. Людмила еса, ликбчадаги мураббога бисквит ботириб, зўр иштаҳа билан смокда. Наталья Рашель ёнида, қўлида рюмка, Рашель—
уйчан.

Прохор. Мана шунақа яшаймиз, Рашель, шунақа нотинч яшаймиз. Полиция хафа қилиб туради. (Ишқиди отиб қулади.)

Рашель. Сиз энди шаҳар бошлигимсиз?

кейинчалиқ ўйланиб қолдим: бу оғир юкнинг менга нима кераги бор? Эркин казак бўлиб яшаганим яхши...

Наталья. Бу тўғри эмас! Сиз эркин казак эмассиз! Сайловдан қўрқанингиздан воз кечгансиз.

Прохор. Мени хафа қилишни Наталья бирам яхши кўрадики, умуман ҳамманиям... Ёш бўлса ҳам ялмоғизнинг ўзгинаси. Жудаям ўхшайди. Шунақа, ҳа! Лекин тўғри айтди, мен эҳтиёткор одамман, капитан вафот этгандан кейин...

Наталья. Отам ўлгандан кейин, заҳар ичиб ўлди, деган миш-миш гап тарқалди... Судда шарманда бўлмаслик учун, гўёки уни биз заҳарлаган эмишмиз.

Людмила. Бемаъни гаплар!

Прохор (ташвишланиб). Ҳақиқатан бемаъни гап! Бу ярамас ишнику прокурор тўхтатган эди...

Наталья. Айби исбот қилинмагани учун... Тоғам бўлса, бу миш-мишлардан қўрқиб, энди мени шаҳар бошлиқлигига сайламасалар керак, деб ўйлади.

Прохор. Бас энди, Натка!

Наталяя. Миш-мишларга қарши, одамларга қарши чиқиш керак эди...

Прохор. Бу қиз доим шунақа — қарши!

Рашель (*Наталяянинг қўлини силаб*). Шундай бўлиши керак!

Наталяя. Рашель, агар айб исбот қилинмаган бўлса, ҳали бу — айбдор гуноҳсиз — деган гап эмас, шундайми?

Рашель. Ҳа, шундайку-я.

Людмила. Шундайми ҳали, ҳаммага қарши чиқиш керакми, Рашель? Наҳотки яшаш мумкин бўлмаса...

Наталяя. Людмила Железнова сингари аҳмоқ бўлиб.

Людмила. Бекорга койияпсан, бари бир, жаҳлим чиқмайди! Рашель, мен мана шуларнинг ҳаммасини... ичи қоралик ва шунга ўхшаган нарсаларни бирам ёмон кўраманки, нимасини айтай...

Наталяя. У мураббо билан бисквитни яхши кўради!

Людмила. Ҳа, яхши кўрсам сенга алам қиладими? Иштаҳанг йўқлигидан аччиғинг чиқади. Овқатни кўпроқ есанг, бунчалар аччигланмасдинг!

Прохор (*куйлайди*). «Юрагим эзилса ҳам мен аччигланмайман». Бисквит билан ҳар хил ширинликлардан ташқари, Людмила қандайдир ҳарбийларни ҳам яхши кўради, лекин улар индеецлар сингари укпар таққан бўлиши шарт.

Людмила. Бутунлай ёлгон гап.

Прохор. Менга қаранглар, бунақа гапларни қўйинглар, ҳаммасини жин урсин: онлаги ҳам, ўтмишни ҳам, умуман барини йиғиштирайлик. Яхшиси, хўжайка йўқлигида бир оз ҳангома қилайлик, мен сенга, Рахиль, шундай бир ўйинчини кўрсатайки, оғзинг очилиб қолади! Қани, Люда, Пятеркинни чақир...

Людмила. Мана бу бошқа гап!

Прохор. Гитараси билан келсин! (*Рашельга қараб*.) Қачон ўглингни кўргани борасан?

Рашель. У узоқдами?

Прохор. Йиғирма уч, йиғирма беш чақирим келар. Ажойиб бола. Соғлиғининг мазаси йўқроқ, лекин ўзи яхши.

Рашель. Бувиси уни менга бермоқчи эмас.

Прохор. У тўғри қилади! Ҳаётинг қочоқликда ўтгандан кейин, сенга ўғилни ким қўйибди.

Рашель. Сен нима дейсан, Ната?

Наталяя. Талаб қил, берсин. Бермаса — ўғирлаб кет! Прохор. Уҳў!

Н а т а л ь я. Шундай қил, ўғирла, олиб кет, яшириб қўй. Бизнинг туриш-турмушимизни кўриб турибсан-ку! Кўриб турибсан-ку, ахир.

Р а ш е л ь. Ўғирлаш... олиб кетиш... Буни мен қила олмайман.

Н а т а л ь я. Нега?

Р а ш е л ь. Менинг бошқа ишм бор, жиддийроқ иш.

Н а т а л ь я. Ўғлингдан ҳам жиддийроқми? Хўш? Жиддий ишинг бор экан, нега тугдинг? Нега?

Р а ш е л ь. Тўғри, бу менинг хатом!

Н а т а л ь я. Айтганча, қандай иш? Сен менга... бундан икки йил аввал... айтган анави ишми? Менинг эсимда... Жуда яхши эсимда...

Р а ш е л ь. Хўш, ишонмайсанми?

Н а т а л ь я. Ишонмайман.

Р а ш е л ь. Чунки тушунмайсан. Мен учун бусиз ҳаёт — ҳаёт эмас. Майли, ўғлимни йўқотсам ҳам, Коляни бир умр кўрмасам ҳамки...

П р о х о р. Тўхта! Ўғирлашми, бу маъқул! Бу жуда соз, Раҳа! Ух... синганм учун ўгаанинг устига чиқиб тегган бўлади! Раҳа, ишга киринглар! Буна Нева билан сенга кўмаклашамиз, рост. Менинг Пятеркинним бор, у ҳар балонни эплайди.

Р а ш е л ь. Билмайдми?

П р о х о р. Лёшка, тангрининг ёрдами билан ёқда турсин, архиерейни ҳам ўғирлай олади.

Р а ш е л ь. Ўғлимни ўйинчоқ қилишга...

П р о х о р. Мана ботир жангчи — Пятеркин ҳам келди, обозда хизмат қилган! Лёшка, «тангри қуши»ни ясаймиз! Чет эл учун, Европа учун, тушундингми?! Ишқилиб, силлиқ чиқсин! *(Прохор Пятеркиннинг қўлидан гитарини олади, созини кўради.)*

Людмила чилдирма билан балалайка келтиради, чилдирманн опасига беради.

Қизлар, майин ва мунгли овоз билан олинглар! Айниқса, чилдирма! У гумбурламайди, гулдирайди...

Л ю д м и л а. Биламиз.

П р о х о р. Бошладик. *(Ҳар галги оҳанг билан куйлайди. Людмила билан Пятеркин унга жўр бўлишади.)*

Қуш жонивор билмайди.

На машаққат, на меҳнат,

Бизга қушча яшашга —
Халақит бермас ҳеч вақт!
Узоқ тунлар у шехта.
Жимжитгина мудрайди,
Порлаб қуёш чиққанда,
Тангри сасин тинглайди.—
Қанот қоқиб куйлайди:
— Бариня, бариня!
Гўзал хоним бариня!
Сен бизга айт, бариня,
Кўнглинг тилайди нима?

Лёшка! Бўшашма! Қизитиб юбор! Йиртқичасига ўйна!
Ваҳшиёна! Яшавор-э, баттол!

Бариня келар Ростовдан,
Лев Толстойни кўрмоққа.
Орёлдан келар бариня,
Маълум эмас қаёққа!
Бариня...

Пятеркин «Бариня» рақсига жуда ажойиб ва қизик қилиб ўйнайди. Людмила завқ билан куйлайди. Прохор — ниҳоятда хурсанд. Наталья чилдирмани бепарво чаларкан, Рашелга қарайди. Рашель гўё туш кўраётгандек ўтиради.

Баринянинг иши кўп,
Чет элга борган эди,
Гўзал Париж шаҳрида
Саригига дуч келди.
Бариня...

Н а т а л ь я. Бас!
П р о х о р. Нега энди?
Н а т а л ь я. Хоҳламайман.
Л ю д м и л а. Вой-бўй, бирам эркаки!

Рашель ўридан туриб — бир чеккага чиқади. Наталья шошмасдан,
унинг орқасидан юради, дераза олдида тўхтайти.

Н а т а л ь я. Хўш, нима бўлди?
Р а ш е л ь. Даҳшат!
Н а т а л ь я. Ўғил меники бўлганда — бу ерда қолдир-
гандан кўра бўғиб ўлдирар эдим.

Рашель (*унинг елкасини қучиб*). Мен уни... Васса Борисовнанинг ёрдамисиз чет элга олиб кетолмайман.

Наталья. Тоғам тўғрилаб беради.. У бирон баҳона билан онамга зарба берса, хурсанд бўлади. Угирлаб келса, яшириб қўямиз. Кейин сенга жўнатворамиз.

Рашель. Каерга? Ҳали каерда яшашимни ҳам билмайман. Агар Швейцарияга қайтиб боришга муваффақ бўлсам, у ерда бир неча ҳафтагина тураман.. Мен Россияда яшашим керак. Коляни тарбия қилиш учун менда имконият йўқ. У Лозаннада, синглим олдида турса, жуда яхши бўлар эди...

Прохор (*Пятеркинни тўхтатади, бақиради*). Ёқмадимми?

Рашель. Йўқ.

Прохор. Санъатни тушунмайсан.

Рашель. Қўшиқни... бирам расво айтасизки..

Прохор. Кечирасиз. Ичиш жиҳатидан, шунингдек, проферанс ўйини жиҳатидан — енгилмайдиган одамман, десам бўлади, аммо ашула айтишга қолганда, табиат қобилият деган нарсалан заррача бермаган. Кўнглим юмшоқ томоғим эса — қақраган, нуқул гижирлайди. Пятеркин, жўна, ҳў бесўнақай, биз ёқмадик! Рашель, юр меникига, сенга қулфлар коллекциясини кўрсатаман.

Прохор. Қачон? Сен энди кўр! Менда ўттиз еттита омборхона қулфи, тўртта қалъа қулфи, қирқ иккита жиринглайдиган сандиқ қулфи бор. Сен бунақасини ҳеч ердан тополмайсан. Бундан ташқари, қани, юр-чи! Икки оғиз гап айтаман... Жуда муҳим гап. (*Уни қўлтиқлаб олиб чиқиб кетади, Рашель истар-истамас унинг орқасидан боради.*)

Наталья. (*синглисига қараб*). Сенга нима бўлди?

Людмила. Ҳеч нима. Уйқум келяпти.

Наталья. Бор.

Людмила. Зерикдим. Йиғлагим келяпти.

Наталья. Бор, ёт, йиғлаб ётсанг — ухлаб қоласан.

Людмила. Доим шунақа бўлади. Васяни кутаман, уйда бўлмаса зеркиб қоламан.

Наталья. Доим сен уни Вася дейсан.

Людмила. Чунки, уни севаман, сен севмайсан.

Наталья. Тўғри, мен севмайман.

Людмила. У буни биледи.

Наталья. Ҳа, билмасин ҳамми?!

Людмила. Сен унга ўхшайсан, худди ўзисан!

Н а т а л ь я. Шуинг учун ҳам бир-биримизни сев-
маймиз!

Л ю д м и л а. Сени у яхши кўради.

Н а т а л ь я. Қийнашни яхши кўради.

Л ю д м и л а. Уни ўзинг қийнайсан.

Н а т а л ь я. Ҳа, мен ҳам.

Л ю д м и л а. Сен бирам... аҳмоқсан-эй! Тоғам ҳам аҳ-
моқ. Коляни ўғирла, деб маслаҳат беряпти.

Н а т а л ь я. Сен буни онамга айта кўрма.

Л ю д м и л а. Албатта айтаман.

Н а т а л ь я. Нега?

Л ю д м и л а. Йўқ, хафа қилишни истамайман, айт-
майман.

Н а т а л ь я (*хўрсиниб*). Сен биз учун арзанда... Ду-
параксан. Ҳеч кимга ўхшамайсан.

В а с с а (*киради*). Бу нима, уришяписизларми?

Л ю д м и л а. Йўқ, гаплашиб ўтирибмиз, холос.

В а с с а. Овозларинг қаттиқ чиқяпти. Прохор яна си-
гара чекибди, бу ерда чекмасин, деб неча бор айтдим. На-
талья ортиқча ичиб қўйганга ўхшайди.

Н а т а л ь я. Ҳали эс-ҳушим жойида.

В а с с а (*портвейн қуяркан*). Чой совиб қолдими? Қа-
ни, менга қуйинглар-чи.

Наталья қуяди.

Етти юз сўмни, худди печкага ташлагандай, ташлаб кел-
дим. Ҳамма ерда порахўрлар. Сотқин бандалар. Бу ерда
нима қилдиларинг?

Н а т а л ь я. Чой ичдик.

Л ю д м и л а. Пятеркини ўйинга тушди. Тоғам, Коляни
ўғирлаб кет деб, Рашелни авради.

В а с с а. Ўҳў, оббо найрангбоз-эй! У нима деди?

Л ю д м и л а. Кўнмади. У хафа бўлиб қолди. Боягиси-
дан ҳам баттар бўлди-қолди. Бирам ёқимсизки! Ақлли
одамларнинг ҳаммаси ҳам ёқимсиз.

В а с с а. Шунақа. Сенингча, мен аҳмоқманми?

Л ю д м и л а. Сен — аҳмоқ ҳам эмассан, ақлли ҳам
эмассан, шунчаки одамсифат бир хотинсан.

В а с с а. Маънисини билолмадим, бу нима деганинг?
Аҳмоқдан ҳам ёмон деганингми? Майли, шундай бўлсин,
одамсифат хотин бўла қолай. Самоварни элтиб бер, айт,
иситсин. Наталья, чет элга боришни истайсанми?

Н а т а л ь я. Жоним билан. Биласиз-ку, ахир.

В а с с а. Боришинг мумкин. Аннани ҳам бирга олиб кетасан.

Н а т а л ь я. Анна билан бормайман.

В а с с а. Нега?

Н а т а л ь я. У шу ердаёқ жонимга теккап.

В а с с а. Бир ўзингни юбормайман. Оббо, қиз тушмагур-эй...

Н а т а л ь я. Шунақа.

В а с с а. Сен билан гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ.

Н а т а л ь я. Коляни тарбия қилиш учун вақт тона-сиэми?

В а с с а. У озгина вақтимни олади, холос.

Н а т а л ь я. Йўқ, менга қараганда, кўпроқ вақтингизни олади.

В а с с а. Анна билан бирга бор. Федорни кўриб кетасан.

Н а т а л ь я. Бу менг унча қанқирмайди.

В а с с а (бақиради). Алвасти! Овозингни ўчир!

Н а т а л ь я. Хўш... ўчирдим

Р а ш е л ь (киради). Сизга нима бўлди?

В а с с а. Ҳеч нарса, бекорга бақирдим. Бекорга жаҳлимни чиқарди, ҳатто юрагим санчиб кетди... Хўш, нима гап, Сизга? Ўзингни ўчирганингизни ўчирдингиз?

Р а ш е л ь. Гичи олган.

В а с с а. У ҳушёрлигида ҳам айта олади... Сиз, қизлар, бориб ухласангиз бўлади вақт аламаҳал бўлиб қолди-ку, а?

Л ю д м и л а. Ужин-чи?

В а с с а. Ужинни унутибман. Ташна бўлдим. Қайноқ чой ичсам дейман. Хўп, боришлар, дастурхон ёзишсин. Хўш, Рашель, нима дейсан?

Р а ш е л ь. Қулоқ солишг, Васса Борисовна, ўғлимни беринг, мен уни чет элга юборай...

В а с с а. Демак, тагин жанжаллашмоқчимсан? Йўқ! Бермайман!

Р а ш е л ь. Сиз уни нима қилмоқчисиз, сира хаёлимга келтира олмайман? Қандай қилиб тарбиялайсиз?

В а с с а. Ташвиш тортма, бир наложини қиламиз. Биз бадавлат одамларданмиз. Пулимиз бўлса бор. Энг яхши муадимларни, профессорларни ёллаймиз... Уқитамиз.

Р а ш е л ь. Уқитасиз-а... Виждонли кишилар билан лозим бўлган нарсаларни эмас, тескарисини ўқитасиз-да. Коля бу уйда балалайкалар, гитаралар, ёғли овқатлар, до-

им ширакайф Прохор Храпов билан, бири — гўдак, бири — ўтакетган сержаҳл икки қиз билан яшайдими? Васса Борисовна, мен сизнинг сийфиғизни яхши билман. Бу ерда, Россияда ҳам, чет элда ҳам, бу синф тузалмас касалга мубтало бўлган! Мол-мулкнинг қули бўлиб, ўзларинг бунёд этмаган нарсалар кучига бўйсуниб, беихтиёр яшайсизлар. Бир-бирларингизни кўра олмай, бир-бирларингизни нафратлаб яшайсизлар, аммо ўзларингга: биз нега яшаймиз, биз кимга керакмиз? — деган саволни ҳам бермайсизлар... Ҳатто, сизларнинг энг яхши, ақлли одамларингиз ҳам, фақат ўлимдан жирканганидан, ундан қўрққанидангина яшайди.

В а с с а. Сайраб бўлдингми? Хўп, дам ол, энди менга кулоқ сол. Мен сенинг сўзларингдан бир нарсага — мана шу нарсага тушунмайман: ҳаёт тўғрисида гапирганингда, нима учундир сенинг ўткир ақлчанг ҳам кўр, ҳам чўлоқ бўлиб қолади. Синф, синф... Ҳей, азизим. менинг пароходчилик ишларимни бошқарувчи Гурий Кротких — синф масаласини сендан кўра яхшироқ тушунади: революциялар сен айтган мана шу аҳмоқ синфга фойдали бўлган вақтдагина қонуний бўлади. Сен бўлсанг, аллақандай гайри қонуний революция тўғрисида гап сотасан... Аллақандай самовий революция тўғрисида... Кроткихнинг гаплари жуда равшан: — социалистлар саноат ва тижорат манфаатлари учун ишчиларни бирлаштириши лозим, дейди. У мана шу хилдаги революцияни таклиф қилади ва бу — жуда тўғри таклиф!.. Бу масалада у аҳмоқ эмас... аммо, умуман иш масалаларига келганда ҳали подон.

Р а ш е л ь. Унинг фамилияси Кроткихми? Мана шунинг учун ҳам у ўз фамилиясига мувофиқ, пролетарларни ювош, мўмин-қобил қилиб тарбиялашнинг тарғиб қиладида. У танҳо эмас. Бундайлар жуда кўп учрайди. Улар сизнинг содиқ қулларингиз, шу сабабдан сиз уларга юқорни мансабларга кўтарилиш учун имкон берасиз...

В а с с а. Мени тушунсанг-чи, ахир, Васса Храповага бу синфнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Жони ҳиқилдогига келиб қолган дейсанми? Келган бўлса, менга нима? Ўзим соғман. Ишим — ўз қўлимда. Менга ҳеч ким монелик қилолмайди, мени ҳеч нарса билан қўрқитиш мумкин эмас. Умримга етарли ҳамма нарса бор, неварамга ҳам жуда кўп нарса йиғман. Мана менинг бутун гапим, бутун ҳикматим. Аммо, Коляни сенга бермайман. Гапни бас қилайлик! Овқатланиш керак. Мен чарчадим.

Ра ш е л ь. Мен ошқат емайман. Сизнинг поинигиз мен учун заҳар... Мен қаерда дам олсам бўлади?

В а с с а. Бор. Наталья кўрсатиб беради. (Стулдан зўрға туради. Яна ўтиради, чақиради.) Анна! (Жавоб йўқ.) Ноним унга заҳар эмиш. Бу сўзни менга ким ботиниб айта оларди? Уҳ... мараз! (Кўнғироқ чалади.)

П о л я. Чақирдингизми?

В а с с а. Башаранг қурсин. Анна қаерда?

П о л я. Қизларнинг олдида.

В а с с а. Чақир. (Бир нарсага қулоқ солган бўлиб ўтиради, бўйинини ушлаб кўради, йўталиб қўяди. Аннага.) Мен йўғимда нима бўлди бу ерда?

А н н а. Прохор Борисович Коляни ўғирлаб кетишни таклиф қилди.

В а с с а. Ўзи таклиф қилдимиз?

А н н а. Ҳа. Дастлаб ўзи: «Тўғри, сенга ўғилнинг нима кераги бор», деди, кейин бирдан қувониб кетди: «Бу синглим учун ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлади», деди.

В а с с а. Наталья нима деди?

А н н а. Наталья ўргатди-да, ўғирлашни...

В а с с а. Чалкаштирама! Ёлгон айтяпсан!

А н н а. Чалкаштироётганим йўқ тўғриш шу: Раҳмановнинг қўлидан кетган ошқатнинг скарининини аштовди, Прохор Борисович «Тўғри!» деди, Наташа ўғирлашни таклиф қилгач, у ҳам кўшпади...

В а с с а. Хўп! У мени нима қилса-ю, чақиб олса. Товонимдан бўлса ҳам тишласа.

А н н а. «Менинг Пятеркиним бор, у битта боланигина эмас, архиерейни ҳам ўғирлай олади», деди.

В а с с а. Пятеркин — зарарли кўппак...

А н н а. Мутлақо ярамас одам! На виждони бор ва на номуси. Бирам дағал, бирам золимки...

В а с с а. Юмшатиб қўямиз.

А н н а. Тобинғиз йўқми?

В а с с а. Нима қишти менга?

А н н а. Юзингиз алланечук.

В а с с а. Қизлар юзимдан ҳеч нима сезишмади. Ҳечқиси йўқ. Чет элга борасан, Анна.

А н н а. (ҳайрон бўлиб). Мен-а?

В а с с а. Сен. Наталья билан. Балки, ўзинг ёлғиз.

А н н а. Ё раббий, қандай шодлик бу! Сизга ташаккур айтишга ҳам... сўз топмай қолдим.

В а с с а. Керак эмас. Сен боришга арзыйсан. Сен мени ҳеч алдамайсанми?

А н н а. Ҳеч вақт.

В а с с а. Хўп, кўрамиз... Федорга хат олиб борасан. Хатни Натальяга кўрсатма. Федорнинг аҳволи қалай,— дарров менга хат ёзасан. Докторлардан сўра. Немис тилини унутмадингми?

А н н а. Йўқ, йўқ, эсимда бор.

В а с с а. Жуда соз... Агар Федорнинг аҳволи ёмон бўлса, охиригача кутасан. Аммо, бу хусусда ва бошқа гаплар устида кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир, мана буни жандарм идорасига обориб, полковник Поповни сўрайсан. Албатта топ! Бўлмаса, чақириб беришсин! Айт, жуда шошилишчи, муҳим иш, дегин.

А н н а. Васса Борисовна...

В а с с а. Сен қулоқ сол! Менинг уйимга чет элдан Рахиль Топаз деган муҳожир хотин келганини унга айтгин. Унинг кимлигини ўзи билади. Рахилни бир марта қамоққа олган. Агар уш яна қамаш керак бўлса, кўчада қамашсин, менинг уйимга келишмасин. Тушундингизми?

А н н а. Хўп, фақат... бу қандай бўлади?

В а с с а. Сен қулоқ сол, эшит! Агар уйга келишса, уни сен ёки мен тутиб берган бўламиз. Шаҳарда яна аҳмоқона миш-миш гаплар тарқалишини нстамайман. Хўш, энди тушундингми?

А н н а. Мен қилолмайман...

В а с с а (ҳайрон). Қилолмайман? Нега?

А н н а. Ботинолмаяпман.

В а с с а. Аяяпсанми, а? Коляга ачинмайсанми? Барн бир Рашелни эрта бўлмаса, индин қамайдилар! Бу қандай гап, менга хизмат қилишдан бош тортасан? Қизиқ! Ишонмайман!

А н н а. Йўқ, ундай эмас, ё раббий! Мен сиз учун жонимни ҳам аямайман! Бу яҳудий хотинга нима учун ачинарканман? Ўзингиз биласиз-ку, у мenden нафратларди.

В а с с а (шубҳаланиб). Нималарни валдирайсан, а? Тушунмайман!

А н н а. Кечаси уларнинг, жандармларнинг олдига боришдан қўрқаман.

В а с с а. Ана холос бемални гаплар... Улар нима, сени еб қўярмиди? (Соатга қарайди.) Ҳа, чиндан ҳам вақт кеч бўлиб қолибди. Попов бирор жойда қарта ўйнаётган-

дир. Майли, эртага эрталаб борарсан. Вақтлароқ, соат етиларда. Шундай қилки, Поповини уйғотиб беришсин.

Анна. Ундай бўлса, раҳмат сизга... (Қўлини ўпди.)

Васса (қўлини юбкасига артиб). Нодон, терлаб кетибсан. юзингдан тер қуйяпти...

Анна юзини артади.

Рашель ҳали ҳам мени кўрқитмоқчи бўлиб, нуқул вақиллайди, синф, синф! Қанақа синф! Синф — мен ўзим! У мени кўролмайди. Шунақа. Мени кўролмайди... Лўли от ўғирлаб қочгандай, ўғлим Федорни ўғирлаб қочди. Лекин ўғлини мендан ололмайди, йўқ! (Жим бўлиб қолади. йўлайди.) Негадир тобим йўқроқ, чарчаганманми... Малина дамлаб бер!

Людмила. Вася, овқатга!

Васса. Овқат ейишни бирам яхши кўрасанки...

Людмила. Ҳа, яхши кўраман! Жудаям!

Васса. Мен сенга ажойиб бир нарса тайёрлаб қўйдим. Епроқ бўлади эмас, бу ҳаётини унинг керекин нарса.

Людмила. Сен ҳамма вақт...

Васса. Кампир Кутушеванинг уйини сотиб олишга қарор қилдим, бегимиз эмас, шундайб қарор қилдим.

Людмила. Бон, онамен, оирам яхши бўладики.

Васса. Нимасини айтасан! Еш князь қарта ўйпаб бой берганга ўхшайди...

Людмила. Қандай яхши! Худодан айланай...

Васса. Княгина сотмоққа шошилляпти. Эртага байпули бераман. Бу сенга чинакам байрам бўлади.

Людмила. Иш бошингдан ортиб ётибди, қандай қилиб улгурасан? Қани, юр, овқатланамиз!

Васса. Егим йўқ, тобим келишмай турибди. Ҳозир малина ичиб ётаман. Овқатни менсиз сяверинглар!

Людмила. Чой-чи?

Васса. Ҳа, айтганча, самоварни бу ерга олиб келинглар, чой ичким келяпти. Рашель ўша ердами?

Людмила. Сарик хужрага қамалиб олди, у ҳам овқат емасмиш. У жудаям ёқимсиз бўлиб қопти. Димоғи шишган!

Васса. Яхши, бора қол. Людка, бор... (Елғиз ўзи қолади. Стулларни ушлаб, худди музда юргандек, хонада у ёқдан-бу ёққа юради, йўталади, инграйди.) Иш... иш кўнайнайпти...(Утирмоқчи бўлади, лекин журғат этолмайди.

Эшикка орқасини қилиб туради.) Докторни чақириш керакмикин, а?

Сочлари тикка, паришон, маст ҳолда Пятёркин киради, Вассага тилини кўрсатади, афтини буриштиради. Гитарани олиб, йўғон торини чертиб кўяди.

Васса (сесканиб). Вой... Бу нима? Ким... Сенга нима керак?

Пятёркин. Гитарага келдим...

Васса. Йўқол, йўқол, шайтон...

Пятёркин. Кетаман! Нега кетмас эканман?.. Мен — ит эмасман, баринлар бўлмасида яшамайман.

Васса. Аҳмоқ... қанақа... шайтон... (Эиладай оғирлиги билан сўрига ўтиради. кофтасининг ёқасини счмоқчи бўлади. ёни билан узола тушади.)

Бир қанча секунд жимлик чўкади.

Анна (қўлида патнис; патнисда чойнак, пиёлалар). Ётоқхонага олиб кириб кўяйми? (Жавоб кутиб бир оғ тўхтайдди. Қўлидаги патнис қалтирайдди, пиёлалар жиринглайдди. Патнисни эҳтиётлик билан столага қўяди, энгашади. Вассанинг юзига қарайди. Дарҳол тик туради, қаттиқ шивирлайди.) Ё раббий, тағрим... Васса Борисовна, сизга нима бўлди? (Қулогини қўйиб тинглайдди, иш столига қараб югуради, бир яшикни очади. Тинтийди, пул топади, қўлигига тикади. Стол устидаги кичкина қутичани очади, ундан ҳам пул топади, пулларни яширади, калитларни топади, чўнтагига солади, қутининг қопқогини жаранглайиб ёпади. Уйдан қочиб чиқиб кетади.)

Пауза. Шошиб Наталья киради, орқасидан Прохор. Биринкетини Анна, Поля, Пятёркин киради.

Наталья (онасининг юзини ушлаб кўради; оҳиста лапирлади). Улибди.

Прохор. Уҳ, сен... Железнов — бир зумда жон берувди, энди бу ҳам шундай бўлдимми? Яна шаҳарда бемаъни гаплар тарқалади. Роса чайнашади энди... Туф... Мана энди... Бадбахт...

Наталья. Жим бўлинг!

Прохор. Жим бўлиниги нимаси? Ната, Аннадан кўз узмаслик керак. Калитларни топ! Пулат сандиқнинг калитини! Анна барини билади! Юбкасининг чўнтагини қара, калит йўқмикан...

Наталья. Кераги йўқ, кетинг бу ердан.

Прохор. Уҳў, кетаман-а! Кетиб бўпман...

Анна (йиғлаб). Наталья Сергеевна, Людочка ҳушдан кетиб ётибди...

Наталья. Докторни чақир...

Анна. Чақирдим. Ё худо, нима қиламиз энди?

Прохор. Калитлар қани? Пўлат сандиқнинг калити?

Наталья. Рашелга айтдингми?

Анна. Унга айтиш керакми, Наталья Сергеевна?

Наталья. Сиз... аблаҳсиз. (Тез чиқади.)

Анна (энтикиб, йиғлаб). Бу нега энди?

Прохор. Эҳ, сен... кўп минғиллама! Пўлат сандиқнинг калитини топ! Қаерда?

Анна. Прохор Борисович, шуни унутмангки, мен ўн уч йил ихлос-садоқат билан хизмат қилдим... (Вассанинг юбкасини қидиради.)

Прохор. Баҳонг қанча бўлса, шунча оласан...

Анна. Бутун ёшлигимни сизга бағишладим... Мана калит!

Прохор (Пятеркинга гапира-гапира, пўлат сандиқ томон боради). Лёшка, ҳеч кимни киритма. Тўхта. Бу кандай гап ёни? (Кўзини бичиради.) Андор мен сағирининг вориси бўламан-ку! Буни қара-я. Менга нима бўлди? А? (Аннага қараб илжайди.) Йўқол кўзимдан, Анка! Мушук бўлиб, суйкалиб янаш лавоинг ўтди! Хўш жини қорди! Э... сендан, аблаҳ!

Анна. Прохор Борисович, бу гапингиздан қайтинг! Бекорга шунақа деяпсиз...

Прохор. Жўна, жўна! Сен ўз ҳиссангни олгансан, хўп ўғирладинг, ўша ҳам етади! Марш!

Анна. Йўқ, кечирасиз! Баъзи бир нарсаларни бор...

Прохор. Ҳа, ҳа! Сенда бор, биламан. Худди шуни айтяпман-да...

Рашель билан Наталья киради.

Рашель (столдаги қоғозларни титиб кўраётган Прохорга). Уғирлик қиялпсизми?

Прохор. Нега? Узимизникини оляпман.

Поля Людмилани олиб киради.

Людмила (Полянинг қўлидан чиқиб, сўрига ўзини ташлайди). Она, она! О-онажон!

Рашель. Узимникини эмиш! Узингизнинг нимангиз бор?

Парда

МУНДАРИЖА

Артамоновлар иши	5
Егор Буличов ва бошқалар	305
Васса Железнова (<i>иккинчи варианты</i>)	363

На узбекском языке

АЛЕКСЕЙ МАКСИМОВИЧ ГОРЬКИЙ

СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

в 10-ти томах

Том V

*При издании использовано Собрание сочинений
М. Горького в 18-ти томах. Москва, Гослитиздат,
1960 г.*

Редактор О. Шаропов
Рисунки В. Битков
Расмлар редактори А. Жин
Техн. редактор В. Барсукова
Корректор Ш. Собирова

Иловайский, Т. 1972 й. Босма л. 12,75. Шартли босма л. 21,42. Нашр л. 23,3. Тиражи 10000. Тафур Фулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Павлов кўчаси 30. Шартнома № 137—71.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1-қўроғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси 30. 1973 йил, заказ № 1820. Баҳоси 1 с. 21 т.